Бундан ташқари, «Ўсимликлар ҳужайра технологияси» лабораторияси мудири профессор Ж. Ф. Зиявитдинов раҳбарлигида Жанубий Оролқумда тарқалган истиқболли ўсимлик турларини ўрганиш юзасидан қатор илмий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, *Nitriaria schoberi, Lycium ruthenicum, Lycium barbarum, Lycium chinense, Atriplex* L. туркуми *Atriplex pratovii, A. tatarica, A. pratovii, A. dimorphostegia, A. nitens, A. aucheri, A. micrantha,* турлари, *Capparis spinosa, Calligonum caput- medusae, Halocnemum strobilaceum, Haloxylon aphyllum, Salsola dendriedes, S.orientalis, S.richteri* ва бошқа кўплаб галофит ўсимликларуларнинг кимёвий таркибини таҳлил қилиш, турли физиологик таъсирга эга биофаол моддаларни ажратиб олиш, ушбу моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш, моддалар тузилиши ва функцияси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш каби тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, танланган ўсимлик турларини *in vitro* культурасига киритиш, ҳар бир тур учун мақбул стериллаш усуллари ва оптимал озуқа муҳитларини белгилаш, ниҳолларни *in vitro* шароитида кўпайтириш ва қайта культуралашнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг турли стресс омилларга чидамлилигини молекуляр-биологик жиҳатдан баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда [1-3].

Адабиётлар таҳлили. *L. barbarum* нинг табиий келиб чиқиш ҳудуди аниқ белгиланмаган бўлсада, катта эҳтимол билан Ўртаер денгизи ҳавзасига тааллуқли эканлиги келтирилган. Ҳозирги вақтда *L. barbarum* дунё бўйлаб илиқ иқлим шароитидаги ҳудудларда, айниқса Ўртаер денгизи минтақаси, Жанубий-Ғарбий ва Марказий Осиёда кенг тарқалган. Шунингдек, Шимолий Америка ва Австралияда ҳимоя девори (живой изгородь) сифатида етиштирилади. *L. chinense* асосан Шарқий Осиёда тарқалган бўлиб, айниқса Жанубий Хитой, Корея ва Японияда етиштирилади. *L. barbarum* ва *L. chinense* 2000 йилдан ортиқ вақт давомида анъанавий тиббиётда қўлланиб келинмоқда. Айрим тиббий манбаларда қайси турдан фойдаланиш лозимлиги борасида фарқлар мавжуд: баъзилари ҳар иккисини тавсия этса, бошқалари фақат биттасини (ёки *L. barbarum*, ёки *L. chinense*) кўрсатади. Бироқ уларнинг қўлланиш кўрсатмалари деярли бир хил. Мевалари хомлигича ва шарбат, вино ёки чой сифатида истеъмол қилинади. Шунингдек, дамлама, кукун ва таблетка шаклида ҳам ишлатилади. Қуритилган меваларнинг тавсия этилган кунлик миқдори 5-12 г ни ташкил қилади [4-6]. *Lycium* мевалари полисахаридлар, каротиноидлар ва флавоноидларга бой манба ҳисобланади [7-9]. Анъанавий хитой тиббиётига оид манбаларда *Lycium* илдиз пўстининг гипертония ва қандли диабетга қарши клиник самарадорлигини тасдиқловчи тадқиқотлар келтирилган [10-11]. Шунингдек, адабиётларнинг аксариятида гожи экстракти қабул қилинганда бош айланиши, чарчоқ, уйқунинг бузилиши ва иштаҳанинг пасайиши ҳамда иммун тизимини тартибга солишда самарали эканлиги қайд этилган [4].

Тадқиқот объекти. *Lycium barbarum* L. баландлиги 2 м гача бўлган бута, новдалари узун ҳивчинсимон ёрқин сариқ рангда, тикансиз ёки унча катта бўлмаган тиканли. Барглари устки қисми яшил, пастки қисми кўкиш, тескари ланцетсимон ёки эллипссимон ланцетсимон, учи ўткирлашган, асос қисми бироз сиқилган ва сезиларсиз равишда бандда ўтади, барг қўлтиғидан ташқарида ривожланган новдаларда тўп бўлиб ривожланади. Калта новдаларда тўп бўлиб, узун новдаларда якка жойлашган. Гулкосачабаргларининг узунлиги 4-5 мм, қўнғироқсимон, 2-3 нотенг бўлакли, ўртасигача ва чуқур бўлинган ёки баъзан 4-5 тишчали. Гултожибаргларининг узунлиги 15 мм, пастки қисми тор цилиндрсимон, воронкасимон кенгайиб, найга айланган. Чангчилари чангдон иплари билан най ўртасига яқин жойда бирикади. Мевалари қизил, узунчоқ тухумсимон ёки кенг тухумсимон. Узунлиги 8-18 мм, эни 5-10 мм. Июн-сентябрда гуллайди. Июл-октябрда мевалари пишади.

Lycium chinense Mill. баландлиги 1-2 метргача етади. Шохлари оч кулранг, ингичка, эгилган ёки осилиб турувчи, 0,5-2 см узунликдаги тиканларга эга. Барглари якка ёки 2-4 тадан гуруҳ бўлиб жойлашади. Шакли тухумсимон, ромбсимон, камдан-кам ҳолларда найзасимон, одатда 1,5-5 см узунликда ва 2,5 см гача кенгликда бўлади. Гуллари барг қўлтиқларида 1-3 тадан гуруҳ бўлиб ўсади, узунлиги 1-1,5 см бўлган гулбандларга эга. Косачаси қўнғироқсимон ёки найчасимон, қисқа учбурчак тишчалари бор ва уларнинг четлари зич тукчалар билан қопланган. Гултожи лаванда ёки оч бинафша рангда, барглари қайрилган қисми 1,5 см гача узунликда бўлиб, четлари қисқа тукчали. Чангчи ипчалари чанғдонлардан узунроқ, деярли гултожига тенг, асосидан бироз юқорида туксимон ҳалқага эга. Меваси -реза, тўқ сариқ-қизил рангда, узунлиги 1,5 см гача ва кенглиги 5-8 мм. Уруғлари сарғиш, 2,5-3 мм узунликда, эгилган эмбрионга эга. Ўсимлик Шарқий Осиё (Хитой, Мўғулистон, Япония, Корея ва Индокитай ярим ороли)дан келиб чиққан. Шимолий Америка, Европа ҳамда Жанубий-Ғарбий ва Жанубий Осиёда ҳам табиийлашган. Россияда бу тур ёввойилашган ҳолда Узоқ Шарқ ва Кавказ ҳудудларида учрайди.

Материал ва усуллар. ***Уруғларни стериллаш.*** Стерилизация қилувчи восита сифатида “Прозаро” фунгициди, кумуш нитрати ($AgNO_3$), натрий гипохлориди (NaClO), водород пероксиди (H_2O_2) ва этил спирти (C_2H_5OH) дан иборат вариантлар қўлланилди. Ҳар бир восита учун таъсир қилиш вақти (дақиқа) ва концентрацияси тажриба шароитидан келиб чиқиб белгилаб олинди. Стерилизация воситалари билан ишлов берилмаган уруғлар назорат сифатида кузатилди. Стерилизация қилувчи воситаларнинг самарадорлиги эксплантларнинг яшаш қобилияти ва инфекцияланиш даражаси (%) асосида баҳоланди. Тадқиқот натижаларига кўра, энг мақбул усул сифатида қуйидаги режим аниқланди: 0,5% ли натрий гипохлорид (NaClO)да 10 дақиқа, 70% ли этил спирти (C_2H_5OH)да 1–2 дақиқа ва 10% ли водород пероксид (H_2O_2)да 20 дақиқа ишлов бериш орқали 100 % стерилликка эришилди.

Озуқа муҳитни тайёрлаш. *In vitro* етиштиришнинг биринчи босқичида MS-Murashige Skoog, кейинчалик WPM озуқа муҳитларидан фойдаланилди. Озуқа муҳитлари аниқ кўрсатмалар асосида (сахароза 30 гр, агар 7,5 г/л, pH 5,6 –5,8) тайёрланди. Эритмалар 30 дақиқа давомида 120-130^{0}C да, 1,3 бар буғ босими остида автоклавланди. Сўнгра, эритмалар ламинар бокслларда 60^{0}C гача совутилиб маҳсус стерил банкаларга қуйиди.

Натижалар ва муҳокамалар. *Бирламчи культуралаш.* Экспалант сифатида WPM озуқа муҳитида етиштирилган уруғларидан униб чиққан илк ниҳолларининг учки апикал меристема тўқимали қисми қаламчаланди озуқа муҳитига кўчириб ўтказилди. Ниҳоллар ушбу озуқа муҳитида 14 суткадан кейин, ниҳоллар дастлаб илдиз ҳосил қилиши, сўнг новда қисмида ўсиш белгилари кузатилди. Тажрибанинг 14-кунида 75-80,0 % ниҳолларда ўсиш жараёнлари кузатилди, яъни дастлаб илдиз тизими мустаҳкам озуқага бирикиши ва мослашганлиги, новданинг учки қисмида янги ҳақиқий барглар шаклланганлиги ҳамда ниҳоллар узунлиги 5-7 см гача чўзилганлиги қайд этилди.

Гормонли муҳитда культуралаш. Навбатдаги босқичда барча турлар WPM + 6-БАП 0.05 мг/л +Гибб 0.5 мг/л+ 50 mM NaCl қўшилган озуқа муҳитига (сахароза 30 гр, агар 7,5 г/л) экилди ва хона ҳарорати 26±2 ºC, ёруғлик 2000 лк, фотоузатиш 16 соатни ташкил қилувчи шароитда тажрибалар олиб борилди. Тажрибанинг иккинчи ҳафтасида гормонли озуқа муҳитидаги микрониҳолларда новдалаш ҳолати кучли намоён бўлиб, ўсимликларнинг бўйига ўсиши, янги барглар ҳосил бўлиши 2-2,5 бараварга ошганлиги кузатилди (1-расм)



Lycium barbarum *Lycium chinense*

1-расм. *in vitro* шароитидаги *Lycium* микрониҳоллари

Ex vitro (ташқи) муҳитга мослаштириш. Ўсимликлар биотехнологиясида *in vitro* шароитида кўп компонентли озуқа муҳитида етиштирилган регенерант-ниҳолларни стерил ҳолатдан тупроқ шароитига ва ташқи муҳит омилларига мослашиб кетиши энг нозик жараёнлардан ҳисобланади. Аксарият ҳолатларда,

микрокўчатларнинг катта қисми ушбу шароитларга мослашмаслиги туфайли мавжуд биоматериаллар нобуд бўлади.

Шу боис, адаптациянинг дастлабки босқичларида ўсимликни илдиз тизими ва ер устки қисми морфо-физиологик жараёнларга бир маромда киришиб кетиши учун бир қанча илмий-амалий ёндашувлардан фойдаланилади. Хусусан, ўсимликларнинг яхши ўсиши учун сунъий туман шароитлари яратиш муҳимдир, бундай шароитларни яратиш мумкин бўлмаган ҳолларда, ўсимликлар шиша идишлар ёки пластик қоплар билан қоплаш талаб этилади. Экишдан 20 - 30 кун ўтгач, яхши илдиз отган ўсимликлар Knudson, Murashige Skoog, Chesnokov, Knop тузлари (ўсимлик турига қараб) ёки мураккаб минерал ўғитлар билан озиқлантирилади [1].

Ушбу тажрибада *Lycium* ниҳолларини *in vitro* шароитидан *ex vitro* ташқи муҳитга олиб ўтилди. Бунинг учун дастлаб бўйи 7-8 см узунликдаги (ўртача ёғочланган) ўсимлик ниҳоллари танлаб олинди ва ностерил бўлган муҳитга, яъни ҳақиқий тупроқ шароитига ўтказилиб, адаптация хусусиятлари ўрганиб борилди. Бунда бир қанча тажриба вариантлари асосида микрониҳолларни дастлабки мослаштириш ишлари олиб борилди. Микрониҳоллар ўсиши билан улар янги субстратли катта идишларга экилди, *ex vitro* шароитига мослаштирилган ўсимликларни кейинги босқичларда етиштириш усуллари ушбу турдаги ўсимликларни кўпайтириш учун қабул қилинган қишлоқ хўжалиги технологиясига мос равишда олиб борилди. (2-расм). *Lycium* ўсимлик турлари учун WPM + 6-БАП 0.5 мг/л + НСК 1 мг/л ва 200 mM NaCl тузларидан фойдаланган ҳолда суғорилди.



2-расм. *Ex vitro* шароитидаги *Lycium* кўчатлари

Ушбу шароитда 25-30 кун оралиғида ўсимлик ниҳоллари мос равишда 15.07±0.42 – 20.12±0.08 см, адаптация улуши *L. barbarum* турида 85,0 % ни, *L. chinense* турида эса 76,5% ни ташкил этди. Хусусан, 15-20 кун мобайнида микрониҳолларнинг ностерил муҳитга тўлиқ мослашганлигини, ўсиш ва ривожланиш белгилари нормал турғун ҳолатда бўлганлиги ҳам ўз тасдиғини ифодалайди.

Дала амалиёти. Етиштирилган микрокўчатлар, иссиқхона шароитида дастлаб гул товакларда ташқи муҳит омилларига босқичма-босқич мослаштирилиб, кейинчалик очиқ дала шароитида адаптация тажрибалари олиб борилди. Тажриба майдони сифатида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг “AL-9424115176- “Орол тубидаги тупрокларни шаклланишида агрофизикавий, биологик жараёнларни иклим узгариши тасрини бахолаш ва шорланган тупрокларнинг унумдорлигини биотехнологик усуллар билан тиклаш” лойихасини дала амалиётлари ўтказиладиган ҳудудлари танланди. (3-расм).



Ушбу ҳудуднинг тупроқлари ҳам кучли шўрланган, қум ва гипс аралаш бўлиб, айнан *Lycium* турларини тўлиқ адаптация қилиш учун ижобий кўрсаткичларни намоён этишига катта туртки бўлди. Олиб борилган тадқиқот натижалари истиқболли, фитомелиорант ва доривор хусусиятларга эга *Lycium* турларини *in vitro* шароитида кўпайтириш орқали Орол денгизининг қуриган тубида кенг кўламли ўсимлик қопламини шакллантириш имконияти мавжудлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Лаборатория тадқиқотлари Биоорганик кимё институти Ўсимликлар ҳужайра технологияси лабораториясининг “Chenopodiaceae оиласи ўсимликларини кучли шўрланиш шароитига мослашишининг

молекуляр механизмларини кичик стресс генлар, метаболом ва протеом даражасида баҳолаш” мавзусидаги фундаментал тадқиқотлари доирасида, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бажарилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Аманова Г.И. Жанубий Оролқумда тарқалган *Nitraria schoberi* L. ўсимлигининг биотехнологияси. Монография. Тошкент, 2025. 120 б.
2. Аманова Г.И., Олимжонов Ш.С., Зиявитдинов Ж.Ф., Хожиев Ш.Т., Тажибоев Ғ.А., Шеримбетов С.Г. Жанубий Оролқумда тарқалган *Nitraria schoberi* L. ўсимлигини *in vitro* шароитида кўпайтириш ва шўрланган тупроқ-шароитга мослаштириш // Вестник КГУ им. Бердаха. № 1 (68) 2025 г. С. 34-37.
3. Халбекова Х.У. «Галофиты Узбекистана (биотехнологический подход и химический анализ)». Монография. Ташкент, 2025. 172 с.
4. Olivier Potterat. Goji (*Lycium barbarum* and *L. chinense*): Phytochemistry, Pharmacology and Safety in the Perspective of Traditional Uses and Recent Popularity// Published online October 20, 2009 Planta Med 2010; 76: 7–19 DOI http://dx.doi.org/ 10.1055/s-0029-1186218.
5. Zhufan X. Practical traditional Chinese medicine. Beijing: Foreign Language Press; 2000.
6. Bensky D, Clavey S, Stuger E. Chinese herbal medicine, 3rd edition. Materia Medica. Seattle: Eastland Press, Inc.; 2004.
7. Qin X, Yamauchi R, Aizawa K, Inakuma T, Kato K. Isolation and characterization of arabinogalactan-protein from the fruit of *Lycium chinense*. Mill. J Appl Glycosci 2000; 47: 155–160.
8. Qin X, Yamauchi R, Aizawa K, Inakuma T, Kato K. Structural features of arabinogalactan-proteins from the fruit of *Lycium chinense* Mill. Carbohydr Res 2001; 333: 79–85.
9. Qin X, Lin H. Isolation and characteristics of araban isolated from fruit of *Lycium chinense* Mill. Shipin Kexue 2003; 24: 52–56.
10. Chen JK, Chen TT. Chinese medical herbology and pharmacology. City of Industry, CA: Art of Medicine Press, Inc.; 2004.
11. Zhu YP. Chinese Materia Medica – chemistry, pharmacology and applications. Amsterdam: Harwood Academic Publishers; 1998.

Аннотация. Тадқиқотда *Lycium barbarum* ва *Lycium chinense* турлари *in vitro* шароитида оптималлаштирилган озуқа муҳитларида самарали кўпайтирилди ва ушбу микрониҳолларни ташқи муҳитга мослаштиришнинг агробиотехнологияси ишлаб чиқилди. Тадқиқот натижаларига кўра, микрониҳолларнинг *ex vitro* (табиий) шароитга мослашув даражаси *L. barbarum* турида 85,0 % ни, *L. chinense* турида эса 76,5% ни ташкил этди. Олинган кўчатлик биоматериаллари асосида илк бор Оролбўйи ҳудудларида *L. barbarum* ва *L. chinense* турларининг бирламчи плантациялари барпо этилди. Олиб борилган тадқиқот натижалари истиқболли, фитомелиорант ва доривор хусусиятларга эга *Lycium* турларини *in vitro* шароитида кўпайтириш орқали Орол денгизининг қуриган тубида кенг кўламли ўсимликлар қопламини шакллантириш имконияти мавжудлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Калит сўзлар. Оролқум, *Lycium, in vitro, ex vitro,* микрониҳол, кўчат, агробиотехнология.

УДК 543.42:546.3:535.37.

ЛЮМИНЕСЦЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИГА ЭГА НАНОМАТЕРИАЛЛАР ЁРДАМИДА СУВДАГИ ОҒИР МЕТАЛЛ ИОНЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ АМАЛИЙ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

О.Ю. Исмаилов, Дж.Н. Исаматова, Б.Т.Ҳаитов, И.Й.Жўраев., Н.Ж. Мирзаяров, А.А. Жўраев Сарсенбаев Н.Т.

ЎзРФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Бердақ номидаги ҚДУ ассистент Ўзбекистон, Р. Қорақалпоғистон, Нукус

Жаҳонда сув ресурслари хавфсизлиги барқарор ривожланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Кўпгина органик ифлослантирувчи моддалардан фарқли ўлароқ, оғир металл ионлари биологик парчаланишга учрамайди ва атроф-муҳитда узоқ вақт давомида сақланади. Сув тизимлари тоғ-кон ва металлургия саноати, аккумуляторлар ишлаб чиқариш, гальваник жараёнлар, электроника саноати, пигментлар ва ўғитлар ишлаб чиқариш, шунингдек, коммунал ва саноат оқава сувлари ҳисобига ифласланади [1].

Қўрғошин, кадмий ва симоб алоҳида хавф туғдиради, чунки бу элементларнинг нисбатан паст консентратсиялари ҳам инсон ва экотизимлар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қўрғошинни ичимлик сувидаги мониторингни талаб қиладиган устувор кимёвий хавф омили сифатида баҳолайди. Ичимлик суви учун ЖССТнинг янгиланган тавсияларида, хусусан, кадмий учун 3 мкг/л ва ноорганик симоб учун 6 мкг/л тахминий қийматлари кўрсатилган [2]. Сув таркибини экологик назорат қилиш паст концентрация даражаларида заҳарли элементларни аниқлай оладиган усулларни талаб қилади. Лаборатория амалиётида атом-абсорбцион спектрометрия (ААС), индуктив боғланган плазмали атом-эмиссион спектрометрия (ICP-OES) ва индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия (ICP-MS) кенг қўлланилади. Бу усуллар юқори сезгирлик ва селективликка эга, бироқ уларни дала шароитида қўллаш ускуналар нархи, намунани тайёрлаш талаблари ва малакали хизмат кўрсатиш зарурати билан чекланган [3].

Юқори сарф-ҳаражат талаб қиладиган қурилмалар ёрдамида аниқлашга муқобил усул оптик кимёвий сенсорлар бўлиб, уларда аниқланаётган ионнинг мавжудлиги люминесценциянинг интенсивлиги, спектрал ҳолатини ўзгаришига олиб келади. Шу соҳада наноматериаллар алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки заррачалар ўлчамининг нанометр диапазонигача камайиши электрон тузилманинг ўзгариши, солиштирма сирт юзасининг ортиши ва кўп сонли фаол сирт марказларининг пайдо бўлиши билан бирга кечади [4].

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, квант нуқталари, углерод квант нуқталари, металл нанокластерлари ва бошқа люминесцент наноматериаллар сувдаги металл ионларини аниқлаш учун сенсор тизимларнинг юқори сезгир элементлари сифатида хизмат қила олади. Хусусан, замонавий шарҳлар

флуоресценцияни сўндириш ва кучайтириш механизмлари, ионнинг нанозарра юзаси билан бевосита ўзаро таъсири, нуқсонли ҳолатлар ва FRET жараёнларининг аҳамиятини таъкидлайди [5].

Ушбу тадқиқот ишининг мақсади люминесцент наноматериаллардан фойдаланган ҳолда сувдаги оғир металл ионларини аниқлашнинг замонавий ёндашувларни таҳлил қилиш шунингдек, уларни экологик мониторинг учун амалий қўллаш имкониятларини баҳолашдан иборат.

Қўйилган мақсадга эришиш учун люминесцент наноматериалларнинг асосий синфларини таҳлил қилиш, наноматериалларнинг металл ионлари билан ўзаро таъсирининг физик-кимёвий механизмларини кўриб чиқиш, турли турдаги наносенсорларнинг афзалликлари ва чекловларини таққослаш, реал сувли матрицаларда металларни аниқлаш имкониятини таҳлил қилиш, нанолюминессент усулларни янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш вазифаларни ҳал этиш зарур бўлади. Бунда токсикологик хавфлилик нафақат элементнинг умумий концентрацияси, балки унинг кимёвий шакли билан ҳам белгиланади. Масалан, хромнинг заҳарлилиги оксидланиш даражасига сезиларли даражада боғлиқ: Cr (VI) Ср (III) га қараганда анча хавфли. Демак, истиқболли сенсор идеал ҳолда нафақат элементнинг умумий миқдорини аниқлашни, балки унинг кимёвий шаклларини фарқлаш имкониятини ҳам таъминлаши керак бўлади.

Аналитик назорат учун микромоляр даражадан наномоляр даражагача бўлган концентрациялар диапазони айниқса муҳимдир. Ҳақиқий табиий ва ичимлик сувларида баъзи заҳарли металларнинг концентрацияси шунчалик паст бўлиши мумкинки, визуал ёки оддий колориметрик аниқлаш етарли бўлмайди.

Шу сабабли, истиқболли таҳлилий тизим аниқлашнинг паст чегараси, юқори селективлиги, таҳлилнинг қисқа вақти, pH ўзгаришига чидамлилиги, минимал намуна тайёрлаш имкони, матрица компонентларига чидамлилиги, арзонлиги, бевосита намуна олиш жойида ишлаш имкониятини юқорилиги билан ажралиб туриши лозим. Ушбу кўрсаткичларни уйғунлиги люминесцент хоссасига эга наноматериалларни экологик мониторингни амалга оширишда самарали эканлигини исботлайди.

Люминесцент наноматериал электромагнит нурланишни ютиш ва уйғонган тизим пастроқ энергияли ҳолатга ўтганда ёруғлик чиқариш хусусиятига эга. Металл ионлари билан таъсирлашганда люминесценциянинг интенсивлиги ўзгариб боради.

Ҳозирги вақтда материалларнинг бир неча синфлари энг фаол тадқиқ қилинмоқда. 1 жадвалда люминесцент наноматериаллар асосий турлари, афзалликлари метал ионларига селективлиги келтириб ўтилган [1-6]

1-жадвал. Люминесцент наноматериаллар асосий турлари

Материал	Афзалликлари	Металл ионларини аниқлаш имконияти
Углерод квант нуқталари (CQDs)	Арзонлиги, сувда яхши эрийди, сиртини функционаллаш-тириш имконияти юқори	Pb^{2+}, Hg^{2+}, Cu^{2+}, Fe^{3+}, Cd^{2+}
Графен квант нуқталари (GQDs)	Ривожланган сирт, юқори функционаллаштириш имконияти	Pb^{2+}, Hg^{2+}, Cu^{2+}
Ярим ўтказгич квант нуқталари	Юқори люминесценция интенсивлиги, тор спектрал чизиқ	Hg^{2+}, Pb^{2+}, Cu^{2+}
Au/Ag нанокластерлар	Юқори сезгирлик, сиртини кимёвий модификация қилиш имконияти	Hg^{2+}, Pb^{2+}, Cu^{2+}
Гибрид нанокомпозитлар	Бир нечта сенсор механизм-ларини бирлаштириш имконияти	Бир вақтнинг ўзида бир нечта ионларни аниқлаш

Жадвалдаги маълумотлардан шуни ҳулоса қилиш мумкинки, люминесцент наноматериаллар орасида углерод ва графен квант нуқталари ўзининг арзонлиги, сувда яхши дисперсланиши ва сиртини функционаллаштириш имконияти туфайли оғир металл ионларини аниқлашда истиқболли ҳисобланади. Ярим ўтказгич квант нуқталари ва Au/Ag нанокластерлар юқори люминесцент сезгирликка эга бўлиб, Hg^{2+}, Pb^{2+} ва Cu^{2+} каби ионларни аниқлашда самарали қўлланилиши мумкин.

Сенсор таъсирнинг асоси металл ионининг люминесцент материал ёки унинг юзасидаги ретсептор гуруҳлар билан ўзаро таъсири люминесцент аниқлашнинг асосий механизми ҳисобланади. Люминесценцияни сўндириш энг кенг тарқалган механизм ҳисобланади.

Динамик сўндиришда металл иони люминофорнинг қўзғалган ҳолати билан ўзаро таъсирлашади. Статик сўндиришда асосий ҳолатда самарали люминесцент нурланишда иштирок этмайдиган комплекс ҳосил бўлади.

Идеаллаштирилган тизим учун боғлиқлик Штерн-Фолмер тенгламаси билан тавсифланади [7]:

$$\frac{F_0}{F} = 1 + KCB \cdot C$$

бу ерда, F_0 - аналити бўлмаган люминесценция интенсивлиги; Ф - ион иштирокидаги интенсивлик; КСВ - ўчириш доимийси; С - анализ концентрацияси.

"Оғир металлар" атамаси экологик кимёда анча кенг қўлланилади, Аналитик нуқтаи назардан аниқ элементлар ва уларнинг ион шаклларини кўриб чиқиш тўғрироқ бўлади. Унга кўра сув тизимларида Pb^{2+}, Hg^{2+}, Cd^{2+}, Cu^{2+}, Zn^{2+}, Ni^{2+}, Co^{2+}, Fe^{2+}/Fe^{3+}, Cr^{3+}/Cr^{6+}, Mn^{2+}, Ag^{+} лар энг кўп назорат қилинади. Бундан ташқари, экологик мониторингда маргимуш, сурма ва таллийни заҳарли элементлар сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу металл ионларининг ҳавфлилик даражаси люминесцент наноматериалларнинг люминесцентлик ҳоссаларини ўзгариши 2-жадвалда келтирилган [8].


2-жадвал. Оғир металл ионларини люминесцент усулда аниқлаш хусусиятлари

Металл ионлари	Асосий хавфлилик даражаси	Функционал гуруҳлар	Таъсир механизми

Pb^{2+}	Нейротоксик таъсир	$–NH_2$, –COOH, –SH	Люминесценцияни сўндириш
Cd^{2+}	Токсик таъсир, биоаккумуляция	–SH, $–NH_2$, –COOH	Люминесценцияни сўндириш
Hg^{2+}	Юқори токсиклик	–SH, таркибида олтингугурт бўлган лигандлар	Кучли сўндириш
Cr^{6+}	Юқори оксидловчи фаоллик	O/N сақловчи гуруҳлар	Сўндириш / электрон кўчиши
Ni^{2+}	Ортиқча миқдорда токсик таъсир	$–NH_2$, –COOH	Люминесценцияни сўндириш
Cu^{2+}	Юқори концентрацияда токсик таъсир	–COOH, $–NH_2$, –SH	Электрон кўчиши
Zn^{2+}	Ортиқча миқдорда токсик таъсир	N/O гуруҳлари	Сўндириш / кучайиш
Fe^{3+}	Сувнинг кимёвий таркибига таъсир	–COOH, –OH, $–PO_4$	Люминесценцияни сўндириш
Co^{2+}	Ортиқча миқдорда токсик таъсир	N/O/S гуруҳлари	Сигналнинг ўзгариши
Mn^{2+}	Ортиқча миқдорда салбий таъсир	O/N гуруҳлари	Люминесценцияни сўндириш
As(III)/As(V)	Юқори токсиклик	–SH, O/N гуруҳлари	Комплекс ҳосил қилиш

Жадвалдан кўриниб турибдики, оғир металл ионларини люминесцент усулда аниқлашда наноматериаллар сиртидаги –SH, $–NH_2$, –COOH, –OH ва фосфат гуруҳлари муҳим роль ўйнайди. Айниқса, Hg^{2+}, Pb^{2+}, Cd^{2+} ва Cu^{2+} ионларини аниқлашда люминесценциянинг сўниши ва электрон кўчиши асосий сенсор механизмлари ҳисобланади. Cr^{6+} каби ионларда эса электрон кўчиши билан боғлиқ жараёнлар муҳим аҳамият касб этади. Функционал гуруҳларни мақсадли танлаш наноматериалларнинг селективлиги ва сезгирлигини ошириш имконини беради. Шу сабабли функционаллаштирилган люминесцент наноматериаллар сув таркибидаги токсик металл ионларини тезкор аниқлаш учун истиқболли аналитик восита ҳисобланади.

Люминесцент наноматериаллар асосидаги сенсор тизимларини сув сифатини назорат қилишда қўллаш намуна олишдан бошлаб, олинган натижаларни экологик баҳолашгача бўлган бир нечта босқичларни ўз ичига олади. Люминесцент наноматериалларни сувдаги оғир металл ионларини аниқлаш учун амалий қўллаш схемаси қуйидаги расмда келтирилган [8-10].



Расм. Люминесцент наноматериаллар ёрдамида сувдаги оғир металларни аниқлаш схемаси.

Ушбу схема сув таркибидаги оғир металл ионларини люминесцент наноматериаллар ёрдамида аниқлашнинг асосий босқичларини ифодалайди. Намуна тайёрлангандан сўнг наноматериал металл ионлари билан таъсирлашади ва люминесценция сигнали ўзгаради. Ушбу сигналнинг оптик қайд этиш ва қайта ишлаш орқали металл ионларининг концентрацияси аниқланади. Олинган натижалар меъёрий кўрсаткичлар билан таққосланади. Мазкур ёндашув сув сифатини тезкор назорат қилиш ва экологик мониторинг олиб бориш учун самарали **усул** ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, люминесцент наноматериаллар сув таркибидаги оғир металл ионларини тезкор, сезгир ва селектив аниқлаш учун истиқболли аналитик восита ҳисобланади. Углерод ва графен квант нуқталари, ярим ўтказгич квант нуқталари, Au/Ag нанокластерлар ҳамда гибрид нанокомпозитлар Pb^{2+}, Cd^{2+}, Hg^{2+}, Cr^{6+}, Cu^{2+} ва бошқа токсик ионларни аниқлашда самарали қўлланилиши мумкин.

Люминесцент сигналнинг сўниши ёки кучайиши, электрон кўчиши, ички фильтр эффекти ва энергиянинг резонанс кўчиши каби механизмлар сенсорларнинг ишлаш асосини ташкил этади. Наноматериаллар сиртини функционаллаштириш уларнинг сезгирлиги ва селективлигини ошириш имконини беради.

Келгусида ушбу сенсорларни портатив оптик қурилмалар ва рақамли технологиялар билан интеграциялаш орқали реал сув намуналарини жойида тезкор ва ишончли мониторинг қилиш имкониятларини кенгайтириш мумкин. Шу боис люминесцент наноматериаллар сув ресурсларининг экологик хавфсизлигини таъминлашда истиқболли технологиялардан бири ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот Ўз РФА Умумий ва ноорганик кимё институти “Нано ва композитцион материаллар” лабораторияси бюджет мавзуси доирасида бажарилган.

АДАБИЁТЛАР

1. World Health Organization. *Guidelines for Drinking-water Quality: Fourth Edition Incorporating the First and Second Addenda*. Geneva: World Health Organization, 2022. 614 p.

2. Li H., Kang Z., Liu Y., Lee S.-T. Carbon nanodots: synthesis, properties and applications // *Journal of Materials Chemistry*. 2012. Vol. 22. P. 24230–24253. DOI: 10.1039/C2JM34690G.
3. Wang Y., Hu A. Carbon quantum dots: synthesis, properties and applications // *Journal of Materials Chemistry C*. 2014. Vol. 2. P. 6921–6939. DOI: 10.1039/C4TC00988F.
4. Baker S. N., Baker G. A. Luminescent Carbon Nanodots: Emergent Nanolights // *Angewandte Chemie International Edition*. 2010. Vol. 49, Issue 38. P. 6726–6744. DOI: 10.1002/anie.200906623.
5. Lakowicz J. R. *Principles of Fluorescence Spectroscopy*. 3rd ed. New York: Springer, 2006. - 954 p. DOI: 10.1007/978-0-387-46312-4.
6. Stern O., Volmer M. Über die Abklingungszeit der Fluoreszenz // *Physikalische Zeitschrift*. 1919. Vol. 20. P. 183–188.
7. Valeur B., Berberan-Santos M. N. *Molecular Fluorescence: Principles and Applications*. 2nd ed. Weinheim: Wiley-VCH, 2012. P. 1–569.
8. Skoog D. A., Holler F. J., Crouch S. R. *Principles of Instrumental Analysis*. 7th ed. Boston: Cengage Learning, 2018. P. 1–976.
9. Harris D. C. *Quantitative Chemical Analysis*. 10th ed. New York: W. H. Freeman and Company, 2020. P. 1–992.
10. World Health Organization. *Chemical Fact Sheets: Cadmium*. Geneva: World Health Organization, 2022. 2 p.

Люминесцент хусусиятларига эга наноматериаллар ёрдамида сувдаги оғир металл ионларини аниқлашнинг амалий қўллаш истиқболлари

Аннотация. Ушбу тадқиқотда сув таркибидаги оғир металл ионларини аниқлашда люминесцент наноматериалларга асосланган сенсор тизимларининг имкониятлари таҳлил қилинган. Углерод ва графен квант нуқталари, ярим ўтказгич квант нуқталари, металл нанокластерлар ҳамда гибрид нанокомпозитларнинг асосий хусусиятлари ва металл ионлари билан ўзаро таъсир механизмлари кўриб чиқилган. Люминесценциянинг сўниши, электрон кўчиши ва энергиянинг резонанс кўчиши каби сенсор механизмларига алоҳида эътибор қаратилган. Люминесцент наноматериалларнинг Pb^{2+}, Cd^{2+}, Hg^{2+}, Cr^{6+}, Cu^{2+} ва бошқа токсик металл ионларини паст концентрацияларда аниқлашдаги имкониятлари баҳоланган. Тадқиқот натижалари ушбу наноматериаллар сув сифатини тезкор ва сезгир экологик мониторинг қилиш учун истиқболли эканлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: люминесцент наноматериаллар, оғир металл ионлари, сув мониторинги, квант нуқталари, наносенсор, люминесценция, экологик мониторинг.

Аннотация. В данном исследовании проанализированы возможности сенсорных систем на основе люминесцентных наноматериалов для обнаружения ионов тяжелых металлов в составе воды. Рассмотрены основные свойства и механизмы взаимодействия с ионами металлов углеродных и графеновых квантовых точек, полупроводниковых квантовых точек, металлических нанокластеров и гибридных нанокомпозитов. Особое внимание уделено сенсорным механизмам, таким как затухание люминесценции, перенос электронов и резонансный перенос энергии. Оценены возможности люминесцентных наноматериалов для обнаружения ионов Pb2+, Cd2+, Hg2+, Cr6+, Cu2+ и других токсичных металлов при низких концентрациях. Результаты исследования показывают, что эти наноматериалы перспективны для оперативного и чувствительного экологического мониторинга качества воды.

Ключевые слова: люминесцентные наноматериалы, ионы тяжелых металлов, мониторинг воды, квантовые точки, наносенсор, люминесценция, экологический мониторинг.

Abstract. This study analyzes the capabilities of sensor systems based on luminescent nanomaterials for detecting heavy metal ions in water. The main properties and mechanisms of interaction with metal ions of carbon and graphene quantum dots, semiconductor quantum dots, metallic nanoclusters and hybrid nanocomposites are considered. Particular attention is paid to sensory mechanisms such as luminescence attenuation, electron transfer, and resonant energy transfer. The possibilities of luminescent nanomaterials for detecting Pb2+, Cd2+, Hg2+, Cr6+, Cu2+ and other toxic metal ions at low concentrations have been evaluated. The research results show that these nanomaterials are promising for the rapid and sensitive environmental monitoring of water quality.

Key words: luminescent nanomaterials, heavy metal ions, water monitoring, quantum dots, nanosensor, luminescence, environmental monitoring.

XONDIZA BOYITISH FABRIKASIDA XOMASHYO TARKIBI VA DISPERSLIK DARAJASI O‘ZGARGAN SHAROITDA TEXNOLOGIK JARAYONLARNI BOSHQARISHNING TAHLILIY METODIKASI

Raxmanov B.A.[1], Eshqurbonov F.B.[2], Saburov Sh.U.[3], Abdullayeva R.I.[2], Jo‘rayeva M.A.[2]

[1]Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti, Denov

[2] Termiz davlat muhandislik va agrotexnologiyalar universiteti, Termiz

[3]Qoraqolpog‘iston qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti, Nukus

Kirish. Jahon kon-metallurgiya sanoatida foydali qazilmalarni qazib olish ko‘lamining kengayishi xomashyo bazasi sifatining o‘zgarishiga, xususan, rudadagi qimmatli komponentlar miqdorining bosqichma-bosqich kamayishiga (rudaning kambag‘allashuviga) olib kelmoqda [1]. Bunday sharoitda boyitish fabrikalarining samaradorligini saqlab qolish uchun texnologik jarayonlarni boshqarish aniqligi va tezkorligiga bo‘lgan talab ortadi. Xondiza koni polimetall rudalarini qayta ishlash amaliyoti shuni ko‘rsatadiki, rudadagi rux va qo‘rg‘oshin konsentratsiyasining pasayishi flotatsiya vaqtida reagentlar sarfini optimallashtirishni hamda chiqindilardagi metall yo‘qotilishini nazorat qilishni murakkablashtiradi [2].

Adabiyotlarda ta’kidlanishicha, tarkibi kambag‘al rudalarni qayta ishlashda boyitish mahsulotlarining donadorlik tarkibi, ya’ni minerallarning ochilish darajasi tahlil natijalarining ishonchliligiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi [3]. Ma’lumki, boyitish jarayonida maydalash va saralash bosqichlari nafaqat minerallarni flotatsiyaga tayyorlabgina qolmay, balki tahlil uchun olingan namunaning bir jinslilik darajasini ham belgilab beradi [4]. Gidrosiklon ishlashi natijasida olinadigan mahsulotlarning donadorlik tarkibi, xususan -0,071 mm yiriklikdagi sinf ulushining yuqoriligi kompleksonometrik titrlashda tahlil xatoligini kamaytirish imkonini beradi [5]. Zamonaviy tahlil usullari orasida kompleksonometriya o‘zining tejamkorligi va tezkorligi tufayli, ayniqsa, ruda sifati yomonlashayotgan sharoitda texnologik rejimni tezkor nazorat qilish uchun juda qulaydir [6]. Biroq ruda kambag‘allashgan sari fon

aralashmalarining (yo‘ldosh elementlarning) nisbiy miqdori ortishi tahlilning sezgirligini oshirishni taqozo etadi [7]. Shu munosabat bilan, Xondiza boyitish fabrikasining 2026-yilgi amaldagi ishlab chiqarish ma’lumotlari asosida xomashyo tarkibi va donadorlik tarkibining tahlil metodikasi aniqligiga ta’sirini o‘rganish muhim ilmiy va amaliy ahamiyatga ega [8]. Ushbu tadqiqotning maqsadi tarkibi juda kam miqdordagi polimetall rudalarni qayta ishlashda gidrosiklon ishlashi samaradorligini (elak tahlili natijalariga ko‘ra) baholash hamda takomillashtirilgan kompleksonometrik metodika yordamida texnologik mahsulotlar nazoratini optimallashtirishdan iborat.

Materiallar va tadqiqot usullari. Tadqiqot obyektlari sifatida 2026-yil yanvar holatiga ko‘ra Xondiza boyitish fabrikasining texnologik mahsulotlari hamda maydalash va tasniflash siklidagi gidrosiklonlarning chiqish namunalari olindi. Ushbu davrda qayta ishlanayotgan rudaning polimetallik darajasi oldingi yillarga nisbatan biroz pasayganligi sababli, tahlil uchun namuna tayyorlashda disperslik darajasiga alohida e’tibor qaratildi. Maydalash samaradorligini va zarralarning ochilish darajasini aniqlash maqsadida namunalar 0,071 mm li nazorat elaklarida elak tahlilidan o‘tkazildi. Bu tahlil uchun olingan laboratoriya namunasining bir jinsliligini ta’minlashning asosiy shartidir [11]. Kimyoviy tahlillar takomillashtirilgan kompleksometrik titrlash usuli yordamida, Trilon B (EDTA) ning 0,025 M ishchi eritmalari bilan bajarildi. Tajribalar davomida rux va qo‘rg‘oshin ionlarini aniqlashda muhitning pH ko‘rsatkichi mos ravishda 10 va 5,5 ga teng barqaror qiymatlarda saqlandi hamda indikator sifatida erioxrom qora T va ksilenol zarg‘aldog‘i ishlatildi [12].

Past tarkibli rudadagi yo‘ldosh elementlarning (temir, mis) xalaqit beruvchi ta’sirini bartaraf etish uchun tahlil jarayoniga natriy ftorid va tiokarbamiddan iborat selektiv niqoblovchi vositalar tizimi kiritildi. Tasniflash jarayonidagi dispers tarkibning tahlil aniqligiga va metallarni ajratib olish koeffitsiyentiga ta’sirini o‘rganishda fabrikaning 2026-yilgi haqiqiy ishlab chiqarish ma’lumotlari bilan laboratoriya nazorati natijalari o‘zaro qiyosiy tahlil qilindi [13].

Tadqiqot natijalari va ularning muhokamasi. Xondiza boyitish fabrikasining 2026-yil yanvar oyi holatiga ko‘ra texnologik ko‘rsatkichlari tahlil qilinganda, qayta ishlanayotgan rudaning polimetallik darajasi avvalgi yillarga nisbatan birmuncha pasayganligi va rux miqdori o‘rtacha 3,32-3,61%, qo‘rg‘oshin esa 1,28-1,31% oralig‘ida ekanligi aniqlandi. Bunday "kambag‘allashgan" ruda sharoitida tahlilning aniqligi va operativligi flotatsiya chiqindilarida foydali komponentlar yo‘qolishini minimallashtirishda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Tadqiqotlar davomida gidrosiklonlar (GTS-700, 500, 360) ishining samaradorligi disperslik tahlili (sitovoy analiz) yordamida o‘rganilganda, maydalash mahsuloti tarkibidagi -0,071 mm sinf miqdori 97,9% ni tashkil etishi qayd etildi. Ma’lumki, maydalash mahsulotining disperslik darajasi qanchalik yuqori bo‘lsa, mineral zarrachalarning ochilish darajasi va namunaning gomogenligi shunchalik ortadi, bu esa o‘z navbatida kimyoviy tahlil aniqligini ta’minlaydi [9]. Ushbu yuqori disperslik darajasi kompleksonometrik titrlash jarayonida olinadigan natijalarning takrorlanuvchanligini oshirish bilan birga, gidrosiklonlar klassifikatsiyasining yuqori samaradorligidan dalolat beradi [10].

2026-yil 6-yanvar va 7-yanvar kunlari olingan ma’lumotlar shuni ko‘rsatdiki, takomillashtirilgan nazorat metodikasi va yuqori dispersliкdagi namunalar bilan ishlash natijasida boyitish chiqindilaridagi (Otv xvt) metallar miqdorini rux bo‘yicha 0,46-0,62% va mis bo‘yicha 0,06-0,07% gacha tushirishga erishildi. Shu bilan birga, rux kontsentratida ruxning miqdori 55,61\% ni tashkil etishi, ruda tarkibi kambag‘allashgan sharoitda ham kompleksonometrik usul orqali texnologik jarayonni yuqori aniqlikda boshqarish mumkinligini tasdiqlaydi. Ayniqsa, qo‘rg‘oshin kontsentratida ruxning nisbiy ulushi (14,28-14,94%) yuqoriligicha qolishi tahlil jarayonida selektiv niqoblash agentlarini qo‘llash zaruriyatini yana bir bor isbotladi.

2026-yil 6-yanvar holatiga ko‘ra Xondiza boyitish fabrikasining xomashyo balansi tahlil qilinganda (1-jadval), ruda tarkibidagi foydali komponentlar miqdori sezilarli darajada pasayganligi (Zn- 3,32%, Pb- 1,31%) kuzatildi. 2021-yilgi ko‘rsatkichlar bilan qiyoslaganda, rux miqdori deyarli ikki barobarga kamaygan. Bunday sharoitda kompleksonometrik tahlilning sezgirligini oshirish maqsadida Trilon B eritmasining konsentratsiyasi 0,025 M gacha suyultirildi. Ushbu smenada rux kontsentratining sifati 55,61% ni tashkil etdi, bu esa ruda kambag‘al bo‘lishiga qaramasdan, boyitish jarayoni yuqori selektivlik bilan boshqarilganidan dalolat beradi. Ayniqsa, flotatsiya chiqindisidagi (Otv xvt) rux miqdori 0,46% gacha tushganligi, tahlil natijalari asosida reagentlar dozirovkasi operativ ravishda to‘g‘ri sozlanganini ko‘rsatadi.

1-jadval. “Xondiza” ruda boshqarmasidagi xomashyo harakati (06.01.2026 holatiga ko‘ra 3-smena)

№	Materiallarning nomi	Aniqlangan komponentlar		
		Cu	Zn	Pb
	Zn k-t tayyori	-	-	-
	Cu k-t tayyori	21,89	4,98	6,33
	Pb k-t tayyori	3,59	13,02	38,68
1	Ruda	0,42	3,32	1,31
2	Cu Pb k-t	7,90	13,28	28,28
3	Cu Pb xvt	0,11	2,07	0,19
4	Zn k-t	1,09	55,61	3,92
5	Cu Pb pit	9,20	12,03	30,16
6	Cu k-t	20,15	3,49	7,91

7	Cu xvt	2,74	16,68	32,50
8	Pb k-t pit	3,61	16,35	29,02
9	Pb k-t	3,98	14,28	43,28
10	Pb xvt	1,99	18,26	10,18
11	Otv xvt	0,06	0,46	0,19

Navbatdagi sutkaning birinchi smenasi ma’lumotlari (2-jadval) ruda tarkibining barqarorligini (Zn- 3,61%, Pb-1,28%) ko‘rsatdi. Ushbu bosqichda gidrosiklonlar ishi natijasida olingan mahsulotning sitovoy analiz natijalari, ya’ni 0,071 mm sinf miqdorining 97,9% ni tashkil etishi tahliliy namuna olish jarayonini tubdan osonlashtirdi. Bunday yuqori disperslik darajasi ruda tarkibidagi mineral zarrachalarning to‘liq ochilishini ta’minlaydi, bu esa kompleksonometrik titrlashda namuna parchalanishi (rastvorenie) va indikator o‘tishining aniqligini 0,3-0,5% ga oshiradi [10]. Qo‘rg‘oshin kontsentratida rux miqdorining 14,28% bo‘lishi esa, ruda kambag‘al bo‘lsa-da, ionlararo interferensiya muammosi saqlanib qolishini va niqoblovchi agentlarni qo‘llash zarurligini tasdiqlaydi.

2-jadval. “Xondiza” ruda boshqarmasidagi xomashyo harakati (07.01.2026 holatiga ko‘ra 1-smena)

№	Materiallarning nomi	Aniqlangan komponentlar		
		Cu	Zn	Pb
1	Ruda	0,50	3,61	1,28
2	Cu Pb k-t	6,34	13,38	23,07
3	Cu Pb xvt	0,11	2,69	0,22
4	Zn k-t	1,00	55,61	3,24
5	Cu Pb pit	8,15	12,86	26,01
6	Cu k-t	19,72	4,06	6,03
7	Cu xvt	1,99	18,09	40,79
8	Pb k-t pit	2,98	17,01	29,78
9	Pb k-t	4,17	14,94	40,26
10	Pb xvt	2,36	19,09	18,24
11	Otv xvt	0,07	0,62	0,15

Shu kunning uchinchi smenasidagi ko‘rsatkichlar (3-jadval) tahlili shuni ko‘rsatdiki, texnologik jarayonning barqarorlashishi natijasida mis kontsentratida mis miqdori 17,21% ga yetgan, biroq undagi rux ulushi 10,74% ni tashkil etgan. Bu holatda misni aniqlashda ruxni tiomochevina yordamida niqoblash metodikasi o‘zining yuqori samaradorligini ko‘rsatdi. Chiqindilarda rux miqdorining 0,62% bo‘lishi ruda tarkibi biroz boyigan (Zn- 3,57%) sharoitda ham yo‘qotishlar minimal darajada ushlab turilganini anglatadi. Umumiy qilib aytganda, 2026-yilgi jadvallar tahlili shuni isbotladiki, yuqori disperslik darajasi (97,9% li 0,071 mm sinf) va ekspress kompleksonometrik nazorat uyg‘unligi "kambag‘allashgan" polimetall rudalarini qayta ishlashda texnologik barqarorlikni ta’minlovchi asosiy omildir.

3-jadval. “Xondiza” ruda boshqarmasidagi xomashyo harakati (07.01.2026 holatiga ko‘ra 2-smena)

№	Materiallarning nomi	Aniqlangan komponentlar		
		Cu	Zn	Pb
1	Ruda	0,40	2,73	0,98
2	Cu Pb k-t	6,40	14,27	30,83
3	Cu Pb xvt	0,10	2,61	0,22
4	Zn k-t	1,18	55,44	4,67
5	Cu Pb pit	6,53	14,39	26,61
6	Cu k-t	15,23	4,07	5,58
7	Cu xvt	2,67	18,84	31,51
8	Pb k-t pit	2,80	17,76	34,68
9	Pb k-t	4,66	14,36	43,80
10	Pb xvt	1,99	18,92	27,67
11	Otv xvt	0,09	0,53	0,19

Xondiza boyitish fabrikasida 2021 va 2026-yillar oralig‘ida amalga oshirilgan texnologik jarayonlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, klassifikatsiya bosqichidagi mahsulotlarning disperslik tarkibi kimyoviy nazorat aniqligiga va metallarni ajratib olish koeffitsiyentiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. 4-jadval ma’lumotlariga ko‘ra, 2021-yil 7-may holatida gidrosiklonlar chiqishidagi tayyor mahsulot tarkibida -0,071 mm o‘lchamli sinf miqdori 92,4% dan 94,8% gachani tashkil etgan. Ushbu davrda ruda tarkibi nisbatan boy (Zn≈7,45%) bo‘lishiga qaramasdan, flotatsiya chiqindilaridagi (Otv xvt) rux miqdori 2,01% gacha yetganligi kuzatildi. Bu holat mineral zarrachalarning 0,071 mm sinf bo‘yicha to‘liq ochilmaganligi hamda kompleksonometrik tahlil uchun olingan laboratoriya namunalarining gomogenligi (bir xilligi) yetarli darajada bo‘lmaganligi bilan izohlanadi, bu esa o‘z navbatida titrlash jarayonida musbat xatoliklarni keltirib chiqargan.

4-jadval. “Xondiza” ruda boshqarmasidagi xomashyo harakati (Sod-e Kl-s-0,071%, 07.05.2021 holatiga ko‘ra)

		1-smena	2-smena	3-smena
1	Gidrosiklon 700	52	54	52
2	Gidrosiklon 500	62	66	64
3	Gidrosiklon 360	98	98	97
4	Otvalniy xvost	68	72	70

5-jadvalda keltirilgan 2026-yil 7-yanvar holatidagi sitovka natijalari esa texnologik jarayonning sezilarli darajada optimallashganini ko‘rsatdi. Gidrosiklonlar (GTS-700, 500) ish rejimini sozlash natijasida namunaning -0,071 mm sinf bo‘yicha disperslik darajasi rekord ko‘rsatkich - 97,9% ga yetkazildi. Ruda tarkibi "kambag‘allashgan" (Zn ≈ 3,32%) bo‘lishiga qaramay, bunday yuqori disperslik darajasi foydali komponentlarning maksimal darajada ochilishini va tahlil jarayonida kislotali parchalanishning to‘liqligini ta’minladi.

5-jadval. “Xondiza” ruda boshqarmasidagi xomashyo harakati (07.01.2026 holatiga ko‘ra, Sod-e Kl-s-0,071%)

		1-smena	2-smena	3-smena
1	Gidrosiklon 700	48	54	48
2	Gidrosiklon 500	58	75	58
3	Gidrosiklon 360	98	98	98
4	Otv xvt	74	78	68

4- va 5-jadvallarni o‘zaro qiyoslash shuni isbotlaydiki, disperslik darajasining 92,4% dan 97,9% gacha ortishi, ruda sifati pasaygan sharoitda ham flotatsiya chiqindilaridagi rux miqdorini 2,01% dan 0,46% gacha (deyarli 4 barobarga) kamaytirish imkonini bergan. Bu esa kompleksonometrik tahlilning operativligi va yuqori disperslikdagi namunalar bilan ishlash uyg‘unligi Xondiza boyitish fabrikasining barqaror iqtisodiy samaradorligini ta’minlovchi fundamental omil ekanligini tasdiqlaydi.

2026-yil yanvar oyi ma’lumotlari tahlil qilinganda, ruda tarkibida rux miqdori 3,32-3,61% oralig‘ida ekanligi aniqlandi. Bunday "kambag‘allashgan" sharoitda tahlilning aniqligi hal qiluvchi rol o‘ynaydi. 4-jadval ma’lumotlariga ko‘ra, 2021-yilda disperslik darajasi 92,4-94,8% bo‘lganda, chiqindilardagi (Otv xvt) rux yo‘qolishi 2,01% ni tashkil etgan. Biroq, 5-jadvalda keltirilgan 2026-yilgi sitovka natijalari shuni ko‘rsatdiki, disperslik darajasining 97,9% ga yetkazilishi mineral zarrachalarning to‘liq ochilishini ta’minladi. Qiyosiy tahlil shuni isbotlaydiki, disperslik darajasining ortishi ruda sifati pasaygan sharoitda ham flotatsiya chiqindilaridagi rux miqdorini 0,46% gacha (deyarli 4 barobarga) kamaytirish imkonini bergan. Bu kompleksonometrik tahlilning operativligi va yuqori disperslikdagi namunalar bilan ishlash uyg‘unligining natijasidir.

Xulosa. Xondiza boyitish fabrikasining 2026-yilgi ko‘rsatkichlari shuni ko‘rsatadiki, ruda tarkibi kambag‘allashgan sharoitda ham kompleksonometrik usul o‘zining ishonchliligini saqlab qoladi. Gidrosiklonlar ishi natijasida namunaning 97,9% qismi 0,071 mm gacha maydalanishi tahlil xatoligini minimallashtirish va texnologik rejimni aniq sozlash imkonini berdi. Ushbu tizim metall ajralib chiqish koeffitsiyentini barqaror saqlash va iqtisodiy samaradorlikni oshirishda muhim ahamiyatga ega.

ADABIYOTLAR

1. Abramov, A. A. (2015). Tekhnologiya obogashcheniya rud tsvetnykh metallov. Moskva: Nedra.
2. Yusupov, T. S., & Bakirov, A. A. (2023). Vliyanie izmeneniya kachestva polimetallicheskikh rud na pokazateli obogashcheniya. Gorniy jurnal, №5, 32-38 betlar.
3. Kelly, E. G., & Spottiswood, D. J. (1982). Introduction to Mineral Processing. Wiley-Interscience.
4. Napier-Munn, T. J. (2006). Mineral Processing Plant Design, Practice, and Control. SME.
5. Glembotskaya, T. V. (2019). Osnovy tekhnologicheskogo kontrolya na obogatitelnykh fabrikakh. Moskva: MISiS.
6. Schwarzenbach, G. (1957). Complexometric Titrations. Interscience Publishers.
7. Ismailov, M. I. (2024). Analiticheskiy kontrol bednykh polimetallicheskikh rud v sovremennykh usloviyakh. Tashkent: Fan.
8. Khalimov, I. U. (2022). Povyshenie selektivnosti kompleksonometricheskogo titrovaniya v polimetallicheskikh sistemakh. Uzbekskiy khimicheskiy jurnal, №2, 14-20 betlar.
9. Mular, A. L., & Bhappu, R. B. (2012). Mineral Processing Plant Design. Society for Mining, Metallurgy, and Exploration.
10. Taggart, A. F. (1945). Handbook of Mineral Dressing. John Wiley & Sons.
11. Barskiy, L. A. (2014). Osnovi obogashcheniya poleznikh iskopaemikh. Moskva: Nedra.
12. Umland, F., & Janssen, A. (1975). Kompleksnie soedineniya v analiticheskoy khimii. Moskva: Mir.
13. Yusupov, T. S. (2024). Metodologiya kontrolya tekhnologicheskikh pokazateley na osnove dispersnogo analiza. Gorniy vestnik Uzbekistana, №1, 56-61-betlar.

Xondiza boyitish fabrikasida xomashyo tarkibi va disperslik darajasi o‘zgargan sharoitda texnologik jarayonlarni boshqarishning tahliliy metodikasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada Xondiza boyitish fabrikasida tarkibida qimmatli komponentlar miqdori kamaygan past navli (juda kambag‘al) polimetall rudalarni qayta ishlash jarayonining tahliliy nazorati o‘rganiladi. Tadqiqotda 2026-yil uchun texnologik ko‘rsatkichlar va maydalash zanjiridagi mahsulotlarning zarrachalar o‘lchamiga ko‘ra taqsimlanishi (0,071 mm sinfi) tahlil qilingan.

Ruda tarkibida rux va qo‘rg‘oshin miqdori kamaygan sharoitlarda flotatsiya chiqindilaridagi yo‘qotishlarni minimallashtirishda tahlil tezligi va maydalash mayinligi asosiy omillar ekani aniqlandi. Zarrachalar o‘lchamini tahlil qilish bilan birgalikda qo‘llaniladigan taklif etilgan kompleksometrik usul texnologik jarayonni samarali boshqarish imkonini beradi.

Kalit so‘zlar: polimetall ruda, past navli ruda, kompleksometriya, maydalash mayinligi, elak tahlili, gidrosiklon, texnologik nazorat, rux va qo‘rg‘oshin, ekspress-tahlil.

Аналитическая методика управления технологическими процессами на хандизинской обогатительной фабрике в условиях изменения состава и дисперсности сырья

Аннотация: В статье рассматривается аналитический контроль процесса переработки низкосортных ("бедных") полиметаллических руд с пониженным содержанием ценных компонентов на Хандизинской обогатительной фабрике. В исследовании анализируются технологические показатели за 2026 год и гранулометрический состав (класс крупности 0,071 мм) продуктов в цикле измельчения. Установлено, что в условиях пониженного содержания цинка и свинца в руде скорость проведения анализа и тонина помола являются ключевыми факторами для минимизации потерь в хвостах флотации. Предлагаемый комплексонометрический метод в сочетании с гранулометрическим анализом позволяет эффективно управлять технологическим процессом.

Ключевые слова: полиметаллическая руда, низкосортная руда, комплексонометрия, тонина помола, ситовый анализ, гидроциклон, технологический контроль, цинк и свинец, экспресс-анализ.

Analytical methodology for managing technological processes at the khondiza concentration plant under conditions of varying raw material composition and dispersity

Abstract: This article examines the analytical control of the processing of low-grade ("depleted") polymetallic ores, which have a reduced content of valuable components, at the Khondiza enrichment plant. The study analyzes the technological indicators for 2026 and the particle size distribution (0.071 mm class) of products in the grinding circuit. It was determined that under conditions of reduced zinc and lead content in the ore, the speed of analysis and the fineness of grinding are key factors in minimizing losses in flotation tailings. The proposed complexometric method, in combination with particle size analysis, allows for the effective management of the technological process.

Keywords: polymetallic ore, low-grade ore, complexometry, fineness of grinding, sieve analysis, hydrocyclone, technological control, zinc and lead, rapid analysis.

SHEROBOD ARGILLIT MINERALI BILAN MODIFIKATSIYALANGAN IKKILAMCHI POLIOLEFINLAR ASOSIDAGI GEOMEMBRANALARNING STRUKTURAVIY VA FIZIK-MEXANIK XUSUSIYATLARI

Davronova M.N.[1], Eshqurbonov F.B.[2], Saburov Sh.U.[3], Abdullayeva R.I.[2], Jo‘rayeva M.A.[2]

[1] Termiz davlat tibbiyot universiteti Termiz filiali, Termiz

[2] Termiz davlat muhandislik va agrotexnologiyalar universiteti, Termiz

[3]Qoraqolpog‘iston qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti, Nukus

Kirish. Dunyoda polimer chiqindilarining miqdori ortib borishi va ularni ekologik hamda iqtisodiy jihatdan samarali qayta ishlash barqaror rivojlanishning strategik yo‘nalishi hisoblanadi. Gidrotexnika inshootlari va melioratsiya tizimlarida keng qo‘llaniladigan geomembranalarni polimer mahsulotlarining asosiy qismini tashkil etuvchi chiqindi poliolefinlardan, xususan, qayta ishlangan past zichlikdagi polietilen (q-PZP), qayta ishlangan yuqori zichlikdagi polietilen (q-YZP) va qayta ishlangan polipropilendan (q-PP) ishlab chiqarish muhim ahamiyat kasb etadi [1, 2]. Biroq qayta ishlangan polimerlar takroriy termomexanik ishlov berish jarayonida kuchli degradatsiyaga uchraydi. Natijada makromolekulyar zanjirlar uziladi va materialning fizik-mexanik hamda ekspluatatsion xossalari dastlabki xomashyoga nisbatan keskin yomonlashadi [3]. Ushbu kamchiliklarni bartaraf etish va materialning mexanik mustahkamligini oshirish maqsadida uni tarkibida qatlamli alyumosilikatlar bo‘lgan mahalliy minerallar, xususan, argillitlar bilan to‘ldirish istiqbolli usul hisoblanadi [4].

Shu bilan birga, polimer-mineral tizimlarni yaratishdagi eng asosiy muammo qutbsiz polimer matritsasi (YZP, PZP, PP) bilan mineral to‘ldiruvchi (argillit)ning gidrofil yuzasi o‘rtasidagi nomuvofiqlik bo‘lib, bu fazalararo adgeziyaning past bo‘lishiga olib keladi. Agar gibrid tizimga maxsus modifikatorlar kiritilmasa, mineral zarrachalar polimer muhitida bir tekis taqsimlanmay, klasterlar (aglomeratsiya) hosil qiladi. Bu klasterlar materialning mustahkamligini oshirish o‘rniga, kuchlanish to‘planadigan nuqson markazlariga aylanadi [5, 6]. Shu sababli, polimer zanjirlari va argillit zarrachalari o‘rtasida mustahkam kimyoviy va fizikaviy bog‘lanishlarni hosil qilish uchun moslashtiruvchi vosita sifatida malein angidridi (MA) qo‘llaniladi [7]. Malein angidridining funksional guruhlari polimer zanjirlariga payvandlanib, argillit yuzasidagi gidroksil guruhlari bilan kimyoviy bog‘lanish hosil qiladi va natijada gibrid interkalyatsiyalangan mikrostruktura shakllanadi [8].

So‘nggi yillarda xorijiy olimlar tomonidan mineral to‘ldiruvchilarning polimer xossalariga ta’siri bo‘yicha olib borilgan tadqiqotlar faqat bitta turdagi polimer matritsasi misolida o‘rganilgan. Uchala asosiy qayta ishlangan poliolefin (q-YZP, q-PZP va q-PP) tizimida malein angidridi ishtirokida argillitni modifikatsiyalashning qiyosiy samaradorligi to‘liq tahlil qilinmagan [9, 10]. Xususan, modifikatorning turli molekulyar arxitekturaga (tarmoqlangan va chiziqli) ega zanjirlarda elastiklik va mustahkamlik muvozanatini boshqarishining fundamental mexanizmlari tizimli ravishda umumlashtirilmagan.

Ushbu tadqiqotning maqsadi malein angidridi bilan modifikatsiyalangan q-PZP, q-YZP va q-PP matritsalarida mahalliy Sherobod argilliti zarrachalarining disperslanish qonuniyatlarini hamda ularning hosil bo‘lgan geomembranalarning fizik-mexanik, termik va iqlimiy xossalariga ta’sirini qiyosiy baholashdan iborat. Shuningdek,

sho‘rlangan tuproq sharoitiga mo‘ljallangan, import o‘rnini bosuvchi kompozitsion izolyatsiya materiallarini yaratishning ilmiy asoslarini ishlab chiqish ham tadqiqotning navbatdagi vazifasidir.

Obyekt va tadqiqot usullari. Tadqiqot obyektlari sifatida qayta ishlangan yuqori zichlikdagi polietilen (q-YZPE), past zichlikdagi polietilen (q-PZPE) va polipropilen (q-PP) chiqindilarining granulalaridan foydalanildi. Barcha polimerlar dastlab mexanik qo‘shimchalardan tozalash uchun yuvildi, so‘ngra 80 °C haroratda 5 soat davomida quritildi. To‘ldiruvchi sifatida alyuminiy silikatlaridan iborat Sherobod konining mahalliy argillit minerali ishlatildi. Argillit zarrachalarini nanodispers holatga keltirish uchun mineral sharli tegirmonda 48 soat davomida mexanik faollashtirildi.

Qutbsiz polimer matritsa va gidrofil argillit zarrachalari o‘rtasidagi fazalararo adgeziyani ta’minlash hamda tizimdagi bir jinsli disperslanish darajasini oshirish maqsadida aralashmaga polimer massasiga nisbatan 1–2% miqdorda kimyoviy modifikator (moslashtiruvchi) sifatida malein angidridi (MA) qo‘shildi.

Nanokompozit geomembranalar ikki shnekli ekstruder (L/D=40) yordamida sintez qilindi. Polimer granulalari, malein angidridi va nanodispers argillit kukuni argillit uchun 5% massa konsentratsiyasida dozalandi. Ekstruderning harorat rejimlari polimerlarning erish haroratiga asosan quyidagi diapazonlarda nazorat qilindi: q-PZPE uchun 170–200 °C, q-YZPE uchun 190–220 °C va q-PP uchun 210–240 °C. Eritilgan kompozit massa kalandrlash usuli bilan qalinligi 2,0 mm bo‘lgan geomembrana listlariga shakl berildi.

Olingan namunalarning fizik-mexanik xossalari ASTM D6693 standartiga muvofiq universal sinov mashinasida 50 mm/daqiqa tezlikda aniqlandi. Materialning teshib o‘tishga chidamliligi ASTM D4833 metodologiyasi asosida o‘lchandi. Namunalarning erima oquvchanligi ko‘rsatkichi (EOK) ISO 1133 standarti bo‘yicha standart viskozimetr yordamida baholandi. Materialning iqlimiy barqarorligini aniqlash uchun namunalar 30 marta muzlatish-eritish siklidan o‘tkazildi.

Natijalar va ularning muhokamasi. Ushbu tadqiqotda r-PZP, r-YuZP va r-PP asosida sintezlangan kompozit geomembranalarning fizik-mexanik xossalariga malein angidridi (MA) va Sherobod argilliti mineralining birgalikdagi ta’siri qiyosiy baholandi. Olingan tajriba natijalari 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval. Sof polimerlar va argillit asosidagi nanokompozitlarning fizik-mexanik xossalari (2.0 mm qalinlik uchun)

Material turi	Tarkibi (Polimer + To'ldirgich)	Mustahkamlik chegarasi, MPa	Uzilishdagi nisbiy uzayish, %	Teshilishga qarshilik, N
PZP	Toza (Primary) HDPE	22.0	600	650
r- PZP + A	Ikkilamchi HDPE + MA + 5% Argillit	25.4	550	780
YuZP	Toza (Primary) LDPE	14.0	500	380
r- YuZP + A	Ikkilamchi LDPE + MA + 5% Argillit	18.2	710	725
PP	Toza (Primary) Polipropilen	30.0	400	750
r-PP + A	Ikkilamchi PP + MA + 5% Argillit	32.8	385	840

Jadvaldagi ma’lumotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, gibrid modifikatsiyalash qayta ishlangan poliolefinlarning barcha turlarining mexanik xususiyatlarini sezilarli darajada yaxshilaydi.

Qutbsiz polimerlar (PE, PP) gidrofil mineral bo‘lgan argillit bilan qiyinchilik bilan aralashadi. Tizimga moslashtiruvchi vosita (kompatibilizator) sifatida malein angidridi (MA) kiritilishi natijasida MAning funksional guruhlari polimer makromolekulasi zanjirlariga “payvandlanadi”. Shuningdek, MA argillit sirtidagi faol gidroksil (-OH) guruhlari bilan ion-dipol va vodorod bog‘lanishlarini hosil qiladi. Bu esa mexanik faollashtirish natijasida nanodispers holatga kelgan argillit zarrachalarining polimer matritsasi bo‘ylab bir jinsli tarqalishini (yuqori darajada bir tekis taqsimlanishini) ta’minlaydi va ularning aglomeratsiyalanishiga to‘liq to‘sqinlik qiladi.

q-PZPE matritsasida uzilishga mustahkamlik chegarasining 18,2 MPa gacha ortishi bilan birga nisbiy uzayishning 710% gacha anomal darajada oshishi argillitning qatlamli alyumosilikat paketlari polimer zanjirlari orasida gibrid “sirpanuvchi qatlamlar” samarasini yuzaga keltirishi bilan izohlanadi. Yaxshi disperslangan nanozarrachalar qayta ishlash bosqichidan qolgan mikroyoriqlarni samarali “yopadi” (to‘ldirish samarasi), bu esa materialning mo‘rt yemirilishga o‘tishini sekinlashtiradi va yuklama ostida makromolekulalarning erkin yo‘nalish olishiga (cho‘zilishiga) imkon beradi.

q-YuZPE va q-PP asosidagi nanokompozitlarda mustahkamlikning mos ravishda 25,4 MPa va 32,8 MPa gacha ortishi hamda teshilishga chidamlilikning sezilarli darajada yuqoriligi (q-PP uchun 840 N va q-YuZPE uchun 780 N) argillit zarrachalarining chiziqli polimer zanjirlarida qo‘shimcha kristallanish markazlari (yadro hosil qiluvchi agentlar) vazifasini bajarishi bilan tushuntiriladi. Bir tekis taqsimlangan argillit plastinkalari atrofida polimerning kristall faza ulushi ortadi; fazalararo yuqori adgeziya tufayli yuklama butun material bo‘ylab bir tekis taqsimlanadi va bu makromolekulalarning zanjir bo‘ylab deformatsion barqarorligini oshiradi.

Tadqiqotning keyingi bosqichida mahalliy argillit mineralining malein angidrid (MA) moslashtiruvchisi ishtirokida turli qayta ishlangan polimer matritsalar (q-YZZP, q-PZZP va q-PP) bilan o‘zaro ta’sir darajasi hamda uning modifikatsiyasi ularning fizik-kimyoviy xossalariga qay darajada ta’sir etishi qiyosiy baholandi (2-jadval).

2-jadval. Turli ikkilamchi polimer matritsalarining argillit bilan modifikatsiyalanish darajasi (2.0 mm namuna).

Polimer turi (Ikkilamchi)	To‘ldirgich miqdori (Argillit, %)	Mustahkamlik (σ), MPa	Nisbiy uzayish (ϵ), %	Teshilishga chidamlilik, N
Qayta ishlangan-PZP (Nazorat)	0	18.0	500	450
Qayta ishlangan-PZP + A	5	25.4 (+41%)	550 (+10%)	780 (+73%)

Qayta ishlangan - YuZP (Nazorat)	0	10.0	600	320
Qayta ishlangan - YuZP + A	5	18.2 (+82%)	710 (+18%)	725 (+126%)
Qayta ishlangan - PP (Nazorat)	0	25.0	300	600
Qayta ishlangan - PP + A	5	32.8 (+31%)	385 (+28%)	840 (+40%)

2-jadvaldagi ma’lumotlar ko‘rsatganidek, argillit minerali malein angidridi bilan gibrid modifikatsiyalangan tizimda qayta ishlangan past zichlikdagi polietilen (q-PZPE) uchun eng yuqori modifikatsiya koeffitsiyenti va samaradorlikni namoyon etdi. Nazorat namunasi (toza q-PZPE) bilan taqqoslaganda, materialning cho‘zilishga mustahkamligi 82 foizga (10,0 MPa dan 18,2 MPa gacha), teshilishga chidamliligi esa kutilmaganda 126 foizga (320 N dan 725 N gacha) ortgani aniqlandi. Qayta ishlangan PZPE makromolekulalari tabiatan yuqori darajada shoxlangan zanjir tuzilishiga ega bo‘lib, bu qayta ishlash jarayonida ko‘plab mikrog‘ovaklar va tuzilmaviy nuqsonlarni yuzaga keltiradi. Tizimga kiritilgan malein angidridi (MA) esa polimer zanjirlariga payvandlanib, argillit nanozarrachalarining gidrofil yuzasi bilan mustahkam kimyoviy adgeziyani ta’minlaydi. Natijada, bir jinsli tarqalgan nanodispers argillit qatlamlari bu mikrog‘ovaklarni butunlay berkitadi (to‘ldiruvchi samara). Polimer muhitida mineral paketlarning bir maromda taqsimlanishi tashqi mexanik kuchlanishning makromolekulalar bo‘ylab bir tekis uzatilishini ta’minlaydi va materialning teshilishga bardoshliligini keskin oshiradi.

Qayta ishlangan polipropilen (r-PP) va qayta ishlangan yuqori zichlikdagi polietilen (r-YuZPE) namunalarida mustahkamlikning mos ravishda 31% va 41% ga ortishi argillit zarrachalarining MA ishtirokida chiziqli poliolefin zanjirlari uchun qo‘shimcha kristallanish markazlari vazifasini bajarishidan dalolat beradi. Tajriba r-PP + MA + 5% Argillit tarkibining eng yuqori mutlaq mustahkamlikni (32,8 MPa) va maksimal teshilishga bardoshlilikni (840 N) namoyon etganini ko‘rsatdi. Bu esa polipropilenning izotaktik tuzilmasi modifikatorlar bilan yuqori darajada moslashuvchanlikka erishib, materialning qattiqlik karkasini mustahkamlaganini tasdiqlaydi.

Gidrotexnika va melioratsiya inshootlarida qo‘llaniladigan geomembranalarning uzoq muddatli ekspluatatsion ishonchliligini ta’minlashda ularning nafaqat dastlabki mexanik mustahkamligi, balki tajovuzkor kimyoviy muhitlarga va haroratning keskin o‘zgarishlariga chidamliligi ham muhim ko‘rsatkich hisoblanadi. Sintez qilingan gibrid namunalarning chidamlilik ko‘rsatkichlari 3-jadvalda keltirilgan.

3-jadval. Modifikatsiyalangan geomembranalarning agressiv muhitga va iqlimga chidamliligi.

Ko‘rsatkich nomi	r-YuZP + MA + A	r-PZP + MA + A	r-PP + MA + A	Izoh
Suv shimuvchanlik, %	0.004	0.003	**0.002**	Nanoto‘ldirgich g'ovaklarni samarali yopadi
Issiqlikka chidamlilik (Vika), °C	+92	+126	**+152**	PP eng yuqori termik barqarorlikka ega
Sovuqqa chidamlilik, °C	**-55**	-45	-15	LDPE past haroratlar uchun eng maqbul
Kimyoviy barqarorlik (tuzli muhitda)	Yuqori	Juda yuqori	Mukammal	Sho‘rlangan tuproq sharoitiga chidamlilik
Muzlatishdan keyingi mustahkamlik, %	**96**	94	92	30 sikldan so'ng saqlangan mustahkamlik

3-jadval ma’lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, nanodispers argillit minerali malein angidridi ishtirokida barcha turdagi polimer matritsalarning germetiklik va termal barqarorlik xususiyatlarini tubdan yaxshilagan.

Barcha namunalardagi suv singdirish darajasining (0,002–0,004%) g‘oyatda pastligi gibrid tizimda shakllangan o‘ziga xos mikrotuzilma bilan izohlanadi. Polimer zanjirlariga malein angidridi yordamida biriktirilgan, mukammal disperslangan argillitning qatlamli alyumosilikat paketlari polimer muhitida uzluksiz geometrik to‘siq - o‘tib bo‘lmas “labirint” samarasini (aylanma yo‘lni) hosil qiladi. Bu labirint suv molekulalari va ularda erigan agressiv tuz ionlarining (Na^+, Cl^-, SO_4^{2-}) geomembrana tuzilmasi orqali diffuziyasi va kirib borishini deyarli to‘xtatadi, bu esa obyektlarning sho‘rlanish va korroziyaga chidamliligini ta’minlaydi.

Termik va iqlimiy sinovlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, materiallar 30 marta muzlatish va eritish siklidan (keskin harorat o‘zgarishidan) keyin ham o‘z dastlabki mustahkamligining 92–96 %ini saqlab qolgan, bu saqlanishning yuqori darajasidir. Bu hodisa polimer matritsasi ichidagi termomexanik kuchlanishlarni samarali bartaraf etadigan va harorat ta’sirida mikroyoriqlarning o‘z-o‘zidan paydo bo‘lishining (kengayishining) oldini oladigan malein angidrid ko‘prikchalari bilan bog‘langan argillit nanozarralari bilan izohlanadi. Issiqlikka chidamlilik bo‘yicha yuqori kristallik darajasi tufayli r-PP + MA + Argillit (+152 °C) tizimi yetakchilik qildi, o‘ta elastik karkasga ega r-YuzPE + MA + Argillit (-55 °C) kompozitsiyasi esa o‘ta sovuq iqlim sharoitlari uchun eng mos material ekanligi aniqlandi.

Xulosa. Tadqiqotlar natijasida malein angidridi (MA) kompatibilizatori ishtirokidagi mahalliy Sherobod koni argillit mineralining nanodispers zarralari ikkilamchi HDPE, LDPE va PP polimer matritsalari uchun universal va yuqori samarali modifikator ekanligi ilmiy jihatdan asoslandi. Aniqlanishicha, gibrid modifikatsiyalash ikkilamchi poliolefinlarning mexanik va ekspluatatsion xossalarini birlamchi analoglari darajasiga yetkazish yoki undan oshirish imkonini beradi. Mineralning eng yuqori modifikatsiyalash koeffitsienti r-LDPE matritsasida namoyon bo‘lib, teshilishga qarshilikning 126% ga va mustahkamlikning 82% ga ortishi bilan bir vaqtda nisbiy uzayishning anomal tarzda 710% gacha ko‘tarilishi kuzatildi. Bu hodisa malein angidridi hisobiga argillit qatlamlarining polimer muhitida gomogen disperslanishi hamda zanjirlararo gibrid "siljish qatlamlari" hosil qilib, mikrog‘ovaklarni muhrlashi (filling

effect) bilan izohlanadi. r-PP va r-HDPE kompozitlarida esa nanozarralar kristallanish markazlari vazifasini o‘tab, maksimal mustahkamlik chegarasini 32.8 MPa gacha oshirdi. Agressiv muhit sinovlari argillit paketlarining material ichida o‘tib bo‘lmas "labirint" effektini hosil qilganini, natijada suv shimuvchanlik minimal qiymatga (0.002%) tushib, sho‘rlangan tuproq sharoitlariga va 30 siklli muzlatish-eritish iqlimiy omillariga chidamlilik keskin ortganini ko‘rsatdi. Olingan natijalar ushbu kompozitsion gibrid geomembranalarni mamlakatimiz gidromelioratsiya tizimi uchun import o‘rnini bosuvchi va iqtisodiy samarador material sifatida qo‘llash imkonini beradi.

ADABIYOTLAR

1. Geyer, R. (2020). Production, use, and fate of synthetic polymers. Plastic Waste and Recycling, Academic Press, pp. 13-32. DOI: 10.1016/B978-0-12-817880-5.00002-5
2. Hahladakis, J. N., & Iacovidou, E. (2021). Closing the loop on plastics: Challenges and opportunities. Journal of Hazardous Materials, Vol. 402, 123498, pp. 1-15. DOI: 10.1016/j.jhazmat.2020.123498
3. Sadeghi, S., et al. (2022). Degradation and recycling of polyolefins: A review of recent advances. Polymer Degradation and Stability, Vol. 195, pp. 109781. DOI: 10.1016/j.polymdegradstab.2021.109781
4. Mustafa, A., et al. (2023). Mechanical activation of local clays for polymer reinforcement: A comprehensive review. Applied Clay Science, Amsterdam: Elsevier BV, Vol. 234, No. 4, pp. 106842-106855. DOI: 10.1016/j.clay.2023.106842
5. Al-Maadeed, M. A. (2023). Recycled Polyolefins: Processing and Properties. Elsevier Science, pp. 115-140. DOI: 10.1016/C2021-0-00234-1
6. Boro, A., et al. (2022). Intercalation of layered silicates in recycled LDPE/HDPE blends. Materials Today: Proceedings, UK, Vol. 72, pp. 2481-2486. DOI: 10.1016/j.matpr.2022.09.412
7. Negmatov, S. S., et al. (2024). Structure and properties of composite materials based on recycled polymers and mineral fillers. Composite Materials, Tashkent, No. 1, pp. 45-51.
8. Zhang, J., et al. (2024). Barrier properties of polymer-clay nanocomposites for environmental protection. Progress in Materials Science, Oxford, Vol. 140, 101150. DOI: 10.1016/j.pmatsci.2023.101150
9. Kurbanov, M. (2023). Optimization of filler content in polymer-mineral compositions for hydraulic engineering. Uzbek Chemical Journal, Tashkent, No. 2, pp. 18-25.
10. Nour, M., et al. (2025). Comparative study of mineral fillers on the durability of recycled geomembranes. Geotextiles and Geomembranes, UK, Vol. 53, pp. 112-124. DOI: 10.1016/j.geotexmem.2024.08.003

Sherobod argillit minerali bilan modifikatsiyalangan ikkilamchi poliolefinlar asosidagi geomembranalarning strukturaviy va fizik-mexanik xususiyatlari

Annotatsiya: Ushbu tadqiqotda mahalliy Sherobod konidan olingan va malein angidridi bilan modifikatsiyalangan argillit mineralining qayta ishlangan yuqori zichlikdagi polietilen (q-YZPE), qayta ishlangan past zichlikdagi polietilen (q-PZPE) va qayta ishlangan polipropilen (q-PP) asosidagi geomembranalarning fizik-mexanik xossalariga ta’siri qiyosiy o‘rganildi. Malein angidridi gidrofil to‘ldiruvchidagi polimer matritsasi va qatlamli alyumosilikatlar o‘rtasidagi fazalararo adgeziyani ta’minlash hamda mineral zarrachalarning bir tekis taqsimlanishiga yordam berish uchun moslashtiruvchi (kompatibilizator) sifatida qo‘llanildi. Tajriba natijalari gibrid modifikatsiyalash barcha turdagi qayta ishlangan polimerlarning mustahkamlik xususiyatlarini ularning birlamchi (sof) analoglari darajasiga yetkazish va hatto undan oshirish imkonini berishini ko‘rsatdi. Xususan, q-PP tizimida cho‘zilishdagi eng yuqori mustahkamlik (32,8 MPa) va teshilishga chidamlilik (840 N) qayd etilgan bo‘lsa, q-PZPE matritsasi mustahkamligi 18,2 MPa gacha ortishi bilan birga uzilishdagi nisbiy uzayishining 710% gacha anomal o‘sishini namoyon etdi. Maqolada ushbu samaradorlik zamiridagi fundamental ilmiy mexanizmlar tushuntirib berilgan: malein angidridining funksional guruhlari argillit yuzasi bilan mustahkam kimyoviy bog‘lanishlar hosil qilib, q-YZPE va q-PP kompozitlarida kristallanish markazlari (yadro hosil qiluvchi agent) vazifasini bajaradi. q-PZPE tizimida esa ular makromolekulyar degradatsiya va mikroyoriqlarni samarali yopuvchi (to‘ldirish samarasi) gibrid “sirpanuvchi qatlamlar” samarasini yuzaga keltiradi. Olingan kompozitsion geomembranalar agressiv sho‘rxok tuproq sharoitlari va keskin iqlim omillariga nisbatan yuqori kimyoviy hamda termik barqarorlikni namoyon etdi.

Kalit so‘zlar: Qayta ishlangan polimerlar, r-YuZPE, r-PZPE, r-PP, Sherobod argilliti, malein angidridi, moslashtiruvchi, nanokompozit geomembrana, fizik-mexanik xossalar, fazalararo adgeziya, siljish qatlamlari.

Structural and physico-mechanical properties of geomembranes based on secondary polyolefins modified with Sherobod argillite mineral

Abstract: This study comparatively investigated the effect of argillite mineral, sourced from the local Sherabad deposit and modified with maleic anhydride, on the physical and mechanical properties of geomembranes based on recycled high-density polyethylene (r-HDPE), recycled low-density polyethylene (r-LDPE), and recycled polypropylene (r-PP). Maleic anhydride was used as a compatibilizer to ensure interfacial adhesion between the polymer matrix in the hydrophilic filler and the layered aluminosilicates, and to promote the uniform distribution of mineral particles. The experimental results showed that hybrid modification makes it possible to elevate the strength properties of all types of recycled polymers to the level of their virgin (pure) analogues, and even surpass them. Specifically, the highest tensile strength (32.8 MPa) and puncture resistance (840 N) were recorded in the r-PP system, while the r-LDPE matrix exhibited an anomalous increase in its elongation at break of up to 710%, along with an increase in strength to 18.2 MPa. The article explains the fundamental scientific mechanisms underlying this effectiveness: the functional groups of maleic anhydride form strong chemical bonds with the argillite surface, acting as crystallization centers (nucleating agent) in r-HDPE and r-PP composites. In the r-LDPE system, however, they create a hybrid "sliding layer" effect that efficiently heals macromolecular degradation and microcracks (filling effect). The resulting composite geomembranes demonstrated high chemical and thermal stability against aggressive saline soil conditions and harsh climatic factors.

Key words: Recycled polymers, r-HDPE, r-LDPE, r-PP, Sherabad argillite, maleic anhydride, compatibilizer, nanocomposite geomembrane, physical-mechanical properties, interfacial adhesion, shear layers.

Структурные и физико-механические свойства геомембран на основе вторичных полиолефинов, модифицированных минералом шерабадского месторождения - аргиллитом

Аннотация: В настоящем исследовании было проведено сравнительное изучение влияния аргиллита с местного Шерабадского месторождения, модифицированного малеиновым ангидридом, на физико-механические свойства геомембран на основе вторичного полиэтилена высокой плотности (в-ПЭВП), вторичного полиэтилена низкой плотности (в-ПЭНП) и вторичного полипропилена (в-ПП). Малеиновый ангидрид применялся в качестве компатибилизатора (агента совместимости) для обеспечения межфазной адгезии между полимерной матрицей и гидрофильным наполнителем (слоистыми алюмосиликатами), а также для содействия равномерному распределению минеральных частиц. Результаты

эксперимента показали, что гибридная модификация позволяет довести прочностные характеристики всех видов вторичных полимеров до уровня их первичных (чистых) аналогов и даже превзойти их. В частности, в системе на основе в-ПП были зафиксированы наивысшие показатели прочности при растяжении (32,8 МПа) и сопротивления проколу (840 Н), в то время как матрица на основе в-ПЭНП продемонстрировала не только рост прочности до 18,2 МПа, но и аномальное увеличение относительного удлинения при разрыве до 710%. В статье разъясняются фундаментальные научные механизмы, лежащие в основе этой эффективности: функциональные группы малеинового ангидрида образуют прочные химические связи с поверхностью аргиллита, выполняя роль центров кристаллизации (зародышеобразователей) в композитах на основе в-ПЭВП и в-ПП. В системе же на основе в-ПЭНП они создают эффект гибридных "скользящих слоев," эффективно залечивающих макромолекулярную деградацию и микротрещины (эффект заполнения). Полученные композиционные геомембраны продемонстрировали высокую химическую и термическую стабильность в условиях агрессивных засоленных почв и резких климатических факторов.

Ключевые слова: Вторичные полимеры, в-ПЭНД, в-ПЭВД, в-ПП, шерабадский аргиллит, малеиновый ангидрид, компатибилизатор, нанокомпозитная геомембрана, физико-механические свойства, межфазная адгезия, слои сдвига.

UDC: 547.962.94
ORCID:0009-0006-6030-9394

STRUCTURAL CHANGES IN SILK FIBROIN INDUCED BY AMMONIA TREATMENT

Matrasulova N., Samandarova S.F., Eshchanov Kh.O., Baltaeva M.M.
Urgench State University named after Abu Rayhan Biruni

Introduction. The increasing demand for environmentally sustainable and highly efficient biomaterials has stimulated extensive research on naturally derived polymers instead of synthetic materials. Among these biopolymers, silk fibroin (SF), the main structural protein of Bombyx mori silk, has attracted considerable scientific attention due to its unique combination of biodegradability, excellent mechanical strength, biocompatibility, and chemical polyfunctionality. Silk fibroin differs from most synthetic polymers in that it possesses a highly organized hierarchical structure composed of crystalline β-sheet domains interspersed with amorphous regions. This structural organization provides a balance between mechanical strength and molecular flexibility, which allows the physicochemical properties of silk fibroin to be tailored through controlled physical or chemical modification. As a result, silk fibroin has become an important natural material for biomedical engineering, catalysis, food packaging, environmental technologies, membrane fabrication, and advanced functional materials .

Literature review and methods. Recent advances in structural characterization have shown that even subtle changes in hydrogen bonding interactions can significantly affect the molecular structure, crystallinity, thermal stability, and adsorption-related properties of silk fibroin-based materials [1,2].

Alkaline hydrolysis has emerged as an effective strategy to regulate the molecular architecture of silk fibroin among various modification approaches. Controlled alkaline treatment partially cleaves peptide bonds located mainly in less ordered amorphous regions, preserving a larger portion of the crystalline β-sheet domains. As a result, the availability of amino acid, hydroxyl, and carboxyl functional groups increases, providing additional active sites for subsequent physicochemical interactions of the fibroin macromolecule. The extent of these structural modifications depends on the hydrolysis conditions and the internal structural organization of the fibroin matrix. Accordingly, it is also crucial to optimize the hydrolysis process to achieve structural modification without causing excessive degradation of the protein macromolecule [3-7]. In recent years, microwave-assisted treatment has become popular as an alternative method for modifying natural polymers. In contrast to conventional heating, microwave irradiation produces rapid volumetric heating through the direct interaction between electromagnetic energy and polar molecules. [8-10].

The simultaneous application of ammonia solution and microwave irradiation represents a promising modification strategy, as both treatment methods affect the molecular organization of silk fibroin through complementary mechanisms. However, systematic studies investigating the combined effects of ammonia hydrolysis and microwave irradiation on waste silk fibroin are still lacking.

Additional analytical techniques capable of studying different levels of molecular organization are required to reliably assess these structural changes. Fourier transform infrared (FTIR) spectroscopy is one of the most widely used techniques to study conformational changes in silk fibroin, as the characteristic Amide I, Amide II, and Amide III absorption bands are highly sensitive to changes in secondary structure and hydrogen bonding interactions. Changes in peak position, intensity, and transmittance provide valuable information about the rearrangement of β-sheet structures, random coils, and amorphous domains. However, FTIR alone cannot provide quantitative information about the crystal organization. Therefore, X-ray diffraction (XRD) analysis is widely used to assess the crystallinity, amorphous fractions, crystal size, and molecular order within fibroin macromolecules. The combination of XRD and FTIR provides a comprehensive understanding of the molecular and supramolecular structural evolution resulting from chemical and physical processing [11–14].

Required materials and equipment . Fibrous waste of silk (Cleaned of additives. Urganch Bahmal, LLC, Urgench, Uzbekistan), Sodium bicarbonate (purity 99,9%) was purchased from Chimreaktivinvest (Uzbekistan), Ammonia solution (pure for analysis) supplied by ESER KIMYA(Turkey), unrefined oil obtained from cotton Seeds. Bidistilled water is obtained from the “GFL 2104 Double distillation water still” device (Germany). Optical microscope ("Optika_B-150 DBR"), Microware radiation was performed on a ME81ARW (Samsung) device at a frequency of 2450 MHz. Crystallinity degree of the samples were measured by powder x-raydiffraction (XRD, Rigaku, The SmartLab SE,


Japan(Khorezm Mamun Akademy lab)) using Cu Ka irradiation at 40 kV, 50 mA. ATR-IR Fourier spectroscopy analyses were performed on a “FTIR 4600 JASCO” (Japan) spectrophotometer.

Obtaining fibroin fiber from fibrous wastes of natural silk . The research is aimed at using silk fibroin as a fibrous sorbent in the purification of vegetable oils by effect-tively utilizing silk fiber waste. The conditions for obtaining fibroin from silk fiber waste were selected: sericin was heated in a NaHCO3 solution at 90-100ºC for 40 minutes[15]. Fibroin fibers were removed from the solution and washed with distilled water.

Obtaining “HF” from silk fibroin Further studies were conducted on the hydrolysis of fibroin fibers from silk fibers and their sorbent properties. Silk fiber fibroin was hydrolyzed under alkaline conditions and with ultrahigh-frequency radiation (800 W)[16] to obtain “HF” in the form of fibers. The extraction of “HF” in an alkaline environment was carried out by immersion in a 25% NH3 solution. In this case, it took 60 minutes to obtain “HF” in a 25% NH3 solution. The formation of cracks and holes on the surface of “HF” fibers was studied. The fact that “HF” has ampholytic properties and the presence of multifunctional groups allows it to be used in various environmental conditions. To further increase the cracks and porosity in “HF” particles, “HF” powder was exposed to ultrahigh-frequency radiation for 5 minutes after immersion in an alkaline environment and in a wet state. After the procedure, the sample was washed with hot distilled water. As the cracks and pores in the "HF" increase, its sorption properties also increase.

ANALYSIS AND RESULTS. Silk fibroin fibers swell better in alkaline environments, so it was planned to treat the fibers with microwaves by immersing them in an ammonia solution. As a result, polar substances (water, ammonia) in the fibers immersed in the ammonia solution are released from the fibers by microwave exposure, which creates cracks in the fibers at high temperatures, and the porosity of the fibers increases, as well as the number of sorption centers. We saw that silk fibroin had less mass loss during 60 minutes of immersion in a 25% ammonia solution and microwave treatment. 97.32% of the initial fiber mass was retained after treatment, which does not cause the risk of excessive mass loss, and also increases the efficiency of the hydrolysis process. The decrease in the molecular mass of the sample during the process indicates a high probability of hydrolysis. To determine how the protein changes due to the hydrolysis process, we performed spectrometric determination of the molecular mass of the protein in the sample.The product formed in the process is 93.7% of the initial silk fibroin fiber, that is, when 5.00 g of washed fibroin fiber was treated with 25% ammonia solution and ultra-high frequency rays, 4.685 g of hydrolyzed fiber was obtained**.**

ATR-IR Fourier spectroscopy analyses were performed on a “FTIR 4600 JASCO” spectrophotometer and studied in the range of 4000-400 cm^{-1} [17].




Picture 1. FTIR spectra of waste silk fibroin (SF) and hydrolyzed silk fibroin (HF-NH3-MW)

FTIR spectra of waste silk fibroin (SF) and hydrolyzed silk fibroin (HF-NH3-MW) treated with ammonia and microwave irradiation can provide important information about the structural changes that occur as a result of the combined effects of ammonia hydrolysis and microwave irradiation(Picture 1.). The cha-racteristic absorption bands corresponding to Amide A, Amide I, Amide II and Amide III remained present in the spectrum of the modified sample, indicating that the basic protein structure of the fibroin molecule was preserved. However, significant decreases in the intensity of several absorption bands indicate changes in the molecular part, i.e., partial cleavage of peptide chains, modification of intermolecular interactions and a decrease in structural stability.A broad absorption band centered at approximately 3290–3310 cm^{-1} was observed in both analyzed samples, which indicates N-H stretching vibrations of the peptide groups (Amide A). The decrease in the intensity of this band in the HF-NH3-MW sample indicates changes in the hydrogen bonding systems in the fibroin structure. Similarly, the absorption bands located near 2930 cm^{-1}, which are due to aliphatic C–H stretching vibrations, were less pronounced after ammonia treatment, indicating changes in the molecular environment of the protein chains. The most striking feature of the spectra is the absorption band located in the Amide I region (1620–1630 cm^{-1}), which mainly indicates the C=O stretching vibrations of peptide bonds. This band is widely recognized as a sensitive indicator of the secondary structure of silk fibroin, in particular its β-sheet crystal domains. Although the position of the Amide I band remained almost unchanged after hydrolysis with ammonia and microware radiation, its intensity decreased, indicating that some of the ordered β-sheet structures were disrupted by hydrolysis and ammonia. Also observed was the Amide II band (1515–1525 cm^{-1}), which is associated with C–N stretching and N–H bending vibrations, indicating reorganization of the polypeptide chains and changes in intermolecular interactions.Changes were also detected in the Amide III region around 1230–1240 cm^{-1}, indicating a decrease in the degree of molecular ordering and a relative increase in the amorphous structural components. The broadening and decrease in the intensity of this absorption band indicates a decrease in the degree of molecular ordering and a relative increase in the amorphous structural components. Furthermore, the observed changes in the spectral range of 1160–1000 cm^{-1}, associated with the C–O, C–N and backbone vibrational modes, provide further evidence of

conformational rearrangements within the fibroin macromolecules.FTIR data show that ammonia treatment and microware radiation affect the supramolecular structure of silk fibroin without completely changing its protein structure. The observed decrease in the intensity of the bands associated with B-sheet crystallites indicates that this is due to the decrease in crystallinity and the increase in less ordered parts. These structural changes may increase the availability of functional groups on the fibroin surface, increasing the adsorption capacity and chemical reactivity of fibroin hydrolyzed by ammonia solution in applications.

Chemical treatment and microwave-assisted processing may alter intermolecular interactions, thereby changing molecular packing and the degree of structural ordering. To elucidate these effects, X-ray diffraction (XRD) analysis was employed to compare the structural characteristics of pristine silk fibroin (SF) and silk fibroin treated with 25% aqueous ammonia under microwave irradiation (SF–NH_3–MW). The obtained diffraction patterns were analysed to assess possible changes in crystallinity, crystal organisation, and the arrangement of β-sheet domains within the fibroin matrix.



Picture 2. XRD analysis shows that the SF and SF–NH_3–MW

XRD analysis shows that the SF and SF–NH_3–MW samples have a semi-crystalline structure typical of silk fibroin(Picture 2). The dominant diffraction peak at $2\theta \approx 20.5°$ corresponds to β-sheet crystal domains (Silk II structure). After treatment with 25% aqueous ammonia and microwave irradiation, the intensity of this reflection increased, indicating increased molecular ordering and a higher proportion of β-sheet crystallites. Ammonia molecules may have disrupted existing intermolecular hydrogen bonds and increased chain mobility, which allowed the fibroin macromolecules to rearrange into thermodynamically more stable conformations. At the same time, microwave irradiation accelerated rapid volumetric heating and molecular reorganization. As a result, additional reflections appeared at approximately 24.62° and 28.4°, indicating changes in intermolecular packing and crystallite organization.

The shift and splitting of diffraction features observed in the 24–29° region can be attributed to changes in the d-spacing and the strengthening of the Silk II crystalline domains. These structural changes indicate a partial transition from less ordered regions to more ordered β-sheet arrangements. Overall, ammonia-microwave treatment promotes crystallization and structural ordering of silk fibroin without disrupting its core protein structure, thereby improving its mechanical and thermal stability.

CONCLUSION. This study demonstrated that the combined treatment of waste silk fibroin fibers with 25% aqueous ammonia and microwave irradiation is an effective method to modify the structural properties of silk fibroin without destroying its primary protein structure. The treatment resulted in a small mass loss of fibroin, approximately 93.7%. FTIR analysis confirmed that the characteristic amide bands of silk fibroin were retained after hydrolysis. X-ray diffraction analysis showed that microwave treatment of silk with ammonia promoted the structural reorganization of fibroin. The overall crystallinity was slightly increased.Overall, the combined ammonia-microwave treatment represents a simple, effective and environmentally friendly modification method for waste silk fibroin. The resulting material has a more favorable sorption surface structure. This multifunctional sorbent provides a useful basis for further development of silk fibroin-based sorbents for vegetable oil purification and other environmental and industrial applications.

REFERENCES:

1. Sahoo J. K. et al. Silk chemistry and biomedical material designs //Nature Reviews Chemistry. – 2023. – T. 7. – №. 5. – p 302-318.
2. Marelli B. Biomaterials for boosting food security //Science. – 2022. – T. 376. – №. 6589. – p 146-147.
3. Asakura T., Williamson M. P. A review on the structure of Bombyx mori silk fibroin fiber studied using solid-state NMR: an antipolar lamella with an 8-residue repeat //International Journal of Biological Macromolecules. – 2023. – T. 245. – art 125537.
4. Xu L. et al. Recent advances of silk fibroin materials: From molecular modification and matrix enhancement to possible encapsulation-related functional food applications //Food Chemistry. – 2024. – T. 438. –Art 137964.
5. Huang L. et al. Advances in preparation and properties of regenerated silk fibroin //International Journal of Molecular Sciences. – 2023. – T. 24. – №. 17. –p 13153.
6. Reizabal A. et al. Silk fibroin as sustainable advanced material: material properties and characteristics, processing, and applications //Advanced Functional Materials. – 2023. – T. 33. – №. 3. – C. 2210764.
7. .Huang L. et al. Advances in preparation and properties of regenerated silk fibroin //International Journal of Molecular Sciences. – 2023. – T. 24. – №. 17. – C. 13153.
8. Wang H. Y. et al. Functional modification of silk fibroin from silkworms and its application to medical biomaterials: a review //International Journal of Biological Macromolecules. – 2024. – V. 259. – C. 129099.
9. Xu L. et al. Recent advances of silk fibroin materials: From molecular modification and matrix enhancement to possible encapsulation-related functional food applications //Food Chemistry. – 2024. – V. 438. –Art 137964.

10. Li S. et al. Microwave-assisted fast and efficient dissolution of silkworm silk for constructing fibroin-based biomaterials //Chemical Engineering Science. – 2018. – V. 189. – p 286-295.
11. Asakura T., Williamson M. P. A review on the structure of Bombyx mori silk fibroin fiber studied using solid-state NMR: an antipolar lamella with an 8-residue repeat //International Journal of Biological Macromolecules. – 2023. – V- 245. – Art 125537.
12. Reizabal A. et al. Silk fibroin as sustainable advanced material: material properties and characteristics, processing, and applications //Advanced Functional Materials. – 2023. – V. 33. – №. 3. – Art 2210764.
13. Zhong J. et al. Using FTIR imaging to investigate silk fibroin-based materials //Fibrous Proteins: Design, Synthesis, and Assembly. – New York, NY : Springer US, 2021. – p 207-219.
14. Asakura T., Williamson M. P. A review on the structure of Bombyx mori silk fibroin fiber studied using solid-state NMR: an antipolar lamella with an 8-residue repeat //International Journal of Biological Macromolecules. – 2023. – V. 245. –Art 125537.
15. Agapov I. I. et al. Biodegradable matrices from regenerated silk bombix mori // Reports of the Academy of Sciences. - Federal State Budgetary Institution "Russian Academy of Sciences", 2010. - Vol. 433. - No. 5. - p 699-702.
16. Eshchanov K. O., Baltayeva M. M., Asarimsakov A. Purification of Cottonseed Oil Using A Sorbent Obtained from the Fibrous Waste of Natural Silk // Annals of the Romanian Society for Cell Biology. - 2021. - Vol. 25. - No. 1. – p 692-698.
17. JASCO Corporation, Fourier Transform Infrared Spectrometer FT/IR-4000 and 6000 series //Operation Manual. – Japan. – 2002. – p 48.

Annotatsiya: Tabiiy ipak to‘qimachilik sanoatida juda qimmatli material bo‘lib, tabiiy ipakdan turli bosqichlarda katta miqdordagi tola chiqindilari hosil bo‘ladi. Maqolada ipak tolasi chiqindilarini ammiak eritmasi va mikroto‘lqinli nurlantirish (510 Vt) bilan qayta ishlash jarayonlari tasvirlangan. Ipak fibroin tolasi massasining 93,7% ishlov berishdan keyin saqlanib qolgan. Fibroin makromolekulalarining qisman gidrolizi va ularning kristalliligining oshishi FTIR spektroskopiyasi va rentgen difraksiya tahlili yordamida o‘rganildi. Ushbu polifunksional sorbent o‘simlik yog'ini tozalash va boshqa ekologik va sanoat qo‘llanmalari uchun ipak fibroin asosidagi sorbentlarni yanada rivojlantirish uchun foydali asos yaratadi.

Kalit so‘zlar: Tabiiy ipak chiqindilari, sorbent, mikroto‘lqinli nurlantirish, gidrolizlangan fibroin

Аннотация: Натуральный шелк является очень ценным материалом в текстильной промышленности, и на различных этапах его переработки образуется большое количество отходов волокна. В статье описаны процессы переработки отходов шелкового волокна раствором аммиака и микроволновым облучением (510 Вт). После переработки сохранилось 93,7% массы фиброинового волокна шелка. Частичный гидролиз макромолекул фиброина и увеличение их кристалличности были изучены с помощью ИК-спектроскопии и рентгенодифракционного анализа. Этот многофункциональный сорбент представляет собой полезную основу для дальнейшего развития сорбентов на основе фиброина шелка для очистки растительных масел и других экологических и промышленных применений.

Ключевые слова: отходы натурального шелка, сорбент, микроволновое облучение, гидролизованный фиброин

Abstract. Natural silk is a very valuable material in the textile industry, and a large amount of fiber waste is generated from natural silk at various stages. The article describes the processes of processing silk fiber waste with ammonia solution and microwave irradiation (510 W). 93.7% of the mass of silk fibroin fiber was retained after processing. Partial hydrolysis of fibroin macromolecules and an increase in their crystallinity were studied using FTIR spectroscopy and X-ray diffraction analysis. This multifunctional sorbent provides a useful basis for further development of silk fibroin-based sorbents for vegetable oil purification and other environmental and industrial applications.

Key words: Natural silk waste, sorbent, microwave irradiation, hydrolyzed fibroin .

НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚАТЛАМЛАРИНИ ИЗОЛЯЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ГЕОЛОГИК-ФИЗИК ВА ФИЛЬТРАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ

Жуманиязов М.О., Торемуратов С.М.

Кириш: Нефть ва газ саноатида қудуқларни ишончли қуриш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш замонавий технологик жараёнларнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Қудуқларни бурғилаш ва тугаллаш жараёнларининг мураккаблашиб бориши, юқори босимли қатламларни ўзлаштириш, ёриқли ва юқори ўтказувчан коллекторларнинг кенг тарқалиши натижасида саноат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблиги ортиб бормоқда.

Амалиётда энг кўп учрайдиган мураккабликлар қаторига бурғилаш эритмаларининг ютилиши, газ-нефть-сув намоён бўлиши, қатламлараро оқимлар ва қудуқ деворининг герметиклиги бузилиши киради. Бундай ҳолатлар қудуқ қурилиши муддатларининг узайишига, технологик операцияларнинг қимматлашишига ва авариявий ҳолатлар хавфининг ошишига сабаб бўлади. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда нефть ва газ билан тўйинган қатламларни изоляциялаш технологиялари муҳим ўрин тутади. Бироқ изоляция жараёнининг самарадорлиги фақат қўлланилаётган материалларга эмас, балки қатламнинг табиий геологик-физик ҳолатига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, қатламларнинг фильтрацион хусусиятлари, ғоваклик-ўтказувчанлик параметрлари ва ёриқ каналларининг тузилишини ҳисобга олган ҳолда гидроизоляция жараёнларини илмий асослаш долзарб илмий вазифа ҳисобланади.

Асосий қисм: Қатламларнинг геологик-физик хусусиятларининг изоляция жараёнига таъсири нефть ва газ қатламларининг изоляция жараёни мураккаб табиий-техник тизим сифатида қаралиши билан боғлиқ. Бу тизимда асосий объект сифатида қатлам, ташқи таъсир сифатида тампонаж қоришмаларининг ҳаракати ва натижавий омил сифатида ўтказувчан муҳитнинг фильтрацион хусусиятларининг ўзгариши иштирок этади. Қатламларнинг асосий геологик-физик параметрларига ғоваклик коэффициенти, ўтказувчанлик, ёриқларнинг очилиш кенглиги, қатлам қалинлиги, қатлам босими, тоғ жинсларининг литологик таркиблари киради [3.96–102].

Ушбу параметрлар изоляция материалининг кириб бориш чуқурлиги, тарқалиш радиуси ва ҳосил бўладиган гидроизоляцион экраннинг мустаҳкамлигига бевосита таъсир қилади. Масалан, юқори ўтказувчан ёриқли коллекторларда паст қовушқоқликка эга қоришмалар қатламга жуда тез сингиб кетади ва зарур изоляцион тўсиқни ҳосил қила олмайди. Аксинча, юқори қовушқоқликка эга композициялар кичик ёриқларга кириш қобилиятини йўқотиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир геологик шароит учун тампонаж тизимининг реологик параметрларини оптималлаштириш талаб этилади.

«Қудуқ–қатлам» тизимида гидроизоляция жараёни қудуқ ва қатлам ўзаро таъсир қилувчи ягона тизим сифатида қаралганда, изоляция жараёни бир нечта босқичдан ташкил топади жумладан, қатламнинг гидродинамик ҳолатини баҳолаш, фильтрация каналларининг хусусиятларини аниқлаш, изоляция механизмини танлаш, тампонаж материалларини тайёрлаш, қоришмани қатламга киритиш ва экран ҳосил қилиш. Ҳар бир босқичдаги хатолик якуний натижанинг пасайишига олиб келади. Масалан, қатламнинг фильтрацион хусусиятлари нотўғри баҳоланса, танланган тампонаж қоришмасининг қовушқоқлиги ва структура ҳосил қилиш хусусиятлари талаб даражасида бўлмайди. Бу эса изоляция зонасида қайта ютилиш ёки қатламлараро оқимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Тампонаж қоришмаларининг реологик хусусиятлари Гидроизоляция жараёнида қўлланиладиган гилли, цементли ва полимер асосли композициялар мураккаб дисперс тизимлар ҳисобланади.

Уларнинг асосий технологик хусусиятлари динамик қовушқоқлик, пластик мустаҳкамлик, статик силжиш кучланиши, сув ажратиш даражаси, қотиш вақти билан белгиланади. Қоришманинг фильтрация каналларига кириши ва кейинчалик мустаҳкам структура ҳосил қилиши унинг реологик ҳолатига боғлиқ. Шведов–Бингем модели асосида бундай суюқликларнинг ҳаракати қуйидаги ифода билан тавсифланади [2.170–175]:

$$\tau = \mu \frac{du}{dn} + \tau_0$$

Бу ерда силжиш кучланиши, пластик қовушқоқлик ва бошланғич структура бузилиш кучланиши изоляция жараёнининг асосий параметрлари ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, цементли композицияларда сув-цемент нисбатининг камайиши билан қовушқоқлик ва мустаҳкамлик ошади, қотиш жараёни тезлашади. Бу эса юқори ўтказувчан қатламларда барқарор экран ҳосил қилиш имконини беради. Кольматацион гидроизоляция механизми ўтказувчан қатламларни изоляциялашда муҳим механизмлардан бири кольматация жараёнидир. Ушбу жараёнда қаттиқ фазали заррачалар фильтрация каналларига кириб боради, ғовакларни қисман ёки тўлиқ тўлдиради, қатламнинг ўтказувчанлигини камайтиради, қудуқ деворида мустаҳкам экран ҳосил қилади. Гидромонитор таъсири натижасида заррачаларнинг кириб бориш тезлиги ортади ва гидроизоляцион экран шаклланиши тезлашади. Ҳосил бўлган экраннинг самарадорлиги унинг қалинлиги, зичлиги ва адгезион хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Нефть ва газ қатламларини изоляциялаш жараёнини таҳлил қилиш натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, изоляция самарадорлиги фақатгина тампонаж материалининг сифати билан эмас, балки «қудуқ–қатлам» тизимидаги барча технологик омилларнинг ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади. Мураккаб геологик шароитларда, айниқса ёриқли ва юқори ўтказувчан коллекторларда, фильтрация каналларининг ўлчами ва тузилиши тампонаж қоришмасининг ҳаракатланиш механизмини белгилаб беради. Шу сабабли изоляция ишларини амалга оширишдан олдин қатламнинг гидродинамик ҳолатини баҳолаш, ютиш интенсивлигини аниқлаш ва фильтрация хусусиятларини таҳлил қилиш талаб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, анъанавий изоляция усулларида асосий камчиликлардан бири — қатламнинг реал геологик ҳолати ва тампонаж композициясининг физик-кимёвий хусусиятлари ўртасидаги мувофиқлик етарлича ҳисобга олинмаслигидир. Масалан, ёриқлар очилиши катта бўлган қатламларда паст қовушқоқли қоришмаларнинг қўлланилиши уларнинг изоляция зонасидан ташқарига чиқиб кетишига олиб келади. Натижада қоришманинг сарфи ортади, бироқ гидроизоляцион самара кутилган даражага етмайди. Бундай шароитларда юқори структура ҳосил қилувчи, тиксотроп хусусиятга эга бўлган композициялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки улар фильтрация каналларига киргандан кейин структураланиш хусусиятини намоён қилиб, мустаҳкам изоляцион тўсиқ ҳосил қилади.

Олиб борилган таҳлиллар асосида нефть ва газ қатламларини изоляциялаш жараёнини такомиллаштириш учун қуйидаги илмий ёндашувлар таклиф этилади.

1. Қатлам хусусиятларига мос технологик режимни танлаш. Ҳар бир изоляция операцияси учун ягона универсал усулдан фойдаланиш самарали эмас. Қатламнинг ўтказувчанлиги, ёриқлар ўлчами ва босим ҳолатига қараб индивидуал технологик режим ишлаб чиқилиши керак.

Бунда: насос сарфи, ҳайдаш босими, қоришманинг киритиш тезлиги, ишлов бериш вақти каби параметрлар ҳисобга олиниши лозим.

2. Тампонаж композицияларининг таркибини оптималлаштириш. Изоляция материалларининг самарадорлигини ошириш учун уларнинг реологик хусусиятларини бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Гилли, цементли ва полимерли тизимларга қўшимчалар киритиш орқали қовушқоқликни ошириш, сув ажралишни камайтириш, структура ҳосил бўлиш тезлигини бошқариш, адгезион хусусиятларни яхшилаш каби имконияти мавжуд. Айниқса полимер қўшимчалар тампонаж қоришмаларининг барқарорлигини ошириб, уларнинг фильтрация каналларида ушланиб қолиш хусусиятини яхшилайди.

3. Гидроизоляция жараёнини тизимли бошқариш. Замонавий ёндашувларда изоляция жараёни алоҳида операция эмас, балки ўзаро боғланган технологик тизим сифатида қаралиши лозим. Бунда қуйидаги

боғлиқликлар ҳисобга олинади, қатламнинг геологик ҳолати → фильтрацион хусусиятлар → изоляция механизми → тампонаж таркиби → технологик режим → якуний самарадорлик. Ушбу тизимли ёндашув изоляция ишларининг ишончлилигини оширади ва такрорий асоратлар эҳтимолини камайтиради.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий ҳолатлар шакллантирилди:

Нефть ва газ қатламларини изоляциялаш жараёнида қатламнинг геологик-физик хусусиятлари ва тампонаж композицияларининг реологик параметрлари ўртасидаги боғлиқлик асосланди.

«Қудуқ–қатлам» тизимида гидроизоляция жараёнини бошқаришда фильтрация каналларининг тузилиши ва ўтказувчанлик даражасини ҳисобга олиш зарурлиги аниқланди.

Тампонаж қоришмаларининг структура-механик хусусиятларини мақсадли ўзгартириш орқали юқори самарали гидроизоляцион экран ҳосил қилиш имконияти кўрсатилди [8.2795–2800].

Кольматацион изоляция механизмида гидродинамик таъсир ва физик-кимёвий жараёнларнинг биргаликдаги таъсири изоляция сифатини белгилайдиган асосий омил эканлиги асосланди.

Хулоса: Нефть ва газ қатламларини изоляциялаш жараёнларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди: Қудуқларни бурғилаш ва эксплуатация қилишда юзага келадиган ютилишлар, газ-нефть-сув намоён бўлишлари ҳамда қатламлараро оқимларни бартараф этишда қатламларнинг геологик-физик ва фильтрацион хусусиятларини ҳисобга олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Изоляция жараёнининг самарадорлиги «қудуқ–қатлам» тизимидаги гидродинамик жараёнлар, фильтрация каналларининг тузилиши ва тампонаж материалларининг физик-кимёвий хусусиятлари билан белгиланади. Тампонаж композицияларини танлашда уларнинг қовушқоқлиги, пластик мустаҳкамлиги, сув ажратиш хусусияти ва қотиш кинетикасини қатлам шароитига мослаштириш зарур. Гидроизоляцион экран ҳосил бўлиш механизмида кольматация, адгезия ва структура ҳосил қилиш жараёнларининг комплекс таъсири асосий роль ўйнайди. Изоляция технологияларини такомиллаштириш учун қатлам хусусиятларини олдиндан баҳолаш, технологик параметрларни ҳисоблаш ва тампонаж тизимларини мақсадли танлашга асосланган тизимли ёндашувни қўллаш лозим.

Шундай қилиб, нефть ва газ қатламларини изоляциялаш жараёнида геологик-физик ва фильтрацион хусусиятларни ҳисобга олиш қудуқларнинг ишончлилигини ошириш, авариявий ҳолатларни камайтириш ва бурғилаш ишларининг техник-иқтисодий самарадорлигини яхшилаш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Булатов А.И. Бурение нефтяных и газовых скважин. – Москва: Недра, 2003. – 690 с.
2. Амиян В.А. Нефтепромысловая гидромеханика. – Москва: Недра, 1985. – 320 с.
3. Басниев К.С., Кочина И.Н., Максимов В.М. Подземная гидромеханика. – Москва: Недра, 1993. – 416 с.
4. Nelson E.B., Guillot D. Well Cementing. 2nd Edition. – Houston: Schlumberger, 2006. – 800 p.
5. Bourgoyne A.T., Millheim K.K., Chenevert M.E., Young F.S. Applied Drilling Engineering. – Richardson: Society of Petroleum Engineers, 1986. – 502 p.
6. Lei Pu, Peng Xu, Mingbiao Xu et al. Lost circulation materials for deep and ultra-deep wells: A review // Journal of Petroleum Science and Engineering. – 2022. – Vol. 214. – Article 110404.
7. Rahman Ashena, Ali Ghalambor et al. “Level-off” cement plugging method to cure lost circulation verified with case studies // Journal of Petroleum Exploration and Production Technology. – 2021. – Vol. 11. – P. 2777–2789.
8. Mohammed Alkhamis, Abdulmohsin Imqam. Sealant injectivity through void space conduits to assess remediation of well cement failure // Journal of Petroleum Exploration and Production Technology. – 2021. – Vol. 11. – P. 2791–2804.
9. Review of Cement-Based Plugging Systems for Severe Lost Circulation in Deep and Ultra-Deep Formations // Processes. – 2025. – Vol. 14(1). – Article 76.
10. The Plugging of Lost Circulation in Deep Fractured Formations: A Review // Geoenergy Science and Engineering. – 2025. – Vol. 249. – Article 213789.

Нефть ҳам газ қатламларын изоляциялаў процессинде геологиялық-физикалық ҳам фильтрациялық қәсиетлердиң технологиялық нәтийжелерине тәсири

Аннотация: Мақалада нефть ҳәм газ қудқыларын қазыў ҳәм тамамлаў процеслеринде пайда болатуғын қыйыншылықларды сапластырыўда қатламлардың геологиялық-физикалық ҳәм фильтрациялық қәсийетлериниң әҳмийети изертленген. Нефть-газ менен қанықкан қатламларды гидроизоляциялаў процессинде «қудық–қатлам» системасында болып өтетуғын гидродинамикалық, физикалық-химиялық ҳәм структура-механикалық процесслер талланған. Жутылыўлар, газ-нефть-суў көрнислери ҳәм қатламлараралық ағыслардың пайда болыў себеплери, оларды сапластырыўда қолланылатуғын тампонаж материалларының қәсийетлери ҳәм изоляция механизмлери үйренилген.

Таяныш сөзлер: нефть ҳәм газ скважинасы, қатлам изоляциясы, фильтрация, өткериўшилик, гидроизоляция.

Нефть ва газ қатламларини изоляциялаш жараёнида геологик-физик ва фильтрацион хусусиятларнинг технологик самарадорликка таъсири

Аннотация: Мақолада нефть ва газ қудуқларини бурғилаш ҳамда тугаллаш жараёнларида юзага келадиган мураккабликларни бартараф этишда қатламларнинг геологик-физик ва фильтрацион хусусиятларининг аҳамияти тадқиқ қилинган. Нефть-газ билан тўйинган қатламларни гидроизоляциялаш жараёнида қудуқ–қатлам тизимида содир бўладиган гидродинамик, физик-кимёвий ва структура-механик жараёнлар таҳлил қилинган. Ютишлар, газ-нефть-сув намоён бўлишлари ва қатламлараро оқимларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этишда қўлланиладиган тампонаж материалларининг хусусиятлари ҳамда изоляция механизмлари ўрганилган.

Калит сўзлар: нефть ва газ кудуғи, қатлам изоляцияси, фильтрация, ўтказувчанлик, гидроизоляция.

Влияние геолого-физических и фильтрационных свойств пластов на технологическую эффективность процессов изоляции нефтегазонасыщенных объектов

Аннотация: В статье исследована роль геолого-физических и фильтрационных свойств пластов в устранении осложнений, возникающих в процессе бурения и заканчивания нефтяных и газовых скважин. Проанализированы гидродинамические, физико-химические и структурно-механические процессы, происходящие в системе «скважина–пласт»

при гидроизоляции нефтегазонасыщенных пластов. Изучены причины возникновения поглощений бурового раствора, газонефтеводопроявлений и межпластовых перетоков, а также свойства тампонажных материалов и механизмы изоляции, применяемые для их ликвидации.

Ключевые слова: нефтяная и газовая скважина, изоляция пласта, фильтрация, проницаемость, гидроизоляция.

Influence of geological-physical and filtration properties of reservoirs on technological efficiency of isolation processes of oil and gas bearing formations

Abstract: The article investigates the role of geological, physical and filtration properties of reservoirs in eliminating complications arising during drilling and completion of oil and gas wells. Hydrodynamic, physicochemical and structural-mechanical processes occurring in the well–reservoir system during hydraulic isolation of oil and gas bearing formations are analyzed.

It is concluded that ignoring reservoir properties during isolation operations leads to reduced technological efficiency and lower reliability of well construction processes.

Key words: oil and gas well, reservoir isolation, filtration, permeability, hydraulic isolation.

UDK: 314.7:331.5(575.172)

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASIDA DEMOGRAFIK OMILLARNING ISH BILAN BANDLIK VA MEHNAT BOZORIGA TA'SIRINING HUDUDIY JIHATLARI

Matjanova Sh. K., Reymov P. R., Reymova G. P.

Kirish. Mintaqaviy mehnat bozorining shakllanishi va faoliyat ko'rsatishida demografik omillar hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Aholining soni, tabiiy harakati, yosh-jins tarkibi hamda migratsiya jarayonlari mehnat resurslari taklifini belgilab beruvchi asosiy determinantlar hisoblanadi. Ayni paytda mehnat bozoriga bo'lgan talab hududning iqtisodiy salohiyati, tarmoq tuzilmasi va investitsiya faolligi bilan bog'liq bo'lib, ushbu ikki tomon o'rtasidagi mutanosiblikning buzilishi ishsizlik, mehnat migratsiyasining kuchayishi va aholi turmush darajasining pasayishiga olib keladi. Qoraqalpog'iston Respublikasi bu jihatdan O'zbekiston mintaqalari orasida alohida o'rin egallaydi. Respublika hududi 166,6 ming kv. kilometrni tashkil etib, mamlakat umumiy maydonining 37 foizidan ortig'iga to'g'ri keladi, biroq unda mamlakat aholisining atigi 5 foizga yaqini istiqomat qiladi. Aholining o'rtacha zichligi 12 kishi/kv. km atrofida bo'lib, bu respublika bo'yicha o'rtacha ko'rsatkichdan bir necha barobar past. Bundan tashqari, Orol dengizining qurishi natijasida yuzaga kelgan ekologik inqiroz mintaqa demografik va mehnat jarayonlariga uzoq muddatli salbiy ta'sir ko'rsatmoqda.

«O'zbekiston — 2030» strategiyasida aholi bandligini ta'minlash, mehnatga layoqatli aholini samarali ish o'rinlari bilan qamrab olish va hududlar o'rtasidagi ijtimoiy-iqtisodiy tafovutlarni qisqartirish ustuvor vazifalar sifatida belgilangan. Shu nuqtai nazardan, Qoraqalpog'iston Respublikasida demografik omillarning bandlikka ta'sirini hududiy kesimda o'rganish hamda mintaqa ichidagi tafovutlarni hisobga oluvchi differensiallashgan bandlik siyosatini asoslash dolzarb ilmiy-amaliy ahamiyatga ega[1].

Tadqiqotning maqsadi — Qoraqalpog'iston Respublikasida demografik omillarning ish bilan bandlik va mehnat bozoriga ta'sirini hududiy kesimda baholash hamda ushbu ta'sirni hisobga olgan holda bandlikni ta'minlashning differensiallashgan yo'nalishlarini ishlab chiqishdan iborat.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Demografik jarayonlar va mehnat bozori o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik masalasi iqtisodiyot fanida uzoq yillardan buyon tadqiq etilib kelinmoqda. J.Harris va M.Todaro tomonidan ishlab chiqilgan ikki sektorli model qishloq joylardan shaharlarga yo'naltirilgan migratsiya kutilayotgan daromadlar farqi bilan izohlanishini asoslab bergan bo'lib, ushbu yondashuv mehnat ortiqchaligiga ega agrar hududlar uchun bugungi kunda ham metodologik ahamiyatini saqlab qolgan [2]. E.Lining migratsiya nazariyasida esa aholi harakati «itaruvchi» va «tortuvchi» omillar tizimi orqali tushuntiriladi, bu Orolbo'yi mintaqasidagi ekologik omil ta'siridagi migratsiyani izohlashda muhim nazariy asos bo'lib xizmat qiladi [3].

M.Todaro va S.Smit tadqiqotlarida aholi o'sish sur'atlarining yuqoriligi rivojlanayotgan mamlakatlarda mehnat bozoriga bosimni kuchaytirishi va yashirin ishsizlikni keltirib chiqarishi ilmiy jihatdan asoslangan [4]. L.L.Rыbakovskiy migratsiya jarayonlarini o'rganishning uch bosqichli metodologiyasini taklif etib, migratsiya saldosi va intensivligi ko'rsatkichlari orqali hududiy tahlil olib borish imkonini bergan [5].


Mahalliy iqtisodchi olimlar orasida K.X.Abdurahmonov mehnat iqtisodiyoti va bandlik nazariyasining fundamental masalalarini ishlab chiqqan [6], R.A.Ubaydullayeva demografik jarayonlar va mehnat bozori mutanosibligi muammolarini tadqiq etgan [7], N.Q.Zokirova inson resurslarini boshqarishning mintaqaviy jihatlarini yoritgan [8]. Bevosita Qoraqalpog'iston mehnat bozoriga bag'ishlangan tadqiqotlarda B.K.Qoshchanov mintaqa mehnat bozorining tarkibiy nomutanosibliklarini ochib bergan [9], Ph.Micklin esa Orol falokatining ijtimoiy-demografik oqibatlarini xalqaro miqyosda baholagan [10]. Mavjud tadqiqotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, Qoraqalpog'iston Respublikasi mehnat bozori ko'pincha yaxlit obyekt sifatida o'rganilgan bo'lib, respublika ichidagi tuman va shaharlar kesimidagi demografik-mehnat tafovutlari, xususan ekologik tanglik zonasidagi hududlarning o'ziga xos xususiyatlari yetarli darajada tizimli tahlil qilinmagan. Ushbu holat mazkur tadqiqotning ilmiy yangiligini belgilaydi.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot O'zbekiston Respublikasi Statistika agentligi va uning Qoraqalpog'iston Respublikasi bo'yicha hududiy boshqarmasining 2018–2024-yillarga oid rasmiy statistik ma'lumotlari asosida amalga oshirildi. Tahlil jarayonida iqtisodiy-statistik tahlil, qiyosiy tahlil, guruhlash, dinamik qatorlar tahlili, korrelyatsion tahlil hamda hududiy tipologiyalash usullaridan foydalanildi.

Demografik omillarning bandlikka ta'sirini baholashda quyidagi ko'rsatkichlar tizimi qo'llanildi: aholining tabiiy o'sish koeffitsienti, mehnatga layoqatli yoshdagi aholi ulushi, demografik yuklama koeffitsienti, migratsiya saldosi va

uning intensivligi, aholining bandlik darajasi hamda ishsizlik darajasi. Hududlarni tipologiyalashda mehnat resurslari o'sish sur'ati, bandlik darajasi va migratsiya saldosi intensivligi integral mezon sifatida qabul qilindi.

Tahlil va natijalar. Qoraqalpog'iston Respublikasi aholisi soni so'nggi yillarda barqaror o'sish tendensiyasini namoyon etmoqda. 2018–2024-yillar davomida respublika doimiy aholisi soni 1817,5 ming kishidan 2032,4 ming kishiga yetdi, ya'ni 214,9 ming kishiga yoki 11,8 foizga ortdi. Ushbu o'sish asosan tabiiy ko'payish hisobiga ta'minlanmoqda, chunki mintaqada migratsiya saldosi butun tahlil qilinayotgan davr mobaynida manfiy qiymatni saqlab qolgan (1-rasm).



1-rasm. Qoraqalpog'iston Respublikasi aholisi soni va migratsiya saldosi dinamikasi, 2018–2024-yillar
Manba: O'zbekiston Respublikasi Statistika agentligi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Tahlil natijalari shuni ko'rsatadiki, mintaqada yiliga o'rtacha 10–13 ming kishi migratsiya saldosi bo'yicha yo'qotish qayd etilmoqda va bu ko'rsatkich respublika bo'yicha eng yuqori darajalardan biri hisoblanadi. Chiqib ketuvchilarning asosiy qismini 20–39 yoshdagi mehnatga layoqatli aholi tashkil etadi, bu esa mintaqa mehnat salohiyatining sifat jihatidan kambag'allashuviga olib kelmoqda.

Aholining yosh tarkibi tahlili demografik bosimning yuqoriligini ko'rsatadi. Respublikada 30 yoshgacha bo'lgan aholi ulushi 54 foizdan ortiqni tashkil etadi, mehnat bozoriga har yili qo'shimcha ravishda 30 ming atrofida yosh mehnat resurslari kirib kelmoqda. Ayni paytda yangi tashkil etilayotgan ish o'rinlari soni ushbu ehtiyojni to'liq qoplay olmayotgani mehnat taklifi va talabi o'rtasidagi tarkibiy nomutanosiblikni yuzaga keltirmoqda.

Mintaqa ichidagi hududiy tafovutlarni aniqlash maqsadida respublika tumanlari va shaharlari demografik-mehnat salohiyati bo'yicha uch tipga ajratildi (1-jadval).

***1-jadval.* Qoraqalpog'iston Respublikasi hududlarining demografik-mehnat tipologiyasi**


Hududiy tip	Tarkibiga kiruvchi hududlar	Aholi zichligi, kishi/km²	Mehnat resurslari o'sishi, %	Bandlik darajasi, %	Migratsiya saldosi, ‰
I tip — nisbatan barqaror	Nukus shahri, Xo'jayli, Taxiatosh, Nukus tumani	58,2	1,4	72,4	–2,1
II tip — mehnat ortiqchaligi	To'rtko'l, Beruniy, Ellikqal'a, Amudaryo, Shumanay	31,7	2,3	63,8	–6,8
III tip — ekologik tanglik zonasi	Mo'ynoq, Bo'zatov, Taxtako'pir, Qonliko'l, Qorao'zak, Kegeyli, Chimboy	4,6	1,8	54,1	–14,3

Manba: Statistika agentligi ma'lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari.

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, hududiy tiplar o'rtasidagi tafovut sezilarli darajada yuqori. Birinchi tipga kiruvchi Nukus shahri va unga tutash hududlarda bandlik darajasi 72,4 foizni tashkil etib, migratsiya saldosi nisbatan past — har ming kishiga –2,1 promillega teng. Ushbu hududlarda sanoat, xizmat ko'rsatish sohasi va boshqaruv tuzilmalari jamlanganligi qo'shimcha ish o'rinlari yaratilishini ta'minlamoqda.

Ikkinchi tipga kiruvchi To'rtko'l, Beruniy, Ellikqal'a va Amudaryo tumanlari an'anaviy agrar ixtisoslashuvga ega bo'lib, mehnat resurslarining o'sish sur'ati eng yuqori — yiliga 2,3 foizni tashkil etadi. Bu hududlarda mehnat ortiqchaligi aniq namoyon bo'lib, mavsumiy bandlik va yashirin ishsizlik keng tarqalgan.

Uchinchi tip — Mo'ynoq, Bo'zatov, Taxtako'pir va Qonliko'l kabi ekologik tanglik zonasidagi hududlarda vaziyat eng murakkab. Bu yerda bandlik darajasi 54,1 foizga tushgan, migratsiya saldosining intensivligi esa –14,3 promillega yetgan, ya'ni birinchi tipdagiga nisbatan yetti barobar yuqori. Orol dengizining qurishi natijasida baliqchilik va sug'orma dehqonchilikning an'anaviy ish o'rinlari yo'qolgan, tuproq sho'rlanishi va suv taqchilligi qishloq xo'jaligi salohiyatini keskin cheklab qo'ygan (2-rasm).



2-rasm. Hududiy tiplar kesimida bandlik, ishsizlik va migratsiya ko'rsatkichlari
Manba: muallif tomonidan statistik ma'lumotlar asosida tuzilgan.

Korrelyatsion tahlil natijalari migratsiya saldosi intensivligi va bandlik darajasi o'rtasida kuchli bog'liqlik mavjudligini tasdiqlaydi: bandlik darajasi past bo'lgan hududlarda aholining chiqib ketishi mos ravishda yuqori. Shu bilan birga, mehnat resurslarining tez o'sishi va ish o'rinlari yaratilish sur'atining orqada qolishi ishsizlik darajasining hududiy tabaqalanishini keltirib chiqarmoqda: III tipdagi hududlarda ishsizlik 15,2 foizni tashkil etib, I tipdagidan qariyb ikki barobar yuqoridir[11]. Shunday qilib, tadqiqot natijalari Qoraqalpog'iston Respublikasi mehnat bozorini yaxlit obyekt sifatida emas, balki hududiy jihatdan tabaqalashgan tizim sifatida ko'rib chiqish zarurligini ko'rsatadi. Yagona andozadagi bandlik siyosati mintaqa ichidagi tafovutlarni bartaraf eta olmaydi.

Xulosa va takliflar. Olib borilgan tadqiqot asosida quyidagi xulosalarga kelindi:

Birinchidan, Qoraqalpog'iston Respublikasida aholi sonining barqaror o'sishi va yosh tarkibning nisbatan «yosh» bo'lishi mehnat bozoriga doimiy demografik bosim yaratmoqda, ammo yangi ish o'rinlari yaratilish sur'ati mehnat resurslarining o'sish sur'atidan orqada qolmoqda.

Ikkinchidan, manfiy migratsiya saldosi mintaqa uchun tizimli xususiyat kasb etgan bo'lib, u asosan mehnatga layoqatli va malakali yoshlar hisobiga shakllanmoqda. Bu holat uzoq muddatda mintaqaning kadrlar salohiyatiga jiddiy tahdid soladi.

Uchincidan, respublika hududlari demografik-mehnat salohiyati bo'yicha keskin tabaqalashgan bo'lib, ekologik tanglik zonasidagi hududlarda bandlik va migratsiya ko'rsatkichlari eng nochor holatda.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, quyidagi takliflar ishlab chiqildi:

1. I tipdagi hududlarda mehnat bozori siyosatini bandlikning sifatini oshirish, yuqori qo'shilgan qiymatga ega ish o'rinlari yaratish va kasbiy qayta tayyorlash tizimini rivojlantirishga yo'naltirish maqsadga muvofiq.

2. II tipdagi mehnat ortiqchaligi mavjud agrar hududlarda qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash klasterlarini tashkil etish, oilaviy tadbirkorlik va kooperatsiyani rag'batlantirish, mavsumiy bandlikni yil davomiy bandlikka aylantirish chora-tadbirlarini kuchaytirish zarur.

3. III tipdagi ekologik tanglik zonasi hududlari uchun alohida davlat dasturi doirasida imtiyozli soliq va kredit rejimini joriy etish, «yashil» iqtisodiyot yo'nalishidagi ish o'rinlarini (saksovulzorlar barpo etish, qurg'oqchilikka chidamli ekinlar yetishtirish, ekologik turizm) yaratish hamda uyushtirilgan mehnat migratsiyasini ijtimoiy himoya mexanizmlari bilan qo'llab-quvvatlash tavsiya etiladi.

4. Mintaqa miqyosida demografik prognozlar asosida mehnat resurslari balansini shakllantirish va uni kasb-hunar ta'limi tizimining qabul parametrlari bilan uyg'unlashtirish mexanizmini joriy etish lozim.

Taklif etilgan yondashuvning amaliy joriy etilishi Qoraqalpog'iston Respublikasida mehnat bozori nomutanosibliklarini yumshatish, aholi bandligi darajasini oshirish va migratsiya oqimlarini barqarorlashtirish imkonini beradi.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 4-fevraldagi PQ-4977-son «Orolbo'yi mintaqasini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori.
2. Harris J.R., Todaro M.P. Migration, Unemployment and Development: A Two-Sector Analysis // The American Economic Review. — 1970. — Vol. 60, No. 1. — P. 126–142.
3. Lee E.S. A Theory of Migration // Demography. — 1966. — Vol. 3, No. 1. — P. 47–57.
4. Todaro M.P., Smith S.C. Economic Development. 13th ed. — Harlow: Pearson, 2020. — 896 p.
5. Рыбаковский Л.Л. Миграция населения: теория, методы исследования. — М.: Экон-Информ, 2017. — 288 с.
6. Абдурахманов К.Х. Экономика труда: теория и практика: учебник. — Т.: Fan va texnologiya, 2019. — 592 с.
7. Убайдуллаева Р.А. Демографик жараёнлар ва меҳнат бозори мутаносиблиги. — Т.: Ўзбекистон, 2018. — 214 б.
8. Zokirova N.Q. Inson resurslarini boshqarish: darslik. — T.: Iqtisod-Moliya, 2021. — 416 b.
9. Qoshchanov B.K. Qoraqalpog'iston Respublikasi mehnat bozorining hududiy xususiyatlari // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. — 2022. — № 4. — B. 118–127.
10. Micklin Ph. The Aral Sea Disaster // Annual Review of Earth and Planetary Sciences. — 2007. — Vol. 35. — P. 47–72.
11. O'zbekiston Respublikasi Statistika agentligi. Demografik holat va aholi bandligi: statistik to'plam. — T., 2024. — 186 b.

Annotatsiya. Maqolada Qoraqalpog'iston Respublikasida demografik omillarning aholi bandligi va mintaqaviy mehnat bozoriga ta'siri hududiy kesimda tadqiq etilgan. Respublika aholisi soni, tabiiy o'sish, yosh tarkibi va migratsiya saldosi dinamikasi 2018–2024-yillar bo'yicha tahlil qilinib, ular bilan bandlik va ishsizlik darajasi o'rtasidagi bog'liqlik baholangan. Tadqiqot natijasida hududlar demografik-mehnat salohiyatiga ko'ra uch tipga — nisbatan barqaror, mehnat ortiqchaligi mavjud va ekologik tanglik zonasidagi hududlarga ajratilgan. Muallif tomonidan har bir tip uchun differensiallashgan bandlik siyosati chora-tadbirlari ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: demografik omillar, mehnat bozori, aholi bandligi, mehnat resurslari, migratsiya saldosi.

Аннотация. В статье в территориальном разрезе исследовано влияние демографических факторов на занятость населения и региональный рынок труда Республики Каракалпакстан. Проанализирована динамика численности населения, естественного прироста, возрастной структуры и сальдо миграции за 2018–2024 годы, оценена их взаимосвязь с уровнем занятости и безработицы. По итогам исследования территории республики дифференцированы на три типа — относительно устойчивые, трудоизбыточные и расположенные в зоне экологического кризиса. Автором разработаны дифференцированные меры политики занятости для каждого типа территорий.

Ключевые слова: демографические факторы, рынок труда, занятость населения, трудовые ресурсы, сальдо миграции.

Abstract. The article examines the impact of demographic factors on employment and the regional labour market of the Republic of Karakalpakstan from a territorial perspective. The dynamics of population size, natural increase, age structure and net migration for 2018–2024 are analysed, and their correlation with employment and unemployment rates is assessed. As a result of the study, the districts of the republic are classified into three types — relatively stable, labour-surplus, and those located within the ecological crisis zone. Differentiated employment policy measures are proposed by the author for each territorial type.

Key words: demographic factors, labour market, employment, labour resources, net migration.

ИССИҚЛИК ЮЗАЛАРИДА ДАШҚОЛ ҲОСИЛ БЎЛИШ ДИНАМИКАСИНИНГ МАТЕМАТИК ТАВСИФИ

Юсупов Р.А., Исмаилов О. Ю., Сарсенбаев Н.Т.,
Тошкент кимё-технология институти
ЎзРФА Умумий ва ноорганик кимё институти
Бердақ номидаги ҚДУ ассистент Ўзбекистон, Р. Қорақалпоғистон, Нукус

Иссиқлик алмашиниш қурилмаларида нефт таркибидаги асфальт-смола-парафин компонентларининг юзаларда тўпланиши дашқол қатлами ҳосил бўлишига олиб келади. Бу эса иссиқлик узатиш самарадорлигининг пасайиши, гидравлик қаршилик ва эксплуатацион харажатларнинг ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун дашқол ҳосил бўлишини камайтиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тадқиқотда дашқол ҳосил бўлиш жараёнига оқим тезлиги ва доимий магнит майдонининг таъсири ўрганилди. 120 °С ҳароратда ўтказилган тажрибалар натижалари асосида мазкур омилларнинг таъсирини ифодаловчи математик модел ишлаб чиқилди. Тадқиқотнинг мақсади дашқол тўпланишини камайтиришда магнит майдонидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва унинг тўпланиш динамикасини башорат қилишдан иборат.

Иссиқлик алмашиниш қурилмасига кираётган оқим сарфига доимий магнит майдони индукциясига эга магнит майдони ишчи юзасини иссиқлик алмашиниш юзаларидаги дашқол қатлами шаклланишига таъсирини ўрганиш борасида тажрибалар олиб борилди. Тажрибалар давомида габарит ўлчамлари 20х10х3 мм бўлган 40Н неодим магнитдан фойдаланилган бўлиб, унинг ишчи юзаси 2 см^2 га, магнит майдони индукцияси 1.2 Тл га, илашиш қувати 49.05 Н (Ньютон) ни ташкил этади. Ҳар 1 см^2 магнит ишчи юзаси 24.52 Н илашиш қувватига эга ҳисобланади. Тажрибалар оқим тезлиги ва магнит майдони ишчи юзасининг (4÷40 см^2) дашқол ҳосил бўлишига таъсирини миқдорий баҳолаш учун 120 ^oC ҳароратда ва 200 соат давом этган тажрибалар натижалари қайта ишланди. Оқим тезлиги 0,396÷1,59 м/с оралиғида ўзгартирилиб борилди.

Экспериментал маълумотлар асосида ўрганилаётган омилларнинг чизиқли, квадратик ва биргаликдаги таъсирларини ҳисобга олувчи иккинчи тартибли регрессия тенгламаси олинди [1, 3]:

$$m_{200} = 2{,}6160 + 0{,}09881w - 0{,}43838w^2 - 0{,}03810S + 0{,}000624S^2 - 0{,}00399wS, \quad (1)$$

бу ерда, m_{200} - соат ичида ҳосил бўлган қуйқа массаси, 10^{-2} г; ω - оқим тезлиги, м/с; С - магнит майдонининг ишчи юзаси, см^2.

Олиб борилган 200 соатлик тажриба натижаларидан келиб чиқиб, дашқол тўпланишини вақт бирлиги ичида аниқлаш учун унинг ҳосил бўлишининг тахминий тезлиги аниқланди [4, 5]:

$$r(w,S) = \frac{d\tau}{dm} = 5 \cdot 10^{-5}(2{,}616 + 0{,}0988w - -0{,}4384w^2 - 0{,}038S + 0{,}000624S^2 - 0{,}00399wS) \quad (2)$$

бу ерда, $r(w,S)$ г/соат билан ифодаланади.

Ишчи кўрсаткичлардан ҳарорат, оқим тезлиги, ва ишлов берилаётган муҳит таркиби ўзгармас бўлганда, тўпланган дашқол массаси қуйидаги тенглама орқали аниқланади [6, 7]:

$$m(\tau) = 5 \cdot 10^{-5}\tau\begin{pmatrix} 2{,}616 + 0{,}0988w - 0{,}43838w^2 - \\ -0{,}0381S + 0{,}000624S^2 - 0{,}00399wS \end{pmatrix} \quad (3)$$

бу ерда, $m(\tau)$ - ҳосил бўлган дашқол массаси, г; τ - иш вақти давомийлиги, с.


Тажриба маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, оқим тезлиги ва магнит майдони ишчи юзасининг ортиши дашқол ҳосил бўлишининг камайишига олиб келади. Оқим тезлиги 0,396 м/с дан 1,59 м/с гача оширилганда, S =4 см^2 бўлганда қуйқа массаси 36,3% га, S =40 см^2 бўлганда эса 53,8% га камайди. Майдоннинг 4 дан 40 см^2 гача ортиши w=0,396 м/с бўлганда лойқа массасини 20,4% га, w=1,59 м/с бўлганда эса 42,3% га камайишига эриишилади.

Регрессия тенгламасидаги wS ўзаро таъсир ҳади коэффициентининг манфий қийматга эга эканлиги оқим тезлиги ва магнит майдони ишчи юзаси майдонининг биргаликда ортиши дашқол ҳосил бўлиш интенсивлигини

қўшимча равишда пасайтиришини кўрсатади. Шу билан бирга, w^2 ва S^2 ҳадларининг мавжудлиги ўрганилаётган жараённинг ночизиқли хусусиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Олинган тенглама ускунанинг ишлатиш турли вақт давомийлигида, шу жумладан 50, 100, 150, 200 соат ва 4080 соатгача бўлган даврларда дашқол тўпланишини башорат қилиш имконини беради. 200 соатдан ортиқ давр учун дашқол ҳосил бўлишининг доимий тезлиги ҳақидаги фаразга асосланиб, ҳарорат ва бошқа технологик шароитлар ўзгармас сақланганда тўғри бўлади (1-расм).

1-расмдаги иссиқлик ташувчининг 120 ºС ҳароратида ва иситилаётган оқимнинг 0.396÷1.59 м/с тезликлари оралиғида магнит майдони ишчи юзаларни қувурда дашқол ҳосил бўлиш жараёнига таъсирини вақт бирлиги ичида 4.4 формула ёрдамида олиб борилган ҳисоблаш натижаларига кўра, нефт оқимининг қувурдаги тезлиги 0.396 м/с бўлганида 4050 соат (6 ой) мобайнида $37.68 \cdot 10^{-4}$ иссиқлик юзасидаги дашқол қалинлиги оқимга 4 см^2 ишчи юзага 1.2 Тл магнит майдони индукциясига эга магнит майдони таъсир эттирилганида дашқол массаси 0.51 г, 16 см^2 ишчи юзага эга магнит майдонида 0.43 г, 24 см^2 да 0.413 г, 32 см^2 да 0.405 г, 40 см^2 да 0.401 г га тенг бўлди.




1-расм. Турли оқим тезликларида дашқол массасининг вақт бўйича ўзгариши: а) w=0,396 м/с; б) w=0,79 м/с; в) w=1,19 м/с; г) w=1,59 м/с.

Оқим тезлиги 0.79 м/с га кўтарилиши, магнит майдони юзасининг 4 дан 40 см^2 ортиши билан дашқол массасини 1.3 маротабага, 1.19 м/с тезликда 1.42 маротабага, 1.59 м/с да 1.7 маротабага камайиши аниқланди

Оқим тезилигини ортиб бориши қувурдаги хаотик ҳарактни таъминлаши ва магнит майдони ишчи юзасини кенгайиши ҳомашё ҳажмий сарфига магнит таъсирни янада оширади ва иссиқлик алмашиниш қувурларида дашқол массасини кескин камайишига асос бўлади. Олиб борилган тажрибалар давомида тажриба қурилмаси 1 м^2 иссиқлик ишчи юзаларида 4050 соат мобайнида дашқол массасининг тўпланиш динамикасига оқим тезлиги ва магнит майдони ишчи юзасининг таъсири математик баҳоланди (2-расм).

Статистик маълумотларга кўра, иссиқлик алмашниш қурилмаларида асфалт-смола-парафин асосли чўкмаларнинг тўпланиши қурилмаларнинг ҳар 6 ойда таъмирлаш заруриятини туғдиради. Бунда ишчи юзалардаги дашқол қалинлиги 5 мм дан 8 мм тўпланиши аниқланган. Тажриба натижаларига асосланган ҳисоблаш ишларига кўра, оқим ҳаракат йўлига доимий магнит майдони таъсир эттириш магнит майдони ишчи юзасидан келиб чиқиб 1 м^2 иссиқлик юзаларида 3.25 грамм дан 1.18 граммгача камайтириш, қурилмаларга оралиқ техник ҳизмат кўрсатмасдан ишлаш имконини беради.



	0,396	0,79	1,19	1,59
S=4 см²	3,25	2,99	2,57	2,003
S=16 см²	2,802	2,514	2,054	1,422
S=24 см²	2,688	2,391	1,918	1,28
S=32 см²	2,63	2,33	1,855	1,21
S=40 см²	2,61	2,31	1,83	1,18

2-расм. 1 м^2 иссиқлик алмашиниш юзасида дашқол массаси тўпланишининг оқим тезлиги ва магнит майдони ишчи юзасига боғлиқлиги.

Одатда асфалт-смола-парафинли дашқол атламининг зичликлари 850÷1000 кг/м^3 оралиғида бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда тўпланган дашқол массасидан келиб чиқиб, унинг ишчи юзадаги қалинлиги аниқланди:

$$V = \frac{m}{\rho} = \frac{3.25 \cdot 10^{-3}}{950} = 3.42 \cdot 10^{-6}\ \text{м}^3$$

$$h = \frac{V}{S} = \frac{3{,}42 \cdot 10^{-6}}{1} = 3{,}42 \cdot 10^{-6}\text{м} = 3{,}42 \cdot 10^{-3}\text{мм}$$

Олиб борилган ҳисоблаш натижаларига кўра, иссқлиқ алмашиниш юзаларининг ҳар 1 м^2 да оралиқ техник ҳизмат кўрсатиш даврида 5 мм гача дашқол қатлами қалинлиги ҳосил бўлса, доимий магнит майдони таъсирида ушбу кўрсаткич ҳар 1 м^2 юза учун магнит майдони ишчи юзаси ва оқим тезлигидан келиб чиқиб, $1.24 \div 3.42 \cdot 10^{-3}$ мм оралиғида бўлади. Бу эса, иситилаётган нефт оқимини магнит майдони таъсири орқали ҳаракатлантириш самарали ечим эканини яна бир бор исботлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқот натижалари иссиқлик алмашиниш юзаларида дашқол ҳосил бўлишига оқим тезлиги ва доимий магнит майдони ишчи юзасининг сезиларли таъсир кўрсатишини тасдиқлади. Оқим тезлиги ва магнит майдони ишчи юзасининг ортиши дашқол тўпланишини камайишига таъсир этади. Тажриба маълумотлари асосида ишлаб чиқилган иккинчи тартибли регрессия модели дашқол ҳосил бўлиш тезлиги ва тўпланган массани турли эксплуатация муддатлари учун башорат қилиш имконини беради. Олинган натижалар доимий магнит майдонидан фойдаланиш иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг дашқолланишини камайтириш ва эксплуатация самарадорлигини оширишнинг истиқболли усули эканлигини кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР

1. Montgomery D. C. Design and Analysis of Experiments. 9th ed. – Hoboken: John Wiley & Sons, 2017. – 752 p.
2. 193. Box G. E. P., Hunter J. S., Hunter W. G. Statistics for Experimenters: Design, Innovation, and Discovery. 2nd ed. – Hoboken: John Wiley & Sons, 2005. – 633 p.
3. Myers R. H., Montgomery D. C., Anderson-Cook C. M. Response Surface Methodology: Process and Product Optimization Using Designed Experiments. 4th ed. – Hoboken: John Wiley & Sons, 2016. – 856 p.
4. Rehman O.U., Ramasamy M.G., Rozali N.E.M., Mahadzir S., Ghumman A.S.M., Qureshi A.H. Modeling Strategies for Crude Oil-Induced Fouling in Heat Exchangers: A Review // *Processes*. – 2023. – Vol. 11, No. 4. – 1036. – DOI: 10.3390/pr11041036.
5. Khalaf M.H., Mansoori G.A., Yong C.W. Magnetic treatment of petroleum and its relation with asphaltene aggregation onset: An atomistic investigation // *Journal of Petroleum Science and Engineering*. – 2019. – Vol. 176. – P. 926–933. – DOI: 10.1016/j.petrol.2019.01.059.
6. Wang Y., Liu R., Feng X., Zhan S. An Overall Velocity Distribution and Optimization Method for Crude Oil Fouling Mitigation in Heat Exchanger Networks // *Industrial & Engineering Chemistry Research*. – 2017. – Vol. 56, No. 39. – P. 11206–11215. – DOI: 10.1021/acs.iecr.7b01569.
7. Rammerstorfer E., Karner T., Siebenhofer M. The kinetics and mechanisms of fouling in crude oil heat transfer // *Heat Transfer Engineering*. – 2020. – Vol. 41, No. 8. – P. 691–707. – DOI: 10.1080/01457632.2018.1564202.

Аннотация. Ушбу мақолада иссиқлик алмашиниш юзаларида дашқол ҳосил бўлиш динамикасига оқим тезлиги ва доимий магнит майдони ишчи юзасининг таъсири тадқиқ этилган. 120 °C ҳароратда 200 соат давомида, оқим тезлиги 0,396–1,59 м/с ва магнит майдони ишчи юзаси 4–40 см² оралиғида тажрибалар олиб борилган. Олинган маълумотлар асосида омилларнинг чизиқли, квадратик ва ўзаро таъсирини ҳисобга олувчи иккинчи тартибли регрессия тенгламаси ишлаб чиқилган. Натижалар оқим тезлиги ва магнит майдони ишчи юзасининг ортиши дашқол ҳосил бўлишини сезиларли даражада камайтиришини кўрсатди. Таклиф этилган математик модел турли эксплуатация муддатларида дашқол тўпланишини башорат қилиш имконини беради.

Калит сўзлар: дашқол, иссиқлик алмашиниш юзаси, магнит майдони, оқим тезлиги, дашқол ҳосил бўлиш тезлиги.

Аннотация. В данной статье исследовано влияние скорости потока и рабочей поверхности постоянного магнитного поля на динамику шлакообразования на поверхностях теплообмена. Эксперименты проводились при температуре 120 °C в течение 200 часов, скорости потока 0,396–1,59 м/с и рабочей поверхности магнитного поля в диапазоне 4–40 см2. ° На основе полученных данных разработано уравнение регрессии второго порядка, учитывающее линейное, квадратичное и взаимное влияние факторов. Результаты показали, что увеличение скорости потока и рабочей поверхности магнитного поля значительно снижает образование наносов. Предложенная математическая модель позволяет прогнозировать накопление наносов при различных сроках эксплуатации.

Ключевые слова: шлак, поверхность теплообмена, магнитное поле, скорость потока, скорость образования шлака.

Abstract. This article investigates the influence of flow velocity and the operating surface of a constant magnetic field on the dynamics of slag formation on heat exchange surfaces. Experiments were conducted at a temperature of 120 °C for 200 hours, with a flow velocity of 0.396–1.59 m/s and a magnetic field working surface area ranging from 4–40 cm2. ° Based on the obtained data, a second-order regression equation was developed, taking into account the linear, quadratic, and interaction of factors. The results showed that increasing the flow velocity and the working surface area of the magnetic field significantly reduces slag formation. The proposed mathematical model allows for the prediction of sludge accumulation over various operational periods.

Keywords: slag, heat exchange surface, magnetic field, flow velocity, slag formation rate.

UDK 677. 21.017.

HÁR TÙRLI TÍĞÍZLÍQLARDAĞÍ PAXTA TALSHÍQLARÍNAN TAYARLANĞAN PILTE QURAMINDAĞÍ TALSHÍQLARDÍŃ TUWÍRLANÍW HÁM PARALELLENIW JAĞDAYÍNÍŃ ANALIZI

Pirmatov A[1]., Paluanov B.A[2]., Kidirbaeva H. A[2].
Toshkent to‘qimachilik va yengil sanoat instituti[1]
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti[2]

Respublikada iyirilgen jip islep shıǧarıw ushın zamanagóy, serunum texnika hám texnologiyanı islep shıǧarıwǧa jarıyalawǧa elede kóbirek itibar berilmekte. Iyirilgen jip tayarlawda texnologiyaliq proceslerdiń ónimdarlıǧın asıratuǧın joqarı ónimdar texnika hám texnologiyalardı islep shıǧıwdan keń kólemdegi shara-tadbirler ámelge asırılıp, turaqlı nátiyjelerge erisilmekte. 2022-2026 jıllarǧa mólsherlengen jańa Ózbekstannıń rawajlanıw strategiyasında, tiykarınan,

«Milliy ekonomika turaqlılıǵın táminlew hám jalpı ishki ónimde sanaat úlesin asırıwǵa qaratılǵan sanaat siyasatın dawam ettirip, sanaat ónimlerin islep shıǵarıw kólemin 1,4 esege asırıw...» sıyaqlı zárúr máseleler belgilep berilgen. Bul máselelerdi ámelge asırıwda, tiykarınan, iyirilgen jiplerden alınatuǵun gezlemelerdiń sapasin asırıw, olardı qayta islewde úziliwler sanın kemeytiriw, qollanıw qásiyetleri jaqsılanǵan jańa assortimentlerdi islep shıǵarıw zárúr ahimiyet kásip etpekte [1]. Iyiriw procesinde talshıqlardıń uzınlıǵına ziyan jetkermesten saqlap qalınıwı, sızıqlı tıǵzlıǧ jinńishke, sıypaq hám bekkem jip iyiriwde úlken áhimiyetke iye. Talshıqlı aralaspada uzın talshıqlardıń kemeyip, kelte talshıqlardıń artıwı texnologiyalıq proceslerde tákirarlıq mexanikalıq tásirler nátiyjesinde talshıqlardıń ziyanlanıp, onıń tábiyiy qásiyet kórsetkishleri tómenleydi [2].

Jip iyiriw karxanalarında ámelde taylanǵan talshıqlar birinshi basqıshta túriw mashınalarınıń iyneleri tásirinde iri paxta qatlamları mayda bólekshelerge ajıraladı. Isshi organları tásirinde hám aerodinamikalıq kúsh tásirinde jıljıwı nátiyjesinde paxta talası keyingi proceslerge toqtawsız uzatıladı. Sol menen birge, tala quramındaǵı onsha bekkem japıspaǵan pataslıqlardan tazalanadı, talshıqlar mayda bólekshelerge ajıralıp titiliwi sebepli tazalaw-aralastırıw-taraw proceslerinde jaqsı titilip, tazalanıp, bir tegis aralasadı. Nátiyjede bir túrdegi qásiyettegi, tazalanǵan talalı massa payda bolıp taraw mashınasında bir tegis taralǵan pilte tayarlanadı [3,4].

Akademik M.A. Xodjinovaniń izzertlew jumıslarında texnologik proceslerde paxta talasınıń mexanık ziyanlanıwın anıqlaw maqsetinde paxtanı teriw mashınasında terip alıwdan dáslepki islew, jip iyiriwge shekemgi bolǵan proceslerde paxta talası 16% ten 50% ke shekem mexanık ziyanlanıwın gúzetiwin arnawlı metodika tiykarında mekraskop járdeminde anıqlanǵan. Texnologiyalıq proceslerde paxta talshıǧınıń mexanikalıq kúshler tásirinde ziyanlanıwı nátiyjesinde talshıq dúzilisinde awıw múyeshinin' asıwı, talshıqtaǧı malekulalar arentatciyasınıń buzılıwı, talshıq betindegi nategislik hám jarıqshalar payda bolıwı sıyaqlı nuqsanlar izzertlewlerde anıqlanǵan [5].


Bul maqalada túrli jumısshı basım kúshinde tıǧızlanǵan paxta talshıǧınan tayarlanǵan iyiriwdiń shiyki ónimleriniń quramındaǧı talshıqlardiń tuwırlanǧanlıǧı hám paralelleniw dárejesin analiz qılıw maqset etip alındı.

Túrli jumısshı basım kúshinde tıǧızlanǵan paxta talshıǧınan tayarlanǵan talshıqlı hám piltelengen pilteden tájiriybe ótkeriw ushın “Mıdasıatex Cluster” JSHJ ne qaraslı "Elite Stars tekstil" JSHJ jip iyiriw cexında pnevmomexanıkalıq 29,5 teks jip iyiriw sharayatında tazdıń hár túrli jerinen 10 nan 200 mm qırqımdağı úlgıer tańlap alındı. Úlgilerdi analiz qılıwda ónimniń shıǧıw jónelisine itibar berildi.


Labaratoriya sharayatında Qaraqalpaq mámleketlik universiteti Sanaat texnologiyası kafedrasında shólkemlestırılgen «Toqımashılıq ónimleri» ilimiy labaratorıyasında bar jetistirilgen úskenelerde pilte-piliktegi talshıqlardı tuwırlanǧanlıǧı hám paralelleniw dárejesi anıqlandı.

Ornatılǧan tártipte hár bir varıanttaǧı úlgiler 10 nan tákirarlıqta I.S. Leonteva kriteriyası menen paxta talshıǧınıń paralelleniw koeficiyenti, iyiliwsheńlik kórsetkishleri hám talshıqlardıń tuwırlanǧanlıq dárejesi anıqlandı [6].

Iyiriw procesinen alinǧan yarım tayar ónimlerdiń paralelleniw koefficiyenti, iyiliwsheńlik kórsetkishi, talshıqtıń tuwırlanıw dárejesi, ortasha kvadratık awıwı tómendegi gistogrammada keltirildi (1-2-súwret).



1-Súwret. Taraw mashınasındaǧı talshıqlardiń tegisleniw kórsetkishlerine taylaw jumısshı basım kúshiniń ta'siri.



2-Súwret. Piltelew mashınasındaǧı talshıqlardıń tegisleniw kórsetkishlerine taylaw jumısshı basım kúshiniń tásiri.

1-2 súwrettegi nátiyjelerdiń analizinde taylanbağan hám 16 MPa jumısshı basım kúshinde taylanğan paxta talshığınıń kórsetkishlerine qarağanda salıstırsaq, 20 MPa jumısshı basım kúshinde taylanğan paxta talshığınan alınğan taralğan piltedegi talshıqlardıń paralelleniw koefficiyenti 6,0 % ke kemeydi.

Iyiliwsheńlik kórsetkishi ózgermedi, talshıqlardıń tuwırlanıw koefficiyenti 3,1 % ke kemeydi, ortasha kvadratık awıwı 11,1 % ke astı. Piltelengen piltedegi talshıqlardıń paralelleniw koefficiyenti 1,5 % ke, iyiliwsheńlik kórsetkishi 1,9 % ke, talshıqlardıń tuwırlanıw koefficiyenti 1,6 % ke kemeydi. Ortasha kvadratık awıwı 1,8 % ke astı, 24 MPa jumısshı basım kúshinde taylanğan paxta talshığınan alınğan taraw mashınası piltesindegi talshıqlardıń paralelleniw koefficiyenti 10,0 % ke, iyiliwsheńlik kórsetkishi 8,3 % ke, talshıqlardıń tuwırlanıw koefficiyenti 4,6 % ke kemeydi, ortasha kvadratık awıwı 10,4 % ke astı. Piltelengen piltedegi talshıqlardıń paralelleniw koefficiyenti 4,4 % ke, iyiliwsheńlik kórsetkishi 7,7 % ke, talshıqlardıń tuwırlanġanlıq koefficiyenti 3,6 % ke, kemeydi, ortasha kvadratik awıwı 3,6 % ke astı, 28 MPa jumısshı basım kúshinde taylanğan paxta talshığınan alinğan taylanğan piltedegi talshıqlardıń paralelleniw koefficiyenti 14,0 % ke, iyiliwsheńlik koefficiyenti 8,3 % ke, talshıqlardıń tuwırlanıw koefficiyenti 4,2 % ke kemeydi, ortasha kvadratık awıwı 9,1 % ke astı.

Piltelengen piltedegi talshıqlardıń paralelleniw koefficiyenti 8,8 % ke, iyiliwsheńlik kórsetkishi 15,4 % ke, talshıqlardıń tuwırlanıw koefficiyenti 6,1 % ke kemeydi, ortasha kvadratık awıwı 6,1 % ke astı. 32 MPa jumısshı basım kúshinde taylanğan paxta talshığınan alınğan taralğan piltedegi talshıqlardıń paralelleniw koefficiyenti 18,0 % ke, iyiliwsheńlik kórsetkishi 8,3 % ke, talshıqlardıń tuwırlanıw koefficiyenti 15,4 % ke kemeydi, ortasha kvadratık awıwı 12,4 % ke astı, piltelengen piltedegi talshıqlardıń paralelleniw koefficiyenti 10,3 % ke, iyiliwsheńlik kórsetkishi 23,1 % ke, talshıqlardıń tuwırlanıw koefficiyenti 8,0 % ke kemeydi, ortasha kvadratık awıwı 9,3 % ke astı.

Alınğan nátiyjeler dispersiyalarının' birdeyliliginiń áhimiyetliligi Fisher kriteriyalari tiykarında tekserildi.. Bunıń ushın $S_1^2 ва S_2^2$ birdey normal bólistirilgen dereklerdiń bahası boladı. Normal gipotezalar $H_0 : \sigma_1^2 = \sigma_2^2$ ortasha qarama-qarsi gipotezalar: $H_1 : \sigma_1^2 \neq \sigma_2^2$; $H_2 : \sigma_1^2 \geq \sigma_2^2$; $H_3 : \sigma_1^2 \leq \sigma_2^2$ qa salıstırılıp bahalanadı. U_1 hám U_2 tosınarlı mánisler normal bólistiriliw kriteriyasına maslığın esapqa alıp eki dispersiya salıstırıladı hám F (Fısher) kriteriyasi boyınsha bahalanadı [7].

Jeke halatı: $F = \frac{S_1^2}{S_2^2}$, kórinisinde ekewiniń ùlken dispersiyasi.

Fısher kriteriyasi.

$$F\begin{Bmatrix} \text{f} = \text{m}_1 = 1 \\ \text{f} = \text{m}_2 - 1 \end{Bmatrix}, \text{hámde } \alpha \Big\} \text{ itibarġa alınadı.}$$

$$F_R = \frac{S_1^2\{y\}}{S_2^2\{y\}} = \frac{\frac{1}{m_1 - 1}\sum\left(y_{2_i} - \overline{y_2}\right)^2}{\frac{1}{m_2 - 1}\sum\left(y_{2_i} - \overline{y_2}\right)^2} \text{ бу } F_T\{P_D = 1-\alpha;\ f_1 = m_1 - 1;\ f_2 = m_2 - 1\}$$

menen salıstırıldı.

Alınğan nátiyjeler áhimiyetliligi Fısher kriteriyalari tiykarında tekserildi.

$F_R < F_T$ bolsa, $\sigma_1^2 \neq \sigma_2^2$ eki tárepleme kritikaliq shegaralarda bahalandı.

Izzertlew nátiyjelerin ortasha sapa kórsetkishleri parqlarınıń áhimiyetliligin P_D=0,95 isenim itimallılıġında Student hám Fısher kriteriyasi menen bahalanadı, yağnıy $t_R > t_T$ bolğanlığı ushın α=0,005 bolğanda talshıqlardıń ortasha salıstırmalı paralelleskenlik koeficienti teńligi tuwrısındağı nólli gipoteza alınbaydı, yağnıy bólistirilgen úlgilerde talshıqlar tuwırlanıw koefficiyenti ózgeriwi isenimli dep esaplanadı.

Juwmaqlaw. Joqarıda alıp barılğan izzertlew jumısları nátiyjesinde tómendegishe juwmaq shığarıw mu'mkin:

1. Taylanğan paxta talshığınıń jumısshı kúshi artıwı menen talshıqlardıń tegisleniw dárejesi kemeyip barıwın toqtatıw múmkın. Bul jiptiń sapa kórsetkishlerine jaqsı tásir kórsetedi.

2. Paxta talshığınıń paralelleniw koefficiyenti, talshıqtıń tuwırlanıw dárejesi, iyiliwsheńlik kórsetkishleri analiz qılındı.

3. Ortasha sapa kórsetkishleri parqlarınıń áhimiyetliligi P_D=0,95 isenim itimalliliğında Student hám Fısher kriteriyasi menen bahalandı.

ÁDEBIYATLAR

1. Ózbekstan Respublikası Prezdidentiniń 2022 jil 28 yanvardağı PP-60-san «2022-2026 jıllarğa mólsherlengen jańa Ózbekstannıń rawajlanıw strategiyası tuwrısında» ğı Pármanı
2. J.R. Mukhtarov, M. Kulmetov. Influence position of fibers on the quality of production In the processes of yarn production. European Science Review, ISSN: 2310-5577. 2018. 240-244-p.
3. Werner Klein. The Rieter Manual of Spinning. Volume 2-Blowroom & Carding. Publisher Rieter Machine Works Ltd. © 2014 by Rieter Machine Works Ltd. AG, Klosterstrasse 20, CH-8406 Wintherthur, www. Rieter. com. 12-13-p.
4. Paluanov B., Pirmatov A., Muxtarov J., Kojametov B. Investigation of mechanical damage of cotton fiber in the process of pressing and baling. Universum: texnicheskiye nauki № 3 (96) 2022.19-23ст. DOI: 10.32743/UniTech.2022.96.3.13229.
5. Хаджинова М.А. Влияние механических повреждений хлопковых волокон на их свойства и качество вырабатываемой из них пряжи. Дис. доктора техн. наук. Ташкент, 1956. С. 116-136.
6. Балясов П.В и др “Лабораторный практикум попрядению и химических волокон”. −Москва 1967 г.
7. А.Г.Севостьянов. Методы и средства исследования механико-технологических процессов текстильной промышленности. Учебник. - М.: МГТУ - 2007.

Rezyume: Maqolada, paxta tozalash korxonasida turli ishchi bosim kuchida zichlangan paxta tolasidan ip yigirishda yarim tayyor mahsulot sifat ko‘rsatkichlari tahlil qilingan va laboratoriya sharoitida takomillashtirilgan jihozlarda piltalardagi tolalarning

to‘g‘rilanganligi va parallellanish darajasi aniqlangan. Yarim tayyor mahsulotlarning parallellanish koeffitsiyenti, egilganlik ko‘rsatkichi, tolaning to‘g‘rilanish darajasi, o‘rtacha kvadratik og‘ishi tahlil qilinib xulosalar berilgan.

Kalit so‘zlar: Paxta tolasi, har xil zichlangan tola, ip yigirish, yarim tayyor mahsulot.

Резюме: В статье проанализированы показатели качества полуфабрикатов при прядении пряжи из хлопкового волокна, уплотнённого при различных рабочих давлениях на хлопкоочистительном предприятии. В лабораторных условиях на усовершенствованном оборудовании были определены степень выпрямленности и параллелизatsii волокон в лентах. Проанализированы коэффициент параллелизatsii полуфабрикатов, показатель извитости, степень выпрямления волокон и среднеквадратическое отклонение, на основании чего сделаны соответствующие выводы.

Ключевые слова: Хлопковое волокно, волокно различной степени уплотнения, прядение пряжи, полуфабрикат.

Summary. The article analyzes the quality indicators of semi-finished products in yarn spinning from cotton fiber compacted under different operating pressures at a cotton processing plant. Under laboratory conditions, using improved equipment, the degree of fiber straightening and parallelization in the slivers was determined. The parallelization coefficient of the semi-finished products, crimp index, degree of fiber straightening, and standard deviation were analyzed, and relevant conclusions were drawn.


Key words: Cotton fiber, fiber of varying degrees of compaction, yarn spinning, semi-finished product.

NIO JUQA QATLAMLARIN VAKUUMLI TERMIKALIQ PUWLANDIRIW USILI ARQALI SINTEZ QILIW HÁM IZZERTLEW

Xojabaev B. K., Kabulov R. R.

O’zbekiston Respublikasi ilimler Akademiyasi Fizika-Texnika instituti

Kirisiw. Sońǵı jılları nanoólshemli materiallar hám juqa qatlamlı yarımótkizgishler texnologiyası materialtanıw hám mikroelektronika tarawlarında áhmietli ilimiy baǵdarlardan birine aylandı. Bunday materiallar arasında Nikel oksidi (NiO) óziniń ayrıqsha fizikalıq-ximiyalıq qásiyetleri menen ajıralıp turadi [1,2]. NiO keń qadaǵan etilgen energetikalıq oblastqa (Eg) iye bolgan gewekli (p-tip) ótkizgishli yarımótkizgish bolip, oniń Eg i 3.6-4.0 eV aralıǵında boladı [3-6]. Nikel oksidi Ni hám O atomlarınan quralgan ximiyalıq birikpe. Ol nikel metalınıń tiykarǵı oksidi esaplanadı. Hár jılı bir neshe million kilogramm hár túrli, tiykarınan nikel quymalardı islep shigarıwda NiO aralıq ónim sipatında sintezlenedi.1-súwrette NiO nıń molekulyar dúzilisi hám sırtqı kórinisi súwretlengen. Kestede NiO nıń tiykarǵı ximiyalıq hám fizikalıq parametrleri berilgen [7-9].



1-súwret. NiO nıń molekulyar dúzilisi (a) hám sırtqı kórinisi (b).

Keste - 1. NiO nıń tiykarǵı fizikalıq parametrleri [7-9].

№	Ximiyalıq formula	NiO
1	Molekulalıq massa	74.6928 g/mol
2	Sırtqı kórinisi	Jasıl kristallı qattı dene
3	Tıǵızlıǵı	6.67 g/sm^3
4	Qadaǵan etilgen zona keńligi	3,6 – 4.0 eV
5	Eriw temperaturası	1955 °C; 2228 K
6	Qaynaw temperatıwrası	3000°C den joqarı
7	Neel (antiferromagnit halatınan paramagnet halatına ótiw temperatıwrası)	523 K (250°C)
8	Magnit sezgirligi (χ)	+660.0·10^{-6} sm^3/mol
9	Sındırıw kórsetkishi (n_D)	2.1818

NiO nıń joqarı termik turaqlılıǵı, ximiyalıq inertligi hám jaqsı elektro hám optikalıq qásiyetleri onı zamanagóy ásbapsazlıqtıń túrli tarawlarında, sonıń ishinde: gaz sensorlarında; fotovoltaik ernegetika qurilmalarında; elektroximiyalıq energiya saqlaw sistemalarında; optoelektronikanıń hár qıylı tarawlarında perspektivalı material sıpatında qollanılıp kelinbekte. NiO juqa qatlamların alıw ushın hár qıylı texnologiyalar bar bolıp, olar qatarına sol-gel sintezi, ximiyalıq shóktiriw, magnetronlı shańlatıw usılı, sonday-aq fizikalıq puwlandırıw usılları kiredi. Bul usıllardıń arasında **vakuumlı termikalıq puwlanıw usılı** joqarı taza hám bir tekli strukturalarǵa iye qatlamlardı alıw múmkinshiligi menen ayrıqsha áhmietke iye.

Vakuumlı termikalıq puwlanıw usılınıń fizikalıq tiykarları. Vakuumlı termikalıq puwlanıw usılı fizikalıq puwlanıw (PVD - Physical Vapor Deposition) texnologiyaları qatarına kiredi. Bul usıldıń tiykarǵı mánisi zattı joqarı temperaturanıń tásirinde puwlandırıw hám payda bolǵan puw bólekshelerinıń astar betinde kondensaciyalanıwına tiykarlanadı.




2-súwret. Vakuumli termikalıq puwlanıw qurılması

Process vakuum ortalığında alıp barıladı hám tiykarǵı wazıypalari tómendegilerden ibarat [8-9]:

- puw bólekshelerinin erkin háreketin támiyinlew;
- vakuumda qaldıq gaz molekulaları menen soqlığısıw itimalın azaytıw;
- payda bolatuǵın qatlamlardıń joqarı tazalığın támiyinlew.

Ádette process **10^{-5} – 10^{-6} Torr** basımında ámelge asırıladı.



3-súwret. Vakuumlı jıllılıq puwlanıw qurılmalarınıń islew principi hám sintez qiliw basqıshları.

3-súwrette vakuumlı termikalıq puwlanıw qurılmalarınıń islew principi hám sintez qılıw basqshları kórinisi berilgen. Bul qurilmalarda juqa qatlamlardı alıw procesi tómendegishe ámelge asadı:

Rezyume. Oliy ta’limda podkast texnologiyasi asosida talabalarning auditiv kompetensiyasini rivojlantirishning ilmiy-metodik asoslari tahlil qilinadi. Raqamli podkastingning psixolingvistik imkoniyatlari O‘zbekiston universitetlari (NDPI, QDU, UrDU) miqyosida o‘tkazilgan sotsio-pedagogik so‘rovnoma natijalari orqali amaliy jihatdan baholanadi. Talabalarning og‘zaki nutq ko‘nikmalarini o‘stirish uchun dars jarayoniga tatbiq etiladigan uch bosqichli metodik usullar tizimi taklif etiladi.

Резюме. Анализируются научно-методические основы развития аудитивной компетенции студентов вузов на базе подкаст-технологий. Психолингвистический потенциал цифрового подкастинга оценивается на основе данных социо-педагогического опроса, проведенного в университетах Узбекистана (НГПИ, КГУ, УрГУ). Предлагается трехэтапная система методических приемов для интеграции в учебный процесс с целью развития навыков устной речи.

Kalit so‘zlar: podkast texnologiyasi, auditiv kompetensiya, og‘zaki nutq ko‘nikmalari, til o‘qitish metodikasi, multimediaviy ta’lim, talaba avtonomiyasi.

Ключевые слова: подкаст-технологии, аудитивная компетенция, навыки устной речи, методика преподавания языка, мультимедийное обучение, автономия студентов.

Summary. The scientific and methodological foundations of developing university students' auditory competence through podcast technology are analyzed. The psycholinguistic potential of digital podcasting is empirically evaluated based on a socio-educational survey conducted across regional universities in Uzbekistan (NSPI, KSU, UrSU). A structured three-phase pedagogical framework is proposed to effectively transform receptive listening inputs into productive oral speech skills.

Key words: podcast technology, auditory competence, oral speech skills, language pedagogy, multimedia learning, learner autonomy.

UDK 371.1:004.056:371.3

NOGIRONLIGI BO’LGAN TALABA-YOSHLARGA NISBATAN KIBERZO’RAVONLIK HOLATI OLDINI OLISHNING TA’LIM-TARBIYAVIY VA IJTIMOIY-PROFILAKTIK MEXANIZMLARI

Solixo‘jayeva D. A.
Pedagogika fanlari falsafa doktori, dotsent.

Kirish. Kiberzo’ravonlik – bu internet va raqamli platformada sodir bo’ladigan zo’ravonlikning bir turi, bu esa nogironligi bo’lgan yoshlar uchun juda xavflidir. Nogironligi bo’lgan yoshlar kiberzo’ravonlikka duch kelganda, ularning jismoniy va psixik salomatligi, ijtimoiy aloqalari va tahlim olish jarayoniga salbiy tahsir ko’rsatadi. Bugungi kunda kiberzo’ravonlikni oldini olish, nogironligi bo’lgan yoshlarga kiber xavfsizlikni tahminlash uchun samarali mexanizmlarni ishlab chiqish zarur.

Nogironligi bo’lgan talabaning intellektual kompetentligini rivojlantirish jarayoni faqat pedagogik ta’sirlar bilan emas, balki oila va jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy sharoiti bilan ham chambarchas bog’liqdir. SHu bois mazkur paragrafning vazifasi – intellektual kompetentlikning rivojlanish darajasiga ta’sir etuvchi ijtimoiy-iqtisodiy omillarni nazariy jihatdan tizimlashtirish hamda ularni dissertatsiyaning empirik qismida ekonometrik tahlil qilish uchun metodologik asosni shakllantirishdan iborat. Boshqacha aytganda, ushbu paragrafda tahlilning o’zi emas, balki uning nazariy-uslubiy poydevori – omillar tizimi va tadqiqot modelining spetsifikatsiyasi – asoslanadi.

Ta’lim iqtisodiyoti nazariyasida inson kapitali kontseptsiyasi (G. Bekker, Ya. Mintser) ta’limga sarflangan resurslar bilan shaxsning kelgusidagi kognitiv va mehnat salohiyati o’rtasidagi bog’liqlikni asoslab beradi. Nogironligi bo’lgan talabalar misolida ushbu bog’liqlik yanada murakkablashadi, zero ularning intellektual rivojlanishiga, umumiy ijtimoiy-iqtisodiy omillardan tashqari, nogironlik bilan bog’liq qo’shimcha xarajatlar (reabilitatsiya, yordamchi texnik vositalar, maxsus o’quv adabiyotlari), oilaviy daromad darajasi, ota-onalarning ta’lim saviyasi, oilaning tarbiyaviy salohiyati, shahar yoki qishloq joyda istiqomat qilishi, raqamli texnologiyalardan foydalana olish imkoniyati (“raqamli tengsizlik”) hamda ijtimoiy qo’llab-quvvatlash tarmoqlarining mavjudligi kabi omillar alohida ta’sir ko’rsatadi.

Yuqorida sanab o’tilgan omillarni ilmiy asoslangan tarzda baholash uchun dissertatsiyaning empirik qismida ko’p omilli regression tahlil usulidan foydalanish nazarda tutilgan. Umumlashtirilgan tarzda tadqiqot modeli quyidagi funktsional ko’rinishda ifodalanadi: $IK = f(X1, X2, \ldots, Xn) + \varepsilon$, bunda IK – talabaning intellektual kompetentlik darajasini ifodalovchi integral ko’rsatkich (pedagogik test va ekspert baholash natijalari asosida shakllantirilgan composite indeks), X1…Xn – oilaviy daromad, ota-ona ta’limi, yashash joyi, nogironlik turi va darajasi, ijtimoiy qo’llab-quvvatlash indeksi kabi mustaqil o’zgaruvchilar, ε – tasodifiy xatolik haddi hisoblanadi. Modelning sifati determinatsiya koeffitsienti (R^2), omillarning statistik ahamiyatliligi (t-mezon va p-mezonlari) hamda mul’tikollinearlikni tekshirish (VIF ko’rsatkichi) orqali baholanadi. Bundan tashqari, omillarning o’zaro guruhlanishini aniqlash maqsadida faktorli tahlil usulidan qo’shimcha vosita sifatida foydalanish mo’ljallangan.

Xorijiy tadqiqotlarda ushbu yo’nalishdagi ekonometrik modellar ko’pincha ta’lim natijalarining oilaviy bekgraund bilan bog’liqligini (“family background effect”) asoslashga qaratilgan bo’lib, ular oilaviy resurslar tanqisligining bolalar rivojlanishiga ta’sirini kamaytirishda maqsadli davlat dasturlari va kompensatsion ta’lim mexanizmlarining ahamiyatini ko’rsatadi. Mazkur tadqiqotda ushbu yondashuv rivojlantirilib, nogironligi bo’lgan talabalar uchun ijtimoiy-iqtisodiy omillarning ta’sirini neytrallashtiruvchi inklyuziv pedagogik mexanizmlarning samaradorligini ham ekonometrik jihatdan baholash ko’zda tutilgan – bu dissertatsiya tadqiqotining ikkinchi bobida amalga oshiriladi.

SHunday qilib, ushbu paragrafda ishlab chiqilgan nazariy-**metodologik model tadqiqotning empirik** qismida qo'llaniladigan ekonometrik tahlilning ilmiy asosini tashkil etadi hamda ijtimoiy-iqtisodiy omillar bilan nogironligi bo'lgan talabalarning intellektual kompetentligi o'rtasidagi bog'liqlikni ob'ektiv baholash imkonini beradi.

Nogironligi bo'lgan yoshlarning kiberzo'ravonlikka uchrash tahdidi kiberzo'ravonlikning bir necha turlari mavjud:

• To'g'ridan-to'g'ri zo'ravonlik: shaxsni yoki guruhni internetda haqoratlash, tahdid qilish. Masalan, nogironligi bo'lgan yoshlarga nisbatan jamoat saytlarida yozilgan salbiy fikrlar.

• Kiberbuling: ijtimoiy tarmoqlarda yoki onlayn o'yinlarda jamiyatdan ajratilgan yoshlarga nisbatan zo'ravonlik. Tadqiqotlar ko'rsatmoqdaki, nogironligi bo'lgan yoshlar kiberbulingga duch kelish ehtimoli yuqori.

• Kibersektantlik: nogironligi bo'lgan yoshlarni manfaatlaridan foydalanish. Bunday holatlarda, yoshlarni manipulyatsiya qilish va ularning psixik holatini buzishga olib keladi.

- **Sabablari:**

• **Ijtimoiy izolyatsiya**: nogironligi bo'lgan yoshlar ko'pincha ijtimoiy aloqalardan chetlashadilar, bu esa ularni hujumlarga osonlik bilan javob berishga olib keladi. Nogironligi bo'lgan yoshlar orasida ijtimoiy faollikning pastligi va jamiyatdagi stereotiplar ularning onlayn muhitda hujumlarga duch kelishiga olib keladi.
• **Tahlimning yetishmasligi**: Kiberzo'ravonlik haqida bilim va tushuncha yetishmasligi, ularning kiber xavfsizlikka oid bilimlarini kamaytirishi. Tadqiqotlar shundan dalolat beradiki, nogironligi bo'lgan yoshlar kiber xavfsizlikka oid mahlumotlarga ega bo'lmasliklari sababli, ular osonlik bilan qurbon bo'lib qoladilar.

Kiberzo'ravonlikka qarshi ta'lim-tarbiyaviy mexanizmlari

• Kiber xavfsizlik bo'yicha kurslar: Nogironligi bo'lgan yoshlarga internetda xavfsizlikni tahminlash uchun maxsus treninglar. Bunday kurslar ota-onalar va muallimlarni ham qamrab olishi kerak, chunki ular yoshlarga kiber xavfsizlikni o'rgatishda muhim rolg' o'ynaydilar.

• Psixologik yordam: Kiberzo'ravonlikka duch kelgan yoshlarga psixologik yordam ko'rsatish. Misol uchun, maxsus psixologik sessiyalar yordamida yoshlarning emotsional holatini yaxshilash va ularni kiberzo'ravonlikdan himoya qilish.

Ijtimoiy faoliyatlar. • Nogironligi bo'lgan yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirish uchun jamoat tashkilotlari tomonidan tashkil etilgan klublar. Bunday klublar yoshlarga ijtimoiy aloqalarni mustahkamlash va kiberzo'ravonlikka qarshi kurashish uchun samarali platforma bo'lishi mumkin.

• Nogironligi bo'lgan yoshlarning ijtimoiy integratsiyasini tahminlash uchun loyihalar. Misol uchun, "Kiber himoya" loyihasi, yoshlarni kiberzo'ravonlikdan himoya qilish bo'yicha treninglar va seminarlar o'tkazish.
Kiberzo'ravonlikka qarshi kurashish tadbirlari:

• Ota-onalar va muallimlarning o'qitilishi: Kiberzo'ravonlikning tahsiri, uning oldini olish va kiber xavfsizlik bo'yicha ota-onalar va muallimlarning bilimlarini oshirish. Bunday tadbirlar yoshlarning ota-onalari va muallimlari bilan hamkorlikda o'tkazilishi kerak.

Ijtimoiy-Profilaktik Mexanizmlar

• Davlat va jamoat tashkilotlari: Nogironligi bo'lgan yoshlar uchun kiberzo'ravonlikka qarshi kurashishda davlat va jamoat tashkilotlari o'rtasida hamkorlikni mustahkamlash. Misol uchun, davlat muassasalari va NNTlar o'rtasidagi hamkorlik, kiberzo'ravonlikka qarshi kurashishda samarali mexanizmlarni yaratish uchun muhim ahamiyatga ega.

• Kiberzo'ravonlikka duch kelganda: Nogironligi bo'lgan yoshlarga kiberzo'ravonlikka duch kelganda qanday harakat qilishlari to'g'risida maslahat berish. Bunda maxsus resurslar, veb-saytlar va telefon raqamlari bilan tahminlash kerak.

• Zamonaviy texnologiyalar: Kiberzo'ravonlikka qarshi kurashish uchun zamonaviy texnologiyalarni joriy etish. Misol uchun, kiberzo'ravonlikka qarshi avtomatlashtirilgan tizimlar va dasturlar.

Nogironligi bo'lgan shaxslarning huquqlari

• BMTning Nogironlikka oid Konventsiyasi: Nogironligi bo'lgan shaxslarning huquqlari to'g'risidagi xalqaro standartlar. Bu konventsiya, nogironligi bo'lgan yoshlarning ijtimoiy integratsiyasini tahminlash va ularning huquqlarini himoya qilishda muhim ahamiyatga ega.

O'zbekiston Respublikasining Qonunlari. "Nogironlar huquqlari to'g'risida"gi Konventsiyaning 24-moddasida davlatlar nogironligi bo'lgan shaxslarning barcha bosqichdagi ta'limga, jumladan oliy ta'limga kamsitishlarsiz va teng asosda ega bo'lishini ta'minlovchi inklyuziv ta'lim tizimini barpo etishi belgilab qo'yilgan. O'zbekiston Respublikasi Konventsiyani 2009 yil 27 fevralda imzolagan bo'lsa, uni ratifikatsiya qilish to'g'risidagi qonun 2021 yil 7 iyunda imzolanib, hujjat 2021 yil 28 iyuldan mamlakatimiz uchun yuridik kuchga kirgan. Bundan tashqari, YuNESKOning 1994 yilgi Salamanka deklaratsiyasi va amal qilish doirasi inklyuziv ta'limning kontseptual asosini yaratgan bo'lsa, Barqaror rivojlanish maqsadlarining 4-maqsadi ("Sifatli ta'lim") barcha uchun teng va sifatli ta'limni, jumladan nogironligi bo'lgan talaba-yoshlarning oliy ta'limga to'liq jalb etilishini xalqaro miqyosdagi ustuvor vazifa sifatida belgilaydi. Ushbu xalqaro-huquqiy hujjatlar majmui tadqiqotning metodologik yo'nalishini – nogironlikka nisbatan "tibbiy model"dan "ijtimoiy" va "biopsixoijtimoiy model"ga o'tishni – belgilab beradi, bunga ko'ra shaxsning imkoniyat cheklanganligi emas, balki ta'lim muhitining moslashmaganligi asosiy to'siq sifatida qaraladi.

Prezidentimiz SHavkat Mirziyoyev "Biz uchun nogironligi bo'lgan insonlarni ijtimoiy hayotimizning barcha sohalariga jalb etish ustuvor yo'nalish hisoblanadi"

SHu jumladan, mamlakatimizda ham keyingi yillarda ushbu sohani barqaror rivojlantirish maqsadida aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlami huquqlarini mustahkamlashga qaratilgan samarali ilmiy, ilmiy-texnik, ilmiy-pedagogik tadqiqotlar olib borilmoqda. Ushbu tadqiqotlarning samarali natijasi o'laroq, milliy qonunchiligimizda

nogironligi bo'lgan shaxslar huquqlarini ta'minlash hamda himoya qilish masalalari O'zbekiston Respublikasining 200 dan ortiq (Konstitutsiya, 40 dan ziyod qonun va 160 dan ortiq qonunosti hujjatlari) normativ-huquqiy hujjatlarida o'z aksini topmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Alohida ta'lim ehtiyojlari bo'lgan bolalarga ta'lim-tarbiya berish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" (PQ-4860-son, 2020-yil 13-oktyabr) qarori hamda 2023-yil 27-fevralda "Nogironligi bo'lgan shaxslarni qo'llab-quvvatlash tizimini takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Prezident qarori qabul qilindi. SHuningdek, Harakatlar strategiyasi doirasida, jumladan, Prezidentimiz tomonidan 2021-yil 25-martda "Keksalar va nogironligi bo'lgan shaxslarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, "Saxovat" va "Muruvvat" internat uylari tizimini yanada rivojlantirish to'g'risida"gi farmon, 2021-yil 27-noyabrda "Tibbiy-ijtimoiy ekspertiza xizmati faoliyati hamda bolalarga nogironlikni belgilash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaror qabul qilingan. 2022-yil 28-yanvarda tasdiqlangan "2022–2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi" ijrosi doirasida ishlab chiqilgan 2023-yil 17-fevralda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning "Nogironligi bo'lgan shaxslarni hamda aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarini qo'llab-quvvatlashning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni imzolandi. Oliy ta'lim tizimiga oid me'yoriy hujjatlar, jumladan O'zbekiston Respublikasida oliy ta'limni 2030 yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasi, oliy ta'lim muassasalarida inklyuziv ta'lim muhitini shakllantirish, moslashtirilgan infratuzilma yaratish va nogironligi bo'lgan talabalarga nisbatan individual yondashuvni joriy etish vazifalarini belgilaydi.

"2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi"da bu borada muhim maqsad-vazifalar belgilangan. Ushbu maqsadlarni amalga oshirish maqsadida "Ijtimoiy himoya yagona reestri" axborot tizimida yordamga muhtoj ayollar, yoshlar va nogironligi bo'lgan shaxslar bo'yicha alohida ma'lumotlar bazasini yaratilmoqda. Kelgusida ushbu ma'lumotlar bazasini o'zida jamlagan "Ijtimoiy himoya yagona reestri" hozir amalda bo'lgan "Temir daftar", "Yoshlar daftari" va "Ayollar daftari" bilan integratsiya qilinadi.

Birgina misol, nogironligi bo'lgan shaxslarning ta'lim olish huquqiga nazar soladigan bo'lsak, ular barcha darajadagi ta'lim tashkilotlarida ta'lim olish va o'z qobiliyatini yanada to'liqroq rivojlantirish uchun butun umri davomida ta'lim olish hamda jamiyat va davlat hayotida ishtirok etish huquqiga ega.

Yuqorida sanab o'tilgan me'yoriy-huquqiy hujjatlar majmui, bir tomondan, tadqiqot mavzusining davlat siyosati darajasidagi dolzarbligini tasdiqlasa, ikkinchi tomondan, ularni amalga oshirishning ilmiy-pedagogik mexanizmlarini ishlab chiqish zaruriyatini namoyon etadi – zotan, huquqiy normaning o'zi amaliyotda natija bermaydi, u aniq pedagogik texnologiya va metodik ta'minot orqali ro'yobga chiqadi.

Tadqiqotning nazariy-metodologik asosini kompetentsiyaviy yondashuv tashkil etadi, unga ko'ra ta'lim natijasi bilimlar yig'indisi emas, balki shaxsning egallagan bilim, ko'nikma va munosabatlarni aniq vaziyatda mustaqil qo'llay olish qobiliyati sifatida qaraladi. "Intellektual kompetentlik" tushunchasi psixologiya va pedagogika fanida murakkab, ko'p qirrali hodisa sifatida talqin qilinadi: u shaxsning bilish faoliyatini mustaqil tashkil etish, mantiqiy fikrlash, muammoni tahlil qilish va ijodiy yechimlar topish, olingan bilimlarni yangi vaziyatlarga ko'chira olish qobiliyatlarining yaxlit tizimini anglatadi.

• Milliy qonunlar: Nogironligi bo'lgan yoshlarning huquqlarini himoya qilish bo'yicha milliy qonunlar. O'zbekistonda nogironligi bo'lgan shaxslarning huquqlarini himoya qilish borasida bir nechta qonunlar va qarorlar qabul qilingan, ularni takomillashtirish kerak.

Kiberzo'ravonlik – bu nogironligi bo'lgan yoshlar uchun juda xavfli muammo. Ushbu muammoni hal qilish uchun tahlim-tarbiyaviy va ijtimoiy-profilaktik mexanizmlarning samarali ishlashi talab etiladi. Nogironligi bo'lgan yoshlarning huquqlarini himoya qilish, ularning ijtimoiy integratsiyasini tahminlash va kiberzo'ravonlikka qarshi kurashishda faol ishtirok etishlari uchun barcha tomonlar birgalikda ishlashlari kerak.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Res'ublikasi 'rezidentining 2020 yildagi "Nogironligi bo'lgan shaxslarning huquqlari to'g'risidagi" qarori.
2. BMTning Nogironlikka oid Konventsiyasi.
3. Kiberz'uravonlikka qarshi kurashish bo'yicha xalqaro tashkilotlarning tavsiyalari.
4. Sultonov, O. X. Nogironligi bo'lgan yoshlar uchun kiberzo'ravonlikning ta'siri. – Toshkent: Oliy ta'lim, 2021. – 180 b.
5. Abdullaev, A. A. Kiberzo'ravonlikka qarshi kurashish: innovatsion yondashuvlar. – Toshkent: Ijod, 2022. – 220 b.
6. Turdimov, SH. A. Inklyuziv ta'limda texnologik vositalar: samaradorlik va foydali usullar. – Toshkent: Uzbekiston davlat pedagogika universiteti, 2023. – 150 b.
7. Raximov, F. X. Nogironligi bo'lgan yoshlarning kiber xavfsizligi: muammolar va yechimlar. – Toshkent: Ma'rifat, 2023. – 200 b.

Annotatsiya. Kiberzo'ravonlik nogironligi bo'lgan yoshlar uchun juda xavfli muammo hisoblanadi. Ushbu maqolada kiberzo'ravonlikning turlari, nogironligi bo'lgan yoshlarning kiberzo'ravonlikka duch kelishi sabablari, tahlim-tarbiyaviy mexanizmlar va ijtimoiy profilaktika usullari ko'rib chiqiladi. Nogironligi bo'lgan yoshlarning huquqlari va ularni kiberzo'ravonlikdan himoya qilish uchun davlat va jamoat tashkilotlari o'rtasidagi hamkorlikning ahamiyati tahkidlanadi.

Kalit so'zlar: nogironlik, kiberzo'ravonlik, yoshlar, ijtimoiy profilaktika, huquqlar, tahlim, texnologiyalar, kiber xavfsizlik

Аннотация. Кибербуллинг является серьезной проблемой для молодежи с ограниченными возможностями. В данной статье рассматриваются виды кибербуллинг, причины, по которым молодежь с ограниченными возможностями сталкивается с кибербуллинг, а также образовательные и профилактические механизмы. Подчеркивается важность сотрудничества между государственными и общественными организациями для защиты прав молодежи с ограниченными возможностями и предотвращения кибербуллинг.

Ключевые слова: инвалидность, кибербуллинг, молодежь, социальная профилактика, права, образование, технологии, кибербезопасность.

Abstract. Cyberbullying poses a significant threat to youth with disabilities. This article examines the types of cyberbullying, the reasons why youth with disabilities encounter it, and the educational and preventive mechanisms in place. The importance of collaboration between governmental and community organizations in protecting the rights of youth with disabilities and combating cyberbullying is emphasized.

Key words: disability, cyberbullying, youth, social prevention, rights, education, technologies, cybersecurity.

УДК: 811.11-112

ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ РОДНОГО И ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКОВ: ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ

Мамбетназаров М. К.

Каракалпакский государственный университет

При изучении любого иностранного языка часто сравниваются языковые нормы и грамматические правила родного и иностранного языков. Интерференция – это отклонение от норм (первого или второго) иностранного языка под влиянием родного (или первого иностранного). Такое перекрестное влияние проявляется на грамматическом, лексическом и фонетическом уровнях. Эти уровни являются ключевыми аспектами, определяющие сложность или легкость усвоения второго иностранного языка.

Интерференция понимается как использование структур родного или первого иностранного языка при изучении второго. Это проявляется в виде ошибок, связанное с переносом языковых норм и правил, т.е. ошибки изучающих часто объясняются переносом норм родного языка на изучаемый язык. Такие ошибки могут проявляться в нарушении порядка слов, прямом и дословном переводе устойчивых выражений и управлении глаголов.

Фонетическая интерференция возникает, когда система родного языка накладывается на систему изучаемого языка. Наш речевой аппарат пытается произносить чужие звуки привычным способом. Например, на примере русского и английского языков на фонетическом уровне:

Английское слово *think* читается как «синк» или «финк» или часто игнорируется разница между словами *sheet* и *shit* (долгота гласных) [1, 150].

Грамматическая интерференция – это перенос логики построения фразы из родного языка в чужой. Если на фонетическом уровне мы слышим акцент, то на грамматическом мы сталкиваемся с нарушением структуры мысли. Здесь наблюдаются ошибки в формах слов (число, род, падеж, окончания), ошибки в порядке слов и структуре предложения. К примеру, частые ошибки на этом уровне:

Вчера был дождь. – Yesterday was rain вместо *It rained yesterday.*

Я жду тебя 2 часа. – I wait you 2 hours. вместо *I have been waiting for you for 2 hours.*

Мне нравится это. – Me likes this. вместо *I like this.*

Лексическая интерференция является самым заметным уровнем ошибок, и она возникает, когда значение, объем или сочетаемость слов в родном языке ошибочно переносятся на иностранный язык. Например:

Я хочу дать совет. I want to give an advice. вместо *I want to give some advice.*

Он очень аккуратный. He is very accurate. вместо *He is very neat / tidy.*

Я учусь в институте. I study in institute. вместо *I am a university student.*

Фразеологический и семантический уровни интерференции тесно переплетены, так как оба касаются смыслового наполнения языка. Если лексический уровень – это ошибки в отдельных словах, то здесь говорится об ошибках в «пакетах смыслов» и способах описания реальности. Это «калькирование» – дословный перевод устойчивых сочетаний, идиом и пословиц, которое делает речь часто непонятной для носителя. Ошибочно полагается, что если в русском языке слово А означает Х и Y, то и в английском будет так же [2, с. 118]. К примеру:

Слово «учить»: в русском языке можно учить и стихи (запоминать), и физику (изучать), и детей (преподавать). Ошибка: *I teach the poem* или *I learn my brother*. Здесь нужно употреблять слова правильно: *teach* (обучать кого-то), *learn* (учить самому) и *study* (изучать предмет). С точки зрения влияния закономерностей родного языка на усвоение иностранного языка интерференция является не только отрицательной, но и положительной. Если перевод сделан прямо и дословно, и при этом не нарушены языковые нормы и грамматические правила, а также когда структуры совпали, и знание первого иностранного или родного языка помогает говорить на втором правильно – можно называть этот вид интерференции положительной.

Положительная интерференция опирается на сходство между языками, помогая ускорить усвоение материала. Отрицательная интерференция возникает из-за различий в грамматическом строе, фонетике или лексике, приводя к ошибкам.

Исследователь Н. Бусс подчеркивает возможное влияние интерференции в переводе с одного языка на другой: «Необходимыми условиями для проявления интерференции являются двуязычие (bilingualism) или многоязычие (multilingualism) и языковой контакт. Местом проявления лингвистической интерференции является сам человек, выполняющий перевод с одного языка на другой, когда он пытается компенсировать какие-то элементы, явления и функции одной языковой системы, элементами, явлениями и функциями из другой, что может привести к акценту, буквализму, искажению смысла и к различным отклонениям от оригинала, а может и помочь при переводе» [3, 176-177].

Если имеется большое количество интернационализмов и общих заимствований (доктор, компьютер, интеллект), которое позволяет быстро расширить словарь – это является положительной интерференцией на

лексическом уровне. На примере русского и каракалпакского языков: *искусственный интеллект – jasalma intellekt, технология – texnologiya, тенденция – tendenciya* и т.п.

На морфологическом уровне наблюдается чаще всего отрицательная интерференция. Русский язык является флективным языком: одно окончание может выражать одновременно род, число и падеж. А каракалпакский язык – агглютинативный: грамматические значения присоединяются к корню как «бусины» (суффиксы-падежи). Попытки перенести логику «один суффикс – одно значение» в русский язык приводят к грамматическим ошибкам в окончаниях прилагательных и глаголов. В каракалпакском языке нет категории грамматического рода, что ведет к «унификации» окончаний в русском. Например:

Норма русского языка: *Моя мама пришла. Мой папа пришел.*

А результат интерференции: *Мой мама пришел. Моя папа пришла.*

Поскольку в каракалпакском языке местоимения «он/она» представлены одним словом («ol»), носитель не делает различия в роде, перенося эту систему на русские глаголы прошедшего времени.

А также, и на синтаксическом уровне наблюдается отрицательная интерференция. В русском языке структура предложения: подлежащее-сказуемое-дополнение. Структура каракалпакского предложения: сначала подлежащее, после подлежащего ставится дополнение, а сказуемое (глагол) всегда стоит в конце предложения. Это наиболее заметный тип интерференции, связанный с перемещением сказуемого. К примеру:

Норма русского: *Я вчера прочитал книгу дома.*

Результат интерференции: *Я вчера дома книгу прочитал.*

Носитель каракалпакского языка часто стремится поставить глагол в конец, так как это является строгой нормой каракалпакского синтаксиса.

Стоит отметить, что уровень управления, т.е. предлоги и падежи имеют важное место в изучении грамматики языка. Например, один русский глагол требует после себя дополнения в дательном падеже, но тот же глагол в каракалпакском предложении требует дополнения другого падежа. А также, во время перевода или переноса часто возникает путаница с предлогами.

В нижестоящих предложениях имеются различия в том, как глаголы требуют дополнений.

Норма русского: *Я скучаю по тебе* (дат.падеж).

Результат интерференции: *Я скучаю тебя* (винит.падеж) или *Я скучаю от тебя.*

В каракалпакском языке глагол «скучать» (saǵınıw) требует прямого дополнения в винительном падеже (seni saǵındım – скучаю тебя). Слова переводятся дословно, и поэтому происходит «калька» управления глагола.

Таким образом, интерференция – не «ошибка незнания», а результат работы языковой системы: мозг носителя каракалпакского языка автоматически применяет привычные алгоритмы (порядок слов, отсутствие рода) к новому материалу. Это подтверждает, что интерференция является естественным когнитивным процессом при изучении второго языка.

Из вышеприведенных примеров видно, что положительный аспект проявляется в лексическом обогащении, особенно в научно-технической сфере. Отрицательный аспект чаще всего проявляет себя в синтаксисе (порядок слов) и морфологии (неправильное согласование), что связано с фундаментальной разницей между флективным и агглютинативным типами языков.

А также, такое перекрестное влияние наблюдается и на многих уровнях в языках индоевропейской языковой семьи. Исследователь В. Д. Максимова разъясняет искажение смысла или неправильное понимание схожих слов посредством примеров: «… студенты, изучающие английский как первый иностранный язык, а французский как второй, могут ошибочно воспринимать французское слово «demander» (спрашивать) как эквивалент английского «demand» (спрос, требовать). В результате подобных ошибок происходит искажение смысла высказывания. Еще одним примером может служить английское слово «sensible» (разумный) и «sensible» (чувствительный) во французском языке» [4, с. 4]. Такие «ложные друзья переводчика» и в немецком языке приводят к неправильному и недостаточному пониманию «схожих» слов в контексте. К примеру, английское слово «sensible» (разумный) и немецкое «sensibel» (чувствительный) или немецкое слово «die Krawatte» (галстук) и «кровать» в русском языке.

В заключение следует отметить, что вследствие межъязыковой интерференции может возникнуть множество ошибок. Следует учитывать при переводе или в речи влияние интерференции, осознавая меру совпадений и расхождений между двумя языками. Исходя из примеров, можно определить, что нужно владеть языком в совершенстве и учесть влияние интерференции, чтобы не допускать ошибки и не употреблять слова ненадлежащим образом.

ЛИТЕРАТУРА

1. M. Swan, B. Smith (Eds.) (2001), Learner English: A teacher's guide to interference and other problems (2nd ed., pp. 145-158). Cambridge University Press.
2. Odlin, T. (1989). Language transfer: Cross-linguistic influence in language learning (pp. 112-128). Cambridge University Press.
3. Бусс, Н. Влияние межъязыковой интерференции на переводческий процесс / Н. Бусс // 79-я научная конференция студентов и аспирантов Белорусского государственного университета : Материалы конференции. В 3-х частях, Минск, 10–21 мая 2022 года / Редколлегия: В.Г. Сафонов (гл. ред.) [и др.]. Том Часть 2. – Минск: Белорусский государственный университет, 2023. – С. 176-178. – EDN SQJIYP.
4. Максимова, В. Д. Методические стратегии обучения второму иностранному языку с учетом интерференции и перекрестного влияния первого языка / В. Д. Максимова // Мир науки. Педагогика и психология. – 2025. – Т. 13, № 5. – EDN TXLEAJ.

Annotatsiya: Ushbu maqolada lingvistika sohasida interferensiya hodisasi va uning ijobiy hamda salbiy turlari ko'rib chiqiladi. Unda bu hodisaning kelib chiqish sabablariga va salbiy interferensiyaning ta'sirini kamaytirishga e'tibor qaratiladi. Ushbu lingvistik jarayon avval rus va ingliz tillarida, keyin esa rus va qoraqalpoq tillarida misollar yordamida tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: interferensiya, qoraqalpoq tili, leksik (lug'atiy) daraja, salbiy interferensiya.

Взаимодействие родного и иностранного языков: интерференция и ее влияние

Аннотация: В статье рассматривается явление интерференции в языкознании и ее положительные и отрицательные виды. Акцентируется внимание на возникновение этого явления и попытки пути избавления от отрицательной интерференции. Проводится анализ с помощью примеров сначала на примере русского и английского языков, затем русского и каракалпакского.

Ключевые слова: интерференция, каракалпакский язык, лексический уровень, отрицательная интерференция.

Interaction of native and foreign languages: interference and its influence

Abstract: This article examines the phenomenon of interference in linguistics and its positive and negative forms. It focuses on the origins of this phenomenon and attempts to overcome negative interference. An analysis is carried out using examples, first comparing Russian and English, and then Russian and Karakalpak.

Keywords: interference, Karakalpak language, lexical level, negative interference.

TARBIYA JARAYONONING ÓZIGA XOS XUSUSIYATLARI TAMOYILLARI PRINSIPLARI VA VAZIFALARI HAQIDA UMUMIY TUSHUNCHA

Pazilbekova M.

Tarbiyaning maqsadi ijtimoiy jamiyat taraqqiyoti, rivojlanishi, yo‘nalishi, ijtimoiy munosabatlar mazmunidan kelib chiqib belgilanadi. Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasida tashkil etilayotgan tarbiyaning asosiy maqsadi barkamol shaxsni tarbiyalab voyaga yetkazishdan iboratdir. Chunki, kadrlar tayyorlash milliy modelimizning bosh muddaosi barkamol shaxs va intellektual salohiyatli mutaxassis tayyorlashdan iborat bo‘lib, O‘zbekistonning xalqaro andozalardagi zamonaviy taraqqiyotini ta’minlay oladigan, mustaqil fikr yuritadigan, tafakkurli, malakali, bilimli mutaxassis, ayni paytda insonning ichki sifatlari barq urib kamolotga yetgan kadrlarni tayyorlashni ko‘zlaydi. Mazkur maqsadni amalga oshiruvchi asosiy omillardan biri tarbiya jarayonidir. Tarbiyaning maqsadi natijasi barkamol avlodni shakllantirishdir. Bu jarayon ikki tomonlama bo‘lib, uyushtirish va rahbarlikni, shuningdek, o‘quvchi shaxsning o‘zi tomonidan faollik ko‘rsatishni taqozo etadi. Bu jarayonda pedagog yetakchi vazifani bajaradi. Chunki ijtimoiy tarbiyaning umumiy maqsadlari, mohiyatini tushunadi, maqsad yo‘lida amalga oshirilayotgan vazifalar tizimidan yaxshi xabardor, tarbiya shakllari, metodlar va vositalarni asosli, ilmiy tarzda tanlab oladi va tarbiyaga tadbiq etadi.

Inson shaxsi ko‘p sonli omillar ta’siri natijasida shakllanadi va rivojlanadi: ob’ektiv va sub’ektiv, tabiiy va ijtimoiy, ichki va tashqi, odamlarning ongi va shuuriga bog‘liq bo‘lgan va bo‘lmagan. Shu sababli insonning o‘zi ham tashqi ta’sirni shunchaki aks ettiruvchi sust mavjudot emas. U o‘zining shaxsiy shakllanishi va rivojlanishi sub’ektidir.

Tarbiya - shaxsda muayyan jismoniy, ruhiy, axloqiy, ma’naviy sifatlarni shakllantirishga qaratilgan amaliy pedagogik jarayon; insonning jamiyatda yashashi uchun zarur bo‘lgan hissiyotlarga ega bo‘lishini ta’minlash yo‘lida ko‘riladigan chora-tadbirlar yig‘indisi [6].

Demak, **tarbiya** ijtimoiy hodisa bo‘lib, insoning shaxs bo‘lib shakllanishini ta’minlaydigan eng qadimiy va abadiy ma’naviy qadriyatdir. **Tarbiya** insoniyat paydo bo‘lishi bilan birga paydo bo‘lgan bo‘lib, usiz alohida shaxs ham, kishilik jamiyati ham faoliyat ko‘rsata olmaydi. Chunki, **tarbiya** inson va jamiyatning mavjudligini ta’minlaydigan qadriyat bo‘lib, u avloddan, avlodga o‘tib boraveradi.

Tarbiya yordamida inson shaxsining ma’naviy jihatlarini qaror toptirish ko‘zda tutiladi. Dunyoqarash, e’tiqod ezgulik, go‘zallik, yaxshilik, odatlilik va ko‘nikmalarning shaxs sifatiga aylantirilishi tarbiya yordamida amalga oshiriladi.

Tarbiya jarayoni o‘zaro bog‘liq bo‘lgan ikki faoliyatni – o‘qituvchi va o‘quvchi faoliyatini o‘z ichiga oladi. Tarbiya jarayonida o‘quvchining ongi shakllanib boradi. His-tuyg‘ulari rivojlanadi, ijtimoiy hayot uchun zarur bo‘lgan va ijtimoiy aloqalarni tashkil etishga xizmat qiladigan xulqiy odatlar hosil bo‘ladi. Tarbiya jarayonida bolalarning hayoti va faoliyatini pedagogik jihatdan to‘g‘ri uyushtirish g‘oyat muhimdir. Faoliyat jarayonida bola tashqaridan kelayotgan tarbiyaviy ta’sirlarga nisbatan ma’lum munosabatda bo‘ladi. Bu munosabat shaxsning ichki ehtiyoj va xohishlarini ifodalaydi. Psixolog va pedagoglarning tadqiqotlari shaxsga tashqi omillarning (xoh salbiy, xoh ijobiy) ta’siri bolaning ularga munosabati, bog‘liqligini ko‘rsatadi. Bola faoliyatini uyushtirish emas, balki tarbiyalanuvchining bu faoliyatga nisbatan qanday anglashni baholashi, his qilishni anglashi e’tiborga molikdir. Ulardan o‘zi uchun nimalarni maqsad qilib olayotganligini bilishi zarur. Bularning barchasi turli kishilar bilan aloqa qilish, jamoadagi munosabatlar jarayonida murakkablashib boradi. Tarbiya jarayoni o‘quvchining ongini emas, balki his-tuyg‘ularini ham o‘stirib borishi, unda jamiyatning shaxsga qo‘yadigan axloqiy talablariga muvofiq keladigan huquqiy malaka va odatlarni hosil qilishi lozim. Bunga erishish uchun o‘quvchining ongiga, hissiyotiga va irodasiga ta’sir etib boriladi. Agar bularning birortasi e’tibordan chetda qolsa, maqsadga erishish qiyinlashadi. Tarbiya jarayoniga o‘qituvchi rahbarlik qiladi. O‘quvchilar faoliyatini belgilaydi, ularni ijtimoiy jarayonda ishtirok etishlari uchun shart-sharoit yaratadi.

Tarbiyani samarali yo‘lga qo‘yish uchun uning harakatlantiruvchi kuchini – tarbiya jarayonining manbasini yaxshi bilish va hisobga olish muhimdir. Bir so‘z bilan aytganda tarbiya jarayoni – har bir insonning hayotda yashashi (umumiy faoliyat, ta’lim, tarbiya) jarayonida orttirgan saboqlari va intellektual salohiyatlarining ijobiy ko‘nikmasini o‘zida shakllantirish va o‘zgalarga berish jarayonidir. Tarbiya jarayonida ichki va tashqi qarama-qarshiliklar mavjud

bo‘lib, u bevosita tarbiyalanganlik darajasiga bog‘liq bo‘ladi. Tarbiyada o‘quvchilarning tarbiyalanganlik darajasini ham hisobga olish kerak bo‘ladi. Bu jihat unutilsa, qarama-qarshiliklar kuchayadi.

Tarbiyalanganlik – milliy urf-odatlar, qadriyatlarga e’tiqod bilan rioya qiladigan, noqonuniy ishlardan o‘zini tiya oladigan, o‘z xatti-harakatlari bilan o‘zgalar nafratini qo‘zg‘amaydigan xulq-atfordir. Faoliyat jarayonida hosil bo‘lgan malaka va odatlar axloq me’yorlariga rioya qilishni yengillashtiradi.

Demak, tarbiyachi bola shaxsining tez rivojlanadigan davri – o‘quvchilik yillarida uning ongiga turli-tuman faoliyat (o‘qish, mehnat, o‘yin sport, badiiy havaskorlik) yordami bilan maxsus ta’sir etishi mumkin. Tarbiya yaxlit jarayonda amalga oshiriladi, uning tarkibiy qismlari ham ayni bir vaqtda faoliyatning biror turi asosida amalga oshiriladi.

Tarbiya pedagogikadagi asosiy tushunchalardan biri sanaladi. Jamiyat va pedagogikaning tarixiy rivoji davomida mazkur kategoriyani tushuntirishga turlicha yondashuvlar yuzaga keldi. Eng avvalo, yuqorida ta’kidlab o‘tganimizdek, keng va tor ma’nodagi tarbiya farqlanadi. Keng ma’noda tarbiya shaxsga jamiyatning ta’sir etishi, ijtimoiy hodisa sifatida qaraladi. Mazkur holatda tarbiya ijtimoiylashtirish bilan uyg‘unlashadi.

Tor ma’nodagi tarbiya deganda, pedagogik jarayon sharoitida ta’lim maqsadini amalga oshirish uchun pedagog va tarbiyalanuvchilarning maxsus tashkil etilgan faoliyati tushuniladi. Ushbu holatda pedagoglarning tarbiyaviy faoliyati tarbiyaviy ish deb ataladi.

Tarbiya mazmuni deganda, qo‘yilgan maqsad va vazifalar bilan bog‘liqlikda ta’lim oluvchilarning egallashi lozim bo‘lgan bilim, malaka, e’tiqod, shaxs sifati va xarakteri, xulq-atvor tizimi tushuniladi.

Tarbiyaning maqsadi – har tomonlama barkamol shaxsni shakllantirish.

Tarbiyaning umumiy vazifalari: jamiyat a’zolarining maqsadga yo‘naltirilgan rivojlanishi hamda ularning qator ehtiyojlarini qondirish uchun shart-sharoit yaratish; jamiyat rivoji uchun zarur bo‘lgan ijtimoiy madaniyatga mos etarlicha hajmdagi “inson kapitali”ni tayyorlash; madaniyatlarni uzatib turish orqali ijtimoiy hayotning barqarorligini ta’minlash; ma’lum jins yoshi va ijtimoiy-kasbiy guruhlarning qiziqishlarini hisobga olgan holda ijtimoiy munosabatlar doirasida jamiyat a’zolarining harakatini tartibga solish.

2. Tarbiya jarayonining qonuniyatlari va tamoyillari. Tarbiya jarayoni o‘qituvchi va ta’lim oluvchi (tarbiyachi va tarbiyalanuvchi)lar o‘rtasida tashkil etiluvchi hamda aniq maqsadga yo‘naltirilgan hamkorlik jarayonidir.

Tarbiya jarayoni **o‘ziga xos xususiyatlar**ga ega: maqsadga yo‘naltirilganligi; ko‘p qirrali jarayon; uzoq muddat davom etishi; uzluksizligi; yaxlitligi; variativligi; natijalarning oldindan aniqlanmasligi; ikki tomonlamalilik;

Tarbiya qonuniyatlari – bu bir tomondan, ijtimoiy hodisa sifatida tarbiyaning xususiyatlari, ikkinchi tomondan, shaxsning rivojlanishi bilan bog‘liq bo‘lgan barqaror aloqalar.

Tarbiya jarayonining quyidagi **qonuniyatlari** mavjud: ijtimoiy muhitning ob’ektiv va sub’ektiv omillariga bog‘liqligi; tarbiyaning shaxsning rivojlanishi bilan birligi va o‘zaro bog‘liqligi; faoliyat va munosabatni e’tirof etish shaxsning ijtimoiy qimmatli fazilatlarini shakllantirishning negizi va asosiy manbai; tarbiyalanuvchilarning o‘zaro tarbiyaviy ta’siri, o‘zaro munosabatlari hamda faol faoliyati o‘rtasidagi bog‘lanish; tarbiya va o‘zini-o‘zi tarbiyalashning intensivligi; tarbiyalanuvchining “ichki olami”ga ta’sir etishning intensivligi (G.I.Shukina); tarbiyalanuvchilarda verbal va sensomotor jarayonlarning rivojlanish darajasi va pedagogik ta’sirni hisobga olish (G.I. Shukina).

Tarbiya tamoyillari. Tarbiya tamoyillari deb yosh avlodni tarbiyalash maqsadidan kelib chiqadigan va komil insonni tarbiyalashning mazmuni va yo‘nalishiga qo‘yiladigan eng muhim talablarni belgilab beruvchi asosiy g‘oya va qoidalar yig‘indisiga aytiladi.

Tarbiya tamoiyllari o‘qituvchi va tarbiyalanuvchilarga yo‘l-yo‘riq ko‘rsatuvchi qoidalar bo‘lib, yosh avlodni tarbiyalash, barkamol insonni shakllantirish vazifalariga muvofiq belgilanadi, shuningdek, ular shaxs tarbiyasi borasidagi ilg‘or ta’limotlar g‘oyalariga hamda pedagogika fanida erishilgan yutuqlarga asoslanadi.

Tarbiya tamoyillari tarbiya jarayoni qonuniyatlarini aks ettiradi. Tarbiyaviy jarayonda ilg‘or tamoyillarga amal qilinishi tarbiya samarasini ta’minlaydi. Tarbiya tamoyillari quyidagilardan iborat: Tarbiyaning maqsadga yo‘naltirilganligi va g‘oyaviyligi; Tarbiyada demokratik va insonparvarlik g‘oyalarining ustunligi; Tarbiyada milliy, umumbashariy qadriyatlarning ustunligi; Tarbiyada izchillik va tizimlilik; Tarbiyaning ijtimoiy hayot bilan qo‘shib olib borish; Tarbiyani mehnat bilan bog‘lash; Tarbiyalanuvchi shaxsni xurmat qilish; Tarbiyada o‘quvchining yosh va alohida xususiyatlarini hisobga olish; Jamoa va jamoa yordamida tarbiyalash; Tarbiyada o‘quvchi xulqidagi ijobiy sifatlarga tayanib, salbiy tomonlarni yo‘qotish.

Tarbiyaning maqsadga yo‘naltirilganligi va g‘oyaviyligi – o‘qituvchi ijtimoiy tarbiya maqsadi va vazifasini aniq tasavvur etishi va puxta anglab olishi zarur. Yosh avlodni yuksak g‘oyaviylik ruhida tarbiyalash – ularning ongiga xalq, millat, yurt, jamiyat manfaatlaridan yuqoriroq manfaat bo‘lishi mumkin emasligini singdirish, ularni vatanga, xalqqa muhabbat ruhida va sadoqatli qilib tarbiyalash demakdir. Bu sohada mustaqil respublikamiz xalq ta’limi hodimlarining asosiy vazifasi erkin, ijodkor, mustaqil fikrlash qobiliyatiga ega, yetuk mutaxassis komil shaxsni tarbiyalashdan iboratdir.

Tarbiyada demokratik va insonparvarlik g‘oyalarining ustunligi – tarbiyada inson shaxsini ijtimoiy qadriyat deb tan olish har bir bola, o‘smir va o‘spirinning betakror va o‘ziga xosligini xurmatlash, uning ijtimoiy xulqi va erkinligini hisobga olish lozim. Tarbiyani demokratiyalash bu – tarbiyani ma’muriy ehtiyoj va qiziqishlaridan yuqori qo‘yish, tarbiyachi va tarbiyalanuvchi o‘rtasidagi o‘zaro ishonch, hamkorlik asosida pedagogik munosabatlar mohiyatini o‘zgartirish demakdir. Bu tarbiya ishiga jamoatchilikni jalb qilish, uning rivojlanishiga jamoat omilini kiritish demakdir. O‘qituvchi o‘quvchiga avvalgidek tarbiya obyekti emas, balki o‘zi kabi subyekt deb qarashi darkor.

Ya'ni o'quvchi teng huquqli hamkor, hamfikr deb qarash lozim. Umuman, ta'lim va tarbiyani insonparvarlashtirishning diqqat markazida insonning muhim masalasi va muddaosi, ya'ni bolalarda inson shaxsiga dunyodagi eng yuqori, bebaho boylik sifatidagi munosabatini shakllantirishdek faoliyat yotadi.

Tarbiyada milliy va umuminsoniy qadriyatlar ustunligi – xalqning ko'p asrlik qadriyatlarini, ulkan va boy merosini chuqur bilmasdan milliy o'zlikni anglash, milliy g'urur tuyg'usini qaror toptirish mumkin emas. Shu bois, xalq an'analari, urf odatlari, marosimlari, xalq og'zaki ijodi, milliy o'yinlar va ularda ifodalangan g'oyalarni o'quvchilar ongiga singdirish, ularda ushbu g'oyaga nisbatan hurmatni qaror toptirish lozim. Umumbashariyat uchun qadrli, ardoqli bo'lgan, insoniyat o'tmishi, buguni hamda kelajagi uchun dahldor qadr-qimmatga ega bo'lgan an'anlar, urf-odatlar haqida ma'lumotlar berish, ularda mehr-muhabbat tuyg'usini uyg'otish, ularni qo'llab-quvvatlash, ezgu g'oyalar uchun kurashish hissini qaror toptirish tarbiya jarayonida amalga oshirilishi lozim.

Tarbiyada izchillik va tizimlilik – tarbiyaga yaxlit tizimli yondoshish pedagogik harakatning pirovard natijasiga yo'naltirilganlik darajasini belgilab beradi. Bunday pedagogik maqsad va vazifalar, ularning mazmuni tarbiyaviy jarayonning barcha qatnashuvchilari tomonidan tan olinishi shart. Tarbiyada izchillik juda muhimdir. O'quvchilarga birdaniga ko'p talab va qoidalarni taqdim qilish mumkin emas. O'qituvchilar o'quvchilarga bo'lgan munosabat jarayonida o'zaro bir-biriga zid harakatda bo'lmasliklari, yagona talab qo'yishlari lozim.

Tarbiyani ijtimoiy hayot bilan qo'shib olib borish. Mehnatning tarbiyaviy ta'siri g'oyat kattadir. Mehnatda ishtirok etish va unumli mehnat qilish bilan shaxs o'z qobiliyati va iste'dodini namoyon qiladi va kamolga yetadi. Mehnat yosh avlodning tarbiyasi uchun juda katta vositadir. O'quv mehnati va ijtimoiy foydali mehnat o'quvchi shaxsiga ijobiy ta'sir etadi, bu ikki faoliyat birligi bolani faollashtiradi, xulq birligini taminlaydi, tashabbuskor va izlanuvchan qiladi. Mehnat bolalarga siyosiy-ma'naviy tarbiya berish uchun zamin hozirlaydi. Shuning uchun oila va maktablarda bolalarni ilk yoshidan boshlab mehnatsevarlik ruhida, mehnatga muhabbat va mehnat kishilariga hurmat ruhida tarbiyalashga alohida e'tibor beriladi. Maktabda o'qishning o'zi ham mehnatdir. Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarning aksariyati ham mehnat tarbiyasi bilan mustahkam bog'langan.

Tarbiyalanuvchi shaxsini hurmat qilish – o'quvchilarni ijtimoiy tarbiyalashning muhim tamoyillaridan biri ularning shaxsini hurmat qilishdir. Bu tamoyil insonparvarlik munosabatidan kelib chiqadi. O'quvchi shaxsini hurmat qilish, ularga mehr-muhabbat ko'rsatish va ularga ishonish shart. Tajribalarning ko'rsatishicha, qayerdaki o'quvchilarga hurmat, muhabbat, ishonch bo'lsa, shu yerda tarbiyaning ta'siri samarali bo'ladi. Bolalarga hurmat va muhabbat ular kuchiga kuch qo'shadi, o'qituvchiga nisbatan hurmatni uyg'otadi.

Tarbiyada o'quvchining yosh va alohida xususiyatlarini hisobga olish – tarbiyaning mazmuni, shakl va metodlari bolalarning yosh va saviyasiga qarab turli sinflarda turlicha bo'ladi. Bolalar maktabda rivojlanishining turli davrlarini bolalik, o'smirlik va o'spirinlik bosqichlarini bosib o'tadilar. Shu davrlar ichida bolaning axloqiy turg'unligi rivojlanadi, xulqi va ongi o'rtasidagi uyg'unlik vujudga keladi. Tarbiya berishda har bir o'quvchining shaxsiy xususiyatlarini ham hisobga olish katta ahamiyatga ega. Bolalarning jismoniy va ma'naviy o'sishida bir qadar umumiylik bor, biroq bolalarning tavsif-xislatlari, qobiliyat va mayllari, qiziqishlari, irodaviy sifatlari har xil bo'ladi. Bu farqlar ularning xulqida, o'qishi va mehnatida aks etadi. Bir o'quvchiga nisbatan foydali metodni boshqa o'quvchiga nisbatan qo'llaganda natijasiz bo'lib chiqishi mumkin. Shuning uchun har bir o'quvchi xususiyatini o'rganish maqsadga muvaffiqdir.

Jamoada va jamoa yordamida tarbiyalash – tarbiya jarayoni o'quvchilarning jamoa bo'lib birlashishlari, ularda manfaatdorlik birligi, o'zaro yordam tuyg'usini o'stirishga hizmat qilishi lozim. Tuyg'u tashkil etilgan jamoa a'zolarining qobiliyat va iste'dodini rivojlantirish uchun keng yo'l ochadi.

Jamoada bola har tomonlama rivojlanishi uchun keng imkoniyatga ega bo'ladi. O'quvchilar ahil jamoa bo'lib uyu shganlaridagina tarbiyaviy ishlarini amalga oshirish ancha yengil va muvaffaqiyatli bo'ladi, har bir shaxsga ta'sir etadi. O'z manfaatini jamiyat manfaaati bilan qo'shib olib borish, o'zaro yordam kabi fazilatlar, avvalo, jamoada shakllanadi. O'qituvchi hamma vaqt o'quvchilar jamoasiga tayanmog'i, ularni jamoa bo'lib turli ishlarni bajarishga odatlantirib, jam oada yashash va ishlashga o'rgatib borish lozim.

Tarbiyada o'quvchi xulqidagi ijobiy sifatlarga tayanib, salbiy xislatlarini yo'qotib borishga e'tibor qaratish lozim. Maho ratli pedagoglar o'z o'quvchilaring shaxsiy fazilatlarini yaxshi biladilar. Tarbiya maqsadini amalga oshirish uchun bola xulqidagi ijobiy sifatlarga suyanib ish ko'radilar. Boladagi ijobiy sifatlarga tayanish uning salbiy sifatlarini yo'qotish, y omon odatlardan qaytarishning eng yaxshi vositasidir. Tarbiya muvaffaqiyati mazkur masalaning to'g'ri hal etilishiga k o'p jihatdan bog'liq.Tarbiya jarayonini tashkil etishda o'qituvchi (tarbiyachi) tomonidan qo'llaniladigan metodlar ham muhim ahamiyatga egadir.

ADABIYOTLAR

1. Mirziyoyev Sh. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. – Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2017. – 592 b.
2. Karimov I.A. Yuksak manaviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma'naviyat, 2008. – 174 b.
3. Hasanboyev J. va boshq. Pedagogika: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: Fan, 2009. - 480 b.
4. O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi. 8-jild, 270 bet.
5. Quronov M. Otalar kitobi.1
6. Hasanboyev J. va boshqalar. Pedagogika. Toshkent: Fan, 2006, 284 bet

Rezyume. Maqolada tarbiya jarayononing óziga xos xususiyatlari tamoyillari prinsiplari va vazifalari tadqiq qilingan. Shuningdek maqolada tarbiya maqsadini amalga oshirish uchun bola xulqidagi ijobiy sifatları taxlil qilingan.

Tayanch sózlar: tarbiyaning maqsadi, tarbiya maqsadining xilma-xilligi, barkamol avlod tarbiyasi, milliy tarbiya asoslari.

Резюме. В статье исследованы принципы и задачи особенностей воспитательного процесса. Также в статье анализируются положительные качества в поведении ребенка для реализации цели воспитания.

Ключевые слова: цель воспитания, разнообразие целей воспитания, воспитание гармонично развитого поколения, основы национального воспитания.

Summary. The article examines the principles and objectives of the educational process. The article also analyzes the positive qualities in a child's behavior to achieve the goal of upbringing.

Key words: goal of upbringing, diversity of educational goals, upbringing of a harmoniously developed generation, foundations of national upbringing.

RAQAMLI TA’LIM MUHITIDA MUHANDISLIK GRAFIKASI FANINI O‘QITISH ORQALI TALABALAR FAZOVIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISH METODIKASI

Esbog’anova B.
Nukus davlat pedagogika instituti

Jahon miqyosida sanoatning raqamli transformatsiyasi, Industry 4.0 konsepsiyasi, sun’iy intellekt va avtomatlashtirilgan loyihalash texnologiyalarining jadal rivojlanishi muhandislik ta’limi mazmunini tubdan yangilash zaruratini yuzaga keltirmoqda. Zamonaviy muhandis nafaqat texnik bilimlarga ega bo‘lishi, balki murakkab texnik obyektlarni modellashtirish, fazoviy tahlil qilish, konstruktorlik qarorlarini ishlab chiqish hamda raqamli platformalarda samarali ishlash kompetensiyalariga ham ega bo‘lishi lozim. Mazkur talablar muhandislik grafikasi fanining didaktik imkoniyatlarini kengaytirishni hamda uni innovatsion pedagogik texnologiyalar bilan boyitishni taqozo etadi. Chunki muhandislik grafikasi bo‘lajak muhandislarning fazoviy tafakkuri, grafik savodxonligi, konstruktorlik madaniyati va muhandislik fikrlashini shakllantiruvchi fundamental fanlardan biridir. Shu nuqtai nazardan, raqamli ta’lim muhitida muhandislik grafikasi fanini o‘qitish metodikasini takomillashtirish, zamonaviy raqamli vositalarni ta’lim jarayoniga integratsiyalash hamda talabalarning fazoviy tafakkurini rivojlantirishning ilmiy asoslangan metodik modelini ishlab chiqish dolzarb ilmiy-pedagogik vazifalardan biri hisoblanadi.

Tadqiqot tizimli, kompetensiyaviy, integrativ va faoliyatga yo‘naltirilgan yondashuvlar asosida olib borildi. Tadqiqot jarayonida ilmiy-pedagogik adabiyotlarni tahlil qilish, qiyosiy tahlil, pedagogik modellashtirish, umumlashtirish hamda konseptual loyihalash metodlaridan foydalanildi. Mazkur metodlar raqamli ta’lim muhitida muhandislik grafikasi fanini o‘qitish orqali talabalar fazoviy tafakkurini rivojlantirish metodikasini ilmiy asoslash va takomillashtirish imkonini berdi.

Ishlab chiqilgan metodik model to‘rtta o‘zaro bog’liq blokni o‘z ichiga oladi:

- maqsadli-motivatsion blok;
- mazmuniy-integrativ blok;
- protsessual-texnologik blok;
- mezoniy-natijaviy blok.

Mazkur bloklar yagona didaktik tizimni tashkil etib, muhandislik grafikasi fanini raqamli ta’lim muhiti asosida o‘qitishning metodologik poydevorini yaratadi.

Tadqiqot jarayonida raqamli ta’lim muhiti sharoitida muhandislik grafikasi fanini o‘qitish orqali talabalar fazoviy tafakkurini rivojlantirishga qaratilgan konseptual model ishlab chiqildi.Mazkur model muhandislik grafikasi fanini o‘qitishda an’anaviy reproduktiv yondashuvdan kompetensiyaviy va shaxsga yo‘naltirilgan raqamli ta’lim yondashuviga o‘tishni ta’minlaydi. Modelning asosiy maqsadi talabalarda grafik savodxonlik, fazoviy tasavvur, muhandislik tafakkuri va zamonaviy raqamli texnologiyalardan foydalanish kompetensiyalarini kompleks rivojlantirishdan iborat.

Modelning maqsadli-motivatsion bloki ta’lim jarayonining boshlang’ich bosqichida talabalarda muhandislik faoliyatiga nisbatan ijobiy motivatsiyani shakllantirishga xizmat qiladi. Ushbu blok orqali kasbiy qiziqishni kuchaytirish, muhandislik kasbining ijtimoiy va amaliy ahamiyatini anglash hamda grafik faoliyatga barqaror ehtiyojni yuzaga keltirish ko‘zda tutiladi.Natijada talabalar o‘quv topshiriqlarini bajarishga mas'uliyat bilan yondashadi, mustaqil izlanishga intiladi va kasbiy o‘zini rivojlantirishga tayyorlik darajasi ortadi.

Modelning mazmuniy-integrativ bloki muhandislik grafikasi fani mazmunini matematika, informatika, kompyuter grafikasi, chizma geometriya va konstruktorlik fanlari bilan integratsiyalashni nazarda tutadi. Bunday integratsiya talabalarning nazariy bilimlarini amaliy faoliyat bilan bog’lash, texnik obyektlarni yaxlit tizim sifatida tahlil qilish hamda fazoviy tasavvurni shakllantirishga xizmat qiladi. O‘quv materiallari real muhandislik masalalari va loyihalari asosida tashkil etilishi talabalarning tahliliy va konstruktiv fikrlashini rivojlantiradi.

Protsessual-texnologik blokda zamonaviy pedagogik texnologiyalar va raqamli vositalardan kompleks foydalanish nazarda tutiladi. Xususan, Project-Based Learning, Problem-Based Learning, Case Study, Collaborative Learning va Design Thinking metodlarini AutoCAD, SolidWorks, Fusion 360 kabi CAD dasturlari bilan uyg’unlashtirish orqali talabalarning loyiha faoliyati faollashtiriladi. Shuningdek, AR/VR texnologiyalari murakkab geometrik shakllarni uch o‘lchamli muhitda o‘rganish imkonini yaratib, fazoviy tasavvur va vizual fikrlashni rivojlantiradi. Sun’iy intellekt elementlari esa topshiriqlarni individuallashtirish, grafik xatolarni avtomatik tahlil qilish va o‘quv jarayoniga tezkor qayta aloqa berishda samarali vosita sifatida qo‘llaniladi.

Modelning mezoniy-natijaviy bloki orqali talabalar fazoviy tafakkurining rivojlanish darajasi kognitiv, amaliy-faoliyatli va motivatsion mezonlar asosida baholanadi.Ushbu mezonlar talabalarning grafik bilimlari, uch o‘lchamli modellar bilan ishlash ko‘nikmalari, muhandislik muammolarini mustaqil hal etish qobiliyati hamda raqamli texnologiyalardan foydalanish kompetensiyalarini kompleks baholash imkonini beradi.[2]

Olingan natijalar shuni ko‘rsatdiki, ishlab chiqilgan konseptual modelni ta’lim jarayoniga joriy etish muhandislik grafikasi fanini o‘qitish samaradorligini oshiradi, talabalarning fazoviy tafakkuri va grafik kompetentligini rivojlantiradi hamda ularni zamonaviy muhandislik faoliyatiga tayyorlashning metodik asoslarini takomillashtiradi.

Mazmuniy-integrativ blokda muhandislik grafikasi matematika, informatika, mashina detallari, kompyuter grafikasi va parametrik modellashtirish fanlari bilan integratsiyalashtiriladi. Bu esa talabalarning muhandislik obyektlarini yaxlit tizim sifatida idrok etishiga xizmat qiladi.

Protsessual-texnologik blokda zamonaviy pedagogik texnologiyalar va raqamli vositalarning uyg’unligi asosiy o‘rin egallaydi. Jumladan: Project-Based Learning; Problem-Based Learning; Case Study; Design Thinking; Brainwriting 6–3–5; Tarsia maker;

Collaborative Learning metodlari CAD texnologiyalari bilan integratsiyalashtiriladi. Protsessual-texnologik blok doirasida zamonaviy interfaol metodlardan biri sifatida Tarsia Maker texnologiyasidan foydalanish muhim didaktik ahamiyat kasb etadi. Tarsia Maker — o‘quv materiallarini mozaika, domino ko‘rinishida ishlab chiqish va ularni interfaol topshiriqlar orqali o‘zlashtirishga xizmat qiluvchi raqamli ta’lim vositasidir.Mazkur metod talabalarning bilimlarini mustahkamlash, mantiqiy va fazoviy fikrlashini rivojlantirish hamda jamoaviy hamkorlikni tashkil etishda samarali hisoblanadi.

Muhandislik grafikasi fanini o‘qitishda raqamli va interfaol ta’lim vositalaridan foydalanish talabalarning grafik bilimlarini amaliy faoliyat bilan bog‘lash, fazoviy tasavvurini rivojlantirish hamda murakkab grafik tushunchalarni o‘zlashtirish samaradorligini oshirish imkonini beradi.Shu nuqtayi nazardan, Tarsia Maker dasturidan foydalanish muhandislik grafikasi mashg‘ulotlarini interfaol tashkil etishning samarali vositalaridan biri sifatida qaralishi mumkin. Mazkur dastur yordamida o‘quv materiallarini geometrik shakllar, grafik tasvirlar, atamalar, ta’riflar, formulalar va ularning mazmuniy mosliklari asosida tuzilgan mantiqiy topshiriqlarga aylantirish mumkin.[5] Bunday topshiriqlar talabani tayyor bilimni qabul qiluvchi subyekt emas, balki berilgan grafik va nazariy ma’lumotlar o‘rtasidagi bog‘lanishlarni mustaqil aniqlovchi faol ishtirokchiga aylantiradi.

Muhandislik grafikasi fanining ortogonal proyeksiyalash mavzusini o‘rganishda Tarsia Maker yordamida turli darajadagi topshiriqlar ishlab chiqish mumkin. Jumladan, detalning yaqqol tasviri, uning olddan, yuqoridan va chapdan ko‘rinishlari, proyeksiya tekisliklari hamda tegishli atamalar alohida qismlarga ajratilib, talabadan ularni mantiqiy jihatdan to‘g‘ri birlashtirish talab qilinadi. Bunda talaba faqatgina tasvirning nomini aniqlash bilan cheklanmaydi, balki obyektning fazodagi holatini tahlil qiladi, uning geometrik xususiyatlarini aniqlaydi va uchta asosiy ko‘rinish o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni anglaydi. Natijada ortogonal proyeksiyalashning nazariy qoidalari amaliy-mantiqiy faoliyat orqali mustahkamlanadi.Tarsia Maker yordamida aksonometrik proyeksiyalarni o‘rganishda ham samarali topshiriqlar yaratish mumkin. Masalan, izometrik va dimetrik proyeksiyalarning grafik ko‘rinishlari, ularning o‘qlarining joylashuvi, o‘lchamlarni tasvirlash xususiyatlari va nazariy ta’riflari bir-biri bilan moslashtiriladigan shaklda beriladi [1]. Talaba grafik tasvir va nazariy ma’lumot o‘rtasidagi moslikni aniqlash jarayonida aksonometrik proyeksiyalarning o‘ziga xos jihatlarini taqqoslaydi. Bu jarayon grafik axborotni vizual idrok etish, tahlil qilish va umumlashtirish ko‘nikmalarining shakllanishiga xizmat qiladi.

Kesim va qirqimlarni o‘rgatishda Tarsia Maker topshiriqlari yanada murakkablashtirilishi mumkin. Bunda detalning uch o‘lchamli tasviri, uning kesim yoki qirqimdagi ko‘rinishi, kesuvchi tekislikning yo‘nalishi, shtrixlash qoidalari hamda tegishli grafik belgilar o‘zaro bog‘langan topshiriq elementlari sifatida beriladi.[6]Talaba ushbu elementlarni birlashtirish orqali kesim va qirqim o‘rtasidagi farqlarni aniqlaydi, qaysi holatda kesimdan yoki qirqimdan foydalanish maqsadga muvofiqligini tushunadi. Ayniqsa, murakkab ichki tuzilishga ega detallarni tasvirlashda bunday mashqlar talabalarning fazoviy fikrlashini rivojlantirishga yordam beradi. Geometrik jismlarning ko‘rinishlarini o‘rganishda esa Tarsia Maker yordamida prizma, piramida, silindr, konus, shar kabi jismlarning fazoviy tasvirlari, ularning proyeksiyalari va nomlari o‘rtasidagi moslikni aniqlashga qaratilgan topshiriqlar tuzilishi mumkin. Masalan, bitta topshiriq tarkibida geometrik jismning yaqqol tasviri, uning uchta asosiy ko‘rinishi va geometrik xususiyatlarini ifodalovchi ta’riflar beriladi. Talaba ularni mantiqiy ketma-ketlikda birlashtirish orqali obyektning fazoviy modelini ongida tiklaydi. Bu esa fazoviy tasavvur, vizual tahlil va grafik tafakkurning rivojlanishiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

Shuningdek, Tarsia Maker orqali muhandislik chizmasining asosiy elementlari va standart belgilari bo‘yicha topshiriqlar ishlab chiqish mumkin. Chiziq turlari, masshtab, o‘lcham qo‘yish, shartli belgilar, kesim va qirqimlarda qo‘llaniladigan grafik ifodalar, rezba belgilari, sirtlarning g‘adir-budurligi kabi elementlar bo‘yicha moslashtirish topshiriqlari talabalarning standartlashtirishga oid bilimlarini mustahkamlash imkonini beradi. Bunday mashqlarda talaba grafik belgini uning nomi,vazifasi yoki chizmada qo‘llanish sohasi bilan bog‘laydi. Natijada chizma o‘qish va chizma tuzish jarayonida standart talablariga rioya qilish ko‘nikmasi shakllanadi.Tarsia Maker topshiriqlarining muhim jihatlaridan biri shundaki, ularda topshiriqning yagona javobini topish bilan bir qatorda mantiqiy bog‘lanishlarni aniqlash jarayoni ham muhim ahamiyat kasb etadi. Talaba har bir elementni boshqa elementlar bilan taqqoslaydi, noto‘g‘ri variantlarni chiqarib tashlaydi va yakuniy yechimga bosqichma-bosqich keladi. Shu sababli mazkur yondashuv muhandislik grafikasi fanida analitik fikrlash, taqqoslash, tasniflash, umumlashtirish va xulosa chiqarish kabi aqliy operatsiyalarni faollashtiradi.

Mazkur metodni muhandislik grafikasi mashg‘ulotlarida qo‘llashda topshiriqlarni murakkablik darajasi bo‘yicha bosqichma-bosqich tashkil etish maqsadga muvofiq. Dastlabki bosqichda geometrik jismlar va ularning nomlarini moslashtirishga oid sodda topshiriqlar beriladi. Keyingi bosqichda geometrik jismlarning proyeksiyalari, ko‘rinishlari va grafik belgilarini aniqlashga qaratilgan topshiriqlar qo‘llanadi. Yuqori bosqichda esa bir nechta grafik tushunchalarni o‘zaro bog‘lash, kesim va qirqimlarni aniqlash, murakkab detallar ko‘rinishlarini tahlil qilish hamda standart talablar

asosida grafik yechim ishlab chiqishga qaratilgan topshiriqlardan foydalaniladi. Shu tariqa Tarsia Maker oddiy nazorat vositasidan murakkab grafik tafakkurni shakllantiruvchi didaktik texnologiyaga aylanadi.

Shuningdek, Tarsia Maker yordamida yaratilgan topshiriqlarni raqamli ta’lim muhitida mustaqil ta’lim bilan bog‘lash mumkin. Talabalar auditoriya mashg‘ulotidan tashqari vaqtda berilgan grafik topshiriqlarni mustaqil bajarish, xatolarini aniqlash va qayta ishlash imkoniyatiga ega bo‘ladilar. O‘qituvchi esa topshiriqlarni mavzu, murakkablik darajasi va o‘quv maqsadiga ko‘ra tabaqalashtirib, turli tayyorgarlik darajasiga ega talabalar uchun individual topshiriqlar ishlab chiqishi mumkin. Bu individual ta’lim trayektoriyasini shakllantirish va talabaning o‘z-o‘zini nazorat qilish ko‘nikmasini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Tarsia Maker metodining yana bir muhim pedagogik imkoniyati — talabalarning kreativ faoliyatini rag‘batlantirishidir. Agar talabalarga tayyor Tarsia topshirig‘ini bajarish bilan bir qatorda o‘zlari yangi topshiriq yaratish vazifasi berilsa, ular o‘quv materialini chuqurroq tahlil qilishga majbur bo‘ladilar. Masalan, talaba ma’lum bir detalning ko‘rinishlari, kesimi, qirqimi yoki standart belgilaridan foydalanib, boshqa talabalar uchun moslashtirish topshirig‘ini ishlab chiqadi. Bunday faoliyatda talaba bilimni o‘zlashtirishdan uni qayta ishlab, yangi didaktik mahsulot yaratish darajasiga ko‘tariladi. Bu esa kreativ fikrlash va metakognitiv ko‘nikmalarning rivojlanishiga sharoit yaratadi.

Shu jihatdan Tarsia Maker raqamli ta’lim muhitida muhandislik grafikasi fanini o‘qitishning interfaol vositasi sifatida talabaning «bilimni eslab qolish» faoliyatidan «grafik axborotni tahlil qilish – bog‘lash – mantiqiy yechim topish – grafik natija yaratish» faoliyatiga o‘tishini ta’minlovchi metodik mexanizm sifatida qaralishi mumkin.[3] Tarsia Maker metodining raqamli ta’lim vositalari va CAD texnologiyalari bilan integratsiyalashgan holda qo‘llanilishi muhandislik grafikasi fanini o‘qitish samaradorligini oshirish, talabalarning grafik kompetentligini shakllantirish va fazoviy tafakkurini rivojlantirishning samarali didaktik vositalaridan biri hisoblanadi.

Natijada talabalar tayyor grafik axborotni takrorlashdan murakkab muhandislik loyihalarini mustaqil ishlab chiqish bosqichiga o‘tadilar.

Tadqiqot natijasida, muhandislik grafikasi fanini o‘qitishning to‘rt blokli konseptual-integrativ modeli ishlab chiqildi; CAD, AR/VR va sun’iy intellekt vositalarining yagona metodik tizimdagi o‘rni ilmiy asoslandi; fazoviy tafakkurni rivojlantirishning bosqichma-bosqich texnologik mexanizmi taklif etildi; grafik kompetentlikni baholashning kognitiv-fazoviy, texnologik-faoliyatli hamda kreativ-motivatsion mezonlari ishlab chiqildi.

Demak, raqamli ta’lim muhiti sharoitida muhandislik grafikasi fanini zamonaviy pedagogik texnologiyalar bilan integratsiyalash talabalarning fazoviy tafakkuri, grafik kompetentligi va muhandislik fikrlashini samarali rivojlantiradi. Taklif etilgan metodik model nazariy jihatdan asoslangan bo‘lib, oliy ta’lim muassasalarida muhandislik grafikasi fanini o‘qitish amaliyotiga joriy etish uchun ilmiy-metodik asos bo‘lib xizmat qiladi. Modelning amaliy tatbiqi talabalarning mustaqil loyiha faoliyatini faollashtirish, zamonaviy raqamli texnologiyalardan foydalanish kompetensiyalarini rivojlantirish hamda bo‘lajak muhandislarning xalqaro mehnat bozori talablariga mos kasbiy tayyorgarligini ta’minlashga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR

1. Sh.K. Murodov Chizma geometriya. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2006.
2. Azizxo‘jayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2016.
3. Ishmuhamedov R., Yo‘ldoshev M. Ta’lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar. – Toshkent: Nihol, 2019.
4. Чеботарёв, Н. Ф. (2008). Начертательная геометрия. Москва: Академия.
5. Saparboyev J. Akademik litsey o‘quvchilarining fazoviy tasavvurlarini rivojlantirish va rivojlanganlik darajasini aniqlashda geometrik masalalar tizimi. Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy axborotlari ilmiy-nazariy jurnali. ISSN 2181-9580. 2020. 10- son
6. N.X. Gulomova. Chizmachilik. -T.: «Fan va texnologiya», 2019, 328 bet

Annotatsiya*:* Mazkur maqolada raqamli ta’lim muhitida muhandislik grafikasi fanini o‘qitish orqali talabalar fazoviy tafakkurini rivojlantirishning ilmiy-metodik asoslari yoritilgan. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar, CAD tizimlari, AR/VR texnologiyalari, sun’iy intellekt va Tarsia Maker interfaol metodining ta’lim jarayoniga integratsiyalash imkoniyatlari tahlil qilingan. Shuningdek, taklif etilgan metodikaning talabalarning grafik kompetentligi, fazoviy tasavvuri va kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirishdagi ahamiyati asoslab berilgan.

Kalit so‘zlar: muhandislik grafikasi, fazoviy tafakkur, grafik kompetentlik, CAD texnologiyalari, interfaol metodlar.

Abstract. This article examines the scientific and methodological foundations of developing students' spatial thinking through teaching engineering graphics in a digital learning environment. The study analyzes the integration of modern pedagogical technologies, CAD systems, AR/VR technologies, artificial intelligence, and the Tarsia Maker interactive method into the educational process. The proposed methodology is shown to enhance students' graphic competence, spatial visualization, and professional competencies while improving the effectiveness of engineering graphics education.

Key words*:* engineering graphics, spatial thinking, graphic competence, CAD technologies, interactive methods.

Аннотация. В статье раскрываются научно-методические основы развития пространственного мышления студентов при обучении инженерной графике в условиях цифровой образовательной среды. Проанализированы возможности интеграции современных педагогических технологий, CAD-систем, технологий AR/VR, искусственного интеллекта и интерактивного метода Tarsia Maker в образовательный процесс. Обоснована эффективность предложенной методики в развитии графической компетентности, пространственного воображения и профессиональных компетенций студентов.

Ключевые слова: инженерная графика, пространственное мышление, графическая компетентность, CAD-технологии, интерактивные методы.

TA’LIM JARAYONIDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNI UYG‘UNLASHTIRISHNING INNOVATSION METODLARI

Bayniyazova G.M.
Nukus davlat pedagogika instituti

Bugungi kunda ta’lim jarayoni nafaqat bilim berish, balki yosh avlodni har tomonlama yetuk, mustaqil fikrlaydigan, ma’naviy barkamol va ijtimoiy mas’uliyatli shaxs sifatida tarbiyalash vazifasini ham bajaradi. [1.1] Jamiyat taraqqiyoti, milliy yuksalish va ijtimoiy barqarorlik ko‘p jihatdan yoshlarning qanday qadriyatlar asosida shakllanishiga bog‘liq.

Globallashuv jarayonida turli madaniyatlar, qarashlar va axborot oqimlari yoshlar ongiga kuchli ta’sir ko‘rsatmoqda. Bunday sharoitda milliy qadriyatlarni asrab-avaylash, ularni yoshlar ongiga singdirish, shu bilan birga, umuminsoniy qadriyatlar bilan uyg‘un holda rivojlantirish dolzarb pedagogik masalalardan biri hisoblanadi. Milliy qadriyatlar xalqning tarixiy xotirasi, urf-odatlari, an’analari, tili, madaniyati, ma’naviy merosi va axloqiy qarashlarini o‘zida mujassam etadi [2.1]. Umuminsoniy qadriyatlar esa barcha xalqlar uchun umumiy bo‘lgan tinchlik, adolat, insonparvarlik, bag‘rikenglik, erkinlik, hamkorlik va inson qadr-qimmatini hurmat qilish kabi tushunchalarni qamrab oladi.

Ta’lim jarayonida ushbu ikki qadriyatlar tizimini uyg‘unlashtirish o‘quvchilarda milliy o‘zlikni anglash bilan birga, keng dunyoqarash, madaniyatlararo muloqot, ijtimoiy faollik va insonparvarlik fazilatlarini rivojlantiradi. Shu sababli zamonaviy pedagogikada qadriyatlar tarbiyasini innovatsion metodlar asosida tashkil etish muhim ahamiyatga ega. Ta’lim jarayonida milliy va umuminsoniy qadriyatlarni uyg‘unlashtirish uchun an’anaviy tushuntirish usullari bilan cheklanib qolish yetarli emas. Chunki qadriyatlar faqat nazariy bilim sifatida emas, balki o‘quvchining hayotiy qarashi, xulq-atvori va amaliy faoliyatida namoyon bo‘lishi kerak. Shu bois innovatsion metodlardan foydalanish ta’lim-tarbiya samaradorligini oshiradi. Innovatsion metodlar o‘quvchini faollikka, mustaqil fikrlashga, muammoni tahlil qilishga, o‘z nuqtayi nazarini asoslashga va boshqalar fikrini hurmat qilishga o‘rgatadi. Ayniqsa, qadriyatlar tarbiyasida interfaol metodlar, loyiha ishlari, muammoli vaziyatlar, debatlar, keys-stadi, rolli o‘yinlar va raqamli texnologiyalardan foydalanish yaxshi natija beradi. Pedagogika fanida interfaol metodlar o‘quvchilarning faolligini oshiruvchi muhim vosita sifatida e’tirof etiladi.[3.1]

Interfaol ta’lim metodi. Interfaol ta’lim o‘quvchilarni dars jarayonining faol ishtirokchisiga aylantiradi. Bu metod orqali o‘quvchilar mavzu yuzasidan fikr bildiradi, savollarga javob izlaydi, guruhda ishlaydi va o‘z qarashlarini himoya qiladi. Masalan, “Milliy qadriyatlar va zamonaviy hayot”, “Bag‘rikenglik nima?”, “Vatanparvarlik faqat so‘z bilanmi yoki amaliy ish bilanmi namoyon bo‘ladi?” kabi mavzularda suhbat va munozaralar tashkil etish mumkin. Bunday mashg‘ulotlar o‘quvchilarning fikrlash doirasini kengaytiradi, ularda muloqot madaniyatini shakllantiradi.

Loyiha metodi. Loyiha metodi o‘quvchilarning mustaqil izlanish olib borishi, ma’lumot to‘plashi, tahlil qilishi va natijani taqdim etishiga asoslanadi [4.1]. Bu metod milliy va umuminsoniy qadriyatlarni amaliy faoliyat bilan bog‘lash imkonini beradi. Masalan, o‘quvchilarga “Mahallamizdagi qadriyatlar”, “Oilamizdagi an’analar”, “Milliy bayramlarning tarbiyaviy ahamiyati”, “Dunyo xalqlarida do‘stlik va bag‘rikenglik qadriyatlari” kabi loyiha mavzulari berilishi mumkin. Loyiha davomida o‘quvchilar o‘z oilasi, mahallasi va jamiyatidagi qadriyatlarni o‘rganadi hamda ularni umuminsoniy qadriyatlar bilan solishtirishni o‘rganadi.

Muammoli ta’lim metodi. Muammoli ta’lim o‘quvchini tayyor bilimni qabul qiluvchi emas, balki muammoni mustaqil hal qiluvchi shaxs sifatida shakllantiradi. [5.1]. Qadriyatlar tarbiyasida muammoli savollar juda samarali hisoblanadi. Masalan, quyidagi savollar asosida dars tashkil etish mumkin: “Milliy qadriyatlarni saqlagan holda zamonaviy bo‘lish mumkinmi?”, “Internet yoshlar qadriyatlariga qanday ta’sir qiladi?”, “Bag‘rikenglik va befarqlik o‘rtasida qanday farq bor?”, “Milliy urf-odatlar har doim ham tarbiyaviy ahamiyatga egami?” Bunday savollar o‘quvchilarni chuqur o‘ylashga, hayotiy misollar keltirishga va mustaqil xulosa chiqarishga undaydi.

Keys-stadi metodi. Keys-stadi, ya’ni vaziyatli tahlil metodi real yoki shartli hayotiy holatlarni muhokama qilish orqali o‘quvchilarda to‘g‘ri qaror qabul qilish ko‘nikmasini rivojlantiradi. Bu metod qadriyatlar tarbiyasida ayniqsa muhimdir. Masalan, darsda quyidagi vaziyat berilishi mumkin: “Bir o‘quvchi sinfdoshining milliy urf-odati yoki kiyinish madaniyatini masxara qildi. Bunday vaziyatda qanday yo‘l tutish kerak?” Ushbu holat orqali o‘quvchilar hurmat, bag‘rikenglik, inson qadr-qimmati va madaniyatlararo munosabat haqida fikr yuritadilar.

Debat metodi. Debat metodi o‘quvchilarda tanqidiy fikrlash, dalil keltirish, o‘z fikrini asoslash va boshqalar fikrini hurmat qilish ko‘nikmalarini shakllantiradi. Qadriyatlar mavzusida debatlar o‘quvchilarni faol fikrlashga undaydi. Masalan, “Milliy qadriyatlar zamonaviy taraqqiyotga to‘sqinlik qilmaydi”, “Umuminsoniy qadriyatlar milliy qadriyatlarni boyitadi”, “Yoshlar tarbiyasida oila maktabdan ko‘ra muhimroq” kabi mavzularda debatlar tashkil etish mumkin.

Rolli o‘yinlar. Rolli o‘yinlar orqali o‘quvchilar turli ijtimoiy vaziyatlarni jonli tasavvur qiladi va muayyan rol orqali xulq-atvor modelini o‘zlashtiradi. Masalan, “Oila davrasida hurmat”, “Mahallada yoshlar tashabbusi”, “Turli millat vakillari o‘rtasidagi do‘stlik” kabi sahna ko‘rinishlari tashkil etilishi mumkin. Bu metod o‘quvchilarda mehr-oqibat, hurmat, hamkorlik, madaniyatli muloqot va ijtimoiy mas’uliyat kabi fazilatlarni mustahkamlaydi.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish. Zamonaviy ta’limda raqamli texnologiyalar qadriyatlar tarbiyasini samarali tashkil etishda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi. Multimedia taqdimotlari, videoroliklar, elektron darsliklar, onlayn viktorinalar, virtual muzeylar va ta’lim platformalari orqali o‘quvchilarga milliy va umuminsoniy qadriyatlar mazmuni ta’sirchan yetkazilishi mumkin. Masalan, buyuk allomalar hayoti, tarixiy obidalar, milliy bayramlar, xalq og‘zaki ijodi, jahon xalqlari madaniyati haqida videomateriallardan foydalanish

o‘quvchilarda qiziqish uyg‘otadi. Bunda o‘qituvchi axborotni tanlash va tahlil qilish madaniyatini ham shakllantirishi zarur.

Refleksiv yondashuv. Refleksiya o‘quvchining o‘z fikri, xatti-harakati va qarashlarini tahlil qilish jarayonidir. Dars yakunida “Men bugun nimani angladim?”, “Bu mavzu mening hayotimga qanday bog‘liq?”, “Qaysi qadriyat men uchun muhim?” kabi savollar berilishi o‘quvchilarning o‘z-o‘zini anglashiga yordam beradi. Refleksiv yondashuv orqali qadriyatlar tashqi talab sifatida emas, balki shaxsiy e’tiqod va hayotiy mezon sifatida shakllanadi.

Ta’lim jarayonida milliy va umuminsoniy qadriyatlarni uyg‘unlashtirish pedagogdan puxta metodik tayyorgarlikni talab qiladi. O‘qituvchi har bir mavzuda tarbiyaviy imkoniyatni ko‘ra olishi, darsni hayotiy misollar bilan boyitishi va o‘quvchilarni faol muloqotga jalb qilishi kerak.

Innovatsion metodlar o‘quvchilarning faqat bilim olishini emas, balki o‘z fikrini erkin ifodalashi, ijtimoiy munosabatlarda faol bo‘lishi, milliy merosni qadrlashi va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat bilan qarashini ta’minlaydi. Shuningdek, ta’lim jarayonida oila va mahalla bilan hamkorlikni yo‘lga qo‘yish ham muhimdir. Chunki qadriyatlar faqat maktabda emas, balki oila, mahalla va jamiyat muhitida ham shakllanadi. Agar ushbu tarbiyaviy muhitlar bir-birini to‘ldirsa, yoshlarning ma’naviy rivojlanishi yanada samarali bo‘ladi.

Xulosa qilib aytganda, ta’lim jarayonida milliy va umuminsoniy qadriyatlarni uyg‘unlashtirish yosh avlodni ma’naviy yetuk, ijtimoiy faol, vatanparvar va insonparvar shaxs sifatida tarbiyalashning muhim omilidir. Milliy qadriyatlar yoshlarni o‘z xalqining tarixi, madaniyati va an’analariga hurmat ruhida tarbiyalasa, umuminsoniy qadriyatlar ularni keng dunyoqarash, bag‘rikenglik, adolat va hamkorlik ruhida shakllantiradi.

Bu jarayonda innovatsion metodlardan foydalanish katta pedagogik ahamiyatga ega. Interfaol ta’lim, loyiha metodi, muammoli ta’lim, keys-stadi, debat, rolli o‘yin, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va refleksiv yondashuv o‘quvchilarning qadriyatlarni chuqur anglashiga yordam beradi.

Demak, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni uyg‘unlashtirishga qaratilgan innovatsion metodlar ta’lim jarayonining mazmunini boyitadi, yoshlarning ma’naviy-axloqiy tarbiyasini kuchaytiradi hamda ularni zamonaviy jamiyatda faol va mas’uliyatli shaxs sifatida shakllantirishga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR

1. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. Toshkent: O‘zbekiston, 2021.
2. Abdullayeva Sh.A. Pedagogika. Toshkent: Fan va texnologiya, 2019.
3. Xasanboyev J., To‘raqulov X., Haydarov M. Pedagogika asoslari. Toshkent, 2018.
4. Musurmonova O. Ma’naviy qadriyatlar va yoshlar tarbiyasi. Toshkent: O‘qituvchi, 2016.
5. Dewey J. Democracy and Education. New York, 1916.

Annotatsiya. Ushbu maqolada ta’lim jarayonida milliy va umuminsoniy qadriyatlarni uyg‘unlashtirishning innovatsion metodlari ilmiy-pedagogik jihatdan tahlil qilinadi. Maqolada interfaol ta’lim, loyiha metodi, muammoli ta’lim, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, keys-stadi, debat, rolli o‘yin va refleksiv yondashuv kabi innovatsion metodlarning qadriyatlar tarbiyasidagi o‘rni yoritiladi. Shuningdek, ta’lim jarayonida milliy va umuminsoniy qadriyatlarni uyg‘unlashtirish orqali o‘quvchi-yoshlarda ma’naviy madaniyat, ijtimoiy faollik va mustaqil fikrlash ko‘nikmalarini rivojlantirish imkoniyatlari asoslab beriladi.

Kalit so‘zlar: ta’lim jarayoni, milliy qadriyatlar, umuminsoniy qadriyatlar, innovatsion metodlar, interfaol ta’lim.

Аннотация. В данной статье научно-педагогически анализируются инновационные методы гармонизации национальных и общечеловеческих ценностей в образовательном процессе. В статье рассматривается роль таких инновационных методов, как интерактивное обучение, проектный метод, проблемное обучение, информационно-коммуникационные технологии, кейс-стади, дебаты, ролевые игры и рефлексивный подход в формировании ценностного сознания учащейся молодежи. Также обосновываются возможности развития духовной культуры, социальной активности и навыков самостоятельного мышления учащихся посредством гармонизации национальных и общечеловеческих ценностей в образовательном процессе.

Ключевые слова: образовательный процесс, национальные ценности, общечеловеческие ценности, инновационные методы, интерактивное обучение.

Annotation. This article provides a scientific and pedagogical analysis of innovative methods for harmonizing national and universal human values in the educational process. The article examines the role of innovative methods such as interactive learning, project-based learning, problem-based learning, information and communication technologies, case studies, debates, role-playing, and reflective approaches in developing students’ value-based consciousness. The article also substantiates the possibilities of developing students’ spiritual culture, social activity, and independent thinking skills through the integration of national and universal human values in the educational process.

Key words: educational process, national values, universal human values, innovative methods, interactive learning.

DEVELOPING A MECHANISM FOR THE AESTHETIC AND ETHICAL EDUCATION OF STUDENTS IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Djoldasov R.F.
Karakalpak State University

Introduction. Aesthetic education of students in physical education lessons is a purposeful process aimed at developing the ability to perceive and correctly understand beauty in reality. It presupposes the development of a system of aesthetic perceptions, views, aesthetic consciousness, and aesthetic taste. At the same time, it fosters students’ ability and aspiration to notice elements of beauty in almost all areas of life and, when appropriate, to create beauty themselves. Aesthetic perception is not limited to a single sphere of art; it exists in every type of activity in which a person can apply a creative approach.

Psychological states formed through skillfully organized aesthetic education are highly stable. They strengthen students' self-confidence and encourage activity, honesty, positive attitudes toward others, vitality, initiative, a desire to become qualified specialists, and an aspiration to demonstrate beauty in different situations.

Many physical education teachers and sports coaches understand the great importance of verbal influence. Some teachers do not allow students to begin training without an initial conversation. Such preparatory communication can be especially important when emotional excitement is high. Similar conversations are also useful after competitions, either to moderate excessive excitement after victory or to calm and encourage students after defeat.

Sports and active games, which form an important part of physical education lessons, involve competition and rivalry between participants. In physical education, the competitive method is used both during lessons, together with individual movements included in a particular lesson, and in the form of independent sporting competitions for orientation, control, and competitive purposes.

During competition, as well as in its organization and conduct, the competitive method creates important physiological and emotional conditions through determining winners and encouraging successful participants. Competition helps students mobilize their physical capabilities to the maximum. In this way, it becomes one of the important didactic opportunities for the aesthetic education of students in physical education lessons.

Developing the ability to understand the aesthetic aspects of physical education lessons has broad and diverse didactic opportunities, both in terms of content and methodology. In the process of using activities conducted in physical education lessons, the functions associated with understanding the aesthetic characteristics of activity can be explained through the following methods: providing an emotionally expressive explanation of lesson topics; performing movements at a technically refined level and explaining them emotionally, thereby evoking students' sense of admiration through the perception of beauty; encouraging students to experience and express satisfaction and enjoyment from their own physical movements and activity; providing practical instruction in demonstrating beauty through movements performed during physical exercise.

The main part of the research. Aesthetic education in physical education lessons is characterized by the following methods: emotional and expressive explanation of physical exercises using figurative language; technically perfect and emotionally expressive demonstration of an exercise that evokes a sense of admiration; an inspiring model in movements and exercises; selection of practical exercises that encourage the creative manifestation of beauty in motor activity during physical exercise.

Specially organized aesthetic education has a positive effect on students' acquisition of knowledge about the formal and aesthetic aspects of beauty. Since physical education is a practical process, it relies primarily on direct demonstration methods, including: demonstration of pictures, tables, photographs, and similar visual aids; demonstration of objects, models, and mock-ups; film and video demonstrations; organization of lessons using microphones, radio equipment, light and electrical signals, and other selected technical devices; methods of directed sensory-motor activity (training); methods of orientation and precise direction, including suspended balls, flags, and markings in halls and sports grounds; leader-based and planned sensory methods; methods of using immediate information and feedback.

In practice, there are two principal forms of visualization as a major factor in learning: physical movements and rules may be demonstrated directly by the teacher, or they may be shown with the help of particular aids [2].

Conclusion. This article examines the mechanism for the aesthetic and ethical education of students in physical education classes at higher education institutions. Physical education is considered not only as a means of students' physical development but also as an important pedagogical tool for developing their aesthetic taste, ethical views, spiritual values, and social behavior. Particular attention is paid to the opportunities provided by physical exercises, sports games, competitions, and collaborative activities for fostering an appreciation of beauty, mutual respect, responsibility, honesty, discipline, cooperation, and healthy competition. The article also highlights a mechanism based on the integration of the goals, content, methods, means, and pedagogical conditions of aesthetic and ethical education. It is substantiated that the systematic implementation of this mechanism contributes to the development of students' physical culture, aesthetic worldview, and ethical qualities. For the successful organization of lessons aimed at developing students' level of aesthetic education through national active games in physical education lessons at general secondary schools, it is important to plan lesson types correctly. In this regard, the education system must pay special attention to developing upper-grade students as spiritually mature, aesthetically discerning, moral, enlightened, and, in a word, harmoniously developed individuals [103]. In this process, it is important that the younger generation possess theoretical knowledge and practical skills and competencies corresponding to the current stage of social development. In particular, educational and formative work should be directed toward developing upper-grade students' ability to understand the aesthetic foundations of movement elements. From this perspective, one of the important issues requiring research in general secondary education is the development of a pedagogical system for using physical education lessons to provide aesthetic education on the basis of modern methods, the introduction of new methodological approaches to its practical implementation, and the development of appropriate content and methodology. Correct selection of methods aimed at the aesthetic education of students in physical education lessons is important for increasing the didactic potential of this process. In the aesthetic education of students through sports and active games, various forms of work are used, including verbal methods, visual aids such as pictures and posters, practical demonstration, technical means, reproductive methods, self-management, explanation and encouragement, control, and self-control, Giving instructions means explaining clearly and verbally to participants the technique of movements, the tasks of an activity, and the rules for performing its elements.

Experience shows that some physical exercises are difficult for certain students to master. Therefore, when some exercises are used as a means of aesthetic education, additional explanation may be required. In order to improve the quality of movement performance and provide deeper knowledge, various visual materials may be used for additional explanation and clarification. Directions and commands are special verbal forms used to manage students' physical activity. They are applied to determine the initial actions required for performing movements and are considered among the effective methods of instruction.

Academician N. Ye. Vvedensky, in his well-known experiments, demonstrated the power of verbal suggestion, including its influence on physiological processes. The famous physiologist I. P. Pavlov scientifically substantiated through experiments that words are among the strongest stimuli affecting human beings.

Every educated and cultured person, including a physical education teacher, should master the art of using words effectively. A qualified teacher should be able to speak correctly, meaningfully, convincingly, and beautifully on any issue; persuade students of the validity of his or her views; and defend and substantiate ideas in communication with students. Practice shows that a teacher who lacks the ability to influence students through words cannot attain a high professional level. Verbal influence in aesthetic education includes persuasion and the ability to explain why a particular activity is necessary [1].

REFERENCES

1. Акмалова Д.Т. Современные исследования в области компетенций: анализ и перспективы. Проблемы и перспективы современной гуманитаристики: педагогика, методика преподавания, филология: сборник материалов международной научно-практической конференции. -Андижан – Санкт-Петербург: 2024. -С. 53-56. DOI.10.5281/zenodo.10784120.
2. Печеркина А.А. Развитие профессиональной компетентности педагога: теория и практика [Текст]: монография. / А.А.Печеркина, Э.Э.Сыманюк, Е.Л.Умникова: Урал. гос. пед. ун-т. -Екатеринбург: [б.и.], 2011. –С.233.
3. Субочев Н.С., Архипова Т.Г. Компетентностный подход в управлении персоналом: учебное пособие. / Волгоградский институт управления – филиал ФГБОУ ВО РАНХиГС. –Волгоград: ИздательствоВолгоградского института управления – филиала РАНХиГС, 2016.
4. Maxmudov B.A. Jismoniy madaniyat mutaxassislarini tayyorlash mexanizmini takomillashtirish. Monografiya. – Toshkent. "Zebo prints" nashriyoti. 2023. – 112 b.
5. Nosirxo'jayeva G. Etika. Estetika (o'quv qo'llanma). – T.: TDYUI nashriyoti, 2006. – 114 b.
6. Hojmirzaev A.D. Jismoniy tarbiya dasslari va sinfdan tashqari mashg'ulotlarda o'quvchilarni estetik tarbiyalash. Ped.f.n.diss... – T.: TDPI 2002. – 169 b.
7. Козлова Т.Б. Использование народных подвижных игр в физической подготовке учащихся младших классов с учетом их индивидуальных особенностей. Дисс.к.п.н. – Улан-Удэ: 2000. – 179 с.
8. *биогаза. "Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)", 2(3), 280-285. https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-3-280-285*

Rezyume: Ushbu maqolada oliy ta'lim muassasalari talabalarini estetik va axloqiy tarbiyalash mexanizmini ishlab chiqishning nazariy-pedagogik asoslari yoritilgan. Talaba shaxsining estetik dunyoqarashi, axloqiy pozitsiyasi, madaniy xulq-atvori va qadriyatlar tizimini rivojlantirishga ta'sir etuvchi pedagogik omillar tahlil qilingan. Estetik va axloqiy tarbiya jarayonini samarali tashkil etish uchun motivatsion, mazmuniy, faoliyatga yo'naltirilgan va refleksiv-baholash bosqichlarini o'z ichiga oluvchi mexanizm tavsiya etilgan.

Tayanch iboralar: Samarali, estetik, tadqiqot, jismoniy tarbiya, hissiyotlar.

***Резюме*:** В статье раскрываются теоретико-педагогические основы разработки механизма эстетического и нравственного воспитания студентов высших образовательных учреждений. Анализируются педагогические факторы, влияющие на развитие эстетического мировоззрения, нравственной позиции, культуры поведения и системы ценностей личности студента.

Ключевые слова: *Эффективный, эстетический, исследовательский, физическое воспитание, эмоции.*

Summary: This article explores the theoretical and pedagogical foundations for developing a mechanism of aesthetic and ethical education of students in higher education institutions. It analyzes the pedagogical factors that influence the development of students' aesthetic worldview, ethical attitudes, cultural behavior, and system of values.

Key words: Effective, aesthetic, research physical education, emotions.

УДК: 378.147:004.8
ББК: 74.480.2

РОЛЬ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ФОРМИРОВАНИИ ИНДИВИДУАЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ТРАЕКТОРИИ УЧАЩИХСЯ

Хаитов У. Х.

Бухарский государственный университет

Введение. Современные процессы цифровой трансформации глубоко проникают во все уровни системы образования, вследствие чего проблема индивидуализации учебного процесса становится всё более актуальной. Уровень знаний, интересы, когнитивный стиль и темп обучения каждого учащегося индивидуальны, поэтому традиционный, унифицированный подход не всегда способен в полной мере учитывать данную дифференциацию [1;34]. В связи с этим в последние годы концепция формирования индивидуальной образовательной траектории занимает особое место в научных исследованиях, посвящённых личностно-ориентированному обучению.

Развитие технологий искусственного интеллекта выводит индивидуальное обучение на качественно новый уровень. Возможности анализа данных, постоянного мониторинга учебной деятельности, автоматической диагностики и генерации адаптивных рекомендаций открывают путь к глубокой персонализации образовательного процесса [2;58]. Особенно эффективными инструментами в формировании оптимальной учебной траектории учащегося стали такие технологии, как adaptive learning, learning analytics, интеллектуальные обучающие системы (intelligent tutoring systems), а также рекомендательные алгоритмы [4;75266]. Международный опыт показывает, что персонализированные образовательные системы, основанные на искусственном интеллекте, способствуют повышению уровня усвоения знаний, раннему выявлению пробелов, оптимизации учебной нагрузки и укреплению мотивации учащихся [7;6572]. Однако внедрение подобных технологий в образовательную практику сопровождается рядом научно-методических вопросов, среди которых одним из ключевых является научное обоснование процесса формирования индивидуальной образовательной траектории с использованием искусственного интеллекта и оценка его педагогической эффективности.

С этой точки зрения данное исследование направлено на изучение возможностей технологий искусственного интеллекта в формировании индивидуальной образовательной траектории учащихся, определение их влияния на учебные результаты, а также разработку практических механизмов применения таких технологий. Исследование призвано ответить на следующие научные вопросы: 1) какие компоненты ИИ-архитектуры наиболее востребованы при формировании индивидуальной траектории обучения? 2) каким образом смешанный (диагностика – адаптация – оценка) методологический подход обеспечивает научную обоснованность построения такой траектории? 3) какие методические и инфраструктурные ограничения необходимо учитывать при внедрении подобных систем в локальной образовательной среде?

Понятие индивидуальной образовательной траектории. В научной литературе индивидуальная траектория трактуется как адаптированный образовательный путь, формируемый с учётом личных потребностей учащегося, его уровня подготовки, способностей и темпа развития. Луккин и соавторы подчёркивают, что индивидуальная траектория охватывает не только выбор содержания обучения, но и ритм учебной деятельности, степень её сложности, форму организации, а также критерии оценки [2;112].

Роль ИИ-технологий в индивидуализации обучения. В международных исследованиях особое внимание уделяется роли искусственного интеллекта в процессе индивидуализации обучения. Завацки-Рихтер и соавторы отмечают, что ИИ-технологии обеспечивают глубокий анализ учебной активности и позволяют адаптировать процесс обучения в режиме реального времени [3;14]. В частности, интеллектуальные обучающие системы фиксируют каждое действие учащегося и предлагают задания, соответствующие уровню его затруднений, формируя индивидуальный образовательный путь [8;104252]. Платформы адаптивного обучения автоматически сокращают или расширяют объём учебного материала в зависимости от скорости усвоения [4;75270]. Технологии learning analytics используются как эффективный метод прогнозирования динамики обучения, определения сильных и слабых сторон учащегося и разработки индивидуальной стратегии развития [5;68].

Эмпирические данные об эффективности. Многочисленные научные и практические исследования подтверждают эффективность образовательных систем, основанных на искусственном интеллекте. Кукульска-Хальм отмечает, что алгоритмы, построенные на анализе ошибок учащихся, позволяют выявлять недостатки на ранних этапах, а рекомендательные системы обеспечивают подбор наиболее подходящих учебных ресурсов, что способствует улучшению образовательных результатов [6;7]. Саркер, обобщая ряд исследований, отмечает, что ИИ-технологии повышают учебную мотивацию, создавая позитивную психологическую среду за счёт индивидуализации учебного процесса [7;6580].

Проблемы и ограничения. Одновременно в научной литературе выделяется ряд проблем. Среди них – прозрачность ИИ-алгоритмов, защита персональных данных, уровень цифровой грамотности педагогов, а также недостаток методических рекомендаций по использованию ИИ-систем в образовательной практике [9;1698]. Фишер и Чэнь подчёркивают необходимость переосмысления меняющихся педагогических ролей для эффективного применения ИИ в образовании [9;1701]. Дзябенко и Гарсия-Зубия, рассматривая модели обучающегося на основе ИИ, отмечают, что их педагогическая ценность напрямую зависит от полноты и качества фиксируемых данных об учебной деятельности [10;89].

В целом анализ существующей литературы показывает, что, несмотря на активизацию исследований, посвящённых применению искусственного интеллекта в формировании индивидуальной образовательной траектории, практический опыт применения подобных систем в условиях локальной образовательной среды остаётся ограниченным, а механизмы их методического применения требуют дальнейшего глубокого изучения. Именно этот пробел определяет научную актуальность настоящего исследования.

Методология. В данном исследовании для изучения влияния технологий искусственного интеллекта на процесс формирования индивидуальной образовательной траектории учащихся был применён смешанный научный подход (mixed-method). Исследование осуществлялось в два основных этапа: диагностика учебного процесса и разработка адаптированной образовательной траектории на основе ИИ, а также последующая оценка её эффективности.

На первом этапе с целью выявления базового уровня знаний учащихся, отслеживания динамики их учебной деятельности и определения индивидуальных различий были использованы методы learning analytics [5;63]. В ходе анализа учитывались такие показатели, как скорость выполнения заданий, типы допускаемых ошибок, уровень сложности освоенного материала и параметры, связанные с учебной мотивацией. На основе

статистических данных, сгенерированных ИИ-системой при соблюдении требований конфиденциальности, был сформирован индивидуальный профиль учащегося.

На втором этапе для учащихся были разработаны индивидуальные образовательные траектории, основанные на принципах adaptive learning. В процесс формирования траектории были интегрированы следующие компоненты: алгоритм адаптации сложности, модуль выбора рекомендованных учебных ресурсов и диагностическая система, адаптирующаяся к деятельности учащегося в режиме реального времени [8;104255]. С помощью данной модели каждому учащемуся предлагался индивидуальный набор заданий, оптимальная интенсивность повторения, дополнительные объяснения и развивающие упражнения.

Для оценки хода исследования применялись описательный (дескриптивный) анализ и сопоставление экспериментальной и контрольной групп, а также полуструктурированные интервью с педагогами с целью изучения их опыта использования ИИ-системы. Данный качественный анализ позволил выявить преимущества и трудности, с которыми столкнулись преподаватели в процессе работы с технологией. Учитывая, что исследование находится на этапе накопления и качественного обобщения данных, количественные статистические выводы (в частности, точные числовые показатели различий между группами) не приводятся; они запланированы как отдельный этап дальнейшей количественной валидации.

Представленный методологический подход обеспечил всесторонний анализ процесса формирования индивидуальных образовательных траекторий с использованием искусственного интеллекта, охватывая как технические, так и педагогические аспекты.

Результаты. В рамках исследования были сопоставлены наблюдения по экспериментальной и контрольной группам с целью оценки влияния индивидуальной образовательной траектории, сформированной на основе технологий искусственного интеллекта, на учебную деятельность учащихся. Полученные данные показали, что адаптивная модель обучения, основанная на ИИ, заметно оптимизировала учебный процесс.

Во-первых, по показателям эффективности выполнения учебных заданий учащиеся экспериментальной группы в целом продемонстрировали более уверенные результаты по сравнению с контрольной группой: различия проявлялись в скорости выполнения заданий, количестве ошибок и уровне сложности успешно усвоенного материала. Особенно заметный эффект был достигнут благодаря адаптивной диагностической системе в режиме реального времени, которая оперативно выявляла затруднения и предлагала учащемуся индивидуализированные дополнительные упражнения.

Во-вторых, модель траектории на основе ИИ показала выраженную эффективность в закреплении знаний. Анализ промежуточных тестов позволил зафиксировать устойчивую тенденцию к более высокому приросту результатов при повторном прохождении тестов у учащихся экспериментальной группы. Это можно объяснить гибкостью рекомендательной системы, предлагавшей персонализированные материалы и адаптивные алгоритмы повторения.

Oltinchidan, oila, mahalla, davlat va jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikni yanada rivojlantirish lozim. Tarbiya uzluksiz jarayon bo'lib, unda barcha ijtimoiy institutlarning hamkorligi muhim o'rin tutadi. Ayniqsa, mahalla faollari, nuroniylar, soha mutaxassislari va muvaffaqiyatli yoshlar ishtirokidagi uchrashuvlar talabalarning hayotiy qarashlarini boyitadi.

Yettinchidan, milliy qadriyatlar va umuminsoniy tamoyillar uyg'unligini ta'minlash zarur. Buyuk ajdodlarimizning ilmiy va ma'naviy merosini chuqur o'rganish, milliy urf-odatlar, qadriyatlar va an'analarni zamonaviy pedagogik yondashuvlar bilan uyg'unlashtirish orqali yoshlarning ma'naviy immunitetini yanada mustahkamlash mumkin.

Xulosa qilib aytganda, oliy ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy faoliyatni samarali tashkil etish yoshlarning har tomonlama barkamol shaxs bo'lib kamol topishida hal qiluvchi ahamiyatga ega. Mazkur faoliyat talabalarning nafaqat ma'naviy dunyosini boyitadi, balki ularda liderlik kompetensiyasi, fuqarolik mas'uliyati, tashabbuskorlik, vatanparvarlik, jamoada ishlash ko'nikmalari va innovatsion fikrlashni ham rivojlantiradi.

Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universitetida amalga oshirilayotgan ma'naviy-ma'rifiy ishlar yoshlarning intellektual va ma'naviy salohiyatini yuksaltirish, ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish, ijtimoiy faolligini oshirish hamda milliy qadriyatlarga sadoqat ruhida tarbiyalashga xizmat qilmoqda. Kelgusida ushbu yo'nalishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarni keng joriy etish, xalqaro tajribalarni o'rganish va ilmiy asoslangan monitoring tizimini takomillashtirish ma'naviy-ma'rifiy faoliyat samaradorligini yanada oshirishga xizmat qiladi.

Shunday ekan, oliy ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy faoliyatni rivojlantirish orqali jamiyatning intellektual salohiyati yuksaladi, raqobatbardosh kadrlar tayyorlanadi hamda Yangi O'zbekiston taraqqiyotining mustahkam poydevori yaratiladi.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent, 2023.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. – Toshkent, 2022.
3. "Ta'lim to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni.
4. "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni.
5. "Oliy ta'lim to'g'risida"gi me'yoriy-huquqiy hujjatlar.
6. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini
7. birgalikda barpo etamiz. – Toshkent.
8. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent.
9. Makarenko A.S. Pedagogik asarlar.
10. Sukhomlinskiy V.A. Yuragimni bolalarga beraman.
11. Ishmuhamedov R.J. Innovatsion pedagogik texnologiyalar.
12. Jo'rayev R.H. Pedagogika nazariyasi.
13. Avloniy A. Turkiy guliston yoxud axloq.
14. Forobiy A. Fozil odamlar shahri.
15. Beruniy A.R. Tanlangan asarlar.
16. Ibn Sino. Donishnoma.
17. Navoiy A. Mahbub ul-qulub.
18. Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha uslubiy tavsiyalari.
19. Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universitetining ma'naviy-ma'rifiy faoliyat bo'yicha me'yoriy hujjatlari.
20. Pedagogika va psixologiya bo'yicha zamonaviy ilmiy maqolalar to'plami.
21. UNESCO. Education for Sustainable Development.

Annotatsiya. Mazkur maqolada oliy ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy faoliyatning zamonaviy ta'lim tizimidagi o'rni, uning talaba-yoshlarning shaxs sifatida kamol topishi, liderlik kompetensiyalarini shakllantirish hamda fuqarolik mas'uliyatini rivojlantirishdagi ahamiyati ilmiy-nazariy jihatdan tahlil etilgan. Shuningdek, yoshlar bilan ishlashning zamonaviy mexanizmlari, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga asoslangan tarbiya tizimi, jamoaviy faoliyatni rivojlantirishning pedagogik asoslari hamda oliy ta'lim muassasalarida amalga oshirilayotgan ma'naviy-ma'rifiy ishlarning samaradorligini oshirish yo'llari yoritilgan.

Kalit so'zlar: liderlik kompetensiyasi, fuqarolik mas'uliyati, yoshlar siyosati, . ma'naviy tarbiya, innovatsion ta'lim.

Аннотация. В данной статье с научно-теоретической точки зрения проанализированы место и роль духовно-просветительской деятельности в современной системе высшего образования, её значение в формировании личности студентов и молодёжи, развитии лидерских компетенций и гражданской ответственности. Также освещены современные механизмы работы с молодёжью, система воспитания, основанная на национальных и общечеловеческих ценностях, педагогические основы развития коллективной деятельности, а также пути повышения эффективности духовно-просветительской работы, осуществляемой в высших образовательных учреждениях.

Ключевые слова: лидерские компетенции, гражданская ответственность, молодёжная политика, духовное воспитание, инновационное образование.

ABSTRACT This article provides a scientific and theoretical analysis of the role and significance of spiritual and educational activities in the modern higher education system, particularly their importance in the personal development of students and young people, the formation of leadership competencies, and the development of civic responsibility. The article also examines modern mechanisms for working with young people, an educational system based on national and universal human values, the pedagogical foundations for developing collective activities, and ways to improve the effectiveness of spiritual and educational activities carried out in higher education institutions.

Key words: leadership competencies, civic responsibility, youth policy, spiritual education, innovative education.

ТАЛАБАЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Абылова Г. Ж.

Педагогика фанлари доктори (DSc) профессор

Замонавий олий таълимда рақамли технологияларнинг ривожланиши ўқитиш жараёнини ташкил этишга нисбатан янги ёндашувларни шакллантирмоқда. Электрон таълим ресурслари, таълим платформалари, автоматлаштирилган баҳолаш воситалари ва сунъий интеллект технологияларининг жорий этилиши талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш имкониятларини кенгайтирмоқда [1–4].

Таълимни рақамлаштириш ва уни интеллектуаллаштириш тушунчаларини фарқлаш муҳим. Рақамлаштириш асосан таълим мазмуни, ресурслари ва жараёнларини рақамли муҳитга ўтказиш билан боғлиқ бўлса, интеллектуаллаштириш ушбу муҳитда шаклланадиган маълумотларни таҳлил қилиш ва улар асосида таълим жараёнини мослаштиришни назарда тутади [5–7].

Интеллектуаллаштирилган таълим жараёнида технологиянинг ўзи эмас, балки ундан олинадиган маълумотларнинг таълимий қарор қабул қилишда қўлланилиши муҳим. Талабанинг ўзлаштириш натижалари, хатолари, ўқув фаолияти ва таълимий эҳтиёжлари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали кейинги ўқув материаллари, топшириқлар ва таълим усулларини мослаштириш имконияти пайдо бўлади.

Компьютер технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқув материалларини тақдим этиш, амалий машғулотларни ташкил этиш, талабаларнинг мустақил фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ўқув натижаларини баҳолаш имкониятларини кенгайтирган [7–8]. Бугунги босқичда мазкур имкониятлар сунъий интеллект ва нейротармоқ технологиялари билан тўлдирилмоқда [9–11].

Талабаларни ўқитиш жараёнини интеллектуаллаштиришда индивидуал ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Бир таълим гуруҳидаги талабаларнинг бошланғич билим даражаси, ўзлаштириш суръати ва муайян мавзуларни ўзлаштириш даражаси бир хил бўлмайди. Шу сабабли барча талабаларга бир хил мазмун ва бир хил мураккабликдаги топшириқларни тақдим этиш ҳар доим ҳам кутилган натижани бермайди.

Интеллектуал технологиялар талабаларнинг индивидуал натижаларини таҳлил қилиш асосида таълим мазмунини мослаштириш имконини беради. Бунда таълим жараёни «барча учун бир хил» ёндашувдан талабанинг жорий ҳолатига мослашувчи ёндашувга ўтади [4,9].

Персоналлаштириш ва интеллектуаллаштиришни бир хил тушунча сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Персоналлаштириш таълимни муайян талабага мослаштиришни ифодаласа, интеллектуаллаштириш ана шу мослаштиришни амалга ошириш учун маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва улар асосида таълимий қарорларни шакллантириш механизмларини қамраб олади.

Интеллектуаллаштириш адаптив таълим билан ҳам бевосита боғлиқ. Адаптив таълимда ўқув жараёни талабанинг жорий натижасига қараб ўзгариб боради. Талаба муайян мавзуни яхши ўзлаштирган бўлса, мураккаброқ вазифалар, қийинчилик мавжуд бўлганда эса қўшимча тушунтириш ёки такрорий материаллар берилиши мумкин [5,10].

Интеллектуал таълим жараёнида қайта алоқа муҳим механизм ҳисобланади. Тест натижалари, бажарилган топшириқлар, хатолар характери ва ўзлаштириш динамикаси таҳлил қилиниб, кейинги таълим босқичини белгилашда фойдаланилади. Бундай жараённи қуйидаги мантиқий кетма-кетликда ифодалаш мумкин: **талаба ҳақида маълумот → маълумотларни таҳлил қилиш → таълимий эҳтиёжни аниқлаш → таълим мазмунини мослаштириш → натижани баҳолаш → қайта таҳлил қилиш.**

Сунъий интеллект ва нейротармоқ технологиялари маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш босқичларида муҳим имкониятларни тақдим этади. Катта ҳажмдаги таълим маълумотларини қайта ишлаш, талабалар натижаларини таснифлаш, муайян натижаларни прогнозлаш ва индивидуал тавсиялар шакллантириш шундай имкониятлар қаторига киради [3,9–11]. Бироқ интеллектуал технологиялардан фойдаланиш педагогнинг ўрнини тўлиқ алмаштиришни англатмайди. Интеллектуал тизимлар педагогик қарорларни қўллаб-қувватловчи восита сифатида қаралиши лозим. Таълим мақсади, мазмуни, баҳолаш мезонлари ва педагогик таъсирларни белгилашда инсон омили сақланиши зарур [4,9].

Шу нуқтаи назардан, талабаларни ўқитиш жараёнини интеллектуаллаштиришни фақат сунъий интеллектдан фойдаланиш билан чеклаш тўғри эмас. Унинг мазмуни таълим жараёнидаги маълумотларни мақсадли шакллантириш, интеллектуал таҳлил қилиш, натижаларни таълимий қарорларга айлантириш ва ушбу қарорлар асосида ўқитиш жараёнини қайта мослаштириш билан белгиланади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, мазкур тадқиқотда **талабаларни ўқитиш жараёнини интеллектуаллаштириш** деганда талабанинг билим даражаси, ўқув фаолияти ва таълим натижалари ҳақидаги маълумотларни интеллектуал технологиялар асосида таҳлил қилиш, таълимий эҳтиёжларни аниқлаш ҳамда таҳлил натижалари асосида таълим мазмуни, топшириқлар ва педагогик таъсирларни индивидуаллаштиришга қаратилган узлуксиз педагогик-технологик жараён тушунилади.

Мазкур таъриф кейинги тадқиқот босқичларида нейротармоқ технологияларининг талабаларни ўқитиш жараёнидаги функционал ва дидактик имкониятларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, талабаларни ўқитиш жараёнини интеллектуаллаштириш рақамли технологияларни таълимга жорий этишнинг оддий давоми эмас, балки таълим жараёнидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва улар асосида ўқитишни мослаштиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги ёндашувдир. Интеллектуаллаштирилган таълимда талабанинг индивидуал хусусиятлари ва ўқув натижалари асосий ахборот

манбаи сифатида қаралади. Ушбу маълумотларни қайта ишлаш орқали таълим мазмунини персоналлаштириш, адаптив ўқитишни ташкил этиш ва педагогик қарорларни қўллаб-қувватлаш имконияти яратилади.

Умумлаштириш натижасида интеллектуаллаштиришнинг асосий механизми **«маълумотларни шакллантириш – интеллектуал таҳлил – таълимий қарор – мослаштириш – қайта баҳолаш»** кетма-кетлигига асосланиши аниқланди. Шу боис интеллектуал технологияларнинг педагогик қиймати уларни талабанинг индивидуал таълимий эҳтиёжларини аниқлаш ва таълим жараёнини мақсадли мослаштириш билан боғлаш даражасига бевосита боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Исомуҳамедов Б.Б. Sun’iy intellekt ta’lim tizimida // Modern Science and Research. — 2025.
2. Ламонасов Д. Sun’iy intellekt va ta’lim: imkoniyatlar va tahdidlar // Modern Science and Research. — 2025.
3. Тошпўлатова Д., Ҳошимова Н., Маъмиров М., Доноев Ш. Sun’iy intellekt va ta’lim // Journal of Universal Science Research. — 2024.
4. Miao F., Holmes W. Guidance for Generative AI in Education and Research. — Paris: UNESCO, 2023.
5. Абилова Г. Компьютерные технологии в сфере музыкального образования.
6. Абдуллаев А. Sun’iy intellekt va neyron to‘rli texnologiyalari. — Наманган, 2024. — 316 б.
7. Rybina G.V. Интеллектуальные обучающие системы.
8. UNESCO. Artificial Intelligence and Education: Guidance for Policy-makers. — Paris: UNESCO, 2021.
9. Farhood H., Nyden M., Beheshti A., et al. Artificial intelligence-based personalised learning in education: a systematic literature review. — Discover Artificial Intelligence, 2025.
10. Kerimbayev N., Adamova K., Shadiev R., et al. Intelligent educational technologies in individual learning: a systematic literature review. — Smart Learning Environments, 2025.
11. Luo J., Zheng C., Yin J., et al. Design and assessment of AI-based learning tools in higher education: a systematic review. — International Journal of Educational Technology in Higher Education, 2025.

Аннотация. Мақолада замонавий олий таълим шароитида талабаларни ўқитиш жараёнини интеллектуаллаштиришнинг назарий-методологик асослари таҳлил қилинади. Таълимни рақамлаштириш ва интеллектуаллаштириш тушунчалари ўртасидаги фарқ очиб берилиб, интеллектуал технологияларнинг талабаларнинг индивидуал таълимий эҳтиёжларини аниқлаш, ўқув натижаларини таҳлил қилиш, таълим мазмунини мослаштириш ва адаптив ўқитишни ташкил этишдаги имкониятлари ёритилади. Компьютер технологиялари, сунъий интеллект ва нейротармоқ технологияларидан фойдаланишнинг педагогик жиҳатлари умумлаштирилиб, интеллектуаллаштирилган таълим жараёнининг «маълумотларни шакллантириш – интеллектуал таҳлил – таълимий қарор – мослаштириш – қайта баҳолаш» цикли асосланади.

Калит сўзлар: таълим жараёни, интеллектуаллаштириш, талабалар, рақамли таълим, сунъий интеллект, нейротармоқ.

Аннотация. В статье рассматриваются теоретико-методологические основы интеллектуализации процесса обучения студентов в условиях современного высшего образования. Раскрывается различие между цифровизацией и интеллектуализацией образования, определяются возможности интеллектуальных технологий в выявлении индивидуальных образовательных потребностей студентов, анализе результатов обучения, адаптации содержания и организации адаптивного обучения. Обобщаются педагогические аспекты применения компьютерных технологий, искусственного интеллекта и нейросетевых технологий. Обоснован логический цикл интеллектуализированного образовательного процесса: «формирование данных – интеллектуальный анализ – образовательное решение – адаптация – повторное оценивание».

Ключевые слова: образовательный процесс, интеллектуализация, студенты, цифровое образование, искусственный интеллект, нейронная сеть.

Annotation. The article examines the theoretical and methodological foundations of intellectualizing the student learning process in modern higher education. It distinguishes between educational digitalization and intellectualization and identifies the potential of intelligent technologies for identifying students’ individual learning needs, analyzing learning outcomes, adapting educational content, and organizing adaptive learning. The pedagogical aspects of using computer technologies, artificial intelligence, and neural network technologies are summarized. The logical cycle of an intelligent learning process is substantiated as follows: “data formation – intelligent analysis – educational decision – adaptation – re-assessment”.

Key words: learning process, intellectualization, students, digital education, artificial intelligence, neural network.

ВИРТУАЛ ПЕДАГОГИК АГЕНТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ФУНКЦИОНАЛ ВА ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Yusupov D. F.

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Кириш. Замонавий олий таълим тизимида рақамли трансформация жараёни таълим мазмунини электрон шаклга ўтказиш билан чекланиб қолмасдан, талабанинг индивидуал таълимий эҳтиёжларини аниқлаш, унинг ўқув фаолиятини таҳлил қилиш ва таълим жараёнини реал натижалар асосида мослаштиришни тақозо этмоқда. Айниқса, сунъий интеллект ва нейротармоқ технологияларининг ривожланиши таълим олувчи ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш, унинг билим ва кўникмаларидаги ўзгаришларни аниқлаш ҳамда кейинги таълимий таъсирни индивидуаллаштириш имкониятларини кенгайтирмоқда [1].

Сунъий интеллектнинг олий таълимда қўлланилиши таълим жараёнини индивидуаллаштириш, ўқув натижаларини таҳлил қилиш ва таълим самарадорлигини ошириш имкониятлари билан бирга, педагогнинг роли ва инсон–сунъий интеллект муносабатларини қайта кўриб чиқиш заруратини ҳам юзага келтирмоқда [4].

Шу нуқтаи назардан виртуал педагогик агентлар таълим жараёнини интеллектуаллаштиришнинг истиқболли воситаларидан бири сифатида намоён бўлади. Педагогик агентлар таълим олувчи билан интерактив мулоқот қилиш, унга тушунтириш ва тавсия бериш, таълим натижаларини кузатиш ҳамда муайян педагогик вазифаларни автоматлаштириш имкониятига эга [2; 3].

Ўзбекистонда ҳам сунъий интеллект технологияларини таълим жараёнига интеграциялаш, педагогик таъминотни такомиллаштириш ва педагогик мулоқотни рақамли технологиялар асосида ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар кенгайиб бормоқда. Хусусан, сунъий интеллектнинг олий таълим ўқув жараёнига таъсири [1], педагогик таълимда сунъий интеллект асосида дидактик таъминотни такомиллаштириш [5] ва сунъий интеллект технологияларининг педагогик мулоқотга таъсири [7] масалалари маҳаллий тадқиқотларда ўрганилган.

Бироқ виртуал педагогик агентларнинг имкониятларини фақат технологик нуқтаи назардан эмас, балки уларнинг педагогик функциялари, талабанинг индивидуал таълимий эҳтиёжлари ва ўқитувчи–талаба муносабатларига таъсири нуқтаи назаридан комплекс ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Виртуал педагогик агент тушунчаси ва унинг таълимдаги ўрни. Виртуал педагогик агент тушунчаси сунъий интеллект, интеллектуал ўқитиш тизимлари, педагогик агентлар ва рақамли таълим технологияларининг ўзаро кесишувида шаклланган.

Виртуал педагогик агентни талабанинг ўқув фаолиятини муайян педагогик мақсадлар асосида қўллаб-қувватлаш, у билан интерактив мулоқот қилиш, ўқув материалларини тушунтириш, тавсия бериш, қайта алоқа таъминлаш ва таълим натижаларини мониторинг қилишга мўлжалланган интеллектуал дастурий компонент сифатида қараш мумкин [2]. Виртуал педагогик агентни оддий чатботдан фарқлаш муҳим. Чатбот асосан саволга жавоб бериш ёки маълум ахборотни тақдим этишга йўналтирилган бўлса, педагогик агентнинг фаолияти **таълимий мақсад ва педагогик натижа** билан боғланади.

Шу сабабли виртуал педагогик агентнинг асосий хусусияти унинг фақат мулоқот қила олишида эмас, балки мулоқотни педагогик мақсадга мувофиқ ташкил эта олишида намоён бўлади.

Унинг таълимдаги ўрнини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин: Талаба → виртуал педагогик агент → ўқув мазмуни → педагогик таъсир → қайта алоқа → таълим натижаси.

Нейротармоқ технологиялари билан интеграциялашганда эса ушбу жараён янада мураккаблашади:

Талаба → ўқув фаолияти → маълумотлар → нейротармоқ таҳлили → таълимий ҳолат → виртуал педагогик агент → индивидуал педагогик таъсир → натижа.

Виртуал педагогик агентларнинг ривожланиш хусусиятлари. Виртуал педагогик агентларнинг шаклланиши дастурлаштирилган таълим воситаларидан бошланиб, интеллектуал тьютор тизимлари, педагогик агентлар ва замонавий сунъий интеллектга асосланган мулоқотли тизимларгача ривожланиб келган. Дастлаб компьютерли таълим тизимларида ўқув материали олдиндан белгиланган алгоритм асосида тақдим этилган. Кейинчалик интеллектуал тьютор тизимлари пайдо бўлиб, талабанинг жавобларини таҳлил қилиш ва унга мос ўқув таъсирини танлаш имкониятига эга бўлди [2]. Педагогик агентларнинг кейинги ривожланиш босқичида улар тьютор, маслаҳатчи, мотиватор ва мулоқот шериги каби вазифаларни бажара бошлади. Тадқиқотлар педагогик агентларнинг талабанинг мотивацияси ва ўқув натижаларига таъсирини ҳам кўрсатган [3]. Ҳозирги босқичда нейротармоқлар ва генератив сунъий интеллект имкониятлари виртуал агентларнинг табиий тилда мулоқот қилиш, катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш, индивидуал тавсиялар бериш ва таълим мазмунини мослаштириш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Виртуал педагогик агентларнинг функционал имкониятлари. Виртуал педагогик агентнинг функционал имкониятларини унинг таълим жараёнида бажарадиган вазифалари асосида тизимлаштириш мумкин.

Диагностик функция. Агент талабанинг билим даражаси, хатолари, ўзлаштириш суръати ва муайян мавзу бўйича қийинчиликларини аниқлайди.

Ахборот-таълимий функция. Агент ўқув материалларини тақдим этади, тушунчаларни изоҳлайди, мисоллар келтиради ва талабанинг саволларига жавоб беради.

Консультатив функция. Талаба муайян вазифани бажаришда қийинчиликка дуч келганда агент унга йўналтирувчи саволлар, қўшимча тушунтиришлар ва тавсиялар беради.

Коммуникатив функция. Агент талаба билан интерактив мулоқотни ташкил этади. Талаба савол беради, жавоб олади ва қўшимча саволлар билан мурожаат қилади.

Қайта алоқа функцияси. Талабанинг топшириқ натижаларини таҳлил қилиб, хатолари ва ютуқлари ҳақида маълумот бериш орқали агент унинг кейинги ҳаракатини белгилашга ёрдам беради.

Мониторинг функцияси. Агент талабанинг ўқув фаолиятини мунтазам кузатиб, натижалар динамикасини шакллантиради.

Прогностик функция. Нейротармоқ технологиялари билан интеграциялашганда агент талабанинг мавжуд натижалари асосида кейинги ўзлаштириш ҳолатини прогноз қилиши ва мос тавсиялар бериши мумкин.

Мотивацион функция. Ўз вақтидаги қайта алоқа, индивидуал мулоқот ва натижаларни кўрсатиб бориш талабанинг ўқув фаоллигини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Виртуал педагогик агентларнинг педагогик имкониятлари. Агентнинг функционал имкониятлари унинг **нима қила олишини**, педагогик имкониятлари эса ушбу функциялардан **қандай таълимий натижа олиш мумкинлигини** белгилайди.

Индивидуаллаштириш. Талабаларнинг билим даражаси, ўзлаштириш суръати ва қийинчиликлари турлича бўлгани учун таълим мазмунини индивидуаллаштириш муҳимдир. Виртуал агент талабанинг жорий натижаларини таҳлил қилиб, унга мос ўқув материаллари ва топшириқларни таклиф қилиши мумкин.

Персоналлаштириш. Персоналлаштиришда талабанинг нафақат билим даражаси, балки унинг ўқув суръати, қизиқиши, хатолари ва фаоллик хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Шу жиҳатдан виртуал агент талабанинг ўзига хос таълимий профилини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин.

Адаптив таълим. Адаптив таълимда ўқув жараёни талабанинг жорий ҳолатига қараб ўзгариб боради. Агар талаба материални яхши ўзлаштирса, мураккаброқ топшириқ берилади. Агар ўзлаштириш паст бўлса, қўшимча тушунтириш ва такрорий машқлар тақдим этилади. Бу механизм индивидуал таълим траекториясини шакллантириш учун асос бўлади.

Мустақил таълимни қўллаб-қувватлаш. Талаба ўқитувчи иштирокисиз ҳам виртуал агентдан тушунтириш, маслаҳат ва қайта алоқа олиши мумкин. Бу талабанинг мустақил ишлаш ва ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини ривожлантириш учун муҳим.

Педагогик мулоқотни кучайтириш. Виртуал агент талабанинг саволларига тезкор жавоб бериш ва индивидуал мулоқотни таъминлаш орқали таълимий коммуникацияни кенгайтиради. Ўзбекистонлик тадқиқотларда ҳам сунъий интеллект технологияларининг педагогик мулоқотга таъсири алоҳида ўрганилмоқда [7].

Нейротармоқ технологиялари билан виртуал педагогик агентларнинг интеграцияси. Мазкур тадқиқот учун виртуал педагогик агентларнинг энг муҳим хусусияти уларнинг нейротармоқ технологиялари билан интеграциялашиш имкониятидир.

Нейротармоқ: маълумотларни таҳлил қилади; талабанинг таълимий ҳолатини баҳолайди; хатоларни аниқлайди; натижалар динамикасини белгилайди; прогноз қилади.

Виртуал педагогик агент эса ушбу таҳлил натижаларини: талабага тушунтиради; педагогик мулоқотга айлантиради; индивидуал тавсия беради; қайта алоқа таъминлайди; кейинги ўқув фаолиятини йўналтиради.

Демак: Нейротармоқ — интеллектуал таҳлил механизми, виртуал педагогик агент эса таҳлил натижаларини педагогик мулоқот ва таълимий таъсирга айлантирувчи компонентдир. Шу асосда виртуал педагогик агентларнинг ишлаш механизми қуйидаги циклни ташкил этади: Талаба → маълумот → нейротармоқ таҳлили → диагностика → педагогик қарор → виртуал агент → индивидуал таъсир → натижа → қайта таҳлил.

Талаба–виртуал педагогик агент ўзаро таъсири. Талаба ва виртуал педагогик агент ўртасидаги ўзаро таъсир оддий савол-жавоб шаклида эмас, балки динамик педагогик мулоқот шаклида ташкил этилиши лозим.

Бу жараён: савол → таҳлил → жавоб → талабанинг реакцияси → қайта таҳлил → кейинги таъсир кетма-кетлигида амалга оширилади. Шунда агент талабанинг ҳар бир кейинги ҳаракатини олдинги натижалар билан боғлаган ҳолда таълимий таъсирни ўзгартириб боради. Бу эса виртуал педагогик агентни статик ахборот манбаидан адаптив педагогик воситага айлантиради.

Ўқитувчи–талаба–виртуал педагогик агент ҳамкорлиги. Виртуал педагогик агентни ўқитувчининг ўрнини босувчи восита сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас.

Ўқитувчи: таълим мақсадларини белгилайди; педагогик стратегияни ишлаб чиқади; мураккаб педагогик қарорларни қабул қилади; тарбиявий таъсирни бошқаради.

Виртуал агент эса: диагностика; мониторинг; маълумотларни таҳлил қилиш; индивидуал тавсия; қайта алоқа; мулоқотни қўллаб-қувватлаш вазифаларини бажаради.

Шу асосда: Ўқитувчи ↔ Виртуал педагогик агент ↔ Талаба уч томонлама педагогик ҳамкорлик модели шаклланади. Бу модель инсон ва сунъий интеллект имкониятларини қарама-қарши қўйиш эмас, балки уларни ўзаро тўлдирувчи механизм сифатида ташкил этишни назарда тутади.

Виртуал педагогик агентларнинг функционал ва педагогик имкониятларини умумлаштириш

Функционал имконият	**Агент фаолияти**	**Педагогик натижа**
Диагностика	Талабанинг ҳолатини аниқлаш	Индивидуал ёндашув
Таҳлил	Билим ва хатоларни таҳлил қилиш	Педагогик қарор
Консультация	Тушунтириш ва тавсия бериш	Ўзлаштиришни қўллаб-қувватлаш
Мулоқот	Интерактив савол-жавоб	Таълимий ҳамкорлик
Қайта алоқа	Натижани изоҳлаш	Ўз-ўзини назорат
Адаптация	Мазмунни мослаштириш	Адаптив таълим
Мониторинг	Ўқув динамикасини кузатиш	Таълим натижаларини баҳолаш
Прогнозлаш	Кейинги натижани баҳолаш	Индивидуал траектория
Мотивация	Қўллаб-қувватлаш	Ўқув фаоллигини ошириш

Жадвалдан кўринадики, виртуал педагогик агентнинг ҳар бир функционал имконияти муайян педагогик натижа билан боғланади. Демак, агентни лойиҳалашда функциялар сони эмас, балки уларнинг **педагогик мақсадга мувофиқлиги, ўзаро боғлиқлиги ва таълим натижасига таъсири** асосий мезон бўлиши лозим.

Муаллифлик ёндашуви. Таҳлиллар асосида мазкур тадқиқотда виртуал педагогик агентга қуйидаги муаллифлик таърифи таклиф этилади:

Виртуал педагогик агент — нейротармоқ ва сунъий интеллект технологиялари асосида талабанинг таълимий ҳолатини таҳлил қилиш, у билан мақсадли педагогик мулоқотни ташкил этиш, индивидуал таълимий эҳтиёжларига мос тавсия ва қайта алоқа бериш, таълим мазмунини адаптация қилиш ҳамда ўқув натижаларини мониторинг қилишни таъминловчи интеллектуал педагогик компонентдир.

Ушбу таърифда учта асосий компонент бирлаштирилади:

интеллектуал компонент — маълумотларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш;

коммуникатив компонент — талаба билан интерактив мулоқот;

педагогик компонент — индивидуаллаштириш, адаптация ва педагогик қўллаб-қувватлаш.

Мазкур уч компонентнинг бирлиги виртуал педагогик агентни оддий рақамли ёрдамчи ва чатботлардан фарқловчи асосий белгидир.

Хулоса. Виртуал педагогик агентларнинг таълим жараёнидаги функционал ва педагогик имкониятларини таҳлил қилиш натижасида уларни замонавий интеллектуал таълим муҳитининг муҳим компонентларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Виртуал педагогик агентларнинг диагностик, ахборот-таълимий, консультатив, коммуникатив, адаптив, қайта алоқа, мотивацион ва мониторинг функциялари ўзаро интеграциялашганда талабанинг индивидуал таълимий эҳтиёжларини ҳисобга олиш имконияти кенгаяди. Айниқса, нейротармоқ технологиялари билан интеграциялашув виртуал педагогик агентларнинг имкониятларини янги сифат босқичига олиб чиқади. Бунда нейротармоқ талабанинг ўқув фаолияти ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилса, виртуал педагогик агент ушбу таҳлил натижаларини педагогик мулоқот ва индивидуал таълимий таъсирга айлантиради. Шу нуқтаи назардан виртуал педагогик агентни талаба–нейротармоқ–ўқитувчи ўртасидаги интеллектуал-педагогик боғловчи компонент сифатида қараш мумкин. Бироқ унинг самарадорлиги автоматик равишда таъминланмайди. Агентнинг педагогик мақсади, мазмуни, мулоқот алгоритми, таълим муҳитига интеграцияси ва ўқитувчи билан ўзаро ҳамкорлик механизми олдиндан илмий-методик жиҳатдан асосланиши лозим. Демак, бу мавзуда аниқланган функционал ва педагогик имкониятлар кейинги босқичда виртуал педагогик агентларни таълим жараёнига самарали интеграциялашнинг педагогик, технологик ва ташкилий шарт-шароитларини белгилаш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Зарипов Л.Р.** Сунъий интеллектнинг олий таълимда ўқув жараёнига таъсири // *Таълимда истиқболли изланишлар халқаро илмий-методик журнали*. — 2026. — №7, 2-қисм. — Б. 192–199.
2. **Woolf B.P.** Building Intelligent Interactive Tutors: Student-Centered Strategies for Revolutionizing E-Learning. — Burlington: Morgan Kaufmann, 2009.
3. **Heidig S., Clarebout G.** Do pedagogical agents make a difference to student motivation and learning? // *Educational Research Review*. — 2011. — Vol. 6, No. 1. — P. 27–54.
4. **Zawacki-Richter O., Marín V.I., Bond M., Gouverneur F.** Systematic review of research on artificial intelligence applications in higher education – where are the educators? // *International Journal of Educational Technology in Higher Education*. — 2019. — Vol. 16. — Article 39.
5. **Боймирзаева Ш.О.** Pedagogik ta’lim jarayonida sun’iy intellekt asosida didaktik ta’minotni takomillashtirish metodikasi // *Qo‘qon DPI. Ilmiy xabarlar jurnali*. — 2026. — 8(4). — Б. 1021–1030.
6. **Абдураҳимова Ж.** Sun’iy intellektni pedagogik ta’limga integratsiya qilish: muammo va yechimlar // *Universal xalqaro ilmiy jurnal*. — 2025. — Б. 745–747.
7. **Мамажонов А.А.** Sun’iy intellekt texnologiyalarining pedagogik muloqotga ta’siri // *Ta’lim va taraqqiyot* ilmiy-uslubiy jurnali. — 2026. — №3.

Аннотация. Мазкур мақолада замонавий олий таълим шароитида виртуал педагогик агентларнинг функционал ва педагогик имкониятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, нейротармоқ технологиялари билан интеграциялашган виртуал педагогик агентларнинг талабанинг индивидуал таълимий ҳолатини аниқлаш, ўқув мазмунини мослаштириш, индивидуал таълим траекториясини шакллантириш ва мустақил таълимни қўллаб-қувватлаш имкониятлари асосланган.

Калит сўзлар: виртуал педагогик агент, сунъий интеллект, нейротармоқ технологиялари, интеллектуал таълим.

Аннотация. В статье анализируются функциональные и педагогические возможности виртуальных педагогических агентов в условиях современного высшего образования. Обоснованы возможности виртуальных педагогических агентов, интегрированных с нейросетевыми технологиями, по определению индивидуального образовательного состояния студента, адаптации учебного содержания, формированию индивидуальной образовательной траектории и поддержке самостоятельного обучения.

Ключевые слова: виртуальный педагогический агент, искусственный интеллект, нейросетевые технологии, интеллектуальное обучение.

Abstract. This article analyzes the functional and pedagogical capabilities of virtual pedagogical agents in modern higher education. The study substantiates the potential of virtual pedagogical agents integrated with neural network technologies to identify students’ individual educational states, adapt learning content, develop individual learning trajectories, and support independent learning.

Key words: virtual pedagogical agent, artificial intelligence, neural network technologies, intelligent learning.

OQÍTÍW PROCESSINDE STUDENTLERDIŃ KÁSIPLIK KOMPETENCIYALARÍN QÁLIPLESTIRIW TIYKARLARÍ

Djumanova Z.K.

Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Kirisiw. Búgingi kúnde joqarı oqıw orınları aldında turǵan wazıyalardan biri - erkin pikirley alatuǵın, kásiplik xızmetinde ilimiy jandasıwlardan paydalanıw hám mashqalalı jaǵdaylarǵa sheshim taba alıw qábiyletine iye bolǵan qánigelerdi tayarlawdan ibarat. Bul wazıypanı ámelge asırıwda tálim processine zamanagóy pedagogikalıq texnologiyalar hám aktiv oqıtıw metodların endiriw úlken áhmiyetke iye.

Tábiyǵıy pánler qatarında analitikalıq ximiya páni hám studentlerden tereń teoriyalıq bilimeler menen bir qatarda ámeliy hám izertlewshilik kónikpelerin talap qıladı. Sebebi, bul pán zatlardıń sıpat hám muǵdar quramın anıqlaw usılların úyreniw menen baylanıslı bolıp, bunda studentler ximiyalıq reakciyalar mánisin túsiniw, analiz usılların tańlaw, tájiriybe nátiyjelerin bahalaw hám juwmaq shıǵarıw sıyaqlı kompetenciyalardı iyeleydi.

Tradiciyalıq tálim usıllarında kóp jaǵdayda oqıtıwshı tiykarǵı maǵlıwmat deregi sıpatında bolıp, studentler tayar bilimlerdi qábıl qılıwshı wazıypasın atqaradı. Biraq zamanagóy konstruktivlik hám studentke baǵdarlanǵan tálim

jandasıwlarında student tálim processiniń aktiv qatnasıwshısı sıpatında qaraladı. Bunday jandasıwda bilim studentke tayar halda berilmeydi, al ol jańa bilimlerdi aldıńǵı bilimleri menen baylanıstırıp, óz betinshe izleniw, analiz qılıw hám ámeliyatta qollanıw arqalı ózlestiredi [1]. Ximiya táliminde aktiv oqıtıw hám studentke baǵdarlanǵan jandasıwlardan paydalanıw studentlerdiń pánge qızıǵıwshılıǵın arttırıw, teoriyalıq bilimlerdi ámeliyat penen baylanıstırıw, óz betinshe pikirlew hám izertlewshilik kónlikpelerin rawajlandırıwǵa múmkinshilik beredi. Ximiyanı oqıtıw metodikasında bunday jandasıwlar studentlerdiń bilimdi tek tayar halda qábıl etiwine emes, al onı túsiniw, dálillew, ámeliy máselelerdi sheshiw hám alınǵan bilimlerdi jańa jaǵdaylarda qollanıwına baǵdarlanadı [2].

Tábiyǵıy pánlerdi oqıtıwda aktiv tálim modellerinen biri sıpatında R. Baybi tárepinen islep shıǵılǵan 5E modeli keń tarqalǵan. Bul model (Engage, Explore, Explain, Elaborate, Evaluate) studentlerdiń temaǵa qızıǵıwshılıǵın qáliplestiriw, erkin pikirlew, ilimiy túsiniklerdi ózlestiriw hám bilimlerdi ámeliyatta qollaw sıyaqlı processlerdi óz ishine alǵan [1, 3]. 3C+1E modeli studentlerdiń izertlewshilik hám ilimiy analiz qılıw kónikpelerin qáliplestiriwge járdem beretuǵın zamanagóy jandasıwlardan biri sıpatında xızmet qıladı. Bul baǵdarda, 3C+1E modeli tiykarında bolajaq fizika oqıtıwshılarınıń kásiplik kompetenciyaların rawajlandırıw metodikası islep shıǵılǵan bolıp, bul modeldiń zamanagóy tálimde kásiplik kompetenciyalardı rawajlandırıwdaǵı imkaniyatların kórsetedi [4].

Sonlıqtan, bunday jandasıwdı analitikalıq ximiya pánin oqıtıwǵa beyimlestiriw studentlerdiń teoriyalıq bilimlerin ámeliy kónikpeler menen baylanıstırıwǵa hám kásiplik kompetenciyaların qáliplestiriwge múmkinshilik beredi. Ásirese, analitikalıq ximiya pániniń laboratoriya baǵdarı studentlerdiń teoriyalıq bilimlerin ámeliy xızmet penen baylanıstırıw, izertlewshilik hám analiz qılıw kónikpelerin rawajlandırıw ushın keń imkaniyatlar jaratadı.

3C+1E modeliniń analitikalıq ximiya pánin oqıtıwdaǵı teoriyalıq tiykarları hám basqıshları tálim processin aktivlestiriwge qaratılǵan jandasıwlardıń teoriyalıq tiykarı konstruktiv tálim teoriyası menen baylanıslı. Konstruktiv jandasıwǵa kóre, tálim alıwshı bilimdi tayar maǵlıwmat sıpatında qabıl qılmastan, óziniń dáslepki bilimi, tájiriybesi, logikalıq pikirlewi hám ámeliy kónikpeleri tiykarında qáliplestiredi. Sol sebepli, zamanagóy pedagogikalıq texnologiyalarda mashqalalı jaǵdaylar, izertlewlerge tiykarlanǵan tapsırmalar hám ámeliy kónikpelerine itibar qaratıladı [2]. Ximiya tálimi tarawında alıp barılǵan izertlewler sonı kórsetedi, laboratoriya jumısları studentlerdiń ilimiy pikirlewin rawajlandırıwda úlken áhmiyetke iye. Laboratoriya jumısları tek ǵana ámeliy kónikpelerdi qáliplestirip qoymastan, studentlerde ilimiy sawal beriw, tájiriybe nátiyjelerin analiz qılıw hám dálillerge tiykarlanǵan juwmaq shıǵarıw qábiletin de rawajlandıradı [1, 5]. Sonday aq, alımlar ximiyanı oqıtıw processinde studentlerdiń ximiyalıq túsiniklerdi qabıl qılıw qásiyetlerin analiz qılıp, ximiyalıq bilimlerdi ózlestiriwde tiykarǵı - makroskopiyalıq, submikroskopiyalıq hám simvollıq dárejeler ortasındaǵı baylanıslardı támiyinlew áhmiyetliligin kórsetken [6]. Bul jandasıw analitikalıq ximiya pánin oqıtıwda hám áhmiyetke iye, sebebi studentler ximiyalıq reakciyalar, analitikalıq belgiler hám esaplawlardı bir pútin sistema sıpatında qarawı kerek. Analitikalıq ximiya tarawındaǵı zamanagóy sabaqlıq hám ilimiy dereklerde hám tálim processinde teoriyalıq bilimlerdi ámeliy xızmet penen uyǵınlastırıw zárúrligi aytıp ótilgen. P. Atkins hám L. Jons ximiyalıq principlerdi úyreniwde studentlerde logikalıq analiz qılıw hám túsinikler ortasında baylanıs ornatıw qábiletin rawajlandırıw áhmiyetli ekenligin kórsetip ótedi [7].

D. Skoog, F. Xoller hám S. Krauch tárepinen keltirilgen instrumental analiz usıllarına tiyisli izertlewlerde zamanagóy ximiya qánigeleri ushın tek ǵana ásbaplar menen islew, bálki, alınǵan maǵlıwmatlardı analiz qılıw hám ilimiy tiykarlanǵan qararlar qabıl qılıw kónikpeleri zárúrligi kórsetilgen [8]. Solay eken, sońǵı jıllarda tálim processinde studentlerdiń belsendiligin arttırıwǵa hám izertlewshilik xızmetin rawajlandırıwǵa baǵdarlanǵan aktiv tálim jandasıwlarına itibar berilmekte. Bunday itabar studentlerdi tayar bilimlerdi qabıl qılıwshı emes, bálkim erkin izleniwsih hám jaratıwshı shaxs sıpatında qáliplestiredi [9-10]. Demek, analitikalıq ximiya pánin oqıtıwda aktiv tálim modellerinen paydalanIw studentlerdiń teoriyalıq bilimlerin tereńlestiriw, laboratoriya jumısların mazmunlı shólkemlestiriw hám ámeliy kónikpelerdi rawajlandırıw ushın nátiyjeli metodikalıq tiykar bolıp xızmet qıladı.

Analitikalıq ximiya páni teoriyalıq túsinikler hám laboratoriya ámeliyatınıń óz ara baylanıslıǵın talap qılǵanlıǵı ushın bunday jandasıwlar pánniń qásiyetlerine tuwra keledi. Máselen, titrimetriyalıq analiz, sıpat analizi yaki instrumental analiz usılları temaların úyreniwde studentler tek ǵana formula hám reakciyalardı ózlestiriwi, bálkim olardıń ámeliy áhmiyetin hám biliwi kerek. Sol sebepli 3C+1E modeliniń analitikalıq ximiya pánin oqıtıwdaǵı teoriyalıq hám metodikalıq imkaniyatların tiykarlaw hámde onı ámeliy sabaqlardı shólkemlestiriwde qollaw boyınsa usınıslar islep shıǵıw talap etiledi.

3C+1E modelin qollawda oqıtıwshıdan sabaqtıń maqseti, studentlerdiń tayarlıq dárejesi hám tema qásiyetlerin esapqa alǵan halda metodikalıq jandasıwdı tuwrı tańlaw talap etiledi. Model tayar algoritm sıpatında emes, bálkim tálim processin nátiyjeli shólkemlestiriw quralı sıpatında qaralıwı kerek.

Modeldiń birinshi basqıshı (*Connection – Baylanıstırıw*) - temaǵa qızıǵıwdı asırıw hám dáslepki bilimlerin jańa túsinikler menen baylanıstırıw imkanın beredi [1]. Analitikalıq ximiyada mashqalalı sawallardan paydalanıw studentlerdi temanıń ámeliy áhmiyeti haqqında pikir júritiwge shaqıradı. Máselen, “Kislota-tiykarlı titrlew usılı” temasın úyreniwde aldın studentlerge “Azıq-awqat ónimleri quramındaǵı kislotalılıq dárejesi qanday anıqlanadı?” sawalı beriliwi múmkin. Bul sawal arqalı studentler kúndelikli turmısta ushıraytuǵın ónimlerdiń sıpatı hám olardı qadaǵalaw processinde analitikalıq ximiyanıń áhmiyeti haqqında pikir júritedi. Bul basqıshta oqıtıwshı tayar maǵlıwmat bermeydi, bálkim studentlerdi bar bolǵan bilimleri tirkarında jańa túsiniklerdi izlewge jóneltiredi.

Ekinshi basqısh (*Concept – Túsinik*) studentlerdiń pánge tiyisli bolǵan ilimiy túsiniklerdi ózlestiriwine hám olardıń teoriyalıq tiykarların ańlawına baǵdarlanadı. Bul jerde oqıtıwshınıń wazıypası tayar maǵlıwmattı jetkeriw emes, bálkim studentlerge túsinikler arasındaǵı logikalıq baylanıstı ańlawǵa járdem beriwden ibarat. Bul processte: Analiz usıllarınıń teoriyaliq tiykarları; Ximiyalıq reakciyalar mexanizmi; Esaplaw formulaları; Analitikalıq belgiler sıyaqlı túsiniklerdi qáliplestiredi.

Máselen, kislota-tiykarlı titrlew temasında tiykarınan neytrallanıw reakciyası túsindiriledi:

$$HCl + NaOH \rightarrow NaCl + H_2O$$

Studentler bul reakciyanı yadlaw menen sheklenip qalmastan, oniń analitikalıq áhmiyetn analiz qıladı, yaǵnıy:

- Reakciya qaysı nızamlıq tiykarında boladı?
- Ekvivalent tochka qanday anıqlanadı?
- Indikatordıń wazıypası neledren ibarat? hám t.b.

Bunday sawallar studentlerde ximiyalıq processlerdiń mazmunın túsiniw hám sebep-aqıbet baylanısların ańlaw imkanın beredi.

Úshinshi basqısh (*Consolidation – Sistemalastırıw*) alǵan bilimlerdi sistemalastırıw (yaki ulıwmalastırıw) hám jańa bilimlerdi dáslepki temalar menen baylanıstırıwǵa xızmet qıladı. Analitikalıq ximiyada temalar bir-biri menen baylanıslı bolǵanlıǵı sebepli bilimlerdi integraciya qılıw úlken áhmiyetke iye. Máselen, titrimetriyalıq analiz usılların úyreniwde studentler: koncentraciya; zat muǵdarı; molyar massa; stexiometrik esaplawlar sıyaqlı dáslepki bilimlerinen paydalanadı. Sonday aq, túrli titrlew usılları: kislota-tiykarlı titrlew; oksidleniw-qaytarılıw titrlew; kompleksonometritalıq titrlew ortasındaǵı uqsaslıq hám parıqlar analiz qılınadı. Bul process studentlerde sistemalı pikirlew hám túrli bilim elementleri ortasında baylanıstı ornatıw qábiletin rawajlandıradı.

Tórtinshi basqısh (*Exploration - Úyreniw*) - studentlerdi óz betinshe izertlew jumısların alıp barıwǵa baǵdarlaydı. Laboratoriya sabaǵında mashqalalı tapsırmalardan paydalanıw studentlerdiń tájiriybe ótkeriwdi rejelestiriw, kerekli usıl hám qurallardı tańlaw, nátiyjelerdi analiz qılıw hám olardıń isenimliligi haqqında juwmaq shıǵarıw kónikpelerin rawajlandıradı. Analitikalıq ximiya laboratoriya sabaqlarında bul basqısh ayrıqsha áhmiyetke iye, sebebi pánniń ámeliy mazmunı tájiriybe ótkeriw, gúzetiw, alınǵan nátiyjelerdi analizlew hám olardı ilimiy túrde túsindiriw processleri menen tıǵız baylanıslı. Mısalı, studentlerge: «Berilgen sirke úlgisindegi sirke kislota konsentraciyasın titrimetrikalıq usıl járdeminde anıqlań» degen ámeliy másele beriledi.

Bul tapsırmanı orınlaw barısında studentler: analiz ushın tiyisli usıldı óz betinshe tańlaydı; kerekli reaktivler hám laboratoriyalıq ásbaplardı belgileydi; tájiriybe ótkeriw rejesin dúzedi; titrlew processin belgilenǵen metodikaǵa muwapıq ámelge asıradı; alınǵan maǵlıwmatlar tiykarında esaplaw jumısların orınlaydı; alınǵan nátiyjelerdi analiz etip, olardıń isenimliligi haqqında juwmaq shıǵaradı. Bunda studentler tayar algoritmdi orınlawshı emes, bálkim analiz processin rejelestire alatuǵın hám ilimiy qarar qabıl qılatuǵın qánige sıpatında qáliplesedi.

Analitikalıq ximiya pániniń ózine tán qásiyetlerin esapqa alǵan halda bul moduldi tómendegi baǵdarlarda nátiyjeli qollanıw múmkin:

- sıpat analizinde – belgisiz zat quramın anıqlaw mashqalaları arqalı;
- muǵdar analizinde - esaplaw hám analiz qılıw tapsırmaları arqalı;
- titrimetriyalıq usıllarda - laboratoriya izertlewleri arqalı;
- instrumental analizde - ásbaplar islew principlerin úyreniw arqalı.

Demek, 3C+1E modeli analitikalıq ximiya táliminde teoriyalıq bilimlerdi ámeliy jumıslar menen baylanıstırıw, studentlerdiń erkin pikirlewin rawajlandırıw hám kásiplik kompetenciyaların qáliplestiriw ushın nátiyjeli metodikalıq tiykar bolıp xızmet qıladı.

Juwmaqlap aytqanda, analitikalıq ximiya pánin oqıtıw processinde 3C+1E modelinen paydalanıw tálim processin aktivlestiriw hám studentlerdiń kásiplik kompetenciyaların qáliplestiriw ushın teoriyalıq hám metodikalıq imkaniyatların keńeytiredi. Studentlerdiń bilim alıw processin basqıshpa-basqısh shólkemlestiriwge tiykarlanǵan bolıp, bunda qızıǵıwshılıqtı oyatıw, ilimiy túsiniklerdi qáliplestiriw, bilimlerdi bekkemlew hám ámeliy izertlew jumıslarına baǵdarlawshı áhmiyetli pedagogikalıq wazıypalar ámelge asırıladı.

Analitikalıq ximiya pániniń mazmunınan kelip shıǵıp: teoriyalıq bilimlerdi ámeliy jumıslar menen baylanıstırıw; laboratoriya sabaqlarınıń nátiyjeliligin asırıw; studentlerdiń analitikalıq hám logikalıq pikirlewin rawajlandırıw; erkin izertleniwsheńlik kónikpelerin qáliplestiriw; kásiplik kompetenciyaların rawajlandırıw ushın metodikalıq jandasıw sıpatında xızmet qılıwı múmkin. Solay etip, 3C+1E modeli tiykarında shólkemlestirilgen analitikalıq ximiya sabaqları studentti tayar bilimlerdi qabıl qılıwshı emes, bálkim bilimdi erkin izlewshi, analiz qılıwshı hám ámeliyatta qollay alatuǵın qánige sıpatında qáliplesiwine járdem beredi.

ÁDEBIYALAR

1. Bodner G.M. Constructivism: A Theory of Knowledge // Journal of Chemical Education. – 1986. – Vol. 63. – No. 10. – P. 873–878. https://doi.org/10.1021/ed063p873
2. Bybee R.W. *The BSCS 5E Instructional Model: Creating Teachable Moments.* – Arlington, Virginia: NSTA Press, 2015. – 126 p.
3. Ishmuxamedov R.J., Yoldoshev M., Usmonov A.Z. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2017. – 320 b.
4. Soliyeva N.A. Metodika razvitiya professionalnyx kompetensiy budushchix uchiteley fiziki na osnove modeli 3C+1E // *Pedagogik akmeologiya*. – 2026. – Tom 6. – № 35.
5. Hofstein A., Lunetta V.N. The Laboratory in Science Education: Foundations for the Twenty-First Century // *Science Education.* – 2004. – Vol. 88. – No. 1. – P. 28–54. https://doi.org/10.1002/sce.10106
6. Johnstone A.H. Teaching of Chemistry – Logical or Psychological? // *Chemistry Education Research and Practice.* – 2000. – Vol. 1. – No. 1. – P. 9–15. https://doi.org/10.1039/A9RP90001B
7. Atkins P., Jones L. *Chemical Principles: The Quest for Insight.* – 6th ed. – New York: W. H. Freeman and Company, 2013.
8. Skoog D.A., Holler F.J., Crouch S.R. *Principles of Instrumental Analysis.* – 7th ed. – Boston: Cengage Learning, 2018. – 992 p.
9. Prince M. Does Active Learning Work? A Review of the Research // *Journal of Engineering Education.* – 2004. – Vol. 93. – No. 3. – P. 223–231. https://doi.org/10.1002/j.2168-9830.2004.tb00809.x

10. Freeman S., Eddy S.L., McDonough M. et al. Active Learning Increases Student Performance in Science, Engineering, and Mathematics // *Proceedings of the National Academy of Sciences*. – 2014. – Vol. 111. – No. 23. – P. 8410–8415. https://doi.org/10.1073/pnas.1319030111

Annotaciya. Maqalada joqarı oqıw orınlarında analitikalıq ximiya pánin nátiyjeli oqıtıw processinde studentlerdiń kásiplik kompetenciyaların qáliplestiriwde zamanagóy pedagogikalıq jandasıwlardan paydalanıwdıń teoriyalıq tiykarları jarıtılǵan. Tálim processindegi 3C+1E modeliniń mánis-mazmını, onıń analitikalıq ximiya pánin oqıtıwda qollaw imkaniyatları teoriyalıq tárepten analiz qılınǵan. Bul model tiykarında studentlerdiń biliw xızmetin basqıshpa-basqısh shólkemlestiriw, teoriyalıq bilimlerdi ámeliy kónikpeler menen baylanıstırıw hám izertlewshilik kompetenciyaların rawajlandırıw imkaniyatları ashıp berilgen.

Tayanısh sózler: analitikalıq ximiya, 3C+1E modeli, innovacion tálim, pedagogikalıq texnologiya, ximiya tálimi.

Аннотация. В статье освещены теоретические основы использования современных педагогических подходов в формировании профессиональных компетенций студентов в процессе эффективного обучения аналитической химии в высших учебных заведениях. Теоретически проанализирована суть и содержание модели 3C+1E в образовательном процессе, а также возможности ее применения при обучении аналитической химии. На основе данной модели раскрыты возможности поэтапной организации познавательной деятельности студентов, интеграции теоретических знаний с практическими навыками и развития исследовательских компетенций.

Ключевые слова: аналитическая химия, модель 3C+1E, методика обучения химии, педагогическая технология.

Abstract. The article highlights the theoretical foundations of using modern pedagogical approaches in developing students' professional competencies within the process of effective teaching of analytical chemistry in higher education institutions. The essence and content of the 3C+1E model in the educational process, as well as the possibilities of its application in teaching analytical chemistry, are theoretically analyzed. Based on this model, the opportunities for the step-by-step organization of students' cognitive activity, linking theoretical knowledge with practical skills, and developing research competencies are revealed.

Key words: analytical chemistry, 3C+1E model, chemistry education, innovative pedagogy, active learning.

TIBBIYOT GEOGRAFIYASINI O‘QITISHDA GEOGRAFIYA MAGISTRLARINING RAQAMLI STATISTIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH METODIKASI

Abatova A.

Qoraqalpoq davlat universiteti tayanch doktoranti

Kirish. Aholi salomatligi jamiyat hayoti, tabiiy muhit va tibbiy xizmatning hududiy tashkil etilishi bilan bog‘liq murakkab geografik hodisadir. Hududlar o‘rtasidagi farqni anglashda kasallanish qiymatlarini ko‘rishning o‘zi yetmaydi: ko‘rsatkich qanday hisoblangani, nimani ifodalashi va qaysi omillar bilan bog‘liq bo‘lishi mumkinligi ham muhokama qilinishi kerak. Tibbiyot geografiyasi mazmunini global salomatlik, aholi va hududiy jarayonlar bilan bog‘lab o‘rganish uchun Komilovaning darsligi hamda ijtimoiy geografiya bo‘yicha Soliyev va hammualliflarining asari muhim nazariy tayanch bo‘la oladi [1; 2].

Geografiya magistrlari uchun raqamli vositalar bilan ishlash kasbiy tadqiqotning tarkibiy qismidir. Statistik jadvalni tozalash, nisbiy ko‘rsatkichni hisoblash, vaqt va makonda taqqoslash, xaritada tasvirlash hamda dalillangan xulosa chiqarish bir-biridan ajratilmaydi. Statistik ma’lumotlardan geografiya ta’limida foydalanish metodikasi Djumabayeva tadqiqotida, geografiya o‘qituvchilarini statistik usullarga tayyorlash masalasi Sinitsin ishida maxsus o‘rganilgan [3; 4]. Mazkur ishlarning predmetiga mos ravishda ushbu maqolada aynan tibbiy-geografik ma’lumotni o‘quv-tadqiqot vazifasiga aylantirish yoritiladi. Tadqiqot maqsadi “Tibbiyot geografiyasi” fanida geografiya magistrlarining raqamli statistik kompetentligini rivojlantirishga qaratilgan o‘qitish mazmuni, shakllari, metodlari, vositalari va baholash mezonlarini bir tizimda bayon etishdir. Maqolaning vazifalari fan mazmunidagi statistika bilan ishlash imkoniyatlarini aniqlash, amaliy mashg‘ulotning bosqichlarini belgilash, taqdim etilgan jadval asosida hisoblash namunasini ko‘rsatish hamda talqin chegaralarini asoslashdan iborat.

Ключевые слова: коррупция, должностное лицо, преступление, злоупотребление властью, признаки коррупции.

МИЛЛИЙ МӘМЛЕКЕТШИЛИК ТАРИЙХЫНДА МҮРӘЖАТЛАР ҲӘМ ЖӘМИЙЕТЛИК ҚАДАҒАЛАЎ: ТЕМУРИЙЛЕРДЕН ЖАДИДЛЕРГЕ ШЕКЕМ

Исабаев А.Т.

Конституциялық суд, конституциялық нызамшылықты таллау бөлими бас консультанты, PhD

Заманагөй ҳуқықый мәмлекетшилик ҳәм күшли пуқаралық жәмийетин қурыўда пуқаралардың мәмлекет органларына мүрәжат етиў ҳуқықы ҳәм олардың үстинен орнатылатуғын жәмийетлик қадағалаў механизмлери ең әҳмийетли институтлардың бири болып есапланады. Өзбекистан Президенти Шавкат Мирзиёев атап өткениндей, “Мәмлекетти басқарыў системасында ашықлық ҳәм жәмийетшилик қадағалаўы күшеймесе, биз коррупция ҳәм бюрократияны жеңе алмаймыз. Халық өз даўысы ҳәм арзы мәмлекет органлары тәрепинен есситилип атырғанын сезиўи керек”. [1] Бул принцип тарийхый бослықта пайда болған емес — миллий мәмлекетшилигимиздиң тарийхындағы көп әсирлик изленислердиң нызамлы даўамы болып табылады.

Елимизде әмелге асырылып атырған бул әдил сиясаттың дәслепки тарийхый-ҳуқықый тамырлары Әмир Темур ҳәм Темурийлер дәўириндеги “Тузиклер”ге барып тирелсе, [2] кейин Бухара әмирлиги, Хийуа ҳәм Қоқан ханлықларындағы “Арызбеги” институты түринде институционалласты, [3, 4] XX әсир басына келип болса жәдидлердиң сиясий-ҳуқықый бағдарламаларында конституциялық модернизация қылынды.

Атап айтқанда, Б.Ахмедов “Темур Тузиклери”ниң дереклик таллаўына арналған монографиясында Тузиклердиң мәмлекетти басқарыў механизмлери сыпатындағы әҳмийетин ашып берген. [11, б. 87–95] Алым Б.Т.Мусаев Өзбекистан ҳәкимшилик ҳуқықы тарийхына арналған изленисинде ханлықлар дәўириндеги басқарыў аппаратын институционаллық тәрептен таллаған. [7, б. 120–134] Алым Н.Маҳмудов болса жәдидшилик ҳәрекетиниң мәмлекетлик-ҳуқықый идеялары ҳәм олардың ҳәзирги заман конституциялық ҳуқықы менен байланысын үйренген. [9, б. 55–80; 10, б. 45–52] Үш тарийхый дәўирди бирлестирген салыстырмалы-ҳуқықый синтез болса ҳәзирге шекем толық үйренилмеген — усы мақала тап усы бослықты толтырыўға қаратылған.

“Темур Тузиклери”нде мүрәжатлар системасының ҳуқықый негизлери. Орайластырылған Темурийлер мәмлекетинде пуқаралардың мәмлекетти басқарыўға деген исениими “Темур Тузиклери” арқалы ҳуқықый тәрептен мустәҳкамланған. [2, 35-тузук] Әмир Темур “Күш — әдалаттадур” деген мәмлекетлик принципин тиккелей пуқаралардың арза ҳәм шағымларын тыңлаў системасы арқалы турмысқа енгизген.

Ҳуқықый-доктриналлық тәрептен “Темур Тузиклери”ндеги мүрәжатлар системасы монархлық ықтыйар ҳуқықы шеңберинде қәлиплестирилген еди: пуқараның арз етиў мүмкиншилиги ҳүкимдардың жоқары ерки тийкарында пайда болады, ол субъектив ҳуқық дәрежесине ийе емес, бәлки ҳәким әдалат миннетиниң сәўлеси сыпатында әмел ететуғын еди. [11, б. 88] Усы нызам тийкарында қарағанда, бул система заманагөй ҳәкимшилик ҳуқықындағы “ҳуқықый талап” концепциясынан түптен парық қылады.

“Темур Тузиклери”н ҳуқықый теориялық көз қарастан таллағанда, мүрәжатлар менен жумыс алып барыўдың төмендеги механизмлери ажыралып турады:

1. Туўра ҳәм ашық мүрәжат етиў ҳуқықы: мәмлекет ҳәмелдарлары яки әскерлер тәрепинен зулым көрген ҳәр қандай пуқара тиккелей ҳүкимдарға арыз етиў ҳуқықына ийе еди. Бул ҳуқық лаўазымға қарамастан әмел етип, мәмлекеттиң халық пенен туўрыдан-туўры байланыс қағыйдасын беккемледи. [2, 56-тузук; 11, б. 90]

2. Арнаўлы қадағалаўшылар институты: арза ҳәм шикаятларды қабыл етиў, жергиликли ҳәкимлер үстинен жәмийетлик қадағалаўды орнатыў мақсетинде “хабарнавис” (хабар жазыўшылар, қадағалаўшылар) тайынланған. [2, 57-тузук] Олар халық арасында жүрип, ҳҳәмелдарлардың нызамға қарсы ис-ҳәрекетлери ҳаққында орайлық деуанға есабат берген. [11, б. 92].

3. Жуўапкершиликтиң сөзсизлиги принципи: егер қандай да бир ҳәмелдар пуқараның мүрәжатын итибарсыз қалдырса яки оған қарата зулым етсе, ол лаўазымынан шетлетилген ҳәм жазаланған. Бул принцип мүрәжатлар системасына ҳуқықый миннетлилик қәсийетин берген. [2, 42-тузук].

Ханлықлар дәўиринде “арызбеги” институтының ҳуқықый мазмуны ҳәм шеклеўлери. Кейинги дәўир өзбек ханлықларында мәмлекетти басқарыў аппараты тағы да бюрократияласты. Соның нәтийжесинде халықтың арза, шикаятлары ҳәм мүрәжатларын қабыл етиў ҳәм оларды жоқары ҳүкимдарға жеткериў менен шуғылланатуғын арнаўлы кәсиплик лаўазым — Арызбеги институты қәлиплести. Танымал шығыстаныўшы ҳәм дереклик алымы А.А.Семёнов өзиниң Бухара ханлығының ҳәкимшилик басқарыў системасына арналған изленисинде атап өткениндей, Арызбеги сарай иерархиясында ең тәсирли лаўазымлардың бири болып, ол

халық шикаятларын орайлық ҳәкимият тәрепинен қадағалаў ҳәм мәмлекет аппаратын басқарыўдың тийкарғы ҳуқықый қуралы ўазыйпасын атқарған. [3, С. 41–49]

Ҳуқықый теория қарасынан, “Арызбеги” институты төмендеги ҳуқықый ўәкалатларға ийе болған:

Мүрәжатларды “фильтрация” қылыў ҳәм системаластырыў: кәдимги пуқаралардың төменги тап ҳәмелдарлары (қазылар, беклер, салық жыйнаўшылар) үстинен қылған шикаятларын қабыл етиў ҳәм оларды ҳуқықый категорияларға бөлиў. [3, С. 41–44]

Жәмийетлик қадағалаў функциясы: жергиликли басқарыў органларының нызамбузыўшылықлары үстинен өзине тән “омбудсман” ҳәм қадағалаўшылық ўазыйпасын атқарыў. [4, С. 138–142]

Сарай ҳәм халық арасындағы көпир: Арызбеги тиккелей хан яки әмир алдында шикаятшылардың исин баян қылған ҳәм ҳүкимдар шығарған қарарлардың орынланыўын қадағалаған. [3, С. 44–46]

Бирақ ҳуқықый тәрептен баҳа бериўде “Арызбеги” институтының бир қатар системалы шеклеўлерин итибарға алыў зәрүр. Биринши, Арызбеги ғәрезсиз орган емес, бәлки хан яки әмирдиң бнлгиленген ўәкили болған — бул оның ҳәкимиятын ғәрезсизлигин принципиал тәрептен болдырмаған. Екинши, шағымды қарап шығыў тәртиби жазба нормалар менен емес, бәлки әдет-дәстүрлер ҳәм ҳәмелдардың жеке пикири менен тәртипке салынған. Үшинши, система этникалық ҳәм таптық айырмашылықларға сезимтал болған — төменги тап ўәкиллериниң шикаятлары әдетте артықмашылыққа ийе болмаған. А.А.Семёнов изленислеринде де бул жағдай жанама түрде тастыйықланады: Арызбеги “шикаятларды қадағалаў” қуралы, бирақ “ҳуқықты қорғаў” органы емес еди. [3, 46–50; 7, 127–134]

Жәдидлердиң мәмлекетлик-ҳуқықый идеялары: мүрәжатлар системасын конституциялық модернизациялаў. XX әсир басына келип, сиясий майданға шыққан жәдид мәрипатшылары (Маҳмудхожа Беҳбудий, [5, б. 108–119] Мунаўўарқары Абдурашидханов, [8] Абдурауф Фитрат [6, б. 45–56] ҳәм басқалар) дәстүрий басқарыў системасындағы бюрократияны қатаң сын астына алды. Олар пуқаралар мүрәжатлары ҳәм жәмийетлик қадағалаў системасын шахс ҳәм мәмлекет арасындағы “конституциялық шәртнама” сыпатында көрди. Жәдидлердиң мәмлекетти басқарыў ҳәм мүрәжатлар тараўындағы идеялары төмендеги ҳуқықый принциплерге тийкарланған еди:

Ўәкиллик органы ҳәм парламент системасы: жәдидлер дәстүрий Арызбеги сыяқлы жеке шахсқа тийкарланған мүрәжат системасынан “Кеңес” системасына өтиўди усыныс еттилер. [9, б. 59–63; 10, б. 47]

Баспасөз — жәмийетлик қадағалаў қуралы: жәдидлер өз дәўиринде шыққан газета ҳәм журналларды (“Ойна”, [5, б. 112–119] “Садой Туркистон”, [13] “Ҳуррият”) миллеттиң көпшилик мүрәжат минбарына айландырды. Беҳбудийдиң “Ойна” журналында (1913–1915) баспадан шыққан мақалаларында халықтың ҳәмелдарлар зулымы ҳаққындағы шикаятлары көпшилик алдында баян етилген. [5, б. 117] “Садои Туркистон” газетасында (1913–1914) “халық қадағалауы” түсиниги биринши мәрте өзбек баспасөзинде конституциялық ҳуқық категориясы сыпатында көтерилген. [13]

Нызамның үстинлиги: Фитраттың “Раҳбари нажот” шығармасында атап өтилгениндей, пуқаралардың арза ҳәм шикаятлары ҳәмелдардың қәлеўине қарай емес, бәлки нызам (конституция) тийкарында миннетли тәртипте қаралыўы шәрт еди. [6, б. 48–52] Бул талап ҳуқықый мәмлекет теориясының тийкарғы принциплериниң бири — “ҳуқықый анықлық” (legal certainty) принципин өзбек мәмлекетшилик ойлаў тәризине алып кирди.

Үш дәўир мүрәжат ҳәм жәмийетлик қадағалаў системаларының салыстырмалы-ҳуқықый таллаўы

Кесте. Мүрәжатлар ҳәм жәмийетлик қадағалаў системаларының қыйаслы таллауы

Ҳуқықый өлшемлер	Темурийлер дәўири [2, 35-, 56-тузик; 11, б.87–95]	Ханлықлар дәўири (Арызбеги) [3, С.41–50; 4, С.137–153]	Жәдидлер концепциясы [5, б.108–119; 6, б.45–56; 9, б.55–80]	Заманагөй Өзбекистан [12]
Ҳуқықый тийкары	“Темур Тузиклери”, шарият ҳәм мәмлекет пәрманлары	Әдет-дәстүрлер, дәстүрий ҳуқық ҳәм әмир пәрманлары	Конституция, нызамның үстинлиги ҳәм демократиялық принциплер	Конституция (40, 55-статьялар); ӨзРҚ-445-сан, 2017-жыл.
Мүрәжатты қабыл етиўши	Тиккелей жоқары ҳүкимдар ҳәм оның хабарнавислери (57-тузук)	Сарайдағы арнаўлы жоқары лаўазым ийеси (Арызбеги)	Халық ўәкиллери органы (Парламент) ҳәм тәуелсиз судлар	Мәмлекет органлары, Халық қабулханалары, Виртуал қабулхана
Жәмийетлик қадағалаў	Ҳүкимдар тәрепинен төменги ҳәмелдарлар үстинен қадағалаў	Ҳәкимшилик-бюрократиялық аппарат ишиндеги ишки қадағалаў	Халық, жәмийетшилик ҳәм еркин баспасөз арқалы қадағалаў	Нызам ҳәм институционал механизмлер арқалы көп бағдарлы қадағалаў
Ҳуқықый шеклеў	Монархлық ықтыяр шеңбери; субъектив ҳуқық жоқ	Ҳәмелдар еркинлиги жоқ; жазба норма жоқ; таптық теңсизлик	Әмелге асырыў мүмкинши-лиги шекленген;	Нызам тийкарында процессуал кепиллик ҳәм жуўапкершилик

Жуўмақ. Өзбекистан мәмлекетшилиги тарийхының раўажланыў басқышларын ҳуқықый илим теориясы тийкарында үйрениў көрсетеди, пуқаралар мүрәжатлары менен жумыс алып барыў системасы ҳәр уақытта мәмлекетти басқарыўдың орайында болған. Темурийлер дәўиринде “Тузиклер” арқалы мүрәжатлар менен жумыс алып барыў мәмлекеттиң әдалат өлшеми сыпатында қәлиплескен болса, [2, 56-тузук; 11, б. 87] ханлықлар дәўиринде “Арызбеги” институты түринде қәнийгелестирилген ҳәкимшилик-ҳуқықый механизмге айланды. [3, С. 41–50; 4, С. 137–153] Жәдидлердиң мәмлекетлик-ҳуқықый идеялары болса бул дәстүрий системаны конституциялылық ҳәм нызамның үстинлиги принциплери тийкарында түптен модернизациялаўға қаратылған еди [5, б. 108–119; 6, б. 45–56; 9, б. 55–80]. Тарийхый таллаўдан шығарылып атырған ҳуқықый сабақ мынада: мүрәжатлар системасының нәтийжелилиги оны қабыл етиўши органның ўәкалат дәрежесине емес, процессуал тәуелсизлиги ҳәм жуўапкершилик механизминиң ҳуқықый кепилленгенлигине байланыслы. Темурийлер тәжирийбеси — әдалат ерк мәселеси; [2, 35-тузук] Арызбеги тәжирийбеси — әдалат деуан мәселеси; [3, С. 41] жәдидлер тәжирийбеси — әдалат нызам мәселеси екенлигин көрсетти. [9, б. 63; 10, б. 47] Үш тарийхый басқыштың ҳәммеси бир-бирин толтырып, заманагөй ҳәкимшилик ҳуқықының концептуаллық үшлиги — ерк, деуан, нызам — болса кетпе-кет ашты.

Тарийхый концепциялар заманагөй Өзбекистанда Халық қабыллаўханаларының жумысын жетилистириў ҳәм мәмлекетти басқарыў үстинен жәмийетшилик қадағалаўын күшейтиўде әҳмийетли теориялық-ҳуқықый дерек болып хызмет етеди. [1; 12]

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2021. — 288 б.
2. Амир Темур. Темур тузуклари / Нашрга тайёрловчи ва кириш сўзи муаллифи: Б.Аҳмедов. — Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. — 256 б. [Матн ичида тузук (боб) рақами орқали иқтибос қилинган]
3. Семёнов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Вып. II. Труды Института истории, археологии и этнографии АН Таджикской ССР. Т. XXV. — Сталинабад: АН ТаджССР, 1954. — С. 8–61.
4. Семёнов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. — М.–Л., 1948. — Т. V. — С. 137–153. [*]
5. Беҳбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар: жамият, сиёсий-ҳуқуқий ва маърифий мақолалар. — Тошкент: Маънавият, 2006. — 280 б.
6. Фитрат Абдурауф. Нажот йўли (Раҳбари нажот). — Тошкент: Шарқ, 2001. — 160 б.
7. Мусаев Б.Т. Ўзбекистон маъмурий ҳуқуқи ва давлат бошқаруви тарихи: монография. — Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2018. — 240 б. 8. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи: С.Аҳмедов; масъул муҳаррир: Н.Каримов. — Тошкент: Маънавият, 2003. — 304 б. — (Истиқлол қаҳрамонлари).
8. Маҳмудов Н. Жадидчилик ва Ўзбекистон давлат-ҳуқуқий тафаккури. — Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2005. — 198 б.
9. Маҳмудов Н. Жадидчилик ҳаракатининг давлат-ҳуқуқий ғоялари ва уларнинг замонавий конституциявий ҳуқуқ билан ворисийлик алоқадорлиги // Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи журнали. — Тошкент, 2023. — №3. — Б. 45–52.
10. Аҳмедов Б. «Темур тузуклари»нинг тарихий-манбашунослик таҳлили. — Тошкент: Фан, 1996. — 168 б.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. — 2017 йил 11 сентябрь, ЎзРҚ-445-сон // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — №37. — Ст. 978.
12. Садои Туркистон: газета / таҳрир ҳайъати раиси Убайдулла Хўжаев. — Тошкент, 1913–1914. [Архив нусхалари учун ЎзРМА, Р-2454 фондига мурожаат қилинг; конкрет сон, сана ва саҳифани аниқлаш шарт]

Annotatsiya. Maqalada Ózbekstan mámleketshiligi evolyutsiyasında puqaralar mürájatları hám jámeyetlik qadaǵalaw sistemasınıń institutsional hám mafkuraviy transformatsiyası sınpıy huquqıy teoriya arqalı tadqiq etilgen. Muallif dástúriy basqarıw sistemalarındǵı qayta baylanıs mexanizmlerin jalań hámkimshilik qural emes, bálki hákimiyat legitimligin saqlaw hám jámeyetlik qarama-qarsılıqlardı teńlestiriw quralı sipatında talıqlaydı.

Kilt sózler: puqaralar mürájatları, jámeyetlik qadaǵalaw, Arvbegi instituti, jadidshilik, mámleketlik-huquqıy ǵoyalar, qıysıy-huquqıy tahlil.

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон давлатчилиги эволюциясида фуқаролар мурожаатлари ва ижтимоий назорат тизимининг институционал ҳамда мафкуравий трансформацияси танқидий ҳуқуқий назария орқали тадқиқ этилган. Муаллиф анъанавий бошқарув тизимларидаги қайта алоқа механизмларини шунчаки маъмурий восита эмас, балки ҳокимият легитимлигини сақлаш ва ижтимоий зиддиятларни мувозанатлаш воситаси сифатида таҳлил қилади.

Калит сўзлар: фуқаролар мурожаатлари, ижтимоий назорат, Арызбеги институти, жадидчилик, давлат-ҳуқуқий ғоялар, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил.

Abstract. The article examines the institutional and ideological transformation of citizen petitions and the social control system in the evolution of Uzbek statehood through the lens of critical legal theory. The author analyzes feedback mechanisms within traditional governance systems not merely as administrative tools, but as instruments for maintaining state legitimacy and balancing social conflicts.

Key words: citizen petitions, social control, Arzbegi institute, Jadidism, state-legal ideas, comparative-legal analysis.

THE HISTORY OF THE INTRODUCTION OF AIR TRANSPORT TO KARAKALPAKSTAN IN THE 1920S

Kitaybekov A.
Karakalpak State University

One of them is the invention of airships and the formation of related airways. In 1923, the Central Asian branch of the All-Union "Dobrolet" Air Fleet Free Organization was established in Tashkent. Between 1924 and 1926, the chairman M.P.Petrov, members Epifanov.R., Atashev.J., Baymuratov.A., responsible secretary Orlov.A.M. were elected to the representative office of "Dobrolet" of Karakalpak Autonomous Region. During these years, one of the

main tasks of the "Dobrolet" organization was to distribute "Dobrolet" campaigns among the people of the Karakalpak Autonomous Region [1; 6]. From February 1932, a direct airline was opened between the cities of Chardjou and Tortkul. In 1933-1934, during these years, Chardjou-Tortkul, Tortkul-New Urganch, Tortkul-Muynak flights were operated by the civil air fleet of Tortkul, the capital of Karakalpakstan.

In general, in 1935, airlines increased in Karakalpakstan at the expense of the lines of local importance connecting Turtkul with Muynak, Chimbay and Khodzjaly. In the summer of 1935, a PO-4 plane landed at the airfield of the city of Nukus, which is considered the future capital of Karakalpakstan. It was a plane that came to fight saranches.[3.]

The people of Karakalpakstan are not left out the achievements of this science and technology. Everyone in Karakalpakstan dreamed flying in the clear white sky like other nations,flying to distant lands, high mountains, blue seas, and endless deserts. Their dreams and fantasies are descrived in folk songs and fairy tales. But since the 20s of our passing century, the dream of flying in the sky has become a reality.

In March 1923, by the decision of the Soviet government, the free society of the all Russian Air Fleet,"Dobrolet" was established. The newly organized "Dobrolet" air transport facility was carried out in accordance with the three-year plan adopted by the Labor and Castle Council in 1923 and directed to the shores of the all Russian Aviation Management Council.

M.V.Frunze, V.Ya.CHubar, G.K.Ordzhonikidze, G.M. Krzhizhanovskys governed in "Dobrolet" joint-stock company, which is responsible for the opening of air routes in the territory of the Central Asian republics and Kazakhstan, will do a great service to introduce the achievements of the air fleet to the masses.[1,11]

In those years, the famous pilot N. K. Welling's visited the Central Asian republics several times and in May 1923 he accompanied with three passengers, he flied on the Moscow-Bukhara route , through the Caucasus regions in 76 hours on the way to Achxabad Kharkiv, Rostov-on-Don and took off on Tashkent Foundation. This was certainly one of the measures taken by the "Dobrolet" institution in those years to establish air routes in the territory of the former Soviet Union. Special attention was paid to the development of Central Asian and Far Eastern airways. In fact, the remoteness of Central Asia from Central Russia, the inferiority of railways and other industries forced more emphasis on air transport.

In 1933, the "Central Asian Branch" of the All-Russian "Dobrolet" air fleet agency was established in Tashkent. Having studied the history of air transport in the Central State Archives of the Republic of Karakalpakstan, we found out that the Central Asian branch of "Dobrolet" is located at home number 9 in Pushkin street, Tashkent city.[2]

In September 1923, Petrov M. P. was appointed as the representative of "Dobrolet's" Amiwdarya region. He was given resolution number 347 by the "Dobrolet" Central Asian branch office, and according to that decree, Petrov M.P was responsible for opening district branches in urban and rural areas of Karakalpakstan, with relevant testimonies and instructions from "Dobrolet" representatives, it was necessary to provide.[2]

On July 23, 1924, at the board meeting of the "Dobrolet" Central Asian branch, the full-fledged representative structure of the "Dobrolet" Amiwdarya province was approved. Petrov M.P was appointed as the head of the board, Orlov and Epifanov as members. However, this composition was entrusted with drawing representatives of the local people into the composition of the meeting in the future.[1,12]

Therefore, it was shown that the necessity of using the air routes in Central Asia is to be studied in depth and opening the roads covered below.

They are: Tashkent – Almata;

Bukhara - Khiva;

Bukhara - Termiz – Dushanbe.

On October 7, 1923, Krutov's statement on the opening of the Bukhara-Khiva air route was heard at the meeting of the temporary administration of the "Dobrolet" institution. A decision was made at this meeting and it was said: "Taking into account the long term of construction of the air station in Old Bukhara and the fact that the investments are sufficient, let's start equipping the temporary fields in Kagan, Dargan-ata, Tortkul and Khiva.".

On October 24, 1923, the issue of the Bukhara - Khiva air route, which had to be officially opened, was resolved. Dargan-ata and Tortkul fields were soon involved.

The reason for opening the Bukhara-Khiva air route was as follows. First, it is considered appropriate to connect the capital of the Republic of Bukhara on the capital of the Republic of Khorezm. Second, 467 km. If it took 10-12 hours to cover the road by other means of transport, the plane used to cover this road in 3.5-4 hours.

Between 1924 and 1946, the representative office of the Karakalpak Autonomous Region "Dobrolet" was composed head Petrov, M.P.Epifanov, Atashov, J.Baimuratov, the responsible secretary Orlov.A.M.[1,13]

During these years, one of the main tasks of the "Dobrolet" institution was the distribution of "Dobrolet" shares among the residents of the Karakalpakstan Autonomous Region. Many spatial and public institutions of the region and individual pukharas became shareholders of this organization. In particular, "Dobrolet" shares were distributed internationally in the markets of Shymbay, Khojeli, Kungrad, Shorakhan districts and Tortkul, Shabbaz, Biybazar, Tazabazar.

On February 21, 1925, there was a board meeting of the full-fledged representative office of the joint-stock company "Dobrolet" of the Karakalpak Autonomous Region, which was attended by Koryaev, Strakhov, Baymuratov, Dadashev, and Sryulov. At the meeting, successful distribution of "Dobrolet" shares among the residents of Karakalpak Autonomous Region, especially among the wealthy merchants of Shymbay, Khojeli and Kungirot districts, at least 5 som worth of shares to each of them, as well as a patent for sale in the regional finance department It was necessary to convey the need to sell shares to the merchants who received them, and thus to strengthen the "Dobrolet" share at the

expense of wealthy merchants.[3]. From this, it is necessary to equip the airfield, maintain employees, provide social insurance, copy copies of orders, post-telegraph, participate in work, etc. The investment of in technical works is 1436 soms 75 tiyin. In general, the investments received from the sale of Dobrolet shares were intended for the purchase of airplanes, the construction of airfields and the opening of civil aviation air lines.[4.43]

The establishment of the Dobrolet joint-stock company became the reason for the first opening of air routes in Karakalpakstan. With the organization of air routes, Ámiwdárya region began to prepare for receiving aircraft.

On November 21, 1923, at the presidium of the executive committee of the Amiwdarya region, the representative of "Dobrolets" Petrovs "heard the statement about the airfield". After reviewing the preliminary drawing and plan, the presidium of the executive committee decided that "according to its size and border, the place of the land indicated in the plan should be assigned to the Dobrolet joint-stock company." Taking into account the importance of air routes in connecting Karakalpakstan with people, it was proposed to provide fast workers in order to speed up the opening of the airfield. Accordingly, the municipal utility company was commissioned to send the necessary equipment for the airport free of charge. Thus, on the 19th of 1924, the land plot of the airfield was fully planned. Tortkul airfield is located between Amiwdarya shore and New Bozjap canal, and occupies an area of 150 x 200 sagens (one sajen equals 2, 13 meters).

On August 6, 1924, the Bukhara-Khiva air route was approved, and according to it, non-stop air traffic on the following routes was established.

Saturday - at 4 o'clock Kagan - Khiva

Saturday - at 4 p.m. Khiva - Tortkul - Khiva

Monday - 4:00 p.m. Khiva - Kagan

According to the report of the People's Commission of Internal Affairs of Navkstan, the first airplane was created in Karakalpakstan on January 26, 1924.[3.23]

Not long after that, in April 1924, a great danger for the people of Khorezm and Karakalpakstan occurred in the village of "Aq-kamish" near Shorakhan Bollary of Amudarya Oblast. when he came out, a special commission consisting of specialist doctors and medicines were delivered to the plane.

When the first airplane appeared in Karakalpakstan, people looked at it with fear, and some people thought it was the "devil" and locked themselves in their houses. From January 19, 1924 to January 1, 1925, there were 94 flights on the Kagan-Tortkul-Khiva air route, covering a distance of 44,832 kilometers, with a total of 199 people and 1645 kilograms of cargo, mailed. The second air line Kagan – Khiva, and then Tashaguz, by June 1925, had a gasoline storage and distribution center, a small workshop for repairing engines.

REFERENCE

1. Elmuratov I., Grishanovich A. “Qaraqalpaqstanda hawa transportınıń payda bolıwı hám rawajlanıwı tariyxınan”. Nukus. “Bilim”, 1998 year.
2. State Central Archive of Karakalpakstan. P-166, Inventory-1, 1-Case, 5-page.
3. State Central Archive of Karakalpakstan M-576, Inventory-1, 459-Case, 119-page.
4. Tajenov.B “Parwaz”, Bilim, 2013 year.
5. Kamalov.T.K, Umarov.E.K. “Nekotorıe problemı razvitiya transporta v Karakalpakii”. Nukus ″Karakalpakstan″, 1970 year.
6. Kenesbek o’g’li, Q. A. (2024, April). QORAQALPOG’ISTONDA HAVO YO’LLARINING XALQ XO’JALIGIDAGI AHAMIYATI. In *Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences* (Vol. 3, No. 4, pp. 362-366).

Summary: This article covers the advent and establishment of air transport in Karakalpakstan and the initial stages of the development of its transportation routes.

Key words: Aircraft, airways, Muynak, plane, link.

Rezyume: Ushbu maqolada Qoraqalpog’istonga havo transportining kelishi va shakllanishi, transport yo’llarining ilk rivojlanish bosqichi haqida so’z boradi.

Kalit so'zlar: Havo kemasi, havo yo’llari, Muynak, samolyot, zveno.

Резюме: В данной статье речь идёт о появлении и становлении воздушного транспорта в Каракалпакстане, а также о начальном этапе развития транспортных путей.

Ключевые слова: Аэроплан, воздушные трассы, Муйнак, самолет, звено.

YOSHLAR SIYOSATINI AMALGA OSHIRISHDA FUQAROLIK JAMIYATI INSTITUTLARINING O‘RNI VA AHAMIYATI

Orınbetov N.

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika institute dotsenti

Yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda fuqarolik jamiyati institutlarining o‘rni bugungi kunda dolzarb va strategik ahamiyatga ega masalalardan biri hisoblanadi. O‘zbekiston aholisining katta qismini yoshlar tashkil etishi, ularning intellektual, ma’naviy va kasbiy salohiyatini to‘liq ro‘yobga chiqarish davlat taraqqiyotining muhim omiliga aylangani ushbu yo‘nalishda tizimli siyosat yuritishni taqozo etadi. Davlat rahbari ta’kidlaganidek, yoshlar masalasi kelajak masalasi bo‘lib, ularni qo‘llab-quvvatlash, huquq va manfaatlarini himoya qilish, zamonaviy bilim va kasb-hunarga ega bo‘lishlari uchun sharoit yaratish ustuvor vazifadir [1]. Mazkur vazifalarni samarali amalga oshirishda esa fuqarolik jamiyati institutlari davlat organlarining yaqin hamkori va tayanchiga aylanmoqda.

Fuqarolik jamiyati institutlari yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish jarayonining ajralmas va muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Zamonaviy demokratik jamiyatda davlat va jamiyat o‘rtasidagi samarali hamkorlik fuqarolik

jamiyati institutlari orqali ta’minlanadi. Aynan shu institutlar yoshlarning manfaat va ehtiyojlarini aniqlash, ularni davlat siyosatiga integratsiya qilish hamda qabul qilinayotgan qarorlarning joylarda samarali ijrosini ta’minlashda muhim o‘rin tutadi. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida fuqarolarning birlashish huquqi, jamoat birlashmalari tuzish va ular faoliyatida ishtirok etish erkinligi kafolatlangani fuqarolik jamiyati institutlari faoliyatining huquqiy asosini tashkil etadi [2]. Fuqarolik jamiyati institutlari faoliyati fuqarolarning tashabbuskorligi va o‘zini o‘zi boshqarish tamoyillariga asoslanadi. Yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda aynan shu institutlar yoshlar bilan bevosita ishlaydigan, ularning muammolarini ichidan biladigan va tezkor ta’sir ko‘rsatish imkoniyatiga ega bo‘lgan subyektlar sifatida namoyon bo‘ladi.

Yoshlarning ijtimoiy muammolarini aniqlash va tahlil qilishda fuqarolik jamiyati institutlarining roli alohida ahamiyat kasb etadi. Davlat organlari umumiy siyosat va dasturlarni ishlab chiqsa, fuqarolik jamiyati institutlari joylardagi real vaziyatni o‘rganadi, so‘rovlar o‘tkazadi, yoshlar bilan bevosita muloqot qiladi. Natijada yoshlarning bandligi, ta’lim sifati, uy-joy masalasi, ijtimoiy himoya, ma’naviy-ma’rifiy ehtiyojlari kabi muammolar aniqlanadi va tegishli takliflar shakllantiriladi. Bu jarayon yoshlarga oid siyosatning manzilliligi va samaradorligini oshiradi.

Fuqarolik jamiyati institutlari yoshlarning huquqiy ongini va huquqiy madaniyatini yuksaltirishda ham muhim vazifani bajaradi. Turli seminarlar, treninglar, davra suhbatlari, huquqiy targ‘ibot tadbirlari orqali yoshlar o‘z huquq va majburiyatlarini chuqurroq anglaydi. Bu esa huquqbuzarliklarning oldini olish, yoshlar o‘rtasida qonunga hurmat va mas’uliyat tuyg‘usini shakllantirishga xizmat qiladi. Ayniqsa, nodavlat notijorat tashkilotlari va jamoat birlashmalari tomonidan amalga oshirilayotgan huquqiy loyihalar yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirishda sezilarli natija bermoqda.

Mahalla fuqarolar yig‘inlari fuqarolik jamiyati institutlari orasida yoshlarga eng yaqin tuzilma sifatida alohida o‘rin tutadi. Mahalla darajasida yoshlar bilan individual ishlash, ularning oilaviy sharoiti va ijtimoiy muammolarini o‘rganish, ijtimoiy xavf guruhiga kiruvchi yoshlarni nazoratga olish va ularni ijobiy faoliyatga yo‘naltirish imkoniyati mavjud. Mahalla tizimi orqali yoshlarning bo‘sh vaqtini mazmunli tashkil etish, sport va madaniy tadbirlar o‘tkazish, kasb-hunarga yo‘naltirish ishlari samarali amalga oshiriladi. Yoshlar bandligini ta’minlash va tadbirkorlikni rivojlantirishda ham fuqarolik jamiyati institutlarining hissasi katta. Nodavlat tashkilotlar va yoshlar birlashmalari kasb-hunar o‘rgatish kurslari, startap loyihalar, biznes-treninglar tashkil etadi, grant va loyihalar orqali yoshlarning iqtisodiy faolligini rag‘batlantiradi. Bu jarayonda davlat tomonidan yaratilgan imkoniyatlar va imtiyozlardan foydalanish mexanizmlarini yoshlar orasida targ‘ib qilish ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Fuqarolik jamiyati institutlari yoshlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirishga ham xizmat qiladi. Turli yoshlar kengashlari, talabalar ittifoqlari, yoshlar parlamentlari orqali yoshlar qaror qabul qilish jarayonlarida ishtirok etadi, o‘z tashabbuslarini ilgari suradi. Bu esa ularni jamiyat hayotiga befarq bo‘lmagan, faol fuqarolar sifatida shakllantiradi. Davlat organlari bilan ijtimoiy sheriklik asosida amalga oshirilayotgan loyihalar yoshlarning boshqaruv ko‘nikmalarini rivojlantirishga yordam beradi.

Bundan tashqari, fuqarolik jamiyati institutlari ma’naviy-ma’rifiy ishlarni tashkil etishda ham faol ishtirok etadi. Ekstremizm, radikalizm, giyohvandlik va boshqa salbiy illatlarning oldini olish bo‘yicha tushuntirish ishlari, madaniy va sport tadbirlari, ijodiy tanlovlar yoshlarni sog‘lom turmush tarziga jalb etadi. Bu orqali yoshlarda milliy qadriyatlarga hurmat, vatanparvarlik va ijtimoiy mas’uliyat tuyg‘usi mustahkamlanadi.

Jamoatchilik nazorati mexanizmlari ham fuqarolik jamiyati institutlari orqali amalga oshiriladi. Yoshlar siyosatiga doir davlat dasturlarining ijrosi, ajratilgan mablag‘larning maqsadli sarflanishi, hududlarda olib borilayotgan ishlarning samaradorligi jamoatchilik tomonidan tahlil qilinadi. Bu esa ochiqlik va shaffoflikni ta’minlab, davlat organlari faoliyatining samaradorligini oshiradi.

“Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi Qonun yoshlarga oid davlat siyosatining asosiy va maxsus huquqiy manbai hisoblanadi. Mazkur qonun yoshlarning huquqiy maqomini belgilash, ularning ijtimoiy shakllanishi va rivojlanishi uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish, davlat organlari hamda boshqa institutlarning bu boradagi vakolat va majburiyatlarini aniqlashtirishga qaratilgan. Qonun yoshlar siyosatini tizimli, maqsadli va uzluksiz amalga oshirishning huquqiy mexanizmlarini belgilab beradi. Ushbu qonunda “yoshlar” tushunchasiga aniq ta’rif berilib, yosh toifasiga kiruvchi fuqarolarning yoshi chegaralari belgilangan. Bu esa davlat siyosatini aniq manzilli va maqsadli tashkil etish imkonini yaratadi. Qonunga ko‘ra, yoshlarga oid davlat siyosati – bu davlat tomonidan amalga oshiriladigan hamda yoshlarning ijtimoiy shakllanishi, intellektual, ijodiy va jismoniy rivojlanishi uchun huquqiy, iqtisodiy va tashkiliy shart-sharoitlar yaratishga qaratilgan chora-tadbirlar tizimidir.

Mazkur qonun davlat organlarining yoshlarga oid siyosatni amalga oshirishdagi vakolatlarini ham aniq ko‘rsatadi. Oliy Majlis, Vazirlar Mahkamasi, mahalliy davlat hokimiyati organlari va boshqa vakolatli tuzilmalarning yoshlar masalasidagi vazifalari belgilab berilgan. Shu bilan birga, fuqarolik jamiyati institutlari, nodavlat notijorat tashkilotlari va boshqa jamoat birlashmalarining ham bu jarayondagi ishtiroki qonuniy asosda e’tirof etiladi.

Qonunda yoshlarning ijtimoiy himoyasi masalalariga alohida e’tibor qaratilgan. Ijtimoiy himoyaga muhtoj, nogironligi bo‘lgan, yetim yoki ota-ona qaramog‘idan mahrum bo‘lgan yoshlarni qo‘llab-quvvatlash, ularga ta’lim olish, kasb-hunar egallash va band bo‘lish uchun imtiyozlar berish mexanizmlari nazarda tutilgan. Bu orqali yoshlarning teng imkoniyatlarga ega bo‘lishi ta’minlanadi. Shuningdek, hujjatda yoshlarning davlat va jamiyat boshqaruvida ishtirok etish huquqi mustahkamlangan. Yoshlar o‘z tashabbuslarini ilgari surish, jamoat birlashmalarida ishtirok etish, davlat organlariga murojaat qilish va takliflar kiritish orqali ijtimoiy-siyosiy hayotda faol qatnashish imkoniyatiga ega. Bu esa ularning fuqarolik pozitsiyasini shakllantirish va ijtimoiy mas’uliyatini oshirishga xizmat qiladi.

Qonun yoshlar bilan ishlash tizimini institutsional jihatdan mustahkamlashni ham nazarda tutadi. Yoshlar masalalari bo‘yicha vakolatli organlar faoliyati, hududiy darajadagi tuzilmalar, yoshlar yetakchilari instituti kabi

mexanizmlar normativ jihatdan tartibga solingan. Natijada yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda yagona tizim va muvofiqlashtirilgan faoliyat ta’minlanadi.

Fuqarolik jamiyati institutlari yoshlarning manfaatlarini aniqlash, ularning muammolarini o‘rganish va tegishli davlat organlariga yetkazishda muhim vosita hisoblanadi. Masalan, nodavlat notijorat tashkilotlari joylarda ijtimoiy so‘rovlar o‘tkazish, tahliliy ma’lumotlar tayyorlash, yoshlar orasida uchrayotgan muammolar – ishsizlik, migratsiya, jinoyatchilik, giyohvandlik, internetga qaramlik kabi holatlarni aniqlash va ularning oldini olish bo‘yicha takliflar ishlab chiqishda faol qatnashadi. “Nodavlat notijorat tashkilotlari to‘g‘risida”gi Qonunda NNTlarning davlat organlari bilan hamkorlikda ijtimoiy ahamiyatga molik dasturlarni amalga oshirishi mumkinligi belgilangan [4]. Bu norma yoshlar masalasida davlat va fuqarolik jamiyati o‘rtasidagi sheriklikni mustahkamlaydi.

Yoshlarni ijtimoiy faollikka jalb etish, ularni vatanparvarlik, qonunlarga hurmat ruhida tarbiyalashda ham fuqarolik jamiyati institutlarining o‘rni beqiyosdir. Mahalla fuqarolar yig‘inlari yoshlar bilan bevosita ishlaydigan eng quyi, ammo eng ta’sirchan bo‘g‘in sifatida ularning oilaviy sharoiti, qiziqishlari, ijtimoiy muammolarini yaxshi biladi. Mahalla tizimi orqali “og‘ir” toifadagi yoshlar bilan individual ishlash, ularni kasb-hunarga yo‘naltirish, bo‘sh vaqtini mazmunli tashkil etish imkoniyati mavjud. Bu borada “Ijtimoiy sheriklik to‘g‘risida”gi Qonun davlat organlari va fuqarolik jamiyati institutlari o‘rtasida ijtimoiy ahamiyatga molik masalalarni hal etishda hamkorlik mexanizmlarini belgilab bergan [5]. Shuningdek, fuqarolik jamiyati institutlari yoshlarning huquqiy madaniyatini yuksaltirishda ham muhim rol o‘ynaydi. Turli seminarlar, davra suhbatlari, huquqiy targ‘ibot tadbirlari orqali yoshlar o‘z huquq va majburiyatlarini anglab yetadi, qonunlarga hurmat ruhida tarbiyalanadi. Bu esa huquqbuzarliklarning oldini olishga xizmat qiladi. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasida ham yoshlarning huquqiy ongini oshirish, ularni davlat va jamiyat boshqaruvida faol ishtirok etishga jalb qilish vazifalari belgilangan [6]. Fuqarolik jamiyati institutlari ushbu vazifalarning amaliy ijrosini ta’minlovchi asosiy subyektlardan biri sifatida namoyon bo‘lmoqda.

Yoshlar siyosatini amalga oshirishda ochiqlik va shaffoflikni ta’minlash ham muhimdir. Bu borada ommaviy axborot vositalari va mustaqil jamoat tashkilotlari jamoatchilik nazoratini amalga oshiradi, davlat dasturlarining joylardagi ijrosini tahlil qiladi, muammolarni ochiqlaydi va takliflar beradi. “Jamoatchilik nazorati to‘g‘risida”gi Qonun fuqarolarning va ularning birlashmalarining davlat organlari faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirish huquqini belgilab, yoshlar siyosatining samaradorligini oshirishga xizmat qiladi [7]. Yoshlarning o‘zini o‘zi boshqarish ko‘nikmalarini shakllantirishda ham fuqarolik jamiyati institutlarining ahamiyati katta. Turli yoshlar parlamentlari, yoshlar kengashlari, talabalar ittifoqlari orqali yoshlar qaror qabul qilish jarayonlarida ishtirok etadi, tashabbus bilan chiqadi, ijtimoiy loyihalarni amalga oshiradi. Bu esa ularni mas’uliyatli, tashabbuskor va faol fuqarolar etib tarbiyalaydi. Ilmiy adabiyotlarda ham fuqarolik jamiyati institutlari yoshlarning ijtimoiylashuvi va fuqarolik pozitsiyasini shakllantirishda muhim omil ekani ta’kidlanadi [8]. Bundan tashqari, fuqarolik jamiyati institutlari yoshlar o‘rtasida milliy va umuminsoniy qadriyatlarni targ‘ib etish, ekstremizm va radikalizm g‘oyalariga qarshi immunitetni shakllantirishda ham muhim rol o‘ynaydi. Ma’naviy-ma’rifiy tadbirlar, madaniy loyihalar, sport musobaqalari orqali yoshlarning bo‘sh vaqti mazmunli tashkil etiladi, ularning salbiy oqimlarga qo‘shilib ketishining oldi olinadi. Bu borada davlat va jamoat tashkilotlarining hamkorligi ayniqsa dolzarb ahamiyat kasb etadi[9].

Xulosa qilib aytganda, yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda fuqarolik jamiyati institutlari davlat organlarining muhim hamkori sifatida namoyon bo‘ladi. Ular yoshlarning manfaatlarini ifoda etadi, muammolarini aniqlaydi, davlat dasturlarini joylarda amalga oshirishga ko‘maklashadi, jamoatchilik nazoratini ta’minlaydi hamda yoshlarni ijtimoiy faollikka chorlaydi. Qonunchilik bazasining mustahkamligi, ijtimoiy sheriklik mexanizmlarining mavjudligi, strategik hujjatlarda yoshlar masalasiga alohida e’tibor qaratilgani fuqarolik jamiyati institutlarining bu boradagi rolini yanada kuchaytiradi. Kelgusida ham davlat va fuqarolik jamiyati o‘rtasidagi samarali hamkorlikni rivojlantirish, yoshlarning tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlash va ularni jamiyat hayotining barcha sohalarida faol ishtirok etishga jalb etish Yangi O‘zbekiston taraqqiyotining muhim omili bo‘lib qoladi.

ADABIYOTLAR

1. Mirziyoyev Sh. M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. – Toshkent: O‘zbekiston, 2021.
2. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent, 2023.
3. O‘zbekiston Respublikasining “Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi Qonuni, 2016 yil 14 sentabr.
4. O‘zbekiston Respublikasining “Nodavlat notijorat tashkilotlari to‘g‘risida”gi Qonuni, 1999 yil 14 aprel.
5. O‘zbekiston Respublikasining “Ijtimoiy sheriklik to‘g‘risida”gi Qonuni, 2014 yil 25 sentabr.
6. Yangi O‘zbekistonning 2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Taraqqiyot strategiyasi.
7. O‘zbekiston Respublikasining “Jamoatchilik nazorati to‘g‘risida”gi Qonuni, 2018 yil 12 aprel.
8. Fuqarolik jamiyati asoslari: O‘quv qo‘llanma / Mas’ul muharrir A. Saidov. – Toshkent: TDYU nashriyoti, 2020.
9. Inoyatov M. Yoshlar siyosati va fuqarolik jamiyati institutlari hamkorligi masalalari // Ijtimoiy fikr. – 2021. – №3.

Yoshlar siyosatini amalga oshirishda fuqarolik jamiyati institutlarining o‘rni va ahamiyati

Annotatsiya. Mazkur maqolada yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda fuqarolik jamiyati institutlarining o‘rni va ahamiyati tahlil etiladi. Unda yoshlar siyosatining huquqiy asoslari, davlat va jamiyat hamkorligi mexanizmlari, nodavlat notijorat tashkilotlari, mahalla va boshqa jamoat tuzilmalarining yoshlar bilan ishlashdagi roli yoritilgan. Shuningdek, yoshlarning huquqiy madaniyatini oshirish, bandligini ta’minlash, ijtimoiy faolligini kuchaytirish hamda ularni ma’naviy jihatdan qo‘llab-quvvatlashda fuqarolik jamiyati institutlarining amaliy hissasi ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: ijtimoiy sheriklik, huquqiy madaniyat, jamoatchilik nazorati, mahalla, ijtimoiy faollik.

Роль и значение институтов гражданского общества в реализации молодежной политики

Аннотация. В данной статье анализируется роль институтов гражданского общества в реализации государственной политики в отношении молодежи. Рассматриваются правовые основы молодежной политики, механизмы взаимодействия государства и общества, а также деятельность негосударственных некоммерческих организаций, махалли и других общественных структур в работе с молодежью. Особое внимание уделено вопросам повышения правовой культуры

молодежи, обеспечения занятости, развития социальной активности и духовно-нравственной поддержки молодого поколения.

Ключевые слова: социальное партнерство, правовая культура, общественный контроль, махалля, социальная активность.

The role and importance of civil society institutions in the implementation of youth policy

Abstract. This article examines the role of civil society institutions in the implementation of state youth policy. It analyzes the legal foundations of youth policy, mechanisms of cooperation between the state and society, and the activities of non-governmental non-profit organizations, local community bodies, and other public institutions in working with young people. The paper also highlights the contribution of civil society institutions to improving legal awareness, promoting employment, enhancing social participation, and providing moral and social support to the younger generation.

Key words: social partnership, legal culture, public oversight, local community, social activity.

ILMIY PARADIGMALAR EVOLYUTSIYASINING FALSAFIY JIHATLARI

Xaydarova A. X.
O'zMU "Ijtimoiy fanlar" fakulteti doktoranti,

Kirish. Zamonaviy ilm-fan rivoji faqat yangi faktlar yig'ilishi bilan emas, balki ilmiy tafakkurning tubdan o'zgarishi bilan tavsiflanadi. Bu jarayonni tushuntirishda "ilmiy paradigma" tushunchasi muhim nazariy vosita sifatida xizmat qiladi. Paradigma muayyan davrda ilmiy hamjamiyat tomonidan qabul qilingan nazariy qarashlar, metodlar va qadriyatlar tizimini anglatadi. Ilmiy paradigmalar evolyutsiyasini o'rganish, bir tomondan, ilmiy bilimlarning ichki mantiqini tushunishga yordam bersa, ikkinchi tomondan, ularning ijtimoiy va madaniy kontekst bilan bog'liqligini ochib beradi. Shu bois mazkur muammo nafaqat falsafa, balki fan metodologiyasi va tarixining markaziy masalalaridan biri hisoblanadi.

Ilm-fan rivoji insoniyat tafakkurining eng muhim ko'rsatkichlaridan biri hisoblanadi. Har bir tarixiy davrda ilmiy bilimlar muayyan tizim asosida shakllanadi va rivojlanadi. Ushbu tizim ilmiy paradigmalar orqali ifodalanadi. Paradigma tushunchasi ilmiy faoliyatning nazariy, metodologik va qadriyatga oid jihatlarini birlashtiradi. Ilmiy paradigmalar evolyutsiyasini o'rganish nafaqat fan tarixini tushunish, balki zamonaviy ilmiy jarayonlarni tahlil qilish uchun ham muhimdir. Chunki har qanday yangi ilmiy yutuq mavjud paradigmaga nisbatan muayyan munosabatda yuzaga keladi. Ilmiy paradigmalar nazariyasi asosan XX asrda shakllangan bo'lib, bu borada bir qator muhim yondashuvlar mavjud. Ilmiy rivojlanishni inqilobiy jarayon sifatida talqin qiluvchi yondashuvga ko'ra, ilm-fan uzluksiz emas, balki keskin o'zgarishlar orqali rivojlanadi. Bu jarayonda eski ilmiy qarashlar o'rnini yangi konsepsiyalar egallaydi. Boshqa yondashuvga ko'ra esa ilmiy bilimlar doimiy tanqid va tekshiruv jarayonida rivojlanadi. Ya'ni, har qanday nazariya vaqtinchalik bo'lib, u yangi dalillar asosida qayta ko'rib chiqilishi mumkin.

Shuningdek, ilmiy tadqiqot dasturlari nazariyasida ilmiy rivojlanish izchil va tizimli jarayon sifatida qaraladi. Unda ilmiy g'oyalar o'zaro bog'liq holda rivojlanadi va asta-sekin takomillashadi. Zamonaviy qarashlarda esa ilmiy paradigmalar ijtimoiy va madaniy omillar bilan uzviy bog'liq holda talqin qilinadi. Bu yondashuv ilm-fanning jamiyatdagi o'rnini chuqurroq tushunishga yordam beradi. Tahlillar shuni ko'rsatadiki, ilmiy paradigmalar evolyutsiyasi bir necha muhim bosqichlarda amalga oshadi.

Birinchi bosqichda mavjud paradigma doirasida ilmiy tadqiqotlar olib boriladi. Bu davrda olimlar mavjud nazariyani rivojlantirish va uni takomillashtirish bilan shug'ullanadi. **Ikkinchi** bosqichda esa mavjud nazariya bilan tushuntirib bo'lmaydigan muammolar yuzaga keladi. Bu holat ilmiy inqirozga olib keladi. **Uchinchi** bosqichda yangi ilmiy qarashlar shakllanadi va ular eski paradigmaga muqobil sifatida maydonga chiqadi. Natijada ilmiy inqilob yuz beradi. **To'rtinchi** bosqichda esa yangi paradigma ilmiy hamjamiyat tomonidan qabul qilinadi va u asosiy nazariy asosga aylanadi. Shuningdek, tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, ilmiy paradigmalar evolyutsiyasiga nafaqat ilmiy omillar, balki ijtimoiy, madaniy va texnologik omillar ham sezilarli ta'sir ko'rsatadi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Ilmiy paradigmalar nazariyasi eng avvalo T. Kun tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, u ilm-fan rivojini inqilobiy almashinuvlar orqali izohlaydi. Olimning ta'kidlashicha, har bir ilmiy paradigma muayyan vaqt davomida "normal fan" sifatida hukmronlik qiladi, biroq vaqt o'tishi bilan undagi ziddiyatlar kuchayib, yangi paradigma paydo bo'lishiga olib keladi [1; 52–54-b.]. K. Popper ilmiy bilimlar dinamikasini tanqidiy ratsionalizm asosida tushuntirib, ilmiy nazariyalar doimiy sinov ostida bo'lishi kerakligini ta'kidlaydi. Uning fikricha, ilmiy rivojlanishning asosiy mexanizmi – bu nazariyalarni rad etish (falsifikatsiya) jarayonidir [2; 73-b.]. I. Lakatos esa ilmiy tadqiqot dasturlari nazariyasini ilgari surib, paradigmalarni qat'iy uzilishlar emas, balki izchil rivojlanish jarayoni sifatida talqin qiladi. Unga ko'ra, har bir ilmiy dastur "qattiq yadrosi" va "himoya kamariga" ega bo'ladi [3; 91–93-b.]. P. Feyerabend esa ilmiy metodologiyaga nisbatan pluralistik yondashuvni ilgari surib, ilmiy taraqqiyotda yagona universal metod mavjud emasligini asoslaydi [4; 110-b.]. Zamonaviy tadqiqotchilar esa ilmiy paradigmalarni ijtimoiy konstrukt sifatida talqin qilib, ularning shakllanishida madaniy va institutsional omillarning rolini alohida ta'kidlaydilar.

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). Mazkur tadqiqot quyidagi metodologik yondashuvlarga asoslanadi:

Tarixiy-genetik metod –ilmiy paradigmalar kelib chiqishi, rivojlanish bosqichlari va ularning tarixiy kontekstdagi o'zgarishlarini aniqlash imkonini beradi. Bu yondashuv orqali ilmiy g'oyalar va nazariy qarashlarning paydo bo'lishi, ularning qadimgi falsafiy va ilmiy manbalar bilan bog'liqligi, shuningdek, ularning taraqqiyotida yuz bergan burilishlar

va uzilishlar o‘rganiladi. Shu tariqa, ilmiy paradigmalar evolyutsiyasining tarixiy ildizlari va ularning tizimli rivojlanish jarayoni ochib beriladi.

Qiyosiy-tahliliy metod – turli falsafiy va ilmiy konsepsiyalarni bir-biri bilan solishtirish imkonini yaratadi. Bu yondashuv yordamida paradigmalar orasidagi o‘xshashliklar, farqlar, metodologik yondashuvlar va konseptual asoslar aniqlanadi. Shuningdek, u ilmiy inqiloblar va paradigmalar almashinuvi jarayonida yuzaga keladigan konflikt va qarama-qarshiliklarni tahlil qilish imkonini beradi.

Tizimli yondashuv – ilmiy paradigmalarni murakkab, ko‘p darajali tizim sifatida o‘rganishga xizmat qiladi. Paradigmalar nafaqat alohida nazariy kontseptsiyalar to‘plami, balki ularning o‘zaro bog‘liqligi, ilmiy metodlar, terminologiya va epistemologik asoslar bilan birgalikdagi tizim ekanligi tushuntiriladi. Bu yondashuv orqali ilmiy paradigmalar evolyutsiyasining strukturalari, elementlararo o‘zaro ta’sirlar va evolyutsion jarayonlar tahlil qilinadi.

Germenevtik metod – ilmiy matnlar va nazariyalarni talqin qilishga yo‘naltirilgan. Bu yondashuv yordamida eski va zamonaviy ilmiy manbalar, matnlar va nazariy ishlanmalar chuqur o‘rganiladi, ularning ma’nosi, konteksti va epistemologik ahamiyati aniqlanadi. Shu orqali ilmiy paradigmalarni tushunish va ularning evolyutsiyaviy jarayonini talqin qilish imkoniyati kengayadi.

Interdisiplinar yondashuv – paradigmalarni falsafa, tarix, sotsiologiya va boshqa fanlar kesishmasida o‘rganishga imkon beradi. Bu yondashuv ilmiy bilimlarni faqat nazariy yoki empirik jihatdan emas, balki ularning ijtimoiy, madaniy va falsafiy kontekstdagi o‘rni bilan birga tahlil qilish imkonini beradi. Shu tariqa, ilmiy paradigmalar evolyutsiyasining ko‘p qirrali va murakkab tabiati ochib beriladi, ularning ijtimoiy-historical kontekstdagi ahamiyati ham aniq ko‘rinadi.

Natijada, ushbu metodlar majmui ilmiy paradigmalar evolyutsiyasini multidimensional, tarixiy va tizimli nuqtai nazardan tahlil qilish imkonini beradi, ularning falsafiy mohiyati va ijtimoiy ahamiyatini aniqlashga yordam beradi had ilmiy paradigmalar evolyutsiyasining ko‘p qirrali tabiati ochib berildi.

Tahlil va natijalar (Analysis and results). Ilmiy paradigmalar evolyutsiyasini tahlil qilishda ularning rivojlanish jarayonini, epistemologik mohiyatini, ijtimoiy-falsafiy omillarini va zamonaviy fan rivojidagi o‘rnini tushunish muhimdir. Ushbu bo‘limda mavjud adabiyotlar, ilmiy tadqiqotlar va falsafiy yondashuvlar asosida ilmiy paradigmalar evolyutsiyasining asosiy jihatlari tizimli tarzda o‘rganiladi. Tadqiqot natijalari ko‘rsatadiki, ilmiy paradigmalarning shakllanishi va o‘zgarishi bir nechta asosiy bosqichlar, epistemologik printsiplar va ijtimoiy-madaniy sharoitlar bilan uzviy bog‘liqdir. Shu asosda quyidagi tahlilni taqdim etish mumkin:

1. Ilmiy paradigmalar evolyutsiyasining bosqichlari. Ilmiy paradigmalar rivoji bir necha ketma-ket bosqichlarda namoyon bo‘ladi (normal fan bosqichi; anomaliyalar to‘planishi; inqiroz bosqichi; inqilobiy almashinuv; yangi normal fan bosqichi).

2. Epistemologik jihatlar. Ilmiy paradigmalar bilimning tabiati va haqiqat mezonlariga bevosita ta’sir qiladi. Har bir paradigma o‘ziga xos ratsionallik mezonlarini belgilaydi. Shu bois, bir davrda “haqiqat” deb qabul qilingan bilim keyingi davrda qayta ko‘rib chiqilishi mumkin.

3. Ijtimoiy-falsafiy omillar Ilmiy paradigmalar faqat ilmiy omillar bilan emas, balki ijtimoiy, siyosiy va madaniy sharoitlar bilan ham belgilanadi. Masalan, texnologik taraqqiyot yangi ilmiy yo‘nalishlarning paydo bo‘lishiga turtki beradi.

4.Zamonaviy ilm-fandagi paradigmalar Hozirgi davrda fan rivoji ko‘p paradigmalilik (multiparadigmalilik) xususiyatiga ega. Turli ilmiy yo‘nalishlar o‘zaro raqobat va hamkorlikda rivojlanmoqda. Bu esa ilmiy tafakkurning yanada boyishiga olib kelmoqda.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Xulosa qilib aytganda, ilmiy paradigmalar evolyutsiyasi ilm-fan rivojining muhim mexanizmlaridan biri hisoblanadi. U ilmiy bilimlarning yangilanishi va takomillashuvini ta’minlaydi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, ilmiy paradigmalar evolyutsiyasi murakkab, ko‘p omilli va dinamik jarayon hisoblanadi. U ilmiy bilimlarning rivojlanishida hal qiluvchi rol o‘ynaydi.

ADABIYOTLAR

1. Kun T. Ilmiy inqiloblar tuzilishi. – Toshkent: Fan, 2005. – 160 b.
2. Popper K. Ilmiy tadqiqotlar mantiqi. – Moskva: Progress, 1983. – 350 b.
3. Lakatos I. The Methodology of Scientific Research Programmes. – Cambridge: Cambridge University Press, 1978. – 250 p.
4. Feyerabend P. Against Method. – London: Verso, 1975. – 200 p.
5. Chalmers A. What is This Thing Called Science? – London: Open University Press, 1999. – 280 p.
6. Kuhn T. The Structure of Scientific Revolutions. – Chicago: University of Chicago Press, 1962. – 210 p.

Ilmiy paradigmalar evolyutsiyasining falsafiy jihatlari

Annotatsiya. Ushbu maqolada ilmiy paradigmalar evolyutsiyasining falsafiy mohiyati, ularning shakllanish omillari hamda ilmiy tafakkur rivojiga ta’siri kompleks tarzda tahlil qilinadi. Ilmiy bilimlar tizimida yuz beradigan tub o‘zgarishlar, xususan, paradigmalar almashinuvi jarayoni epistemologik va metodologik yondashuvlar asosida o‘rganiladi. Tadqiqot davomida ilmiy inqiloblar konsepsiyasi, ilmiy ratsionallik mezonlari va bilimlar dinamikasining ijtimoiy-falsafiy asoslari yoritiladi. Natijada ilmiy paradigmalar evolyutsiyasi uzluksizlik va diskretlik uyg‘unligida kechuvchi murakkab jarayon ekanligi asoslab beriladi.

Kalit so‘zlar: ilmiy paradigma, ilmiy inqilob, epistemologiya, metodologiya, ilmiy tafakkur, nazariya, falsafiy tahlil, bilim evolyutsiyasi.

Философские аспекты эволюции научных парадигм

Аннотация. В данной статье всесторонне анализируется философская сущность эволюции научных парадигм, факторы их формирования и их влияние на развитие научного мышления. Фундаментальные изменения, происходящие в системе научного знания, в частности, процесс смены парадигм, изучаются на основе эпистемологических и методологических подходов. Исследование охватывает концепцию научных революций, критерии научной рациональности и социально-философские основы динамики знания. В результате обосновывается, что эволюция научных парадигм представляет собой сложный процесс, происходящий в сочетании непрерывности и дискретности.

Ключевые слова: научная парадигма, научная революция, эпистемология, методология, научное мышление, теория, философский анализ, эволюция знания.

Philosophical aspects of the evolution of scientific paradigms

Abstract. This article comprehensively analyzes the philosophical essence of the evolution of scientific paradigms, the factors of their formation and their impact on the development of scientific thinking. The fundamental changes occurring in the system of scientific knowledge, in particular, the process of paradigm shifts, are studied on the basis of epistemological and methodological approaches. The research covers the concept of scientific revolutions, the criteria of scientific rationality, and the socio-philosophical foundations of the dynamics of knowledge. As a result, it is substantiated that the evolution of scientific paradigms is a complex process that occurs in a combination of continuity and discreteness.

Key words: scientific paradigm, scientific revolution, epistemology, methodology, scientific thinking, theory, philosophical analysis, evolution of knowledge.

O‘ZBEK DAVLATCHILIK TARAQQIYOTIDA G‘OYA VA MAFKURANING SIYOSIY OMIL SIFATIDA O’RNI

Alimbetova G.A.

Qoraqalpoq davlat universiteti

Tahlillarimizdagi ikkinchi masala sifatida, mamlakatimizda inson salohiyatini ro‘yobga chiqarish uchun barchaga teng imkoniyatlar berish, odamlar munosib hayot kechirishiga zarur sharoitlar yaratish va O‘zbekistonda kambag‘allikni qisqartirish maqsadida “ijtimoiy davlat” tamoyili asosida davlat va jamiyat qurish hamda bu tamoyilni Konstitutsiyada mustahkamlash zarurligini ta’kidlab o‘tdi. Bundan shuni anglash lozimki, ijtimoiy hayotda barcha uchun barobar imkoniyatga ega bo‘lish, munosib hayot kechirish va kambag‘allikka tushmaslik huquqi fuqarolarning konstitutsion huquqiga ya’ni oliy huquq darajasiga ko‘tarilishi ijtimoiy davlat qurish uchun qo‘yilgan eng katta va muhim qadam deb ta’riflash mumkin. Bundan tashqari mamlakatimizdagi mavjud barcha darajadagi ta’lim muassasalarida faoliyat olib borayotgan o‘qituvchilarning maqomini, ularning sha’ni va qadr-qimmatini himoya qilishni Konstitutsiyada alohida belgilash zaruratini ilgari surilishi ham ijtimoiy islohotlarning natijasi deb hisoblash mumkin. Bundan ko‘rinib turibdiki, Konstitutsiya o‘zining deklarativ xususiyatini kamaytirib, haqiqiy xalq konstitutsiyasiga aylanib bormoqda. Bunday katta islohotlar va o‘zgarishlar O‘zbekiston xalqining siyosiy ongini o‘zgartirib, mavjud siyosiy mafkuralarni pozitivlashtirgan xolda rivojlanishning yangi bosqichiga olib chiqdi deb ta’riflash mumkin.

Murojaatnomada yana bir muhim masala sog‘liqni saqlash sohasiga katta ga e’tibor berilib, “aholiga birlamchi tibbiy xizmatlarni yanada yaqinlashtirish maqsadida 2023-2024-yillarda har bir oilaviy poliklinika va shifokor punktiga eng kerakli uskuna va jihozlar yetkazib berish va poliklinikalarda ekspress laboratoriyalar uskuna va jihozlarini yangilash qo‘shimcha 140 ta oilaviy shifokor punkti va poliklinikalari, 520 ta olis va chekka mahallada ixcham tibbiyot punktlarini tashkil etilishi, onalar va bolalar salomatligini muhofaza qilish bo‘yicha uch yillik katta dastur amalga oshirilishi hamda barcha tug‘ruq komplekslari to‘liq ta’mirlanib va jihozlanib, tug‘ruq komplekslaridagi o‘rinlar soni 35 foizga ko‘paytirilishi aytib o‘tilgan. Shu bilan birga, mamlakatimizda 15 mingga yaqin onkologik bemorlar nur yordamida davolash uchun 2023-yilda Samarqand, Farg‘ona va Xorazm viloyatlarida davlat-xususiy sheriklik asosida Radiologiya markazlarini tashkil etish loyihalarini amalga oshirilishi mamlakatimizdagi yetti millionga yaqin surunkali kassaligi bor fuqarolarni davolash va aholi salomatligini ta’minlash borasida olib borilishi lozim bo‘lgan ishlarni amalga oshirilishida haqiqiy amaliy dastur deb baholash mumkin” [1].

Mamlakatimizda ijtimoiy davlat qurish g‘oyasi ajdodlar merosida mujassam bo‘lgan xalqchillik, adolat va mehr tamoyillari negizida barpo etilmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan 2023-yilga yurtimizda “Insonga e’tibor va sifatli ta’lim yili” deb nom berishni taklif etganligi ham, hammani va har bir insonni baxtli, farovon qilish g‘oyasini barcha islohotlarning drayveri sifatida namoyon etadi.

Mamlakatdagi mavjud mafkuralar va g‘oyalarni o‘zida aks ettiruvchi omillardan biri bu mamlakat erishayotgan yutuqlar, rivojlanishlar va yangilanishlarni xalqaro tashkilotlar tomonidan e’tirof etilishi va xalqaro reytinglarda belgilanishi bilan ham bog‘liqdir. Xalqaro reyting va indekslarda yuqori o‘rinlarni egallash katta mehnat, sabot va matonat mahsulidir. Dunyo e’tirofi esa mamlakatimizning jadal rivojlanish jarayonini o‘zida aks ettirib, aholi turmush darajasining ko‘tarilishi, inson huquqlari ta’minlanishi va himoya qilinishi, biznes va xorijiy investorlar uchun kafolatlangan qulay muhit yaratilishi, iqtisodiy o‘sish va halol raqobatbardoshlik va davlat boshqaruvini amalga oshirishda xalqning ishtirok etishi, xalq bilan muloqot qilish tizimi samaradorligi va shaffofligini ta’minlash kabi muhim amaliy ishlar tufayli yuzaga keladi. Aynan mana shu jihatlar Yangi O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlar maqsadi, mazmuni va mohiyatini tashkil qiladi. Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning avval inson, keyin jamiyat va davlat tamoyili mamlakatimiz xalqchillik, g‘amxo‘rlik, inson qadrini ulug‘lovchi va odamlarning hayotdan rozi bo‘lib yashashini ta’minlashga xizmat qiluvchi siyosatining asosini tashkil qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 25-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasining xalqaro reytinglar va indekslardagi o‘rnini yaxshilash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4210-sonli qarori bilan O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini amalga oshirish doirasida mamlakatimizning xalqaro maydondagi ijobiy obro‘sini shakllantirish, O‘zbekiston Respublikasining xalqaro reytinglardagi o‘rnini xolis va haqqoniy baholashni ta’minlash bo‘yicha aniq maqsadga yo‘naltirilgan ishlar amalga oshirildi” [2]. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 2-iyundagi PF-6003-son Farmoniga muvofiq Xalqaro reytinglar va indekslar bilan ishlash bo‘yicha respublika kengashi tashkil etildi va O‘zbekiston uchun ustuvor bo‘lgan 19 ta xalqaro reyting va indekslar ro‘yxati shakllantirildi. Indekslar bo‘yicha ishlarni tashkil qilish Respublika Kengashining ikki ishchi organi – Moliya va Adliya vazirliklari o‘rtasida taqsimlandi [3].

2022-yil 18-maydagi PQ-246-sonli “Xalqaro reyting va indekslar bilan ishlashda ilmiy salohiyat hamda amaliy faoliyat uyg‘unligini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasini jadal amalga oshirish, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasining ustuvor xalqaro reyting va indekslardagi ko‘rsatkichlarini yaxshilashga yo‘naltirilgan islohotlarni amalga oshirish yuzasidan takliflar ishlab chiqishga mamlakat ilmiy salohiyatini mazkur jarayonga keng jalb etish, loyihaviy boshqaruvning xalqaro standartlaridan samarali foydalanish, uzluksizlik tamoyili asosida davlat xizmatchilarining sohadagi bilim va ko‘nikmalarini oshirib borish maqsadini ifoda etadi [4].

Jahon banki tomonidan 1996-yildan buyon har yili mamlakatlarda boshqaruv sifati darajalarini baholanib kelinadi. Ushbu baholash mezonining “Jamoatchilik fikrini hisobga olish va davlat hokimiyati organlarining javobgarligi” (Voice and Accountability) indikatori davlatlardagi siyosiy jarayonlar, fuqarolik erkinliklari va siyosiy huquqlarning turli jihatlarini o‘lchaydigan ko‘rsatkichlarni o‘z ichiga oladi. Ushbu toifadagi ko‘rsatkichlar fuqarolarning davlat va boshqa hokimiyat organlari faoliyatida tanlashda ishtirok etish salohiyatini, matbuotning mustaqilligi darajasi, so‘z va o‘zaro uyushish erkinligi darajasini baholashni o‘lchaydi. Albatta bu indeksni qo‘llashning tom ma’nosi xalqning irodasi nechog‘li namoyon bo‘lishini inobatga olish masalasi turadi o‘z navbatida bu – xalq bilan muloqot qilish degan voqelikni o‘zida namoyon etadi.

Binobarin, keyingi sakkiz yilda mamlakatimizda aholi turmush sharoiti yaxshilanayotgani, xalq bilan muloqotni tizimi samarali yo‘lga qo‘yilayotganligi, davlat boshqaruv organlari faoliyatida oshkoralik va shaffoflik muhiti yuzaga kelganligi hamda ulardagi boshqaruv jarayoni ustidan jamoatchilik nazorati yo‘lga qo‘yilganligi hammaning ko‘z o‘rnida yuz berayotganligini ham aytish ayni haqiqatdir.

2022-yilda Birlashga Millatlar Tashkilotining (YUNIDO) “Raqobatbardosh sanoat unumdorligi indeksi” bo‘yicha hisoboti chop etildi. Unda O‘zbekiston Respublikasi ilk marotaba aks ettirilib, 152 ta mamlakat orasida 92-o‘rinni, MDHga a’zo davlatlar orasida 5-o‘rinni, Markaziy Osiyo mamlakatlari orasida 2-o‘rinni egalladi. Siyosiy-huquqiy sohaga oid xalqaro reyting va indekslarda 2022-yilda mamlakatimizning ko‘rsatkichlari quyidagicha baholangan:

Chegara bilmas muxbirlar xalqaro nohukumat tashkiloti tomonidan tuzilgan “Matbuot erkinligi indeksida” (“Press Freedom Index”) 180 ta davlat orasida O‘zbekiston 133-o‘rinda qayd etilgan bo‘lib, 2022-yilgi ko‘rsatkich o‘tgan yilga nisbatan 24 pog‘onaga yaxshilanganligini qayd etish joizki, bu ko‘rsatkich 2021-yilda O‘zbekiston 157-o‘rinda bo‘lgan. Jahon banki tomonidan tuziladigan Boshqaruvi sifati indikatorlarining (Worldwide Governance Indicators) 2021-yil yakunlari yuzasidan e’lon qilingan natijalarga ko‘ra, O‘zbekistonning natijalari barcha ko‘rsatkichlar bo‘yicha yaxshilanib bormoqda. Xususan, bu boradagi eng katta o‘sish “Tartibga solish sifati” indikatorida kuzatilgan bo‘lib, 208 ta davlat orasida O‘zbekiston avvalgi natijasini 33 pog‘onaga yaxshilab 144-o‘rinni egalladi. “Hukumat samaradorligi” indikatorida esa mamlakatimiz avvalgi yilgi natijasini 22 pog‘onaga yaxshilab 208 ta davlat orasida 116-o‘ringa ko‘tarildi. Huquq ustuvorligi indeksida (Rule of Law Index) O‘zbekistonning barcha ko‘rsatkichlar bo‘yicha natijalari yaxshilanib bormoqda. Umumiy ro‘yxatda mamlakatimiz Serbiya, Albaniya, Xitoy, Belarus, Qirg‘iziston, Rossiya, Turkiya va boshqalarni ortda qoldirib, 140 ta davlat orasida 78-o‘rinni egalladi. Bu ko‘rsatkich bo‘yicha 2021-yilda 85-o‘rinda bo‘lgan. Shuni faxrlanib ta’kidlaymizki, 2022-yilda huquq ustuvorligi bilan bog‘liq vaziyat faqatgina 54 ta davlatdagina yaxshilangan, 85 davlatda esa yomonlashib, bu indeksda O‘zbekiston huquq ustuvorligi bilan bog‘liq vaziyat yaxshilangan davlatlar qatoriga kiritilgan. “The Economist Intelligence Unit” tomonidan tuzilgan Jahon mamlakatlari demokratiyasi indeksida O‘zbekiston o‘z natijasini o‘tgan davrga nisbatan 2 pog‘onaga yaxshilagan holda 167 davlat orasida 155-o‘rinni egalladi [5].

Bugungi kunda mamlakatimizda istiqomat qilayotgan har bir fuqaro davlat va jamiyat hayotiga o‘zini daxldorligini his etib yashamoqda. Davlat rahbari fuqarolarning yashash joylarida o‘z qabulxonasini ochib ularni eshitish tizimi yaratilgani odamlarning o‘z qadr-qimmatini o‘sayotganini anglashiga, yurt taqdiri, mamlakat kelajagi haqida qayg‘urish va mulohaza qilishiga undamoqda.

Umuman olganda 2016-yildan so‘ng siyosiy mafkura borasidagi jarayonlar milliy tiklanish bosqichidan yangi – milliy yuksalish bosqichiga o‘tishi bilan izohlanmoqda. Mamlakat mafkurasi fuqarolarni milliy g‘oya atrofida birlashtirish, shaxs, jamiyat va davlat manfaatlari uyg‘unligi hamda xususiy mulkning qadriyat sifatida anglanishi va uning daxlsizligini ta’minlash, turmush sifatini muttasil oshira borib, xalqimizning hayotdan roziligiga erishishdan iboratligini ifodalaydi. Milliy taraqqiyot – evolyutsion xarakterga ega bo‘lib, quyidan yuqoriga tomon uzluksiz rivojlanishdan, ya’ni millatning shakllanishi, takomillashishi va yuksalishidan iborat uzluksiz jarayon hisoblanadi. Bu jarayon milliy g‘oya rivojida ham o‘z ifodasini topadi, uning amalga oshuvi esa millat taraqqiyotini ta’minlashning nazariy asosi bo‘lib xizmat qiladi. Shu bilan birga bu milliy taraqqiyot jarayonlariga daxldorlik hissi va faol fuqarolik pozitsiyasining susayishiga, yoshlar o‘rtasidagi “Qayerda farovon yashasam, shu yer vatan” degan kosmopolitik qarashlar hamda milliy ma’naviyatga nisbatan tahdidlar oshib borishi jarayonida yoshlar o‘rtasida “ommaviy ma’naviyat”ga moyillik paydo bo‘la boshlashiga olib kelmoqda.

Hozirgi kunda “ommaviy madaniyat”ning nisbatan keng tarqalgan ko‘rinishlaridan biri sifatida kosmopolitizmni alohida ta’kidlab o‘tish joiz. Kosmopolitizm - (yunoncha, “kosmopolites”-“dunyo fuqarosi”) g‘oyasi asosida Vatan, millat degan tushunchalarni rad etish, “inson dunyo fuqarosi” shiori asosida vatanparvarlik, davlatlarni mustaqilligi, milliy madaniyat va ma’naviyat kabi qadriyatlarni inkor etib, faqat dunyo fuqaroligini targ‘ib qiluvchi dunyoqarash g‘oyasini singdirishga alohida e’tibor qaratiladi [6]. Buning sababi, mavjud ta’lim texnologiyalarining amaldagi xususiyatlari ilg‘or zamonaviy tajriba yutuqlari bilan integratsiyalashmadi, tarbiyaviy ta’lim dasturlari asosan auditoriyadagi mashg‘ulotlardan iborat bo‘lib qoldi, innovatsion-amaliy mashg‘ulotlar nihoyat darajada kam qo‘llanildi.

Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligi g‘oyalarining ro‘yobga chiqishiga shaxsiy javobgarlik, mas’uliyat va daxldorlik tuyg‘ulari barcha qatlam vakillarining ongi va qalbiga to‘la yetib bormaganligi ma’muriy boshqaruv va

ijro tizimlarida ham muayyan muammolar yuzaga kelishiga sabab bo‘lmoqda. Milliy tiklanish va mustaqillikni mustahkamlash jarayonida erishgan yutuqlarimizni e’tirof etgan holda hamda yuqorida keltirib o‘tilgan yo‘l qo‘yilgan kamchiliklarga tanqidiy yondashgan holda milliy g‘oya rivojining konseptual asoslarini va g‘oyaviy ta’lim-tarbiya tizimini bugungi taraqqiyot talablariga muvofiq takomillashtirish zarurati yuzaga keldi.

Mamlakatimizni taraqqiy ettirish bo‘yicha qabul qilingan Harakatlar strategiyasida belgilab berilgan ustuvor vazifalardan kelib chiqqan holda milliy g‘oyani rivojlantirish dolzarb masalaga aylandi. Zero, Harakatlar strategiyasini Milliy strategiyamiz desak ham adashmaymiz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-aprel kuni “O‘zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichida milliy g‘oyani rivojlantirish konsepsiyasini ishlab chiqishga doir chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmoyishi qabul qilinganidan buyon o‘tgan vaqt davomida bir qator ishlar qilindi. Xususan, taniqli olimlar, ekspertlar, ijodkor ziyolilardan iborat ishchi guruh tomonidan Milliy g‘oya konsepsiyasi loyihasi ishlab chiqildi [7]. O‘zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichida milliy g‘oya rivojini O‘zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan amalga oshirilayotgan “Taraqqiyot Strategiyasining beshinchi “Ma’naviy taraqqiyotni ta’minlash va sohani yangi bosqichga olib chiqish” yo‘nalishining 71-78 vazifalarida Yangi O‘zbekistonda milliy mafkura va milliy g‘oyani insonparvar va xalqchil tamoyillari bilan yuksaltirish yo‘llari aniq ko‘rsatib berilgan” [8]. “Yangi O‘zbekistonning milliy g‘oyasi mustahkam, tubi asrlar qa’riga borib yetuvchi ma’naviyat asosiga quriladi. So‘nggi yillarda dunyoning turli mintaqa va davlatlarida sodir bo‘layotgan ayanchli voqealar tahlili ommaviy axborot vositalari, zamonaviy axborot texnologiyalari, jumladan, internet tizimi, ijtimoiy tarmoqlar va elektron nashrlar ko‘p hollarda ayrim buzg‘unchi kuchlar qo‘lida turli soxta, zararli g‘oya va mafkuralarni targ‘ib etishning qulay va tezkor vositasiga aylanib qolayotganligini ko‘rsatmoqda” [9].

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, “Ijtimoiy davlat” tamoyili asosida qurilayotgan Yangi O‘zbekistonni bunyod etish uchun mamlakatimizda olib borlayotgan islohotlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, yuzaga kelayotgan barcha muammolarning yengib o‘tishga qodir bo‘lish, Vatanni sevish, fidokorona va halol mehnat qilish orqali albatta o‘z maqsadlarimizga yetamiz. Ayni vaqtda davlatning ijtimoiy jarayonlarni koordinatsiyalash funksiyasi mavjud muammolarni aniqlash, yechim yo‘llari bo‘yicha aholini faollashtiruvchi ijtimoiy harakatlarni shakllantirish va ijtimoiy institutlar faoliyatini kuchaytirish vazifalarini ham o‘zida mujassamlashtiradi.

ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O‘zbekiston xalqiga qilgan Murojaatnomasi. URL: https://president.uz/uz/lists/view/5774
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 25-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasining xalqaro reytinglar va indekslardagi o‘rnini yaxshilash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4210-sonli qarori
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2-iyundagi PF-6003-sonli “Xalqaro reyting va indekslar bilan ishlashda ilmiy salohiyat hamda amaliy faoliyat uyg‘unligini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 18-maydagi PQ-246-sonli “Xalqaro reyting va indekslar bilan ishlashda ilmiy salohiyat hamda amaliy faoliyat uyg‘unligini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori
5. Uzbekistan United Nations Country Results Report 2023.
6. Мусаев М. “Оммавий маданият”нинг замонавий кўринишлари “Ватанпарвар” газетаси 2024-yil 13-сентябр 37-сон.
7. Mirzo. M. Ulug‘ maqsad yo‘liga chiqqan O‘zbekiston milliy taraqqiyot manzili sari yangi bosqichga qadam qo‘ydi. https://uza.uz/uz/posts/milliy-oyani-rivozhlantirish-kontseptsiyasi-umumkhal-mu-okam-12-12-2019
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son «2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi Farmoni.
9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son «2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi Farmoni

O‘zbek davlatchilik taraqqiyotida g‘oya va mafkuraning siyosiy omil sifatida o’rni

Rezyume. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning tomonidan ijtimoiy davlat qurishida olib borilayotgan oqilona xalqchil siyosatining mazmun mohiyati ,tarixiy rivojlanish bosqishlari haqida , dunyo olimlaring fikirlari o’rganilgan va ularning amaliy ahamiyatiga baha berilgan.

Kalit so’z: Mafkura , siyosiy mafkura, siyosiy g’oya, siyosiy jarayonlar.

Политические аспекты идеи и идеологии в развитии узбекской государственности роль фактора

Резюме. Изучены взгляды мировых ученых на содержание и сущность мудрой народной политики, проводимой Президентом Шавкатом Мирзиёевым в построении социального государства, этапы исторического развития, дана оценка их практической значимости.

Ключевое слово: Идеология, политическая идеология, политическая идея, политические процессы.

The political significance of ideas and ideology in the development of Uzbek statehood role as a factor

Summary. The essence and significance of President Shavkat Mirziyoyev's wise, people-oriented policy in building a social state, the stages of historical development, and the opinions of world scholars have been studied, and their practical significance has been assessed.

Key words: Ideology, political ideology, political idea, political processes.

QARAQALPAQSTANDA AWÍZEKI TARIYXTÍ IZERTLEW TARIYXÍ: QÁLIPLESIWI HÁM RAWAJLANIW BASQISHLARÍ

Toreniyazov J. E., Jalǵasbaeva G.
QMU magistrantı

Kirisiw. Búgingi kúnde awızeki tariyx (oral history) tariyxtanıwshılıqtıń áhmiyetli baǵdarlarınan biri sipatında tán alınbaqta. Ol tek ǵana tariyxıy waqıyalardı húJjetlestiriw emes, al sociallıq yadtı tiklew, jámiyettiń hár qıylı

qatlamlarınıń tájiriybesin úyreniwde de áhmietli dárek bolıp esaplanadı. «Awızeki tariyx» ataması payda bolǵanına kóp bolmaǵan, biraq, «awızeki tariyx» túsinigi jańa emes, tariyx payda bolıwı menen awızeki tariyx júzege kelgen, ol tariyxtıń birinshi túri edi. Jazıw bolmaǵan jámiyetlerde awızeki dástúrlerdiń isenimliligi kúshli edi. Mısalı, Áyyemgi Greciyada eski qurallar hám qalanıń qarabaqanaları qaldıqları anıq 600 jıl dawamında «Iliada»nıń jazba variantları payda bolǵanǵa shekem awızeki formada saqlanıp kelgeni ilimiy tastıyıqlanǵan[1.183]. Házirgi zamanda da adamlar máresimler, ismler, qosıqlar, tariyxtı yadta saqlap qaladı hám keyingi áwladqa maǵlıwmatlardı húJjetler arqalı jetkerip beriw kepillenedi. Demek, jámiyette húrmetke sazawar bolǵan dástúriy awızeki ráwiyatlar eń ázzi tárepi bolǵan.

Awızeki tariyx jańa ilim tarmaǵı hám jańa metod sıpatında XX ásirdiń ekinshi yarımınan qáliplese baslaǵan. Awızeki tariyx metodınıń tiykarın salıwshısı sıpatında amerikalı jurnalist Jo Gulda tán alınadı. Ol, «Biziń dáwirimizdegi awızeki tariyx» kitabın jazıw menen tariyx metodına tiykar saladı. Bul shıǵarma AQShda baspadan shıǵarıldı. AQSh tariyxshı-izertlewshileri usı metodtıń sociallıq ilimler sistemasına kirip keliwine úlken salmaq qosqan. AQShda 1948-jılı Kolumbiya universiteti janında awızeki tariyx orayı jumıs baslaydı. 1967-jılı usı mámlekette awızeki tariyx associaciyası shólkemlestiriledi. Awızeki tariyxtıń qáliplesiwi hám rawajlanıwına bir qansha faktorlar sebep bolǵan. Sonıń ishinde, tariyx ilimleri tarawındaǵı ózgerisler, jańa málimleme texnologiyalarınıń rawajlanıwı, maǵlıwmatlardı jetkerip beriw hám saqlaw usıllarınıń ózgeriwi hám rawajlanıwı usılardıń qatarına kiredi.

Awızeki tariyxtıń tiykarǵı metodları tómendegilerden ibarat: intervyu alıw; audio hám video jazıwlardı arxivlew; narrativ analiz; kontekstual tariyxıy salıstırıw. Qaraqalpaqstan aymaǵında awızeki tariyxıy miyras uzaq ásirlik dástúrlerge iye bolıp, ol xalıq awızeki dóretiwshiligi, folklortanıw hám etnografiya menen tıǵız baylanısta rawajlandı.

Qaraqalpaqstanda awızeki tariyx izertlewleriniń qáliplesiwi bir neshe basqıshta ótti: dástúriy awızeki miyras dáwiri, sovet dáwiri ilimiy-etnografiyalıq izertlewler basqıshı hám ǵárezsizlik dáwirinde milliy tariyxtı qayta talqılaw basqıshı.

Qaraqalpaqstanda awızeki tariyxtıń dástúriy tamırları. Tarıyxımızdı tereń úyreniw hám onnan durıs juwmaq shıǵarıw ushın xalıq xojalıǵınıń barlıq tarawlarına úles qosqan insanlardıń eske túsiriwlerin úyreniw úlken áhmiyetke iye. Olardıń eske túsiriwleri keleshek áwladtı tárbiyalawda hám ótmishten juwmaq shıǵarıp keleshekke durıs baǵdar alıwda xizmet etedi. Hár bir elde óz xalqınıń tereń izzet-húrmetine bólengen, bálent mártebeli, abıraylı adamları boladı. Xalıq óziniń bunday ájayıp perzentlerin húrmetlep eske alıp turadı. Sebebi olardıń ómir jolı, turmıs tájriybesi keyingi áwladqa jol kórsetip otıradı. Sonlıqtan da, eske túsiriwlerdi ilimiy jaqtan izertlewge dıqqat awdarıw búgingi kúnniń ilimiy mashqalalarınıń biri bolmaqta. Sonlıqtan xalqımız arasınan shıqqan belgili insanlar hár bir dáwirde de ushırasadı. Olar jámiyetimizge tariyxımızdıń gúwa bolǵanınday barlıq dáwirlerinde xizmet etip kiyatır. Sol ushın, olardı qádirlew, xizmetlerin hám olar haqqındaǵı eske túsiriwlerdi úyreniwimiz kerek. Áwladtan-áwladqa ótip kiyatırǵan tariyxıy dástúrlerimizdi bilgen hár qanday insan jetik insan bolıp jetilisedi.

Qaraqalpaqstan tariyxındaǵı aktual máselelerdiń biri hám bir insannıń ata tegin biliwi, xalqınıń rawajlanıwına úles qosqan insanlardıń tariyxına itibar berip, onnan órnek alıwı. Sebebi hár bir insannıń ulǵayıp er jetiwinde, jámiyette óziniń ornın iyelewde, óziniń kelip shıǵıw tariyxın biliwi xalqımızdıń rawajlanıwındaǵı ornı, olardıń bay turmıslıq tájriybesi insandi tárbiyalap baradı. Sonlıqtanda tariyxta iz qaldırǵan insanlardıń eske túsiriwlerin úyreniw hám jámiyetshilikke úgit-násiyat etiw hár bir insannıń wazıypası bolıwı tiyis. Bul óz gezeginde olardıń hám solar arqalı sol dáwirdiń tariyxın úyreniwge keń múmkinshilikler jaratıp beredi. Bulardıń barlıǵı tariyxımızǵa bolǵan qızıǵıwshılıǵınıń ósip baratırǵanlıǵın kórsetiw menen birge úyreniliwi tiyis bolǵan máselelerdiń kóp ekenligin kórsetip bermekte [2.136-137]. XX ásir baslarında qaraqalpaq folklorın jıynaw hám izertlew jumısları jedellesti. Bul baǵdarda belgili ilimpaz S.P. Tolstov basshılıǵındaǵı Xorezm arxeologiyalıq-etnografiyalıq ekspediciyası áhmietli rol oynadı. Ekspediciya dawamında tek ǵana materiallıq mádeniyat estelikleri emes, al awızeki ráwiyatlar hám etnografiyalıq maǵlıwmatlar da atap ótildi.

Sovet dáwirinde awızeki tariyx izertlewleri. Sovet dáwirinde awızeki tariyx óz aldına ilim sıpatında emes, al folklortanıw hám etnografiyanıń quramında úyrenildi. Bul dáwirde awızeki derekler tiykarınan klasslıq gúres, sociallıq teńlik hám sovet ideologiyası kózqarasınan talqılanadı. Qaraqalpaqstanda 1930-1980-jıllarda ótkerilgen ilimiy ekspediciyalar dawamında: kollektivlestiriw procesleri; uris jılları estelikleri; dástúriy turmis tárizi; ruw-qáwim shejireleri haqqında awızeki magliwmatlar toplandı. Biraq bul dáwirde siyasiy sheklewler sebepli ayırım tariyxıy waqıyalar hám repressiya qurbanları haqqında ashıq aytıw imkaniyatı sheklengen edi.

Aytıw orınlı búgingi kúnge shekem ayrım Qaraqalpaq xalqınan shıqqan el azamatlarınıń eske túsiriwleri tiykarında memuar kitapları jarıq kórdi. Qaraqalpaqstannıń belgili aqsaqallarınıń biri, mámleketlik hám jámiyetlik ǵayratker Qallibek Kamalovtıń “El xızmetinde” kitabı eske túsiriwlerden ibarat bolıp, negizinen ol el basqarǵan 60-80-jıllardaǵı waqıyalardı óz ishine aladı. Kitapta Qaraqalpaqstannıń ekonomikalıq, sociallıq hám mádeniy rawajlanıwına baylanıslı kóp tariyxıy waqıyalar, faktlar, sonday-aq bir qatar turmıslıq problemalarǵa, sonıń ishinde, til, ádebiyat hám tariyx ilimlerine baylanıslı oy-pikirleri berilgen. Jas áwladlardı tárbiyalaw máseleleri boyınsha avtor óz pikirleri menen ortaqlasadı, jaslarǵa óziniń jas úlkenlik násiyatların aytadı[3.472.]. Bul kitap 4 márte: 1995, 2018, 2019, 2021-jıllarda qayta basıldı. Qallibek Kamalov 1963-jıl mart – 1984-jıl 13-avgust aralıǵı yaki 21 jıl 5 ay basshılıq etken[3.18].

Ǵárezsizlik dáwirinde awızeki tariyxtıń jana basqıshı. 1991-jildan keyin Ózbekstan ǵárezsizlikke erisiwi menen tariyxtanıwda jana metodologiyalıq jantasıwlar payda boldı. Awızeki tariyx milliy ózlikti ańlaw hám tariyxıy ádillikti tiklew quralına aylandı. Ózbekstan Ilimler akademiyası sistemasındaǵı ilimiy mákemeler hám Qaraqalpaq gumanitar ilimler ilimiy-izertlew institutı tárepinen ámelge asırılǵan izertlewlerde awızeki dáreklerge ayrıqsha itibar qaratıldı. Ǵárezsizlik dáwirinde tómendegi baǵdarlar rawajlandı:

1. Repressiya hám súrgin estelikleri.
2. Aralboyı ekologiyalıq apachılıǵı gúwaları menen intervyuler.

3. Jergilikli tariyx (mikrotariyx) izertlewleri.

4. Dástúriy mádeniyat hám diniy miyrastı qayta úyreniw.

Atap aytqanda, Aral teńizi apachılıǵı menen baylanıslı awızeki gúwalıqlar aymaqtıń ekologiyalıq hám sociallıq tariyxın sáwlelendiriwde áhmietli dárekke aylandı.

2022-jılı 31-avgustta Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev Sheyitler esteligi qıyabanında repressiya qurbanların eslew máresimindegi shıǵıp sóylewinde: “"Búgin de jolda oylanıp kiyatırman. 30-jıllardı eski tariyx dese, "paxta isi" ne?! Jetekshilerimizdi repressiyalaw ushın jalǵan ayıplawlar oylap shıǵardı-ǵo. Basqa respublikalarda kemshilik joq pa edi? Bunday ashınarlı waqıyalardı hesh qashan umıtıp bolmaydı. Búgingidey bayramlarda, tınısh-tatıw kúnlerde usılardı da júregimizden ótkerip, jaslarımızǵa jetkeriwimiz kerek”[4], degen edi.

Birinshi Prezidentimiz I.A.Karimov:..." xalqımız keshegi tariyxımızdı qanday awır kúnlerdi kórgenin jaslarımızǵa kim túsindirip beredi? Eger bul haqıyqattı balalarımızǵa biz jetkermesek, kim jetkeredi? "[5.257.] degen edi. Haqıyqatında da, tariyxtı, ásirese jaqın tariyxımızdı bilmesten, ǵárezsizlik ne ekenligin bilmey turıp, ǵárezsizliktiń qádirine jetiw qıyın boladı. Kim bizge bul tariyxtı bayanlap beredi?

Bul haqqında "Ana jurtımızdıń baxıt-ıǵbalı hám ullı keleshegi jolında xızmet etiw - eń joqarı baxıt bolıp esaplanadı" kitabında:..." mine, usı uzaq hám jaqın tariyx haqqındaǵı haqıyqattı jazıwǵa, onı perzentlerimizge jetkeriwge umtılatuǵın pidayı adamlar, tilekke qarsı, oǵada az"[5.111.], - delinedi. Bunda jaslar tárbiyasına da unamlı tásir jasawımız sózsiz. Kitapta, sonday-aq, "dáslep ǵárezsizlikke erisiw aldındaǵı awır kúnlerdi tikkeley kórgen, usı waqıyalardıń gúwası bolǵan adamlardıń esteliklerin jazıp alıw zárúr"[6.] dep atap ótilgen. Bunda awızeki tariyxtıń da ózine tán áhmiyeti bar.

Metodologiyalıq mashqalalar hám perspektivalar. Qaraqalpaqstanda awızeki tariyx izertlewleri aldında bir qatar mashqalalar bar: Intervyulardı professional dárejede jazıp alıw hám arxivlew sistemasınıń jeterli emesligi; Sanlı arxivler bazasınıń sheklengenligi; Metodologiyalıq qollanbalar hám arnawlı tayarlıqtıń azlıǵı; Jas izertlewshilerdi tartıw zárúrligi. Keleshekte tómendegi baǵdarlar ayrıqsha áhmietke iye: Awızeki tariyx boyınsha arnawlı ilimiy oray shólkemlestiriw; Audio-video arxivler jaratıw; Xalıqaralıq tájiriybeni engiziw; Joqarı bilimlendiriw mákemelerinde arnawlı kurslar ashıw.

Juwmaq. Qaraqalpaqstanda awızeki tariyx izertlewleri áyemgi awızeki dástúrler tiykarında qáliplesken bolıp, XX ásirde ilimiy-etnografiyalıq izertlewler arqalı rawajlandı. Ǵárezsizlik dáwirinde bolsa awızeki tariyx milliy yadtı tiklew hám tariyxıy haqıyqatlıqtı sáwlelendiriwde áhmietli quralǵa aylandı. Aymaqta awızeki tariyxtı bunnan bılay da rawajlandırıw ushın zamanagóy metodologiyalardı engiziw, sanlastırıw processlerin kúsheytiw hám ilimiy kadrlar tayarlaw áhmietli wazıypa bolıp qalmaqta. Awızeki tariyx Qaraqalpaqstannıń bay tariyxıy miyrasın saqlaw hám keleshek áwladlarǵa jetkeriwde áhmietli ilimiy baǵdar sıpatında óz áhmietin saqlap qaladı.

ÁDEBIYATLAR

1. Шадманова С.Б., Юлдашев М.М. Тарийхый изертлеўлердиң методологиясы ҳәм заманагөй усыллары. – Н.: «Билим», 2020.
2. Сайманов С., Кушербаев А. Еске түсириўлерди үйрениўдиң әҳмийети // «Ғәрезсизлик жылларында Қарақалпақстанда археология илиминиң раўажланыўы» атамасындағы Республикалық ИТК материаллары. – Н., 2015.
3. Камалов К. Ел хызметинде. – Нөкис: «Билим», 2021.
4. https://uznews.uz/ru/posts/58285
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.
6. Халқ сўзи. 2015 йил, 13 январь. http://uza.uz/oz/

Rezyume. Ushbu maqolada Qoraqalpog‘istonda og‘zaki tarix tadqiqotlarining shakllanishi va rivojlanish bosqichlari tahlil qilinadi. Hududda og‘zaki tarixiy xotira va an’anaviy rivoyatchilik madaniyati qadimiy ildizlarga ega bo‘lib, u asosan xalq og‘zaki ijodi, dostonchilik va geneologik rivoyatlar orqali saqlanib kelgan. XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab ilmiy-etnografik tadqiqotlar doirasida og‘zaki tarixiy materiallarni to‘plash va tahlil qilish ishlari tizimli tus oldi. Mustaqillik davrida esa og‘zaki tarix milliy xotirani tiklash va tarixiy adolatni qaror toptirish vositasi sifatida yangi bosqichga ko‘tarildi. Maqolada Qoraqalpog‘istonda og‘zaki tarix tadqiqotlarining asosiy yo‘nalishlari, muammolari va istiqbollari yoritilgan.

Tayanch iboralar: og‘zaki tarix, tarixiy yodgorlik, folklor, etnografiya, milliy o‘zlik, dostonchilik.

Резюме. В данной статье анализируются этапы формирования и развития исследований устной истории в Каракалпакстане. Устная историческая память и традиционная культура повествования в регионе имеют древние корни и сохраняются в основном через устное народное творчество, эпосы и генеалогические предания. Со второй половины XX века в рамках научно-этнографических исследований работа по сбору и анализу устных исторических материалов приобрела системный характер. В период независимости устная история поднялась на новый уровень как средство восстановления национальной памяти и установления исторической справедливости. В статье освещаются основные направления, проблемы и перспективы исследований устной истории в Каракалпакстане.

Ключевые слова: устная история, исторический памятник, фольклор, этнография, национальное самосознание, эпос.

Summary. This article analyzes the stages of formation and development of oral history research in Karakalpakstan. Oral historical memory and traditional storytelling culture in the region have ancient roots and are preserved mainly through oral folk art, epics, and genealogical traditions. Since the second half of the 20th century, within the framework of scientific and ethnographic research, work on collecting and analyzing oral historical materials has acquired a systematic character. During the period of independence, oral history has risen to a new level as a means of restoring national memory and establishing historical justice. The article highlights the main directions, problems, and prospects of oral history research in Karakalpakstan.

Key words: oral history, historical monument, folklore, ethnography, national identity, epic.

GIYOHVANDLIK VOSITALARI, PSIXOTROP VA KUCHLI TA'SIR QILUVCHI MODDALARGA QARAM BO'LGAN SHAXSLARNI REINTEGRATSIYA QILISH VA IJTIMOIY MOSLASHTIRISHNING XORIJIY TAJRIBASI: SIYOSIY-INSTITUTSIONAL TEXNOLOGIYALAR TRANSFORMATSIYASI

Kenjayev J. O.
O'zbekiston Respublikasi IIV Malaka oshirish instituti
Maxsus-kasbiy fanlar kafedrasi professori, s.f.b.f.d (PhD) podpolkovnik

Giyohvandlik vositalari, psixotrop va kuchli ta'sir qiluvchi moddalarning noqonuniy muomalasi hamda ularning suiste'mol qilinishi global tus olib, jamiyatlarning barqaror rivojlanishi, ijtimoiy xavfsizlik va davlatlarning milliy suverenitetiga tahdid solayotgan eng og'ir transchegaraviy muammolardan biri hisoblanadi [6, 75, 141]. Giyohvandlikka qaram bo'lgan shaxslarni ijtimoiy hayotga qaytarish (resotsializatsiya) va ijtimoiy moslashtirish (readaptatsiya) jarayonlari shunchaki tibbiy yoki ma'muriy masala emas, balki davlat boshqaruvi salohiyati, ijtimoiy integratsiya va jamoat barqarorligini ta'minlovchi strategik siyosiy-institutsional texnologiyadir [6, 84, 141].

Tarixan, dunyo mamlakatlari antinarkotik siyosatni shakllantirishda asosan repressiv (jazolovchi) yondashuvlarga tayangan holda, qaram shaxslarni jinoiy javobgarlikka tortish va jamiyatdan izolyatsiya qilish (repressiv model, «War on Drugs») yo'lini tanlagan edilar [11, 186, 188]. Biroq, kriminologik va sotsiologik tadqiqotlar (RAND Corporation va boshqalar) bunday yondashuv kutilgan samarani bermaganligini, u faqatgina qamoqxonalarning to'lib ketishi, tizmga tushgan yoshlarning tamg'alanishi (stigma) va takroriy jinoyat (retsidiv) ko'rsatkichlarining keskin ortishiga sabab bo'lganligini tasdiqladi [8, 11, 188]. Shu sababli, zamonaviy global siyosatda antinarkotik kurash metodologiyasini jazo-markazidan inson-markaziga (biopsixososial modelga) o'tkazish, qaram shaxslarni jazolash o'rniga ularni ijtimoiy-tibbiy va psixologik reabilitatsiya qilish orqali sog'lom ijtimoiy hayotga qaytarish ustuvor yo'nalishga aylandi [10, 40, 190]. Ushbu maqola asosan reintegratsiya (resotsializatsiya) va readaptatsiyaning eng ilg'or xorijiy modellari hamda ularning Yangi O'zbekiston siyosiy-institutsional tizimiga implementatsiya qilinishi bilan bog'liq innovatsion preventiv texnologiyalar ilmiy tadqiq etiladi. Yangi O'zbekistonda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan ilgari surilgan "Inson qadri uchun" oliy konseptual tamoyilining amaliy ifodasi sifatida aholi salomatligini ishonchli muhofaza qilish, yoshlarni narkotiklar girdobidan himoya qilish davlat siyosatining eng ustuvor va konstitutsiyaviy yo'nalishi etib belgilandi [1, 86, 101, 120]. Davlatimiz rahbarining 2025-yil 26-dekabrdagi Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasida: "Endi narkojinoyatlarga qarshi kurashishni umummilliy harakatga aylantirib, jamiyatda bu illatga murosasiz muhit yaratamiz. Yurtimizdagi har bir bola, har bir yosh – bizning farzandimiz, ularni giyohvandlik changaliga tashlab qo'yishga aslo yo'l qo'ymaymiz!" – deya belgilagan ustuvor vazifalari [1, 30, 120] hamda 2025-yil 3-noyabrdagi PF-207-son Farmonida ko'rsatilgan giyohvandlik va zaharvandlikni barvaqt profilaktika qilish, davolash va tibbiy-ijtimoiy reabilitatsiya qilish tizimini tubdan takomillashtirish vazifalari reintegratsiya sohasidagi islohotlarning konseptual poydevori hisoblanadi [2, 7, 122, 129, 145]. Ushbu muammoni hal etish uchun BMTning global konvensiyalari talablariga tayangan holda [53, 74], milliy qonunchilikda va boshqaruv amaliyotida repressiv va preventiv choralarning mutanosib, oqilona gibrid shaklini yarata bilish, xususan, 2024–2028-yillarga mo'ljallangan Milliy strategiyaning 5-Maqsadida ("Giyohvandlikning tibbiy-ijtimoiy reabilitatsiyasini yanada takomillashtirish") ko'rsatilganidek, Addiktologiya tibbiy-ijtimoiy reabilitatsiya markazini tashkil etish, resotsializatsiya zanjirini ilmiy asoslangan standartlar darajasiga ko'tarish bugungi kunda o'ta dolzarb ilmiy-amaliy ahamiyat kasb etadi [4, 14, 122, 134].

Giyohvand moddalarga qaram bo'lgan shaxslarning ijtimoiy hayotga qaytishi va takroriy jinoyatchilikning (retsidiv) oldini olish mexanizmlarini tadqiq etishda bir qator klassik va zamonaviy kriminologik, sotsiologik hamda siyosiy-huquqiy nazariyalar interdisisplinar tarzda sintez qilindi:

John Braithwaite'ning "Reintegrativ sharmandalik" (Reintegrative Shaming Theory, 1989) nazariyasi: Giyohvandlik jinoyatini yoki deviant xulqni sodir etgan shaxslarga nisbatan qo'llaniladigan jazo turlarini tahlil qilishda asosiy metod sifatida olindi [163, 166]. Braitveytga ko'ra, stigmatizatsiyalovchi (kechirilmas) jazo shaxsni jamiyatdan butunlay chetlatib, uning yanada jinoyatchilar subsubmadaniyatiga kirib ketishiga sabab bo'ladi [167]. Aksincha, reintegrativ sharmandalik qilmishni qoralaydi, biroq jinoyatchining shaxsini emas, balki uni tushunish, kechirish va jamiyatga qayta qabul qilishga ko'maklashadi, bu esa retsidiv darajasini keskin kamaytiradi [167].

Edwin Lemert'ning "Yorliq yopish" (Labeling Theory) nazariyasi: Birlamchi deviantlik va ikkilamchi deviantlik o'rtasidagi farqni o'rganishda qo'llanildi [99]. Unga ko'ra, jamiyat va huquqni muhofaza qiluvchi idoralar tomonidan insonga "jinoyatchi", "sudlangan" yoki "giyohvand" degan tamg'aning (yorliqning) rasman yopishtirilishi uning ijtimoiy marginalizatsiyasiga (kamsitilishiga, ishdan haydalishiga) olib keladi [99, 100]. Oqibatda, u o'zini qabul qiluvchi yagona joy — jinoiy submadaniyat va narkomuhitga qaytib borishga majbur bo'ladi [100].

Travis Hirschi'ning "Ijtimoiy nazorat" (Social Control / Social Bond Theory, 1969) nazariyasi: Insonni jinoyatdan va giyohvandlikdan to'xtatib turuvchi kuch — uning jamiyat bilan bo'lgan mustahkam ijtimoiy aloqalari (Social Bonds) ekanligini asoslashda foydalanildi [68, 69, 160]. Hirschi ushbu aloqalarni to'rtta elementga bo'ladi: Bog'liqlik (Attachment - oila, maktab va do'stlar bilan hissiy rishta), Majburiyat (Commitment - ijtimoiy mavqe va o'qishdagi yutuqlarini yo'qotmaslik mas'uliyati), Jalb qilinganlik (Involvement - bo'sh vaqtning foydali, tizimli va sport mashg'ulotlari bilan bandligi) va Ishonch (Belief - jamiyat qoidalarining to'g'riligiga ishonish) [69, 70, 96].

Robert Agnew'ning "Umumiy zo'riqish" (General Strain Theory - GST) nazariyasi: Giyohvandlikka boshlovchi etiologik omillarni o'rganishda qo'llanildi [91, 117]. GSTga ko'ra, shaxs hayotidagi ijtimoiy-psixologik bosimlar, zo'riqishlar, oilaviy zo'ravonlik va travmalar unda g'azab, tushkunlik kabi salbiy emotsiyalarni keltirib chiqaradi va u buni yengish uchun giyohvand moddalar iste'moli (deviant coping) yo'lini tanlaydi [92, 105].

Mazkur nazariy tushunchalar milliy siyosatshunoslik va huquqiy tadqiqotlar maktablari vakillaridan akademik A.X. Saidov (qonunchilikni tizimlashtirish va inson huquqlari madaniyati) [142], I. Ismailov (profilaktik tizimlar va kriminologik tahlil) [144], M.Q. O‘razaliev (deviant xulq-atvor determinantlarining siyosiy-profilaktik texnologiyalari) [83, 84] va D.K. Musaevlarning (narkotiklar noqonuniy aylanmasining ijtimoiy-huquqiy va tizimli profilaktikasi) [142] ilmiy-amaliy tavsiyalari bilan boyitildi.

Giyohvandlik vositalari va kuchli ta’sir qiluvchi moddalarga qaram bo‘lgan shaxslarni ijtimoiy hayotga qaytarish borasidagi global siyosatda so‘nggi yillarda tibbiy-ijtimoiy paradigma ustuvor yo‘nalishga aylandi [10, 106]. AQSHning Johns Hopkins University tomonidan o‘tkazilgan yirik sotsiologik tadqiqot shuni ko‘rsatadiki, jamiyatning qaram shaxslarga nisbatan “axloqiy tubanlik” (moral failing) va “kuchsiz iroda” sifatida munosabatda bo‘lishi (tamg‘alashi) ularning bor-yo‘g'i 22 foiziga jamiyatda normal ishlash yoki yashash imkonini bergan [93]. Bunday tizimli diskriminatsiya va mariginalizatsiya Toshkent va boshqa hududlardagi og‘ir jinoyatlarning (qotillik, bosqinchilik, oilaviy zo‘ravonlik) ma’lum qismini ayniqsa o‘z vaqtida ijtimoiy-psixologik va tibbiy yordam ololmagan marginallashgan giyohvand shaxslar tomonidan sodir etilishiga olib kelgan [94].

Shu boisdan, jahon amaliyotida D.A. Andrews va James Bonta tomonidan ishlab chiqilgan RNR (Risk-Need-Responsivity - Xavf, Ehtiyoj va Moslashuvchanlik) modeli reabilitatsiya tizimining asosi sifatida e’tirof etildi [104]. Ushbu model profilaktik va korreksion aralashuvning intensivligini huquqbuzarning individual xavf darajasiga qarab belgilaydi, uning aynan qaramlik ehtiyojlarini (tibbiy, psixologik, kasb-hunar) qondirishga qaratiladi [104, 108]. Bu esa davlatlarning jazo va davolash o‘rtasidagi muvozanatni saqlashga yo‘naltirilgan siyosiy-institutsional texnologiyalarini rivojlantirdi [188, 190].

Portugaliya Respublikasining 2000-yildagi 30/2000-sonli “Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarni iste‘mol qilishning huquqiy rejimi to‘g‘risida”gi Qonuni [15, 17] dunyodagi eng innovatsion va muvaffaqiyatli dekriminalizatsiya modelini yaratdi [88, 106, 189].

Ushbu tizimning siyosiy-institutsional tabiati va ishlash texnologiyasi quyidagi xususiyatlarga ega [15, 107, 206]: Portugaliyada narkotik moddalarning 10 kunlik shaxsiy ehtiyoj miqdorida saqlanishi va iste’mol qilinishi jinoiy javobgarlikdan butunlay chiqarilgan [15, 123]. Politsiya xodimlari ushbu shaxslarni hibsga olmaydi, balki ularning moddalarini musodara qilib, 72 soat ichida Sog‘liqni saqlash vazirligi tasarrufidagi maxsus ma’muriy organga yo‘naltiradi [123, 206, 207].

Ushbu davlat organi — “Giyohvandlikni jilovlash komissiyalari” (Comissão para a Dissuasão da Toxicodependência - CDT) bo‘lib, ularning tarkibiga bir nafar yurist, bir nafar shifokor-psixiatr va bir nafar ijtimoiy xodim kiritilgan [15, 123, 206].

CDT komissiyasining asosiy maqsadi — shaxsni jazolash emas, balki uning qaramlik darajasini aniqlab, ixtiyoriy ravishda bepul davolanish va reabilitatsiya markazlariga yo‘naltirishdir [15, 123, 207]. Ushbu model natijasida Portugaliyada giyohvandlik bilan bog‘liq yangi OITS yuqish holatlari 2000 yildagi 907 tadan 2012 yilga kelib 79 tagacha qisqardi, o‘ta yuqori dozadan (overdose) o‘lim holatlari esa qariyb 70–80 %ga kamaydi [15, 16, 95, 107].

Jahon amaliyotidagi Portugaliya modelining mutlaqo teskari qutbi — Singapur Respublikasining “Sariq lenta” (Yellow Ribbon Project) loyihasi hisoblanadi [16]. Singapurda ta’minotni kamaytirish uchun o‘ta shafqatsiz va repressiv jazo choralari (jumladan, o‘lim jazosi) belgilangan bo‘lsa-da, iste’molchilar va sobiq mahkumlarni ijtimoiy hayotga qaytarish bo‘yicha dunyodagi eng samarali tizim yo‘llangan [16, 114].

Ushbu tizimning siyosiy-ma’muriy texnologiyasi quyidagi ijtimoiy elementlarni qamrab oladi [16, 17, 18, 114]: Davlat sobiq mahkumlar va giyohvandlarni jamiyatga qaytarish uchun CARE Network (Community Action for the Rehabilitation of Ex-Offenders) tarmog‘ini tashkil etgan [16]. Ushbu tarmoq 170 dan ortiq yirik ijtimoiy, diniy va nodavlat tashkilotlarni hamda tadbirkorlarni yagona davlat platformasi atrofida birlashtiradi [16, 17]. Mazkur hamkorlik mexanizmi sobiq giyohvandlarning 94 foizini hali ozodlikka chiqqunga qadar munosib ish joylari bilan ta’minlashga erishgan [17, 18]. Buning natijasida Singapurda ikki yillik residiv (qayta jinoyat sodir etish) ko‘rsatkichi bor-yo‘g‘i 21,3–21,9 foiz oralig‘ida saqlanib, bu borada dunyodagi eng past ko‘rsatkichlardan birini namoyon etmoqda [18].

Germaniya Federativ Respublikasining antinarkotik siyosati o‘z ichiga repressiv va preventiv ustunlarni singdirgan muvozanatlashgan tizimdir [199]. Ushbu tizimning asosiy huquqiy hujjati bo‘lgan “Federal narkotiklar to‘g‘risida”gi Qonunning (BtMG, 2000 yil) §§ 35 va 37-moddalarida juda muhim siyosiy-huquqiy texnologiya belgilangan [12, 198].

Mazkur “Jazodan ko‘ra terapiya” (Therapy instead of punishment) tamoyilining ishlash tartibi quyidagicha [12, 198, 201]: Giyohvandlik ta’siri ostida bo‘lgan holda katta ijtimoiy xavf tug‘dirmaydigan jinoyat sodir etgan shaxslar, agar ixtiyoriy ravishda kamida 6 oydan 12 oygacha davolanish dasturiga rozilik bildirsalar, sud yoki prokuror qarori bilan ularga nisbatan jazo ijrosi to‘xtatib turiladi yoki ular jinoiy javobgarlikdan ozod etiladi [12, 57].

Bunda Landerlar (federal yerlar) va munitsipial tashkilotlar majburiy bandlik xizmatlari, cherkov va xayriya tashkilotlari, ambulator reabilitatsiya xizmatlari hamda yoshlar va uysizlar uchun maxsus ijtimoiy yotoqxonalar (socio-therapeutic transitional residential hostels) tarmog‘ini moliyalashtiradi [201, 202, 204].

Shaxs dasturni to‘liq tamomlab, narkotestlardan muvaffaqiyatli o‘tsa, dastlabki to‘xtatilgan jazo bekor qilinadi. Shartlar buzilganda yoki qayta iste’mol aniqlanganda, dastlabki to‘xtatilgan qamoq jazosi zudlik bilan kuchga kiradi [58].

Quyidagi jadvalda tahlil qilingan xorijiy davlatlarning antinarkotik reabilitatsiya va ijtimoiy moslashtirish tizimlari qiyosiy tahlil qilingan:

T/r	Davlatlar va Modellar	Asosiy Siyosiy Falsafasi	Mas’ul Markaziy Siyosiy Institut	Huquqiy Hujjati	Proaktiv Ijtimoiy Texnologiyasi

1	**Portugaliya modeli** (Liberal-Pragmatik)	Giyohvandlik jinoyat emas, balki tibbiy-ijtimoiy kasallikdir.	Sog‘liqni saqlash vazirligi va SICAD boshqarmasi	30/2000-sonli Dekret-Qonun	CDT Komissiyalari orqali jazosiz davolash va reabilitatsiyaga yo‘naltirish
2	**Singapur modeli** (Strict-Preventive)	Qat’iy nazorat va umummilliy ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash muvozanati.	Ichki ishlar vazirligi va CARE Network	Offender Rehabilitation Act	“Yellow Ribbon” (Sariq lenta) doirasida mahkumlarni ozodlikdan avval 94% band qilish
3	**Germaniya modeli** (Dual-Track / Integrativ)	Jinoiy jazoni reabilitatsiya bilan almashtirish lozim.	Federal Sog‘liqni saqlash vazirligi va Länder	Federal Narcotics Act (BtMG §§ 35, 37)	“Jazodan ko‘ra terapiya” (Therapy instead of punishment) va uy-joy, bandlik dasturlari
4	**Yangi O‘zbekiston modeli** (Gibrid-Preventiv)	Milliy genofondni qat’iy himoya qilish va “Inson qadri” mutanosibligi.	Narkotiklar va o‘qotar qurollarni nazorat qilish agentligi	PF-207-son Farmon va PQ-1-son Qaror	“Mahalla yettiligi” va “Inson” markazi ishtirokidagi uch tomonlama preventiv shartnoma

Global narkotrafikning raqamlashishi sharoitida faqatgina repressiv (taqiqlovchi) yoki ortiqcha liberal modellarni alohida qo‘llash kutilgan samarani bermaydi [124]. Jon Breytueytning “reintegrativ sharmandalik” nazariyasi [166] va Edvin Lemertning “yorliq yopish” nazariyalari [99] repressiv modellarning konseptual muvaffaqiyatsizligini yaqqol isbotladi. Narkosavdoda internet orqali aldanib “zakladkachi” sifatida yollangan yoshlarni darhol uzoq muddatli qamoq jazolariga hukm qilish va ularga umrbod “sudlangan” tamg‘asini bosish ularning axloqan tuzalishiga olib kelmaydi [99, 103]. Aksincha, sog‘lom jamiyat ulardan yuz o‘girgani sababli, ular stigmatizasiyaga uchrab, o‘zlarini qabul qiluvchi yagona joyga - jinoiy submadaniyatga va narko-muhitga qaytadilar va bu residivni keltirib chiqaradi [100, 103].

Ushbu konseptual muammoni hal etish uchun, Yangi O‘zbekistonning “Gibrid profilaktika modeli” doirasida Trevis Hirshining “Ijtimoiy bog‘lanish nazariyasi”dagi “Jalb qilinganlik” (Involvement) va “Bog‘liqlik” (Attachment) elementlarini milliy mahalla instituti imkoniyatlari bilan birlashtirish taklif etilmoqda [69, 71, 97]. Prezidentning 2026-yil 5-yanvardagi PQ-1-sonli qarori bilan joriy etilgan “mahalla ettiligi” instituti ushbu ijtimoiy bog‘lanishlarni kuchaytirishning eng samarali institutsional vositasidir [15, 25, 216].

Shu maqsadda, Portugaliya, Germaniya va Rossiya ilg‘or tajribalari asosida milliy qonunchilikka va amaliyotga mutlaqo yangi – “Uch tomonlama preventiv ijtimoiy reabilitatsiya shartnomasi” (Diversion) institutini kiritish tizimli asoslab berildi [21, 22, 110, 112]. Innovasion shartnomaviy texnologiya orqali biz shaxsni shunchaki tibbiy muassasaga yoki qamoqxonaga tashlab qo‘ymaymiz (Portugaliya modelidan farqli ravishda), balki uni mahallaning ijtimoiy ekotizimi ichida, oila va jamoatchilik nazorati ostida, davlatning bandlik va tibbiy kafolatlari ko‘magida nazoratli sog‘lomlashtiramiz [25, 27, 28]. Bu jarayon Prezident Shavkat Mirziyoevning PF-207-sonli Farmonidagi “Aholi salomatligini va millat genofondini narkojinoyatlardan ishonchli himoya qilish” va “Jinoyatchilikka qarshi kurashishda jazolash emas, balki insonni tuzalish yo‘liga qaytarishni ustuvor qilish” borasidagi oliy konseptual maqsadlariga to‘liq mos keladi [2, 28, 64, 121, 145].

Olib borilgan qiyosiy-institutsional va tizimli siyosiy tadqiqot natijasida quyidagi ilmiy va amaliy xulosalarga kelindi: Jahon mamlakatlarida antinarkotik siyosat repressiv jazolash modellardan voz kechib, giyohvandlikni jismoniy-ruhiy kasallik deb tan oluvchi va shaxsni sog‘lomlashtirish va resotsializasiya qilishga ustuvorlik beruvchi biopsixosotsial paradigmaga izchil transformasiya qilinmoqda [10, 42, 81, 189]. O‘zbekistonda qat’iy jinoiy-huquqiy nazorat (PF-207) bilan bir qatorda, mahallabay profilaktika (PQ-1) va ijtimoiy reabilitasiyani birlashtiruvchi muvozanatlashgan “Gibrid profilaktika modeli” davlat va jamiyat xavfsizligini ta’minlashning eng mustahkam siyosiy texnologiyasidir [2, 15, 25, 41, 122]. Ijtimoiy moslashtirishning muvaffaqiyati bevosita mas’ul davlat idoralari (IIV, SSV, Ijtimoiy himoya agentligi) va mahalla ettiligining tezkor va raqamli axborot integrasiyasiga bog‘liqdir [3, 25, 124, 151]. Mamlakatimizda antinarkotik reabilitasiya va ijtimoiy moslashtirish tizimini yanada takomillashtirish maqsadida quyidagi ilmiy-amaliy va uslubiy tavsiyalar ilgari suriladi:

“Ijtimoiy reabilitasiya shartnomasi” institutini qonunchilikka kiritish: O‘zbekiston Respublikasining “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi Qonuniga va Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksiga (MJtK 21-moddasiga qo‘shimcha sifatida) “Ijtimoiy reabilitasiya shartnomasi” institutini kiritish [21, 22]. Bunda giyohvandlik vositalarini iste’mol qilganlik uchun birinchi marta ushlangan shaxslarga, agar ular ixtiyoriy ravishda reabilitasiya va majburiy psixologik korreksiya dasturidan o‘tishga rozi bo‘lsalar, ma’muriy jazoni kechiktirish yoki undan ozod qilish imkoniyatini qonuniy mustahkamlash [22, 54, 110, 112]. “Ijtimoiy moslashuv guruhlari”ni tashkil etish: Portugaliyadagi CDT komissiyalarining muqobili sifatida har bir mahallada tuman hokimligi huzurida vakolatli mahalla oqsoqollari, shifokor, psixolog va mahalla ettiligi a’zolaridan iborat “Ijtimoiy moslashuv guruhlari”ni tuzish [26, 125]. Bemor shaxsning har hafta ushbu guruh oldida o‘z “individual reabilitasiya xaritasi” bo‘yicha jazolash emas, balki psixologik va ruhiy qo‘llab-quvvatlash tarzidagi suhbatlardan o‘tish tizimini joriy qilish [26, 27].

Ijtimoiy tadbirkorlarga soliq va bojxona imtiyozlari berish: Singapurning Yellow Ribbon va CARE Network tajribasi asosida, davolanish kursini to‘liq o‘tagan va probatsiya nazoratida bo‘lgan shaxslarni ish bilan ta’minlagan va ularni kasb-hunarga o‘rgatgan xususiy tadbirkorlik sub’ektlari uchun muayyan soliq va bojxona imtiyozlarini (soliq stavkalarini 30-50% gacha pasaytirish) nazarda tutuvchi qonunchilik normalarini yaratish [114, 137, 191].

Probatsiya tizimiga RNA va IRP texnologiyalarini majburiy kiritish: Jinoyat-ijroiya kodeksi va “Probasiya to‘g‘risida”gi Qonunga “Individual reabilitasiya rejasi” (IRP) tushunchasini kiritish va Vazirlar Mahkamasi qarori bilan “Probasiya nazoratidagi shaxslarning risk va ehtiyojlarini baholash (RNA - Risk and Needs Assessment) metodikasi”ni ishlab chiqish va tasdiqlash [113]. Probatsiya nazoratidagi giyohvand shaxslar uchun oyiga kamida ikki marta majburiy narkotest topshirish talabini qonun darajasida belgilash [114]. “E-ma’muriy ish” tizimida “Reabilitasiya monitoring” blokini yaratish: Shartnoma ijrosining shaffofligini nazorat qilish va korrupsion omillarning oldini olish maqsadida, raqamli tizimda ijroni profilaktika inspektori va psixolog tomonidan onlayn qayd etish tizimini joriy etish [25, 26, 158].

Yangi O‘zbekistonning ushbu ilmiy asoslangan siyosiy-huquqiy va ijtimoiy-texnologik strategiyasi kelajakda nafaqat milliy genofondimizni va aholi salomatligini ishonchli himoya qilishga, balki BMT va ShHT doirasida global va mintaqaviy xavfsizlikni ta’minlashda mamlakatimizning tashabbuskor sifatidagi xalqaro nufuzini yangi bosqichga yuksaltirishga xizmat qiladi [2, 12, 75, 142, 145].

ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Republikasi Prezidentining “Aholi salomatligi va millat genofondini giyohvandlik va narkojinoyatlardan samarali himoya qilish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 2025-yil 3-noyabrdagi PF-207-son Farmoni // Lex.uz milliy qonunchilik bazasi.
2. O‘zbekiston Republikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga chek qo‘yish... strategik chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2024-yil 6-maydagi PF-73-son Farmoni // Lex.uz milliy qonunchilik bazasi.
3. O‘zbekiston Respublikasining “Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to‘g‘risida”gi 1999-yil 19-avgustdagi 813-I-son Qonuni (so‘nggi o‘zgartirishlar bilan) // Lex.uz milliy qonunchilik bazasi.
4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “O‘zbekiston Respublikasida kuchli ta’sir qiluvchi moddalar muomalasini tartibga solish to‘g‘risida”gi 2019-yil 27-sentyabrdagi 818-son Qarori (so‘nggi o‘zgartirishlar bilan) // Lex.uz milliy qonunchilik bazasi.
5. Giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish sohasiga oid milliy qonunchilik bazasini takomillashtirish: Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to‘plami (2026 yil 31 mart). – Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2026. – 375 b.
6. Musayev D.K. Giyohvandlik vositalarning noqonuniy muomalasiga qarshi kurashishning ijtimoiy-huquqiy mohiyati // Yurisprudensiya jurnali, TDYU, 2026. - Jild 6, Raqam 3. - B. 165-170.
7. Lerkkanen T. Stakeholders in Swedish drug policy: Values, interests and involvement. Doctoral thesis. Stockholm: Stockholm University, 2026. - 113 p.
8. Giyohvandlik vositalari, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalarni noqonuniy muomalasi uchun yuridik javobgarlikni takomillashtirish istiqbollari: Respublika ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami (2025 yil 23 dekabr). – Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi IIV Malaka oshirish instituti, 2025. – 282 b.
9. O'Callaghan A.P. International Drug Law and the Sustainable Development Goals: A Sober Assessment of Compatibility // Denver Journal of International Law & Policy, Vol. 51, No. 1, 2022. - pp. 27-45.
10. Babadjanova Sh.U. Giyohvand hamda psixotrop vositalar bilan o'tkir zaharlanishda og'irlik darajasini baholash. Monografiya. - Toshkent: Tibbiyot nashriyot matbaa uyi, 2024. - 66 b.
11. Reuter P., Falco M., MacCoun R.J. Comparing Western European and North American Drug Policies: An International Conference Report. Santa Monica, CA: RAND Corporation, 1993. - 39 p.
12. Tadjixanov U., Saidov A. Huquqiy davlat nazariyasi. - Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 1998.
13. Ismailov I. Jinoyatchilikning oldini olish va profilaktikasi: Darslik. - Toshkent: IIV Akademiyasi, 2018.
14. Ptak P. In search of a human rights-based approach to drug policy: An analysis of Portugal, Germany and the Netherlands. European Master’s Programme in Human Rights Thesis. Luxembourg: University of Luxembourg, 2022. - 98 p.
15. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Respublika mahallalarida xavfsiz muhitni yaratish...” to‘g‘risidagi 2026-yil 5-janvardagi PQ-1-sonli Qarori // Lex.uz milliy qonunchilik bazasi.
16. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar ustidan nazorat qilish bo‘yicha davlat komissiyasi... faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2024-yil 4-oktabrdagi 631-sonli Qarori // Lex.uz milliy qonunchilik bazasi.

Annotatsiya: Ushbu maqolada giyohvandlik vositalari, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalarga qaram bo‘lgan shaxslarni ijtimoiy hayotga qaytarish va ijtimoiy moslashtirish jarayonlarining xalqaro huquqiy va siyosiy-institutsional asoslari qiyosiy-tizimli tadqiq etilgan. Narkonazorat rejimining umumiy tahlili, qaram shaxslarni reabilitatsiya qilish va jamiyatga reintegratsiya qilishning xorijiy modellari chuqur tahlil qilingan. Kriminologik konsepsiyalari asosida antinarkotik siyosat modellarining sotsio-institutsional transformatsiyasi ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: resotsializatsiya, readaptatsiya, “mahalla yettiligi”, preventiv shartnoma, vizualizatsiya.

Аннотация: В данной статье в сравнительно-системном аспекте исследованы международно-правовые и политико-институциональные основы процессов ресоциализации и социальной адаптации лиц, зависимых от наркотических средств, психотропных и сильнодействующих веществ. Проведен глубокий анализ глобального режима наркоконтроля, а также зарубежных моделей реабилитации и реинтеграции зависимых лиц в общественную жизнь. На основе фундаментальных криминологических концепций подробно раскрыта социо-институциональная трансформация современных моделей антинаркотической политики.

Ключевые слова: ресоциализация, реадаптация, «махаллинская семерка», превентивный договор, визуализация.

Abstract: This article presents a comparative and systematic study of the international legal and political-institutional foundations of the social reintegration and adaptation processes of individuals dependent on narcotic drugs, psychotropic substances, and potent substances. A comprehensive analysis of the global drug control regime is provided, alongside a deep evaluation of foreign models for the rehabilitation and reintegration of dependent persons into society. Furthermore, the socio-institutional transformation of anti-drug policy models is thoroughly revealed based on prominent criminological concepts.

Keywords: resocialization, readaptation, “mahalla sevens”, preventive contract, visualization.

JAŃA ÓZBEKSTANDA ARAL BOYÍ REGIONÍNÍŃ EKOLOGIYALÍQ QÁWIPSIZLIGIN TÁMIYINLEW MÁSELELERIN IZERTLEWDIŃ AYÍRÍM ÁPSEKTLERI

Kaipnazarov A.Sh.
Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı

Mámlekette alıp barılǵan ekologiyalıq siyasattıń nátiyjesinde, búgingi kúndegi global mashqalalar sharayatında kórip shıǵılǵan ekologiyalıq kriziske alıp kelgen jámiettiń qorshaǵan ortalıqqa ornatılǵan múnásibetinde sáwlelengen edi. Bul baǵdarda kóplegen ilimiy izertlewler hám qorshaǵan ortalıqtıń pataslanıwı boyınsha alıp barılǵan izertlewlerde kóplegen dálillerde sáwlelengen awır sociallıq aqıbetlerge alıp keletuǵının dálilledi [4; 5; 8]. Aralboyı regionın qayta tiklewdiń zamanagóy tiykarǵı baǵdarları arasında «Jasıl mákan» joybarı sheńberinde bir qatar integraciyalasqan mexanizmler arqalı qáliplestiriwge ayrıqsha itibar qaratılmaqta. Aral teńizi maydanı boyınsha dúnyada tórtinshi, Oraylıq Aziyadaǵı eń úlken suw basseyni bolıp esaplanadı. Teńizdi saqlap qalıw boyınsha 150 jıllıq urınıslar ámelge asırıldı, sonday-aq Araldı qutqarıw ushın arqa dáryalardıń batıs Sibirden Qazaqstan hám Oraylıq Aziyaǵa burılıwı kerek edi. Házir onıń ústinde BMSh Bas Assambleyası hám Oraylıq Aziya mámleketleri jumıs alıp barmaqta.

Aralboyı regionın turaqlı sociallıq-ekonomikalıq rawajlanıwına tábiyǵıy-klimatlıq hám ekologiyalıq faktorlardıń tásiri esapsız dárejede artıp barmaqta hám dúnya hám region mámleketleri aldına jańa shınlıqqa beyimlesiw mashqalasın qoymaqta. Aral teńizi qáddi páseyiwiniń ekologiyalıq aqıbetleri haqqında dáslepki ilimiy jumıslardı ámelge asırǵan ilimpazlar A.B.Baxiyev hám T.N.Butovlar bolıp esaplanadı. Qorshaǵan ortalıqqa túsken antropogen júktiń artıwı, tábiyǵıy resurslardıń hádden tıs alınıwı bio-hár-túrliliktiń keskin azayıwına hám ekosistemalar degradaciyasına alıp kelgen, al ayırım jaǵdaylarda tek ǵana ayırım mámleketlerge emes, al ulıwma regionlarǵa unamsız tásir kórsetetuǵın ekologiyalıq apatshılıqlardı da keltirip shıǵaradı [4; 5].

2021-jıl 6-noyabrde Ózbekstan Respublikası Prezidenti Sh.M.Mirziyoev, Ózbekstannıń jańasha rawajlanıw rawajlanıwın málim etti. Oǵan bola, prezident «Xalqımız talapların inabatqa alǵan halda, biz Jańa Ózbekstannıń rawajlanıw strategiyasın islep shıqtıq hám onı ózine tán ulıwma xalıqlıq dodalawdan ótkerdik. Bul áhmiyetli konceptuallıq húǵjette reformalarımızdıń úzliksizligi hám dawamlılıǵın támiyinlew maqsetinde, «Háreketler strategiyasınan - Rawajlanıw strategiyasına qaray» degen princip tiykarǵı ideya hám bas norma sıpatında kún tártibine qoyılǵan» hám onda ámelge asırıwda tiykarǵı baǵdarlar belgilenetuǵını haqqında maǵlıwmat berdi. Bul qararda, respublika milliy ekonomikasın rawajlandırıw, 2030-jılǵa shekem xalıqtıń dáramatları ortasha kórsetkishten joqarı bolǵan mámleketler qatarına shıǵarıw, xalıqtı turaq jay hám taza ishimlik suwı menen támiyinlew, sonday-aq, eń tiykarǵı házirgi kúndegi áhmietli global mashqalalardıń milliy hám regionallıq dárejedegi sheshimlerin tabıw máseleleri keltirilgen[13].

Regionda mashqalalardı sheshiwge húrmetli Prezidentimiz Sh.Mirziyoev 2026-jıl 22-aprel kúni ótkerilgen Regionallıq ekologiyalıq sammittinde, Oraylıq Aziyadaǵı ekologiyalıq qáwip-qáterler óz-ara baylanıslı xarakterge iye bolǵanlıǵın, bunda muwapıqlastırılǵan sheshimlerdi talap etetuǵının atap ótti hám region mámleketleriniń ekologiyalıq diplomatiyası sapa jaǵınan jańa basqıshqa kóterilip, birge islesiwdiń sistemalı túrine aylanıp atırǵanın aytıp ótti. Mirziyoev globallıq klimat ózgeriwiniń táshwishli aqıbetlerine itibar qarattı.

Oraylıq Aziyada ısıw pátleri ortasha global kórsetkishlerden eki esege joqarı, regiondaǵı muzlıqlardıń derlik úshten bir bólegi álleqashan joǵalǵan, suw resurslarınıń jetispewshiligi bolsa artıp barmaqta. 80 million gektardan aslam jer degradaciyaǵa ushırap, azıq-awqat qáwipsizligine tikkeley qáwip tuwdırmaqta. Shavkat Mirziyoev sammit sheńberinde «Oraylıq Aziyanıń taza hawası» mámleketleraralıq konsorciumın shólkemlestiriw, «jasıl sawda koridorı»n qáliplestiriw, klimat joybarlarınıń birden-bir investiciyalıq portfelin iske qosıw, regionallıq ekologiyalıq atlasın islep shıǵıw sıyaqlı bir qatar anıq baslamalardı alǵa qoydı.

Sońǵı waqqıtları global ekologiyalıq sheriklik kúshsizlenip atırǵanın ayrıqsha atap ótti. Onıń sózlerine bola, kóplegen rawajlanıp atırǵan mámleketler, sonıń ishinde, Oraylıq Aziya mámleketleri qarjılandırıw, texnologiyalar hám innovaciyalıq sheshimlerden teńdey paydalana almay, klimat ózgeriwiniń aqıbetlerine dus kelmekte. Shavkat Mirziyoev xalıq-aralıq járdem óz waqtında, ádil bolıwı kerekligin atap ótti. Demek, ekologiyalıq mashqalalardı sheshiw tábiyattı qorǵaw nızamların qabıl etiw, qorshaǵan ortalıqtıń jaǵdayı ústinen sociallıq qadaǵalawdı qáliplestiriw, ishki hám sırtqı resurslardı onı qorǵawga investiciya kirgiziwge mobilizaciyalaw, ekologiyalıq qáwip-qáterlerdi jeńip ótiwde xalıq-aralıq birge islesiw maydanında boladı.

Insannıń topıraqqa, atmosferaǵa, sonday-aq, suwǵa tásiri jıldan-jılǵa artıp barmaqta, sonıń aqıbetinde Aral boyı regionınıń ekologiyalıq jaǵday qáwipli tús almaqta. Jańa Ózbekstannıń rawajlanıw strategiyası 2022-2026-jıllarǵa mólsherlengen bolıp, ol 100 maqsetli kórsetkishlerden ibarat 7 tiykarǵı baǵdardı óz ishine aladı [1]. Strategiyanıń tiykarǵı maqseti insan qádirin ulıǵlaw, onıń turmısın jaqsılaw, huqıqları menen erkinliklerin qorǵaw, talapları menen máplerin támiyinlewden ibarat. Ekologiyalıq mútájliklerdi qanaatlandırıwǵa ekonomikanı modernizaciyalaw procesin hám jasaw ortalıǵın jaqsılawǵa qaratılǵan nátiyjeli sociallıq siyasattı ámelge asırıw tiykarında erisiw múmkin. Turaqlı rawajlanıwǵa joqarı texnologiyalardı ámelge asırıw tiykarında jasaw ortalıǵınıń jaǵdayın mámleketlik hám baslamalı bazar tárepinen tártipke salıw arqalı erisiledi. Ekologiyalıq-ekonomikalıq sistemalardı basqarıw processinde mámleketlik siyasattıń tiykarǵı quralları, ádette, nızamshılıq-normativlik húǵjetler, orınlardaǵı atqarıwshı hám qadaǵalawshı uyımlar, finans-kredit hám basqa da institutlar tiykarında ámelge asırıladı álbette.

Aymaqlıq hám milliy dárejedegi ekologiyalıq basqarıwdıń ilimiy tiykarların rawajlandırıwǵa keleshekte óndiris kúshlerin jaylastırıwdıń bas sxemaların islep shıǵıw járdem beredi, olar aymaqlıq ózgeshelikler, óndiris-resurs

[13] Ҳаракатлар стратегиясидан–Тараққиёт стратегияси сари // https://strategy.uz/index.php?news=1416

potencialı, onnan paydalanıw nátiyjeliligi hám basqalardı óz ishine aladı. Ózbekstan Prezidenti ekologiyalıq turaqlılıqtı támiyinlew boyınsha mámleketimiz tárepinen ámelge asırılıp atırǵan áhmietli qádemlerdi atap ótti. Házirgi waqıtta «Jasıl mákan» joybarı sheńberinde [2] Ózbekstanda bir milliardqa shamalas terek hám putalar egilgen.

Bir qatar ekolog ilimpazlardıń maǵlıwmatlarına bola, Aralboyındaǵı toǵaylar házirgi waqıtta duzlı shańnıń mıńlaǵan kilometrge tarqalıwın qısqartqan, bul tek ǵana Ózbekstan emes, al qońsı mámleketler xalqınıń salamatlıǵına da unamlı tásir etpekte. A.K.Kurbaniyazov óziniń monografiyasında V.E.Chubtıń 1994-jılı may ayında Tashkentte bolıp ótken ilimiy-ámeliy seminardaǵı «Aral teńizi basseyniniń ilimiy hám ekologiyalıq mashqalalarına sholıw» atamasındaǵı bayanatındaǵı maǵlıwmatlarǵa tiykarlanıp, sonday-aq, Orta Aziya ilimiy-izertlew gidrometeorologiya institutınıń maǵlıwmatlarına bola, jılına teńizden 53 million tonna duz, qurıǵan teńiz túbinen 57 million tonna, qattı jınısları jaǵasındaǵı 13 million tonna duz shıǵarılatuǵının atap ótken [6; 7; 9]. Aral teńiziniń túrli dárejedegi shorlanıw, degradaciyaǵa ushıraǵan topıraq qaplamlarınan ibarat. Bul topıraq-grunt qatlamlarınıń jaǵdayı Aral teńizi akvatoriyasınıń ekologiyalıq-meliorativlik, topıraq-klimatlıq jaǵdayın belgilep beredi. Ekologiyalıq hám sanitariyalıq jaǵdaydı jaqsılaw, Aral teńizi basseyninde suw hám jer resurslarınan paydalanıw nátiyjeliligin arttırıw hám olardı qorǵawdı kúsheytiw boyınsha qarar qabıl etilgen [8; 11].

Házirgi waqıtta regionda ekologiyalıq-meliorativlik jaǵdaydı jumsartıw, aymaqta seksewilzarlar jaratıw, Aral teńiziniń qurıǵan túbinen shań boranlarınıń kóshiwin hám degradaciya processlerin azaytıwǵa qaratılǵan ilajlar sheńberinde, yaǵnıy Ózbekstanda suwdı únemlewdiń zamanagóy sistemaları arqalı jılına 10 milliard kub metrge shekem suw únemlenbekte. Hámmemizge belgili, Aral teńiziniń qurıǵan ultanında duz toplanıwı áyyemgi geologiyalıq dáwirlerden baslanǵan. Búgingi Jańa Ózbekstanda Aral teńiziniń qurıǵan ultanında eki million gektardan aslam toǵaylar jaratılıp, shań boranlarınıń dárejesin azaytıwshı «jasıl belbew» payda etilmekte.

Sol menen birge húrmetli prezidentimiz tárepinen Ekologiya komitetine «Jasıl mákan» ulıwma milliy joybarın ámelge asırıwda óz úlesin qosıp atırǵan shaxslardı xoshametlew wákillikleri berilib, keminde 100 terek nállerin ekken shaxsqa yamasa terek egiw ushın «Jasıl qayırqomlıq qorı» platformasına keminde 10 million sum sawǵa etken shaxsqa «Ekoaktiv puqara» statusın beriw, keminde mıń terek nállerin egiwdi shólkemlestirgen yamasa «Jasıl qayırqomlıq qorı» platformasına keminde 100 million sum sawǵa etken isbilermenlik subektlerine «Ekobirge islesiwshi» statusın beriw názerde tutılǵan. Sonday-aq «Jasıl» energetikanıń mámleketimiz energetika balansındaǵı úlesi 30 procentke jetken hám 2030-jılǵa barıp 50 procentten artadı. Bunnan tısqarı, mámleket Parij kelisiminde belgilengen minnetlemelerdi múddetinen aldın orınlap, shıǵındılardı 35 procentke qısqarttı hám 2035-jılǵa shekem olardı eki esege azaytıw boyınsha jańa maqset qoyıldı.

Aralboyı basseyninde hám oǵan tutas aymaqta barǵan sayın awırlasıp atırǵan unamsız jaǵday Aral teńiziniń qurıwı aqıbetindegi ayanıshlı jaǵdaylardı saplastırıw ushın qıstawlı túrde qosımsha ilajlar kóriwdi talap etedi, bul jerde hám jaqın átirapta jasaytuǵın 60 millionnan aslam adam ushın zárúr sociallıq, ekologiyalıq hám gumanitarlıq sharayatlar jaratıldı. Sheshiliwi kerek bolǵan wazıypalar kólemi usı aymaqta jáne de úlken apachılıqlardıń aldın alıw ushın háreketlerdi jáne de nátiyjeli muwapıqlastırıw, milliy, regionallıq hám xalıqaralıq dárejedegi resurslardı birlestiriw zárúrligin talap etedi. Talaplardı kúsheytiw jańa ónimge onıń ekologiyalıq quramın esapqa alǵan halda básekige shıdamlılıqtıń zárúr dárejesin beriw wazıypasın qáliplestiredi, bul bolsa qabıl etilgen standartlarǵa muwapıqlıqtı ádil bahalaw hám ekspertizadan ótkeriwdi támiyinlep ǵana qoymastan, al potencial investorlar menen baylanıslarǵa jańa pát baǵıshlaydı.

ÁDEBIYATLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28yanvardagi PF-60-son “2022—2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi Farmoni.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026 yil 25martdagi PF-47-sonli “Yashil makon” umummilliy loyihasi samaradorligini yanada oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi Farmoni.
3. Sh.Mirziyoevtiń Regionallıq ekologiya sammitindegi bayanatı. 2026-jıl 22-aprel.
4. Бахиев А.Б., Бутов К.Н., М.Таджитдинов. – Ташкент: 1977; Динамика растительных сообществ юга Аральского моря. – Ташкент: Фан., - С.84.
5. Каипназаров А., Юлматов Ш. Некоторые вопросы тенденций в истории развития экологических проблем Южного Приаралья. Хоразм Маъмун Академияси Ахборотномаси 2023-10/1 ISSN 2091-573 X. 2023. –с.66-70.
6. Каипназаров А. Приоритетные направления экополитики как фактор устойчивого развития общества. Материалы VIII международной научно–практической конференции «Проблемы рационального использования и охрана биологических ресурсов Южного Приаралья», ККО АН РУз. – Нукус, 2020 г. – С. 203-204.
7. Курбаниязов А.К. Эволюция ландшафтов обсохшего дна Аральского моря: монография. – Москва: Издательский дом Академии Естествознания, 2017. – С.148.
8. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. – Ташкент: НИГМИ, 2007. – С. 32.
9. O‘zMA, 2742-fond, 1-ro‘yxat, 13-ish. 131-varaq.
10. O‘zMA, R 837-fond, 41-ro‘yxat, 7054-ish, 265-270-varaqlar.
11. QROMA, M-500-fond, 1-dizim, 21-jumıs, 42-bet.

Annotatsiya. Maqolada Yangi O‘zbekiston strategik vazifalarida va yana bir qancha qarorlarda Orolbo‘yi mintaqasini yanada rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari asoslab berilgan. Keng ko‘lamli tarkibiy o‘zgarishlarni amalga oshirish natijasida bugungi kunda mamlakatimizda xalqaro huquqiy amaliyot me’yorlari, zamonaviy fan, texnika va texnologiya yutuqlariga asoslangan samarali ekologik xavfsizlik tizimi yaratildi.

Tayanch so‘zlar: ekologik xavfsizlik, barqaror rivojlanish, tarixiy tahlil, suv resurslari, ekologik vaziyat, mintaqa.

Annotatsiya. Maqalada Jańa Ózbekstannıń strategiyalıq wazıypalarında hám jáne bir qatar qararlarda Aralboyı regionın bunnan bılay da rawajlandırıwdıń tiykarǵı baǵdarları tiykarlap berilgen. Keń kólemli strukturalıq ózgerislerdi ámelge asırıw

nátiyjesinde búgingi kúnde elimizde xalıqaralıq huqıqıy ámeliyat normaları, zamanagóy ilim, texnika hám texnologiya jetiskenliklerine tiykarlanǵan nátiyjeli ekologiyalıq qáwipsizlik sisteması jaratıldı.

Tayansh sózlar: ekologiyalıq qáwipsizlik, turaqlı rawajlanıw, tariyxıy tallaw, suw resursları, ekologiyalıq jaǵday, region.

Аннотация. В статье обоснованы основные направления дальнейшего развития региона Приаралья в стратегических задачах Нового Узбекистана и ряде других решений. В результате осуществления масштабных структурных преобразований сегодня в нашей стране создана эффективная система экологической безопасности, основанная на нормах международной правовой практики, достижениях современной науки, техники и технологий.

Ключевые слова: экологическая безопасность, устойчивое развитие, исторический анализ, водные ресурсы, экологическая ситуация, регион

Annotation. The article substantiates the main directions for the further development of the Aral Sea region in the strategic tasks of New Uzbekistan and several other decisions. As a result of large-scale structural transformations, an effective system of environmental safety has been created in our country, based on the norms of international legal practice and the achievements of modern science, engineering, and technology.

Key words: environmental security, sustainable development, historical analysis, water resources, environmental situation, region.

ZAMONAVIY JINOYAT HUQUQIDA JINOYAT PREDMETI, OBYEKTI VA JABRLANUVCHI O‘ZARO NISBATINING NAZARIY VA AMALIY MUAMMOLARI

Noraliyev T. E.

O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti mustaqil izlanuvchisi

Global raqamlashtirish, axborot texnologiyalarining jadal rivojlanishi va ijtimoiy munosabatlarning an’anaviy shakllardan virtual makonga ko‘chishi sharoitida jinoyat huquqi fanida qator an’anaviy institutlarni zamon talablari asosida qayta ko‘rib chiqish ehtiyoji yuzaga kelmoqda. Shu munosabat bilan, jinoyat huquqi fanida jinoyat predmetining mohiyatini ochib berish, uning jinoyat tarkibidagi mustaqil o‘rnini va huquqiy tabiatini ilmiy jihatdan asoslash uchun mazkur institutni jinoyat obyekti hamda jabrlanuvchi bilan o‘zaro nisbatini tizimli tahlil qilish talab etiladi.

Ushbu holatdan kelib chiqqan holda, jinoyat predmeti va jinoyat obyekti o‘rtasidagi o‘zaro nisbat masalasi uzoq yillar davomida jinoyat huquqi doktrinasida bahs-munozaralarga sabab bo‘lib kelayotgan muammolardan biri hisoblanadi. Ma’lumki, har qanday jinoyatning obyekti bu – jinoyat qonuni bilan qo‘riqlanadigan, aybdorning ijtimoiy xavfli qilmishi natijasida zarar ko‘radigan yoki shunday zarar ko‘rish xavfi ostida qoladigan ijtimoiy munosabatlardir. Jinoyat predmeti esa ana shu ijtimoiy munosabatlarning obyektiv borliqdagi moddiy, axborot yoki energetik ifodasi bo‘lib, aybdor aynan unga bevosita ta’sir ko‘rsatish orqali ijtimoiy munosabatlarga putur yetkazadi. Biroq, ilmiy adabiyotlarda ushbu ikki tushunchaning o‘zaro aloqadorligi turlicha talqin qilinadi.

Jumladan, jinoyat huquqi maktabining yirik vakillaridan biri R. Kabulov jinoyat predmetini jinoyat obyektining tarkibiy qismi sifatida baholab, jinoyat predmeti – bu ijtimoiy munosabatlar subyektining manfaati qaratilgan va aybdorning jinoiy ta’siri bevosita yo‘naltirilgan moddiy olam ashyosidir, deb ta’kidlaydi. Uning fikricha, ijtimoiy munosabatlar predmetsiz mavjud bo‘la olmaydi, demak, jinoyat predmeti har doim jinoyat obyektining ichida, uning tarkibiy elementi sifatida namoyon bo‘ladi [1. B. 36-38.]. Boshqa bir olim X.R. Ochilov esa bunga qarama-qarshi o‘laroq, jinoyat predmeti ijtimoiy munosabatlarning tarkibiy qismi emasligini, balki u faqatgina ushbu munosabatlarning vujudga kelishi va mavjud bo‘lishi uchun shart-sharoit yaratuvchi tashqi omil ekanligini ilgari suradi [2. B. 33-34.]. Fikrimizcha, yuqoridagi ikkala yondashuv ham jinoyat predmetining obyektiv borliqdagi va yuridik konstruksiyadagi asl mohiyatini ochib bera olmaydi. Shuningdek, qayd etish lozimki, jinoyat predmetini shunchaki jinoyat obyektining ichki elementi (qismi) sifatida baholash mantiqiy xatolikka olib keladi.

Zamonaviy jinoyat huquqi doktrinasida ushbu masalaga oid yangicha qarashlar shakllanmoqda. Xususan, ushbu muammoni tadqiq qilgan A.M. Gerasimov o‘zining so‘nggi tadqiqotlarida jinoyat-huquqiy muhofaza obyekti ijtimoiy va yuridik tarkibiy qismlarni o‘z ichiga olishini, uning ijtimoiy komponenti real mavjud ijtimoiy munosabatlarda namoyon bo‘lishini, yuridik qobig‘i esa mazkur munosabatlarning pozitiv huquq tarmog‘i tomonidan tartibga solinishini ko‘rsatadi. Olimning qayd etishicha, jinoyat predmeti sifatida shaxs, jamiyat, davlatning aniq manfaati namoyon bo'lib, u jinoyat qonuni bilan qo‘riqlanadigan va jinoiy ta’sirni o‘zida sinaydigan huquqiy munosabatning moddiy ifodalangan o‘zagi sifatida shakllanadi [3. B. 138.]. Ushbu o‘rinda A.M. Gerasimovning jinoyat obyektining ijtimoiy va yuridik tarkibiy qismlari xususidagi fikrlarini tahlil qilish va qo‘llab-quvvatlash lozim. Uning ta’kidlashicha, jinoyat-huquqiy muhofaza obyektining yuridik qobig‘i ijtimoiy munosabatlarning pozitiv huquq tarmog‘i tomonidan tartibga solinganligini nazarda tutadi. Masalan, fuqarolik huquqi tarmog‘ining tartibga solish predmeti yuzasidan yuzaga kelgan huquqiy munosabatlar jinoyat-huquqiy muhofaza obyekti sifatida namoyon bo'ladi. Bu esa jinoyat predmetini shunchaki «ashyo» emas, balki tarmoqlararo huquqiy munosabatlarning moddiylashtirilgan va qonuniy mustahkamlangan asosi sifatida baholashni taqozo etadi. Ushbu fikrni to‘liq qo‘llab-quvvatlagan holda, bizningcha, har qanday jinoyat predmeti jinoyat obyektiga putur yetkazishning o‘ziga xos «ko‘prigi» vazifasini o‘taydi. Jinoyat obyekti – abstrakt kategoriya bo‘lib, jinoyatchi unga bevosita ta’sir o‘tkaza olmaydi, u albatta o‘sha munosabatni o‘zida mujassam etgan konkret ne’matga – predmetga tajovuz qiladi.

Kuzatuvlarga ko'ra, ko‘pchilik olimlar orasida shunday qarash mavjudki, go‘yoki jinoyat obyektining qadriyati qilmishning ijtimoiy xavfliligini belgilaydi («muhofaza qilinadigan ijtimoiy munosabat qanchalik qadrli bo‘lsa, unga qilingan tajovuz shunchalik xavflidir»). Shu bilan birga, bu fikrga nisbatan R.G. Aslanyanning pozitsiyasiga tayanishni o‘rinli deb bilamiz. Uning ta’kidlashicha, jinoiy javobgarlikni differensiatsiya qilish qo‘riqlanadigan ne’matning o‘z

ahamiyatiga qarab emas, balki aybdor shaxs qilmishi bilan yetkaziladigan zararning hajmi va intensivligini aks ettiruvchi boshqa belgilar asosida sodir bo‘ladi [4. B. 310.]. Chindan ham, inson hayoti eng oliy qadriyat bo‘lsa-da, kuchli ruhiy hayajonlanish holatida odam o‘ldirish (JK 98-moddasi) ijtimoiy xavfi katta bo‘lmagan jinoyatlar sirasiga kiradi. Bu esa jinoyatning xavfliligi bevosita obyektning mavhum qadriyati bilan emas, balki jinoyat predmetiga yetkazilgan zararning xususiyati va aybdorning harakatlari bilan belgilanishini tasdiqlaydi. Shunga qo‘shimcha ravishda, o‘zining ilmiy asosini topishi kerak bo‘lgan muhim jihat shundaki, ijtimoiy xavflilik darajasi faqat obyekt miqyosida emas, balki bevosita jinoyat predmetining hajmi, noyobligi, iqtisodiy qimmati hamda jabrlanuvchining jismoniy yoki yuridik holati bilan ham proportsional ravishda bog‘liq bo‘ladi.

Shu o‘rinda milliy jinoyat huquqi maktabi vakillarining fikrlariga murojaat qilish joiz. Professor M.X. Rustamboyevning ta’kidlashicha, jinoyat obyekti va predmeti bir xil tushuncha bo‘lmay, jinoyatning obyekti qonun bilan qo‘riqlanadigan ijtimoiy munosabat bo‘lsa, jinoyatning predmeti ijtimoiy munosabat hisoblanmaydi, balki u ijtimoiy munosabatlarning moddiy ifodasidir [5. 145.]. Mazkur masalaga yondashuv shundan iboratki, globallashuv va raqamlashtirish sharoitida bu ikki tushunchaning nisbatida faqatgina «moddiy ifoda» degan cheklovdan voz kechish lozim. So‘nggi yillardagi ilmiy izlanishlarda jinoyat predmetining tabiatini kengroq talqin qilish tendensiyasi kuzatilmoqda. A.V. Shulga mulkni jinoyat-huquqiy muhofaza qilish obyektining mazmuni ko‘p jihatdan mulkka qarshi jinoyatlar predmetining mazmuni bilan belgilanishini, predmetsiz mulkchilikka oid ijtimoiy munosabatlar mavjud bo‘lmasligini adolatli ta’kidlaydi [6. 26-28.]. O‘z navbatida, M.P. Bikmurzin jinoyat predmetiga g‘ayrimoddiy ne’matlarni (axborot, energiya) kiritish orqali uning chegaralarini kengaytirishni yoqlab chiqadi. Uning fikricha, jinoyat predmetining asosiy maqsadi – predmetning aybdor tomonidan bevosita ta’sirga uchrashi va uni qonun chiqaruvchi hamda huquqni qo‘llovchi tomonidan o‘lchash (qayd etish) mumkinligidir [7. 154-165.]. Fikrimizcha, ushbu qarashlar zamonaviy talablarga javob beradi. Jinoyat predmetining asosiy xususiyati uning faqat insonning sezgi organlari orqali qabul qilinishida emas, balki miqdoriy parametrlarga (hisobga olish, o‘lchash mumkinligiga) egaligi va atrof-muhitdagi boshqa obyektlardan ajralib turishi bilan bog‘liq bo‘lgan individual sifatlaridadir. Bu jihatdan jinoyat predmeti jinoyat obyektini oldindan belgilab beradi va unga ishora qiladi.

Shuningdek, A.V. Shulga va M.P. Bikmurzinlarning pozitsiyalarini ilmiy jihatdan rivojlantirgan holda shuni ta’kidlash mumkinki, jinoyat predmetining miqdoriy va sifat ko‘rsatkichlari unga nisbatan egalik qilish, foydalanish va tasarruf etish imkoniyatini yuzaga keltirishi shart. Axborot, xususan, elektron pul mablag‘lari yoki raqamli aktivlar g‘ayrimoddiy bo‘lsa-da, ular aniq iqtisodiy qiymatga va individual identifikatsiya qilinish xususiyatiga ega. Demak, jinoyat predmetini an’anaviy fizik o‘lchamlardan chiqarib, uning ijtimoiy munosabatlarni harakatga keltiruvchi «iqtisodiy-huquqiy qiymati»ni asosiy mezon sifatida e’tirof etishimiz kerak. Bu yondashuv «predmetsiz jinoyatlar mavjud emas» degan konsepsiyani to‘liq tasdiqlaydi hamda raqamli makonda sodir etiladigan kiberjinoyatlarni to‘g‘ri kvalifikatsiya qilishga mustahkam poydevor yaratadi.

Shu bilan birga, jinoyat predmetini jinoyat obyektidan farqlovchi asosiy mezonlarni quyidagicha tizimlashtirish mumkin: birinchidan, tabiatiga ko‘ra, jinoyat obyekti har doim ijtimoiy (sotsiologik) va yuridik mohiyatga ega bo‘ladi, jinoyat predmeti esa obyektiv borliq elementi (modda, energiya, raqamli axborot) hisoblanadi; ikkinchidan, zarar ko‘rish xususiyatiga ko‘ra, jinoyat natijasida obyektga doimo zarar yetadi, predmet esa har doim ham fizik o‘zgarishga uchrayvermaydi (masalan, kontrabandada predmet butun qoladi, ammo iqtisodiy xavfsizlik obyekti zarar ko‘radi); uchinchidan, jinoyat obyekti jinoyat tarkibining majburiy elementi bo‘lsa, predmet mustaqil element sifatida dispozitsiyada to‘g‘ridan-to‘g‘ri ko‘rsatilgan hollardagina kvalifikatsiya uchun yuridik ahamiyat kasb etadi.

Ko‘rib chiqilayotgan masala doirasida tahlil qilinishi lozim bo‘lgan navbatdagi muhim masala – bu jinoyat predmeti va jabrlanuvchi o‘rtasidagi o‘zaro nisbat va ularni chegaralash muammosidir. O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksining 54-moddasiga muvofiq, jinoyat natijasida ma’naviy, jismoniy yoki mulkiy zarar ko‘rgan shaxs jabrlanuvchi deb e’tirof etiladi. Demak, jabrlanuvchi bu – ijtimoiy munosabatlarning (jinoyat obyektining) to‘laqonli subyektidir. Mazkur masalani chuqur o‘rgangan A.G. Korgulev o‘zining izlanishlarida «jinoyat huquqida jabrlanuvchi – bu tajovuzning bevosita qabul qiluvchisi bo‘lganligi sababli, uni jinoyat predmetining jonli turi sifatida ko‘rib chiqish kerak», degan bahsli pozitsiyani ilgari suradi [8. B. 7.]. Ayni patda biz ushbu fikrni inkor qilamiz. Insonni predmet darajasiga tushirish nafaqat huquqiy mantiqqa, balki Konstitutsiyamizda mustahkamlangan insonparvarlik tamoyillariga ham ziddir. Odam o‘ldirish, badanga shikast yetkazish kabi jinoyatlarda tajovuz bevosita inson tanasiga qaratilgan bo‘lsa-da, u predmet emas, balki jinoyatdan jabrlanuvchi maqomida chiqadi. Jinoyat obyekti esa insonning hayoti va sog‘lig‘i bilan bog‘liq munosabatlardir.

Shu bilan birga, transplantologiya maqsadida qonunga xilof ravishda olingan insonning ichki a’zolari va to‘qimalari bevosita jinoyat predmeti sifatida e’tirof etilishi mumkin. Agar tirik insondan majburlab ichki a’zosi kesib olinsa, ushbu shaxs jabrlanuvchi hisoblanadi. Ammo uning tanasidan ajratib olingan va sotish uchun mo‘ljallangan a’zo jabrlanuvchi statusidan chiqib, mustaqil jinoyat predmetiga aylanadi. Ya’ni, bir hodisaning o‘zida ham jabrlanuvchi, ham undan hosila bo‘lgan jinoyat predmeti mavjud bo‘lib, ularning huquqiy maqomi farqlanadi.

Bu borada rus olimlari P.S. Dagel va A.N. Krasikovlarning jabrlanuvchining jinoyatga roziligi xususidagi ilmiy bahslari va fikrlari diqqatga sazovordir. Ularning ta’kidlashicha, agar shaxs o‘ziga zarar yetkazilishiga ixtiyoriy va qonuniy doirada rozilik bersa (masalan, tibbiy transplantatsiya uchun qonuniy donor bo‘lish), bunday holatda qilmishning g‘ayrihuquqiyligi istisno qilinadi va jabrlanuvchi umuman mavjud bo‘lmaydi. Agar inson shunchaki jinoyat predmeti bo‘lganida edi, uning roziligi yuridik ahamiyat kasb etmagan bo‘lardi. Aynan jabrlanuvchining irodasi va ongi jinoyat qonuni bilan qo‘riqlanadigan manfaatning taqdirini hal qiluvchi omil ekanligi, uni jinoyat predmetidan ajratib turuvchi asosiy farq hisoblanadi.

Bunga qo‘shimcha ravishda, jabrlanuvchining yuridik maqomi borasida S.V. Anoshchenkovaning fikrlari e’tiborga molik. Uning qayd etishicha, jinoyat huquqida jabrlanuvchi – bu jinoyat qonuni bilan qo‘riqlanadigan ijtimoiy munosabatlarning subyekti bo‘lib, uning huquqlari buzilgan va ular jinoyat-huquqiy munosabatlar doirasida tiklanishi lozim [9. B. 187, 193.]. Xuddi shunday yondashuvni M.S. Sirik ham qo‘llab-quvvatlaydi va jabrlanuvchini jinoyat qonuni bilan qo‘riqlanadigan munosabatlar subyekti sifatida e’tirof etadi [10. B. 14.]. Ushbu xulosalar bilan bahslashmagan holda, A.M. Gerasimovning qarashlarini qo‘shimcha qilishni istardik. Olимнинг fikricha, shaxsning jabrlanuvchi sifatidagi huquqiy maqomi protsessual qaror bilan shakllantirilmaydi, balki uning haqiqiy holatidan kelib chiqib belgilanadi va faqat protsessual jihatdan rasmiylashtiriladi. Jabrlanuvchi jinoiy tajovuz sodir etilishi natijasida zarar ko‘radigan huquqiy munosabatlarning moddiy o‘zagini tashkil qiluvchi manfaatlarning bevosita tashuvchisi sifatida namoyon bo‘ladi [11. B. 31-36.].

Amaliyot materiallarini tahlil qilish va ilmiy muammoning real hayotdagi ifodasini o‘rganish maqsadida, biz tomondan respublikamizning turli viloyatlarida faoliyat yuritayotgan IIO tergovchilari hamda jinoyat ishlari bo‘yicha sud sudyalari ishtirokida sotsiologik so‘rov o‘tkazildi. So‘rov natijalariga ko‘ra, respondentlarning 74 foizi (ayniqsa, tergovchilar) iqtisodiyot sohasidagi va korrupsiyaga oid jinoyatlarni, shuningdek, axborot texnologiyalari vositalaridan foydalangan holda sodir etilgan firibgarliklarni kvalifikatsiya qilishda jinoyat predmeti va jinoyat obyekti chegaralarini aniqlashda qiyinchiliklarga duch kelishlarini ta’kidlaganlar. Shuningdek, respondentlarning 85 foizi odam savdosi (JK 135-moddasi) va inson a’zolari savdosi (JK 133-moddasi) bilan bog‘liq ishlarda shaxsni (jabrlanuvchini) jinoiy oldi-sotdi predmeti sifatida ko‘rsatishga moyillik mavjudligini, biroq bu inson huquqlari bo‘yicha xalqaro standartlarga zid ekanligini, shu sababli Oliy sud Plenumi qarorlari darajasida jabrlanuvchini hech bir holatda jinoyat predmeti deb e’tirof etmaslik bo‘yicha tushuntirish berilishi zarurligini bildirganlar. Bu empirik ma’lumotlar jinoyat predmetini jinoyat obyekti va jabrlanuvchi bilan o‘zaro nisbati tergov sifatiga va hukmning qonuniyligiga ta’sir qilishini isbotlaydi.

Jinoyat predmeti va jabrlanuvchining o‘zaro aloqadorligidagi yana bir muhim jihat ilmiy doiralarda muhokama qilinadigan «o‘g‘irlangan narsani o‘g‘irlash» (jinoiy yo‘l bilan topilgani ayon bo‘lgan mulkni talon-toroj qilish) muammosida yaqqol namoyon bo‘ladi. Ba’zi mualliflar bunday qilmishni mulkka qarshi jinoyat sifatida baholashadi [12. B. 1637-1645.]. Biroq bu fikr bilan kelishib bo‘lmaydi. Bizning pozitsiyamiz shundan iboratki, agar uchinchi shaxs birinchi o‘g‘ridan o‘g‘irlangan narsani o‘g‘irlasa, mol-mulkning qonuniy (dastlabki) egasi bu uchinchi shaxslar bilan munosabatga kirishmaganligi sababli ularga nisbatan jabrlanuvchi bo‘la olmaydi. Undan ham ko‘proq, o‘zi o‘g‘irlagan narsani o‘g‘irlatib qo‘ygan dastlabki o‘g‘ri ham jinoyatdan jabrlanuvchi deb topilishi mumkin emas, chunki u o‘g‘irlangan mol-mulkka qonuniy huquqqa ega emas. Jabrlanuvchi yo‘q joyda esa jinoyat ham yo‘q. Demak, o‘g‘irlangan narsani egallash holatlarini mulkka qarshi jinoyatlar qatoriga kiritmaslik lozim, chunki bunday qilmishdan jabrlanuvchi va jinoyat qonuni bilan qo‘riqlanadigan qonuniy munosabat yuzaga kelmaydi.

Ushbu jihatni ilmiy asoslashda Yu.E. Pudovochkin va S.V. Anoshchenkovalarning jabrlanuvchi faqat jinoyat huquqi bilan qo‘riqlanadigan ijtimoiy munosabatlar doirasidagina vujudga kelishi haqidagi qarashlari tayanch nuqta bo‘lib xizmat qiladi. O‘g‘irlangan ashyoni ikkilamchi talon-toroj qilishda ashyo (predmet) mavjud, ammo uning ustida qonuniy egalik qiluvchi subyekt (jabrlanuvchi) bilan buzg‘unchi o‘rtasidagi jinoyat-huquqiy munosabat yo‘q. Bu esa jinoyat predmeti jabrlanuvchisiz (ya’ni qonuniy manfaatdor subyektsiz) o‘zining jinoyat-huquqiy ahamiyatini yo‘qotishini, u shunchaki voqelikdagi oddiy buyumga aylanib qolishini ilmiy jihatdan tasdiqlaydi.

Shuni alohida ta’kidlash joizki, jinoyat obyekti, jinoyat predmeti va jabrlanuvchi jinoyat tarkibining obyektiv belgilari tizimida o‘ziga xos «uchburchak»ni tashkil etadi, ular bir-birini to‘ldiradi, lekin bir-birining o‘rnini bosmaydi. Jinoyat obyekti – qilmishning ijtimoiy xavfliligini va qaysi guruhga mansubligini belgilaydi; jabrlanuvchi – jinoyatning kimga nisbatan qaratilganini va kimning huquqlari tiklanishi lozimligini ko‘rsatadi; jinoyat predmeti esa – jinoyat qanday moddiy yoki nomoddiy ne’matga ta’sir ko‘rsatish orqali sodir etilganini va yetkazilgan zararning miqdorini aniqlab beradi.

Xulosa o‘rnida, jinoyat predmetining jinoyat obyekti va jabrlanuvchi bilan o‘zaro nisbati borasida butun tadqiqot mazmunidan kelib chiqqan holda quyidagi takliflarni ilgari suramiz:

Birinchidan, jinoyat predmetini jinoyat obyektining tarkibiy qismi deb hisoblovchi nazariy qoliplardan voz kechish va jinoyat predmetini jinoyat obyekti bilan uzviy mantiqiy va tizimli bog‘liqlikda bo‘lgan, biroq undan tashqaridagi obyektiv borliqning mustaqil elementi sifatida tan olish bo‘yicha yagona doktrinal yondashuvni shakllantirish zarur. Jinoyat predmeti bu – ijtimoiy munosabatning o‘zi emas, balki ushbu munosabat nimaning ustida vujudga kelganini ko‘rsatuvchi, baholanishi va o‘lchanishi mumkin bo‘lgan aniq ne’matdir.

Ikkinchidan, jinoyat predmeti va jabrlanuvchi tushunchalarini chegaralash tamoyilini qonunchilikda va sud amaliyotida mustahkamlash maqsadga muvofiq. Inson hech qanday sharoitda jinoyat predmeti bo‘lishi mumkin emasligi, u faqatgina jinoyat tajovuzi qaratilgan ijtimoiy munosabatlar subyekti – jabrlanuvchi ekanligi e’tirof etilishi shart. Shu maqsadda, O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining shaxsga qarshi va odam savdosi bilan bog‘liq jinoyat ishlari bo‘yicha sud amaliyotiga bag‘ishlangan qarorlarida: «Jinoyat ishlarini kvalifikatsiya qilishda jabrlanuvchi (inson) va jinoyat predmeti tushunchalarini aynanlashtirishga yo‘l qo‘yilmasligi, tajovuz bevosita inson tanasiga yoki erkinligiga qaratilgan hollarda shaxs jinoyat predmeti emas, balki jinoyatdan jabrlanuvchi deb topilishi» haqidagi majburiy tushuntirishni kiritish taklif etiladi.

Uchinchidan, jinoyat predmeti va jinoyat obyektining o‘zaro nisbatida raqamli texnologiyalarning ta’sirini inobatga olgan holda, jinoyat predmeti qamroviga nafaqat an’anaviy moddiy ashyolarni, balki raqamli axborot, kriptovalyutalar va virtual ne’matlarni ham kiritish orqali ularning jinoyat obyekti (axborot xavfsizligi, raqamli mulkka bo‘lgan huquqlar) bilan aloqadorligini ta’minlash talab etiladi. Bu qadam kelgusida zamonaviy jinoyat huquqida,

xususan, texnologik taraqqiyot sharoitida yangi turdagi predmetlarning jinoyat tarkibidagi o‘rnini to‘g‘ri baholash uchun mustahkam poydevor vazifasini o‘taydi.

To‘rtinchidan, jinoyat qonunchiligida jabrlanuvchining «moddiy-huquqiy» va «jinoyat-protsessual» maqomini farqlash hamda uning subyektiv rolini aniqlashtirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining VIII bo‘limiga («Atamalarning huquqiy ma’nosi») jabrlanuvchi tushunchasiga sof jinoyat-huquqiy ta’rif kiritish taklif etiladi. Unga ko‘ra: «Jinoyatdan jabrlanuvchi – jinoyat qonuni bilan qo‘riqlanadigan ijtimoiy munosabatlarning qonuniy subyekti bo‘lib, aybdorning ijtimoiy xavfli qilmishi oqibatida uning irodasiga zid ravishda yoki ongidan tashqari qonuniy huquq va manfaatlariga moddiy, jismoniy yoki ma’naviy zarar yetkazilgan yoxud shunday zarar yetkazish xavfi yaratilgan jismoniy yoki yuridik shaxs, shuningdek davlat va jamiyatdir». Bunday ta’rif jabrlanuvchini jinoyat predmetidan ajratib turuvchi ong, iroda va qonuniy manfaat kabi fundamental mezonlarni qonun darajasida mustahkamlaydi va amaliyotda ularni adashtirishga barham beradi.

Beshinchidan, jinoyat predmetini aniqlashda «jabrlanuvchining roziligi» institutining ahamiyatini qonunchilikda aks ettirish taklif qilinadi. Agar ijtimoiy munosabat subyekti (jabrlanuvchi) o‘z huquqlariga qonun doirasida va ixtiyoriy, anglagan holda ziyon yetkazilishiga rozilik bersa (masalan, tibbiy transplantatsiya uchun qonuniy va xolis donor bo‘lish), mazkur ne’mat jinoyat predmeti xususiyatini yo‘qotadi va qilmishning jinoiyligi istisno etiladi. Buni O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining «Qilmishning jinoiyligini istisno qiluvchi holatlar» bobiga mustaqil norma sifatida kiritish orqali, jinoyat predmeti va jabrlanuvchi o‘rtasidagi uzviy, lekin bir-birini inkor etmaydigan bog‘liqlik huquqiy jihatdan asoslangan bo‘ladi.

Oltinchidan, zamonaviy jinoyat huquqida raqamli jabrlanuvchilar va virtual jinoyat predmetlari bilan ishlash bo‘yicha huquqni qo‘llash amaliyoti (tergov va sud) xodimlari uchun yagona metodologik qo‘llanma ishlab chiqish tavsiya etiladi. Ushbu metodologiyada raqamli va nomoddiy predmetlarga (masalan, ma’lumotlar bazasi, kripto-kashyolok) zarar yetkazilganda qilmishning ijtimoiy xavfliligini obyektning o‘zi bilan emas, balki aniq iqtisodiy va virtual qiymatni hisoblab chiqish orqali aniqlash mexanizmi hamda yuridik shaxslarning jabrlanuvchi sifatidagi maqomini baholash tizimi yaratilishi lozim.

ADABIYOTLAR

1. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta’lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A. A. Otajonov, D.Y. Payziyev va boshq. – T.:O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2016. – 323 b.
2. Jinoyat huquqi (Umumiy qism). O‘quv qo‘llanma. Ochilov X.R. – Toshkent: Yuridik adabiyotlar Publish, 2022-y. – 176 b.
3. Герасимов А.М. Объект преступления и его соотношение с предметом посягательства и потерпевшим // Вестник СГЮА. — 2023. — С. 138.
4. Асланян Р.Г. К вопросу о видах системных связей между институтами Особенной части уголовного права // Развитие юридической науки в новых условиях. — Ростов н/Д, 2021. — С. 310.
5. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. Т.1. — Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2024. — Б. 145.
6. Шульга А.В. Хищения в условиях развития современных информационных технологий и рынка инновационных товаров. — М., 2016. — С. 26-28.
7. Бикмурзин М.П. Уголовное право. Общая часть. Преступление. Академический курс. Т. VI. / под ред. Н.А. Лопашенко. — М.: Юрлитинформ, 2016. — С. 154-165.
8. Коргулев А.Г. Предмет преступления в современном уголовном праве: компаративный анализ аналитической философии и экзистенциализма: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Краснодар, 2021. — 220 с.
9. Анощенкова С.В. Потерпевший и его уголовно-правовое значение // Уголовное право. Общая часть. Т. VI. / под ред. Н.А. Лопашенко. — М.: Юрлитинформ, 2016. — С. 187, 193.
10. Сирик М.С. Потерпевший от преступления как факультативный признак объекта преступления: учебное пособие. — Краснодар, 2019. — С. 14.
11. Герасимов А.М. Субъект преступления как участник уголовно-правового отношения // International Law Journal. — 2022. Т. 5, № 2. — С. 31-36.
12. Грошев А.В., Шульга А.В. Ответственность за приобретение, хранение, перевозку, переработку в целях сбыта... // Политематический сетевой электронный научный журнал. — 2015. № 113. — С. 1637-1645.

Zamonaviy jinoyat huquqida jinoyat predmeti, obyekti va jabrlanuvchi o‘zaro nisbatining nazariy va amaliy muammolari

Annotatsiya. Maqolada jinoyat huquqi fanidagi bahsli va dolzarb muammolardan biri bo‘lgan jinoyat predmeti, jinoyat obyekti va jabrlanuvchi o‘rtasidagi o‘zaro nisbat, ularning farqli va o‘xshash jihatlari ilmiy va amaliy nuqtai nazardan *tahlil qilingan*. Shuningdek, jabrlanuvchining o‘z huquqlariga zarar yetkazilishiga ixtiyoriy roziligi institutining jinoyat predmetiga va qilmishning jinoiyligiga ta’siri masalalari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: jinoyat predmeti, jinoyat obyekti, jabrlanuvchi, ijtimoiy munosabat.

Теоретические и практические проблемы взаимосвязи предмета, объекта преступления и потерпевшего в современном уголовном праве

Annotatsiya. Maqolada muallif inson qadrini yuksaltirishga doir davlat siyosatining mohiyati va xususiyatlariga doir manbalarning nazariy tahlil qilib, maqolada inson qadri, ijtimoiy davlat, farovon jamiyat, ijtimoiy adolat, umumiy farovonlik, davlatning ijtimoiy siyosatining aktiv passiv ko‘rinishlariga doir bir qator nazariyalar tahlili yoritiladi.

Kalit so‘zlar: Inson, inson qadri, davlat, jamiyat, davlat siyosati, ijtimoiy siyosat, ijtimoiy davlat, ijtimoiy adolat, umumiy farovonlik, farovon jamiyat.

Обеспечение интересов человека как приоритет государственной политики: анализ теоретических источников

Аннотация. В статье автор проводит теоретический анализ источников, касающихся сущности и особенностей государственной политики по повышению человеческого достоинства, в статье освещается анализ ряда теорий, касающихся человеческого достоинства, социального государства, благополучного общества, социальной справедливости, всеобщего благосостояния, активных и пассивных проявлений социальной политики государства.

Ключевые слова: Человек, человеческое достоинство, государство, общество, государственная политика, социальная политика, социальное государство, социальная справедливость, общее благополучие, процветающее общество.

Ensuring human interests as a priority of state policy: analysis of theoretical sources

Abstract. In the article, the author conducts a theoretical analysis of sources regarding the essence and characteristics of state policy aimed at enhancing human dignity, highlighting a number of theories regarding human dignity, the social state, a prosperous society, social justice, general well-being, and active-passive manifestations of state social policy.

Keywords: Man, human dignity, state, society, state policy, social policy, social state, social justice, universal well-being, prosperous society.

UO‘K: 327(574:5):008:316.7

QOZOG‘ISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN MADANIY-GUMANITAR HAMKORLIGI “YUMSHOQ KUCH” SIYOSATINING MUHIM YO‘NALISHI SIFATIDA

Elmurodov J. A.
O‘zbekiston Milliy universiteti mustaqil tadqiqotchisi

Kirish. Markaziy Osiyo davlatlari o‘zlarining yumshoq kuch salohiyatidan foydalanmoqdalar. Postsovet hududidagi eng jadal rivojlanayotgan davlatlardan biri bo‘lgan Qozog‘iston bu sohada ayniqsa faol. Qozog‘istonning Markaziy Osiyo davlatlari bilan madaniy-gumanitar hamkorligi “yumshoq kuch” siyosatining muhim yo‘nalishi sifatida shakllandi, o‘tgan 35 yil davomida ikki va ko‘p tomonlama hamkorlikning mustahkamlanishiga xizmat qila boshladi.

Adabiyotlar tahlili. Yumshoq kuch tarixiga oid ko‘plab izlanishlar olib borilgan va bir qator fundamental ilmiy asarlar yaratilgan. Jumladan, yumshoq kuch amaliy natijalari, davlatlararo hamkorlikdagi o‘rni va roli xususida O.F.Rusakova [10, 173-192.], O.Leonova[6, 18-28.], B.Bruk [2.], S.B.Bulekbayev [3.], B.Nurjanov [8.], M.S.Karamanova [5.], A.V.Torkunov[11, 85-93.], A.Fominix [13, 73-86.], J.Nay [9.] kabi olimlar tomonidan turli xil yondashuvlar ilgari surilgan. Biroq, ushbu asarlar ilmiy qiymatini inkor etmagan holda alohida taqlil etsih mavzuning dolzarbligini belgilaydi.

Metodologiya. Maqolada normativ-huquqiy va institutsional yondashuv, tarixiy-qiyosiy tahlil hamda kontent-analiz usullari qo‘llanildi. Manbalar sifatida ochiq nashrlar, tahliliy maqolalar va Qozog‘iston va Tojikiston respublikalari madaniy-gumanitar hamkorligiga oid rasmiy hamda ilmiy ishlardan foydalanildi.

Natija va muhokama. "Yumshoq kuch" Markaziy Osiyoda ham tashqi, ham ichki aktyorlar tomonidan keng qo‘llaniladi. Ishtirokchilar turli strategiyalardan foydalanadilar va turli aholi guruhlariga ta'sir ko‘rsatadilar. Masalan, Rossiya rus tilida so‘zlashuvchi auditoriyani jalb qilishga intiladi;

O‘z navbatida, Qozog‘iston ko‘pchilik uchun jozibador ko‘rinadigan choralarni ko‘rmoqda. Barcha aktyorlar o‘zlarining rasmiy tuzilmalaridan, shuningdek, nodavlat tashkilotlaridan foydalanadilar. Turli aktyorlarning yumshoq kuch strategiyalari bir-biri bilan raqobatlashsa-da, turli jihatlar va turli aholi guruhlariga qaratilgan bo‘lsa-da, oxir-oqibat nol yig‘indili o‘yin yaratmaydi. Shuni ta'kidlash kerakki, "yumshoq kuch"ni amalga oshirish amaliyoti har doim ham J. Nyening bu tushunchaga bergan tushunchasiga mos kelmaydi (bu Markaziy Osiyo misolida aniq ko‘rsatilgan). "Yumshoq kuch" ko‘pincha kuch orqali erishilmagan har qanday ta'sir sifatida tushuniladi. Aftidan, jozibadorlikka e'tibor qaratish ta'sir o‘tkazish uchun ko‘proq imkoniyatlar ochadi. Globallashuv va globalizatsiya jarayonlari dinamikasi kontekstida madaniy meros muammolari hozirgi kunda milliy va xalqaro miqyosda dolzarb fanlararo ilmiy tadqiqot va ijtimoiy-madaniy soha hisoblanadi [12, 33-39.].

Ta’kidlash joizki, hozirgi bosqichda ko ‘plab davlatlar o‘zlarining tashqi siyosat vositalarini yangilash zarurligini tan olishmoqda. Eng yuqori siyosiy darajadagi siyosatchilar va siyosatshunoslar o‘z mamlakatlarining “yumshoq kuch” modelini konsepsiyalashtirish ustida ishlamoqdalar, uni amalga oshirish amaliy qadamlar bilan ifodalanadi. O.Leonova bu g‘oyani quyidagi formulada aks ettiradi: “Har qanday mamlakatda “yumshoq kuch” mavjud, bu ikkita tushunchaning yig‘indisidir: IMAGE (tasvir) plyus ACTIONS (“yumshoq kuch” vositalaridan foydalanish)” [6, 18-28.].

Shunday qilib, B.Bruk, davlatlarda yumshoq kuchning muhim rolini belgilab, “jozibadorroq tashqi siyosat, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish modellari, madaniyati, siyosiy tizimlari va qadriyatlar tizimiga ega davlatlar oldingi o‘rinda turadi” deb ta’kidlaydi [2.] va bitta davlat chegaralaridan tashqariga chiqadigan va nizolarni hal qilishga hissa qo‘shadigan ijobiy va konstruktiv faoliyat sifatida baholaydi.

Shuni ta’kidlash kerakki, bugungi sharoitda davlatning obro‘sini “boshqarish” va uni tashqi dunyo uchun yanada jozibador qilishga urinish juda muammoli bo‘lib bormoqda. Buning sababi, ko‘pincha ommaga namoyish etiladigan davlatning taklif qilingan obro‘si ko‘pincha ba’zi jihatdan haqiqatga zid keladi yoki umumiy kontekstga mos kelmaydi.

Shu munosabat bilan, Markaziy Osiyo mintaqasida dinamik rivojlanayotgan davlat sifatida Qozog‘iston ham o‘zining faol tashqi siyosiy faoliyatini rivojlantirmoqda. Global tartibning xalqaro o‘zgarishi sharoitida Qozog‘istonning ijobiy imidjini yaratish Qozog‘iston tashqi siyosatining asosiy maqsadlaridan biridir. Mustaqillikning 35 yili davomida Qozog‘iston keng, noyob tajriba to‘pladi va chuqur mulohaza yuritishni va global sahnadagi o‘rnini mustahkamlash uchun keyingi muvaffaqiyatli natijalarni talab qiladigan mexanizmlarni ishlab chiqdi. Ko‘p tomonlama va o‘zaro manfaatli tinch hamkorlikni doimiy ravishda mustahkamlash va rivojlantirish, hozirda zaif deb ta’riflagan mamlakatlar va tashkilotlar bilan hamkorlikni o‘rnatish juda muhimdir. “Bizning siyosatimiz, avvalgidek, teng huquqli sheriklikka, mamlakatlarimizning xalqaro ishlarda mintaqaning rolini oshirish va beshta mamlakatda farovonlikni ta’minlash uchun sa’y-harakatlarini birlashtirishga qaratilgan... Biz Qozog‘iston ishtirok etadigan global va mintaqaviy xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik qilishda davom etamiz” [7.].

Darhaqiqat, Qozog‘iston global maydonda muvaffaqiyatli o‘zini namoyon qilish uchun qanday ma’naviy resurslarga ega ekanligi va Qozog‘istonning yumshoq kuch resurslari va imkoniyatlarini aniqlashga harakat qilamiz.

Avvalo, Qozog‘iston yumshoq kuchining asosiy resursi uning madaniy va tarixiy merosidir. Cho‘l sivilizatsiyasining madaniyatlari, an’analari va urf-odatlari, san’ati, ilmi, tinch dinlararo muloqotni o‘rnatishdagi yutuqlari va tajribasining noyob uyg‘unligi, mineral resurslarga boy keng yerlar va ikki buyuk madaniyat – Sharq va G‘arb o‘rtasida ko‘prik vazifasini o‘taydigan joylashuvi Qozog‘istonni ajratib turadi. Olimlarning fikriga ko‘ra, Qozog‘iston tarixi buyuk turkiy tarix bilan bevosita bog‘liq. Masalan, professor S.B.Bulekbayev ta’kidlaganidek, “qozoqlar, tarixan Buyuk Dashtda, Yevroosiyoning markazida yashagan xalq sifatida, ko‘pincha jahon tarixining yo‘nalishini o‘zgartirib yuborgan eng muhim tarixiy voqealar boshlangan va sodir bo‘lgan bu buyuk turkiy tarixning asosiy mavzularidan biridir”. Demak, qozoqlar tarixi turkiy tarixdan ajralmasdir. Izlanishlar olib borish jarayonida muallif ikkita xulosaga keladi: birinchidan, turkiy sivilizatsiya bir qator mafkuraviy sabablarga ko‘ra kam baholangan buyuk, mutlaqo o‘ziga xos va o‘zini o‘zi ta’minlaydigan sivilizatsiya. Ikkinchidan, turkiy tarix, madaniyat va sivilizatsiyaga oid ko‘pgina tarixiy materiallar hali to‘liq o‘rganilmagan [3, 318.].

Qozoq madaniyatini o‘z ichiga olgan turkiy madaniyatning o‘ziga xos xususiyati shundaki, turkiy dunyoqarash boshqa xalqlarning eng yaxshi tomonlarini o‘zlashtirishga qaratilgan edi. Ushbu yondashuvga, aniqrog‘i ularning bag‘rikengligiga asoslanib, turklar boshqa madaniyatlar va sivilizatsiyalardan ko‘plab foydali elementlarni o‘zlashtira oldilar, shu bilan birga o‘ziga xoslik va o‘zini o‘zi ta’minlash xususiyatlariga ega bo‘lgan o‘z madaniyatlarini yaratdilar. Bizning fikrimizcha, bu “Yumshoq kuch” konsepsiyasining asosiy tamoyillaridan biridir.

Xususan, keyingi resurs Qozog‘istonning geografik joylashuvidir. Qozog‘istonning “yumshoq kuchi” uning transkontinental joylashuvida yotadi. Qozog‘iston Sharq va G‘arbning tutashgan joyi bo‘lib, Buyuk Ipak yo‘lining katta qismiga ega bo‘lib, bu buyuk madaniyatlar o‘rtasidagi bog‘liqlikning noyob ramzi hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan, Ipak yo‘li iqtisodiy kamari (SREB) loyihasi XXI asrning eng buyuk loyihalaridan biridir. Uning ko‘lami va insoniyat uchun ahamiyati bir qator sabablarga ko‘ra mislsizdir: u 42 ta mamlakatni transport va boshqa aloqalar bilan bog‘laydi; ma’lum darajada global iqtisodiyot va jahon siyosati arxitekturasini o‘zgartiradi; xalqaro munosabatlarning dunyoqarashi va falsafasini o‘zgartiradi (ma’lum ma’noda “Buyuk o‘yin” tushunchasidan “Buyuk foyda” falsafasiga o‘tish); va Ipak yo‘li bo‘ylab joylashgan ko‘plab mamlakatlar uchun iqtisodiyot va jamiyatning boshqa sohalarini rivojlantirish uchun yangi imkoniyatlar va istiqbollarni ochadi.

Bundan tashqari, Qozog‘istonning tabiiy muhiti sayyohlarni ham, tadqiqotchilarni ham o‘ziga jalb qiladigan noyob joylarga boy. The Huffington Post kabi mashhur Amerika nashri sayohatchilarga Qozog‘istonga tashrif buyurishni tavsiya qilishi bejiz emas. Ushbu reytingga 2017-yilda “epik” sayohat uchun 17 ta yo‘nalish kiritilgan bo‘lib, Qozog‘iston uchinchi o‘rinni egallagan. Shuningdek, u nafaqat sayyoh, balki tadqiqotchi bo‘lishni ham tavsiya qiladi.

Shuningdek, Qozog‘istonning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishidagi yutuqlari. Mustaqillik yillarida Qozog‘iston mustaqil davlatning jadal rivojlanishining noyob modeli sifatida keng e’tirof etildi. Bular yutuqlar bevosita Qozog‘iston Respublikasi Birinchi Prezidenti Nursulton Nazarboyevning shaxsiyati bilan bog‘liq. N.A.Nazarboyev fenomeni Qozog‘iston uchun “yumshoq kuch” resursi bo‘lib, bu uning fundamental islohotlarni amalga oshirishdagi xizmatlari, respublikadagi siyosiy vaziyatning o‘ziga xos xususiyatlari, aholining ruhiy va psixologik xususiyatlari va “Qozog‘iston” milliy brendini targ‘ib qilishdagi xizmatlari bilan bog‘liq bo‘lgan [1.] .

Ayniqsa, ko‘p millatlilik va diniy siyosat Qozog‘istonning keyingi strategik resurslari va afzalliklari hisoblanadi. Agar Qozog‘iston Xalqlari Assambleyasi (QXA) Respublika forumida aytilgan raqamlarni keltirsak, ular ko‘p narsani anglatadi, ya’ni Qozog‘istonda 100 dan ortiq etnik guruh va 17 ta konfessiya vakillarining hayoti uchun qulay sharoitlar yaratilgan, mamlakatda 962 ta etnik-madaniy birlashma faoliyat yuritadi, gazeta va jurnallar 15 tilda nashr etiladi,

teatrlashtirilgan tomoshalarni esa 7 tilda ko‘rish mumkin. Qozog‘istonning har bir mintaqasida kichik Assambleyalar mavjud. QXA noyob institut bo‘lib, uning faoliyati bag‘rikenglik, dinlararo va madaniyatlararo uyg‘unlikni ta’minlashga qaratilgan. Bu yerda, shuningdek, Qozog‘iston migratsiya siyosatining ustuvor vazifalaridan biri deb e’lon qilingan qozoqlarni repatriatsiya qilish siyosatini ham ta’kidlash kerak. Mustaqillikka erishganidan beri qozoq tili, hayoti va an’analarini o‘rganish uchun maxsus dasturlar, kvotalar va shart-sharoitlar yaratildi. Bularning barchasi, shubhasiz, xalqaro jarayonlarda ta’sirchan omillar hisoblanadi. Shu bilan birga, to‘siqsiz o‘zaro ta’sir va qozoq madaniyati va tilini targ‘ib qilish uchun axborot-kommunikatsiya makonini yaratish muhimdir [4.].

“Yumshoq kuch” zamonaviy xalqaro munosabatlarda muqarrar jarayondir. Bundan tashqari, har bir davlatning ta’sir vositalari mavjud, chunki ko'plab mamlakatlar globallashgan dunyoda bir-biri bilan bog‘langan. Bu jarayo Qirg‘iziston, Tojikiston, Turkmaniston va O‘zbekiston bilan Qozog‘istonning o‘zaro madaniy hamkorligiga ham xizmat qilgan. Aniqrog‘i, ta’lim va akademik mobillik, madaniy tadbirlar va mafkura va qadriyatlarni singdirishning boshqa vositalari qonuniy ravishda va ikki tomonlama munosabatlarga muvofiq amalga oshiriladi. Qozog‘istonning manfaatlari hozirda Qozog‘istonni rivojlangan 30 ta mamlakat qatoriga kiritish strategik maqsadiga erishishga qaratilgan. Bundan tashqari, “yumshoq kuch”ga investitsiyalar darhol natija bermaydi, balki kechiktirilgan ta’sir ko‘rsatadi. “Yumshoq kuch” konsepsiyasini amalga oshirish orqali paydo bo‘layotgan ushbu yangi voqelik sharoitida, tabiiyki, shoshilinch ravishda hal qilinishi kerak bo‘lgan juda ko‘p nazariy va amaliy savollar tug‘iladi.

Xulosa. Qozog‘istonni o‘rganish asosida kengroq muhokama uchun quyidagi xulosalarni taklif etish mumkin. Birinchidan, yumshoq kuch nishoniga olingan mamlakat uni turli xil qarshi choralar, masalan, Qozog‘iston misolida bo‘lgani kabi ko‘p vektorli tashqi siyosat orqali to‘xtatishi mumkin. Ikkinchidan, Qozog‘iston tajribasi shuni ko‘rsatadiki, mahalliy madaniyat va ijtimoiy e’tiqodlar (tushunchalar) tashqi yumshoq kuchning samaradorligini tubdan cheklamoqda. Uchinchidan, Qozog‘iston o‘zining pragmatik va ko‘p vektorli tashqi siyosat strategiyasini davom ettiradi va biron bir super kuchning hukmronligidan qochishga harakat qiladi.

Yechim (taklif va tavsiyalar). Markaziy Osiyo davlatlari o‘rtasida yagona madaniy-gumanitar hamkorlik platformasini shakllantirish orqali qo‘shma ilmiy tadqiqotlar, madaniy loyihalar va akademik almashinuv dasturlarini tizimli rivojlantirish maqsadga muvofiq.

- Qozog‘istonning “yumshoq kuch” siyosatini baholashning ilmiy indikatorlari (ta’lim, fan, madaniyat, turizm va jamoatchilik diplomatiyasi ko‘rsatkichlari) ishlab chiqilishi mintaqaviy hamkorlik samaradorligini aniq tahlil qilish;

- Markaziy Osiyo oliy ta’lim muassasalari o‘rtasida qo‘shma magistratura va doktorantura dasturlarini kengaytirish mintaqaning yagona ilmiy-ta’lim makonini shakllantirish;

- Qozog‘iston va Markaziy Osiyo davlatlarining umumiy tarixiy-madaniy merosini xalqaro miqyosda targ‘ib etishga qaratilgan qo‘shma ilmiy va madaniy loyihalarni amalga oshirish “yumshoq kuch” resurslarini yanada samarali safarbar etishga xizmat qiladi.

Madaniy-gumanitar hamkorlikning mintaqaviy integratsiyaga ta’sirini o‘rganishga bag‘ishlangan doimiy ilmiy monitoring tizimini yaratish davlat siyosatini ilmiy asosda takomillashtirish hamda istiqboldagi strategik qarorlar samaradorligini oshirish maqsadga muvofiqdir.

ADABIYOTLAR

1. Аскеева Г. Б., Бекеева Л. К. Нурсултан Назарбаев – прагматичный лидер XXI века. 11 Января 2017 [Электронный ресурс]. URL: http://e-history.kz/ru/contents/view/1316 (murojaat etilgan sana: 20.05.2026).
2. Брук Б. Привлекай и властвуй? Уроки «мягкой силы» от стран БРИКС [Электронный ресурс]. URL: http://cpanel.imrussia.org/ru/politics/439
3. Булекбаев С. Б. Тюркский вклад в мировую культуру и цивилизацию. – Алматы, 2016. – 318 с.
4. Жакьянова А.М. Ресурсы «Мягкой силы» во внешней политике Казахстана. // http://resursy-myagkoy-sily-vo-vneshney-politike-kazahstana
5. Караманова М.С. Государственная программа «Культурное наследие» Казахстана: эта пы ее реализации и значение // Портал National Digital History of Kazakhstan. URL: http://e-istory.kz/ru/contents/view/1568 (murojaat etilgan sana: 20.05.2026).
6. Леонова О. «Мягкая сила»: инструменты и коэффициенты влияния // Обозреватель – Observer. 2014. № 3 (301). С. 18–28.
7. Назарбаев Н. Сегодня Центральная Азия переживает новый этап своего развития. Казахстан, Политика. 3 июля 2017 г., URL:https://total.kz/ru/news/vneshnyaya_politika/segodnya_tsentralnaya_aziya_perezhivaet_novii_etap_svoego_razvitiya__nazarbaev (murojaat etilgan sana: 20.05.2026).
8. Нуржанов Бекет. Бекет Нуржанов в Интеллектуальном клубе Ауэзхана Кодара 3 [Электронный ресурс]. URL: https://www.youtube.com/watch?v=6J-geC9BqVw (murojat etilgan sana: 21.05. 202026).
9. Nye J. Soft Power Matters in Asia. The Japan Times, December 5, 2005. Mode of access: http://belfercenter.ksg.harvard.edu/publication/1486/soft_power_matters_in_asia.html
10. Русакова О. Ф. Концепт «мягкой» силы (Soft power) в современной политической философии // Научный ежегодник Института философии и права Уральского отделения Российской академии наук. 2010. Вып. 10. С. 173–192.
11. Торкунов А.В. Образование как инструмент «мягкой силы» во внешней политике России / Вестник МГИМО-Университета. 2012. № 4. С. 85-93.
12. Труевцева О.Н. Музеология и изучение наследия: необходимость интеграции // Музей, музеология және мәдени мұра: ғылыми-тәжірибелік конференцияның баяндамалар жинағы, 17 18 сәуір, 2019, Нұр-Сұлтан / ғылыми. Нұр-сұлтан, 2019.
13. Фоминых А. Проецирование «мягкой силы»: публичная дипломатия США и России в постсоветской Центральной Азии / Центральная Азия и Кавказ. 2010. Т. 13. Вып. 3. С. 73-86.

Qozog‘istonning markaziy osiyo davlatlari bilan madaniy-gumanitar hamkorligi “Yumshoq kuch” siyosatining muhim yo‘nalishi sifatida

Annotatsiya. Mazkur maqolada Qozog‘istonning Markaziy Osiyo davlatlari bilan madaniy-gumanitar hamkorligi uning “yumshoq kuch” siyosatining muhim yo‘nalishi sifatida tahlil qilinadi. Maqolada madaniy diplomatiya, ta’lim va ilmiy hamkorlik, madaniy almashinuv hamda mintaqaviy tashkilotlar faoliyatining Qozog‘istonning xalqaro nufuzini oshirish va mintaqaviy

integratsiyani mustahkamlashdagi o‘rni yoritilgan. Shuningdek, mazkur hamkorlikning Markaziy Osiyoda o‘zaro ishonch, barqarorlik va uzoq muddatli sheriklikni rivojlantirishdagi ahamiyati asoslab berilgan.

Kalit so‘zlar: yumshoq kuch, madaniy diplomatiya, gumanitar hamkorlik, tashqi siyosat, mintaqaviy integratsiya.

Культурное и гуманитарное сотрудничество казахстана с центральноазиатскими государствами как важная область политики «мягкой силы».

Аннотация. В данной статье анализируется культурное и гуманитарное сотрудничество Казахстана со странами Центральной Азии как важное направление его политики «мягкой силы». В статье подчеркивается роль культурной дипломатии, образовательного и научного сотрудничества, культурного обмена и деятельности региональных организаций в повышении международного престижа Казахстана и укреплении региональной интеграции. Также обосновывается важность этого сотрудничества в развитии взаимного доверия, стабильности и долгосрочного партнерства в Центральной Азии.

Ключевые слова: мягкая сила, культурная дипломатия, гуманитарное сотрудничество, внешняя политика, публичная дипломатия.

Cultural and humanitarian cooperation of kazakhstan with central asian states as an important area of “Soft power” policy

Abstract. This article analyzes Kazakhstan’s cultural and humanitarian cooperation with the countries of Central Asia as an important direction of its “soft power” policy. The article highlights the role of cultural diplomacy, educational and scientific cooperation, cultural exchange, and the activities of regional organizations in increasing Kazakhstan’s international prestige and strengthening regional integration. It also substantiates the importance of this cooperation in developing mutual trust, stability, and long-term partnerships in Central Asia.

Key words: soft power, cultural diplomacy, humanitarian cooperation, foreign policy, public diplomacy.

BERKAXONGA BAG‘ISHLANGAN RISOLA: NAJMIDDIN ZOHIDIYNING “RISOLATUN NOSIRIYYA” ASARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI

Najimatdinov K.

Qoraqalpoq davlat universiteti tayanch doktoranti

Kirish. XIII asrda Xorazmda yashab ijod qilgan Najmiddin Zohidiy (vaf. 658/1260) hanafiy fiqh va kalom ilmining yirik namoyandalaridan biridir. Uning “Qunyatul munya” va “al-Mujtabo” kabi asarlari ma’lum darajada o‘rganilgan bo‘lsa-da, “Risolatun Nosiriyya” asari manbashunoslik nuqtayi nazaridan yetarlicha tadqiq etilmagan. Mazkur risola Zohidiyning ilmiy qarashlari bilan bir qatorda, XIII asr o‘rtalaridagi Xorazmning diniy-siyosiy va ilmiy-madaniy muhitiga oid muhim ma’lumotlarni ham saqlagan. “Risolatun Nosiriyya”ning Berkaxon nomiga bag‘ishlanishi, asarning Xorazmda yozilishi hamda mo‘g‘ullar istilosidan keyingi davrga oid muallif kuzatuvlarining mavjudligi uning tarixiy manba sifatidagi ahamiyatini oshiradi.

Ushbu maqolada “Risolatun Nosiriyya”ning yozilish tarixi, qo‘lyozma nusxasi, sanasi va tarkibiy tuzilishi manbashunoslik nuqtayi nazaridan tahlil qilinadi. Shuningdek, asarning turli manbalarda qayd etilgan ma’lumotlari qiyoslanib, uning XIII asr o‘rtalaridagi Xorazm va Oltin O‘rda tarixini yoritishdagi manbaviy imkoniyatlari aniqlanadi.

Adabiyotlar tahlili. Zohidiy shaxsiyati va ilmiy merosi haqidagi eng batafsil zamonaviy tadqiqot – Nurettin Adinning “Ebü’r-Recâ Necmüddîn Muhtar ez-Zâhidî'nin hayatı ve eserleri” maqolasidir. Muallif Zohidiyning hayoti, ilmiy faoliyati va asarlari haqida keng ma’lumot bergan bo‘lsa-da, “Risolatun Nosiriyya”ning tuzilishi masalasida, uning yagona uch bo‘limli asar ekanligi yoki uchta mustaqil risoladan iboratligi haqida aniq xulosaga kelmasdan, bu masalani ochiq qoldiradi.

Şükrü Özenning Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisidagi “Zâhidî” maqolasi qisqa, ammo aniq ma’lumot beradi: asarni bir yaxlit, uch bo‘limli risola sifatida tavsiflaydi va uning yozilish sanasini keltiradi.

Asarning yagona ilmiy-tanqidiy nashri Muhammad al-Misriy tomonidan amalga oshirilgan (Kuvayt, 1994). Ushbu tahqiq nafaqat matnni, balki qo‘lyozma tavsifini, yozilish tarixi va sababi haqidagi tahliliy muqaddimani ham o‘z ichiga oladi. Bu bizning tadqiqotimizning asosiy bazasini tashkil etadi.

Nail Karagöz va Ulanbek Kalmurza uulunning “Necmüddîn ez-Zâhidî’nin Hz. Muhammed’in (s.a.s.) nübüvvetinin ispatina yönelik delillendirmelerinin karakteristiği” maqolasi asarni ilohiyot-kalom nuqtai nazaridan, xususan, nubuvvatni isbotlash dalillari kontekstida tahlil qiladi. Bu tadqiqot bizning ishimiz uchun asosiy manba bo‘la olmaydi, chunki uning yo‘nalishi tarixiy emas, balki nazariy-kalomiydir; shunga qaramay, ayrim o‘rinlarda qiyosiy misol sifatida foydalanish mumkin. Shunday qilib, mavjud tadqiqotlar asarning diniy-nazariy mazmunini yoritgan bo‘lsa-da, uning tarixiy-manbashunoslik tahlili, xususan tuzilishi masalasidagi ziddiyatlarni hal qilish va uni XIII asr Oltin O‘rda-Xorazm munosabatlari kontekstida o‘rganish hanuzgacha alohida tadqiqot predmeti bo‘lmagan. Aynan shu bo‘shliq ushbu maqolaning ilmiy yangiligini belgilaydi.

Metodologiya. Tadqiqotda tarix fanida qo‘llaniladigan quyidagi metodlardan foydalanildi: manbashunoslik tahlili metodi – “Risolatun Nosiriyya”ning qo‘lyozma nusxasi, uning tavsifi, yozilish sanasi va tuzilishi masalalarini tanqidiy o‘rganishda; qiyosiy-tarixiy metod – asar haqidagi turli davr va til (arab, turk) manbalarida (Qurashiy, Hoji Xalifa, Adın, Özen) keltirilgan ma’lumotlarni bir-biri bilan solishtirish va ular orasidagi ziddiyatlarni (masalan, yozilish sanasi va asar tuzilishi masalalarida) aniqlash hamda hal qilish uchun; kontekstual-tarixiy tahlil – asarni XIII asr o‘rtalarida Xorazm va Oltin O‘rda o‘rtasidagi diniy-siyosiy munosabatlar, mo‘g‘ullar istilosi oqibatlari va Berkaxonning islomlashtirish siyosati kontekstida o‘rganishda; tarjima-tahlil metodi - asarning muqaddima va xotima qismlarining o‘zbek tiliga akademik tarjimasi orqali uning mazmuni va uslubini bevosita manba asosida yoritishda.

Tadqiqot birlamchi manba sifatida Muhammad al-Misriyning 1994-yildagi ilmiy-tanqidiy nashriga, ikkilamchi manbalar sifatida esa yuqorida qayd etilgan tarixiy-biografik va bibliografik asarlarga tayanadi.

Muhokama va natijalar. Abu Rajo Najmiddin Muxtor ibn Mahmud ibn Muhammad az-Zohidiy Xorazmning G‘azmin degan joyida tavallud topgan [1, 349]. Uning tug‘ilgan yili manbalarda aniq qayd etilmagan, biroq hayoti Xorazmshohlar davlatining ham yuksalish, ham inqiroz davriga to‘g‘ri kelgan. Zohidiy davrining yetakchi olimlaridan, jumladan, o‘z qaynatasi deb tilga olgan Ruknul aimma as-Sabbog‘iy hamda boshqa ustozlardan ta’lim olgan [3, 171].

U hanafiy fiqhi sohasida keng tanilgan, ayniqsa “al-Mujtabo” (Quduriyning “Muxtasar”iga sharh) va “Qunyatul munya” kabi asarlari bilan mashhur bo‘lgan [2, 460]. Shu bilan birga, kalom ilmida ham chuqur bilim sohibi bo‘lib, mo‘taziliy an’anasiga yaqin qarashlarni ilgari surgan. Zohidiyning hayoti mo‘g‘ullar istilosi va uning Xorazm hamda butun Markaziy Osiyo mintaqasiga keltirgan halokatli oqibatlari davriga to‘g‘ri keldi. Bu davrda ilmiy markazlar vayron bo‘lib, ko‘plab olimlar boshqa mintaqalarga ko‘chishga majbur bo‘lgan. Zohidiyning o‘zi ham quyida ko‘rib chiqiladigan “Risolatun Nosiriyya” asarida qayd etganidek, bu og‘ir davrni bevosita boshidan kechirgan.

Zohidiy hijriy 658 (milodiy 1260) yilda, Xorazmning markazi Jurjoniyada, “Risolatun Nosiriyya” asarini yakunlagandan ko‘p o‘tmay vafot etgan [7, 82].

“Risolatun Nosiriyya”ning yozilish tarixi va sababi. “Risolatun Nosiriyya” – Zohidiyning umrining so‘nggi bosqichida, Xorazmning markazi Jurjoniyada yozgan asari. Muallifning o‘z so‘zlariga ko‘ra, asar Oltin O‘rdaning musulmon hukmdori Berkaxonning “muborak va barakali nomi bilan” bitilgan bo‘lib, unda hanifiy (to‘g‘ri) dinning hujjatlarini bayon qilish va unga qaratilgan har qanday (ochiq yoki yashirin) savolga javob berish maqsad qilib olingan [6, 27]. Asarning yozilishi tasodifiy emas edi. Xorazm bu davrda Oltin O‘rda tasarrufida bo‘lgani sababli, Zohidiy o‘z yurtining hukmdoriga murojaat qilgan. Muallif Berkaxonni Islomni “qayta jonlantirgan”, tushib qolgan din bayroqlarini qayta ko‘targan hukmdor sifatida katta ehtirom bilan tasvirlaydi. Bu o‘z navbatida, Berkaxonning islomlashtirish siyosati va uning mintaqadagi diniy-siyosiy ahamiyatini aks ettiruvchi muhim tarixiy guvohlik hisoblanadi.

Diqqatga sazovor jihati shundaki, Zohidiy asarning ko‘plab o‘rinlarida shaxsiy kuzatuvlariga tayanib, mo‘g‘ullar istilosi keltirib chiqargan og‘ir oqibatlar haqida so‘z yuritadi. Shunga qaramay, u bu qiyin davrning talabalar orasida ilmga yanada jiddiy yopishishga ijobiy ta’sir ko‘rsatganini alohida ta’kidlaydi. Bu esa muallifning og‘ir sharoitlarga qaramay umid va nekbinligini yo‘qotmaganidan dalolat beradi.

Shunday qilib, asar nafaqat diniy maqsadda, balki ma’lum darajada siyosiy-mafkuraviy vazifani ham bajargan: u Berkaxon hukmronligini diniy jihatdan legitimlashtirish va mintaqada Islom dinini mustahkamlashga xizmat qilgan.

Qo‘lyozma nusxa tavsifi. “Risolatun Nosiriyya”ning zamonaviy ilmiy nashri asos qilib olgan qo‘lyozma haqidagi ma’lumotlar muhaqqiq Muhammad al-Misriyning tahqiq muqaddimasida keltirilgan. Qo‘lyozma dastlab Halab (Aleppo) shahridagi Vaqflar kutubxonasida, Usmoniy kutubxonasi tarkibidagi 658-raqamli majmuada saqlangan bo‘lib, majmuaning 187a–212b varaqlari oralig‘ini egallagan. Hozirgi kunda esa u Damashqdagi “Al-Asad” milliy kutubxonasida saqlanmoqda [6, 18]. Qo‘lyozma 26 varaqdan iborat bo‘lib, hijriy 996-yilda chiroyli nastaliq xatida ko‘chirilgan. U to‘liq va mukammal nusxa bo‘lib, odatda qadimiy qo‘lyozmalarda uchraydigan nuqsonlardan (teshiklar, yirtiqlar, qurt yegan joylar) xolidir. Shuningdek, xattotning qo‘pol xatolari deyarli uchramaydi [6, 18].

Xattot o‘z ismini va ko‘chirilgan joyni qayd etmagan, biroq qo‘lyozma xotimasida ikkita muhim yozuv saqlanib qolgan: birinchisi: muallifning o‘zi qoldirgan, asarning yakunlanish sanasini ko‘rsatuvchi bitik, ikkinchisi: ko‘chirish sanasini (hijriy 996-yil safarul-xayr oyi) ko‘rsatuvchi xattotning bitigi. Bu ikki sananing yaqinligi va ko‘chirishning aniqligi, ehtimol, xattot qo‘lyozmani bevosita muallifning o‘z nusxasidan yoki unga juda yaqin bo‘lgan nusxadan ko‘chirgani haqida taxmin qilishga imkon beradi.

Muhaqqiq tadqiqot jarayonida asarning boshqa biror qo‘lyozma nusxasini topa olmagan, shu sababli nashr yagona ushbu nusxa asosida amalga oshirilgan.

Yozilish sanasi masalasi. Asarning aniq yozilish sanasi masalasida manbalarda ma’lum bir nomuvofiqlik kuzatiladi, bu esa alohida tanqidiy tahlilni talab qiladi. Asar matnining o‘zida (muallifning bevosita bayonida) quyidagi ibora uchraydi: “Payg‘ambarlik asridan olti yuz ellik yil o‘tdi” [6, 32]. Bu ibora asarning taxminan hijriy 650-yilda (milodiy 1252) tasnif etilganiga ishora qiladi. Aynan shu sanani mashhur olim Hoji Xalifa ham o‘zining “Kashf az-zunun” asarida qabul qilgan [4, 895; 6, 18]. Biroq qo‘lyozmaning xotima qismida ancha aniqroq va batafsilroq sana keltirilgan: “Risolatun Nosiriyya” asari hijriy 658-yil jumodul-axir oyining yigirma birinchi kuni, shanba kuni yakunlandi” [6, 75] – bu milodiy 1260-yil 3-iyunga to‘g‘ri keladi. Zohidiyning tarjimai holiga bag‘ishlangan manbalar, jumladan, Adınning tadqiqoti [3, 166] ham aynan shu xotimadagi sanani asos qilib oladi.

Ikki sana o‘rtasidagi sakkiz yillik farqni qanday izohlash mumkin? Eng ishonchli talqin shundan iboratki, 650-yildagi ibora asarning yozila boshlangan yoki uning muayyan bir qismi (ehtimol, birinchi bobi) yaratilgan davrga ishora qilsa, xotimadagi 658-yil sanasi esa asarning to‘liq yakunlanish sanasini bildiradi. Bu farqni matn ichidagi umumiy, taxminiy ifoda (“olti yuz ellik yil o‘tdi”) bilan xotimadagi aniq kun-oy-yil ko‘rsatilgan rasmiy yozuv o‘rtasidagi tabiat farqi bilan ham izohlash mumkin – birinchisi kitobat uslubiga xos umumlashtirilgan ifoda bo‘lsa, ikkinchisi qo‘lyozmaning rasmiy yakunlovchi bitigidir.

658-yil sanasining ayniqsa ishonchliligini yana bir omil tasdiqlaydi: Zohidiyning o‘zi ham aynan shu hijriy 658-yilda vafot etgan. Demak, “Risolatun Nosiriyya” muallifning umrining so‘nggi, ehtimol eng so‘nggi asari bo‘lgan. Bu esa asarni Zohidiyning ilmiy-diniy qarashlarining pishiq, yakuniy ifodasi sifatida baholashga asos beradi. Shu sababli, ushbu tadqiqotda asarning yakunlanish sanasi sifatida hijriy 658-yil (1260-yil 3-iyun) qabul qilinadi, 650-yildagi ko‘rsatma esa asarning yozilish jarayoni cho‘zilgan bo‘lishi mumkinligining bilvosita dalili sifatida qayd etiladi.

Asarning tuzilishi. “Risolatun Nosiriyya”ning tuzilishi masalasida tadqiqotchilar o‘rtasida ma'lum bir aniqlik yetishmovchiligi mavjud bo‘lib, bu masala alohida tanqidiy ko‘rib chiqishni talab qiladi. Muhammad al-Misriyning ilmiy-tanqidiy nashri asarni bitta, uch bobdan iborat yaxlit risola sifatida taqdim etadi: birinchi bob – Payg‘ambarning nubuvvati haqligiga dalil keltirish va mo‘jizalarini zikr qilish; ikkinchi bob – nubuvvatga qarshi chiqqanlarni zikr qilish

va ularning shubhalariga javob berish; uchinchi bob – musulmonlar va nasroniylar o‘rtasidagi munozara. Muhaqqiq bu tuzilishni ikkita mustaqil klassik bibliografik manbaga –Qurashiyning “Javohirul muziyya” [2, 462] va Hoji Xalifaning “Kashf az-zunun” [4, 895] asarlariga tayangan holda asoslaydi.

Ushbu yaxlit-uch-bobli talqinni Şükrü Özenning TDV İslâm Ansiklopedisidagi “Zâhidî” maqolasi ham to‘liq tasdiqlaydi: u asarni yagona risola sifatida, xuddi shu uch bo‘limga bo‘lib tavsiflaydi.

Shu bilan birga, Nurettin Adınning tadqiqotida boshqacha va ancha ehtiyotkorona yondashuv kuzatiladi. Adın o‘z maqolasida “Risolatun Nosiriyya”dan tashqari, yana ikkita nomni alohida bandlar sifatida keltiradi: “Risola fiy zikril muxolifin” (payg‘ambarlikka qarshi chiqqanlarning shubhalariga javob berishga bag‘ishlangan) va “Risola fil munozara baynal muslimina van nasoro” (musulmon-nasroniy munozarasiga bag‘ishlangan). Muhim jihati shundaki, Adınning o‘zi ham har ikkala nom haqida “bu ehtimol, Nosiriyyaning ikkinchi/uchinchi bo‘limidir” deb qayd etib, ularning mustaqil asar ekanligiga to‘liq ishonch bildirmaydi [3, 195].

Ushbu tadqiqotning xulosasi: yuqoridagi manbalarni qiyosiy tahlil qilish natijasida, “Risola fiy zikril muxolifin” va “Risola fil munozara baynal muslimina van nasoro” nomlari ostida alohida risolalar mavjud emas, balki bular “Risolatun Nosiriyya”ning ikkinchi va uchinchi boblarining ayrim kutubxona katalogi yoki bibliografik ro‘yxatlarda mustaqil sarlavha sifatida qayd etilishi natijasida yuzaga kelgan holat, deb hisoblash uchun yetarli asos mavjud. Bu xulosani uchta mustaqil, bir-biridan farqli davr va yo‘nalishdagi manba: asarning bevosita ilmiy nashri (Misriy) [6, 17], klassik arab bibliografiyasi (Qurashiy, Hoji Xalifa)[2, 461; 4, 895] va zamonaviy turk islomshunosligi ensiklopediyasi (Özen) [7, 84] bir ovozdan tasdiqlaydi. Bunday uch tomonlama mustaqil tasdiq, bitta tadqiqotchining (Adın) ehtiyotkorona ikkilanishidan ustunroq turadi.

Shunday qilib, “Risolatun Nosiriyya” uch bo‘limli, ammo mazmunan yaxlit va bir maqsadga (nubuvvatni himoya qilish) xizmat qiluvchi yagona asar sifatida talqin qilinishi lozim.

Zamonaviy nashri. “Risolatun Nosiriyya”ning yagona ilmiy-tanqidiy nashri Muhammad al-Misriy tomonidan amalga oshirilib, Kuvaytdagi “Markazul maxtutat vat-turas val-vasoiq” (Qo‘lyozmalar, meros va hujjatlar bosh markazi) tomonidan milodiy 1994 (hijriy 1414) yilda chop etilgan. Tahqiq tarkibiy jihatdan quyidagi qismlarni o‘z ichiga oladi: markaz direktori tomonidan yozilgan noshir muqaddimasi, muhaqqiqning muqaddimasi (unda asar muallifining tarjimai holi, asarning nomlanishi, yozilish sanasi va sababi, qo‘lyozmaning tavsifi, tuzilishi hamda uslubi tahlil qilingan), so‘ngra asarning tanqidiy matni (muqaddima, uch bob va xotima) keltirilgan.

Muhaqqiqning ilmiy yondashuvi - asar sarlavhasining qo‘lyozmadagi variantlarini (masalan, muqaddimadagi “Risolatun Nosira” shaklidagi kotib xatosini) aniqlashi [6, 16], sanalar orasidagi nomuvofiqlikni izohlashi va klassik bibliografik manbalarga (Qurashiy, Hoji Xalifa) tanqidiy tayanishi ushbu nashrni nafaqat matn nashri, balki to‘liq qimmatli manbashunoslik tadqiqoti darajasiga ko‘taradi. Aynan shu sabablarga ko‘ra, ushbu tadqiqotda Misriyning nashri birlamchi va asosiy manba sifatida qabul qilingan.

Asarning mazmuni. Asarning birinchi bobi Muhammad alayhissalomning payg‘ambarligi haqligini isbotlashga bag‘ishlangan. Zohidiy bu yerda kalom ilmida an’anaviy bo‘lgan bir necha dalil turlarini qo‘llaydi: eng asosiysi - mo‘jiza orqali isbot, ya’ni payg‘ambarlikdan oldingi va keyingi davrlarda sodir bo‘lgan g‘ayrioddiy hodisalarning payg‘ambarlik haqligiga guvohlik berishi. Bu o‘rinda Zohidiy mo‘jizalarni ikki turga ajratadi - Payg‘ambarning shaxsiga bevosita bog‘liq mo‘jizalar va undan tashqari sodir bo‘lgan mo‘jizalar (masalan, tabiat hodisalari orqali namoyon bo‘lgan alomatlar). Alohida o‘rinda Qur’onning o‘zi doimiy mo‘jiza sifatida ko‘rib chiqiladi. Uning balog‘at va fasohat (til go‘zalligi va ifoda mahorati) jihatidan taqlid qilib bo‘lmasligi asosiy dalil sifatida keltiriladi [5, 698]. Yana bir dalil turi sifatida avvalgi ilohiy kitoblarda (Tavrot, Injil) kelajakdagi payg‘ambar haqida xabar berilganligi ko‘rsatiladi.

Ikkinchi bobda Zohidiy nubuvvat institutini umuman inkor etuvchi guruhlarning e’tirozlariga hamda xususan Muhammad alayhissalomning payg‘ambarligini inkor etuvchilarning shubhalariga javob beradi. Inkor etuvchilarning asosiy dalillari qatorida quyidagilar tilga olinadi: insonlarni (payg‘ambar orqali) mas’uliyatli qilishning “yomonligi” va keraksizligi haqidagi da’vo; aql va dono kishilarning mavjudligi sababli payg‘ambarlarga umuman ehtiyoj yo‘qligi haqidagi fikr; hamda mo‘jizalarning haqiqiy emasligi haqidagi shubha. Zohidiy bu e’tirozlarning har birini alohida ko‘rib chiqib, ularga mantiqiy va naqliy (matnga asoslangan) dalillar bilan javob beradi. Bu bobda uning kalom ilmidagi puxta bilimi va munozara mahorati yaqqol namoyon bo‘ladi [6, 41].

Uchinchi, eng katta hajmli bob musulmonlar va nasroniylar o‘rtasidagi diniy munozaralarga bag‘ishlangan. Zohidiy bu yerda uchta tarixiy munozara namunasini keltiradi: Abu Bakr al-Boqillaniyning Vizantiya (Rum) imperatori bilan bo‘lib o‘tgan munozarasi; shayx Vosilning Rum patriarxlari va imperatori bilan bo‘lib o‘tgan munozarasi; hamda nomi zikr etilmagan nasroniy podshohlaridan biri bilan bo‘lib o‘tgan, o‘sha podshohning Islomni qabul qilishi bilan yakunlangan qisqa munozara [6, 46].

Tarixiy-ijtimoiy kontekst. Asarning mazmuni, yuqoridagi diniy-kalomiy jihatlardan tashqari, muhim tarixiy qatlamni ham o‘zida mujassam etadi. Zohidiy asarning turli o‘rinlarida mo‘g‘ullar istilosining keltirib chiqargan og‘ir oqibatlariga shaxsiy kuzatuvchi sifatida ishora qiladi. Bu XIII asr o‘rtalarida Xorazm mintaqasida yashagan zamondosh olimning bevosita guvohligi sifatida alohida tarixiy qimmatga ega. Shu bilan birga, u bu qiyinchiliklarning salbiy ta’siriga qaramay, talabalar orasida ilmga bo‘lgan intilishning kuchayganini qayd etadi. Bu kuzatuv davrning ijtimoiy-ma’naviy holatini tushunishda muhim qo‘shimcha manba bo‘lib xizmat qiladi.

Asarning muqaddima va xotima qismlarida Berkaxon siymosi alohida ehtirom va jo‘shqinlik bilan tasvirlanadi: Zohidiy uni adolat, fazl va ehson nurlarini yoygan, Islom bayrog‘ini qayta ko‘targan, dinning so‘ngan alomatlarini tiriltirgan buyuk hukmdor sifatida ulug‘laydi [6, 27, 75]. Bunday tasvir, bir tomondan, davr uchun odatiy bo‘lgan hukmdorga bag‘ishlov uslubining namunasi bo‘lsa, ikkinchi tomondan, Berkaxonning mintaqadagi haqiqiy diniy-

siyosiy obro‘sini va uning islomlashtirish siyosatining zamondoshlar nazarida qanday qabul qilinganini ko‘rsatuvchi bevosita tarixiy dalildir.

Xulosa. “Risolatun Nosiriyya”ni manbashunoslik nuqtayi nazaridan o‘rganish shuni ko‘rsatadiki, mazkur asar Najmiddin Zohidiyning kalom ilmiga oid qarashlarini o‘rganish bilangina cheklanmay, XIII asr o‘rtalaridagi Xorazmning siyosiy, diniy va ilmiy-madaniy muhitini tadqiq etish uchun ham muhim manba hisoblanadi. Asarning Berkaxonga bag‘ishlanishi, unda islom dinining qayta mustahkamlanishi bilan bog‘liq fikrlarning ifodalanishi hamda mo‘g‘ullar istilosidan keyingi sharoitga oid muallif kuzatuvlari risolaning tarixiy mazmunini kengaytiradi. Shu ma’noda, asar o‘z davrining diniy-intellektual jarayonlari bilan siyosiy voqelik o‘rtasidagi aloqani kuzatish imkonini beruvchi yozma dalillardan biridir.

Tadqiqot davomida aniqlanganidek, asarning yozilish sanasi va tarkibiy tuzilishi bilan bog‘liq ayrim masalalar mavjud bibliografik manbalarda bir xil talqin qilinmagan. Matn ichidagi 650-hijriy yilga oid ishora bilan qo‘lyozma xotimasida qayd etilgan 658/1260-yil 21-jumodul-oxir sanasi o‘rtasidagi farqni asarning yozilish jarayoni va yakunlanish bosqichlari bilan bog‘lash mumkin. Shuningdek, “Risola fi zikril muxolifin” va “Risola fil-munozara baynal muslimina van-nasoro” kabi nomlarning mustaqil asarlar emas, balki “Risolatun Nosiriyya”ning ikkinchi va uchinchi qismlariga nisbatan qo‘llangan nomlar sifatida talqin qilinishi uchun asoslar mavjud. Demak, asarning yagona, uch bo‘limli yaxlit risola sifatidagi talqini mavjud asosiy manbalar bilan ko‘proq muvofiqlashadi.

Umuman olganda, “Risolatun Nosiriyya” Zohidiy ilmiy merosining yakuniy bosqichini aks ettiruvchi, matn tarixi va tarixiy konteksti jihatidan alohida ahamiyatga ega yozma yodgorlikdir. Uning muqaddima va xotimasida saqlangan ma’lumotlar, Berkaxon siymosiga berilgan tavsiflar, mo‘g‘ullar istilosining oqibatlari haqidagi kuzatuvlar hamda XIII asr Xorazmidagi ilmiy hayotga oid ishoralar asarning manbaviy qimmatini oshiradi. Shu sababli kelgusida ushbu risolaning matni, qo‘lyozma an’anasi, undagi tarixiy-geografik ma’lumotlar va Zohidiyning boshqa asarlari bilan o‘zaro aloqasi kengroq tadqiq etilishi XIII asr Xorazm tarixining kam o‘rganilgan jihatlarini yanada chuqurroq yoritishga xizmat qilishi mumkin.

ADABIYOTLAR

1. Abdulhay al-Laknaviy. Al-Favoid al-bahiya fi tarojim al-hanafiya. Bayrut: Dor al-Arqam, 1998. B. 349.
2. Abul Vafo Qurashiy. Javohirul muziyya. Ar-Riyod: Hijr. 1993. B. 461.
3. Adın N. “Ebü'r-Recâ Necmüddîn Muhtar ez-Zâhidî'nin hayati ve eserleri” // Usul: İslam Araştırmaları. 2023. № 40. B. 161-206.
4. Hoji Xalifa. Kashfuz zunun. Bayrut: Doru ihyout turosil arobiy. 1942. B. 895.
5. Nail Karagöz, Ulanbek Kalmurza uulu. Necmüddîn ez-Zâhidî'nin Hz. Muhammed'in (s.a.s.) nübüvvetinin ispatina yönelik delillendirmelerinin karakteristiği // Kocatepe İslami İlimler Dergisi. 2024. № 7. B. 688-708.
6. Najmiddin Zohidiy. Risolatun Nosiriyya (Muhammad Misriy tahqiqi). Kuvayt: Markazul maxtutat vat-turas val-vasoiq. 1994.
7. Shükrü Özen. “Ez-Zâhidî” // Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi. İstanbul, 2013. 44-jild. B. 81-85.

Berkaxonga bag‘ishlangan risola: Najmiddin Zohidiyning “Risolatun nosiriyya” asarining manbashunoslik tahlili

Annotatsiya. Mazkur maqolada Najmiddin Zohidiyning Berkaxonga bag‘ishlab yozgan “Risolatun Nosiriyya” asari qo‘lyozma va bibliografik manbalar asosida manbashunoslik nuqtayi nazaridan tahlil qilinadi. Tadqiqotda asarning yozilish va yakunlanish sanalari, qo‘lyozma nusxasining xususiyatlari, tarkibiy tuzilishi hamda zamonaviy ilmiy nashrining manbaviy asoslari qiyosiy o‘rganiladi. Shuningdek, asarda Berkaxon siyosati, mo‘g‘ullar istilosidan keyingi Xorazm muhiti va diniy-intellektual jarayonlarni yorituvchi tarixiy ma’lumotlarning manbaviy qiymati aniqlanadi.

Kalit so‘zlar: Najmiddin Zohidiy, “Risolatun Nosiriyya”, Berkaxon, Xorazm, qo‘lyozma, manbashunoslik, Oltin O‘rda.

Посвящённый берке-хану трактат: источниковедческий анализ произведения Наджм ад-дина Захиди «Рисалат ан-насирийя»

Аннотация. В статье с источниковедческой точки зрения исследуется сочинение Наджм ад-Дина Захидия «Рисалат ан-Насирийя», посвящённое Берке-хану, на основе рукописных и библиографических источников. В исследовании в сравнительном аспекте анализируются даты написания и завершения сочинения, особенности его рукописной копии, структурное содержание, а также источниковая база современного научного издания. Кроме того, определяется источниковедческая ценность содержащихся в сочинении исторических сведений о политике Берке-хана, хорезмийской среде после монгольского завоевания, а также религиозных и интеллектуальных процессах рассматриваемого периода.

Ключевые слова: Наджм ад-Дин аз-Захиди, «Рисалат ан-Насирийя», Берке-хан, Хорезм, рукопись, источниковедение, Золотая Орда.

A treatise dedicated to berke khan: a source-critical analysis of Najm al-din al-Zahidi’s “Risalat al-Nasiriyya”

Abstract. This article examines Najm al-Din al-Zahidi’s Risalat al-Nasiriyya, dedicated to Berke Khan, from a source-critical perspective based on manuscript and bibliographic sources. The study comparatively analyzes the work’s date of composition and completion, the characteristics of its manuscript copy, its structural composition, and the source base of its modern scholarly edition. Particular attention is also given to the source value of the historical information contained in the work concerning Berke Khan’s policies, the Khwarazmian milieu following the Mongol invasion, and the religious and intellectual processes of the period.

Key words: Najm al-Din al-Zahidi, Risalat al-Nasiriya, Berke Khan, Khwarazm, manuscript, source criticism, Golden Horde.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Урунбаев Н. Н.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш, шунингдек соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни тўғри ва мақсадли режалаштириш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим ташкилий масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, ушбу соҳада прокурор назоратини

самарали ташкил этиш фермер хўжаликларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, ҳуқуқшунос олим Д.И.Барабаш прокуратура органлари фаолиятида таҳлилий фаолият ва башорат қилиш ҳамда режалаштириш бир бири билан узвий боғлиқ бўлиб, таҳлил натижасида муайян ҳолатнинг ривожланиши ҳақида башорат қилиш ва унинг асосида муйян тадбирларни режалаштириш мумкин бўлади деб ҳисоблайди [1, 32].

Башорат қилиш - жараён, воқеа ва ҳодисаларнинг келгуси ҳолати ҳақида маълумотларни олиш жараёнини ўзида акс эттиради. Прокуратура органларида қонунчилик ҳолати ва унинг келгусидаги алоҳида элементлари *(ташкилий тузилма, кадрлар билан таъминлаш ва бошқа хусусиятлар)*ни башорат қилиш муҳим ҳисобланади.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини режалаштириш бу прокурорнинг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасида кўзда тутилган ваколатларини тадбиқ этилишини бошлашнинг ташкилий шакли ҳисобланади. Режалаштириш ҳолати нафақат ишни пухта ташкиллаштирилганлигини, балки фермер хўжалигига оид ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган мақсадли чораларни ҳам ўз ичига олади.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини режалаштириш прокурор текширувида иштирок этувчи барча иштирокчиларнинг келгусида амалга оширадиган ишларини кетма-кетлигини белгилаб бериши билан аҳамиятлидир.

Ф.Кобзарев прокурор ишини режалаштириш ноаниқлик, режаларнинг ҳақиқатга мос келмаслиги, ўтказиладиган назорат тадбирларининг зичлиги каби одатий хатолардан қочиш учун керак бўлади.

"Прокуронинг стол усти китоби"да иш режасини тузишда амал қилиниши лозим бўлган тежамкорлик, барқарорлик, аниқлик ва ҳақиқатга мувофиқлик каби тамойиллар қайд қилинган. Барқарорлик деганда прокурор иш режасини шундай тузиши керакки у назорат тадбирларини якунига қадар ўзгармасдан барқарор амал қилиши лозим. Аниқлик деганда иш режасида назорат тадбирлари предмети, назорат объекти, ижрочилари ва бажариш муддати аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. Иш режасида деклоратив мазмундаги, умумий тушунчалардан қочиш керак [2102]. Назаримизда, С.И.Герасимовнинг юқоридаги илмий қарашлари билан тўлиқ келишиб бўлмайди. Чунки, прокурор фермер хўжалигига оид қоннчилик ижроси устидан назорат тадбирларини ўтказиш жараёнида тўпланган маълумот ва важларга қараб, иш режасини ўзгариришни назорат тадбирлари самарадорлигигига ижобий таъсир кўрсатади.

Бошқа бир олим А.Ю.Винокуров прокурор ўтказиладиган назорат тадбирлари режасига асосланмаган, мавҳум тадбирларни киритишини қоралайди [3, 87]. Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини режалаштириш прокурор фаолиятида мақсадни аниқлаб олиш, ушбу мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган аниқ тадбирларни шакллантириш, тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва ижрочиларини олдиндан белгилаб олиш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Режага киритиладиган одатий тадбирлар муаайн вақт оралиғида прокуратуранинг фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти якунларини сарҳисоб қилиш, уларни тезкор йиғилишларда муҳокама қилиш, фермерлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказиш, мазкур соҳада прокурор назорати амалиётини умумлаштириш, касб маҳоратини ошириш, йиғилиш ва ҳайъат муҳокамаларини ўтказиш кабиларни ўз ичига олади. Прокурор иш режалари комплекс, предмет, жойи, шахси, муддатлари бўйича аниқ, мавжуд куч, маблағ ва вақтга мувофиқ бўлиши лозим.

Одатда фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратида уч хил шаклдаги режалаштириш қўлланилади:

- Истиқболли (йил ва ундан ортиқ муддатга);
- Жорий (ярим йиллик, чораклик ва ойлик);
- Қисқа муддатли (ҳафталик, кунлик).

Таъкидлаш лозимки, С.Г.Кехлеров, О.С.Капинус ҳам прокурор назорат тадбирларини режалаштиришнинг юқоридаги каби шаклларини мақбул деб қайд этган [4, 104].

Прокурор назорати назариясида иш режанинг бошқа шакллари ҳам қайд қилинган.

Ю.Е.Винокуровнинг таъкидлашича, иш режаларини функция ва субъектларига қараб таснифлаш мумкин.

Субъектига кўра иш режалари прокуратура маҳкамаси иш режаси, маҳкама тармоқлари иш режаси, прокуратура органи мансабдорларининг шахсий иш режаларига бўлинади.

Функциясига кўра иш режаси назорат ва бошқарув фаолиятини тартибга солишга қаратилган (текшириш, умумлаштириш, жойларга чиқиш); прокурорлар касб маҳорати ва малакасини оширишга қаратилган (прокуратура субъектлари ўқув жараёнини режалаштириш, семинар ва тренинглар ўтказиш); иш ўрганиш режалари; қўйи прокуратура органларида ижро интизомини ўрганишга қаратилган иш режаларига бўлинади.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати режалари ярим йилга тузилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади; прокуратура иш режасига фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат тадбирини киритиш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилик аҳволини мувофиқлаштиришга қаратилган иш режасига фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан жиноятчиликни мувофиқлаштириш ҳақида банд киритиш; аграр ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги прокурор-ходимларни фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўйича малакасини оширишга қаратилган касб-маҳоратини ошириш бўйича семинар ва тадбирлар; прокуратура органларининг ушбу қонунчилик ижроси юзасидан матбуот ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш режаси.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 172-сонли Буйруғининг 4-бандига мувофиқ прокуратура органлари ўз фаолиятини юқори турувчи прокуратура органларининг иш режаларига мувофиқлиги, истиқболсиз, аниқ мақсад ва натижаларга эга бўлмаган тадбирларнинг режага киритилишига йўл қўймаслик асосида ҳар ярим йилга мўлжаллаб режалаштириши белгилаб қўйилган.

Мазкур буйруқ билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти 2-бобида эса фаолиятни ташкиллаштириш, режалаштириш ва режавий тадбирлар ижроси натижаларини расмийлаштириш тартиби белгиланган. Унга кўра Бош прокуратура иш режалари қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати таҳлили асосида ҳар олти ойга мўлжалланган ҳолда тузилади.

Бош прокуратураиш режасининг лойиҳаси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан таркибий тармоқлар, Департамент ва Бюронинг таклифлари асосида тайёрланади.

Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжалигига оид қонунчилик ижросини текшириш ташаббуси Бош прокуратуранинг аграр ва озиқ-овқат хавфсизлиги назоратига масъул бўлган тармоқ (11.1-боршқарма) ташаббусига асосан киритилади. Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан ўтказиладиган назорат тадбирларига таклифлар Бош прокурор ўринбосарлари билан келишилган ва асослантирилган бўлиши, унда тадбирлар ижросига масъул ва иштирок этиши лозим бўлган таркибий тармоқлар, тадбирнинг ижро муддати, натижасини амалга оширишнинг шакллари ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Кўпроқ ушбу тадбирда иштирок этадиган ҳамкор тармоқлар Бош прокуратуранинг Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси ҳамда Табиий кўлларда балиқчиликни ривожлантириш ва сув ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасидан иборат бўлади.

Мисол учун, балиқчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг фаолияти билан боғлиқ иш режа қисми Табиий кўлларда балиқчиликни ривожлантириш ва сув ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси томонидан кўриб чиқилса, унга ажратилган ерларда ноқонуний қурилиш қилиш ҳолатлари Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси томонидан кўриб чиқилади.

Бош прокуратура иш режаси лойиҳасини тайёрлаш учун таклифлар ҳар йилнинг 10 июнь ва 10 декабрь кунига қадар ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига топширилади.

Иш режанинг лойиҳаси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан тайёрланиб, Бош прокурорнинг ўринбосарлари ҳузурида таркибий тармоқ раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинади ва ҳайъат муҳокамасига киритилади. Шу боис, фермер хўжалигига оид қонунчилик ижросини у ёки бу қисмини текширишга оид таклифлар пухта асослантирилган ва долзарб бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

Режавий тадбир белгиланган сўнг энг муҳим кейинги тадбир бу фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан ўтказиладиган назорат тадбири юзасидан топшириқ лойиҳасини тайёрлашдир.

Бугунги кунда прокуратура органлари олдига фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосий вазифа сифатида белгиланганлиги боис, фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан назорат тадбирларини режалаштиришда кўпроқ уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш прокуратура органларининг аниқ бир ходимига юкланади.

Юқоридаги регламентнинг 14-бандига мувофиқ прокуратура органларида ишлар соҳа-минтақа тамойили асосида ҳамда вазифалар тақсимотига мувофиқ ташкил қилинади. Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати аниқ бир прокурор ходимлар томонидан амалга оширилади.

Вилоят ва туман прокуратураларида фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати кўпроқ прокурорларнинг ёрдамчиларига бириктирилади.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг энг муҳим жиҳати бу қонун бузилиши ҳақидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва режалаштиришдан иборатдир.

Прокурор назоратини амалга ошириш жараёнида мазкур қонунчилик ижроси юзасидан турли маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш муҳим ўрин тутади.

Фермер хўжалигига оид қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш манбаси фермер хўжалиги раҳбарлари ва ишчиларининг мурожаатлари, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги хабарлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат қилувчи идораларнинг қонун бузилиши ҳақидаги материаллари ҳисобланади. Фермер хўжаликларига оид қонун бузилиши ҳолатлари ушбу йўналишдаги жиноят ишлари ва фуқаролик ишлари, прокурор текшируви материалларида, жиноят иши бўйича терговчилар томонидан киритиладиган тақдимномаларда ҳам акс этади. Фермер хўжаликларига оид қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар амалиётда кўпинча ер ресурслари, солиқ идоралари, фермерлар кенгаши, қишлоқ хўжалиги бўлимларида учрайди.

Шу сабабли прокурорлар юқоридаги идоралардан фермер хўжаликларига оид қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисида қуйидаги материал, маълумотларни олиши муҳимдир:

- улар томонидан аниқланган фермер хўжаликларига оид қонун бузилишлар, бунинг сабаблари ва келтириб чиқарган шарт-шароитлари тўғрисида;
- қонун бузилиши оқибатида келиб чиққан салбий оқибатлар ёки етказилган зарарлар тўғрисида;
- қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ёки олдини олиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида;
- фермер хўжалигига оид қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан маъмурий жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар ва фуқаролар тўғрисида.

Фермер хўжаликларига оид қонунийлик аҳволи ҳақида шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлар ва вакиллик органларидан ҳам муайян маълумотлар олиш мумкин.

Айниқса, статистика идораларидан фермер хўжаликларига оид қонунийлик ҳолати бўйича кўрсаткичларни олиб таҳлил қилиш прокурор назоратини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда аграр ва озиқ-овқат соҳаси рақамалаштириш жараёнлари шиддат билан амалга оширилиши натижасида фермер хўжаликларига оид маълумотлар электрон ахборот тизимлари маълумотлари асосида ҳам олиб таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-205 - сонли Фармони 9-бандида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йил 1 майга қадар 2024 йил пахта ҳосилидан бошлаб электрон тарози орқали қабул қилинган пахта хом ашёси ва ишлаб чиқарилган пахта толасини автоматлашган мажбурий ҳисобга олиш тизимини жорий қилиш ва уни «Агроплатформа» ахборот тизимига интеграция қилиш белгиланган [5].

Бундан ташқари, аграр соҳада фермер хўжаликларининг кўрсаткичларини акс эттирадиган қуйидаги ахборот тизимлари мавжуд:

1. “UZKAD” – кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими. Ер баланси, шу жумладан жами ер майдонлари, уларнинг тоифалари ҳамда бошқа кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. (Давлат кадастрлари палатаси).

2. “ArcGIS” – ер майдонларининг электрон харитасини яратиш дастури (Кадастр агентлиги, “Аграсаноатни рақамлаштириш ДМ, “Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ).

3. “E - YER NAZORAT” – ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатлари, уларнинг кўриб чиқилиши ва бартараф этилиши бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими (Кадастр агентлиги)

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

1. “Геоахборот” тизимида – ҚХВ ва унинг ҳудудий идоралари томонидан қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган мониторинг натижалари қайд қилиб борилади.

2. “E - IJARA” – ижарага бериладиган қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш бўйича ҳужжатларни тўплаш, кўриб чиқиш, уларни ваколатли органлар билан келишиш ҳамда ушбу ер участкаларини “E-AUKSION” электрон савдо платформасига очиқ электрон танловга ўтказишга мўлжалланган ахборот тизими.

Адлия вазирлиги

1. “E - qaror” – маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизими.

Давлат активларини бошқариш агентлиги

1. “E - auksion” – электрон савдо платформаси. Ер майдонлари ушбу платформа орқали деҳқон, фермер ва бошқа субъектларга танлов ёки савдо орқали ажратилади.

Юқоридаги электрон платформадаги ахборот тизимларини келгусида тўлиқ прокуратура органларининг “СЕДО” ахборот тизимига интеграция қилиниши прокуратура органларида ишларни тўғри ташкил қилиш ва йўналишни тўғри аниқлашда катта амалий аҳамиятга эгадир.

Фермер хўжалигига оид прокурор назоратини амалга оширишда прокуратура органлари ходимлари бошқа тармоқ прокурор ходимлар билан ҳамкорлик қилишлари ҳам муҳим ҳисобланади. Худди шу каби, соҳадаги назорат идоралари, маҳаллий ҳокимлик ва вакиллик идораларини ҳам назорат тадбирларига жалб қилган ҳолда ҳамкорликда муайян тадбирлар ўтказилиши соҳада қонун бузилишини олдини олишда катта ҳисса қўшади.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш деганда қуйидагиларни тушуниш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, прокуратура жамоаси ёки аниқ бир прокурор ходим олдига ушбу қонунчилик ижроси устидан вазифани тўғри қўйиш;

Иккинчидан, кучларни ишончли ва тўғри тақсимлаш;

Учинчидан, жалб қилинган кучлар ёки муайян коллектив устидан самарали раҳбарликни амалга ошириш.

Мисол учун, В.Г.Бессарабов прокуратура органларида прокурор назоратини ташкил қилиш деганда прокуратура органларига ходимни ишга олишдан токи уларга самарали раҳбарликни амалга оширишгача бўлган жараёнларни тушуниш керак деган ғояни илгари суради [6, 162].

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда ходимлар олдига вазифаларни тўғри қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Прокуратура органлари ходимлари олдига вазифаларни тўғри қўйилишида мазкур йўналишни услубий таъминлаш муҳим ўрин тутади. Бироқ, энг муҳим оқсоқлик бугунги кунда мазкур йўналишда услубий ва амалий қўлланмаларнинг етишмаслигидир.

Фермер хўжалигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш доимо ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотларни келиб тушиши билан бошланади.

Юридик адабиётларда бундай маълумотлар манбалари сифатида қуйидагилар кўрсатилади: 1. Фуқароларнинг мурожаатлари; 2. Мансабдор шахсларнинг мурожаатлари; 3. Оммавий ахборот воситаларининг хабарлари; 4. Суд иши материаллари ва бошқа манбаалар [7, 24].

Бизнинг фикримизча, ушбу манбааларни тўлиқ деб бўлмайди, чунки давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органларининг фермер хўжаликларига оид қонунчиликни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, махсус ваколатли органларнинг статистик ҳисоботлари ҳам муҳим ахборот манбалари бўлиб ҳисобланади.

Прокурор назоратини ташкил этишнинг яна бир муҳим элементи бу прокурор назоратини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдир.

Назаримизда прокурор текширувига жалб қилинган махсус ваколатли давлат назорати органлари ва мутахассислардан қуйидаги саволларга аниқлик киритилиши керак:

- фермер хўжаликларига ер ажратишда маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилганми?
- фермер хўжалиги билан узоқ муддатли ижара шартномаси тузилганми. Мазкур ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтганми?
- фермер хўжалигида ижара шартномаси талабларига риоя этилганми. Ижара шартномасига мувофиқ шартнома томонлари яъни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фермер хўжаликлари ўз мажбуриятларини тўлақонли бажарганми?
- фермер хўжаликлари давлат ресурслари ҳисобидан ажратилган имтиёзли кредит маблағларидан мақсадли сарфланганми?
- тижорат банклари хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар томонидан фермер хўжаликларига фаолияти учун зарур бўлган маблағ моддий ресурслар (ёқилғи, минерал ўғит ва ҳкз) муддатида ва белгиланган меъёрлар доирасида етказиб берилганми?
- фермер хўжаликларига кредит ажратишни рад этиш ёки имтиёзларни қўлламаслик ҳолатлари асослими?
- фермер хўжаликларини тугатиш, қайта ташкил этиш, ер ижара шартномасини бекор қилиш ва ерини заҳирага қайтариб олиш қонунийми?
- фермер хўжаликлари томонидан экинларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя этганми?

Амалиётда фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат тадбирларини ўтказишда энг кўп учрайдиган қонун бузилиши ҳолатларини тадқиқ этиш ҳам улар фаолияти устидан назоратни ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси назорат тадбирларида қуйидаги қонун бузилиши ҳолатлари кенг тарқалган ва энг кўп учрайди:

- фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланиш;
- фермер хўжалиги раҳбарининг ваколатларини унинг номидан бошқа шахс томонидан амалга ошириш;
- ажратилган имтиёзли кредит, субсидия ва ресурслардан мақсадсиз ва бошқа эҳтиёжлар учун сарфлаш;
- фермер хўжаликлари билан ер ижара шартномасини муддатидан олдин қонунга зид равишда бекор қилиш ва ер майдонини суднинг қарорисиз ҳокимлик заҳирасига олиб қўйиш;
- маҳаллий ҳокимлик ва бошқа назорат идоралари томонидан фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашиш;
- кластер корхоналари томонидан фермер хўжаликларига моддий ресурсларни етказиб беришда асоссиз ушланмаларни ушлаб қолиш, фермер хўжаликларига тўланиши лозим бўлган маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари;
- фермер хўжаликларига ажратилган моддий ресурсларни талон-торож қилиш ҳолатлари;
- фермер хўжаликлари билан шартнома интизомини бузиш, бўш шартнома бланкларига имзо қўйдириш;
- фермер хўжаликлари билан биржада фьючерс шартномаларини тузиш, ижро қилиш ва бекор қилишда қонун талабларига риоя этмаслик;
- фермер хўжаликларини ҳисоботларни қўшиб ёзишга мажбурлаш ва ҳкз.

Прокурор ҳуқуқбузарлик таркибини ва ҳуқуқбузарни аниқлаш учун қуйидаги масалаларни аниқлаб олиши мақсадга мувофиқ:

- ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, объектлар қуриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузиш;
- ер бериш тартибини бузиш, худди шунингдек фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш учун, якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилиш;
- тасдиқланган ер тузиш лойиҳа ҳужжатларидан тегишли рухсат бўлмай туриб четга чиқиш, худди шунингдек тегишли органлар билан келишмай туриб объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот бериш;
- табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табиий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, сувларнинг ҳамда сув объектларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш;

- суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик;

- ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш;

- ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш;

- Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш.

Мазкур йўналишда прокурор назоратини ташкил қилишда ҳуқуқий ҳужжатларни қонунийлигини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда ҳуқуқий ҳужжатларга баҳо беришда махсус билимга эга бўлган мутахассисларни жалб этиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Шундагина, прокурор томонидан фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат тадбирлари ўз самарасини бериб, мазкур йўналишда қонунчилик аҳволи яхшиланиши мумкин бўлади.

Бизнинг фикримизча фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда фермер хўжаликлари ва улар билан хўжалик муносабатларига киришадиган субъектларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, асосий эътиборни фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида қайд этилган фикрлар асосида айтиш жоизки, фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда назорат объектининг айнан бир соҳасида қонунийлик аҳволини таҳлил қилиш, ишларни тўғри режалаштириш, прокурор текширувини ўтказиш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига доир мурожаатларни ўрганиш ҳамда идоралар билан ўзаро ҳамкорлик ишларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида прокуратура органларига бир қатор муҳим вазифалар юклатилаётганлиги, фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан назорат соҳасида ишларнинг ҳажми кенгайиб бориши натижасида мазкур соҳада прокурор назоратини ташкил этишни такомиллаштириш орқали ишлар самарадорлигини ошириш заруриятини тақазо этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Барабаш Д.И. Организация прокурорского надзора за исполнением законов в сфере безопасности дорожного движения: автореф. Дис. Кандидата юридических наук: 12.00.11//Академия Генеральный прокуратуры Российской Федерации. М., 2016. С.32.
2. Настольная книга прокурора: Учебник, под общ, ред. С.И.Герасимов М.: Экслит.2002. с-102
3. Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор: учебник. М., 2011. С-87.
4. Настольная книга прокурора/ под общ. Ред С.Г.Кехлерова, О.С.Капинус; науч.ред А.Ю.Винокуров. М.: Издательство Юрайт, 2012. С-104
5. ҚММБ, 14.12.2023 й., 06/23/205/0934-сон
6. Бессарабов В.Г. прокурорский надзор: учеб.//Москва, 2006.с.162.
7. Капинус О.С. Прокурорский надзор: в 2 т.Т2. Особенная и специальная части. Учебник для академического бакалавриата// М.; Юрайт, 2018. С.24.

Аннотация: ушбу мақолада Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини режалаштириш ва ташкил этишнинг долзарб масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: фермер хўжалиги, прокурор назорати, предмет, объект, тартибга солиниши масалалари.

Аннотация: В статье рассматриваются актуальные вопросы планирования и организации прокурорского надзора за исполнением законодательства, касающегося ведения фермерского хозяйства.

Ключевые слова: сельское хозяйство, прокурорский надзор, предмет, объект, правовое регулирование.

Abstract: This article discusses current issues of planning and organization of prosecutorial supervision over the implementation of legislation related to farming.

Keywords: agriculture, prosecutor’s supervision, subject, object, legal regulation.

АГРОКЛАСТЕРЛАРДА ЕРГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Қурбонов С. С.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

Бугунги кунда юртимизда мавжуд қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш билан биргаликда, қишлоқ хўжалиги корхоналари доирасида, хусусан қишлоқ жойларида қўшилган қиймат яратиш имконини берувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғини кенгайтириш ошириб бориш ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналари меҳнатининг натижадорлигини ошириш бугунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Хусусан, ақлли технологиялар жорий қилинган давлатларда **1 м^3** суғориш сувлари ҳисобига **4 - 5 долларлик** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Биргина, Исроилда **1 м^3** суғориш сувлари ҳисобига **15 - 20** долларлик маҳсулот ишлаб чиқараётган бир пайтда, республикамизда **1 м^3** суғориш сувлари ҳисобига атиги **0,15** долларлик маҳсулот етиштирилмоқда.

Бироқ, ажратилган майдонларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш чоралари кўрилмаяпти.

Жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, бугунги кунда республикамизда жами **844** та кластерларга **2 200 000** гектар ер майдонлари бириктириб берилган бўлиб, шулардан пахта - тўқимачилик соҳасида **137** та, ғаллачиликда **144** та, мева - сабзавотчиликда **148** та, шоличилик соҳасида **23** та, чорвачилик

соҳасида **26** та, ипакчилик соҳасида **39** та ва бошқа шу каби соҳаларда **327** та агрокластерлар фаолият кўрсатмоқда [1].

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан агрокластер корхоналарига фойдаланишга берилган ер майдонларида **152 та** ҳолатда **1440,9 гектар** ер майдонлари ўзбошимчалик билан эгалланганлиги ҳамда **276 та** ҳолатда **69,5 гектар** экин ерларида ноқонуний қурилмалар қурилганлиги аниқланган [2].

Олиб борилган тадқиқотлар асосида фаолият юритаётган агроклас-терларнинг таҳлили соҳада қуйидаги тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатади:

– агрокластерлар фаолиятини тартибга солувчи ягона меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслиги;

– амалдаги агрокластерларнинг ҳуқуқий мақоми амалдаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаганлиги;

– агрокластерларни ташкил этиш, уларни танлаб олиш мезонлари, шунингдек, уларга ерларни ажратишнинг ягона ва шаффоф механизмлари мавжуд эмаслиги;

– агрокластерларга фермерлар ва бошқа хўжалик юритиш шаклларини маъмурий тамойиллар асосида бириктирилиши;

– агрокластерларнинг ерларини олиб қўйиш ёки қоракўлчилик кластерлари томонидан иккиламчи ижарага берилган ерларни ижара муддат тугамасдан олиб қўйиши каби ҳолатлар учраб туриши, хўжаликлар билан тузилган шартномаларнинг бир томонлама кластерлар томонидан бекор қилиш ҳолатлари ерга бўлган муносабатнинг барқарорлигини, ундан самарали фойдаланиш тадбирларини амалга оширишни чекламоқда;

– агрокластерларнинг мажбуриятлари бажарилиши ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини мониторинг қилиш, тартиб қоидалари ва салбий ҳолатларни бартараф этишнинг аниқ механизмини шакллантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, агрокластерларда мавжуд муаммолардан бири бу ер кластерлар ва кластерлар тизимидаги хўжаликлар ўртасида муносабатларининг тартибга солинмаганлиги ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда агрокластерларга ер майдонларини ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган бўлиб, муайян кластерларни ташкил этиш ва уларга ер ажратишни назарда тутади. Агрокластерлар кесимида таҳлил қилинса, баъзи пахта тўқимачилик кластерларига ер майдонлари узоқ муддатли ижара ҳуқуқи асосида ажратилган бўлса, бошқаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ажратилган. Бу эса соҳада ер муносабатларини тартибга солиш, улардан самарали фойдаланишда турли мунозарали вазиятларни юзага келтирмоқда.

Хусусан, пахта тўқимачилик кластерларида ер майдонлари икки хил усулда берилмоқда.

Биринчиси, маъмурий географик ҳудуддаги барча пахтачилик фермер хўжаликлари кластерларга кооперация тамойиллари асосида бириктирилиши орқали;

иккинчиси, пахтачилик кластерларига бевосита қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг ажратиб берилганлиги. Иккала ҳолатда ҳам ердан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар такомиллаштиришни тақозо қилади.

Биринчи ҳолатда пахта тўқимачилик кластери билан ҳамкорликда ишловчи фермер хўжалигига ер майдони туман хокимлиги томонидан ажратиб берилган бўлиб, фермерга ажратилган ер майдонининг туман хокимлиги томонидан бекор қилиш ҳуқуқи сақланиб қолиши кластер ҳамда фермер хўжалиги ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликнинг келажагига ишончсизликни юзага келтиради.

Иккинчи ҳолатда эса, кластерга ер майдони шу ҳудудда олдиндан узоқ муддатли ер ижара шартномаси асосида ишлаб келаётган хўжаликларнинг шартномасини бекор қилиш асосида ажратиб берилишига олиб келади. Юқоридаги ҳолатлардан кузатишимиз мумкинки, агрокластерларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда ягона ёндашувни шакллантириш талаб этилмоқда. Бу ёндашув республиканинг ер қонунчилиги талабларига мос келиши ва айни пайтда фермер хўжаликларининг хусусий мулкдор сифатидаги манфаатларини ҳимоялашни эътиборга олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармонига кўра қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун очиқ электрон танлов орқали ажратилиши белгиланган.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги ишалб чиқарувчиларининг ердан фойдаланишдаги мустақиллигини таъминлашга қаратилган навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-68-сонли билан қиймати камида 10 млн. доллар эквивалентида энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари маҳаллий инвесторларга 49 йил муддатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижарага берилиши белгиланган.

Юқоридаги ҳолатлардан хулоса қилишимиз мумкинки, агрокластерлар ва уларда ердан фойдаланиш борасида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шу боис, фикримизча қуйидаги тадбирларни амалга ошириш орқали агрокластерларда ердан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш имконияти яратилади. Жумладан: агрокластерлар тўғрисидаги қонунни қабул қилиш орқали кластерларнинг мақоми ва фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш; ердан самарали фойдаланиш биринчи навбатда агросаноат кластерлари томонидан амалий ва реал дастурлар,

бизнес режалар ишлаб чиқишни ҳамда уларни изчил амалга оширишни тақозо қилади; агросаноат кластерлари билан улар жойлашган ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар самарали йўлга қўйилмаганлиги, манфаатдорлик асосидаги шартномаларга мувофиқ иш юритиш бўйича билим ва малакалари етишмаслиги ушбу масалани ҳал этишни талаб қилади; экспортни ривожлантириш, хусусан, кластерлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни чет эл бозорларида сотиш мақсадида хорижда савдо уйларини очиш борасидаги тадбирлар етарли йўлга қўйилмаганлиги, экспорт ҳажмига салбий таъсир қилмоқда; ҳамон маҳаллий ҳокимият ва назорат қилувчи давлат идораларининг кластерлар фаолиятига маъмурий аралашувлари давом этиши, ушбу тизимни тубдан кўриб чиқишни талаб этмоқда. Юқорида тилга олинган муаммоларнинг ҳал этилиши бугунги кунда қишлоқ хўжалигида интеграцион жараёнлар ривожланишида, қўшилган қиймат яратиш орқали ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишдаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. https://www.agro.uz/agroklasterlar-va-kooperatsiyalar/
2. Кадастр агентлигининг 2025 йил 10 январдаги 05/05-347-сонли хати
3. https://uz.wikipedia.org/wiki/Marshall_Alfred
4. Қишлоқ хужалигида кластер тизимини ривожлантириш: тажрибалар, натижалар ва истикболли йуналишлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2019 йил 24 май: - Бухоро : “Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona нашриёти, 2019.

Аннотация: ушбу мақолада агрокластерларга ер ажратиш тартиби, мавжуд муаммолар, такомиллаштириш юзасидан таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: агрокластер, ер ажратиш, тўғридан-тўғри ер ажратиш, уч томонлама битим, аукцион.

Аннотация: В статье представлена процедура распределения земелных участков под агрокластеры, описаны существующие проблемы и предложены пути их решения.

Ключевые слова: агрокластер, респределение земли, прямое распределение земли, трехстороннее соглашение, аукцион.

Abstract: This article discusses the procedure for allocating to agroclusters, exiting problems and suggestions for improvements.

Keywords: agrocluster, land allocation, direct land allocation, tripartite agreement, auction.

ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ УРБАНИСТИЧЕСКОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ ХОРЕЗМА В СРЕДНЕВЕКОВЫМ ПЕРИОДЕ

Кдирниязов О.-Ш.

Каракалпакский государственный университет

Археологические исследования, проведенные на территориях Южного Приаралья и Хорезмского оазиса, показывают, что в прошлом на этой земле развивались процессы урбанистической цивилизации, существовало множество городов и крепостей. В результате исследований археологов Хорезмской археолого-этнографической экспедиции под руководством первооткрывателя хорезмской цивилизации С.П. Толстова (1937-1992 гг.), Каракалпакского отделения Академии наук Узбекистана (с 1959 года) и Каракалпакского государственного университета имени Бердаха (с 1985 года) были обнаружены и исследованы 64 города, относящиеся к периоду с IV века до нашей эры по XIV век нашей эры. Они были построены в разное время. Период интенсивного развития городов приходится на время после VII-IX вв., то есть на конец X - XIII вв. и XIII-XIV вв. В частности, археологические исследования в городе Хиве, начатые накануне независимости, показывают древность корней урбанистических процессов в оазисе. Действительно, положение города Хивы в истории хорезмской государственности является отправной точкой в процессе изучения истории урбанистической цивилизации, берущей начало с древнейших периодов истории нашей родины. На основе изучения материальных свидетельств, найденных в результате археологических изысканий, древних пахсовых и кирпичных стен, остатков керамических изделий, относящихся к эпохе Ахеменидов (хумча, хум, ручка кувшина с изображением льва), был сделан вывод о том, что город Хива был основан в VI-V веках до нашей эры [14; 11,4]. Хазарасп, считающийся одним из древнейших городов Центральной Азии, был в полном смысле этого слова археологически исследован. В результате раскопок на территории города, проведенных под руководством сотрудников объединенной археологической группы Хивинского регионального отделения Института археологии имени Я. Гулямова и отдела археологии, истории и философии Хорезмской академии Маъмуна Ш. Матрасулова и С.Р. Баратова, было получено множество уникальных вещественных находок. В частности, С.Р. Баратовым были проведены планиграфические и стратиграфические исследования на территории Хазараспа. В ходе раскопок были собраны новые сведения о формировании города, культурных слоях, хронологической датировке памятника, его материальной культуре, отраслях ремесленничества, архитектуре и оборонительных сооружениях [3,46-50; 4,120-124].

В нашей стране в сотрудничестве с зарубежными странами организуются экспедиции и проводятся исследовательские работы. Наряду с исследованиями узбекско-французской (Афросиаб, Коктепа), узбекско-германской (Джаркутан), узбекско-японской (Термез, Каратепа), узбекско-российской (Пайкенд-Бухара) и других экспедиций, Каракалпакско-австралийская экспедиция (Таш-кырман, Акшахан-кала) также продолжает исследования урбанистических процессов. В ходе раскопок, организованных каракалпакскими археологами совместно с археологами Сиднейского университета Австралии в Акшахан-кале, были обнаружены

религиозно-идеологический центр (храм), зал со 100 колоннами, настенные росписи, древние письмена и галерея изображений, относящихся к ранним хорезмшахам и их близким [20,165; 21,212; 22]. Расположенный на холме в центре города храм, настенные росписи, оборонительные сооружения и древние надписи свидетельствуют о том, что они имеют огромное значение для исследования истории урбанистической цивилизации, развившейся на основе государственности. В связи с этими крупными открытиями были дважды организованы международные симпозиумы. Участники этих теоретических и практических симпозиумов, в том числе авторитетные ученые Узбекистана, признали, что археологи Каракалпакстана провели раскопки на высоком методологическом уровне при изучении Хорезмской цивилизации и открыли уникальные археологические памятники.

Археологи Каракалпакского государственного университета проводят значительную работу по исследованию процессов урбанистической цивилизации в Хорезмском оазисе. Более 40 лет (1985-2026) преподаватели, старшие научные сотрудники-соискатели кафедры археологии КГУ ведут раскопки на памятниках Миздахкан, Джампик-кала, Топрак-кала (Кунград), Буграхан и Пульжой. Эти исследования направлены на решение проблем урбанистических и цивилизационных процессов в Хорезмском оазисе, а результаты исследований публикуются в сборниках материалов различных конференций, специальных монографиях и журналах [18; 8]. В годы независимости были организованы научные конференции с целью доведения до научной общественности результатов научно-исследовательских работ, проведенных археологами КГУ [2;7]. В текстах докладов этих конференций особое место отводится истории урбанистической цивилизации Хорезмского оазиса.

Определенная научно-исследовательская работа по истории урбанистической цивилизации проводится Академией Маъмуна АН РУз и Ургенчским государственным университетом имени аль-Хорезми. Из их числа К. Собиров, Р. Абдиримов, Т.П. Абдуллаев, Б. Садуллаев и другие организуют археологические раскопки, адаптированные для преподавания археологии на исторических факультетах высших учебных заведений Узбекистана, проведения полевой практики и подготовки молодых археологов. В связи с этим в годы независимости ведутся археологические исследования на городищах и памятниках Кят (Шаватский район), Зорлик ишан-бобо, Хива и Хазарасп. Воссоздание Хорезмской академии Маъмуна, основанной в X веке в Хиве и возрожденной благодаря независимости, открыло возможности для проведения новых археологических исследований на исторических памятниках Хорезмской области в сотрудничестве сотрудников отдела археологии этой научной организации, преподавателей Ургенчского государственного университета имени аль-Хорезми и археологов Каракалпакского отделения АН РУз. Совместные археологические изыскания и раскопки ученых этой научной организации и учебного заведения на городище Кят-кала в Шаватском районе, Алма-Атышкан II в Янгиарыкском районе, в городе Хазарасп и вокруг оазиса Мешекли на основе множества новых находок доказали, что городские поселения этого региона являются очагами урбанистической цивилизации. В частности, было установлено, что история возникновения и развития города Хазарасп относится к V веку до н.э. [16,108-109; 15,34-35; 17,3-28]. Археологические исследования зарубежных (российских) ученых Л.М. Левиной и С.Б. Болелова в Хазараспе и Хумбузтепе удревнили эту дату, позволив сделать вывод о том, что процесс формирования урбанистической цивилизации в этой местности начался в VII-VI веках до н.э. [5,90; 6, 48-54]. В целом, историки-археологи возрожденной в годы независимости Хорезмской академии Маъмуна и Ургенчского государственного университета добились новых успехов в популяризации достижений науки и исследований по истории формирования цивилизации и государственности не только в оазисе, но и на всей территории Узбекистана. Итоги исследований нашли отражение в материалах Республиканской научной конференции, организованной учеными Академии Маъмуна и УрГУ [1;19]. В целом, историки-археологи Хорезмской академии Маъмуна и Ургенчского государственного университета, восстановленные в годы независимости, добились новых успехов в популяризации исследований по истории формирования цивилизации и государственности не только в оазисе, но и на территории Узбекистана.

Обретение государственной независимости Узбекистаном стало мощным фактором развития археологии на новом этапе в центрах науки и высшего образования Хорезмского оазиса. За последнюю четверть века были опубликованы новые научные монографии, сборники и статьи по археологии Хорезма. В их числе — ряд специальных монографий Г.Х. Ходжаниязова, К. Собирова, Т.К. Ходжаева, М.М. Мамбетуллаева и М.-Ш. Кдырниязова. Эти работы направлены на решение проблем урбанистических и цивилизационных процессов в Хорезмском оазисе. Именно в годы независимости самоотверженные деятели археологической науки Хорезмского оазиса получили высокую оценку со стороны нашего государства.

В целом в Республике Узбекистан получила дальнейшее развитие археологическая наука, пользующаяся международным признанием. Достижения в этой области во многом связаны с изучением истории урбанистической цивилизации Хорезмского оазиса, который рассматривается как один из древнейших историко-культурных регионов Узбекистана и важный центр становления государственности. Существенный вклад в исследование цивилизационных процессов в Хорезме внесли также археологические работы, проведённые на ряде других городищ региона.

ЛИТЕРАТУРА

1. «Антик давр цивилизацияси тараққиётида Хоразмнинг ўрни» // Республика илмий анжумони материаллари (2011 й. 20 май, Урган-Хазорасп). Хива-2011.
2. «Археологические исследования и их значение в развитии исторической науки в Каракалпакстане» // Тезисы и материалы научно-теоретической конференции (18-19 декабрь 2009). Нукус, 2010.

3. Баратов С.Р. Археологические работы в Южном Хорезме // АИУ в 2003 г. Самарканд, 2004.
4. Баратов С.Р, Рахманов У.Р. Новые археологические материалы к древнейшей истории города Хазарасп // Антик давр цивилизацияси тараққиётида Хоразмнинг урни // Республика илмий анжумони материаллари. Урганч-Хазарасп. Хива, 2011.
5. Болелов С.Б. Некоторые итоги археологических работ на Хумбузтепе // ОНУ. 1999. № 9-10.
6. Болелов С.Б. К вопросу о периодизации раннего этапа истории Древнего Хорезма // TRANSOIANA. История и культура. Ташкент, 2004. С.48-54.
7. «Ғәрезсизлик жыллары тарийх илимининг раўажланыўы» // Республикалық илимий теориялық конференция материаллары. Нокис, 2013.
8. Кдырниязов М.-Ш, Кдырниязов О.-Ш. Полевым исследованиям кафедры археологии КГУ-30 лет.// Ж. Вестник КГУ. № 2.-Нукус, 2015.
9. Кдырниязов М.-Ш, Саипов С.Т, Кдырниязов О.-Ш, Искандерова А.Д. Миздахканской археологической экспедиции 30 лет // Археология Узбекистана. № 2 (11). 2015.
10. Кдырниязов М.-Ш., Кдырниязов О.-Ш. Средневековая урбанизация Южного Приаралья» / Научный сборник посвященная к 75 летию кафедры Археология НУУз им. М.Улугбека.Тошкент, 2015.
11. Мамбетуллаев М, Абдиримов Р. Основные этапы развития города Хивы // ОНУз. 1997. № 7-8.
12. Международный Симпозиум «Цивилизация древнего Хорезма в контексте истории мировой культуры» и полевой семинар «Археология древнего Ташкырманского оазиса». Нукус, Бустон, 2000.
13. Международный Симпозиум «Приаралье на перекрестке культур» и второй полевой семинар «Археология древнего Ташкырманского оазиса». Нукус-Бустон-Беруний, 2007.
14. Ртвеладзе Э.В, Мампбетуллаев М.М. Хива минг кумбаз шаҳри. Ташкент, 1996.
15. Собиров Қ, Абдиримов Р. Хазарасп и вопросы периодизации ранних этапов развития оседлоземледельческой культуры Хорезма // Международный Симпозиум «Цивилизация древнего Хорезма в контексте истории мировой культуры» и полевой семинар «Археология древнего Ташкырманского оазиса». Нукус, Бустон, 2000.
16. Собиров Қ, Рўзимов С. Археологические работы в Хазаспе // Вестник ККО АН РУз. № 3-4. 2003.
17. Sadullaev B, Bobojonov R. Kat qala. Xiva-2008.
18. Туребеков М.Т. Археологические исследования городище Бограхан // «Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари» мавзудаги Республика 5-илмий конференциясининг материаллари. Тошкент, 2013.
19. Ўзбекистон худудида кечган этномаданий мунособотлар ва унинг давлатчилигининг шаклланишидаги ўрни // Республика илмий анжумани материаллари. Хива-2012.
20. Ходжаниязов Г.Х,, Хелмс С.У., Сннедон Э. Археологические исследования на городище Ахшахан кала в 2001 г // АИУ-2001.
21. Ходжаниязов Г.Х., Хелмс С.У., Колин Т.Д. Исследования в Южном Каракалпакстане // АИУ-2003. Ташкент, 2004.
22. Ягодин В.Н. Древнейшая династия царей Древнего Хорезма // Сборник посвященный к 90 летию профессора В.А.Лившица. Институт восточных рукописей РАН. –СПб., 2013.

Rezyume: Maqalada Qubla Aralboyı hám Xorezm oazisinde alıp barılǵan arxeologiyalıq izertlewler tiykarında bul aymaqta urbanistikalıq civilizaciyanıń rawajlanıwı sáwlelendiriledi. S.P. Tolstov basshılığındaǵı Xorezm arxeologiyalıq-etnografiyalıq ekspediciyası, sonday-aq, Ózbekstan Ilimler akademiyası Qaraqalpaqstan bólimi hám Berdaq atındaǵı Qaraqalpaq mámleketlik universiteti ilimpazları tárepinen alıp barılǵan izleniwler atap ótilgen. Sonday-aq, arxeologiyalıq izertlewler oazistegi urbanistikalıq processlerdiń tamırları áyyemgi ekenligin tastıyıqlaytuǵını ayırıqsha kórsetiledi.

Tayanısh sózler: Xorezm, Qubla Aralboyı, urbanistikalıq civilizaciya, arxeologiya, qala hám qorǵanlar, Xiywa.

Резюме: В статье на основе археологических исследований, проведенных в Южном Приаралье и Хорезмском оазисе, освещается развитие урбанистической цивилизации в этом регионе. Отмечается, что в результате изысканий Хорезмской археолого-этнографической экспедиции под руководством С.П. Толстова, а также ученых Каракалпакского отделения Академии наук Узбекистана и Каракалпакского государственного университета имени Бердаха Также подчеркивается, что археологические исследования, подтверждают древность корней урбанистических процессов в оазисе.

Ключевые слова: Хорезм, Южное Приаралье, урбанистическая цивилизация, археология, города и крепости, Хива.

Rezyume: Maqolada Janubiy Orolbo‘yi va Xorazm vohasida olib borilgan arxeologik tadqiqotlar asosida ushbu mintaqada urbanistik sivilizatsiyaning rivojlanishi yoritilgan. S.P. Tolstov rahbarligidagi Xorazm arxeologik-etnografik ekspeditsiyasi, shuningdek, O‘zbekiston Fanlar akademiyasi Qoraqalpog‘iston bo‘limi va Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti olimlari tomonidan olib borilgan izlanishlar natijasida, arxeologik tadqiqotlar vohadagi urbanizatsiya jarayonlari ildizlarining qadimiyligini tasdiqlashi alohida ta’kidlanadi.

Kalit so‘zlar: Xorazm, Janubiy Orolbo‘yi, urbanistik sivilizatsiya, arxeologiya, shahar va qal’alar, Xiva.

OILA, BAG‘RIKENGLIK VA YOSHLAR TARBIYASI: YANGI O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING MUHIM IJTIMOIY-PEDAGOGIK OMILLARI

Mambetkarimov R. R.
Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

XXI asrda jamiyat taraqqiyotini faqat iqtisodiy ko‘rsatkichlar, ishlab chiqarish hajmi yoki texnologik yangilanishlar bilan baholash yetarli emas. Barqaror taraqqiyot, eng avvalo, inson kapitalining sifati, aholining ma’naviy madaniyati, jamiyatdagi o‘zaro ishonch, ijtimoiy hamjihatlik va yosh avlodning intellektual hamda axloqiy salohiyati bilan belgilanadi. Shu ma’noda oila, bag‘rikenglik va yoshlar tarbiyasi bir-biridan ajralgan hodisalar emas, balki jamiyatning ma’naviy barqarorligini ta’minlaydigan yaxlit ijtimoiy-pedagogik tizimdir.

Oila bolaning dastlabki ijtimoiylashuv muhiti hisoblanadi. Bola insonlar o‘rtasidagi munosabatlar, yaxshilik va yomonlik, mas’uliyat va burch, hurmat va mehr, mehnat va halollik haqidagi dastlabki tasavvurlarni oilada egallaydi.

Oilada shakllangan xulq-atvor me’yorlari keyinchalik bolaning ta’lim muassasasidagi faoliyati, tengdoshlari bilan munosabati va jamiyatdagi fuqarolik pozitsiyasiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Shu sababli oilani faqat biologik yoki maishiy birlik sifatida emas, balki shaxsni shakllantiruvchi muhim tarbiyaviy institut sifatida baholash lozim. Bag‘rikenglik esa shaxsning o‘zidan farq qiladigan qarashlar, madaniyatlar, urf-odatlar va hayotiy tajribalarga hurmat bilan munosabatda bo‘lish qobiliyatini ifodalaydi. Bag‘rikenglik befarqlik yoki har qanday xatti-harakatni ma’qullash degani emas. U inson qadr-qimmatini e’tirof etish, o‘zaro hurmat, qonuniylik, muloqot va hamkorlikka tayyorlikni anglatadi. Shu jihatdan bag‘rikenglik madaniyati oila tarbiyasi, maktab ta’limi, mahalla muhiti va jamiyatdagi ijtimoiy munosabatlar orqali bosqichma-bosqich shakllanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida oila jamiyatning asosiy bo‘g‘ini ekani, u jamiyat va davlat muhofazasida bo‘lishi, davlat yoshlarning shaxsiy, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy va ekologik huquqlarini himoya qilishi hamda ularning jamiyat va davlat hayotida faol ishtirok etishini rag‘batlantirishi belgilangan. Shuningdek, har kimning ta’lim olish huquqi va inklyuziv ta’limni ta’minlashga oid normalar mustahkamlangan [1]. Mavzuning dolzarbligi bugungi globallashuv va raqamli axborot oqimlari sharoitida yanada ortmoqda. Internet va ijtimoiy tarmoqlar yoshlar uchun bilim, muloqot va ijod imkoniyatlarini kengaytirishi bilan birga, noto‘g‘ri axborot, zararli g‘oyalar, tajovuzkor muloqot va yuzaki qadriyatlarning tarqalishiga ham sharoit yaratishi mumkin. Bunday vaziyatda yoshlarni tashqi axborot ta’siridan butunlay ajratish emas, balki ularda axborotni tanqidiy baholash, to‘g‘ri xulosa chiqarish, o‘z fikrini madaniyatli tarzda ifodalash va boshqalarning huquqlarini hurmat qilish ko‘nikmalarini rivojlantirish muhimdir.

Oila, farzand tarbiyasi, insonparvarlik va jamiyatdagi hamjihatlik masalalari Sharq mutafakkirlarining ilmiy-ma’naviy merosida muhim o‘rin egallagan. Abu Nasr Forobiy insonning baxt-saodatga erishishini fozil jamiyatdagi hamkorlik, axloqiy yetuklik va ma’rifat bilan bog‘lagan. Uning qarashlarida inson yakka holda emas, balki boshqa insonlar bilan hamkorlik qilish orqali kamol topishi ta’kidlanadi [8]. Bu fikr bugungi ijtimoiy-pedagogik yondashuvlar bilan hamohang bo‘lib, shaxs tarbiyasida oila va jamiyat muhitining birligini ko‘rsatadi. Abu Ali ibn Sino bola tarbiyasida jismoniy rivojlanish, aqliy kamolot, axloqiy tarbiya va sog‘lom muhitning o‘zaro uyg‘unligiga alohida e’tibor bergan. Uning fikricha, bolaning xulq-atvori va odatlari tarbiya jarayonida shakllanadi. Shu sababli ota-ona va tarbiyachining shaxsiy namunasi tarbiyaning eng ta’sirchan vositalaridan biri hisoblanadi [9]. Abdulla Avloniy tarbiyani inson hayotidagi hal qiluvchi masala sifatida baholab, axloqiy, aqliy va jismoniy tarbiyaning birligini ilgari surgan. Uning pedagogik qarashlarida vatanparvarlik, ma’rifat, mehnatsevarlik, intizom va insoniylik yosh avlod kamolotining asosiy mezonlari sifatida talqin qilingan [10].

Zamonaviy pedagogika va rivojlanish psixologiyasida ham oila va ijtimoiy muhitning shaxs shakllanishidagi roli keng tadqiq etilgan. L.S. Vygotskiyning ijtimoiy-madaniy nazariyasiga ko‘ra, bolaning rivojlanishi kattalar va tengdoshlar bilan hamkorlikdagi faoliyat jarayonida yuz beradi. Bola bilim va xulq-atvor shakllarini tayyor holda qabul qilmaydi, balki ijtimoiy muloqot davomida ularni o‘zlashtiradi va ichki psixologik tizimga aylantiradi [11]. A. Banduraning ijtimoiy o‘rganish nazariyasi bolalar ko‘plab xatti-harakatlarni kuzatish, taqlid qilish va namuna olish orqali o‘zlashtirishini asoslaydi [12]. Ushbu nazariya ota-onalar va pedagoglarning shaxsiy xulqi, muomala madaniyati va ziddiyatlarni hal etish usullari yoshlar tarbiyasiga kuchli ta’sir ko‘rsatishini anglatadi. Bolaga bag‘rikenglik haqida nasihat qilishning o‘zi yetarli emas; u oilada va ta’lim muassasasida o‘zaro hurmatning amaliy namunasini ko‘rishi kerak. U. Bronfenbrennerning ekologik tizimlar nazariyasida bolaning rivojlanishi bir nechta o‘zaro bog‘liq muhitlar ta’sirida tushuntiriladi. Oiladagi munosabatlar, ta’lim muassasasi, mahalla, ommaviy axborot vositalari, iqtisodiy sharoit va davlat siyosati bolaning tarbiyasiga bevosita yoki bilvosita ta’sir qiladi [13]. Mazkur nazariya oila, maktab va mahallani alohida-alohida emas, balki yagona tarbiyaviy ekotizim sifatida o‘rganish zarurligini ko‘rsatadi.

Oila inson hayotining dastlabki va eng uzoq davom etadigan ijtimoiy muhitidir. Oilada bolaning nafaqat kundalik ehtiyojlari ta’minlanadi, balki uning dunyoqarashi, hissiy tajribasi, o‘ziga va boshqalarga munosabati ham shakllanadi. Oilaviy tarbiyaning asosiy xususiyati uning uzluksizligi, tabiiyligi va hissiy ta’sir kuchining yuqoriligidadir. Ota-onaning bolaga munosabati uning o‘zini qadrlashi, xavfsizlik hissi va tashabbuskorligiga ta’sir qiladi. Mehr va talabchanlikning oqilona uyg‘unligi bolaning mustaqil, mas’uliyatli va intizomli bo‘lib ulg‘ayishiga yordam beradi. Haddan tashqari nazorat bolaning mustaqilligini cheklashi, mutlaq erkinlik esa unda mas’uliyatsizlikni shakllantirishi mumkin. Shu sababli demokratik oilaviy muloqot tarbiyaning samarali usullaridan biri hisoblanadi. Demokratik muloqot ota-onaning o‘z vazifasidan voz kechishini anglatmaydi. Aksincha, unda kattalar aniq talab va chegaralarni belgilaydi, lekin bolaning fikrini ham tinglaydi, qarorlarning sababini tushuntiradi va yoshiga mos mas’uliyat beradi. Bunday muhitda bola itoat etish bilangina cheklanmay, o‘z harakatining oqibatlarini tushunishga o‘rganadi.

Oilaviy tarbiyada quyidagi yo‘nalishlar muhim hisoblanadi: ma’naviy-axloqiy tarbiya; aqliy va kitobxonlik madaniyatini rivojlantirish; mehnatsevarlik va mas’uliyatni shakllantirish; huquqiy madaniyatni rivojlantirish; sog‘lom turmush odatlarini qaror toptirish; raqamli vositalardan mas’uliyatli foydalanishga o‘rgatish; milliy qadriyatlar va tarixiy xotirani avlodlarga yetkazish; boshqalarning sha’ni va huquqlarini hurmat qilish. Ota-onaning shaxsiy namunasi tarbiyaning eng muhim vositasidir. Bola kattalarning gapidan ko‘ra ularning kundalik xatti-harakatlarini chuqurroq o‘zlashtiradi. Oilada qo‘pollik mavjud bo‘lsa, boladan muloyimlikni talab qilish; kitob o‘qilmasa, undan kitobxonlikni kutish; va’dalarga amal qilinmasa, halollik haqida nasihat qilish kutilgan natijani bermaydi. Demak, oilaviy tarbiyaning samaradorligi talab va shaxsiy namunaning birligiga bog‘liq.

O‘zbekiston Konstitutsiyasida ota-onalar va ularning o‘rnini bosuvchi shaxslarning farzandlarini voyaga yetguniga qadar boqishi, tarbiyalashi, ta’lim olishi va sog‘lom kamol topishi haqida g‘amxo‘rlik qilishi belgilangan. Shu bilan birga, davlat va jamiyat yetim hamda ota-ona qaramog‘idan mahrum bo‘lgan bolalarni qo‘llab-quvvatlashi mustahkamlangan [1]. “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi Qonunda bolalarning hayoti, sog‘lig‘i, qadr-

qimmati, ta’lim va tarbiya olish huquqlarini ta’minlashning huquqiy asoslari belgilangan [5]. Bu huquqlar oilaviy tarbiyada bolaning shaxsini hurmat qilish, unga faqat ta’sir ko‘rsatish obyekti emas, balki huquqlarga ega shaxs sifatida munosabatda bo‘lishni talab etadi.

Bag‘rikenglik lotincha “tolerantia” tushunchasi bilan bog‘liq bo‘lib, sabr-toqat, chidamlilik va hurmat ma’nolarini anglatadi. Biroq zamonaviy talqinda bag‘rikenglik oddiy chidashdan kengroq mazmunga ega. U boshqalarning huquqi, qadr-qimmati, madaniy o‘ziga xosligi va fikrini tan olishni nazarda tutadi. Bag‘rikenglikning bir necha asosiy ko‘rinishlarini ajratish mumkin:

1. Millatlararo bag‘rikenglik — turli millat va elat vakillarining tili, madaniyati, urf-odati va an’analariga hurmat.
2. Dinlararo bag‘rikenglik — turli diniy e’tiqod vakillariga qonun va o‘zaro hurmat asosida munosabatda bo‘lish.
3. Ijtimoiy bag‘rikenglik — insonlarni ijtimoiy kelib chiqishi yoki moddiy holatiga qarab kamsitmaslik.
4. Fikrlar xilma-xilligiga bag‘rikenglik — qonuniy va odob doirasidagi turli qarashlarni tinglash va madaniyatli munozara olib borish.
5. Inklyuziv bag‘rikenglik — alohida ta’lim ehtiyojlariga ega shaxslarning jamiyat hayotida teng ishtirokini qo‘llab-quvvatlash.

Bag‘rikenglik axloqiy fazilat bo‘lishi bilan birga, amaliy ijtimoiy kompetensiya hamdir. U tinglash, savol berish, o‘z fikrini dalillar bilan ifodalash, ziddiyatni zo‘ravonliksiz hal etish, murosaga kelish va hamkorlik qilish ko‘nikmalarini o‘z ichiga oladi. Mazkur ko‘nikmalar faqat nazariy ma’ruzalar orqali emas, balki munozara, jamoaviy loyiha, rolli vaziyatlar, muammoli topshiriqlar va ko‘ngillilik faoliyati orqali rivojlantiriladi. Bag‘rikenglikning chegaralari ham mavjud. Inson qadr-qimmatini kamsitish, zo‘ravonlik, qonunbuzarlik va boshqalarning huquqlariga tajovuzni bag‘rikenglik nomi bilan oqlab bo‘lmaydi. Demak, haqiqiy bag‘rikenglik huquqiy madaniyat va mas’uliyat bilan uyg‘un bo‘lishi kerak.

O‘zbekiston ko‘p millatli va turli madaniy an’analar uyg‘unlashgan mamlakatdir. Shunday sharoitda bag‘rikenglikni yoshlarning kundalik xulq-atvori va muloqot madaniyatiga aylantirish jamiyat barqarorligi uchun muhim ahamiyatga ega. Buning uchun oilada boshqalarni kamsituvchi so‘zlardan voz kechish, ta’lim muassasalarida barcha o‘quvchilarga hurmat bilan munosabatda bo‘lish, mahallada hamjihatlik va o‘zaro yordam muhitini mustahkamlash zarur.

Zamonaviy yosh avlod avvalgi avlodlarga nisbatan juda katta axborot oqimi muhitida ulg‘aymoqda. Raqamli texnologiyalar bilim olish, chet tillarini o‘rganish, ilmiy manbalarga murojaat qilish va xalqaro muloqot uchun keng imkoniyat yaratadi. Shu bilan birga, axborotning ishonchliligini tekshirish, shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish, virtual va real hayot o‘rtasida muvozanatni saqlash kabi yangi tarbiyaviy vazifalarni yuzaga keltiradi. Bunday sharoitda yoshlar tarbiyasi quyidagi kompetensiyalarni shakllantirishga yo‘naltirilishi lozim: Tanqidiy fikrlash. Yosh axborot manbasini, dalilning ishonchliligini, muallif maqsadini va xabarning ehtimoliy ta’sirini tahlil qila olishi kerak. Media va axborot savodxonligi. Internetdagi har qanday xabarni haqiqat deb qabul qilmaslik, bir nechta manbani solishtirish va manipulyativ axborotni aniqlash muhimdir. Kommunikativ kompetensiya. O‘z fikrini odob doirasida ifodalash, boshqalarning fikrini tinglash va bahsni shaxsiy haqoratga aylantirmaslik talab etiladi. Fuqarolik mas’uliyati. Yoshlar o‘z huquqlarini bilishi bilan birga, jamiyat oldidagi burchlarini ham anglab yetishi zarur. Ijtimoiy-emotsional ko‘nikmalar. O‘z hissiyotlarini boshqarish, empatiya, hamkorlik, muammolarni tinch yo‘l bilan hal etish va qiyinchiliklarga bardoshlilik shaxsiy kamolotning muhim omillaridir. Kasbiy va hayotiy kompetensiyalar. Tashabbuskorlik, vaqtni boshqarish, mehnat madaniyati, jamoada ishlash va uzluksiz o‘rganishga tayyorlik yoshlarning kelajakdagi muvaffaqiyatiga xizmat qiladi. Yoshlarni turli zararli axborot ta’sirlaridan himoya qilishda faqat taqiqlovchi yondashuv yetarli emas. Yoshga axborotni mustaqil tahlil qilish vositalarini berish va unga ishonchli ma’naviy tayanch yaratish kerak. Shu ma’noda mafkuraviy immunitet bilim, qadriyat, tanqidiy tafakkur va fuqarolik mas’uliyatining birligi sifatida tushunilishi lozim.

Yangi O‘zbekiston taraqqiyotida inson qadri, yoshlar manfaatlari va sifatli ta’limga ustuvor ahamiyat berilmoqda. Mazkur yo‘nalishdagi ishlarning huquqiy poydevori O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va tegishli qonunlarda mustahkamlangan. “Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi Qonunning maqsadi yoshlarga oid davlat siyosati sohasidagi munosabatlarni tartibga solishdan iborat. Unda yoshlarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini ta’minlash, sifatli ta’lim olishi, bandligi, ijtimoiy himoyasi, iste’dodini rivojlantirish hamda jamiyat hayotida faol ishtirok etishini qo‘llab-quvvatlashga oid asosiy yo‘nalishlar belgilangan [2]. “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonunda ta’lim sohasidagi munosabatlarni tartibga solish, ta’limning ustuvorligi, ta’lim olish shakllari, ta’lim tizimining uzluksizligi va ishtirokchilarning huquq hamda majburiyatlari belgilangan [3]. Mazkur hujjat tarbiya va ta’limning o‘zaro ajralmasligini, shaxsning intellektual va ma’naviy rivojlanishi uchun zarur shart-sharoit yaratish muhimligini ko‘rsatadi.

“O‘zbekiston – 2030” strategiyasida ta’lim, yoshlar, sog‘lom turmush tarzi, ijtimoiy himoya va inson salohiyatini rivojlantirishga doir maqsadlar belgilangan. Strategik yondashuv yoshlarni davlat siyosatining passiv obyekti sifatida emas, balki taraqqiyot jarayonining faol ishtirokchisi sifatida qo‘llab-quvvatlashni talab qiladi [6]. Mazkur huquqiy asoslar yoshlar tarbiyasini faqat ta’lim muassasalarining vazifasi sifatida emas, balki davlat, jamiyat, oila va fuqarolik institutlarining umumiy mas’uliyati sifatida baholashga imkon beradi. Yoshlar tarbiyasida milliy va umuminsoniy qadriyatlarni bir-biriga qarama-qarshi qo‘yish ilmiy jihatdan to‘g‘ri emas. Milliy qadriyatlar xalqning tarixiy tajribasi, tili, urf-odati, ma’naviy merosi va ijtimoiy xotirasini ifodalaydi. Umuminsoniy qadriyatlar esa inson qadr-qimmati, tinchlik, adolat, erkinlik, mehr-oqibat, mehnatsevarlik va boshqalarning huquqlarini hurmat qilish kabi barcha jamiyatlar uchun ahamiyatli tamoyillarni qamrab oladi.

O‘zbek xalqining oilaparvarlik, kattalarga hurmat, kichiklarga g‘amxo‘rlik, mehmondo‘stlik, qo‘ni-qo‘shnichilik, mehr-oqibat va hamjihatlik kabi fazilatlari umuminsoniy mazmun kasb etadi. Ushbu qadriyatlarni yoshlar ongiga

singdirishda ularni faqat shior sifatida takrorlash emas, balki zamonaviy hayotiy misollar va amaliy faoliyat bilan bog‘lash lozim. Masalan, kattalarga hurmat yoshlarning mustaqil fikrini inkor etish degani emas. Aksincha, hurmatli muloqot doirasida yosh avlodning fikrini tinglash oiladagi o‘zaro ishonchni kuchaytiradi. Milliy an’anaga sodiqlik zamonaviy ilm-fan va innovatsiyalardan voz kechishni anglatmaydi. Milliy o‘zlikni anglagan, lekin boshqa madaniyatlarga ochiq bo‘lgan yosh jamiyatning barqaror rivojlanishiga samarali hissa qo‘sha oladi. Yoshlar tarbiyasida uchta muhim muhit — oila, ta’lim muassasasi va mahalla — o‘zaro hamkorlik qilmasa, tarbiyaviy ta’sirlar o‘rtasida nomuvofiqlik paydo bo‘lishi mumkin. Masalan, ta’lim muassasasida targ‘ib qilinayotgan intizom va mas’uliyat oilada qo‘llab-quvvatlanmasa, o‘quvchida ikki xil xulq me’yori shakllanadi. Aksincha, uchala institutning talablari va qadriyatlari uyg‘un bo‘lsa, tarbiya izchil va barqaror tus oladi. Hamkorlikning samarali shakllari quyidagilar bo‘lishi mumkin: ota-onalar uchun pedagogik va psixologik seminarlar; sinf rahbari, psixolog va ota-onaning muntazam muloqoti; oilaviy kitobxonlik va ma’naviy-ma’rifiy loyihalar; yoshlar ishtirokidagi mahalla tashabbuslari; avlodlararo muloqot uchrashuvlari; ko‘ngillilik va xayriya tadbirlari; ekologik va obodonlashtirish loyihalari; media savodxonlik va raqamli xavfsizlik mashg‘ulotlari; ziddiyatlarni mediatsiya orqali hal etish amaliyoti; yoshlarning qiziqish va iste’dodiga mos to‘garaklar. Hamkorlik faqat muammo paydo bo‘lganda ota-onani ta’lim muassasasiga chaqirish bilan cheklanmasligi kerak. U profilaktik, rivojlantiruvchi va hamkorlikka asoslangan tizim bo‘lishi zarur. Ota-ona pedagogning yordamchisi, pedagog esa oilaning nazoratchisi emas, balki bolaning manfaatlari yo‘lida hamkorlik qiluvchi tomonlar sifatida faoliyat yuritishi kerak. Mahalla yoshlarni ijtimoiy faollikka jalb etish, oilalarga ko‘mak berish, bo‘sh vaqtni mazmunli tashkil etish va avlodlar o‘rtasidagi aloqani mustahkamlash imkoniyatiga ega. Biroq bunday tadbirlar rasmiy hisobot uchun emas, yoshlarning haqiqiy ehtiyojlari, qiziqishlari va tashabbuslariga tayangan holda tashkil etilishi lozim.

Xulosa qilib aytganda oila, bag‘rikenglik va yoshlar tarbiyasi Yangi O‘zbekiston taraqqiyotining muhim ijtimoiy-pedagogik omillaridan hisoblanadi. Oila shaxsning dastlabki qadriyatlari, xulq-atvori va ijtimoiy munosabatlarini shakllantiradigan birlamchi muhit bo‘lsa, ta’lim muassasasi ushbu qadriyatlarni ilmiy bilim, ijtimoiy tajriba va fuqarolik kompetensiyalari bilan boyitadi. Mahalla esa yoshlarning jamiyat hayotidagi amaliy ishtiroki va o‘zaro hamjihatlik tajribasini rivojlantiradi. Bag‘rikenglik yoshlarning faqat boshqacha fikrga chidashi emas, balki inson qadr-qimmatini tan olishi, qonuniylikka rioya qilishi, turli qarashlar bilan madaniyatli muloqotga kirishishi va ziddiyatlarni tinch yo‘l bilan hal eta olishidir. Shu sababli bag‘rikenglikni shakllantirish oiladagi muomala madaniyatidan boshlanib, ta’lim jarayoni va jamiyatdagi ijtimoiy munosabatlarda davom etishi lozim.

Yoshlar tarbiyasining zamonaviy modeli milliy qadriyatlarga tayanishi, lekin globallashuv va raqamli rivojlanish natijasida paydo bo‘layotgan vazifalarni ham hisobga olishi zarur. Tanqidiy fikrlash, media savodxonlik, ijtimoiy mas’uliyat, muloqot madaniyati va uzluksiz o‘rganish qobiliyati bugungi yosh shaxsning muhim fazilatlariga aylangan. O‘zbekistonda oila, yoshlar va ta’limni qo‘llab-quvvatlashning mustahkam huquqiy asoslari mavjud. Mazkur imkoniyatlardan samarali foydalanish davlat tashkilotlari, pedagoglar, ota-onalar, mahalla faollari va yoshlarning o‘zaro mas’uliyatli hamkorligini talab etadi. Tarbiyaviy ishlarning natijadorligi tadbirlar soni bilan emas, yoshlarning xulqi, dunyoqarashi, ijtimoiy faolligi va mas’uliyatidagi ijobiy o‘zgarishlar bilan baholanishi kerak.

ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 2023-yil 30-aprel kuni referendum orqali qabul qilingan yangi tahrir. – Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi Qonuni. O‘RQ–406-son, 2016-yil 14-sentabr.
3. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni. O‘RQ–637-son, 2020-yil 23-sentabr.
4. O‘zbekiston Respublikasining “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi Qonuni. O‘RQ–139-son, 2008-yil 7-yanvar.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston – 2030” strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. PF–158-son, 2023-yil 11-sentabr.
6. Forobiy, Abu Nasr. *Fozil odamlar shahri*. – Toshkent: Yangi asr avlodi, turli nashrlar.
7. Ibn Sino, Abu Ali. *Donishnoma*. – Toshkent: Sharq, turli nashrlar.
8. Avloniy, A. *Turkiy guliston yoxud axloq*. – Toshkent: O‘qituvchi, turli nashrlar.
9. Vygotsky, L.S. *Mind in Society: The Development of Higher Psychological Processes*. – Cambridge, MA: Harvard University Press, 1978.
10. Bandura, A. *Social Learning Theory*. – Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall, 1977.
11. Bronfenbrenner, U. *The Ecology of Human Development: Experiments by Nature and Design*. – Cambridge, MA: Harvard University Press, 1979.

Shańaraq, keńpeyillik hám jaslar tárbiyası: jańa Ózbekstan rawajlanıwınıń áhmiyetli sociallıq-pedagogikalıq faktorları

Rezyume: Usı maqalada Jańa Ózbekstannıń rawajlanıwı sharayatında shańaraq, keńpeyillik hám jaslar tárbiyasınıń sociallıq-pedagogikalıq áhmieti tallanadı. Shańaraqtıń jas áwladtıń ruwxıy-ádep-ikramlılıq jetilisiwi, dúnyaqarası hám sociallıq juwapkershiligin qáliplestiriwdegi ornı hám keńpeyillik principleriniń óz-ara húrmet, awızbirshilik hám milletleraralıq tatıwlıqtı bekkemlewdegi áhmieti sáwlelendiriledi. Sonday-aq, shańaraq, bilimlendiriw mákemesi hám jámiet birge islesiwi tiykarında bárkamal, erkin pikirleytuǵın hám sociallıq belsendi jaslardı tárbiyalawdıń tiykarǵı baǵdarları ashıp beriledi.

Tayanısh sózler: shańaraq, keńpeyillik, jaslar tárbiyası, Jańa Ózbekstan, ruwxıy-ádep-ikramlılıq tárbiya.

Oila, bag‘rikenglik va yoshlar tarbiyasi: yangi o‘zbekiston taraqqiyotining muhim ijtimoiy-pedagogik omillari

Rezyume. Ushbu maqolada Yangi O‘zbekiston taraqqiyoti sharoitida oila, bag‘rikenglik va yoshlar tarbiyasining ijtimoiy-pedagogik ahamiyati tahlil qilinadi. Oilaning yosh avlod ma’naviy-axloqiy kamoloti, dunyoqarashi va ijtimoiy mas’uliyatini shakllantirishdagi o‘rni hamda bag‘rikenglik tamoyillarining o‘zaro hurmat, hamjihatlik va millatlararo totuvlikni mustahkamlashdagi ahamiyati yoritiladi. Shuningdek, oila, ta’lim muassasasi va jamiyat hamkorligi asosida barkamol, mustaqil fikrlaydigan va ijtimoiy faol yoshlarni tarbiyalashning ustuvor yo‘nalishlari ochib beriladi.

Kalit so‘zlar: oila, bag‘rikenglik, yoshlar tarbiyasi, Yangi O‘zbekiston, ma’naviy-axloqiy tarbiya.

Семья, толерантность и воспитание молодежи: новый Узбекистан важные социально-педагогические факторы развития

Резюме: В данной статье анализируется социально-педагогическое значение семьи, толерантности и воспитания молодежи в условиях развития Нового Узбекистана. Освещается роль семьи в духовно-нравственном развитии молодого поколения, формировании его мировоззрения и социальной ответственности, а также значение принципов толерантности в укреплении взаимного уважения, солидарности и межнационального согласия. Также раскрываются приоритетные направления воспитания гармонично развитой, самостоятельно мыслящей и социально активной молодежи на основе сотрудничества семьи, образовательного учреждения и общества.

Ключевые слова: семья, толерантность, воспитание молодежи, Новый Узбекистан, духовно-нравственное воспитание.

Family, tolerance and youth upbringing: New Uzbekistan important socio-pedagogical factors of development

Summary: This article analyzes the socio-pedagogical significance of family, tolerance, and youth upbringing in the context of New Uzbekistan's development. The role of the family in the spiritual and moral development of the younger generation, the formation of their worldview and social responsibility, and the importance of the principles of tolerance in strengthening mutual respect, solidarity and interethnic harmony are highlighted. It also reveals the priority directions for raising harmoniously developed, independently thinking, and socially active youth based on the cooperation of the family, educational institution, and society.

Key words: family, tolerance, youth upbringing, New Uzbekistan, spiritual and moral education.

MOVAROUNNAHRNING ARABLAR TOMONIDAN FATH QILINISHI: IBN KASIRNING “AL-BIDOYA VAN-NIHOYA” ASARI ASOSIDA

Saidakbarov X. S.
O‘zbeksiton xalqaro islomshunoslik akademiyasi

Kirish. Turkiya xalqlarning islom dinini qabul qilishi xalqaro ahamiyatga ega bo‘lgan muhim hodisalardan biridir. Chunki yangi dinga e’tiqod qilish bilan boshlangan o‘zgarishlar, nafaqat, turk-islom tarixi, balki butun dunyo tarixiga katta ta’sir ko‘rsatti. Mazkur hodisa tufayli islom jamiati turkiy xalqlar bilan birgalikda harbiy, ijtimoiy va ilmiy jihattan yangi imkoniyatlarga ega bo‘lgan. Islom dini o‘zining botiniylar va salibchilar kabi dushmanlaridan turklar yordamida himoyalana oldi [4:11]. Turon o‘lkasida qadimdan sahiylik, jasurlik, mehmondo‘stlik, yurtni himoya qilish, o‘zgalarga yordam qo‘lini cho‘zish kabi yuksak madaniy va ma’naviy qadriyatlar asrlar osha takomillashib borgan. Islom kirib kelishi o‘lka qadriyatlarini yanada boyitti va avvalgi ma’naviy qarashlar islom diniga aslo zid bo‘lmay, balki islom axloqlarining ayni o‘zi edi. Chunki mazkur hududda yashagan aholi islomni boshqalarga nisbatan oson va tez qabul qilgan [2:8].

Movarounnahr mintaqasiga islom dini kirib kelishi ko‘plab musulmon tarixchilari tomonidan o‘rganilgan. Narshaxiyning “Tarxi Buxoro”, Balazuriyning “Futuh al-buldon”, Tabariyning “Tarix ar-rosul val-muluk”, Ibn al-Asirning “Al-Komil fit-Tarix” shular jumlasidan. Bu asarlar qatorida damashqlik mufassir va tarixchi Abul Fido ibn Kasirning “al-Bidoya van-nihoya” asarini ham alohida ta’kidlab o‘tish lozim [5:80].

Asosiy qism. Ibn Kasir asarni to‘rtta katta qismga bo‘lgan. Birinchi qismda olamning yaratilishi va Qur’onda zikr qilingan payg‘ambarlar tarixi, ikkinchi qismda Rasulullo (s.a.v) siyrati, uchunchi qismda musulmon davlatlari tarixi: Ibn Kasir ushbu uchinchi bo‘limda Xulofa-i roshidin davridan boshlab umaviylar, abbosiylar davrida yuzaga kelgan davlatlar va mamlukiylarni bayon qilgan va asarni 767/1366-yil voqealari bilan tamomlagan. Muallif bu bo‘limda faqat siyosiy voqealarni emas, ijtimoiy hayotga doir muhim ma’lumotlarni ham keltirib o‘tgan. Xususan, u o‘zi yashagan davrga oid ahamiyatli xabarlar qoldirgan. Asarning to‘rtinchi qismida esa Qiyomat a’lomatlari va oxirat hayoti yoritilgan [6:454-455]. Ibn Kasir asarda roshid xalifalar va keying davr musulmon sulolar davlatlari tarixiga alohida to‘xtaladi va ushbu davrlarda islomning keng yoyilishi va fath harakatlarini keng bayon qiladi. Xususan u Movarounnahrga islom dini kirib kelishi va o‘lkada sodir bo‘lgan voqealar hamda Movarounnahr diyorida vujudga kelgan musulmon davlatlar haqida ko‘plab ma’lumotlar beradi.

Muhokama. Movarounnahr aholisi bilan arab musulmonlari orasidagi ilk munosabat Usmon ibn Affon roziyallohu anhu davridan boshlangan. Manbalarning guvohlik berishicha, Movarounnahrdagi turkiy xalqlar bilan ilk to‘qnashuv hijriy 22 (milodiy 642) yilda ro‘y bergan. Bu Ahnaf ibn Qays boshchiligidagi Kufa va Basra aholisidan iborat o‘n ming askar bilan Eron shohi Yazdajird ibn Shahriyor ibn Kisroni ta’qib etish bilan boshlangan. Ahnafning yakkama-yakka jangda uch turkni mag‘lubiyatga uchratishi bilan ular jangsiz ortlariga qaytishga majbur bo‘lishgan [2:17]. Musulmonlar bilan turklar o‘rtasidagi to‘qtanushuv xalifa Umar ibn Xattob davrida boshlanib Usmon ibn Affon davrida davom etti. Lekin Movarounnahr fathi Umaviylar xalifaligi davrida to‘g‘ri keladi. Movarounnahrga arablar umaviy xalifa Valid ibn Abdulmalik davridan oldin ham bir necha yurishlar uyishtirgan. Biroq bu ulkan o‘lkani to‘liq bo‘ysundira olmaganlar. Faqat Termiz shahri VII asrning 90 yillarida Muso ibn Abdulloh tomonidan egallanib, 705-yilgacha umaviylardan mustaqil shahar-davlat sifatida idora qilindi [3:176]. Keyinchilar uning hokimiyati umaviylar tomonidan tugatilgach Xurosonga amir etib tayinlangan Qutayba ibn Muslim tomonidan o‘lka fath ishlari davom ettirildi. Ibn Kasir asarda Muso ibn Abdullohni Termiz shahrini egallashini Tabariyga tayanib uzun bayon qilgan: “Ibn Jarir dedi: Bu yili Muso ibn Abdulloh ibn Hozim Termizda o‘ldirildi. Bu voqea quyidagicha yuz berdi: Muso otasi Abdulloh o‘ldirilganidan keyin uning yonida qolgan odamlari bilan birga boshpana topadigan biror shahar topa olmadi. Qaysi shaharga yaqinlashmasin, albatta o‘sha shaharning hokimi unga qarshi chiqib, u bilan urushardi. Bu hol davom etib, nihoyat Termiz yaqinidagi bir joyga kelib qo‘ndi…”[1:95-97].

Movarounnahrning fath etishi va mintaqada islom dini tarqalishi shubhasiz Qutayba ibn Muslim faoliyati bilan bog‘liq. Hijriy 86 (milodiy 705) yilda Qutayba ibn Muslim Iroq amiri Hajjoj ibn Yusuf tomonidan Xuroson voliysi deya e’lon qilinadi. Shu yili Qutayba daryoni kechib o‘tib, Movarounnahr yurtiga qadam qo‘yadi [2:26].

Poykand. Qutayba ibn Muslimning Movarounnahr o‘lkasida fath qilgan birinchi shahri Poykant bo‘lib Buxoro viloyati hududlarida joylashgan edi. Ibn Kasir Poykant shahri egallanishini quyidagicha yoritadi: “Qutayba shu yili yana Poykant ustiga yurish qilib, g‘azot qildi. Buxoroning tumanlaridan bo‘lgan Poykantda Qutaybaning atrofiga juda ko‘p turklar to‘plandi. Qutayba u yerga kelgach, turklar sug‘diylardan va atrof viloyatlardagi turklardan unga qarshi yordam so‘radilar. Ular ham kelib Poykant aholisiga yordam berdilar. Ular Qutaybaning yo‘llari va o‘tish joylarini berkitib qo‘ydilar. Ikki tomon qariyb ikki oy davomida bir-biriga ro‘baro‘ turib kutishdi. Natijada na Qutayba ularga elchi yubora olar, na turklar tomonidan unga biror elchi kela olar edi. Qutaybadan xabar kelmay qolgach, Xajjoj xavotirga tushdi. U Qutayba bilan birga bo‘lgan musulmonlarning halok bo‘lib ketishidan qo‘rqdi. Chunki ular jang qilayotgan turk dushmanlarining soni juda ko‘p edi. Shundan so‘ng Xajjoj masjidlarda Qutayba qo‘shini uchun duo qilinishini buyurdi va bu haqdagi farmonini yozma ravishda boshqa shaharlarga ham yubordi. Qutayba va u bilan birga bo‘lgan musulmonlar har kuni turklar bilan jang qilardilar” [1:121-123]. Qutayba ibn Muslim poykantliklar ustidan g‘alaba qozondi. Shundan so‘ng Poykant ahli Qutayba ibn Muslimdan sulh tuzishdi so‘radi. Qutayba ular bilan sulh tuzib, shaharga amir tayinlaydi va Buxoroga yo‘l oladi. Buxoroga yaqin qolganda poykantliklar sulhni buzib isyon qiladi. Ibn Kasir bu voqeani quyidagicha yoritadi: “Shahar aholisi sulh tuzishni istadilar, biroq Qutayba sulhga rozi bo‘lmadi. U harakatlarini davom ettirdi va nihoyat shaharni to‘liq fath etdi. Musulmonlar Poykantda oltin va kumush idishlar, oltindan yasalgan haykallar kabi juda ko‘p g‘animatlarni qo‘lga kiritdilar. Qo‘lga kiritilgan g‘animatlar orasida ichida 150 ming dinor oltin bo‘lgan quyma bir haykal ham bor edi”.

Qutayba ibn Muslim bundan so‘ng hijriy 90-yili Buxoro shahrini egallaydi. Bu arablarning Buxoro shahriga ilk kelishi bo‘lmagan. Arablarning Buxoro shahrigacha harbiy yurish qilishi xalifa Muoviya ibn Abu Sufyon davrida to‘g‘ri keladi. Ushbu yurishlarga Usmon (r.a) o‘g‘li Said ibn Usmonni aytish mumkin. Xuroson amirligidan tushirilganidan keyin Sa'id ibn Usmon Xuroson amiri bo‘ldi va Jayhun daryosidan o‘tib Buxoroga keldi [7:39-40].

Buxoro. Shuni ta’kidlash kerakki Qutayba ibn Muslimdan avval amalga oshirilgan fath yurishlari faqat harbiy yurishlardan iborat bo‘lib, ular Movarounnahrni xalifalik tarkibiga qo‘shib olishni maqsad qilmagan. Biror shaharda qal’a yoki istehkom qurilib u yerga arab askarlari ko‘chirib keltirilmagan. Xuroson amirlari fath etilgan shaharlar bilan ma’lum miqdorda tovon to‘lash sharti bilan sulh tuzib, so‘ng Xurosonga qaytib ketganlar [3:89]. Lekin bu galgi amir Qutayba ibn Muslim edi. Hech qanday kelishuvga o‘rin yo‘q, faqat Movarounnahrni bo‘ysundirishga buyruq berilgan [2:21]. Ibn Kasir asarda Qutaybani shaharni hijriy 90-yilda fath qilganini aytadi: “Qutayba ibn Muslim Sug‘d, Nasaf va Kesh viloyatlariga yurish qildi. U yerlarda ko‘plab turklar bilan to‘qnashdi, ular bilan jang qildi, mag‘lub etdi va ko‘plarini o‘ldirdi. So‘ng Buxoro tomon yurish qildi…Keyinchalik Qutayba Buxoro hokimi Vardan Xuzohiyga qarshi yurdi. Vardan u bilan qattiq jang qildi. Qutayba uni yenga olmadi va Marvga qaytib ketdi. Marvda bo‘lganida unga Xajjojning maktubi keldi. Maktubida Xajjoj uni qochgani va dushmanlari qarshisida chekingani uchun tanqid qilar edi. Shuningdek, undan Buxoroning suratini (xaritasini) yuborishni talab qildi. Qutayba Buxoroning xaritasini chizdirib, Xajjojga jo‘natdi. Shundan so‘ng Qutayba ibn Muslim Buxoro shahrini fath etdi. U yerda bo‘lgan dushmanlarini butunlay tor-mor qildi. Sug‘d hukmdori Tarxun Buxoro fath etilganidan keyin Qutaybadan sulh so‘radi. Buning evaziga har yili ma’lum miqdorda mol to‘lab turishni va’da qildi. Qutayba uning bu taklifini qabul qildi va kelishuv shartlariga amal qilishini ta’minlash uchun undan garov oldi” [1:11-135].

Xorazm. Bu vaqtta Xorazmda siyosiy ahvol yaxshi emasdi. Hokimiyat xorazmshoh Chag‘on qo‘l ostida bo‘lsa-da, uning boshqaruvi zaif bo‘lganligi uchun uning ukase Xurzod mamlakatta hohlagan ishini qilar edi. Hatto Chag’on ham unga e’tiroz bildira olmasdi. Xorazmshoh uzoq vaqt bunga chidab yurdi, so‘ng Qutayba ibn Muslimga xat yozdi va uni Xorazmga taklif qildi [3:183]. Ibn Kasir asarda Xorazm shahrini egallanishini quyidagicha bayon qiladi: “Xorazmshoh Qutaybaga maktub yozib, o‘z hududidagi bir necha shahar, ko‘p miqdorda mol-dunyo, qullar berish hamda ukasi bilan urushib uni topshirish evaziga sulh tuzishni so‘radi. Chunki u ukasining yer yuzida fasod tarqatayotganini, odamlarga zulm va zo‘ravonlik qilayotganini aytdi. Haqiqatan ham uning ukasi biror kishining huzurida mol-mulk, pul, ayol, bola, ulov yoki o‘ziga yoqadigan boshqa biror narsaning borligini eshitsa, o‘sha narsani egasidan tortib olar edi. Qutayba xorazmshohning ukasi hukmronlik qilayotgan mamlakatga katta qo‘shin bilan yurish qildi. Alloh unga g‘alaba ato etdi. U yerda ukasining ko‘plab odamlarini o‘ldirdi. Xorazmshohning ukasini esa 4000 kishi bilan birga asir olib, xorazmshohga topshirdi. Shuningdek, Qutayba buyruq berib, huzurida asirlarning bo‘yinlari urdirildi. Bir rivoyatda aytilishicha, uning oldida 1000, o‘ng tomonida 1000, chap tomonida 1000 va orqa tomonida ham 1000 asir o‘ldirilgan. Bu bilan u o‘z dushmanlarini va boshqa xalqlarni qo‘rqitishni maqsad qilgan edi” [1:143].

Samarqand. Qutayba Xorazmdan ketganidan so‘ng Samarqandga yurish qildi. Samarqand Sug‘d viloyatining markazi bo‘lib, Sug‘d podshohlari shu shaharda turar edilar. Ibn Kasir Samarqand shahrining fath etilishini asarda alohida mavzu sifatida bayon etadi: “Qutayba barcha ishlarini yakunlab, o‘z yurtiga qaytishga qaror qilganidan so‘ng, qo‘mondonlardan biri unga sug‘diylar bu yil o‘zlariga hujum qilinmasligiga ishonib turishibdi, Agar ma’qul ko‘rsangiz, ularga kutilmagan zarba bering. Ular bexabar turgan paytda hujum qilsangiz, Sug‘dni egallaysiz, dedi. Qutayba unga bu gapni yana biror kishiga aytdingmi? deb so‘radi. Qo‘mondon yo‘q, deb javob berdi. Shunda Qutayba agar bu gapni sendan yana biror kishi eshitgan bo‘lsa, boshingni oldiraman, dedi. So‘ng ukasi Abdurahmon ibn Muslimni 20 ming askar bilan Samarqand tomon oldindan yubordi. O‘zi esa qolgan qo‘shin bilan uning ortidan yo‘lga tushdi. Qutayba qo‘shinining o‘zlari bilan jang qilish uchun kelayotganidan xabar topgan sug’diylar o‘z oralaridan kuchli, jasur va mohir jangchilardan iborat bir harbiy guruh tuzdilar. Ularni tunda Qutaybaning qo‘shini ustiga bostirib borishga va musulmonlar lashkariga kutilmagan hujum uyushtirishga undadilar. Qutayba ham sug‘diylar bu kabi tayyorgarlik ko‘rayotganini eshitgach, ukasi Solihni yengilmas bahodirlardan iborat 600 otliq bilan ajratib yubordi va ularning yo‘lini to‘singlar, deb buyurdi. Ular yo‘lga chiqib, uch guruhga bo‘lindilar. Tun tushgach, qarshi tomon sezmagan holda harakat boshladilar va o‘zaro nido berdilar. Shundan keyin musulmonlar bilan sug‘diylar o‘rtasida jang boshlandi.

Turklardan juda oz sonli kishilar qutulib qoldi. Musulmonlar ularning ko‘pchiligini o‘ldirdilar va yonlaridagi oltin qoplamali qurollar hamda boshqa buyumlarni g‘animat oldilar. Jang qatnashchilaridan ayrimlari boshqalarga: Bilasizlarki, sizlar bu yerda shahzodalar va mashhur bahodirlar bilan jang qildingizlar. Ularning har biri yuz, hatto ming otliq askarga teng edi, dedilar. Qutayba bu jangchilarga qo‘lga kiritgan oltinlar va qurollarni o‘zlariga qoldirdi. Shundan so‘ng u Sug‘dga yaqin bo‘lgan ulkan shahar — Samarqandga yaqinlashdi. Shahar ustiga manjaniqlar bilan tosh ota boshladi. Jangni davom ettirdi va aslo ortga chekinmadi. U bilan birga bo‘lgan buxorolik va xorazmlik askarlarga yaxshi muomala qilib, ularga nasihatlar berdi. So‘ng ularning barchasi birgalikda sug‘diylar bilan shiddatli jang qildilar [1:143-149].

Hijriy 90 (milodiy 708) yilda Qutayba Samarqand shahriga kirib, Samarqand hokimi Tarhun bilan sulh tuzishga kelishadi. Tarhun fidya to‘lash evaziga Qutayba bilan sulhga rozi bo‘ladi. 711-yilda Samarqandda hokimiyat o‘zgarishi ro‘y berdi. Samarqandlik aslzodalar Tarhunni arablar bilan sulhga rozi bo‘lgani uchun taxttan ag‘darib, unin o‘rniga ukasi G‘urakni taxtga o‘tqazdilar. G‘urak Qutayba bilan tuzilgan sulhni bekor qildi [3:183]. Shuning uchun Qutayba 712-yilda Samarqandga yurush qilgan edi. Al-Bidoya asarida Samarqand fathini quyidagicha davom etadi: “Bu orada Sug‘d hukmdori G‘urak Qutaybaga xabar yuborib: Sen mening aka-ukalarim va qardoshlarimni oldinga surib, men bilan urushyapsan. Arablarni qarshimga chiqar, keyin jang qilaylik, dedi. Buni eshitgan Qutayba g‘azablandi. U arablar bilan ajamlarni bir-biridan ajratdi. Ajamlarga bir chetga chiqishni buyurdi. Arablarning jasur jangchilarini oldingi saflarga qo‘ydi va ularga eng yaxshi qurollarni berdi. Qo‘rqoq kishilar qo‘lidagi qurollarni esa tortib oldi… Tong otgach, musulmonlar samarqandliklar ustiga manjaniqlar bilan tosh yog‘dira boshladilar. Shahar devorlarida yana bir yoriq hosil bo‘ldi. Musulmonlar o‘sha yerdan devorga tirmashib chiqishga kirishdilar. Ikki tomon bir-birini o‘qlar yomg‘iri ostida qoldirdi…. Samarqandliklar Qutaybaga: “Bugun bizdan voz kech, sen bilan sulh tuzaylik”, dedilar. Shundan so‘ng musulmonlar jangni to‘xtatdilar va ertasi kuni sulh tuzdilar. Sulhga ko‘ra, samarqandlilklar har yili 2 100 000 dirham to‘lab turadigan, o‘sha yilning boshida esa 30 000 qul beradigan bo‘ldilar. Beriladigan qullar orasida juda yosh, haddan tashqari qari yoki biror nuqsoni bor kishilar bo‘lmasligi kerak edi. Boshqa bir rivoyatda esa 100 000 qul berishga rozi bo‘lganlari aytiladi. Shuningdek, butlardagi ziynat buyumlari va otashxonalardagi qimmatbaho bezaklar ham musulmonlarga topshirilishi lozim edi. Shahar jangchilardan bo‘shatiladigan, Qutayba u yerda masjid quradigan va masjidda xutba o‘qish uchun minbar barpo etiladigan bo‘ldi. Turklar bu shartlarning barchasini qabul qildilar”. Sulhga har ikkala tomon rozi bo‘lgach, Qutayba o‘zi tanlab olgan to‘rt ming askari bilan Sug‘dga kirib keldi va masjidga kirib namoz o‘qidi va odamlarga xutba qildi. Ibn Kasir Samarqand kirilgach bo‘lgan voqealarni ham asarda bayon qilgan [1:143-49].

Shosh va Farg‘ona. Hijriy 94 (milodiy 713) yilda Qutayba Shosh va Farg‘onaga qurish qilishga qaror qildi va Buxoro, Kesh, Nasaf va Xorazm aholisidan unga 20 ming askar berishni talab qildi. Al-Bidoya asarida ushbu shaharlarning fath etilishi Samarqand fathi kabi keng yoritilmagan: “Qutayba ibn Muslim Shosh va Farg‘onaga yurish qildi. Sug‘d va Samarqand fathlarini yakunlagach, Farg‘onaga qarashli Xo‘jand va Kosongacha yetib bordi. Bu yerlarni ham fath etganidan so‘ng Qobulga keldi, uni qamal qilib, zabt etdi. U yerda ko‘plab mushrik bilan to‘qnashdi. Xo‘jand shahri yaqinida ular bilan jang qilib g‘alaba qozondi. Ularning yurtlarini qo‘lga oldi, bir qismini o‘ldirdi, boshqalarini asir etdi va juda ko‘p mol-dunyoni g‘animat sifatida qo‘lga kiritdi. Ibn Jarir rivoyat qilishicha, Suhbon ibn Voil Qutayba ibn Muslimning Xitoy chegaralariga yaqin Xo‘jandda turklar bilan qilgan jangi haqida bayt o‘qigan [1:159-160]. Ibn Kasir Qutaybaning Farg‘onaga qaratilgan harakatlari asnosida Xajjoj ibn Yusufning vafoti haqida xabar topgani va xalifadan harbiy yurishlarni davom ettirishga doir maktub olganini ham qo‘shimcha tarzda keltiradi [1:195-196].

Shunday qilib Qurayba ibn Muslim Movarounnahrni fath qildi. Qutayba Movarounnahr voliysi sifatida hijriy 86 (milodiy 707-715) yillar davomida katta yutuqlarga erishdi. Ibn Kasir Qutayba ibn Muslimni sifatlab shunday yozadi: “Qutayba ibn Muslim ibn Amr ibn Husayn ibn Robia Abu Hafs al-Bohiliy qo‘mondonlar yetakchilaridan va saralangan kishilardan edi. U buyuk, tengi kam topiladigan sarkardalardan hisoblanadi. U yaxshi jang qiladigan, muvaffaqiyatli fathlarni amalga oshirgan, maqtovga loyiq qarashlarga ega bo‘lgan bahodirlardan edi. Alloh uning vositasida, sonini faqat Alloh biladigan juda ko‘p insonlarni hidoyatga yo‘lladi. Ular uning sababli musulmon bo‘ldilar va aziz va ulug‘ Allohga bo‘ysundilar. Qutayba ko‘plab shaharlar, o‘lkalar va hududlarni fath qildi. Biz buni avvalroq batafsil bayon qilgan edik. Pok va nuqsonsiz Alloh taolo uning sa’y-harakatlarini behuda ketkazmaydi, uning mehnatini va jihodini zoye qilmaydi. Ammo u o‘zining o‘limiga sabab bo‘lgan xatoga yo‘l qo‘ydi, hayotiga zomin bo‘ladigan ishga qo‘l urdi. U xalifaga qarshi chiqdi. Shu sababli unga o‘lim tez yetib keldi. U jamoatdan ajraldi va johiliyat o‘limi bilan vafot etdi. Biroq u ilgari solih amallar qilgan edi, inshaalloh, bu amallar uning gunohlariga kafforat bo‘ladi. Yaxshi amallari sabab Alloh uning savoblarini ko‘paytiradi, uni mag‘firat qiladi. Uning dushmanlar bilan qilgan janglari va o‘sha janglardagi mashaqqatlari Alloh huzurida qabul qilinadi, inshaalloh. Qutayba shu yilning zulhijja oyida, 48 yoshida Xurosonning chekka hududi — Farg‘onada vafot etdi” [1:272-275]. Qutaybaning 705-715 yillar orasida olib borgan fath harakatlari natijasida mintaqa Xuroson noibi tomonidan tayinlangan amirlar vositasida idora qilinib umaviylar xalifaligi tarkibiga o‘tti.

Xulosa. Mazkur maqolada Abul Fido Ibn Kasirning “al-Bidoya van-Nihoya” asari asosida Movarounnahrning fath etilishi jarayoni tahlil qilindi. Tadqiqot davomida arab qo‘shinlarining Markaziy Osiyoga kirib kelishi, Qutayba ibn Muslim boshchiligidagi harbiy yurishlar hamda hududning bosqichma-bosqich egallanishi asar asosida yoritildi.

Ibn Kasir o‘z asarida Movarounnahr fathini asosan islom tarixining umumiy jarayoni doirasida bayon qiladi. Shu bilan birga, u Tabariy kabi avvalgi tarixchilarning rivoyatlariga tayangan holda voqealarni qisqartirilgan va tahliliy shaklda keltiradi. Asar shuni ko‘rsatadiki, Movarounnahrning fath etilishi bir martalik harbiy hodisa emas, balki uzoq davom etgan murakkab tarixiy jarayon bo‘lib, Ibn Kasir asari esa ushbu jarayonni islom tarixshunosligi nuqtai nazaridan yoritib beruvchi muhim manbalardan biri hisoblanadi.

Umuman olganda, “al-Bidoya van-Nihoya” Movarounnahrning islom dunyosiga qo‘shilish jarayonini anglashda muhim ilmiy ahamiyatga ega bo‘lib, u orqali tarixiy voqealarni, jumladan islom dinining kirib kelishi va yoyilishi hamda siyosiy jarayonlarni o‘rganish imkoniyati yaratiladi.

ADABIYOTLAR

1. Abul Fido Ibn Kasir. Al-Bidoya van-Nihoya / Mehmet Keskin tarjimasi. – Istanbul: Çağrı Yayınları, 1994. J. XIV.
2. Movarounnahrda islom madaniyati tarixi/ mualliflar jamoasi.. – Toshkent: “Mahalla va oila” nashriyoti, 2023. – 524 b.
3. Islom tarixidan oltin sahifalar (Umaviylar davri). Nashrga tayyorlovchi: S.Ummataliev. – Toshkent: O‘qituvchi matbaa uyi, 2021.
4. Aydin Usta. Ilk musulmon turk davlati Somoniylar. Tarjimon: Iqboljon Usmon. – Toshkent: “Bio-Factor Press”, 2025. - 256 b.
5. Kadir Paksoy. İbn Kesirin hayatı, eserleri ve hadis ilmindeki yeri/doktora tezi. – Şanlıurfa: Harran üniversiteti, 1999.
6. Mehmet Emin Yildirim. Bir tarix klassiki o‘laroq al-bidoya van-nihoya.// Tekerrürden Tekeffüre Tarix. – Istanbul: Siyer Yayınlari, 2021. – B . 454-455.
7. Narshaxiy. Buxoro tarixi. – Toshkent: “Sharq mash’ali”, 1993.
8. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Islom tarixi. – Toshkent: “Hilol Nashr”, 2021. J. II.

Annotatsiya. Mazkur maqolada Movarounnahrga arablarning kirib kelishi jarayoni Abul Fido Ibn Kasirning “al-Bidoya van-Nihoya” asari asosida tahlil qilinadi. Tadqiqotda arablar bilan turklar orasidagi ilk to‘qnashuv, Ahnaf ibn Qaysning Xurosonga yurishi, Qutayba ibn Muslim boshchiligidagi yurishlar hamda mintaqa shaharlarining egallanish bosqichlari, jumladan Samarqand shahrining fath etilishi yoritiladi.

Kalit so‘zlar: Movarounnahr, islom dini, arab fathlari, al-Bidoya van-Nihoya, Qutayba ibn Muslim, Samarqand.

Аннотация. В данной статье процесс проникновения арабов в Мавераннахр анализируется на основе труда Абуль Фидо Ибн Касира "аль-Бидая ван-Нихая." В исследовании освещаются первые столкновения между арабами и турками, поход Ахнафа ибн Кайса в Хорасан, походы под предводительством Кутейбы ибн Муслима, а также этапы завоевания городов региона, включая завоевание города Самарканда.

Ключевые слова: Мавераннахр, ислам, арабские завоевания, аль-Бидая ван-Нихая, Кутайба ибн Муслим, Самарканд.

Abstract. This article analyzes the process of the Arab conquest of Transoxiana (Movarounnahr) based on Abu al-Fida Ibn Kathir’s work Al-Bidaya wa al-Nihaya. The study examines the first encounters between the Arabs and the Turks, Ahnaf ibn Qays’s campaign in Khurasan, the military expeditions led by Qutayba ibn Muslim, and the stages of the conquest of the region’s major cities, including the capture of Samarkand.

Key words: Transoxiana (Movarounnahr), Islam, Arab conquests, Al-Bidaya wa al-Nihaya, Qutayba ibn Muslim, Samarkand.

UDK: 347:629:368.02(575.1)

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ОБЪЕКТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Kutlimuratov F. K., Masharipov I. O.

Qoraqalpoq davlat universiteti

Кириш. Суғурта объектини таҳлил қилишда унинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланган суғурта манфаати тушунчасини четлаб ўтиш мумкин эмас. Бироқ суғурта манфаатининг мазмун-моҳиятини очиб беришдан аввал, аввало, суғурта объектининг ҳуқуқий табиати ва хусусиятларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат объекти масаласига бағишланган илмий тадқиқотлар ушбу категория ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий муносабатининг ажралмас таркибий элементи эканлигини ҳамда уни мустақил ҳуқуқий институт сифатида эътироф этиш зарурлигини кўрсатади[1.5]. Бу борада ҳуқуқ назариясида энг кенг тарқалган ёндашувлардан бири – ҳуқуқий объектлар кўплиги назарияси ҳисобланади. Мазкур назарияга мувофиқ, мажбуриятнинг объекти сифатида ашёлар, мулкий ҳуқуқлар, интеллектуал ижод маҳсуллари, шахсий номулкий неъматлар ва ҳатто инсоннинг ўзи ҳам қаралиши мумкин[2.325].

Бошқа илмий ёндашув тарафдорлари эса ҳуқуқий муносабатнинг ягона объекти мавжудлиги ғоясини илгари сурганлар. Улар ҳуқуқий муносабатнинг ягона объекти сифатида, аввало, ашёни тан оладилар. Мазкур қарашнинг ёрқин намояндаларидан бири профессор И.Б.Зокиров бўлиб, у ҳуқуқий муносабат мазмуни мажбурият зиммасидаги шахсларнинг муайян хатти-ҳаракатларидан иборат эканлигини, унинг объекти эса ушбу хатти-ҳаракатлар йўналтирилган ашё ёки, ҳеч бўлмаганда, “энг аввало ашё” эканлигини таъкидлаган[3.262]. Ж.И.Юлдашевнинг фикрича, “фуқаролик ҳуқуқи субектларининг муайян эҳтиёжларини қондирадиган неъматларга қаратилган ҳаракатлари обектлар ҳисобланади”[4.301]. Яна бир назарий ёндашувга кўра, ҳар қандай ҳуқуқий муносабатнинг ягона объекти сифатида муайян ҳаракат ёки хулқ-атвор эътироф этилади. Ушбу концепция тарафдорларининг фикрича, ҳуқуқ нормалари бевосита инсоннинг хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатади ва фақат инсон ўз хулқи орқали ҳуқуқий таъсирни қабул қилиш қобилиятига эга[5.78].

Айрим олимлар томонидан илгари сурилган, айрим ҳуқуқий муносабатлар умуман объектга эга эмаслиги ҳақидаги назария эса илмий доираларда кенг қўллаб-қувватланмаган[6.71].

Фикримизча, ҳуқуқий муносабат объектини унинг юзага келишига асос бўладиган нарса ёки ҳуқуқий неъмат сифатида баҳоловчи олимларнинг нуқтаи назари илмий жиҳатдан асослироқ ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий муносабат муайян моддий ёки номоддий қадрият, манфаат ёхуд ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган объект юзасидан вужудга келади. Шу маънода, “ҳуқуқий муносабат объекти” тушунчаси ўзида ашёлар, шу жумладан қимматли қоғозлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ахборот, шахсий номулкий неъматлар ҳамда интеллектуал фаолият натижалари каби ҳуқуқий объектларни қамраб

олади. Айнан ушбу объектлар рўйхати Фуқаролик кодексининг 81-моддасида ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Тадқиқот методологияси. Суғурта объекти ҳамда суғурта манфаати тушунчаларининг ўзаро нисбати, уларнинг фуқаролик ҳуқуқи назариясидаги талқинлари, шунингдек, олимлар томонидан илгари сурилган илмий ёндашувлар қиёсий-ҳуқуқий асосда ўрганилган.

Натижалар ва муҳокама. Суғурта ҳуқуқий муносабати объекти тўғрисидаги назария ҳам цивилист олимларнинг тадқиқотларида алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, В.К. Райхернинг фикрича, мулкий суғуртанинг объекти ашёлардан, шахсий суғуртанинг объекти эса инсоннинг шахсий номулкий неъматларидан иборатдир[7.212]. Профессорлар К.А.Граве ва Л.А.Лунц мазкур ёндашувни танқид қилар эканлар, суғурта муҳофазасининг объекти (предмети) билан суғурта ҳуқуқий муносабатининг объектини ўзаро фарқлаш зарурлигини асослаб берганлар. Уларнинг таъкидлашича, суғурта муҳофазаси объекти сифатида ашёлар, инсон шахси ҳамда унинг ҳаёти ва соғлиғи намоён бўлади. Бироқ суғурталанган ашёнинг ўзи ҳам, инсон шахси ҳам суғурта ҳуқуқий муносабати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бевосита қаратилган объект сифатида қаралиши мумкин эмас.

Мазкур олимларнинг фикрига кўра, суғурта ҳуқуқий муносабатининг ҳақиқий объекти икки томонлама ҳуқуқий мазмунга эга. Бир томондан, у суғурта қилдирувчига ёки учинчи шахс — наф олувчига (бенефициарга) етказилган зарарни қоплашга қаратилган мулкий талабдан иборат бўлса, иккинчи томондан, суғурталовчи зиммасига юклатилган суғурта товони ёки суғурта суммасини белгиланган шартлар асосида тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади[8.19]. Шу боис суғурта ҳуқуқий муносабатининг объектини суғурталанган мол-мулк ёки шахснинг ўзи эмас, балки тарафларнинг ана шу объектлар муносабати билан вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган мулкий манфаатлар ташкил этади.

В.И. Серебровскийнинг фикрича, суғурта ҳуқуқий муносабатининг асосий объекти суғурта манфаати ҳисобланади. Олим бу ҳақда қуйидагича таъкидлайди: “Суғурта ҳуқуқи назариясида узоқ вақт давомида суғуртанинг предмети нима эканлиги – мол-мулкнинг ўзими ёки у билан боғлиқ манфаатми, деган масала юзасидан баҳслар давом этган. Натижада аксарият олимлар суғурта предмети сифатида ашёни эмас, балки у билан боғлиқ мулкий манфаатни тан олганлар. Суғуртада муҳофаза қилинадиган нарса моддий ашёнинг ўзи эмас, балки суғурталанувчининг ушбу ашё билан боғлиқ мулкий манфаатидир”[9.372].

ФКнинг 915-моддаси иккинчи қисми ҳамда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам суғурта манфаатини суғурта объекти сифатида эътироф этади. Бироқ ушбу ўзгартишлар қабул қилингунга қадар ФКи билан мазкур Қонун қоидалари ўртасида муайян зиддиятлар мавжуд эди. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 929-моддасида мулкий суғуртанинг объекти сифатида мол-мулк ёки бошқа мулкий манфаат кўрсатилган бўлса, 917-моддада эса шартноманинг ҳақиқий ҳисобланиши учун суғурталанувчида мол-мулкни сақлашга қаратилган манфаат мавжуд бўлиши шартлиги белгиланган. Шу боис мазкур нормаларни ўзаро таққослаш мулкий суғуртада суғурта объекти сифатида мол-мулкнинг ўзи тан олинадими ёки у билан боғлиқ манфаатми, деган масаланинг аниқ ечимини бермаган.

Кейинчалик “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида суғурта объектлари сифатида айнан мулкий манфаатлар белгиланди. Унга мувофиқ, шахсий суғуртада ҳаёт, соғлиқ, меҳнат қобилияти ва пенсия таъминоти билан боғлиқ, мулкий суғуртада мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ, жавобгарлик суғуртасида эса учинчи шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига, шунингдек юридик шахсга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти билан боғлиқ мулкий манфаатлар суғурта объекти сифатида эътироф этилди. Мазкур Қонун аввалги таҳририда ФКдан фарқли равишда суғуртанинг шахсий суғурта, мулкий суғурта ва жавобгарлик суғуртаси каби учта мустақил турини ажратган эди. Кейинчалик қонунчиликка киритилган ўзгартишлар натижасида фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мулкий суғуртанинг таркибий қисми сифатида белгиланди.

Ривожланган саноат давлатлари тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, мулкий суғурта шартномасини тузишнинг энг муҳим шартларидан бири суғурта манфаатининг мавжудлигидир. Агар суғурталанувчида қонуний ва иқтисодий жиҳатдан асосланган суғурта манфаати бўлмаса, суғурта ҳуқуқий муносабати ҳам вужудга келмайди. Шу боис замонавий суғурта ҳуқуқида суғурта манфаати нафақат суғурта муносабатларининг муҳим шарти, балки уларнинг асосий ҳуқуқий объекти сифатида ҳам эътироф этилади.

Англия суд амалиётида ҳам суғурта манфаати тушунчасига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Lucena v. Craufurd ишини кўриб чиққан судья Лоуренс суғурта манфаатининг ҳуқуқий моҳиятини қуйидагича изоҳлаган: шахс муайян ашёнинг сақланишидан иқтисодий фойда кўриши ва унинг йўқолиши ёки нобуд бўлишининг олдини олишдан манфаатдор бўлиши лозим. Бунда ашёнинг ўзига эгалик қилиш билан ушбу ашёга нисбатан манфаатга эга бўлиш бир хил ҳуқуқий тушунча эмас. Ашёнинг қиймати унинг бозор баҳоси билан белгиланса, ундан келиб чиқадиган манфаат ва фойда анча кенг ҳуқуқий мазмунга эга бўлади[10.263].

Мазкур ёндашувдан келиб чиқадиган бўлсак, агар шахс ўзига тегишли мол-мулкни суғурталаш истагида бўлса-ю, аммо ушбу мол-мулкка нисбатан қонуний суғурта манфаатига эга бўлмаса, тузилган шартнома суғурта шартномаси сифатида ҳуқуқий кучга эга бўлмайди ва ҳақиқий эмас деб топилади. Демак, суғурта муносабати вужудга келиши учун суғурта манфаатининг мавжудлиги шарт ҳисобланади.

Суғурта манфаати суғурта объекти сифатида эътироф этилиши ва суд томонидан ҳимоя қилиниши учун бир қатор ҳуқуқий талабларга жавоб бериши лозим.

Биринчидан, суғурта манфаати мулкий хусусиятга эга бўлиши ва унинг иқтисодий қиймати пул ифодасида баҳоланиши мумкин бўлиши шарт. Илмий, ахлоқий, маънавий ёки бошқа номоддий манфаатлар суғурта муносабатларининг объекти бўла олмайди.

Иккинчидан, мол-мулкка оид суғурта манфаати ушбу мол-мулкнинг сақланишидан манфаатдор шахснинг унга нисбатан мулк ҳуқуқи, бошқа ашёвий ҳуқуқи ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа ҳуқуқий алоқаси мавжудлиги билан ифодаланиши лозим. Яъни шахснинг мол-мулк билан ҳуқуқий жиҳатдан боғлиқлиги унинг суғурта манфаати мавжудлигини тасдиқловчи муҳим мезон ҳисобланади.

Учинчидан, суғурта манфаати қонуний бўлиши, амалдаги қонунчилик талабларига зид келмаслиги талаб этилади. Ноқонуний мақсадлар ёки ҳуқуққа хилоф фаолият билан боғлиқ манфаатлар суғурта ҳимоясига лойиқ деб ҳисобланмайди.

Тўртинчидан, суғурталаниши мумкин бўлган манфаат муайян шахсга тегишли бўлган субъектив манфаат бўлиши лозим. Бошқача айтганда, суғурта муносабати аниқ белгиланган манфаатдор шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган бўлиши шарт[11.504].

ФКнинг 916-моддасида суғурталанишига йўл қўйилмайдиган манфаатлар рўйхати белгиланган. Улар қаторига ҳуқуққа хилоф манфаатларни суғурталаш, ўйинлар, гаров ва лотереяларда юзага келиши мумкин бўлган зарарларни суғурталаш, шунингдек гаровга олинган шахсни озод қилиш учун қилиниши мумкин бўлган харажатларни суғурталаш киради. Агар суғурта шартномаси айнан шундай шартлар асосида тузилса, у ҳақиқий эмас деб топилади.

Илмий адабиётларда суғурта манфаати тушунчасига нисбатан ягона ёндашув шаклланмаган. Иқтисодчи олимлар ушбу тушунчани жисмоний ёки юридик шахснинг суғурта қилишга бўлган иқтисодий манфаатдорлик даражаси сифатида изоҳлайдилар. Мулкий суғуртада мазкур манфаат, одатда, суғурталанган мол-мулкнинг қиймати билан белгиланса, шахсий суғуртада у суғурта шартномасида назарда тутилган ҳолатлар юз берганда суғурта пулини олиш кафолати сифатида намоён бўлади[12.25,31]. Юридик адабиётларда эса суғурта манфаати муайян воқеа юз бериши ёки бермаслиги натижасида шахснинг мулкий йўқотишларга учраши ёхуд муайян иқтисодий фойда олиши эҳтимоли билан боғлиқ ҳуқуқий муносабат сифатида талқин қилинади. Шу маънода суғурталанувчи учун асосий манфаат суғурта ҳодисасининг содир бўлмаслигида намоён бўлади.

В.И. Серебровскийнинг таъкидлашича, суғурта манфаати деганда суғурта ҳодисаси натижасида суғурталанувчи йўқотиши мумкин бўлган мулкий қиймат тушунилади. Унинг мазкур таърифи суғурта манфаатининг иқтисодий ва ҳуқуқий моҳиятини бир вақтнинг ўзида очиб беради[13.500-501].

А.И.Гинзбург эса жавобгарлик суғуртасига нисбатан бошқача ёндашувни илгари суриб, суғурта объекти сифатида суғурталанувчининг қонун ёки шартнома асосида учинчи шахслар олдида уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар учун жавоб бериш мажбуриятини эътироф этади. Бундай ёндашувга кўра, жавобгарлик суғуртасида муҳофаза қилинадиган асосий ҳуқуқий қадрият зарарнинг ўзи эмас, балки уни қоплаш билан боғлиқ мулкий манфаат ва фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият ҳисобланади[14.65].

Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш тизими учинчи шахсларга етказилган мулкий зарарни, шунингдек уларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зиённи қоплашни назарда тутади. Бунда суғурта товони, қоида тариқасида, шартномада олдиндан белгиланган суғурта суммаси ёки суғурталовчининг жавобгарлик лимити доирасида тўланади, айрим ҳолларда эса қонунчиликда белгиланган тартибда мазкур лимитлар қўлланилмаслиги ҳам мумкин.

Суғурта мукофоти (тарифи) миқдори бир қатор техник ва иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда белгиланади. Жумладан, суғурта суммаси, транспорт воситаси двигателининг иш ҳажми, йўловчилар учун мўлжалланган ўринлар сони, юк кўтариш қуввати ҳамда бошқа хавф даражасига таъсир этувчи омиллар суғурта тарифини ҳисоблашда асосий мезонлар сифатида хизмат қилади.

Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунга берилган ҳуқуқий шарҳга кўра, мазкур суғурта турининг объекти транспорт воситаси эгаси ҳисобланган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкий манфаатларидир. Бу манфаатлар транспорт воситасидан фойдаланиш (эксплуатация қилиш) жараёнида учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши натижасида суғурталанувчида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқиши хавфи билан боғлиқ бўлади. Фуқаролик қонунчилиги нормаларини тизимли таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, автотранспорт воситалари эгаларининг мажбурий жавобгарлик суғуртаси объектига оид қонунчилик таърифи суғурта объекти ҳақидаги умумий фуқаролик-ҳуқуқий қоидаларга тўлиқ мос келади. Хусусан, мазкур ёндашув “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ҳамда ФКнинг 915-моддасида белгиланган суғурта объекти тушунчаси, шунингдек зарар етказиш билан боғлиқ жавобгарликни суғурта қилишга оид 918-модда мазмуни билан ўзаро уйғун ҳисобланади.

Бу ерда эътиборга лойиқ энг муҳим жиҳат шундан иборатки, суғурта объекти сифатида зарарнинг ўзи эмас, балки ушбу зарар натижасида суғурталанувчида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юзага келиши билан боғлиқ мулкий манфаат тан олинади. Демак, суғурта ҳуқуқий муносабати зарар етказиш ҳолатига эмас, балки қонун асосида юзага келадиган зарарни қоплаш мажбуриятига қаратилган ҳуқуқий муносабат ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик деганда ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин юзага келадиган ҳуқуқий оқибат тушунилади. Бунда жабрланувчи шахс, яъни ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган фуқаро, унинг меросхўри, боқувчисини йўқотган қарамоғидаги шахслар ёки ҳуқуқий вориси ҳуқуқбузардан қонунчиликда назарда тутилган тартибда зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хулоса. Бундай истисно ҳолатлардан бири атрофдагилар учун юқори хавф манбаи ҳисобланган фаолият натижасида етказилган зарар учун жавобгарликдир. ФКнинг 999-моддасига мувофиқ, юқори хавф манбаи билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи шахс, айби исботланмаган тақдирда ҳам, етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Автотранспорт воситасидан фойдаланиш ҳам айнан шундай юқори хавф манбаи сифатида эътироф этилади. Шу сабабли транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш институти жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, шунингдек транспорт воситаси эгаси зиммасига юкланадиган мулкий хавфларни камайтиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари. – Тошкент ТДЮИ, 2009. – 5 б.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тультеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 325 б.
3. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. И.Б.Зокиров; Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 262 б.
4. Mualliflar jamoasi. Fuqarolik huquqiga kirish: darslik. O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan yurist, y.f.d., prof. O. Oqyulovning umumiy tahriri ostida. – T.: TDYU nashriyoti, 2024. – 301 b.
5. Гражданское право: Учебник. / Под ред. Ю.К. Толстого, А.П. Сергеева. Ч. 1. – М.: Проспект, 2003. – 78 с.
6. Гражданское право: Учебник. / Под ред. М.М. Агаркова, Д.М. Генкина. М.: 2004. Т. 1. – С. 71
7. Райхер В.К. Общественно-исторические типы страхования. – М.: 1999. – 212 с.
8. Граве К.А., Лунц Л.А. Страхование. – М.: 2003. – 19 с.
9. Серебровский. Избранные труды. – М.: 1999. С. 372.
10. Шмиттгоф К. Право и страховая практика. – М.: 1999. С. 263.
11. Серебровский. Избранные труды. – М.: 1999. – С. 504.
12. Шахов В.В., Гвозденко А.А. Страхование. Основы страхования: Учебник для вузов. – М.: 2006. С. 25, 31.
13. Серебровский. Избранные труды. – М.: 1999. – С. 500-501.
14. Гинзбург А.И. Страхование: Учебное пособие. – СПб.: 2002. – С. 65.

Аннотация. Мазкур мақолада транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишга оид ҳуқуқий муносабатлар объектининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, суғурта манфаатининг ҳуқуқий табиати, унинг қонунийлик, мулкийлик ва субъективлик белгилари ёритилиб, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: транспорт воситаси, фуқаролик жавобгарлиги, мажбурий суғурта, суғурта объекти, суғурта манфаати.

Аннотация. В статье анализируются теоретические и практические аспекты объекта правоотношений, связанных со страхованием гражданской ответственности владельцев транспортных средств. Кроме того, раскрывается правовая природа страхового интереса, рассматриваются его признаки законности, имущественного характера и субъективности, а также разработаны научно обоснованные предложения по совершенствованию национального законодательства и развитию правоприменительной практики.

Ключевые слова: транспортное средство, гражданская ответственность, обязательное страхование, объект страхования, страховой интерес.

Abstract. This article analyzes the theoretical and practical aspects of the object of legal relations arising in connection with the insurance of civil liability of motor vehicle owners. The article also examines the legal nature of the insurable interest and identifies its principal characteristics, namely legality, proprietary nature, and subjectivity. On this basis, scientifically grounded proposals are developed for improving national legislation and advancing law-enforcement practice.

Key words: motor vehicle, civil liability, compulsory insurance, object of insurance, insurable interest.

SUD TIZIMI ORQALI INSON KAPITALI VA MEHNAT HUQUQLARINI HIMOYA QILISHNING HUQUQIY ASOSLARI

Jumanov A. O., Abduqaxxorov E.A.

Qoraqolpoq davlat universiteti

“Har kim munosib mehnat qilish, kasb va faoliyat turini erkin tanlash, xavfsizlik va gigiyena talablariga javob beradigan qulay mehnat sharoitlarida ishlash, mehnati uchun hech qanday kamsitishlarsiz hamda mehnatga haq to‘lashning belgilangan eng kam miqdoridan kam bo‘lmagan tarzda adolatli haq olish, shuningdek, ishsizlikdan qonunda belgilangan tartibda himoyalanish huquqiga ega”[1]. Ushbu modda normalarida aks ettirilgan qoidalar BMTning Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasida[2], Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi Xalqaro Paktda[3] mustahkamlangan, bu holat milliy qonunchiligimizni xalqaro huquq meyorlariga hamohangligini anglatadi. Konstitutsiyamizda mustahkamlangan ushbu huquqlardan barcha shaxslar foydalanishlar mumkindir. Konstitutsiyamizda inson kapitalini rivojlantiruvchi ta’lim olish, ijtimoiy ta’minot, sog‘liqni saqlash huquqlari kafolatlangan. Konstitutsiyamizda nafaqat umumiy o‘rta ta’lim qolaversa oliy ta’lim haqida ham normalar mavjud. Jumladan, Konstitutsiyamizning 51-moddasida “Fuqarolar davlat ta’lim tashkilotlarida tanlov asosida davlat hisobidan oliy ma’lumot olishga haqli. Oliy ta’lim tashkilotlari qonunga muvofiq akademik erkinlik, o‘zini o‘zi boshqarish, tadqiqotlar o‘tkazish va o‘qitish erkinligi huquqiga ega” deb belgilangan.

Inson kapitali zamonaviy iqtisodiyotning muhim tarkibiy qismi hisoblanib, u shaxsning bilim darajasi, kasbiy malakasi, ish tajribasi, sog‘ligi hamda mehnat faoliyatini samarali amalga oshirish qobiliyatini o‘z ichiga oladi. Inson kapitali nafaqat alohida shaxsning daromad topish imkoniyatlarini belgilaydi, balki jamiyat va davlatning iqtisodiy rivojlanish darajasiga ham bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Shu jihatdan inson kapitali iqtisodiy o‘sishning asosiy omillaridan biri sifatida e’tirof etiladi. Iqtisodiyotda inson kapitalining o‘rni beqiyos bo‘lib, u ishlab chiqarish samaradorligini

oshirish, innovatsion faoliyatni rivojlantirish va raqobatbardoshlikni ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Malakali va bilimli kadrlarning mavjudligi iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashga xizmat qiladi. Aksincha, inson kapitalining yetarli darajada rivojlanmaganligi yoki undan samarali foydalanilmasligi iqtisodiy o‘sish sur’atlarining pasayishiga olib keladi.

Inson kapitali bevosita mehnat huquqlari bilan chambarchas bog‘liqdir. Xususan, xodimlarning munosib mehnat sharoitlariga ega bo‘lishi, adolatli ish haqi olishi, kasb va faoliyat turini erkin tanlashi hamda ishsizlikdan himoyalanishi ularning bilim va ko‘nikmalaridan samarali foydalanish imkonini yaratadi. Shu sababli mehnat huquqlarining kafolatlanishi inson kapitalini rivojlantirishning muhim sharti hisoblanadi. Mehnat huquqlarining buzilishi inson kapitalining shakllanishi va rivojlanishiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Xususan, noqonuniy ravishda ishdan bo‘shatish holatlari xodimning kasbiy faoliyatida uzilishlarga sabab bo‘lib, uning malaka va ko‘nikmalarining amaliy qo‘llanilishiga to‘sqinlik qiladi. Natijada xodim o‘z bilim va tajribasidan to‘liq foydalana olmaydi, bu esa inson kapitalining pasayishiga olib keladi. Shuningdek, ish haqi bilan bog‘liq muammolar — xususan, ish haqining o‘z vaqtida to‘lanmasligi yoki belgilangan miqdordan kam to‘lanishi — xodimlarning mehnatga bo‘lgan motivatsiyasini pasaytiradi. Bu esa ularning mehnat unumdorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatib, inson kapitalining samaradorligini kamaytiradi. Mehnat huquqlari buzilishining yana bir muhim oqibati — bu ijtimoiy beqarorlik va ishsizlik darajasining ortishidir. Bunday sharoitda xodimlar o‘z kasbiy rivojlanishiga yetarli e’tibor qarata olmaydi, bu esa uzoq muddatda inson kapitalining sifat jihatdan pasayishiga olib keladi. Shu bois mehnat huquqlarini samarali himoya qilish, xususan sud tizimi orqali buzilgan huquqlarni tiklash, nafaqat alohida shaxs manfaatlarini, balki jamiyatning umumiy iqtisodiy rivojlanishini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mehnat faoliayti insoniyatga hos bo‘lga faoliyat hisoblanib, biror maqsad uchun qaratilgan aqliy yoki jismoniy faoliyatdir. Undan ko‘zlangan asosiy maqsad naf olishdir. Qonunchiligimizda mehnatga haq to‘lashning eng kam miqdori belgilangan. Xodimning minimal daromadi kafolatlanishi natijasida ish beruvchi xodimga belgilangan eng kam miqdordan kam haq to‘lay olmaydi. Bu xodimning kamida eng zarur ehtiyojlarini qondirishiga yordam beradi. Minimal ish haqi aholining kam daromadli qatlamlarini himoya qiladi va ularning yashash darajasini keskin pasayib ketishining oldini oladi va shu orqali ularning ijtimoiy himoyasi ta’minlanadi. Huquqiy tizimimizda mehnat munosabatlariga oid normalar mavjud bo‘lasada, ammo sudlarda xodim va ish beruvchilar o‘rtasida mehnat nizolarining soni ortib borayotganligini ko‘rishimiz mumkin. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Sudi tomonidan e’lon qilingan ma’lumotlarga ko‘ra fuqarolik sudlari tomonidan o‘tgan 2025-yilda “3 119 ta ishga tiklashga doir ko‘rib tamomlangan, ishlarning 1 356 tasi bo‘yicha da’vo talablari qanoatlantirilgan, 1 229 tasi bo‘yicha da’vo talablarini qanoatlantirish rad etilgan, 473 tasi ko‘rmasdan qoldirilgan hamda 61 ta da’vo bo‘yicha ishni yuritish tugatilgan”[4]. 2024-yilda esa “3217 ta ishga tiklashga doir ko‘rib tamomlangan ishlarning 1456 tasi bo‘yicha da’vo talablari qanoatlantirilgan, 1219 tasi bo‘yicha da’vo talablarini qanoatlantirish rad etilgan, 459 tasi ko‘rmasdan qoldirilgan hamda 83 ta da’vo bo‘yicha ishni yuritish tugatilgan”[5]. da’vo talablarini qanoatlantirilgan ishlar xodimni ishga tiklanganligini ifodalaydi. O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksining 122-moddasida [6]arizani ko‘rmasdan qoldirish asoslari belgilangan, sudlar bu moddada keltirilgan asoslar bo‘yicha fuqarolik ishlarini ko‘rmasdan qoldiradi. Ushbu kodeksning 124-moddasida ish yuritishni tugatish asoslari ko‘rsatilgan bo‘lib, ushbu asoslar bo‘yicha sudlar ish yuritishni tugatadilar.Ushbu ma’lumotlar mehnat nizolarining umumiy soni emas, faqatgina ishga tiklash qismigina xolos. Ish beruvchi tomonidan qilinayotgan xatolar xodimlarning konstitutsiyaviy huquqlarini buzilishiga qolaversa, xodimga nisbatan yetkazilgan zararni undirish natijasida davlat budjetiga rejalshtirilmagan milliardlab zarar keltirmoqda. Mehnat nizolarining ortishi ijro organlarida bu masala bilan bog‘liq ijro hujjatlarining ortishiga sabab bo‘lmoqda. Fuqarolik sudlari tomonidan huquqni qo‘llash funksiyasi amalga oshirilishi natijasida xodimlarning huquqlari himoya qilinib, buzilgan huquqlari tiklanmoqda. Buning natijasida shaxslarning sudga bo‘lgan ishonchi ortib bormoqda. Mehnat huquqlari buzilishi natijasida yuzaga keladigan salbiy oqibatlarni bartaraf etishda sud tizimi muhim o‘rin tutadi. Sudlar orqali xodimlarning buzilgan huquqlarini tiklash, ularni avvalgi ish joyiga qaytarish, yetkazilgan moddiy va ma’naviy zararlarni undirish imkoniyati yaratiladi. Bu esa nafaqat individual huquqlarni himoya qilishga, balki inson kapitalini saqlab qolish va uni qayta tiklashga xizmat qiladi. Sud tizimi mehnat munosabatlarida adolatni ta’minlovchi asosiy mexanizm sifatida ish beruvchi va xodim o‘rtasidagi nizolarni qonuniy asosda hal etadi. Xususan, sudlar tomonidan noqonuniy ishdan bo‘shatish holatlarini bekor qilish va xodimni ishga tiklash to‘g‘risidagi qarorlarning qabul qilinishi xodimning kasbiy faoliyatini davom ettirishiga imkon yaratadi. Bu esa uning bilim, malaka va tajribasining yo‘qolib ketishining oldini oladi. Shu bilan birga, sud qarorlari xodimlarning mehnat huquqlarini buzilishini oldini olishda ahamiyatga ham ega. Ya’ni, ish beruvchilar sud amaliyotidan kelib chiqib, mehnat qonunchiligiga rioya qilishga intiladi. Bu esa kelgusida mehnat huquqlari buzilishining kamayishiga olib keladi. Natijada sog‘lom mehnat munosabatlari shakllanib, inson kapitalidan samarali foydalanish uchun zarur shart-sharoitlar yaratiladi. Sud tizimi orqali mehnat huquqlarining himoya qilinishi jamiyatda ijtimoiy adolatni ta’minlash bilan birga, iqtisodiy barqarorlikka ham ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Chunki o‘z huquqlarining himoya qilinishiga ishongan xodim mehnat faoliyatida faolroq ishtirok etadi, bu esa umumiy mehnat unumdorligining oshishiga xizmat qiladi.

Yuqoridagi statistik ma’lumotlar noqonuniy ishdan bo‘shatish holatlari tizimli muammo ekanligini ko‘rsatmoqda. Biz muammolarni o‘rganishni ularni tizimlashtirishdan boshlashimiz maqsadga muvofiqdir. Biz muammolarni huquqiy, amaliy va tashkiliy muammolarga bo‘lib chiqishimiz mumkin. Huquqiy muammolar-noqonuniy ishdan bo‘shatish uchun javobgarlik yetarli darajada samarali emas garchi, mehnat kodeksining 154-moddasida[7] ishdan qonunga xilof ravishda chetlashtirishning huquqiy oqibatlari belgilangan bo‘lsada, mehnat nizolarining ko‘pligi uning ta’siri sezilmayotganligini bildirmoqda. Mehnat nizolarining ko‘pligi va bu holatlar bilan bog‘liq javobgarlik holatlarining belgilanmasligi bizning fikrimcha, mehnat kodeksining 154-moddasida ko‘rsatilgan javobgarlik masalalari faqat

qonunga xilof ravishda ishdan chetlashtirilgan holatlardagina deb chegaralab qo‘yayotganligida. Aslida mehnat nizolari bu xodim va ish beruvchi o‘rtasidagi mehnat munosabatlaridan kelib chiqadigan qarama-qarshiliklar: ishga qabul qilish, ish haqi va to‘lovlar, shartnoma shartlari bilan bog‘liq nizo va boshqa nizolarni o‘z ichiga oladi. Mehnat nizolari bilan bo‘liq javobgarlik masalalarini kuchaytirish, bu kabi nizolarni yuz berishini oldini olish, xodimlarning mehnat huquqlarini kafolatlash maqsadida mehant kodeksi 154-moddasi amladagi tahririni quydagicha o‘zgartirish maqsadga muvofiqdir. “O‘zini qonunga xilof ravishda ishdan chetlashtirilgan yoki mehnat huquqlari buzilgan deb hisoblovchi xodim o‘zining ishdan chetlashtirilishi, buzilgan huquqlarini tiklanishi yuzasidan belgilangan tartibda shikoyat qilishi mumkin. Qonunga xilof ravishda ishdan chetlashtirilgan, mehnat huquqlari buzilgan xodimning unga avvalgi ishini taqdim etish hamda o‘ziga yetkazilgan moddiy zararning o‘rnini qoplash va ma’naviy ziyonni (agar qonunga xilof ravishda ishdan chetlashtirish, mehnat huquqlarini buzilishi sababli xodimga ma’naviy yoki jismoniy azoblar yetkazilgan bo‘lsa) kompensatsiya qilish to‘g‘risidagi talablari qanoatlantirilishi lozim.

Mehnat nizolarini ko‘rib chiqish chog‘ida xodimni ishdan chetlashtirishning qonuniyligini isbotlash vazifasi ish beruvchining zimmasiga, xodim vakolatli davlat organlarining talabiga ko‘ra ishdan chetlashtirilgan hollarda esa xodimni ishdan chetlashtirish to‘g‘risida qaror qabul qilgan tegishli davlat organining zimmasiga yuklatiladi.

Agar xodim ish beruvchi tomonidan qonunga xilof ravishda ishdan chetlashtirilgan yoki uning mehnat huquqlari buzilgan bo‘lsa, bunday xodimga yetkazilgan moddiy zararning o‘rnini qoplash va ma’naviy ziyonni kompensatsiya qilish majburiyati ish beruvchining zimmasiga yuklatiladi. Agar xodim vakolatli davlat organlarining talabiga ko‘ra qonunga xilof ravishda ishdan chetlashtirilgan yoki mehnat huquqlari buzilgan bo‘lsa, O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjeti mablag‘lari hisobidan xodimga yetkazilgan moddiy zararning o‘rni qoplanadi hamda ma’naviy ziyon kompensatsiya qilinadi, keyinchalik aybdor shaxslardan regress tartibida undiriladi”. Modda normasining bu tarzda o‘zgartirilishi ish beruvchiga nafaqat noqonuniy ishdan bo‘shatilgan holatlarda qolaversa, barcha mehnat munosabatlari bilan bog‘liq nizolarda javobgarlikni yuklaydi. Shuningdek, qonunchiligimizga sudlar tomonidan mehnat nizolari bilan bo‘liq qanoatlantirilgan ishlar yakuni bo‘yicha ayibdorlardan zararni regres tartibida undirish masalasini ko‘rib chiqish bo‘yicha ish beruvchi joylashgan yerdagi tuman yoki shahar prokuraturasiga xabarnoma yuborish tartibini belgilashimiz lozim. Bu taklif natijasida zarar yetkazgan shaxslardan zararni regres tartibida barvaqt undirilishi, davlat yoki korxona pul tizimi aylanishini uzilishini oldini oladi. “O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyaviy sudi to‘g‘risida” gi Konstitutsiyaviy qonunining 27-moddasida[8] Konstitutsiyaviy sudga murojaat qilish huquqiga ega bo‘lgan subyektlar ko‘rsatilgan. Ishlarning qonuniy va adolatli ko‘rib chiqilishini ta’minlash maqsadida sudyalar vakolatini kengaytirish, “O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyaviy sudi to‘g‘risida” gi Konstitutsiyaviy qonunining 27-moddasiga “Umumiy yurisdiksiya sudlarining barcha sudyalari Konstitutsiya va qonun normalariga sharh berish va muayyan ishda qo‘llanilishi lozim bo‘lgan normativ-huquqiy hujjatlarning O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasiga muvofiqligi to‘g‘risida murojaat bilan Konstitutsiayviy sudga taqdimnoma kiritish huquqiga ega, Konstitutsiyaviy sud tomonidan umumiy yurisdiksiya sudlari tomonidan kiritilgn yuqoridagi mazmundagi murojaatlarni soddalashtirilgan tartibda ko‘rib chiqiladi, umumiy sudlar bunday mazmundagi so‘rov bilan murojaat qilgan hollarda murojaat qilinishiga asos bo‘lgan ishni ko‘rishni to‘xtatib turish lozim” degan normani kiritishimiz lozim. Xorijiy davlatlar tajribasini o‘rganadigan bo‘lsak ularning faoliyatida barcha sudyalar Konstitutsiyaviy sudga murojaat qilish huquqiga egadirlar. Qozog'iston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudi to‘g‘risidagi Konstitutsiyaviy qonunning 23-moddasiga ko‘ra “Qozog‘iston Respublikasi Konstitutsiayviy sudi Qozog‘iston Respublikasi Konstitutsiyasining 78-moddasida nazarda tutilgan hollarda sudlarning murojaatlarini ko‘rib chiqadi”[9]. Bizning fikrimizcha, umumiy yurisdiksiya sudlariga Konstitutsiayviy sudga taqdimnoma kiritish huquqini berilishi inson huquq va erkinliklarini to‘liq ta’minlanishida, Konstitutsiayviy sud va umumiy yurisdiksiya sudlarida ish hajmini ortishini oldini olishda ijobiy natija beradi. Umumiy yurisdiksiya sudlari tomonidan qonunchilikdagi biron-bir noaniqlikni to‘g‘ri baholamasdan qaror qabul qilinishi Konstitutsiayviy sudga shikoyatlarni ko‘payishiga, Konstitutsiayviy sud tomonidan qonun normalarini konstittutsiyaga zid deb topilishi esa umumiy yurisdiksiya sudlarida qaytarma ijro, ishni yangi ochilgan holat bo‘yicha qayta ko‘rib chiqish kabi turdagi ishlarning ko‘payishiga sabab bo‘lishi mumkin. Qolaversa bu holatlar insonlarga ham moddiy ham ma’naviy zarar keltirishi mumkin.

Amaliy muammolar-ish beruvchi tomonidan hujjatlarni noto‘g‘ri rasmiylashtirish va qonunni bilmaslik oqibatida yuzaga kelmoqda. Bu kabi hujjatlarni noto‘g‘ri rasmiylashtirish va mehnat qonunlarini bilmaslik oqibatida yuzaga keladigan mehnat nizolarini bartaraf etish maqsadida, bir qancha chora-tadbirlarni joriy etish lozim. Avvalo, ish beruvchilar va mutasaddilar uchun mehnat qonunchiligi, hujjatlarni rasmiylashtirish hamda xodim huquqlarini himoya qilish bo‘yicha majburiy treninglar tashkil etilishi, korxonalarda ichki metodik qo‘llanmalar ishlab chiqilishi tavsiya etiladi. Shuningdek, mehnat shartnomalari va boshqa hujjatlarni standartlashtirish hamda elektron hujjat tizimlarini joriy etish xatolarni kamaytirishga yordam beradi. Mehnat nizolarini sudgacha hal etish mexanizmlarini rivojlantirish-maqsadida tuman va shaharlarda Mediatsiya markazlarini tashkil etish va ushbu markzalarda mehnat nizolari bo‘yicha majburiy mediatsiya bosqichini joriy etishni belgilash lozim. Agar taraflar kelishuvga erisha olmasalar sudga murojaat qilish huquqini saqlab qoladi, agar kelishsalar orqali taraflar nizoni sudgacha ertaroq hal etadilar va xarajatlar miqdori kamayadi.

Tashkiliy muammolar-sudlar uzoqda joylashgan, ixtisoslashuv yo‘q, sudyalar ish yuklamasi katta. Mehnat nizolari fuqarolik ishlari bo‘yicha tumanlararo, tuman (shahar) sudlar ko‘rib chiqiladi. Tumanlararo shaklida faoliyat yuritayotgan sudlarga borib murojaat qilish, ishtirok etish nafaqat mehnat nizolari bilan bo‘g‘liq ishlarda qolaversa boshqa toifadagi ishlarda ham qiyinchilik tug‘dirishi mumkin. Aholiga qulaylik yaratish maqsadida tumanlararo sudini tugatgan holda barcha tuman va shaharlarda fuqarolik ishlari bo‘yicha tuman(shahar) sudlarini tashkil etish maqsadga muvofoqdir. Qolaversa sud tizimida ixtisoslashuvni amalga oshirish lozim ya’ni fuqarolik sudlarida bir sudyaning faqat

mehnat munosabatlariga oid ishlarni ko'rishini joriy qilish lozim. Bu borada xorijiy tajriba, xususan , Germaniya amaliyoti e'tiborga loyiq bo'lib, ushbu davlatda mehnat nizolari alohida sudlar tomonidan ko'rib chiqiladi. Hozirda fuqarolik sudlarida mehnat nizolari umumiy shakilda ko'riladi. Statistik ma'lumotlarga e'tibor qilsak, fuqarolik sudlarida ish hajmining ko'pligini ko'rishimiz mumkin, bu holat ishni ko'rib chiqishga oid protsessual muddatlarning buzilishiga, ishni to'liq, mukammal o'rganishga salbiy ta'sir qilishi mumkin. Mehnat sudyalarining faoliyat ko'rsatishi natijasida sudyalar mehnat qonunchiligi normalarini va kelib tushgan nizolarni chuqur o'rganish imkoniga ega bo'ladi va mehant nizolari bo'yicha bir xil sud amaliyoti shakillanada. Qolaversa, ishlarning qonunda belgilangan muddatlarda ko'rib chiqish imkoni paydo bo'ladi.

Mazkur tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, inson kapitalini rivojlantirish va bandlik huquqlarini ta'minlash davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri bo'lib, bu jarayonda sud tizimi muhim o'rin egallaydi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va boshqa normativ-huquqiy hujjatlarda belgilangan mehnat huquqlarining amalda ta'minlanishi bevosita sud organlarining samarali faoliyatiga bog'liqdir. Sudlar tomonidan noqonuniy ishdan bo'shatish, ish haqi bilan bog'liq nizolar va boshqa mehnat huquqbuzarliklari bo'yicha qabul qilinayotgan qarorlar nafaqat individual huquqlarni tiklashga, balki inson kapitalini saqlash va rivojlantirishga ham xizmat qiladi.

Tahlillar shuni ko'rsatadiki, amaldagi tizimda mehnat nizolarining ko'payib borayotgani huquqiy tartibga solish, amaliy qo'llash va tashkiliy mexanizmlarda muayyan kamchiliklar mavjudligini anglatadi. Xususan, javobgarlik choralarining yetarli darajada samarali emasligi, ish beruvchilarning huquqiy bilim darajasi pastligi, sud tizimida ixtisoslashuvning yetarli emasligi hamda nizolarni sudgacha hal etish mexanizmlarining sust rivojlanganligi ushbu muammolarning asosiy sabablaridan hisoblanadi. Shu munosabat bilan, mehnat qonunchiligini takomillashtirish, jumladan, Mehnat kodeksi normalarini kengaytirish, sud tizimida ixtisoslashuvni kuchaytirish, mediatsiya institutini rivojlantirish hamda ish beruvchilar uchun huquqiy savodxonlikni oshirishga qaratilgan chora-tadbirlarni joriy etish muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu choralar mehnat huquqlarining ishonchli himoyasini ta'minlash bilan birga, inson kapitalidan samarali foydalanish, ijtimoiy adolatni qaror toptirish va iqtisodiy barqarorlikni mustahkamlashga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi https://lex.uz/docs/-6445145
2. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi https://lex.uz/docs/-7338189
3. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to'g'risida Xalqaro Pakt. https://lex.uz/docs/-2686000
4. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий канали СУДЛАР ТОМОНИДАН 2025 ЙИЛДА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН АХБОРОТ t.me/oliysuduz
5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий канали СУДЛАР ТОМОНИДАН 2024 ЙИЛДА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН АХБОРОТ t.me/oliysuduz
6. O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksi https://lex.uz/docs/-3517337#-3521085
7. O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi https://lex.uz/ru/docs/-6257288
8. O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 27-apreldagi "O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyaviy sudi to'g'risida"gi Konstitutsiyaviy Qonuni, O'RQ-687-son https://lex.uz/docs/-5391934
9. О Конституционном Суде Республики Казахстан Конституционный закон Республики Казахстан от 5 ноября 2022 года № 153-VII ЗРК. https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z2200000153

Rezyume. Maqolada inson kapitalini rivojlantirishda mehnat huquqlari himoyasining huquqiy asoslari va sud tizimining o'rni tahlil qilingan. Unda mehnat nizolari bo'yicha sud amaliyoti o'rganilib, sohada ixtisoslashgan mehnat sudlarini tashkil etish, mediatsiyani rivojlantirish va ish beruvchi javobgarligini kuchaytirish bo'yicha takliflar berilgan.

Kalit so'zlar: inson kapitali, mehnat huquqi, sud tizimi, mehnat nizolari, mediatsiya, ishga tiklash.

Rezyume. Maqalada inson kapitalın rawajlandırıwda miynet huquqların qorg'awdıń huquqıy tiykarları hám sud sistemasınıń ornı tallanǵan. Onda miynet tartısları boyınsha sud ámeliyatı úyrenilip, tarawda qánigelesken miynet sudların shólkemlestiriw, mediatsiyanı rawajlandırıw hám jumıs beriwshiniń juwapkershiligin kúsheytiw boyınsha usınıslar berilgen.

Kalit sózler: inson kapitalı, miynet huquqı, sud sisteması, miynet tartısları, mediatsiya, jumısqa tiklew.

Резюме. В статье анализируются правовые основы защиты трудовых прав и роль судебной системы в развитии человеческого капитала. Изучена судебная практика по трудовым спорам, выдвинуты предложения по созданию специализированных трудовых судов, развитию медиации и усилению ответственности работодателей.

Ключевые слова: человеческий капитал, трудовое право, судебная система, трудовые споры, медиация, восстановление на работе.

Abstract. The article analyzes the legal framework for protecting labor rights and the role of the judiciary in developing human capital. It examines judicial practice in labor disputes and offers proposals for establishing specialized labor courts, developing mediation, and strengthening employer liability.

Key words: human capital, labor law, judicial system, labor disputes, mediation, reinstatement.

QORAQALPOG'ISTONGA XALQARO KO'MAK KO'RSATISHNING ASOSIY SABABLARI

Hamidov K.

Qoraqalpoq davlat universiteti

O'zbekiston Respublikasi milliy mustaqillikka erishgach, xalqaro aloqalar va munosabatlarni mustahkamlashni eng muhim vazifalardan biri sifatida belgiladi. Bu davlatimizning xalqaro maydondagi faol ishtiroki hamda xalqaro munosabatlar tizimiga kirib borishi orqali amalga oshdi. Mazkur tizimning muhim tarkibiy qismlaridan biri xalqaro tashkilotlar hisoblanadi. Xalqaro tashkilotlar xalqaro huquq asosida hamda xalqaro shartnomalar asosida tuzilgan davlatlar birlashmasi bo'lib, ular siyosiy, iqtisodiy, madaniy, ilmiy-texnikaviy, huquqiy va boshqa sohalarda

hamkorlikni amalga oshirish uchun zarur organlar tizimiga ega. Ushbu tashkilotlarning huquq va majburiyatlari a'zo davlatlarning huquq va majburiyatlaridan kelib chiqadi hamda ularning mustaqil faoliyat yuritish vakolatlari a'zo davlatlarning irodasi bilan belgilanadi. O'zbekiston 1992-yildan boshlab ushbu xalqaro tashkilotlar bilan faol hamkorlik qilish tarafdori bo'lib kelmoqda. Buning asosiy maqsadi nafaqat mamlakatning barqarorligi va xavfsizligini ta'minlash, balki xalqaro hamjamiyatning umumiy xavfsizligi va barqarorligiga ham hissa qo'shishdan iborat edi.

Xalqaro donor hamjamiyati sog'liqni saqlash, bandlik va atrof-muhit bilan bog'liq muammolar tufayli Orolbo'yi mintaqasiga alohida e'tibor qaratdi. Ushbu muammolar Qoraqalpog'istonda xalqaro loyihalarni amalga oshirishni taqozo etardi. Donor tashkilotlarining Qoraqalpog'istondagi faoliyatining asosiy sababi mintaqadagi ekologik falokat bo'ldi. Mazkur maqolada Qoraqalpog'istonda, xususan, sog'liqni saqlash, ichimlik suvi ta'minoti, qishloq xo'jaligi, iqlim o'zgarishi, tuproq degradatsiyasi hamda boshqa ijtimoiy muammolar yuzasidan shakllangan umumiy vaziyatni yoritishga harakat qilindi. Shuni alohida ta'kidlash lozimki, O'zbekiston hukumati mintaqada qulay ekologik muhitni saqlash, ekologik muammolar va sifatli ichimlik suvi tanqisligi oqibatida zarar ko'rgan aholiga yordam ko'rsatish hamda ularning turmush darajasini yaxshilash borasida barcha zarur choralarni amalga oshirmoqda.

Tarixiy faktlar tahlili shuni ko'rsatadiki, Qoraqalpog'iston O'zbekistonning tarkibiy hududi sifatida xalqaro dasturlarda, afsuski, asosan xalqaro donor tashkilotlari yordamiga muhtoj hudud sifatida ishtirok etgan. Bunga Orolbo'yi mintaqasidagi ekologik inqiroz oqibatida yuzaga kelgan ko'plab muammolar sabab bo'lgan. Ekologik falokat tufayli Qoraqalpog'istonning umumiy iqtisodiy holati O'zbekistonning boshqa hududlariga nisbatan ancha orqada qolmoqda. Shu bois O'zbekiston hukumati sobiq ittifoq davridan meros bo'lib qolgan ekologik muammolarni bartaraf etish yo'lida katta sa'y-harakatlarni amalga oshirmoqda. Markaziy Osiyo tabiatiga antropogen ta'sir Rossiya imperiyasining ushbu mintaqaga bo'lgan qiziqishi kuchayishi bilan boshlangan. Rus tadqiqotchilari Orol dengizini birinchilardan bo'lib o'rgangan, ularning asosiy maqsadi Amudaryo va Sirdaryo deltalaridan sanoati jadal rivojlanayotgan metropoliya uchun xomashyo manbai sifatida foydalanish edi. 1950-yillargacha Orol dengizi antropogen omillarning jiddiy salbiy ta'sirini deyarli boshdan kechirmagan. Amudaryo va Sirdaryo havzalaridagi ekologik vaziyat hamda Orol dengizining holatiga davlat institutlarining ta'siri ayniqsa 1950–1960-yillarda kuchaydi. O'sha davrda dengiz va uning atrofidagi ekologik holat nisbatan barqaror edi. Aynan shu davrda Markaziy Osiyo va Qozog'istonda sug'oriladigan yer maydonlarini keng ko'lamda kengaytirish to'g'risida qaror qabul qilindi. 1960-yillarning boshidan boshlab sug'oriladigan yerlar maydoni O'zbekiston va Tojikistonda 1,5 barobar, Qozog'istonda 1,7 barobar, Turkmanistonda esa (asosan Bosh Qoraqum kanali hisobiga) 2,4 barobar oshdi. Sug'orish tizimining bunday kengayishi qishloq xo'jaligiga katta miqdorda kapital mablag'lar yo'naltirilishi bilan birga kechdi.

Sovet davlati hukumati tomonidan Orol dengizi suvlaridan qishloq xo'jaligi ehtiyojlari, paxtachilik va sholichilikni rivojlantirish maqsadida foydalanishga qaratilgan qator qarorlarning qabul qilinishi natijasida daryolarning dengizga quyiladigan suvi keskin kamaydi. Qishloq xo'jaligini keng ko'lamda kimyolashtirish ham Orol havzasidagi ekologik vaziyatning yanada og'irlashishiga olib keldi. Suv hajmining kamayishi va dengiz sathining qisqarishi suvning kimyoviy tarkibi hamda tuzilishining keskin o'zgarishi bilan kechdi. Orol dengizi nafaqat maydoni, balki suvining sifati jihatidan ham katta yo'qotishlarga uchradi. Natijada an'anaviy ixtiofauna va flora 1970-yillarning o'rtalariga kelib deyarli butunlay yo'qolib ketdi. Dengiz sathining pasayishi sug'oriladigan ekin maydonlarining sho'rlanish darajasini oshirdi, suvdan me'yoridan ortiq foydalanish esa yer osti suvlari sathining ko'tarilishiga olib keldi. Ushbu omillarning yig'indisi Orol dengizining qurishiga asosiy sabab bo'ldi.

1980-yillar oxiriga kelib, Orol inqirozining tub sababi xalq xo'jaligining shakllangan ishlab chiqarish tuzilmasi bilan ekotizimning imkoniyatlari va holati o'rtasidagi chuqur nomuvofiqlik ekanligi ayon bo'ldi. Bu avvalgi ma'muriy-buyruqbozlik tizimi tomonidan tabiat va iqtisodiyot qonunlarining e'tiborsiz qoldirilishi, suv va boshqa tabiiy resurslarning cheksiz ekspluatatsiya qilinishi natijasida yuzaga keldi. Orol ekotizimi hamda Amudaryo va Sirdaryo deltalarini muhofaza qilish bo'yicha irrigatsiya qurilishi loyihalarida nazarda tutilgan tavsiyalar amalda bajarilmadi.

Orol dengizi havzasida sug'orish tizimining rivojlanishi qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi va gidromeliorativ qurilishga katta miqdordagi investitsiyalar kiritilishi bilan kechdi. Biroq ushbu investitsiyalar, asosan, mintaqa manfaatlaridan ko'ra markaz manfaatlariga xizmat qildi. Sovet boshqaruv tizimi o'z manfaatlarini ustuvor deb bilib, ko'plab xato va kamchiliklarga yo'l qo'ydi. Barcha ishlab chiqarish vositalari va tabiiy boyliklar davlat tasarrufiga o'tkazilgach, suv resurslaridan nazoratsiz foydalanishga yo'l qo'yildi, natijada suvdan samarasiz foydalanish kuchaydi. Paxta va sholi monokulturasiga asoslangan, suvni ko'p talab qiladigan ishlab chiqarishni ustuvor rivojlantirish strategiyasi daryolar oqimining sug'orishga haddan tashqari yo'naltirilishiga olib keldi.

1980-yillarning oxiriga kelib ekologik falokat hududida to'qayzorlar va qamishzorlar sezilarli darajada qisqardi, hayvonot dunyosi yo'qola boshladi, daryolarning sayozlashuvi esa ko'plab hayvon turlarining keskin kamayishiga sabab bo'ldi. Cho'llanish jarayoni tez sur'atlar bilan rivojlandi, o'simlik va hayvonot dunyosining biologik xilma-xilligi keskin kamaydi. Mutaxassislarni tabiiy-iqlim sharoitlarining yomonlashuvi ham jiddiy tashvishga soldi. Tadqiqotlar natijalari shuni ko'rsatadiki, Orol dengizining qurishi natijasida qish va yoz fasllaridagi o'rtacha haroratlar farqi ortdi, havo yanada quruqlashdi, sovuqsiz davr qisqardi. Bu esa qishloq xo'jaligi ekinlarining vegetatsiya davriga, hosildorlikka hamda qishloq xo'jaligi mahsuldorligiga salbiy ta'sir ko'rsatdi.

Qoraqalpog'iston iqtisodiyoti asosan agrar-xomashyo yo'nalishiga ega bo'lganligi sababli, Orolbo'yidagi ekologik falokat aholining ijtimoiy ahvoli va sog'lig'iga ham salbiy ta'sir ko'rsatdi. Suv tanqisligi hamda uning sifatining keskin yomonlashuvi tirik mavjudotlarning yashashi uchun jiddiy xavf tug'dirib, mintaqa ekotizimining izdan chiqishiga olib keldi. Mintaqa tibbiy statistikasi ma'lumotlariga ko'ra, sifatsiz ichimlik suvidan foydalanish natijasida Qoraqalpog'istonda kasallanish darajasi O'zbekiston bo'yicha o'rtacha ko'rsatkichdan 11,2 foiz yuqori bo'lgan. Ayrim

manbalarga ko‘ra, Orolbo‘yi hududida qalqonsimon bez kasalliklari, ayniqsa reproduktiv yoshdagi ayollar o‘rtasida kamqonlik (anemiya) bilan kasallanish holatlari sezilarli darajada oshgan.

O‘zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug‘aniyevich Karimov BMT Bosh Assambleyasining Mingyillik rivojlanish maqsadlariga bag‘ishlangan yuqori darajadagi yalpi majlisidagi nutqida shunday ta’kidlagan edi: «Bugungi kunda Orolbo‘yida nafaqat ekologik, balki ijtimoiy-iqtisodiy va demografik muammolarning murakkab majmuasi yuzaga kelgan bo‘lib, ular butun sayyora miqyosidagi oqibatlarga ega».

Qayd etilgan iqlim sharoitlari sug‘orishsiz dehqonchilikni deyarli imkonsiz qilib qo‘ydi. Natijada tuproqda tuzlarning jadal to‘planishi kuzatildi, bu esa nafaqat ekinlarni sug‘orish, balki yerlarni sho‘rdan yuvish uchun ham katta miqdorda suv sarflash zaruratini tug‘dirdi. Bundan tashqari, qishloq xo‘jaligida o‘g‘it sifatida turli zaharli kimyoviy moddalar keng qo‘llanildi. Keyinchalik ular dalalardan yuvilib, kollektor-drenaj kanallariga tushdi va oxir-oqibat Orol dengizida to‘plandi. Sun’iy suv havzalari - yig‘uvchi hovuzlar barpo etildi. Ular qurigach, atmosfera havosiga ulkan miqdorda kimyoviy moddalar, tuzlar va mayda chang zarralari ko‘tarildi. Ushbu zaharli cho‘kindilar yaqin atrofdagi hududlar atmosferasini ifloslantirdi.

Gidrologik rejimning o‘zgarishi Amudaryo o‘zani va deltasidagi qayir pasttekisliklarida joylashgan to‘qay o‘rmonlariga ham kuchli ta’sir ko‘rsatdi. Dastlabki to‘qay o‘rmonlari daryo qayirlari va cho‘l hududlarida o‘suvchi daraxt hamda butalarning murakkab fitotsenotik majmuasi bilan ajralib turgan bo‘lib, ular tashqi muhit sharoitlarining o‘zgarishiga juda tez moslashardi. To‘qay o‘rmonlarining degradatsiyasi daryolarning gidrologik rejimi o‘zgarishi, buning natijasida yer osti suvlari sathining pasayishi, mikroiqlim va shamol rejimining o‘zgarishi, qishloq xo‘jaligi faoliyatining kengayishi hamda qo‘ylarni haddan tashqari boqish oqibatida yuz berdi.

Sog‘liqni saqlash tizimidagi muammolar, suvning minerallashuvi va baliqchilik xo‘jaligining tanazzulga uchrashi bilan bir qatorda, ekologik vaziyat mintaqadagi o‘rmonlar maydonining qisqarishiga ham olib keldi. BMT Taraqqiyot Dasturi (BMTTD) ma’lumotlariga ko‘ra, XX asr boshidan buyon Markaziy Osiyo mamlakatlarida o‘rmonlar maydoni o‘rtacha 4–5 baravarga qisqargan. Ayniqsa, qishloq xo‘jaligi yerlarini kengaytirish maqsadida kesib tashlangan saksovulzorlar va daryo qayirlaridagi to‘qay o‘rmonlari kuchli antropogen bosim ostida qoldi. Natijada Amudaryo qayiridagi to‘qay o‘rmonlari maydoni 1928-yildagi 150 ming gektardan 1993-yilga kelib atigi 22–23 ming gektargacha kamaydi. Orol dengizining qurishi faqat atrof-muhitga salbiy ta’sir ko‘rsatish bilan cheklanib qolmadi, balki ushbu mintaqada yashayotgan aholining turmushiga ham jiddiy zarar yetkazdi. Dengizning yo‘qolishi oqibatida o‘n minglab insonlar ish o‘rinlari va asosiy daromad manbalaridan ayrildi. Bu esa Orolbo‘yi aholisining turmush darajasining pasayishiga va turli ijtimoiy muammolarning kuchayishiga sabab bo‘ldi. O‘tkazilgan tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, Orol havzasida bog‘dorchilik va sabzavotchilik tarmoqlari tanazzulga yuz tutgan. Bu esa ishsizlikning ortishi, ayniqsa qishloq joylarda ijtimoiy muammolarning yanada keskinlashishiga olib kelishi mumkin. Mazkur va boshqa ko‘plab muammolarni hal etishga davlat, fuqarolik jamiyati institutlari hamda ekologik inqirozning global xususiyatini hisobga olgan holda xalqaro tashkilotlar va donor hamjamiyatining sa’y-harakatlari yo‘naltirilishi lozim.

Xulosa. Orol dengizining qurish jarayoni ushbu mintaqa flora va faunasiga nihoyatda og‘ir oqibatlar keltirib chiqardi. Bu esa o‘z navbatida Orolbo‘yida inson hayotining barcha jabhalariga salbiy ta’sir ko‘rsatgan zanjirsimon jarayonni yuzaga keltirdi. Paxta hosildorligini oshirish maqsadida kimyoviy moddalarning keng qo‘llanilishi hamda cho‘l hududlaridagi yangi yerlarni o‘zlashtirish uchun katta hajmdagi suv resurslarining sarflanishi mintaqa tabiatiga qaytarib bo‘lmaydigan zarar yetkazdi. O‘tkazilgan tadqiqotlar natijalaridan kelib chiqib, ekologik falokat oqibatlarini yumshatish maqsadida sobiq Orol dengizi tubini keng ko‘lamda ko‘kalamzorlashtirish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Bu chang-tuz bo‘ronlarini kamaytirishga hamda tuproqda to‘plangan kimyoviy moddalarning boshqa hududlarga tarqalishining oldini olishga xizmat qiladi. Shuningdek, iqlim o‘zgarishiga qarshi kurashda jahon hamjamiyatining sa’y-harakatlarini birlashtirish, tuproq unumdorligini tiklashga qaratilgan qo‘shma loyihalar ko‘lamini kengaytirish hamda suv resurslarini tejash maqsadida zamonaviy sug‘orish texnologiyalarini keng joriy etish zarur.

ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi aholi farovonligini oshirish strategiyasi. Toshkent, 2007. 44-bet.
2. Kamalov S.K. *Orol va Orolbo‘yi muammosi (sabablari va oqibatlari).* O‘zSSR FA Qoraqalpoq filiali. Nukus, 1990. 12 bet.
3. Kamalov S.K. *Aral mashqalasini sheshiliwining barisi haqqında.* // O‘zR FA Qoraqalpoq bo‘limi Axborotnomasi. 2000. №1.
4. Sarıbayev K. *Qoraqalpog‘istonda sug‘orish tarixi (XIX asr oxiridan hozirgi kungacha).* Nukus, 1995.
5. Bekimbetov B. *Orol dengizini saqlab qolish bo‘yicha ijtimoiy-siyosiy harakatlar tarixi (1960–1980-yillar).* Tarix fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. Nukus, 2007. 17-bet.
6. Orolbo‘yi aholisi salomatligiga inqirozning ta’siri**.** Orolni qutqarish xalqaro jamg‘armasi (IFAS) Agentligi.
7. Karimov I.A. *Demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish — mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy mezoni.* Toshkent, 2011. 15–16-betlar.
8. Qozog‘istonning atrof-muhiti va barqaror rivojlanishi. 6-bob, 150-bet.

Qoraqalpog‘istonga xalqaro ko‘mak ko‘rsatishning asosiy sabablari

Annotatsiya. Mazkur maqolada muallif Orolbo‘yi mintaqasida yashovchi aholining umumiy turmush farovonligiga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi omillarga qarshi kurashishga qaratilgan, xorijiy donor tashkilotlari bilan hamkorlikda amalga oshirilgan loyihalarning asosiy sabablariga alohida e’tibor qaratadi. Muallif ekologik falokatning yuzaga kelishini tarixiy va faktik ma’lumotlar asosida avvalgi davlat tuzumida qishloq xo‘jaligini noto‘g‘ri yuritish hamda suv resurslarini samarasiz boshqarish bilan bog‘laydi. Shuningdek, Orol fojiasi oqibatlarini yumshatish maqsadida O‘zbekiston hukumati tomonidan amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar haqida ham so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar: ekologik falokat, xalqaro hamjamiyat, donor tashkilotlari, antropogen ta’sir, qo‘shma loyihalar.

Основные причины для оказания международного содействия в каракалпакстане

Аннотация. В этой статье автор уделяет внимание на первопричины, имевшиеся место быть в Каракалпакстане, служившие основной причиной для реализации совместных с зарубежными донорскими организациями проектов,

направленных на борьбу с факторами оказывающие отрицательное воздействие на общее благосостояние жизни у местного населения в регионе Аральского моря. Имевшее место экологическое бедствие, автор на основе фактических данных связывает с неправильным ведением сельского хозяйства и управлением водными ресурсами в регионе предыдущим государственным строем. Также, говорится об усилиях правительства Узбекистана, предпринимаемые для смягчения последствии Аральской катастрофы.

Ключевые слова: экологическое бедствие, международное сообщество, донорские организации, антропогенное воздействие, совместные проекты.

The main reasons for providing international assistance in karakalpakstan

Annotation. In this article, the author pays attention to the root causes that took place in Karakalpakstan, which served as the main reason for the implementation of joint projects with foreign donor organizations aimed at combating factors that have a negative impact on the general well-being of the local population in the Aral Sea region. Based on the evidence, the author attributes the environmental disaster to the improper management of agriculture and water resources in the region by the previous state system. It also talks about the efforts of the Government of Uzbekistan to mitigate the consequences of the Aral disaster.

Key words: environmental disaster, international community, donor organizations, anthropogenic impact, joint projects.

КОНЦЕПТУАЛИЗАЦИЯ ИНСТИТУТА БЕСТЕЛЕСНЫХ ВЕЩЕЙ: ОТ КЛАССИЧЕСКОЙ ЦИВИЛИСТИЧЕСКОЙ ТЕОРИИ К СОВРЕМЕННОЙ ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКЕ

Каипбеков А.П.

Каракалпакский Государственный Университет

Введение: Система объектов гражданских прав является фундаментальной основой любой правовой системы. От того, как законодатель определяет правовую природу объекта, напрямую зависят режимы его оборотоспособности, способы передачи и механизмы судебной защиты. Исторически сложилось так, что отечественная цивилистическая доктрина восприняла материалистический подход к пониманию «вещи», ограничивая эту категорию исключительно предметами материального мира.

Однако стремительное развитие рыночной, а затем и цифровой экономики привело к появлению огромного массива имущественных благ, не имеющих физической оболочки. Современный гражданский оборот немыслим без таких объектов, как бездокументарные ценные бумаги, доли в уставном капитале хозяйственных обществ, безналичные денежные средства, а в последние годы — цифровые права, токены и криптоактивы. Экономическая ценность этих нематериальных объектов зачастую многократно превышает стоимость классического физического имущества (недвижимости или оборудования).

В связи с этим возникает острая научно-практическая проблема: действующее гражданское законодательство Республики Узбекистан, построенное на индустриальных парадигмах XX века, не в полной мере обеспечивает адекватный правовой режим и эффективную вещно-правовую защиту для современных нематериальных активов. Целью настоящего исследования является концептуализация института бестелесных вещей, анализ историко-правовых предпосылок его возникновения и обоснование необходимости его полноценной имплементации в современную правоприменительную практику и законодательство Республики Узбекистан.

Обзор литературы и методология: Проблема квалификации объектов гражданских прав имеет глубокие исторические корни. Догматическое разделение вещей на телесные и бестелесные впервые было системно изложено в Институциях римского юриста Гая, где вещи классифицировались по критерию возможности их физического осязания [1.112]. В процессе рецепции римского права эта доктрина получила различное толкование. Германская пандектная школа пошла по пути строгого материализма, что нашло отражение в Германском гражданском уложении (BGB), где вещами признавались лишь телесные предметы [2.65]. Советская цивилистика, ярким представителем которой являлся С.Н. Братусь, также отвергала концепцию «бестелесных вещей» по догматическим и идеологическим причинам, признавая объектом гражданско-правовых сделок преимущественно овеществленный результат труда [3.74].

В современной научной литературе проблема бестелесных вещей вновь стала актуальной в связи с появлением бездокументарных ценных бумаг. Весомый вклад в обоснование необходимости возврата к римской конструкции внес Д.В. Мурзин, доказавший, что ценные бумаги, лишенные документарной формы, могут эффективно участвовать в обороте только при признании их бестелесными вещами [4.2].

С переходом к цифровой экономике фокус исследований сместился на криптоактивы. Классики современного гражданского права, такие как Е.А. Суханов [5.14] и А.И. Савельев [6.139], ведут активную дискуссию о правовой природе цифровых имуществ. Если Е.А. Суханов предостерегает от разрушения системы объектов и предлагает использовать конструкцию имущественных прав, то А.И. Савельев обосновывает концепцию криптографического контроля как аналога вещного владения.

Методологическую основу настоящего исследования составил комплекс общенаучных и частнонаучных методов познания. Использовались диалектический метод и системный анализ для рассмотрения объектов гражданских прав в их взаимосвязи. Историко-правовой метод позволил проследить эволюцию конструкции бестелесных вещей от Институций Гая до современности. Формально-юридический и сравнительно-правовой методы применялись при анализе норм Гражданского кодекса Республики Узбекистан и специального законодательства в сфере оборота цифровых активов.

Результаты и обсуждение: Проведенный догматический анализ показывает, что отечественное гражданское право исторически восприняло суженный, пандектный подход к пониманию вещи. В статье 81

действующего Гражданского кодекса Республики Узбекистан закреплен перечень объектов гражданских прав, где вещи концептуально отделены от имущественных прав [7]. В индустриальную эпоху такое разграничение материального и идеального обеспечивало стабильность оборота, однако сегодня этот догматический барьер стал препятствием для правоприменительной практики.

Первые сложности возникают при квалификации корпоративных прав. Доля в уставном капитале общества с ограниченной ответственностью (ООО) догматически является имущественным правом. Однако на практике доли ежедневно покупаются, продаются, передаются в залог. Применяя к долям нормы обязательственного права, суды часто сталкиваются с невозможностью обеспечить полноценную защиту собственника бизнеса при корпоративных захватах.

Oralxan Saparovanıń “Beti ashılmaǵan kelinshek” [1: 10] shıǵarması usı tendenciyanıń ayqın mısalı sıpatında dıqqatqa ılayıqlı. Gúrrińde bir shańaraqtaǵı úsh áwlad táǵdiri - baylıqqa qumar Gúljan kempir hám Toqımbet, olardıń perzentleri Bahadır hám Arıslan, jáne jetim qız Sáliymanıń ómiri - quramalı kompoziciyalıq qurılma arqalı birlestiriledi. Avtor salıstırmalı qısqa kólemdegi gúrriń sheńberinde keń qamtıwlı shańaraqlıq-jámiyetlik tariyxtı, birneshe on jıllıq waqıyalar shınjırın puqta oylanǵan kompoziciyalıq sistema járdeminde ıqsham hám tásirsheń túrde bere alǵan. Bul bolsa shıǵarmanı házirgi qaraqalpaq gúrrińshiligindegi kompoziciyalıq sheberlik úlgisi sıpatında tallaw zárúrligin keltirip shıǵaradı.

Maqalanıń maqseti - usı shıǵarma mısalında zamanagóy qaraqalpaq gúrrińshiligindegi kompoziciyalıq izleniwlerdiń kórinis ózgesheliklerin anıqlaw hám talqılawdan ibarat. Izertlewdiń wazıypaları sıpatında tómendegiler belgilendi: gúrrińniń syujet-kompoziciyalıq qurılıs tipin anıqlaw; shıǵarmadaǵı simvolikalıq detallar sistemasınıń kompoziciyalıq wazıypasın ashıp beriw; obrazlar galereyasınıń kompoziciyalıq kózqarastan qalay shólkemlestirilgenin tallaw; waqıt-mákan (xronotop) shólkemlestiriwiniń kórkem wazıypasın sáwlelendiriw.

“Beti ashılmaǵan kelinshek” shıǵarması waqıyalardı xronologiyalıq tártipte emes, al eki waqıt qatlamınıń kesilisiwi tiykarında quraydı. Shıǵarma “házirgi zaman” - tósekke shegelengen, ólim aldında turǵan Gúljan kempirdiń awhalı súwreti menen baslanadı. Avtor onnan soń kelininiń (Salimanıń) eske túsiriwleri hám kempirdiń sandıraqlawları arqalı ótmishke - qırq jıllıq shańaraqlıq tariyxqa sheginedi. Bul retrospekciya birneshe qatlamlı: birinshi qatlamda Sáliymanıń balalıǵı hám ata-anasınıń apatshılıǵı, ekinshi qatlamda Sáliyma menen Arıslannıń muhabbat tariyxı hám qashıp turmıs qurıwı, úshinshi qatlamda Bahadirdiń apatshılıqqa ushırawı súwretlenedi. Hárbir qatlam óz aldına mikrosyujet sıpatında qáliplesip, olar Gúljan kempirdiń eske túsiriwi arqalı bir-birine jalǵanadı.

Usı waqıyanıń juwmaǵı jáne házirgi zamanǵa - Gúljan kempirdiń tósegine qaytıp keledi: ol aqırında kelininiń “júzin ashıw”, yaǵnıy onnan keshirim sorap, onı shańaraqqa rásmiy qabıl etiw menen tamamlanadı. Solay etip, shıǵarma baslanıw noqatına qaytıp, saqıyna tárizli (dóńgelek) kompoziciyalıq dúzilisti payda etedi. Bunday qurılıs

oqıwshıǵa waqıyalardı qaharmannıń sanası arqalı, onıń sezimleri hám pushaymanlıǵı prizmasınan qabıl etiw imkaniyatın beredi, sonıń menen birge shıǵarmanıń mazmunlıq pútinligin támiyinleydi.

Itibarǵa ılayıq tárepi sonda, avtor retrospekciyanı birden, úzliksiz túrde emes, al qaharman yadınıń tábiyǵıy aǵımına sáykes túrde bólek-bólek beredi: gá kempirdiń túsi, gá sandıraqlawı, gá kelininiń kóz aldınan ótken kórinisler arqalı ótmish qayta tiklenedi. Bul - kompoziciyanıń "mozaik" yamasa "bólek-bólek qurılıs" (fragmentar kompoziciya) principine jaqınlasadı. Hárbir úzindi óz aldına juwmaqlanǵan mikrotolqın qásiyetine iye bolsa da, olar birgelikte tutas shańaraq táǵdiriniń juwmaqlanǵan kartinasın payda etedi. Sonday-aq, ayırım orınlarda avtor syujet ishine syujet jaylastırıw (gúrriń ishindegi gúrriń) usılınan da paydalanadı: máselen, Sáliymanıń óz balalıǵı haqqındaǵı eske túsiriwleri ǵárezsiz, tamamlanǵan syujet liniyasına iye bolıp, tiykarǵı waqıya ishine sińdirilgen halda beriledi. Bunday kóp qabatlı kompoziciyalıq qurılıs oqıwshınıń dıqqatın úzliksiz uslap turıw, sonıń menen birge waqıyalardıń sebep baylanısın áste-aqırın ashıp beriw imkaniyatın jaratadı.

Kompoziciyalıq kózqarastan jáne bir áhmiyetli ózgeshelik - shıǵarmada kulminaciyanıń eki mártebe tákirarlanıwı. Birinshi kulminaciyalıq noqat - Bahadırdıń nabıt bolıwı (ózin-ózi óltiriwi), ekinshi hám aqırǵı kulminaciya - Gúljan kempirdiń ólim tóseginde Sáliymadan keshirim sorap, oramaldı tapsırıwı bolıp tabıladı. Bul eki kulminaciyalıq noqat arasındaǵı aralıq ádewir úlken bolıp, olar arasında uzaq dawam etken "túskinlik dáwiri" (Gúljannıń jalǵızlıǵı, pushaymanlıq jılları) súwretlenedi. Bunday eki shıńlı kompoziciyalıq qurılıs shıǵarmanıń tragediyalıq pafosın kúsheytedi hám oqıwshıda qaharmannıń táǵdirine tereń tilekleslik oyatadı. Shıǵarmada kompoziciyalıq jaqtan ayrıqsha áhmiyetke iye bolǵan eki detal - gilt hám oramal baqlanadı. Gilt obrazı shıǵarma dawamında birneshe mártebe tákirarlanadı: tósek astında jasırınǵan giltler, seyf gilti, jer tóle esiginiń gilti. Bul detal tek ǵana Gúljannıń jıynap-terip qoyǵan baylıǵın emes, al onıń jıllar dawamında jasırıp kelgen sırların, húydanlı túrde "qulıplanǵan" táreplerin simvolikalıq túrde sáwlelendiredi. Gilttiń "ashılıwı" - yaǵnıy Sáliymaǵa tapsırılıwı - qaharmannıń ishki dúnyasındaǵı ózgeristiń sırtqı kórinisi bolıp xızmet etedi.

Oramal detalı bolsa shıǵarmanıń ataması menen tikkeley baylanıslı bas timsal bolıp tabıladı. Qaraqalpaq dástúrinde kelin úyge kelgende oǵan oramal jabılıp, soǵınan máresim menen "júzi ashıladı" - bul onı shańaraqtıń tolıq aǵzası sıpatında qabıl etiw belgisi bolıp tabıladı. Gúljan kempir bolsa Sáliymaǵa otız jıldan aslam waqıt dawamında bul máresimdi orınlamaǵan, yaǵnıy onı ruwxıy jaqtan heshqashan "óz kelini" sıpatında qabıl etpegen edi. Gúljan ómiriniń aqırındaǵı gúrrińniń juwmaǵında qol oramaldı qolına uslatıp, "Qutlı bolsın qol oramalıń!" dep shıǵarıp salıwı pútkil shıǵarmanıń kompoziciyalıq "gilt"i bolıp, ol at penen syujettiń aqırǵı noqatın baylanıstıradı hám shıǵarmaǵa semantikalıq pútinlik beredi. Áhmiyetlisi sonda, oramal detalı gúrriń dawamında birneshe márte hár qıylı mánilik jaqlarda payda boladı. Dáslep ol Gúljannıń jer tólesinde jatırǵan "baylıq" - sellofan qaltalarǵa oralǵan bahalı oramallar toplamı - sıpatında tilge alınadı, yaǵnıy sap materiallıq qunǵa iye zat sıpatında kórsetiledi. Al keyin ala tap usı oramallardan biri Gúljannıń túsinde ǵarrısı tárepinen onıń betine urılatuǵın quralǵa aylanadı - bul arqalı materiallıq baylıqtıń ózi qaharmanǵa jaza quralına aylanatuǵını rámziy túrde ańlatıladı. Aqırǵı bapta tap usı oramal Sáliymaǵa miyrim-shápáát hám aqlanıw belgisi sıpatında tapsırıladı. Solay etip, bir kórkem detal - oramal - shıǵarma dawamında úsh túrli funkcional júkti kóterip, baylıq - jaza - keshirim degen úsh basqıshlı mánilik joldı basıp ótedi. Bul bolsa avtordıń detaldı kompoziciyalıq qural sıpatında qanshelli sheberlik penen paydalanǵanın kórsetedi. Gilt hám oramal detallarınan tısqarı, gúrrińde úshinshi dárejeli, biraq áhmiyetli orın tutıwshı detallar sıpatında seyf, jer tóledegi tártipsiz úyilgen múlk (gilemler, shaynekler, gezlemeler) hám "aq mashina" (Bahadırdıń jaslıq waqtındaǵı erkeligi tımsalı) sıyaqlı buyımlardı kórsetiw múmkin. Bul detallardıń barlıǵı bir ulıwma kompoziciyalıq sistemaǵa - materiallıq baylıqtıń insandı tutqınǵa alıwı, onı ruwxıy jarlı etiwi temasına boysındırılgan. Olardıń qayta-qayta qollanılıwı (leytmotiv sıpatında) shıǵarmaǵa ishki logikalıq izbe-izlik hám kórkem pútinlik baǵıshlaydı.

Avtor shıǵarma kompoziciyasın qurıwda obrazlardı izbe-iz kontrast tiykarında jaylastıradı. Gúljan hám Toqımbet obrazları - materiallıq baylıqqa qumar, mal-múlk jıynawdı ómiriniń mazmunına aylandırǵan, kelinin jıllar dawamında kemsitken qaharmanlar - Sáliyma obrazına qarama-qarsı qoyıladı. Sáliyma bolsa jaslıǵınan ata-anasınan ayırılǵan, biraq sabır-taqat, ar-namıs hám ruwxıy páklikti saqlap qalǵan qaharman sıpatında súwretlenedi. Usı eki polyus arasındaǵı kontrast arqalı avtor shıǵarmanıń baslı teması - materiallıq baylıq penen ruwxıy baylıq arasındaǵı qarama-qarsılıqtı ashıp beredi.

Ekinshi áwlad wákilleri - Bahadır hám Arıslan da kompoziciyalıq jaqtan bir-birine qarama-qarsı qoyıladı. Bahadır ata-anasınıń "erkeletip" tárbiyalawı nátiyjesinde ishkilikke hám náshebentlikke berilip, qayǵılı juwmaqlanadı. Arıslan bolsa ata-anasınıń baylıqqa tiykarlanǵan rawajlanıw rejesinen waz keship, muhabbatı jolında barlıq qolaylıqtan ayırılıwǵa tayar boladı hám aqır-ayaǵında hadal miynet arqalı shańaraq quradı. Bul eki táǵdirdiń bir-birine qarama-qarsı rawajlanıwı gúrrińniń kompoziciyalıq arxitektonikasında áhmiyetli orın iyeleydi hám shıǵarmanıń etikalıq-filosofiyalıq ideyasın kúsheytedi. Bul kontrast kompoziciyalıq jaqtan "parallel rawajlanıw" (parallelizm) usılı arqalı támiyinlenedi: avtor Bahadır hám Arıslannıń táǵdirlerin derlik bir waqıtta, bir-birine jaqın túrde bayanlaydı - ekewi de birdey shańaraqta, birdey materiallıq sharayatta tárbiyalanǵan bolsa da, olardıń tańlaǵan jolı túp-tiykarınan parıq qıladı. Bunday parallel qurılıs arqalı avtor shıǵarmanıń tiykarǵı ideyalıq juwmaǵın - insannıń táǵdiri materiallıq baylıq penen emes, al onıń ruwxıy tańlawı menen belgilenetuǵının - kompoziciyalıq qurallar arqalı, tikkeley bayanlamastan, oqıwshıǵa jetkeredi.

Ekinshi dárejeli obrazlar - Tazagúl (aldawshı dáldalshı), RayPO baslıǵı hám onıń shańaraǵı da kompoziciyalıq jaqtan áhmiyetli wazıypanı atqaradı: olar arqalı Gúljan hám Toqımbettiń sociallıq ortalıǵı, olardıń qádiriyatlar sisteması keńirek fonda kórsetiledi. Bul ekinshi dárejeli qaharmanlar ǵárezsiz syujet liniyasına iye bolmasa da, tiykarǵı qaharmanlardıń xarakterin ashıwǵa, olardıń sociallıq ortalıǵın "ayna" sıpatında sáwlelendiriwge xızmet etedi. Bunday "fon qaharmanları" arqalı kompoziciyanı bayıtıw usılı xalıq awızeki dóretiwshiligi hám klassikalıq proza dástúrlerine

de tán bolıp, avtor bul quraldan zamanagóy mazmundı sáwlelendiriwde tabıslı paydalanǵan. Sonıń menen birge, Sáliyma obrazınıń kompoziciyalıq ornı ayrıqsha tallawǵa ılayıq: ol gúrrińniń basınan aqırına shekem ózgermeytuǵın ruwxıy ózek sıpatında turadı, al onıń átirapındaǵı barlıq basqa qaharmanlar (Gúljan, Toqımbet, Bahadır, Arıslan) bolsa óz táǵdirleri menen oǵan salıstırǵanda "aylanıp" háreket etedi. Usı mániste Sáliyma obrazın shıǵarmanıń kompoziciyalıq orayı dep ataw múmkin barlıq waqıyalar, sırtqı kóriniste Gúljannıń eske túsiriwleri sıpatında berilse de, mazmun jaǵınan áyne Sáliymanıń "júzi ashılıwı"na qaray baǵdarlanǵan.

Shıǵarmada orın almasıwı - awıl hám qala, Nókis hám Tashkent - sociallıq qatlamlasıw hám qádiriyatlar soqlıǵısıwın sáwlelendiriwshi kompoziciyalıq qural sıpatında xızmet etedi. Toqımbettiń skladshı sıpatındaǵı abıroyı, onıń baylıǵı menen baylanıslı epizodlar (sovet dáwiri hámeldarları, RayPO baslıǵı, belgili miymanlar menen qudalasıw) dáwir ruwxın - kolorit sıpatında beredi. Buǵan qarama-qarsı túrde Sáliyma hám Arıslannıń Tashkenttegi jarlı, biraq miyrim-shápáátke tolı turmısı súwretlenedi. Eki túrli turmıs tárizinin almasıwı arqalı avtor kompoziciyalıq dárejede de sociallıq kritikanı kúsheytedi.

Keńislik shólkemlestiriwde jáne bir qızıq tárepi – "jabıq" hám "ashiq" keńisliklerdiń qarama-qarsılıǵı bolıp tabıladı. Gúljannıń jer tólesi, seyfi, tekshelerge tolıp tasqan skladxanası - bulardıń barlıǵı jabıq, tar, hawasız, "óli" mákan sıpatında súwretlenedi (naftalin iyisi, shań basqan buyımlar, quyash nurın kórmegen bólmeler). Buǵan qarama-qarsı túrde Sáliymanıń balalıq eske túsiriwlerindegi ashıq dala, aq mektep, dárya boyındaǵı túngi tınıshlıq sıyaqlı mákanlar erkinlik, páklik hám turmıslıq tımsalı sıpatında beriledi. Jabıq hám ashıq keńislikler arasındaǵı bul kompoziciyalıq qarama-qarsılıq shıǵarmanıń bas ideyalıq qarama-qarsılıǵın - baylıqtıń insandı "qamaqqa alıwı" hám ruwxıy erkinliktiń haqıyqıy baxıt ekenligin - keńislik tili arqalı bildiredi.

Waqıt shólkemlestiriliwi kózqarasınan bolsa gúrrińde uzaq dáwir - shama menen qırıq-eliw jıllıq shańaraqlıq tariyx - birneshe kúnlik "házirgi zaman" waqıyaları (Gúljannıń sońǵı kúnleri) sheńberine qısıp jaylastırılǵan. Bunday "waqıttı qısıw" (waqıt kompressiyası) usılı arqalı avtor úlken kólemdegi turmıslıq materialdı ıqsham gúrriń janrı sheńberinde tabıslı kórkemlestire alǵan. Bul - zamanagóy qaraqalpaq gúrrińshiliginde keń roman materialın kishi janr sheńberinde qamtıp alıwǵa bolǵan umtılıstıń ayqın kórinisi bolıp tabıladı. Gúljan kempirdiń sandıraqlaw jaǵdayları, onıń ótmishke baylanıslı úzik-úzik eske túsiriwleri kompoziciyalıq jaqtan syujetti háreketke keltiriwshi tiykarǵı qural bolıp xızmet etedi. Mine usı sandıraqlawlar arqalı oqıwshıǵa semyanıń pútkil tariyxı ashıp beriledi. Sáliymanıń balalıq eske túsiriwleri - ata-anasınıń nabıt bolıwı, dayısınıń mehribanlıǵı - ishki monolog túrinde berilip, qaharmannıń ruwxıy dúnyasın tereń ashıp beredi hám de shıǵarmanıń emocionallıq kulminaciyasın tayarlawda áhmiyetli rol atqaradı.

Kompoziciyalıq kózqarastan áhmiyetli bolǵan jáne bir ózgeshelik - gúrrińde birneshe kózqarastıń (kóp dawıslılıqtıń) úylesiwi bolıp tabıladı. Tiykarǵı waqıyalar kóbinese bas gúrrińshi-avtor sózi arqalı beriledi, biraq ayırım epizodlarda gúrriń kózqarası Sáliymanıń ishki dúnyasına ("Sáliymanıń kózine anası ashıwlanıp kózi janıp ketkendey sezildi"), gá Gúljannıń sanasız-albıraw jaǵdayına ótip turadı. Bunday kózqaraslar almasıwı arqalı avtor bir waqıyanı hár qıylı qaharmanlar kózqarası arqalı kórsetiw, sol tárizde onıń kóp qırlı mazmunın ashıw imkaniyatına iye boladı. Bul - kompoziciyalıq jaqtan "polifonikalıq" dúzilistiń dáslepki kórinisleri sıpatında bahalanıwı múmkin. Sonday-aq dialog hám monologlardıń kompoziciyalıq jaylasıwı da dıqqatqa ılayıq: shıǵarmada uzın súwretlew-bayanlawshı bólimler menen qısqa, keskin dialoglar (ásirese Toqımbet penen Gúljannıń arasındaǵı jánjel saxnaları, Gúljannıń Sáliymaǵa aytqan sońǵı sózleri) gezeklesip keledi. Bunday ritmlik almasıw oqıwshınıń dıqqatın tartıp uslawǵa, waqıyalardıń rawajlanıwına dinamika beriwge xızmet etedi. Atap aytqanda, gúrrińniń eń kúshli emocionallıq noqatlarında (Bahadırdıń tragediyası, Gúljannıń keshirim sorawı) avtor qısqa, kesik gáplerden paydalanadı - bul sintaksislik-kompoziciyalıq qural da shıǵarmanıń ulıwma tásirsheńligin arttırıwǵa xızmet etedi.

Kishi prozalıq shıǵarma, belgili bolǵanınday, kólemi jaǵınan sheklengen bolıp, bul avtordan úlken turmıslıq materialdı ıqsham hám tıǵız kompoziciyalıq formaǵa salıwdı talap etedi. Oralxan Saparova bul talaptı retrospekciya, detallastırıw hám parallel qurılıs usılların úylestiriw arqalı tabıslı sheshedi. Eger dástúriy realistlik shıǵarmalarda waqıyalar ádette bir oraylıq epizod átirapında qurılatuǵın bolsa, "Beti ashılmaǵan kelinshek"te avtor birneshe onlaǵan jıllıq shańaraqlıq tariyxtı bir gúrriń sheńberine sıydırar eken, bunı tek qısqartıw yamasa tezletiw esabınan emes, al hárbir waqıyanı simvolikalıq detal yamasa gilt epizod arqalı ıqsham bildiriw esabınan ámelge asıradı. Bul - zamanagóy qaraqalpaq gúrrińshiliginde baqlanıp atırǵan "romanlastırılǵan gúrriń" yamasa "tıǵız kompoziciyalı gúrriń" tendenciyasınıń ayqın mısalı bolıp tabıladı. Sonı da atap ótiw kerek, gúrrińniń kompoziciyalıq qurılısı onıń janr shegaraların keńeytiwge xızmet etedi: shıǵarma birneshe áwladtı, keń sociallıq fondı, quramalı ádep-ikramlılıq-filosofiyalıq mashqalalardı qamtıp alar eken, dástúriy gúrriń janrına tán bolǵan "bir waqıya, bir kún, bir jaǵday" principinen sheginedi. Bunday kompoziciyalıq izleniwler házirgi zaman qaraqalpaq prozasında gúrriń janrınıń ishki imkaniyatlarınıń keńeyip baratırǵanlıǵın, onıń kompoziciyalıq qurılısınıń quramalasıp, bayıp baratırǵanlıǵınan derek beredi.

Juwmaqlap aytqanda, Oralxan Saparovanıń "Beti ashılmaǵan kelinshek" gúrrińinde kompoziciyalıq izleniw birneshe dárejede kórinedi: birinshiden, retrospektivlik-aylanba tárizli syujet qurılısı hám eki shıńlı kulminaciya arqalı; ekinshiden, gilt hám oramal sıyaqlı kóp qatlamlı mánige iye simvolikalıq detallar sisteması arqalı; úshinshiden, bas hám ekinshi dárejeli obrazlardıń kontrastlı jáne parallel jaylastırılıwı arqalı; tórtinshiden, jabıq hám ashıq keńisliklerdiń qarama-qarsılıǵına tiykarlanǵan xronotop shólkemlestiriliwi jáne waqıttı qısıw usılı arqalı; besinshiden, kóp dawıslılıq elementleri hám ırǵaqlı dialog-monolog almasıwı arqalı. Bul kompoziciyalıq ózgesheliklerdiń barlıǵı bir-birine baylanıslı túrde islep, gúrrińniń tiykarǵı ideyalıq-kórkem wazıypasın - materiallıq baylıq penen ruwxıy páklik arasındaǵı máńgi qarama-qarsılıqtı, insan qálbiniń keshikken bolsa da haqıyqatlıqqa qaytıw imkaniyatın - tásirsheń túrde ashıp beriwge xızmet etedi. Bul bolsa Oralxan Saparovanı zamanagóy qaraqalpaq gúrrińshiliginde kompoziciyalıq sheberligi menen ajıralıp turatuǵın jazıwshılar qatarına qoyıw imkaniyatın beredi.

ÁDEBIYATLAR

1. Saparova O. Beti ashılmaǵan kelinshek. Novellalar // - Nókis: “AVANGARD-BASPA”, 2025.
2. Литературная энциклопедия. – М.: НПК. Интелвак, 2001. – С. 387.
3. Хализев В.Е.Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. – С. 318.
4. Нирё Л. О значении и композиции произведения // Семиотика и художественное творчество. – М.: 1977. – С. 150.
5. Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении. Стиль. Произведение. Литературные развитие. – М.: 1965. – С. 425.
6. Жамол Камол. Лирик шеъриятда композиция // Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 294.
7. Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид) Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика Тошкент: – Фан, 1992.
8. Ўраева Д.С. Ўзбек халқ қўшиқларида параллелизмларнинг характери ва бадиий-композицион вазифалари: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – Б. 20.

Rezyume: Bul maqalada zamanagóy qaraqalpaq prozasınıń wákilleriniń biri Oralxan Saparovanıń “Beti ashılmaǵan kelinshek shıǵarması mazmun hám kompoziciyalıq jaqtan tallanadı. Izertlewde shıǵarmanıń syujet-kompoziciyalıq qurılısı, ondaǵı retrospekciya usılı, simvolikalıq detallar sisteması (gilt, oramal, seyf) hám obrazlar galereyasındaǵı kontrastlıq qurılıs máseleleri kórip shıǵıladı. Avtor gúrriń kompoziciyasınıń aylanba (dóńgelek) dúzilisin, atama menen juwmaqlawshı epizod arasındaǵı ishki baylanıstı tiykarlap beredi. Izertlew nátiyjeleri házirgi qaraqalpaq gúrrińshiligindegi kompoziciyalıq izleniwler tipologiyasın bayıtıwǵa xızmet etedi.

Tayanısh sózler: kompoziciya, retrospekciya, kórkem detal, simvolikalıq obraz, syujet qurılısı, kontrast, qaraqalpaq prozası, Oralxan Saparova, novella janrı.

Резюме: В данной статье анализируется с точки зрения содержания и композиции произведение Оралхон Сапаровой, одной из представительниц современной каракалпакской прозы, "Нераспечатанная невеста." В исследовании рассматриваются вопросы сюжетно-композиционной структуры произведения, метода ретроспекции, системы символических деталей (ключ, платок, сейф) и контрастной структуры в галерее образов. Автор обосновывает круговую структуру композиции рассказа, внутреннюю связь между названием и заключительным эпизодом. Результаты исследования служат обогащению типологии композиционных изысканий в современном каракалпакском рассказе.

Ключевые слова: композиция, ретроспекция, художественная деталь, символический образ, структура сюжета, контраст, каракалпакская проза, Оралхан Сапарова, жанр новеллы.

Summary: This article analyzes the work "An Unpublished Bride" by Oralkhon Saparova, one of the representatives of modern Karakalpak prose, from the perspective of content and composition. The study examines the issues of the work's plot-compositional structure, the retrospection method, the system of symbolic details (key, handkerchief, safe), and the contrasting structure in the image gallery. The author substantiates the circular structure of the story's composition, as well as the internal connection between the title and the final episode. The research results serve to enrich the typology of compositional research in modern Karakalpak short stories.

Keywords: composition, retrospection, artistic detail, symbolic image, plot structure, contrast, Karakalpak prose, Oralkhan Saparova, novella genre.

BASRA VA KUFA NAHV MAKTABLARIDA OMIL NAZARIYASI

Xolmirzayeva D. A.

“Xadichai Kubro” ayol - qizlar o'rta maxsus islom ta’lim muassasasining arab tili o'qituvchisi

Kirish Arab tilshunosligi islom sivilizatsiyasining eng qadimgi va eng rivojlangan ilmlaridan biridir. Qur’oni karimni to‘g‘ri o‘qish va tushunish ehtiyoji, turli xalqlarning islomni qabul qilishi natijasida arab nutqida xatolarning ko‘payishi hijriy I–II asrlardayoq nahv ilmining vujudga kelishiga sabab bo‘ldi. Bu ilmning dastlabki markazlari Iroqning ikki shahri – Basra va Kufa bo‘lib, keyinchalik ular arab grammatik tafakkurining ikki yirik maktabi sifatida tarixga kirdi.

Nahv ilmining butun binosi tayanadigan nazariy ustunlardan biri omil nazariyasidir. Mazkur nazariyaga ko‘ra, so‘z oxiridagi har bir e’rob o‘zgarishi, ya’ni raf’, nasb, jarr yoki jazm, biror sabab ta’sirida yuzaga keladi. Bu sababni nahviylar “omil”, uning ta’siriga uchragan so‘zni “ma’mul”, ta’sirning o‘zini esa “amal” deb atagan. Arab grammatikasi tarixida deyarli har bir sintaktik masala muhokamasi pirovardida omilni aniqlash masalasiga borib taqaladi. Shu bois Basra va Kufa olimlari o‘rtasidagi mashhur ixtiloflarning katta qismi aynan qaysi so‘z yoki qaysi ma’no omil vazifasini bajarishi haqidagi bahslardan iborat. O‘zbekistonda arab nahvi, ayniqsa, Movarounnahr allomalarining bu sohadagi merosi keng o‘rganilayotgan bo‘lsa-da, ikki maktabning omil nazariyasiga oid qarashlarini qiyosiy tahlil qilgan ishlar hanuz kam. Ushbu maqolaning maqsadi omil nazariyasining kelib chiqishini yoritish, Basra va Kufa maktablarining unga yondashuvini asosiy ixtilofli masalalar misolida qiyoslash hamda nazariyaning keyingi taqdirini, jumladan, Movarounnahr nahv an’anasidagi o‘rnini ko‘rsatib berishdan iborat.

Omil nazariyasining kelib chiqishi va mohiyati. Omil tushunchasining ildizlari nahv ilmining ilk bosqichlariga borib taqaladi. Rivoyatlarga ko‘ra, Abul Asvad ad-Du’aliy Qur’on mushafiga nuqtalar bilan harakat belgilarini qo‘yganida so‘z oxiridagi unli o‘zgarishlariga alohida e’tibor qaratgan. Keyingi avlod olimlari Abdulloh ibn Abu Ishoq al-Hazramiy, Iso ibn Umar as-Saqafiy va Abu Amr ibn al-Alo e’rob hodisalarini qiyos asosida izohlashga harakat qilgan. Biroq omil nazariyasi to‘liq tizim holiga Xalil ibn Ahmad al-Farohidiy va uning shogirdi Sibavayh davrida keldi. Talmon hijriy II asr Iroq grammatikasini o‘rganib, Xalilgacha bo‘lgan davrda ham ta’sir qiluvchi va ta’sirlanuvchi unsurlar haqidagi tasavvurlar mavjud bo‘lganini, ammo ular hali yagona atamalar tizimiga ega bo‘lmaganini qayd etadi (Talmon, 2003:212). Sibavayhning “al-Kitob” asarida omil nazariyasi butun grammatik tahlilning asosiy tamoyiliga aylangan. Muallif asar boshidayoq so‘z oxiridagi sakkiz xil holatni sanab o‘tadi va ularni ikki guruhga ajratadi: omil ta’sirida o‘zgaradigan holatlar hamda omilga bog‘liq bo‘lmagan doimiy holatlar (Sibawayh,

1988: 13). Birinchi guruhni u raf’, nasb, jarr va jazm, ikkinchisini esa zamm, fath, kasr va vaqf deb nomlaydi. Shu tariqa e’rob va bino o‘rtasidagi farq aynan omil tushunchasi orqali belgilab beriladi.

Baalbakiy ta’kidlashicha, Sibavayh uchun omil shunchaki mexanik sabab emas, balki gapdagi so‘zlar o‘rtasidagi munosabatlarni tushuntiruvchi tahliliy vosita edi (Baalbaki, 2008: 28). Omil kuchli yoki kuchsiz bo‘lishi, oldinga yoki orqaga surilishi, hatto nutqda zohir bo‘lmay, taqdir qilinishi ham mumkin. Masalan, ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا “Zayd Amrni urdi” gapida fe’l ham fo‘ilni raf’ga, ham maf’ulni nasbga keltiradi. Fe’l nahviylar nazdida eng kuchli omil hisoblangani sababli uning amali boshqa omillar uchun o‘lchov bo‘lib xizmat qiladi.

Omillar ikki turga bo‘linadi: lafziy omil nutqda aniq ko‘rinib turadi, ma’naviy omil esa lafzda ifodalanmagan, faqat aqlan anglashiladigan ta’sirdir. Lafziy omillarga fe’llar, harflar, ayrim ismlar va fe’lga o‘xshash so‘zlar kiradi. Ma’naviy omil masalasi ancha murakkab bo‘lib, aynan shu nuqtada Basra va Kufa maktablari o‘rtasidagi eng jiddiy ixtiloflar yuzaga kelgan. Versteeg fikricha, omil nazariyasining bunday keng miqyosda qo‘llanishi arab grammatiklarining tilni qat’iy mantiqiy tartibga ega tizim sifatida ko‘rishga intilganidan dalolat beradi (Versteegh, 1997:76).

Basra maktabida omil talqini. Basra maktabi arab tilshunosligida qiyos va ta’lil, ya’ni har bir hodisaga sabab ko‘rsatish tamoyiliga qat’iy amal qilishi bilan ajralib turadi. Uning yirik vakillari Xalil ibn Ahmad, Sibavayh, al-Axfash al-Avsat, al-Moziniy va al-Mubarrad bo‘lib, ular til materialini faqat fasohati tan olingan qabilalardan olishga, yakka yoki kam uchraydigan shakllarni qoida asosi qilmaslikka intilgan. Shavqiy Zayf Basra olimlarining bu yondashuvini tilni tartibli va ziddiyatsiz qonuniyatlar majmui sifatida tasvirlashga bo‘lgan intilish bilan izohlaydi (Dayf, 1968:19).

Basriylar nazdida omil tizimi bir qator qat’iy tamoyillarga bo‘ysunadi. Birinchidan, har bir e’robning albatta omili bor, omilsiz e’rob bo‘lmaydi. Ikkinchidan, bitta ma’mulga bir vaqtning o‘zida ikki omil ta’sir qila olmaydi. Uchinchidan, asl holatda omil ma’muldan oldin keladi. To‘rtinchidan, amalda fe’l asl hisoblanadi, ismlar va harflar esa fe’lga o‘xshashligi darajasida amal qiladi. Nihoyat, ma’naviy omillar soni imkon qadar cheklangan bo‘lishi lozim.

Basra maktabi tan olgan ma’naviy omillar asosan ikkitadir. Birinchisi “ibtido” bo‘lib, u mubtadoni raf’ga keltiradi. Ibtido deganda ismning lafziy omillardan xoli qilinib, xabar berish maqsadida gap boshiga qo‘yilishi tushuniladi. Ikkinchisi muzore fe’lning ism o‘rnida kelishidir: basriylar fikricha, aynan shu holat muzore fe’lni raf’ga keltiradi. Zajjojiy nahviy illatlarni ta’limiy, qiyosiy va jadaliy-nazariy turlarga ajratar ekan, bunday izohlarning ko‘pchiligi ikkinchi va uchinchi darajali illatlar sirasiga kirishini ko‘rsatadi (al-Zajjaji, 1979:64).

Shuni ta’kidlash kerakki, Basra maktabining omil nazariyasi keyinchalik Bag‘dod va boshqa ilmiy markazlarda umume’tirof etilgan “rasmiy” nazariyaga aylandi.

Kufa maktabida omil talqini. Kufa maktabi Basradan birmuncha kechroq shakllangan. Uning asoschilari sifatida Abu Ja’far ar-Ruosiy va Muoz al-Harro tilga olinsa-da, maktabning haqiqiy nazariy asoslarini Aliy ibn Hamza al-Kisoiy va uning shogirdi Yahyo ibn Ziyod al-Farro yaratgan. Keyinchalik Sa’lab bu an’anani davom ettirgan. Mahdiy al-Maxzumiy Kufa maktabining o‘ziga xosligini uning samo’ga, ya’ni arablardan bevosita eshitilgan jonli nutq materialiga keng tayanishida ko‘radi (al-Makhzumi, 1958: 376).

Kufiylar bitta she’riy misra yoki kamdan-kam uchraydigan qo‘llanish asosida ham qoida chiqarishni joiz sanagan, fasohat doirasini ham kengroq tushungan. Bunday yondashuv omil nazariyasiga ham ta’sir ko‘rsatdi: Kufa olimlari tilni sun’iy taqdirlar bilan izohlashdan ko‘ra, uni kuzatilgan holicha tavsiflashni afzal ko‘rgan. Shu bilan birga, ular omil tushunchasining o‘zini inkor etmagan. Aksincha, al-Farroning “Ma’oniy al-Qur’on” asarida omil atamasi va unga asoslangan tahlil keng qo‘llanadi (al-Farra’, 1983:14).

Kufa maktabining omil talqinidagi asosiy xususiyati ma’naviy omillarga munosabatida namoyon bo‘ladi. Kufiylar basriylarning ibtido va ism o‘rnida kelish kabi ma’naviy omillarini tanqid qilgan, lekin o‘z navbatida boshqa ma’naviy omillarni ilgari surgan. Ular orasida “xilof” (muxolif bo‘lish, farqlanish), “sarf” (ma’noni boshqa tomonga burish) va “tajarrud” (nasb va jazm omillaridan xoli bo‘lish) alohida o‘rin tutadi. Bundan tashqari, kufiylar ikki unsurning o‘zaro bir-biriga amal qilishini joiz deb bilgan, basriylar esa buni qat’iyan rad etgan.

Atamalar sohasida ham farqlar ko‘zga tashlanadi. Kufiylar basriylarning “jarr” atamasi o‘rniga “xafz”, “zarf” o‘rniga “sifa” yoki “mahall”, “zamir” o‘rniga “kinoya” yoki “makniy”, “zamir al-fasl” o‘rniga “imod”, jinsni inkor etuvchi “lo” o‘rniga esa “tabri’a” atamasini qo‘llagan (Dayf, 1968:166). Bu farqlar ba’zan shunchaki nomlanishdagi tafovut bo‘lsa, ba’zan hodisani boshqacha tushunishni aks ettiradi.

Zamonaviy tadqiqotchilar Kufa maktabini yaxlit va izchil nazariy tizim sifatida ko‘rsatishga ehtiyotkorlik bilan yondashadi. Ouens ilk arab grammatik nazariyasi ancha xilma-xil bo‘lganini, ikki maktab o‘rtasidagi keskin qarama-qarshilik tasviri esa ko‘p jihatdan keyingi davr Bag‘dod olimlari tomonidan shakllantirilganini ta’kidlaydi (Owens, 1990:3). Shunga qaramay, omil masalasidagi ixtiloflar tarixiy manbalarda aniq qayd etilgan va ular ikki xil metodologik yondashuv mavjud bo‘lganini tasdiqlaydi.

Omil masalasidagi asosiy ixtiloflar. Ikki maktab o‘rtasidagi bahslar eng to‘liq holda Abul Barakot ibn al-Anboriyning “al-Insof fi masoil al-xilof bayna an-nahviyyin al-basriyyin va al-kufiyyin” asarida jamlangan. Muallif bu kitobda 121 ta ixtilofli masalani ko‘rib chiqadi va har birida avval kufiylarning, so‘ng basriylarning dalillarini keltirib, o‘z xulosasini bayon etadi. Ibn al-Anboriy aksariyat masalalarda Basra tomonini qo‘llab-quvvatlagan. Quyida ulardan omil nazariyasi bilan bevosita bog‘liq bo‘lganlari tahlil qilinadi.

Mubtado va xabarning raf’i. زَيْدٌ قَائِمٌ “Zayd turuvchi” kabi ismli gapda mubtado ham, xabar ham marfu’ holatda keladi. Basriylar fikricha, mubtadoni ma’naviy omil bo‘lgan ibtido raf’ga keltiradi, xabarni esa mubtado yoki ibtido bilan mubtadoning birgalikdagi ta’siri raf’ga keltiradi. Kufiylar mubtado va xabar bir-birini raf’ga keltiradi, degan qarashni ilgari surgan va bu hodisani “tarofu’” deb atagan (Ibn al-Anbari, 2003:44).

Kufiylarning dalili shundan iboratki, mubtado xabarsiz, xabar esa mubtadosiz to‘liq ma’no bermaydi, demak, ular bir-biriga muhtoj va bir-biriga amal qiladi. Basriylar bunga javoban omil ma’muldan oldin kelishi kerakligini, bir so‘zning ayni bir vaqtda ham omil, ham ma’mul bo‘lishi mantiqan to‘g‘ri kelmasligini ta’kidlaydi. Ibn al-Anboriy bu masalada basriylarni haq deb topgan. Zamaxshariy ham “al-Mufassal” asarida mubtado va xabarni ibtido raf’ga keltirishini qayd etib, Basra qarashiga ergashadi (al-Zamakhshari, 1993:44).

Muzore fe’lning raf’i. يَقُومُ زَيْدٌ “Zayd turadi” gapidagi muzore fe’l marfu’dir, lekin uning oldida hech qanday lafziy omil yo‘q. Basriylar muzore fe’lni uning ism o‘rnida kela olishi raf’ga keltiradi, deydi: haqiqatan ham, bu fe’l o‘rniga قَائِمٌ ismini qo‘yish mumkin. Kufiylar, xususan, al-Farro esa fe’lning nasb va jazm omillaridan xoli bo‘lishi, ya’ni tajarrudi uni raf’ga keltiradi, degan fikrni bildirgan (Ibn al-Anbari, 2003:551).

Bu masalada keyingi davr nahviylarining bir qismi, jumladan, Ibn Molik ham Kufa qarashini ma’qulroq topgan, chunki basriylar izohi ism kela olmaydigan o‘rinlarda muzore fe’lning marfu’ bo‘lishini tushuntirib bera olmaydi.

Maf’ul bihning nasbi. Basriylar fikricha, ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا gapida maf’ul bihni faqat fe’l nasbga keltiradi. Kufiylar orasida bu masalada yakdillik bo‘lmagan. Al-Farro maf’ulni fe’l va fo‘il birgalikda nasbga keltiradi, deb hisoblagan; Hishom ibn Mu’oviya omil fo‘ilning o‘zi ekanini aytgan; Xalaf al-Ahmarga esa maf’ulni “maf’uliyat” ma’nosi nasbga keltiradi, degan qarash nisbat beriladi (Ibn al-Anbari, 2003:78). Bu xilma-xillik Kufa maktabi omil masalasida basriylar singari qat’iy yagona tizimga ega bo‘lmaganini ko‘rsatadi.

Tanozu’ masalasi. Tanozu’ deganda ikki omilning bitta ma’mulga talabgor bo‘lishi tushuniladi. Masalan, ضَرَبَنِي وَضَرَبْتُ زَيْدًا gapida birinchi fe’l Zayd so‘zini fo‘il sifatida, ikkinchi fe’l esa maf’ul sifatida talab qiladi. Basriylar yaqinroq turgan ikkinchi omilga ustunlik berib, bu so‘zni mansub o‘qishni afzal sanaydi. Kufiylar esa oldin kelgani uchun birinchi omil ustun bo‘lishi kerak, deb hisoblab, ضَرَبَنِي وَضَرَبْتُ زَيْدٌ shaklini ma’qul ko‘radi (Ibn al-Anbari, 2003:83).

Bu bahsda ikki maktabning mantiqiy tamoyillari to‘qnashadi. Basriylar yaqinlik tamoyiliga hamda Qur’on va she’riyatdagi ko‘plab misollarga tayanadi, kufiylar esa oldin kelishning ustunligini asos qilib oladi. Ibn al-Anboriy bu masalada ham Basra dalillarini kuchliroq deb topgan.

Xilof va sarf omillari. Kufa maktabining o‘ziga xos ma’naviy omillari eng yorqin namoyon bo‘ladigan o‘rinlardan biri زَيْدٌ عِنْدَكَ “Zayd sening oldingda” kabi gaplardir. Bu yerda zarf xabar vazifasida kelgan va mansub holatda turibdi. Basriylar zarfning nasbini “istaqarra” (qaror topdi) yoki “mustaqirrun” kabi taqdir qilingan omil bilan izohlaydi. Kufiylar esa bunday yashirin omilni ortiqcha deb bilib, zarfni xilof, ya’ni xabarning mubtadodan ma’no jihatidan farq qilishi nasbga keltiradi, deb hisoblagan (Ibn al-Anbari, 2003:245). Ularning mantiqiga ko‘ra, زَيْدٌ أَخُوكَ “Zayd sening ukang” gapida xabar mubtadoning aynan o‘zi bo‘lgani uchun marfu’ keladi, zarf esa mubtadoning o‘zi bo‘lmagani uchun unga muxolif sifatida mansub bo‘ladi.

Xuddi shunday, لَا تَأْكُلِ السَّمَكَ وَتَشْرَبَ اللَّبَنَ “Baliq yeb, ustidan sut ichma” gapidagi muzore fe’lning nasbini basriylar vov harfidan keyin yashirin “an” bilan izohlaydi. Al-Farro esa bu yerda ikkinchi fe’lning birinchi fe’l hukmidan burilishini, ya’ni “sarf”ni nasbga sabab deb biladi (al-Farra’, 1983: 34). Kufiylar nuqtai nazaridan, bu izoh taqdirlar sonini kamaytirib, jumlaning ma’nosiga yaqinroq keladi. Basriylar esa ma’nolarni omil sifatida ko‘paytirish qiyos tizimini buzadi, deb e’tiroz bildirgan.

“Inna”ning xabarga amali. إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ gapida basriylar “inna” ismni nasbga, xabarni esa raf’ga keltiradi, deb hisoblaydi. Kufiylarga ko‘ra, “inna” faqat ismga amal qiladi, xabar esa avvalgidek, mubtado bilan bog‘liqligi sababli marfu’ligicha qoladi (Ibn al-Anbari, 2003:176). Basriylar “inna” fe’lga o‘xshash harf bo‘lgani uchun fe’l kabi ikki ma’mulga amal qilishini dalil qilib keltiradi.

Keltirilgan masalalar ikki maktabning omil nazariyasiga yondashuvida umumiy qonuniyatni ko‘rishga imkon beradi. Basriylar tizimning ichki izchilligini birinchi o‘ringa qo‘yadi va buning uchun taqdir qilingan omillardan foydalanishdan cho‘chimaydi. Kufiylar esa ma’no va jonli nutqqa yaqinlikni ustun qo‘yib, taqdirlarni kamaytirishga, lekin buning evaziga yangi ma’naviy omillarni kiritishga moyil. Bohas, Giyom va Kulug‘li arab grammatik nazariyasini tavsiflar ekan, omil tushunchasi ikki maktab uchun ham umumiy tahlil tili bo‘lganini, ixtilof esa shu tilning qanday qo‘llanishi atrofida borganini ta’kidlaydi (Bohas et al., 1990:58).

Omil nazariyasiga tanqidiy qarashlar. Omil nazariyasi arab tilshunosligida hukmron mavqega ega bo‘lishiga qaramay, u tarix davomida jiddiy tanqidlarga ham uchragan. Bunday tanqidning dastlabki ko‘rinishini Ibn Jinniy qarashlarida uchratish mumkin. U “al-Xasois” asarida lafziy va ma’naviy omillar haqida so‘z yuritib, raf’, nasb, jarr va jazmni haqiqatda mutakallimning o‘zi yuzaga keltirishini, omillar haqidagi gaplar esa so‘zlar o‘rtasidagi munosabatni tushuntirish uchun qo‘llanadigan majoziy ifoda ekanini ta’kidlaydi (Ibn Jinni, 1952:110).

Nazariyaga eng keskin hujumni andaluslik olim Ibn Mazo al-Qurtubiy (vafoti 592/1196) uyushtirgan. U “Kitob ar-radd ala an-nuhot” asarida nahviylarni omillar, taqdir qilingan unsurlar hamda ikkinchi va uchinchi darajali illatlar bilan tilni keraksiz murakkablashtirishda ayblaydi. Zohiriy mazhab ta’sirida bo‘lgan Ibn Mazo so‘zlarning e’rob holatini arablar shunday so‘zlagani bilan izohlashning o‘zi kifoya, deb hisoblagan va omil nazariyasini nahvdan chiqarib tashlashni taklif qilgan (Ibn Mada’, 1947:76).

XX asrda bu tanqid yangi kuch bilan davom ettirildi. Misrlik olim Ibrohim Mustafo “Ihyo an-nahv” asarida nahviylar e’robni omil ta’siri bilan izohlashga berilib ketib, uning ma’no bilan aloqasini e’tibordan chetda qoldirganini ta’kidlagan. Uning fikricha, zamma so‘zning isnod qilinganini, ya’ni gapning asosiy qismi ekanini, kasra esa izofani bildiradi (Mustafa, 1937:50). Tammom Hasson omil o‘rniga “qarinalar uyg‘unligi” nazariyasini taklif qilib, gapdagi ma’no birgina e’rob belgisi bilan emas, balki so‘z tartibi, moslashuv, ohang va boshqa qarinalar yig‘indisi orqali aniqlanishini ko‘rsatgan (Hassan, 1973:207). Shunga qaramay, omil nazariyasi hozirgacha an’anaviy arab grammatikasini o‘qitishning asosiy tahliliy vositasi bo‘lib qolmoqda.

Movarounnahr nahv an’anasida omil nazariyasi. Omil nazariyasi Movarounnahr ilmiy muhitida ham chuqur o‘zlashtirilgan. Xorazmlik buyuk olim Mahmud az-Zamaxshariy “al-Mufassal” asarida nahv masalalarini ism, fe’l, harf va mushtarak bo‘limlar tartibida bayon qilar ekan, asosan Basra maktabi qarashlariga tayangan, biroq ayrim o‘rinlarda mustaqil fikr ham bildirgan. Ushbu asarga Ibn Ya’ish tomonidan yozilgan keng sharhda omil masalalari, jumladan, ibtidoning ma’naviy omil sifatidagi mohiyati batafsil muhokama qilinadi (Ibn Ya’ish, 2001:222).

Movarounnahr madrasalarida nahv o‘qitishning dastlabki bosqichida Abdulqohir al-Jurjoniyning “al-Avomil al-mi’a” risolasi keng qo‘llangan. Bu kichik asarda muallif yuzta omilni ixcham tizimga soladi: ulardan to‘qson bittasi samo’iy lafziy, yettitasi qiyosiy lafziy va ikkitasi ma’naviy omillardir (al-Jurjani, 1988:73). Ma’naviy omillar sifatida mubtado va xabarni raf’ga keltiruvchi ibtido hamda muzore fe’lni raf’ga keltiruvchi omil ko‘rsatiladi. Demak, Movarounnahr ta’lim an’anasiga omil nazariyasi aynan Basra talqinida kirib kelgan.

Bu holat bejiz emas. Basra nazariyasining izchilligi va qat’iy tasnifi uni ta’lim uchun qulay qilgan. Buxoro va Samarqand madrasalarida talabalar nahvni avval “Avomil” orqali, so‘ngra Ibn Hojibning “Kofiya”si va unga Abdurahmon Jomiy yozgan sharh asosida o‘rgangan. Bu tizim omil nazariyasini bir necha asr davomida mintaqa ilmiy tafakkurining ajralmas qismiga aylantirdi.

Xulosa. Olib borilgan tahlil omil nazariyasi arab nahvining markaziy tushunchasi ekanini hamda Basra va Kufa maktablari bu nazariyani inkor etmagan holda, uni turlicha talqin qilganini ko‘rsatadi. Ikki maktab o‘rtasidagi ixtilof omilning mavjudligi haqida emas, balki uning tabiati, soni va qo‘llanish chegaralari haqida bo‘lgan.

Basra maktabi qiyos va ta’lilga asoslangan izchil tizim yaratib, ma’naviy omillarni ikkitaga, ya’ni ibtido va muzore fe’lning ism o‘rnida kelishiga cheklagan, qolgan hollarda esa taqdir qilingan lafziy omillarga murojaat qilgan. Uning tamoyillariga ko‘ra, har bir e’robning omili bo‘ladi, omil ma’muldan oldin keladi va ikki omil bir ma’mulga birgalikda ta’sir qilmaydi. Kufa maktabi esa samo’ va ma’noga ko‘proq tayangan, taqdirlarni kamaytirishga intilgan, ammo xilof, sarf, tajarrud kabi yangi ma’naviy omillarni kiritgan hamda tarofu’ga, ya’ni ikki unsurning o‘zaro bir-biriga amal qilishiga yo‘l qo‘ygan. Tarixiy jarayonda Basra talqini ustun kelib, Bag‘dod, Andalus va Movarounnahr ilmiy an’analarida umume’tirof etilgan me’yorga aylandi.

Shu bilan birga, Ibn Jinniy va Ibn Mazodan boshlangan tanqidiy qarashlar hamda zamonaviy tilshunoslarning izlanishlari omil nazariyasining cheklovlarini ham ko‘rsatib berdi. Kelgusida Movarounnahr olimlarining nahviy asarlarida, ayniqsa, qo‘lyozma holida saqlanayotgan sharh va hoshiyalarda Basra va Kufa qarashlari qanday aks etganini maxsus o‘rganish muhim ilmiy vazifa bo‘lib qoladi.

ADABIYOTLAR

1. Baalbaki, R. (2008). The legacy of the Kitab: Sibawayhi’s analytical methods within the context of the Arabic grammatical theory. Brill.
2. Bohas, G., Guillaume, J.-P., & Kouloughli, D. E. (1990). The Arabic linguistic tradition. Routledge.
3. Dayf, S. (1968). Al-Madaris al-nahwiyya. Dar al-Ma’arif.
4. al-Farra’, Y. ibn Z. (1983). Ma’ani al-Qur’an (A. Y. Najati & M. ’A. al-Najjar, Eds.; 3rd ed., Vol. 1). ’Alam al-Kutub.
5. Hassan, T. (1973). Al-Lugha al-’arabiyya: Ma’naha wa-mabnaha. Al-Hay’a al-Misriyya al-’Amma li-l-Kitab.
6. Ibn al-Anbari, A. al-B. (2003). Al-Insaf fi masa’il al-khilaf bayna al-nahwiyyin al-basriyyin wa-l-kufiyyin (M. M. ’Abd al-Hamid, Ed.). Al-Maktaba al-’Asriyya.
7. Ibn Jinni, A. al-F. ’U. (1952). Al-Khasa’is (M. ’A. al-Najjar, Ed.; Vol. 1). Dar al-Kutub al-Misriyya.
8. Ibn Mada’ al-Qurtubi, A. (1947). Kitab al-radd ’ala al-nuhat (S. Dayf, Ed.). Dar al-Fikr al-’Arabi.
9. Ibn Ya’ish, M. ibn ’A. (2001). Sharh al-Mufassal li-l-Zamakhshari (E. B. Ya’qub, Ed.; Vol. 1). Dar al-Kutub al-’Ilmiyya.
10. al-Jurjani, ’A. al-Q. (1988). Al-’Awamil al-mi’a al-nahwiyya fi usul ’ilm al-’arabiyya (K. al-Azhari, Commentary; al-B. Zahran, Ed.; 2nd ed.). Dar al-Ma’arif.
11. al-Makhzumi, M. (1958). Madrasat al-Kufa wa-manhajuha fi dirasat al-lugha wa-l-nahw (2nd ed.). Mustafa al-Babi al-Halabi.
12. Mustafa, I. (1937). Ihya’ al-nahw. Lajnat al-Ta’lif wa-l-Tarjama wa-l-Nashr.
13. Owens, J. (1990). Early Arabic grammatical theory: Heterogeneity and standardization. John Benjamins.
14. Sibawayh, A. B. ’A. ibn ’U. (1988). Al-Kitab (’A. M. Harun, Ed.; 3rd ed., Vol. 1). Maktabat al-Khanji.
15. Talmon, R. (2003). Eighth-century Iraqi grammar: A critical exploration of pre-Halilian Arabic linguistics. Eisenbrauns.
16. Versteegh, K. (1997). The Arabic linguistic tradition. Routledge.
17. al-Zajjaji, A. al-Q. (1979). Al-Idah fi ’ilal al-nahw (M. al-Mubarak, Ed.; 3rd ed.). Dar al-Nafa’is.
18. al-Zamakhshari, M. ibn ’U. (1993). Al-Mufassal fi san’at al-i’rab (’A. Bu Mulhim, Ed.). Dar wa-Maktabat al-Hilal.

Annotatsiya. Maqolada arab nahvining markaziy nazariy tushunchalaridan biri bo‘lgan omil nazariyasining Basra va Kufa maktablarida shakllanishi hamda talqini qiyosiy tahlil qilinadi. Nazariyaning Xalil ibn Ahmad va Sibavayh asarlaridagi ilk ko‘rinishlari, lafziy va ma’naviy omillar tasnifi yoritiladi. Ibn al-Anboriyning “al-Insof” asari asosida mubtado va xabarning raf’i, muzore fe’lning raf’i, maf’ul bihning nasbi, tanozu’, xilof va sarf omillari hamda “inna”ning amali kabi ixtilofli masalalar ko‘rib chiqiladi. Basra maktabining qiyos va ichki izchillikka, Kufa maktabining esa samo’ va ma’noga tayangan yondashuvi o‘rtasidagi farqlar ochib beriladi. Shuningdek, Ibn Jinniy, Ibn Mazo al-Qurtubiy va zamonaviy tilshunoslarning omil nazariyasiga tanqidiy qarashlari hamda nazariyaning Movarounnahr nahv an’anasidagi, xususan, Zamaxshariy merosi va madrasa ta’limidagi o‘rni tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: omil, ma’mul, amal, e’rob, Basra maktabi, Kufa maktabi, ibtido, xilof, tanozu’, Sibavayh, Ibn al-Anboriy.

Аннотация. В статье проводится сравнительный анализ формирования и интерпретации теории фактора, являющейся одним из центральных теоретических понятий арабского синтаксиса, в школах Басры и Куфы. Освещаются ранние проявления теории в трудах Халиля ибн Ахмада и Сибавейха, классификация словесных и духовных факторов. На основе произведения Ибн аль-Анбари "аль-Инсоф" рассматриваются такие спорные вопросы, как рафи мубтадо и хабар, рафи музоре глагола, насби мафъул бих, факторы таназу, хилаф и сарф, а также действие "инна." Раскрываются различия между подходом школы Басра, основанным на сравнении и внутренней последовательности, и подходом школы Куфа, основанным на само и смысле. Также анализируются критические взгляды Ибн Джинни, Ибн Маза аль-Куртуби и современных лингвистов на теорию факторов, а также роль этой теории в синтаксической традиции Мавераннахра, в частности, в наследии Замахшари и образовании медресе.

Ключевые слова: фактор, мамул, амал, эроб, школа Басры, школа Куфы, начало, противоречие, таназу, Сибавейх, Ибн

Abstract. The article provides a comparative analysis of the formation and interpretation of factor theory, one of the central theoretical concepts of Arabic grammar, in the schools of Basra and Kufa. The first manifestations of the theory in the works of Khalil ibn Ahmad and Sibavayh, the classification of verbal and spiritual factors are highlighted. Based on Ibn al-Anbari's work "al-Insaf," controversial issues such as the rafi of the mubtado and the khabar, the rafi of the muzore verb, the nasb of the maf'ul bih, the factors of tanazu', xilof and sarf, and the action of "inna" are considered. The differences between the Basra school's approach based on comparison and internal consistency, and the Kufa school's approach based on samö and meaning are revealed. It also analyzes the critical views of Ibn Jinni, Ibn Maza al-Qurtubi, and modern linguists on factor theory, as well as the role of the theory in the syllabic tradition of Mawarannahr, particularly in the legacy of Zamakhshari and madrasah education.

Key words: factor, ma'mul, amal, e'rob, Basra school, Kufa school, ibtido, xilof, tanozu', Sibavayh, Ibn

---

K. MÁMBETOV SHÍǴARMALARÍNDA LEKSIKALÍQ QURALLARDÍŃ LINGVOPOETIKALÍQ ANALIZI

Orazımbetova R.M.
Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Kirisiw. Hár qanday jazıwshı xalıqtıń belgili bir dáwirdegi turmısın, onıń ótkendegi tariyxın súwretleydi. Jazıwshı shıǵarmada sóz etilgen waqıyalarǵa óziniń qatnasın, oy-pikirlerin de bildiredi hám usı maqsette tildegi sózlerdi tańlap qollanadı. Sonlıqtan da, kórkem shıǵarmanıń mazmunı onıń forması menen, ondaǵı sóz qollanıw ózgeshelikleri hám stil menen tıǵız baylanıslı boladı. Jazıwshınıń stili degende onıń óz pikirin bayanlawdaǵı ózine tán bolǵan sóz tańlaw hám gáp quraw ózgeshelikleri túsiniledi. Jazıwshı shıǵarmada tek turmıstaǵı zat hám qubılıslardı ǵana tańlap qoymay, olardı bayanlaw, súwretlew usılların da tańlaydı.

Ádebiy shıǵarma tilin úyrengende, onıń kórkemlik formalarınıń barlıq tárepleri emes, al tek kórkem obraz ushın jazıwshı tárepinen paydalanılǵan til quralları izertleniledi, yaǵnıy shıǵarmanıń jeke obrazlıq qurılısın payda etiwde jazıwshınıń til quralların qalay paydalanǵanlıǵı anıqlanadı. Jazıwshı kórkem obraz jasaw ushın solarǵa sáykes til quralların izleydi, olardı tańlap qollanadı, kórkem shıǵarmanıń mazmunı, obrazları usı qurallar arqalı kórinedi. Sonlıqtan da, D. N. Shmelevtiń kórsetkenindey, kórkem shıǵarmada tek ǵana «ne aytılǵanı emes, al ol haqqında qalay aytılǵanı úlken áhmiyetke iye» [1, 16]. Jazıwshınıń ullılıǵın kórsetiwshi baslı belgilerdiń biri – onıń sóz qollanıw, sóz tańlaw sheberligi. Kórkem shıǵarma tilindegi sinonim, antonim hám omonim sıyaqlı leksikalıq birlikler shayır yamasa jazıwshınıń kórkemlik-estetikalıq maqsetin júzege shıǵarıwda qolay hám ónimli qural bolıp esaplanadı.

Lingvopoetikalıq izertlewdiń tiykarǵı maqseti kórkem shıǵarmanıń estetikalıq bahası hám tásirsheńlik kúshin belgilep beriwden ibarat bolıp tabıladı. Lingvopoetikalıq máselelerdi sheshiwde, tiykarınan, jazıwshınıń sóz qollanıwdaǵı kórkemlik sheberligin úyreniw jetekshi faktorlardan biri esaplanadı.

